

# Жаҳон АДАБИЁТИ

Адабий-бадший, ижтимоий-публицистик журнал

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ  
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР  
УОШМАСИ

РЕСПУБЛИКА  
МАЎНАВИЯТ  
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 6 (193)

2013 йил, июнь

## МУНДАРИЖА

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ  
Жондин сени кўп севармен...  
(Ш. Сирожиддинов, Г. Одилова).....2

НАСР  
**Бенгал ҳикоялари.** (Рус тилидан Назира  
Жўраева тарж.).....7

Ф.М. ДОСТОЕВСКИЙ. **Иблислар.**  
Роман. (Рус тилидан Иброҳим Ғафуров  
тарж.).....44

Н.СОСЭКИ. **Қалб.** Роман. (Япон тилидан  
Нодира Аминова тарж.).....120

ДРАМАТУРГИЯ  
М.БУЛГАКОВ. **Дон Кихот.** Драма. (Рус  
тилидан Низом Комил тарж.).....92

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ  
Замонавий рус шеърияти. **Шеърлар**  
(Рус тилидан У. Азим ва Х.Рустамова  
тарж.).....28

Жаҳон болалар шеърияти. **Шеърлар.** (Рус  
тилидан А. Акбар ва қирғиз тилидан Т.  
Адашбоев тарж.).....112

АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА  
Акмал САИДОВ «**Иблислар**» – огоҳлик  
ва башорат романи.....85

Абдулла УЛУҒОВ. Туш – ғаройиб  
**жумбоқ**.....145

Нарзулла ЖЎРАЕВ. **Таваллодан  
муножотгача**.....161

Мо ЯНЬ. **Қиссагўй.** Нобель маърузаси. (Рус  
тилидан А. Файзулла тарж.).....172

ЖАҲОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ  
**Унутилмас сиймолар** .....181  
**Муқоламизда** .....203  
**Тақвим**.....204



## “...МЕН ТЕЛБА САРГАРДОН ҲАҶУЗ”

*Сел ун чектию савдо менда бепоён ҳануз,  
Даши т сарсабз ўлдию мен телба саргардон ҳануз –*

*Гунбадин қилди иморат гунчанинг ёз ёмгури,  
Телба кўнглум уйи савдо селидин вайрон ҳануз.*

*Ҳар қуруқ шох ўлди даши узра сабодин ҳуллапўи,  
Тинмагур жисмим жунун водийсида урён ҳануз.*

*Тонг насими бирла найсон ёмгури, не судким,  
Оҳу ашким даҳр аро ҳар дам солур тўфон ҳануз.*

*Ёнгил, эй Исодамим, ҳуснунг баҳори ҳаққиким,  
Бордурур муҳлик жунунимга даво имкон ҳануз.*

*Не осиг ҳар оқ гул ўлса марҳам учун бир момуқ,  
Чунки чиқмайдур ярамдин гунчадек пайкон ҳануз.*

*Даши ҳайвони қочарлар суҳбатимдин ром қилиб,  
Ақли йўқ носих гумон айлар мени инсон ҳануз.*

*Ком етурмак ганимат англа ҳолат аҳлига,  
Эй ганий, бу дамки коминг бирладур даврон ҳануз.*

*Шайх манъ айлар жунун ҳар дам Навоийга, кўрунг,  
Ким баҳор айёмида оқилдур ул нодон ҳануз.*

Алишер Навоий ғазалларини мутолаа қилар эканмиз, шоир кўп ўринларда ўз лирик қаҳрамонини телба, мажнун, савдойи деб атаганлиги, унинг ҳолатини тасвирлашда “жунун”, “савдо”, “девоналик” сўзларидан фойдаланганининг гувоҳи бўламиз. Шоирнинг машҳур ғазалларидан бири

*Жунун водийсида мойил кўрармен жони зоримни,  
Тилармен бир йўли бузмоқ бузулгон рўзгоримни.*

деб бошланади. Бошқа бир ғазалида у:

*Менинг мажнунлугумга ишқу савдо эрур боис,  
Ва лекин бу ишга бир парий пайкар эрур боис.*

деб ёзади. Ўзининг “Юзи гулчеҳра соқийнинг тараб ҳукмига туғродур” деб бошланувчи ғазалида Навоий лирик қаҳрамоннинг савдоси хирад аҳлини ҳам савдойи қилиши мумкинлигини ифодаловчи шундай мисраларни битади:

*Дамим дуди хирад аҳлин қилур ҳар лаҳза савдойи,  
Димогимда кўрунг ул зулф мушкидин не савдодур.*

Буюк мутафаккир шоир девонларида юқоридаги сингари байтларнинг кўп учраши тасодифий ҳол эмас, балки шоир лирикасининг мазмун-моҳияти, унда инсон қалбининг кечинмалари ва дардларининг акс эттирилиши билан боғлиқдир. Зеро, телбалик ва жунун, савдойилик ва девоналикнинг зимнида инсон дарди, алами, изтироблари ётади. Шоирнинг лирик қаҳрамони кўнгил кишиси, дардманд инсон. Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девони таркибига кирган:

*Сел ун чектию савдо менда бепоён ҳануз,  
Дашт сарсабз ўлдию мен телба саргардон ҳануз –*

матлаъси билан бошланувчи ғазали ҳам ана шундай инсон, лирик қаҳрамон кечинмалари тасвирига бағишланган. Ғазал тўққиз байтдан иборат. Санъаткорона битилган матлаъдаги сўз ва иборалар бир-бири билан ўзаро боғлиқ, жумладан, биринчи мисрадаги “сел” – савдо билан, иккинчи мисрадаги “дашт” сўзи – телбалик, саргардонлик билан ассоциация ҳосил қилади. Лекин асосийси бу эмас. Гап шундаки, сел – бу сув. Савдо эса – дард, яъни ўт. Сув ўтга таскин бериши, уни ўчириши лозим. Лекин бундай бўлмапти. Сарсабз бўлган, яъни яшнаган, ям-яшил ўтлар билан қопланган дашт кўриниши лирик қаҳрамонга ором бағишлаши, унинг кўнглига тасалли бериши лозим эди. Лекин қаҳрамон ҳануз таскин топмаган, телба ва саргардон. Шоирнинг “Сел ун чектию (ҳайқирди, овоз берди) менинг савдом ҳануз бепоён, дашт яшнаб кўкарди-ю, мен телба ҳануз саргардонман” деб ёзишининг сабаби шунда.

Ғазалнинг иккинчи байти қуйидагича:

*Гунбадин қилди иморат гунчанинг ёз ёмгури,  
Телба кўнглум уйи савдо селидин вайрон ҳануз.*

Мазмуни: Ёз ёмғири гунчанинг гумбазини бино қилди, менинг телба кўнглим эса ҳануз савдо селидан вайрондир.

Кейинги байтларда муаллиф ўз бадийий ниятини қуруқ шох ва лирик қаҳрамоннинг жисми, тонг насими ва қаҳрамон оҳи, найсон ёмғири ва қаҳрамоннинг кўз ёшлари ўртасидаги параллелликлар воситасида амалга оширади ва шу тариқа ўз қаҳрамонининг ҳолатини чуқур тасвирлаб беришга эришади:

*Ҳар қуруқ шох ўлди дашт узра сабодин ҳуллапўш,  
Тинмагур жисмим жунун водийсида урён ҳануз.*

*Тонг насими бирла найсон ёмғири, не судким,  
Оҳу ашким даҳр аро ҳар дам солур тўфон ҳануз.*

Лирик қаҳрамоннинг жунуни қанчалик кучли, унинг дарди нақадар оғир бўлмасин, ҳали унинг нажот топиш имкони бор. Бунинг учун

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

унинг хузурига ёр қайтиши лозим. Фақат угина мажнуннинг (лирик қаҳрамоннинг) дардига даво бўла олади:

*Ёнгил, эй Исодамим, ҳуснунг баҳори ҳаққиким,  
Бордурур муҳлик жунунимга даво имкон ҳануз.*

Ҳар бир оқ гул унинг ярасига марҳам учун пахта бўлса ҳам, энди бунинг фойдаси йўқ, чунки ғунчага ўхшаш пайкон (ўқ учи) ҳануз унинг ярасидан ташга чиқмаган:

*Не осиг ҳар оқ гул ўлса марҳам учун бир момуқ,  
Чунки чиқмайду ярамдин ғунчадек пайкон ҳануз.*

Ақлсиз насиҳатгўйгина уни ҳамон инсон деб ўйлайди, ҳолбуки дашт-даги ваҳший ҳайвонлар ҳам лирик қаҳрамонимиздан ўзларини олиб қочадилар:

*Дашт ҳайвони қочарлар суҳбатимдин ром қилиб,  
Ақли йўқ носих ғумон айлар мени инсон ҳануз.*

Шеърнинг навбатдаги байти насиҳат тарзида битилган:

*Ком етурмак ганимат англа ҳолат аҳлига,  
Эй ганий, бу дамки коминг бирладур даврон ҳануз.*

Ғазал лирик қаҳрамоннинг уни жунундан манъ этгани сабабли шайх-га қилган маъносини ифодаловчи қуйидаги мақтаъ билан якун топади:

*Шайх манъ айлар жунун ҳар дам Навоийга, кўрунғ,  
Ким баҳор айёмида оқилду ул нодон ҳануз.*

Энди мазкур шеърнинг рус тилига А.Кронгауз томонидан қилинган таржимаси ҳақида мулоҳаза юритайлик. (Алишер Навои. Сочинения в 10 томах. Т.1. Сокровищница мыслей. Стр.117. Ташкент, “Фан”, 1968).

Ғазалнинг биринчи байти хусусида биз юқорида сўз юритдик. Унинг қанчалик маҳорат билан битилгани, ундаги сўз ва ибораларнинг ўзаро боғлиқлиги, байтнинг умумий мазмуни ҳақида тўхталиб ўтдик. Бу ерда ўша фикрларни такрорлашга ҳожат йўқ, деб ўйлаймиз ва матлаънинг таржимасини келтириш билан чекланамиз. Юқорида эслатиб ўтилган маъно-мазмун, муаллифнинг маҳорати байт таржимасида ўз аксини топган-топмагани хусусида ўқувчиларнинг ўзлари хулоса қилишлари мумкин:

*Меланхолия безбрежней забурлившего ручья,  
Степь затоплена, безумцем там еще блуждаю я.*

Ғазалнинг иккинчи байти шундай ўгирилган:

*Ливень – куполом над розой. Но, разрушив, понесла  
Зданье моего безумья меланхолии струя.*

Байтнинг аввалги мисраси таржимасида муаллифнинг матнга эркин ёндашуви кўзга ташланади. Аслиятида атиргул (роза) ҳақида гап йўқ. Унда Навоий ёз ёмғири туфайли гул бутасида ғунча пайдо бўлганини тасвирлайди ва бунда ғунча шакли билан гумбаз кўриниши ўртасида ўхшашлик борлигидан фойдаланади: “Гунбадин қилди иморат ғунчанинг ёз ёмғири”. Таржимасида эса “Сел – атиргул устида гумбаз” (“Ливень – куполом над розой”) бўлиб қолган.

Учинчи байтда “сабо”нинг “бура” деб олинishi ҳам унча мақбул эмас:

*Каждый сук сухой одела буря пыльная в степи,  
С обессиленного ж тела сорваны клочки тряпья.*

Кейинги байтда таржимон “найсон ёмғири”ни “осенний дождь” (“куз ёмғири”) деб ўгирган:

*Если вздохи все и слезы, как потоп, что толку мне  
И от утреннего ветра и осеннего дождя.*

Аслида эса “найсон ёмғири” – баҳорда, аниқроғи, апрелда ёғадиган ёмғир. (Найсон – сурёний ойларнинг еттинчиси, апрель).

Навбатдаги байт таржимада ташлаб кетилган. Бундай қисқартиришлар Навоий ғазалларининг рус тилига қилинган таржималарида учраб туриши ва бу ҳол шеърларнинг мазмуни ҳамда композицион яхлитлигига путур етказиши ҳақида олдинги мақолаларимиздан бирида тўхталиб ўтган эдик. Мазкур ғазалдаги қисқартириш ана шу фикрларнинг тўғрилигини яна бир бор тасдиқлайди.

“Ғунчага ўхшаш пайкон (ўқ учи) хануз ярамдан чиқмаган, шундай экан, ҳар бир оқ гул марҳам учун пахта бўлса ҳам бунинг фойдаси йўқ” мазмунидаги олтинчи байтнинг таржимаси қуйидагича:

*Будет ватюю с лекарством белой розы лепесток,  
Коль из раны – красной розы – стрел не вынутъ остия.*

Юқоридаги мисралардан шундай маъно чиқади: “Ярадан – қизил атиргулдан – ўқ учи чиқариб олинмаган экан, оқ атиргул барги унга дори суртилган пахта бўлади”.

Кўринадики, таржима аслият мазмунига мувофиқ эмас.

Ғазалнинг еттинчи (таржимада олтинчи) байти насиҳатгўйга мурожаат шаклида ўгирилган бўлса, саккизинчи байтида аслиятдаги шакл (ғанийга мурожат) сақланган. Бу икки байтда таржимон, ҳар қалай, аслият мазмуни ва бадииятини ифодалай олган:

*О советчик, ты считаешь, что еще я человек,  
Но я стал в пустыне дикой пугалом и для зверья.*

*Исполнять людей желанья случая не упусти,  
О богач, пока ты властен над теченьем бытия.*

Ғазал мақтаъсида шайхга нисбатан кескин таъна мавжуд ва таржимада бу маъно юмшатиш ҳолда ифода этилган:

*Шейх безумье проганяет оттого, что в дни весны  
Шейх не знает, как безумна, Навои, душа твоя.*

Тадқиқотчилар томонидан қайта-қайта таъкидланганидек, Навоий шеърляти теран мазмуни, нозик бадиияти билан ажралиб туради ва ўзида гениал шоирнинг такрорланмас маҳоратини намойиш этади. Бу ҳол ўз навбатида, шоир шеърлятини таҳлил қилиш, шарҳлаш, таржима қилишга ўта масъулият билан ёндашишни тақозо қилади.

**Қодиржон ЭРГАШЕВ,**  
филология фанлари номзоди

# ЗАМОН СИНОВЛАРИГА БАРДОШ БЕРИБ...

*Хоҳ тор маънода Шарқ адабиёти ва тамаддуни бўлсин, хоҳ кенг маънода бутун жаҳон адабиёти ва тамаддуни олайлик, ҳар иккала сарҳадда кечадиган оламишумул жараёнларни араб адабиёти ёки тамаддуни сасавур этиб бўлмайди. Жоҳилия замонида фиръавнлар ўзларининг зулмега асосланган сиёсат қилишларини беғуноҳ бошлар узра қанчалик ўйнатмасинлар, барибир уч ва ундан ортиқ минг йиллардан буён кўкка бўй чўзган эҳромлар ўша даврлардаги буюк цивилизациядан жонли хотира бўлиб турибди. Бугина эмас, жаҳон олимларининг тахмин қилишларича, бутун Нил дарёси бўйлаб сон-саноқсиз эҳромлар ҳали ҳам сув тагида пинҳон ётибди экан. Маълум бўлганлари ва ўрганилганларининг энг ёши уч минг йилдан ортиқроқ деб ҳисоб қилинади. Лекин ҳалигача биронта ҳам эҳром тўла ва узил-кесил ўрганиб чиқилмабди, сабаби: эҳром қаддини тиклаган улкан кубо (яъни, кубик) тошларни қўзғатишини на одамзод ва на техника уйдлар экан.*

*Эҳромлар жон бўлибдики, уларни ўрганиш баробарида тошлар қаърида “ухлаб” ётган фиръавнлару асилзодалар, катта-кичик султонлардан қолган осори атиқаларга асосланиб турли давр ёзувчи ва ижодкорлари мумтоз асарлар яратганлар ва яратмоқдалар. (Шу ўринда журналимизда эълон қилинган Б.Пруснинг “Фиръавн”, Р.Хаггарднинг “Клеопатра” асарларини эслатиб ўтиш жоиз). Кўҳна мозийдаги жараёнлар ўзининг бутун ранг-баранглиги билан келажак авлодлар учун ҳам истиқбол йўлини очувчи имкониятлар тақдим этди – имконият тақдирини белгилаб берувчи буюк маънавий дастур – Қуръони Карим вужудга келди. Тўғри, бу муқаддас Калом араб тилида нозил бўлган, аммо бу нарса Китобнинг фақат араб миллатининг шарафини белгиламайди, у умумжаҳон ва умумбашарий неъматким, ирқ, миллат, тил каби воситалар унинг олдида ҳеч қандай аҳамият касб этмайди.*

*Агар бутун араб минтақасидаги кўпасрлик воқеа-ҳодисаларни бирров кўздан ўтказадиган бўлсак, айниқса, сўнги пайтларда бу ҳудуд Курраи заминнинг энг оловкор нуқтасига айланиб бораётганини кўрамиз. Кетма-кет давлат бошлиқларининг алмашиши, ҳудудий можаролар, ирқий камситишлар, ер усти ва ер ости бойликларини талашини на фақат араб халқлари, балки бутун дунё халқлари учун, айтиши мумкинки, таъвиши тугдирмоқда. Араб заминидан чиққан оташнорак шоирлару носирларнинг дард ва алам, газаб ва нафрат тўла асарлари китобхонлар қалбини ларзага келтиради. Охири кўринмас низолар, миллат учун жон куйдирувчиларнинг ноҳақ хўрланишлари ижодкорлар асарларида ўз инъикосини топмоқда. Бу жонфидоликлар бесамар кетаётгани йўқ, албатта. Араб минтақасида йиғирмадан ортиқ катта-кичик мамлакат мустақилликка эришди. Таниқли ёзувчи, Нобель мукофотининг совриндори Нажиб Маҳфузнинг ижодий фаолияти араб халқлари учун ана шундай оғир кечган дамларга тўғри келди. Сиёсат оламида Анвар Саодат ва Ясир Арофатнинг ҳам бундай олий мукофотга лойиқ деб топилгани аслида бу икки шахсгагина эмас, бутун араб миллати ва диёрига билдирилган халқаро эътироф ва эҳтиром ифодасидир.*

*Ҳали ҳам гоҳ у, гоҳ бу араб мамлакатида юзага келаётган турли мазмун ва мақсаддаги уруш ва низолар бот-бот жаҳон аҳлини ҳушёр бўлишга чорлаб турибди. Бу бежиз эмас. Бинобарин, бу ерларда ҳали инсоний ҳуқуқларни тиклаш жараёни ниҳоясига етгани йўқ. Бу эса араб халқларининг эртанги кунини белгилаб берувчи аниқ сиёсий тамойиллар пухта ишлаб чиқилмаганлигини кўрсатади. Демак, араб халқи, унинг ёш авлодини олдинда ҳали муқаррар синовлар қутиб турганлиги ҳам бор гап.*

*Шу ўринда адабиётга оид бир қонуниятни эслаб қўяйлик, яъни Шарқ халқларига хос бўлган анъанавийлик тамойили ҳозирги замон араб адабиётини ҳам четлаб ўтмаган. Маиҳур “Минг бир кеча” эртакларидаги воқеалар тавсифи, инсон ҳис-туйғуларининг рамзли ифодаларини араб ҳикоянависларининг бугунги асарларида ҳам кўриши мумкин. Журналимизда эълон қилинаётган миср адиби Ал-Манфалутий ҳикояларини мутолаа қилиб, бунга ўзиниз шохид бўласиз, албатта. Араб шоирлари шеърлари борасида ҳам худди шу гапларни айтиши мумкин. Аммо замонавий руҳ бўлмаса, нафақат мазмун, керак бўлса шакл жиҳатдан бирон янгилик тақдим этилмаса, шеърят мухлисларининг олқишига сазовор бўлиши қийин. Зеро, XX аср араб шеърлятида жаҳон шеърлятига уйғунлик яққол сезилади. Айниқса шоирларнинг бугунги кундаги воқеа-ҳодисалардан таъсирланиб, ўтли сатрлар ижод қилганини эътироф этмоқ зарур.*

*“Жаҳон адабиёти” журнали ушбу сонда араб халқлари адабиётидан айрим намуналарни ҳавола қилар экан, журналхонларимизни яна бир улкан ва ўзига хос адабиёт ва санъат дунёсидан баҳраманд этишини кўзда тутди.*



## МУСТАФО АЛ-МАНФАЛУТИЙ



*Мустафо ал-Манфалутий (1876-1924)— машхур араб маърифатпарвар адиби. У Қоҳирадаги ал-Азхар университетида тахсил олган. Адибнинг “Мулоҳазалар” сарлавҳали мақолалар тўплами 1907 йил “Ал-Муайяд” рўзномасида чоп этилганидан сўнг у араб адабиёти оламида танила бошлаган.*

### ЖАЗО<sup>1</sup>

Ўтган ёзда кунларнинг бирида туш кўрдим, унда мен гўё улкан, мутлақо нотаниш бир шаҳарга тушиб қолибман. Мен шаҳар кўчаларида юриб, унда сон-саноксиз, бир-бирига ўхшамайдиган, турли тилларда сўзлашувчи одамларни учратибман. Назаримда, бутун ер юзи шу ерга жам бўлган ва бутун оламнинг у бошидан-бу бошигача менга кафтдек кўриниб тураркан. Мен гоҳ оҳиста, гоҳ илдам одимлаб, ҳали у ерга, ҳали бу ерга борар эдим, охири умримда бирон марта учратмаган мухташам, ваҳимали, жуда улкан бир бино рўпарасидан чиқиб қолибман. Бино эшиги олдида тумонот одам бўлиб, барчаси қилич билан қуролланган, мағрур қадам ташлаётган жангчилар тинмай кириб-чиқиб туришарди. Бу ўзи қанақа бино бўлдию нима учун бу ерга бунча кўп одам тўпланганини суриштирдим ва тубандагиларни билиб олдим: бу ҳукмдорнинг қасри бўлиб, бугун жинойтчилар устидан ҳукм эълон қилинар экан.

Бир соат ўтар-ўтмай, жарчи суд маслаҳатчилари ўз ўринларини эгаллаганларини, иштирок этувчи фуқаролар эса энди танобийга киришлари мумкинлигини эълон қилди. Ҳамма ичкарига кирди, мен ҳам одамлар билан изма-из танобийга кирдим-да, барини дурустрок кўриш учун ўрнашиб ўтириб олдим. Бамисоли ўз меҳварида мустақкам жойлашиб олган кўёшдек, танобийнинг қоқ ўртасида, олтин тахтда савлат тўкиб ўтирган ҳукмдорга кўзим тушди. Унинг ўнг тарафида хирқа кийган аллақандай кимса, чапида эса яшил ридода бошқаси ўтирарди. Ҳукмдорнинг ўнг тарафидагиси руҳоний, чапдагиси эса шу шаҳар ҳаками эканини сўраб билиб олдим.

Мана, ҳакам ўз олдидаги оппоқ қоғозлар томон энгашди-да, улардан бирини кўлига олиб: “Жинойтчилар олиб кирилсин”, – деди амрона оҳангда. Шу заҳоти танобийнинг чап тарафидаги турма эшиги шернинг бўкиришини ёдга солувчи товушда ваҳимали ғийтиллаб очилди. Эшикдан дармонсиз оёқларини аранг судраб босиб келаётган қари чолни

<sup>1</sup> Бу ҳикояни мен «Қабрдан товуш» типидagi Америка новеллалари усулида ёздим. (Муаллиф изоҳи).

етақлаб, турма назоратчилари кириб келишди. – “Унинг айби нима?” – сўради ҳукмдор. – “У роҳибларга тегишли бинога кириб, у ердан етим ва қашшоқларга аталган бир қоп унни ўғирлаган”, – деб жавоб берди руҳоний. Танобийга йиғилган иштирокчиларнинг бари ўша заҳоти: – “Ёвуз жиноятчининг ҳолига вой! – дея қаттиқ кичқиришди. – Худонинг даргоҳига ўғирликка тушишга қандай ҳаққи бор унинг?” Сўнг гувоҳларни чақиришди, роҳиблар ҳозир бўлишиб, улар ҳам бир овоздан қариянинг айбдор эканини тасдиқлашди. Ҳукмдор руҳонийга ниманидир шивирлади ва: – “Ўғри қатл майдонига олиб борилсин ва унинг аввал ўнг қўли, сўнг чап қўли, кейин оёқлари кесилсин, охирида боши олиниб, йиртқич қуш ва ҳайвонларга ем қилинсин”, – дея амр этди. Буни эшитган қария тиз чўкиб, ҳукмдорга нимжон ва қалтироқ қўлларини чўзиб, раҳм-шафқат сўраб ялиниб-ёлворди, бироқ турма назоратчилари унинг оғзига уриб, судраб олиб кетишди. Кейин улар ранг-кути ўчиб, ҳолдан тойган, кўркувдан дағ-дағ титраб турган ўн саккиз ёшлик йигитчани олдиларига солиб олиб келишди-да, уни ҳукмдорнинг ёнига келтиришди. Шунда ҳукмдор: “У қандай гуноҳ иш қилган экан?” – деб сўради. Руҳоний: “У – қотил. Бир кун ҳокимнинг одамларидан бири ўз қишлоғига солиқ йиғиш учун келган. У мана шу йигитчадан солиқ тўлашни талаб қилган, бироқ йигитча, афтидан ҳар қандай уятни йиғиштириб қўйган, ёки буйруқни бажаришдан бош тортган. Ўлпон йиғувчи унга бақирган, ўспириннинг бундан жаҳли чиқиб, ханжарини қинидан суғурган-да, унга санчган ва шу билан ўлпон йиғувчининг умрига зомин бўлган”, – деб жавоб берди. Танобий-да ўтирганлар: “Қандай даҳшат! Қандай ёвузлик! Ахир ҳукмдорнинг яқинларини ўлдириш, унинг ўзини ўлдириш билан баробар-ку!” – дея кичқиришди. Шунда марҳум ўлпон йиғувчининг ёрдамчиларини келтиришди, улар бўлган воқеани тасдиқлашди. Ҳукмдор бир он ерга боқиб турди-да, сўнг кўзини ердан узиб: “Жиноятчи қатл майдонига олиб борилсин ва барча қон томирлари ёриб ташланиб, танасида бир томчи ҳам қон қолмасин”, – деб амр этди. Буни эшитган йигитча даҳшат ичида кичқириб юборди, бироқ турма назоратчилари аралашиб, уни судраб олиб кетишди. Кўп ўтмай улар гўзал бир қизни олиб келишди. Пешонасига бу қора кунлар соя солганини айтмаганда, қиз кўкда ёнган юлдуздек мафтункор эди. Ҳукмдор: “У қандай жиноятга қўл урган?” – деб сўради. Ҳакам: “У – фоҳиша. Қариндошларидан бири ёнига келган экан, қизни аллақандай йигитча билан ёлғиз тургани устидан чиқиб қолибди”, – деди. Шунда ўтирганлар шовқин кўтариб: “Қатл қилинсин! Қатл қилинсин! Тошбўрон қилинсин! Уччига чиққан бузук, суюқоёк!” – дея ғазаб билан кичқиришди. Ҳукмдор: “Унга қарши гувоҳлик берадиганлар борми?” – деди. Қизнинг қариндошларидан бири чикди-да, уни фош қилиб, унга қарши гувоҳлик берди. Ҳакам ўша заҳоти ҳукмдорнинг қулоғига алланималарни шивирлади ва у: “Қизни қатл майдонига олиб боринглари ва ўша ерда қип-яланғоч қилиб, мушакларида бир бурда этини, суякларида эса бир парча мушагини қолдирмай тошбўрон қилинсин!” – деди. Бу амри фармонни эшитганларнинг барчаси ҳукмни қўллаб-қувватловчи ҳайқириқлар остида адолатли ҳукмдорга астойдил таҳсинлар ўқидилар. Улар ҳокимиятни ва ҳокимнинг куч-қудратини роса таъриф-тавсиф қилиб кўкларга кўтаришди-да, баланд овозда уни, руҳонийни ва ҳокимни узоқ олқишлашди. Сўнг ҳукмдор ўрнидан турди, одамлар ҳам шод ва мамнун ўринларидан кўзғалиб, тарқала бошлади. Мен, ўзини ҳимоя қилиш учун айбланувчи сўнгги сўздан маҳрум этилиб, гувоҳлик бериш имконига фақат



унинг душманларигина эга бўлган ва жазо даражаси жиноятга мутлақо мувофиқ келмаган бу ғалати суд иши ҳақида ўйлаб, маънос тортиб, мунгли ҳолда аста танобийдан чиқдим. Бу одамлар мени чуқур хайратга солганди, куч-қудратга эга зот олдида уларнинг қанчалик ожизлиги, итоаткорлиги, зўр бериб унга сажда қилишлари, уни улуғлаб, кўқларга кўтаришлари ақлимни шошириб қўйганди; у одилона ҳукм чиқарадими ёки йўқ, шафқатлими ёки шафқатсиз – бундан қатъи назар, яна унга хайрихоҳлик билдириб, мавжуд ҳокимиятни қўллаб-қувватлаган одамларга қандай баҳо бериш мумкин? Жазога ҳукм этилганларнинг айбсизлигини исботлай оладиган ёки уларга раҳм қиладиган ва бу жиноятни худди ўзининг бошига тушгандек қабул қилиб, ўзи шундай ҳакамларга рўпара келганда шу оломон ичидан уларни авф этишларини хоҳловчи биргина ўғри, ёки биргина қотил, ё биргина фоҳиша наҳотки топилмаса?

Бузук аёл, эҳтимол мутлақо бузук эмасдир, қотил деганлари балки ўз ор-номусини, ўз мулкини ҳимоя қилиш учун шу ишга қўл ургандир? Ўғри деганлари эҳтимол ўз яқинларини очликдан сақлаб қолиш учун шунга мажбур бўлгандир?

Ҳоким жиноятни тергов қилишда қотилга марҳамат кўрсатишни истамади, наҳот унинг ўзи умрида бирон марта бундай ишга дуч келмаган бўлса?

Роҳиб уйдан ўғирланган бир қоп ун учун руҳоний намуноча куйиб-пишмаса, наҳотки унинг қўллари ҳаром йўллар билан топилган биронта динорни ушламаган бўлса? Ҳеч бўлмаганда ўз гуноҳини ювиш учун бир бечоранинг гуноҳидан ўтолмаса?

Суд бузук эркак ва аёлларни кўрганда нега ўз ғазабини тийишни истамайди, наҳотки ҳаётда бирон марта ўзининг пешонаси деворга урилмаган бўлса?

Фуқаронинг қалбини, унинг мол-мулкини ўз хоҳиши билан идора этиб, бахт ва бахтсизликни ҳушига келганча одамларга тақсимлаб берадиган бу одамлар кимлар ўзи? Улар гуноҳдан холи пайғамбар ёки фаришта эмаски, Худо ўз бандаларининг ишини муҳокама қилиб, уларнинг тақдирини бир ёқлик қилишни шундай одамларга топшириб қўйган бўлса? Суд ишини бу тахлитда олиб бориш учун уларга ким ҳуқуқ берган? Ҳокимиятни улар қайси қонуний кучга асосан қўлга киритганлару қандай қилиб ўзларини бу лавозимнинг ҳақиқий эгаси деб ҳисоблайдилар?

Бу қанақа ҳукмдор ўзи? Халқнинг юзига оёқ қўйиб, Куч ва Зўрлик билан тахтга эришган ўз юртининг золим ҳукмдори ёки уччига чиққан золим ҳукмдор авлоди шу эмасми? Мана бу руҳоний-чи? Ўз нафси йўлида ожиз кўнгиллару азобда қолган юраклардан фойдаланиб қоладиган энг туллак олғир мана шу эмасми?

Ҳакамнинг ўзи-чи? Ҳақиқатни ёлғон, ёлғонни ҳақиқат дея тақдим этишда барчадан устаси фаранги шу эмасми?

Золим ҳукмдорлар, босқинчилар ва зулму таадди усталари қачон художўйдек марҳаматли, диёнатли одамлардек оқкўнгил бўлишган ўзи?

Ўз номусини, кадр-қимматини ҳимоя қиламан деб жонҳолатда бошқа бир одамнинг умрига зомин бўлгани учун инсонни жиноятчи – қотилга чиқариб, уни қийнаб ўлдиришга маҳкум этган ҳукмдорни адолатли ҳукмдор деб улуғлашга қандай тиллари боради? Одам очликдан қийналиб ёки норасидаларни тўйдириш учун бир бурда нон ўғирласа, уни жиноятчига чиқариб лаънат ўқишади. Бироқ ҳакам ўша бечорани аввал майиб қилиб, сўнг ўлдиришга амр этса, буни адолатли ҳукм деб бўладими?

Бўйнига азоб сиртмоғи тушиб, аёлни шайтон йўлдан оздирган бўлса, ахлоқсиз ва жирканч дея тамға босишади-да, айблашга тушишади. Қип-яланғоч қилиб боғланган ва ҳар томондан ёғилган тош ёмғири остида қолган аёлни кўрган одамлар бу манзарадан димоқларини чоғ қилиб, севиниб томоша қилишларига нима деса бўлади?

Оловни олов ўчиролмаганидек, шундайин, оғуға ружу қўйган одам ҳам уни иккинчи маротаба истеъмол қилгани билан соғайиб қолмайди; анавинга ўхшаб бировнинг ўнг қўлини, сўнг чап қўлини кесиб ташлаш билан унинг дардига даво топилмагандек, бу оламда ёвузликни ёвузлик билан, азоб-уқубатни азоб-уқубат билан енгиб бўлмайди.

Кеч киргунча тинмай ўзим билан ўзим гаплашдим. Зим-зиё, овлоқ бир жойдан юриб борар эканман, тепамдан қушлар галаси учиб ўтганини пайқадим. Одимларимни секинлатдим ва шунда мени ҳамон таъқиб қилиб келаётган даҳшатли манзарага кўзим тушди. Дикқат билан қарасам, тупроққа қоришиб ётган ғўла аслида бошсиз, қўлсиз, оёқсиз одам танаси экан. Сўнг унинг ёнида худди бошланг гиранда аёлдек ястланиб ётган қариянинг боши ва оёқ-қўлларини ҳам танидим. Мен яна қип-яланғоч қилиб дарахтга боғланган ва худди дарахт билан бирга ўсаётгандек унинг шохларига чирмашиб кетган йигитчага кўзим тушди. Унинг томирида бир томчи ҳам қон қолмагани, жасад эса қўрқинчли кўланкага айланиб қолгани. Боши қайсию оёғи қайси – фарқлаб бўлмайдиган қип-қизил гувалача-гўшт қиз эканини ҳам танидим. У қонга бўялган бир уюм тошлар тагида қолиб кетгани. Сўнг бу жасадлар ёнида қон тўла ўрага кўзим тушди ва бу ўра мана шу бахти қароларнинг қони билан тўлганини фаҳмладим. Кўз олдимни қора булут қоплаб, атроф қоронғилашди. Турган жойимда ҳушимдан кетдим ва шу ётганимча тун ярмигача ўзимга келмадим. Ўзимга келганимда, бирдан қандайдир жусса мен томонга пусиб келаётганини сезиб қолдим. Ундан кўрқиб, дарахт орқасига беркиндим. У мен томонга яқинлашиб келди-да, шиша чироғини ёқди.

Шунда устида афтода кийим-бош, сочлари оппоқ оқарган кампирга кўзим тушди. Кампир аста-аста юриб жасадларга бирма-бир разм сола бошлади ва абжағи чиқиб кетган қария жасади ёнида тўхтади. Сўнг ўша ерда тиз чўқди-да, уввос солиб йиғлади. Кейин мурданинг оёқ-қўллари ва бошини бир жойга йиғиб, барини гавдага бирлаштирди. Сўнгра дарахт тагидан чуқур кавлаб, вайрон-толқон бўлиб кетган мурдани дафн этди-да, шундай деди: “Оҳ, менинг қийноқларда қолиб, ноҳақдан-ноҳақ у дунёга равона бўлган чолгинам! Сен Худодан кўрқиб, мен ва шўрпешона набираларингнинг дарду ғамида ўз жонингни ҳам аямадинг. Энди Парвардигорнинг ҳимояси ва кўмагида жонинг танангни тарк этиб, жисмингни қабр ўз бағрига олди. Сен меҳрибон эр, ғамхўр ота бўла олдинг, сен дили билан тили бир қалби пок инсон эдинг. Энди гуноҳингдан ўтишини сўраб, Эгамнинг ҳузурига бор ва бандаларига, ҳатто ўша сени қатл этган золим ҳукмдорларга ҳам Ўзидан инсоф сўра. Яна Худодан бизни тезроқ қовуштиришини илтимос қил. Сендан айрилганимдан бери менинг бирдан-бир қувончим сен билан дийдорлашув онларини кутиб яшаш бўлиб қолди”.

Кекса аёлнинг кўз ёшларига чидаб туrolмадим, маънос кўриниши эса юрагимни тилка-пора қилиб юборди. Аёлнинг сўзлари чин юракдан айтилаётган, эри эса суднинг навбатдаги қурбонига айлангани, назаримда. Чол-кампирнинг ҳаётига азбаройи қизиққанымдан беркиниб турган жойимдан отилиб чиқдим-да, кампирнинг ёнига бордим. Мени

кўриб, у аввалига кўркиб кетди, сўнг бошимга тушган мусибатлар олди-да бу турмуш икир-чикирлари нима бўпти дегандек, хотиржам тортди. Мен шоша-пиша: “Кўркманг, хоним, мен ўзи чет элликман, юртингиз урф-одатларини ҳам, бу ерда яшовчиларни ҳам билмайман. Мен дафн этилган одамнинг қабри тепасида туриб сизни унга аза тутаётганингизни кўрдим. Мен ҳам ўз ҳамдардлигимни изҳор этмоқчи эдим. Малол келмаса, бошингиздан ўтганларни менга сўзлаб берсангиз, дегандим, балки сизга бирон ёрдамим тегиб қолар”, дедим. Аёл кўзига ёш олиб, ҳикоя қила кетди: “Эрим ҳаётида бирон марта на ўғирликка ва на йўлтўсарликка қўл урган. Аксинча, у йигитлик пайтида ҳам, балоғат ёшида ҳам, ёлғиз ўғли ўсиб-улғайгунга қадар ҳам оиласини боқиш учун тер тўкиб ишлаган, меҳнатдан ҳеч қачон бўйин товламаган. Ўғлимиз ҳам вояга етиб оёққа тургач, отасининг йўлини тутди. Бироқ ҳали ўғлимизга ҳавас билан қараб, унинг ёрдамидан қувониб улгурмасимиздан, тўсатдан у бизни ташлаб кетди. Ажал унинг ҳаётига зомин бўлди, бизни эса муҳтожлик ботқоғига ботирди. Ўғлимдан бешта фарзанд қолди, тўнғич ўғлининг ёши ҳали ўнга ҳам тўлмаган. Уларнинг бобоси ёшини яшаб, ошини ошади, бир ёқдан кексалик азоби, бир ёқдан айрилиқ доғи ахири унинг бошига етди. У кучдан қолди. Аҳволимиз оғирлашди, қийинчилик ва айрилиқ бизни жар ёқасига олиб бориб қўйди. Бир куни биз тонгни очликда кутиб олдик, набираларни юпатиб, уларга бергулик увоғимиз ҳам йўқ эди. Фирт аросатда қолгандик, агар Яратганнинг ўзи марҳамат кўрсатмаса, нобуд бўлишимиз турган гап эди. Мен қашшоқлар кирадиган кўчага киришга мажбур эканимни тушундим ва хайр-садақа топиш илинжида одамлар ҳузурига йўл олдим. Бироқ бир бурда нон ва бир қултум сув топиш у ёқда турсин, ҳеч ким менга ҳатто очдан ўлмаслик йўлини ҳам ўргатмади. Одамлар мени кўрса тескари қарарди, чунки эгнимда на жулдур кийимим ва на қўлимда қачқулим бор эди. Дунё кўзимга тор бўлиб, уйимга қайтдим, кўнглимдан кечаётгани ёлғиз Ўзигагина аён эди. Уйга келдим у очлик уйку бермай қийналиб ўтирган болаларга ва уларнинг орасида аламини ичига сиғдиролмай йиғлаб ўтирган қарияга кўзим тушди. У ушалмас умиддан нажот кутиб, дуога қўл очиб илтижо қиларди. Норасидаларнинг бундай қўйга тушганини кўрганимдан кўра, ажал билан рўпара бўлганимда ҳам ўзимни бунчалик бахтиқаро ҳис этмаган бўлардим. Болалар мени кўришлари билан ўзларини менга отиб, ўраб олишди ва ақалли бирон егулик олиб келмадимикан, дея яна жовдираб менга тикилишди. Бироқ мен ғам-ғуссага ботиб, иккала қўлимни бурнимга тикиб уйга қайтгандим. Мен эримга: – “Одамлар орасида шундай миш-миш гаплар юрибди, гўё шаҳар ибодатхонасида етим-есир, ғариб-ғураболарга аталган озиқ-овқат кўри бор эмиш, уларнинг барини руҳоний бошқарармиш. Ўша руҳоний ҳузурига бориб, аҳволимизни тушунтирсангиз, озгина улуш сўрасангиз қалай бўларкин? Ахир биз хайр-эхсонни ўзимизга эмас, норасида етимлар учун сўраймиз-ку”, – дедим.

Чолимнинг юзлари умиддан ёришиб кетди. Ўрнидан туриб, ҳассасини олди-да, унга суянганча тўғри ибодатхонага йўл олди. У ерга бориб, руҳонийга аҳволини айтиб, кўз ёш қилди. Диндорлар қашшоқларга рўпара бўлганда, уларни қандай димоғдорлик билан қарши олишса, руҳоний ҳам чолимни худди шундай кўрслик билан кутиб олди. “Ибодатхона, – деди у эримга, – уни ташлаб қўймай, вақт-бевақт хайр-саховат кўрсатганларга мурувват қўлини чўзади. Нима, сен тинч, соғ-омон кун кечирган дамларингда ибодатхонага бирон бир фойданг текканми? Йўқ! Шундай экан,

бор, йўлингдан қолма! Шунини ёдда тутгинки, агар ризқ-рўз илинжида сен ўтиб келадиган дарвоза кенг очилган бўлса-ю, у сенга тордек кўринса, унда билиб қўй, жинойатга етакловчи бошқа бир дарвоза сенга кенг очилган бўлади.

Эрим рухонийнинг ҳузуридан ўзини гўё овчининг тузоғига тушиб қолган қушдек ҳис этиб, ёруғ дунёси қоронғи бўлиб, шалвираб қайтиб келди. Ибодатхона ҳовлисида ўтаётган, унинг кўзи бурчакда турган қопга тушган ва нимадир ўша қопни олишга уни ундаган. Бу қашшоқлик балоси бўлмаганда, у шўрпешонанинг хаёлига бундай фикрлар қаёқдан ҳам келарди дейсиз. Уятдан ўзини кўярга жой тополмай қолган чолим қопга қарамасликка ҳаракат қилган, бироқ чорасизликда унга яқинлашиб бораверган ва қопнинг олдида қандай пайдо бўлиб қолганини ўзи ҳам билмаган. У қопнинг ёнида ўтириб олиб, ўзи билан ўзи гаплаша бошлаган: “Бу егулик ун – оч-наҳорларнинг ризқи. Худди ўша оч-наҳор деганлари мен бўламан. Мендақаси на шу шаҳарда ва на теварак-атрофда топилади. Агар қопдаги унни қўлга киритиш жинойат саналса-ю шу билан кимнингдир ҳаётини сақлаб қолинса, унда рухоний бундай истакка изн берган бўларди”. У қопни елкасига ортмоқлаганча, оғир юкдан чайқала-чайқала юриб кетган. Бироқ ибодатхона остонасидан бир амаллаб чиқиб олгач, ҳаддан ташқари бу оғир юкни энди бу ёғига кўтариб кетолмаслигига кўзи етган. Қопни ташлаб юборай деганда, оч ўтирган болалари кўз олдида келган ва иложсиз гоҳ ҳассага, гоҳ деворга таяниб, базўр юриб келган.

Кўп ўтмай у кучдан қолиб, кўкрагида қаттиқ оғриқ турган ва кўз олди қоронғилашган. Оғзидан варақлаб қон кетиб, бутун эгни булганган. Бечора чол ҳушдан кетиб йиқилган. Тун қоровулларининг кўзи тушмагунча ўшандай ҳушсиз ётаверган. Қоп жойида йўқлигини кўриб қолган соқчилар ундан шубҳаланишган. Бу орада ибодатхона ҳовлисида қопни қидир-қидирга тушишган, уни топишдан умидини узган роҳиблар дод сола бошлашган. Улар йўқолган қопни ибодатхона ташқарисидан қидираётган пайтда ерда чўзилиб ётган эримнинг тепасида қалқайиб турган соқчиларга дуч келишган. Бу одамлар қопларини дарров танишган. Бир соат ўтар-ўтмай унли қопни ибодатхонага етказишган, чолимни эса қамоққа тикишган. Бечоранинг бошига тушган қулфатларни ўйлаб, юрак-бағрим қон бўлиб кетяпти... Шўрликнинг жони қийноқларда узилди. Шўрлик набираларимга, менга Худонинг ўзи раҳм қилсин!”

Шундан сўнг кекса аёл ўрнидан турди-да, кийимининг этагига кўз ёшларини артиб, қабрга узоқ тикилиб қолди ва: “Алвидо, ёшликдаги дўстим, кексаликдаги суянчиғим! Рафиқлар ичида энг олийжаноби, туғишганлар орасида энг вафодори, алвидо энди! Худонинг даргоҳида қовушгунча абадий хайр энди!” – дея турган еридан у аста узоқлашди.

Аёл қоронғилик қўйнига сингиб ҳам кетган эдики, яна кимдир оҳиста, пушиб мен томонга яқинлашаётганини кўриб қолдим, шартта дарахт панасига яшириндим ва нима бўлишини кута бошладим. Шу орада ерга илк нурларини таратиб, кўкда ой ҳам кўринди ва мен аччиқ алам билан йиғлаётган қизга кўзим тушди. У бироз вақт нигоҳлари билан нималарнидир излади ва, охири дарахтга чормих қилинган жасадга кўзи тушди. Қиз акасининг жасади ёнига борди ва таранг тортиб боғланган арғамчига кўлини чўзиб, ундаги тугунни ечди-да, гавдани арқондан бўшатди; кейин уни ерга ётқизди ва тепасида ҳайкалдек туриб қолди. Сўнг: “Жигарим, менинг акажоним!” дея уввос солиб йиғлай кетди, мурда томон энгашиди-да, уни кучоқлаб ўпиб, сочларидан, пешонасидан силади. Юраги тилка-пора

бўлган қиз хириллаб, зўрға нафас оларди. Охири қизнинг тинка-мадори куриди ва чўрт кесилган поядек йигитчанинг ёнига гуппа йиқилди. Бу мени ташвишга солди, у ўлиб қолмасайди деган хавотирда эдим. Ёнига бориб, у томон энгашдим, қиз тирик эди. Шунда унинг ёнига ўтириб олдим-да, унга чин дилдан ачиниб, Худодан ўзига келишини ёлвориб сўрадим. Бироздан сўнг қиз чиндан ҳам ўзига келди ва мени кўриб хижолат бўлди. Кейин: “Сиз ким бўласиз ва нима учун йиғлаяпсиз?” – деди аста. “Сенга ва манави одамга кўз ёш тўкяпман”, – дея жавоб бердим мен. “Ҳа, – деди қиз, – чиндан ҳам унинг пешонаси шўр экан. Унинг дардида адои тамом бўлдим, жаноб. У белга қувват, юракка дармон эди, ундан таралган ҳид сенга жонга бағишларди, ҳали ўн гулидан бир гули ҳам очилмаганди. Уни ўлдирган одамлар қанчалик ёвуз эканларини намойиш этишди. Акам ҳеч қачон қотил ҳам, жинойатчи ҳам бўлмаган. Уни бадном қилишни режалаштирган ғанимлар ўз шон-шухратларини, кадр-қимматларини сақлаб қолиш учун улар томонга чўзилган қўлларни чопиб ташлаб, ўзлари учун қасос олдилар. Агар акамга адолат қилиб, унинг ёш жонига раҳм қилишганда эди, у бундай жинойат кўчасига кирмаган ва қўлини қонга ботирмаган бўларди”. Мен: “Хоним, акангизнинг бошидан ўтганларини менга сўзлаб беролмайсизми?” – деб илтимос қилдим. Қиз рози бўлди ва ҳикоя қила бошлади:

“Бутун шаҳарда итдай изғиб юрадиган ўлпончи бир вақтлар бизнинг қишлоқда ҳам бўлганди. У уйма-уй кириб чиқиб, ниҳоят бизнинг уйимизга келганида мен эшик тагида турардим. Ўлпончи менга еб қўйгудек тикилди-да, акамнинг қаерда эканини сўради ва мен унга айтдим. Бу одам акамдан зудлик билан солиқ тўлашни талаб қилди. Акам ҳосилини сотиб бўлиб тўлашини, унгача эса сабр қилиб туришини ўтинди. У, акам солиқни охиригача тўлаб бўлмагунча мени гаровга олиб кетишини айтиб, уни қўрқитди-да, тўлайсан деб оёқ тираб туриб олди. Ўлпончи ёрдамчиларига кўзини қисганди, улар шу захоти мени ўраб олишди. Мен, ҳукумат саройига гаров тариқасида олиб кетилган ва у ердан, бадном қилиниб, устига-устак ҳомиладор бўлиб чиққан қизларнинг аянчли тақдири ҳақида илгарилари ҳам эшитгандим. Шу боис қўрққанимдан акамга маҳкам ёпишиб олдим, у эса мен билан ўлпончи ўртасига туриб олди ва: “Бу қиз билан сенинг неча пуллик ишинг бор? Пуллар меники, уни мен топганман, бошқа одамнинг бунга алоқаси йўқ. Сенга гаровга одам керак бўлса, қўлингга пул келиб тушгунча, мана, мени олиб кета қол”, – деди. Ўлпончи: “Менга ҳозирок ё пул топиб берасан, ё омонат, омонатни ҳам ўзим танлайман. Бу сенга маъқул бўлмаса, майли, ўз ҳаётингни тикмоқчи экансан, тика қол”, – деди эътироз билдириб. Буни эшитган акамнинг қони қайнаб, пешонасидан тер чиқиб кетди. Жигаримни бу қадар ғазаб отига минганини ҳеч кўрмагандим. – “Менинг ор-номусим учун яхшиси, сен ўз ҳаётингни тика қол”, – деди акам ғанимига қичқираб!” – Сўнг у қиличини яланғочлади-да, бир зарб билан ўлпончининг бошини чўрт узиб ташлади. Шундан сўнг то унинг қўлларини боғлаб, қамоққа олиб кетмагунларича қонга беланган кўйи жойидан кўзғалмай тураверди. Акамнинг қисмати мана шу тариқа ўз якунига етганди. Мен, ака-укаларим ичида энг раҳмдилли ва марҳаматлиси, ўзига хос топилмас туйғу соҳиби, олийжаноб, тиришқоқлиги ва жасурлиги билан бошқаларга ўхшамайдиган, ёшлар ичида энг маъқули бўлган йигит учун куйиб-ёнаяпман”.

Қиз ҳикоясини тугатди ва мендан ёрдам сўради: “Тақсир, укамни ерга топшириб, ундан айрилишимдан аввал, уни дафн этишга ёрдамлашиб

юборолмайсизми? Менинг дармоним қуриган, бир ўзим эплолмайман”.

Мен дарахт олдига бордим-да, қариянинг ёнидан, жасад турган ернинг тагидан чуқур қазидим ва йигитчани дафн этдим. Марҳумнинг синглиси сукут сақлаб, бошини эгганча қабр ёнига келди ва тиз чўкди. Қиз йиғляптими, ё йўқ, билиб бўлмасди, фақат у ўрнидан тургандан кейингина унинг кўз ёшларидан нам бўлган ерга кўзим тушди. Кейин қиз менга қўлини узатиб: “Таксир, бу яхшилигингизни ўла-ўлгунимча унутмайман. Ёрдамга зор бўлиб турганимда, сени суяйдиган одам топишинг амри маҳол бўлган бир пайтда менадан марҳаматингизни аямадингиз”, – деди-да, ўз йўлига равона бўлди.

Мен либосининг сўнгги бурмаси кўздан йўқолгунча уни нигоҳларим билан кузатиб қўйдим ва яна ўз хаёлларимга ғарқ бўлдим. Мана, тошбўрон қилинган қизнинг мурдаси. У ҳали дафн этилмаган ва кўрқинчли бўлиб кетганидан қарашга юрагим дов бермасди. Мен: “Ҳашр куни Худодан уларга раҳм-шафқат кўрсатиб, ўз марҳаматини дариғ тутмаслигини сўрайман ва уни дафн этиш учун бор кучимни аямайман”, – дедим ўзимга. Мен қария ва йигитчанинг қабри яқинидан қизга чуқур қавладим ва ёпинчиғимни мурданинг устига ёпдим-да, уни ерга топширдим. Тиз чўкиб, қабр ёнида турувдим ҳамки, орқада кимдир борлигини сезиб қолдим. Ўгирилиб қарагандим, қоп-қора чакмонга бурканиб олганча, фақат икки кўзинигина очиб қўйган йигитчага кўзим тушди. У: “Сиз ҳозир ёнида тиз чўкиб турган қабр кимники эди, жаноб?” – деб шошиб сўради менадан. Мен: “Тошбўрон қилиниб, мурдаси мана шу ерга ташлаб кетилган қизники. Даҳшатли ўлим топган қизга раҳмим келиб, унинг жасадини сен кўриб турган мана шу қабрга дафн этдим”, – дедим мен. “Таксир, – деди йигитча, – тупроқ бизни айиришдан олдин у билан видолашиб олишимга рухсат этсангиз?” “Майли, ихтиёринг”, – дедим-да, нари кетдим. Йигит қабрга яқин келиб тиз чўкди ва алланималарни шивирлади, шунда мен, унга кўкдаги юлдузлар ҳам ҳамдард бўлаётгани, шамол уни суйиб-эркалаётгани ва йигитча аста-секин дарддан фориғ бўлаётгани ҳақида ўйладим. Кейин у ўрнидан туриб, қабрга тупроқ ташлади ва мен томонга ўгирилди-да: “Худонинг ўзи сизга йўл кўрсатиб, бағри тилка-пора бўлган бу қиздан ёрдамингизни аямадингиз. Одамлар хазон қилганни сиз яширдингиз, хароб қилганни ҳимоянгизга олдингиз. Мархумага қилган яхшиликларингиз Худодан қайтсин”, – деди. Йигит кетмоқчи бўлганди, мен уни тўхтатдим-да: “Наҳотки у чиндан ҳам адолатсизлик қурбони бўлган бўлса?” – деб сўрадим ундан. У аввал мийиғида кулди-да, сўнг хотиржам боқиб: “Ҳа, жаноб. Акс ҳолда менинг қабр чеккасида туриб кўз ёш тўкканимни кўрмаган бўлардингиз. Бахтиқаро қиз менинг касримга қолиб шу қўйга тушди. Худо ҳузурига борганимда айтмоқчи бўлган гапимни сизга ҳам айтмоқчиман: қизда гуноҳ йўқ. У шудринг томчисидек мусаффо, ёмғирда ювилган гулдан-да беғубор. У ҳали гўдаклик пайтлари мен унга кўнгил қўйганман. Эвазига ўзини қурбон қилиб, муҳаббатини изҳор этди. Биз ўсдик, севгимиз ҳам улғаяверди ва биз бир-биримизга содиқ қолишга онт ичдик. Шундан сўнг отасидан қизнинг қўлини сўрадим, отаси ҳам қувонч билан таклифимга рози бўлди. Бироқ тўйимизга санокли кунлар қолганда, отаси тўсатдан вафот этди. Бизга, тўйни бир йилга кечиктириш кераклигини айтишди ва биз сабр билан кута бошладик. Бир йил ўтар-ўтмас қаллиғим мерос билан боғлиқ ишларни битириш учун шаҳар судига жўнаб кетди. У ерда қизга кўзи тушган ҳакамнинг феъли айниб, ўша заҳоти қизнинг васийси бўлган

амакисига одам жўнатди. Бу тилёғлама ва очкўз нусха нариги кирғокда ялтираб турган тилло тангага кўзи тушгудек бўлса, дарё-дарё қон кечиб бўлса ҳам у ерга ўтишдан тоймайдиганлар тоифасидан эди. Ҳакам қизнинг амакисига, жиянига уйланиш ниятида эканини айтганида, амакисининг оғзи қулоғига етиб, ўйлаб ҳам ўтирмай, рози бўлди ва бу хушxabарни дарров жиянига етказди. Қиз уни совуқдан-совуқ кутиб олди ва: “Мен бир вақтнинг ўзида икки эркакка қаллиқ бўлолмайман”, – деди шартта. Амакиси унинг сўзларига эътибор ҳам бермай: “Мен кимга теккин десам, ўшанга тегасан. Сендан ҳеч ким розилик сўраётгани йўқ. Куёв танлашни сенга ким қўйибди? Куёвни мен танлайман” – деди. Орадан бир неча кун ўтар-ўтмай, тўй тайёргарликлари ниҳояланиб, базми жамшид куни ҳам белгиланди. Қиз кун ботиши билан уст-боши ва зеб-зийнатларини йиғиштирди-да, тун қоронғисида уйдан бош олиб чиқиб кетди. Бундан хабар топган қизнинг амакиси, судни огоҳлантирганди суд ўз жосусу айғоқчиларини оёққа турғазди-да, барини қочоқ қизни излаб топишга сафарбар этди. Улардан кимдир қизни кўриб қолган ва унинг ёнига борган. Уларга кўзи тушган қизнинг ўтакаси ёрилиб, қўлидаги юкини ҳам ташлаб қочган.

Айнан ўша пайтда мен уйга қайтаётган бўлганман; мени кўрган қиз худди Хизирни кўргандек ҳовлиқиб: “Улар мени қувиб келишяпти! Агар ушлаб олишса, соғ қўйишмайди, мени кечир, сени Худонинг ўзи қўлласин!” – дея менга гап қотди.

Қизнинг тақдири мени хавотирга соларди, шу боис уни уйимга бошлаб келдим ва хоналардан бирига яшириб қўйдим. Бир соат ўтар-ўтмай амакиси ҳакамнинг айғоқчиларини олдига солиб кириб келди ва жиянини топиб беришимни сўради. Мен, қизни кўрмаганман, деб туравердим, бироқ улар гапимга ишонишмади ва жияни топилгунча қидиришни тўхтатишмади. “Мана, суюқоёқ бу ерда экан! – бақирди амакиси. – Мана буниси унинг ҳимоячи-ошнаси!” Мен, қизга қўйилаётган айбга унинг алоқаси йўқлигини қанча айтиб, одамнинг тили бормайдиган қасамларни ичмай, барибир амакиси гапимни эшитишни хоҳламади ва ҳакамнинг ёрдамчиларига қизни ушлашни буюрди. Мен энди аралашмоқчи ҳам бўлгандим, дафъатан бошимга келиб ушган зарбдан ўзимдан кетиб йиқилдим. Бир соатлардан кейин ўзимга келиб қарасам, бутун баданим ўт бўлиб ёняпти. Бир неча кун безгак тутиб ётдим. Ўша машъум кунда кўрганларимнинг бари бир кун кўз ўнгимда намоён бўлди ва баданим жимирлаб, яна ҳушдан кетиб йиқилдим.

Худонинг марҳамати билан ахири кеча ўзимга келдим ва бугун кечқурун уйдан чиқишга муяссар бўлдим. Рўшноликдан йироқ бу қизнинг қисмати қандай якун топгани ҳақида эшитдим, кўриб турганингиздек, қизни дафн этиб, у билан видолашиш учун келдим. Мен ўла-ўлгунимча уни унутмайман ва у дунёда ёрим билан қовушмагунимча кўнглим таскин топмайди.

Йигит шундай деди-да, чексиз қийноқ ва аламда ўз ёрига тикилгандек қабрга узоқ тикилиб турди. Сўнг яна ўз йўлида давом этди.

Бироздан сўнг ботаётган ойга кўзим тушди. Кўп ўтмай ой кўздан ғойиб бўлди ва ҳамма ерни зулмат, юракни ўртовчи сукунат босди ва атроф овлоқ жойга айланди-қолди. Мен учта қабр дўппайиб турган тепалик ёнига бордим ва ерга ўтириб, тошга боққанча тилга кирдим:

“Наҳотки бу кенг дунё адолат ва меҳрдан холи бўлса? У мавжуд бўлган ер юзида бир парча ҳам жой йўқ экан, наҳот ундан осмону фалак ҳам мосуво бўлса?”

Очлигини қондириши ва оиласини боқиши учун қария бечорага асқотиши мумкин бўлган атиги битта кумуш тангани руҳоний хасислик қилиб унга бермай жиноят қилди. Қарияни ўғирлик қилиб гуноҳга ботишига руҳоний мажбур этди ва ўғри жазосини олди, бироқ уни шу ишга ундаган бераҳм авлиё ота тошбағирлиги учун жазосини олмади. Агар руҳоний бу қадар золим бўлмаганда, ўғирлик ҳам юз бермасди.

Баридан ўз ор-номусини афзал билган қизни ўғирлаш учун ҳоким ўлпончини юборди. Синглисини ҳимоя қилиш учун акаси ўйлаб ҳам ўтирмай, одам ўлдириб гуноҳга ботди. Бунинг учун у жазо олди.

Уни севмаган қизни ўзига турмушга чиқишга мажбурлаб, ҳакам жиноят қилди. Бунга кўнмаган қиз ўлимга маҳкум этилди, золим ҳакам жазосиз қолаверди.

Шундай қилиб, ҳақиқий жиноятчи айбсизга, айбсиз бўлса жиноятчига айланди; яна ҳам аниқроғи, жиноятчи айби йўқнинг устидан ҳукм чиқарувчи бўлди, гуноҳкор эса унинг измига тушиб қолди.

Наҳотки шундан сўнг ҳам осмон узилиб, ерга тушмаса? Наҳотки ҳеч нима содир бўлмагандек яна бояги-бояги кўкда юлдузлар порлаб, ёмғир ёғаверса?”

Мен гуноҳсизлар қатл этилган ерга ўгирилиб қарадим, жафокашларнинг қонидан ҳосил бўлган кўлни кўрдим. Разм солиб қарагандим, унинг сиртида кўкда чакнаб турган юлдузларнинг акси кўринди ва мен осмонга боқдим. Бу Миррих сайёраси эди, сайёра шу ерга дафн этилган қурбонларнинг юрагида ловуллаб ёниб турган бир парча қаҳр-ғазаб ўти эди гўё. Бирмунча вақт ундан кўз узолмадим ва ҳозирча у билан еримиз орасидаги масофа бир милдан ошмаса-да, уни жуда секинлик билан юксакликдан туша бошлаганини ва борган сари катталашиб бораётганини кўрдим. Миррих сайёраси дафъатан ларзага келди, тўсатдан жазоловчи фаришта қиёфасига кирди. Унинг қўзлари ва бурнидан ўт чакнади, қанотларини қоққанда барини емириб, бузиб ташлади. Малак борган сари ерга яқинлашиб келарди. Мана, ниҳоят у, бахти қаро қурбонларнинг қабрига ўз соясини солиб, пана қилиб турган дарахт учига келиб қўнди. У қанотларини шундай силкидики, ҳатто ларзага келган ер ҳам ёришиб кетди, сўнг кўкда худди момақалди роқ гумбурлагандек тилга кирди ва: “Мана, нимадан қутулган бўлса, яна ўшанга қайтган одам болалари! Мана, ёвузлик, фисқ-фужур тўлиб-тошган ўша замин! Ҳатто кўкдан тушган бирон соҳибга унда покиза жой топиш мушкул.

Мана, кучларига куч қўшилиб бораётган зўравонлар, манавилари эса кундан-кунга заифлашиб бораётган нимжонлар! Мана, бойлар қўлига тушиб қолган фақирларга тегишли гўшт. Бировлар уни оғзидан олдириб, бировларнинг бурнидан чиқаётгани.

Мана улар, хайр-саховат қўлини чўзувчи ҳомийларини учратолмай, очликдан тиррақдек қотиб жон бераётган ялангоёқлар. Мана, қайғу ва ғам-ғуссада нажотга муҳтож, кийноқдан нобуд бўлаётган бахти кемтик ўша одамлар.

Мана улар, гарчанд адо этишлари буюрилган бўлса-да, Худонинг амрига итоат этмай келаётган ҳукмдорлар. Адолат ўрнатиш учун Худо қўлларига тутқазган шамширни қинига жойлаб, бошқасида табиатга зид, қонунга хилоф иш тутиб юрганлар; нимага интилаётган бўлишса, ўшанга эришиш мақсадида ўз истак-хоҳишларига йўл очиб, ўз шамширларини қўлдан қўймай келаётирлар.

Мана улар, еб тўймас, ғаразгўй қозилар. Улар суд ишини адолатсиз



тарзда ташкил этмоқдалар. Улар қалқоннинг нариги ёғидагиларга зарба бериш ниятида қонунни қалқон қилиб, унинг панасига беркинганлар. Қонуннинг бундай ҳимояси остида улар мағлубият, азоб-уқубат нималигини билмай, ўз мақсадларига эришиб келмоқдалар.

Мана улар, бу ёруғ оламга ҳукмрон руҳонийлар. Итоатгўй бандаларидан тортиб олинган моллар билан черковни тўлдириб, уни қароқчиларнинг ғорига айлантириб юборганлар. Бева-бечораларга хайр-садақа қилишга келганда ўлгудек хасислар.

Мана улар, ўзларига хуш ёқадиган кўнгилдаги ниятларини амалга ошириш учун ҳеч нимадан қайтмайдиган ҳукмдор шериклари; адолатсиз суд ишларига бош-қош, суд билан оғиз-бурун ўпишаётганлар; талончиликка хайрихоҳ руҳонийлар!

Ҳукмдоридан тортиб, фуқаросигача, хўжайинидан тортиб, унинг хизматкоригача – бари Худонинг ғазабига дучор бўлмай.

Майли, тахтлар ағдарилиб, черковлар қуласин, суд деганлари дом-дараксиз ғойиб бўлсин; дараю воҳалар вайрон бўлсин; эркагу аёл, кексаю ёш, гуноҳсизу гуноҳкор, эзгулик ва ёвузлик – барисини ер ютсин. Буларнинг бари Худонинг ғазаби эмас, одамлар ўз бошларига ўзлари сотиб олаётган бало-қазолар”.

У эндигина сўзини тугатган ҳам эдики, Худо Нух пайғамбарга амру фармон юборган кун қандай авжга чиққан бўлса, азобда ўлдирилган қурбонларнинг қонидан ҳосил бўлган кўл ҳам худди шундай қайнаб чиққанини кўрдим. Сўнг бир юртдан иккинчисига ўтиб, қуйилиб келаётган кучли қон сели бутун ер юзини қоплади. Далаю мол-ҳол, сарою кулба, инсоню хайвон, тили бору тили йўқ – бари, ер юзини қоплаган қизил денгизга ғарқ бўлдилар. Тўлқин секинлик билан кўтарила-кўтарила мен ўтирган тепаликнинг чўққисига келиб урилганини кўрдим. Мен қаттиқ кичқириб, уйғониб кетдим. Бу 1914 йилнинг 28 июль кунининг эрта тонги эди. Бирдан деразам тагида: “Уруш бошланди!” деган хайқирикни эшитдим.

## БУЮКЛИК

Мен, бирорта адиб ёки олимними, мартабали амалдор ёки машҳур жамоат арбобиними баҳолашда бировлар азбаройи севганидан уни ҳукмдор даражасигача кўтарганини, бошқалар эса худди шу шахсни иблисга чиқариб қўйганини ва фикрлар бир-бирига тўғри келмай, осмон билан ерча фарқ қилганини кўрганимда, рўпарамда буюк зот турганига амин бўламан.

Буюклик санъат ва маърифатдан, ҳар қандай қонун ва ҳукмронликдан, мартабаю мансабдан, молу давлатдан ҳам баланд туради, негаки олим одамлар, рассомлар, номдору донгдорлар жуда кўп, ҳақиқий буюк зотлар эса жуда кам. Буюклик – ҳеч бир хазинага тенг келмайдиган илоҳий қудрат дегани. Улуғворлик ўз соҳибига шундай журъат бахш этадики, у бошқа шўрлик бандалардан қалби, ақли, тафаккурининг бир мақсадга қаратилгани ва фикрлаш услуби билан ажралиб туради. У ўзига хос андозада бичилган бўлиб, ҳеч бир синф ва ҳеч бир гуруҳ қолипига сиғмайди. Қалбида бундай сифатлари бор инсон атрофга ўз кўзлари билан боқади, уни ўз қулоқлари билан эшитади, ўзига маълум йўлдан боради ва ҳар қандай доно ҳам, у қанчалик буюк бўлмасин, ўзининг қандайдир хурофий таълимотга қизиқиши ёки бирон-бир маслакка бўлган адовати сабаб ўз

фикр-мулоҳазаларини, истагу хоҳишларини қабул қилишга бундай инсонни мажбурлай олмайди. Ўзига қаттиқ ишонгани боисми ёки ўз кучига иккиланиш билан қарайдиган баъзи иродасиз кишилар сабабми бундай одам барча унга итоат этмоғи лозимлигига астойдил ишонади, улар ҳам бундай ҳукмронликка рози бўладилар ва унинг энг юксак орзу-умидларини рўёбга чиқаришда унга ҳамроҳлик қиладилар. Бу одам бажараётган ажабтовур ишлар унча-мунча одамнинг қўлидан келмаслигини ва буларнинг бари қанчалик кўзни ҳайратга солиб, қалбларга ҳурмат-эҳтиром бахш этаётганини одамлар кўриб турадилар. Агар бу мусаввир бўлса, у янги қиёфа ва шакллар яратмоқда, агар ёзувчи бўлса, инсон ҳис-туйғуларини идора қилмоқда, агар қонун чиқарувчи бўлса, унда эскириб қолган қоида ва ақидаларга барҳам бериб, янгиларини жорий этмоқда, агар ҳукмдор бўлса, унда тарихга илгари номаълум бўлган шонли саҳифаларни унга муҳрламоқда, агар вазир бўлса, бошқарувнинг аввал кулоққа чалинмаган янги усулларини унга олиб кирмоқда, қўмондон бўлса, унда акс садоси юлдузларга етгулик қудратли зарбалар билан душманни ер тишлатмоқда.

Буюклик деганлари шу, инсон деганлари шу, агар кимда-ким шундай ишларни қилишга кодир бўлса, унда бундай инсонга одамлар кўпчилик бўладими ёки якка ҳолдами, фарқи йўқ, у ўз меҳнатини, унинг қанчалик муҳимлигини баҳолаш чоғида ҳаммининг ақлини бирдай лол қилаверади, нуктаи назар ва тасаввурларни қарама-қарши қўяди, адоват ва келишмовчиликлар уруғини сочади. Янгилликлардан қувониб, бошқаларга ҳавас билан боқиш ҳисси кимга ато этилган бўлса, ана ўша улкан завқ уларни буюкларнинг сўзларидан, ҳаракатларидан, уларнинг қуруқ гапларию амалларидан қувонишга, уларни ҳаддан зиёд севишга ва ҳамма ерда уларнинг ҳурматини жойига қўйишга ундайди. Бу эса ғанимлар ва ҳасадгўйларни, унинг қобилиятини таъкиб этувчиларнинг таъбини хира қилади. Шиддатли жангда кучли муҳаббат ва нафрат муқаррар тўкнашади. Унинг душманлари ва дўстлари ўртасида аёвсиз жанг бошланади. Буюклик салтанатига путур етказишга орзумандлар унга тажовуз қилишади ва аксинча, унинг мустаҳкамлигига ишонганлар уни ўз ҳимоясига олишади, у эса мамнун ва хурсанд, ғам-ғусса кўланкасидан йироқда, барини хотиржам кузатади, негаки, теварак-атрофидаги ўкириклар – буюклик ва шуҳратдан дарак эканини билади.

Мен, бундай одамнинг қарашлари, амаллари ва интилишлари ҳамиша ҳам бенуксон бўлади демоқчи эмасман. Эҳтимол, руҳан хийла заиф, фикри тор бошқачароқлари ҳам бордир, бироқ улар анча-мунча бамаъни ва ҳақиқатгўйлардир. Яна шунга диққатни қаратишингизни истардимки, фақат улуғ шахсларгина адибларни ёзишга, файласуфларни фикрлашга, нотикларни сўзлашга, оддий одамлар юрагини эса севишга ва нафратланишга ундай оладилар.

Бириси Алини жондан севса, бошқалари, уни жинидан баттар ёмон кўради. Яна бирлари Абу Бакр ва Умарни одил шайх деб алқаса, бошқалари уларнинг соф кўнглию садоқатига шубҳа билан қарайди. Муҳиддин ибн ал-Арабий бир умр бировлар уни дунёнинг кутби деб қадрлайдиган, бошқалари эса бидъатчилар шайхи деб ҳисоблайдиган одамлар ичида яшади. Бир тоифа мусулмонлар Ибн Рушдни ислом файласуфи дея кўкларга кўтаришса, бошқалар уни таъна-дашномларга кўмиб, бош черковда тўғридан-тўғри юзига тупуришди. Бир тоифа одамлар “Диний илмларни жонланиши” асари муаллифини Ҳазрат Довуд номи билан атаса, бошқалар унинг асарларини майда-майда қилиб йиртиб

шамолга совуришади. Баъзилар ал-Мааррийни осмонларга чиқариб кўйишса, бошқаларнинг эса уни кўргани кўзлари йўқ, дастлабқилари унинг изини кўзларига тўтиё қилишса, кейингилари уни гавжум кўчаларда юзтубан судраб, сазойи қилгиси келарди. Сукрот сассикалафдек захарни нўш айлаганда, бу текинтомошани баъзи бировлар мийиқларида иршайиб кузатганлар, бошқалар эса унга ачиниб, кўз ёшларини тиёлмаганлар. Шоирлар шоири Ал-Мутанаббийнинг нутқи унинг шухратига ҳам бадном бўлишига сабаб бўлганди (мана, қарабсизки, рўпарангизда у сохта буюк пайғамбардай турибди!) Даврга инъом этилган истейдод дея одамлар Шекспирни инсон камолотининг чўққисига кўтариб кўйишди, бошқалар эса уни ожиз тақлидчига чиқариб, ҳақоратлашди ва ҳеч нарсага арзимасликда айблаб, ерга уришди. Наполеонни қадрловчилар уни табаррук сиймолар қаторига қўшганларидан шод эдилар, душманлари ва рақибларига у балойи азимдек кўринарди. Лютер ва Кальвин, Галилей ва Вольтер, Нитше ва Толстойлар тирик пайтларида ҳам, вафотларидан сўнг ҳам севги ва нафрат шаробини сўнгги томчисигача симиргандилар. Ҳозир, бизнинг замон, биз яшаб турган мана шу мамлакат одамлари Жамолиддин, Муҳаммад Абдо, Саъд Зағлул, Мустафо Комил, Али Юсуф, Қосим Аминлар ҳақидаги бир-бирига зид фикр-мулоҳазалардан нахотки холи бўлса?

Нахотки уларнинг ҳар бири чексиз обрў-эътибор қозонмаган ва аёвсиз нафратга учрамаган бўлса, – шундай машҳур одам бўлишларига қарамай, улар ҳақида умумий фикр бўлмаган ва улар ўзларининг машаққатли йўлларида кетишган бўлса? Буюк шахсларга баҳо беришдагина одамларнинг фикрларида бу қадар кескин фарқ бўлиши бор гап-ку, ахир!

Агар инсон бешикдан бошланиб, қабрда ниҳоясига етгучи бу ҳаётда ўзи учун зим-зиё ерости йўлини танлаган экан, бундай яшашдан маъни йўқ. Зеро у эшаккурт ё чувалчангдек, захарли мингоёғу бошқа судралиб юривчи жондорлар сингари қазосигача шундай эмаклаб бораверади. Чинакам ҳаёт чакканга уриб туради, нафасингни бўғади, кўзларингни қувнатади, нутқингга жон ато этиб, ғафлатда қолган қаламингни ҳаракатга келтиради, пок қалбларга ўт ёкиб, ғанимлар қалбини қаҳр-ғазабга тўлдиради. Буюклар гарчанд қиска умр кўрсалар-да, оддий одамлардан узоқ яшайдилар ва бу фоний дунёда уларга гарчи оз умр ажратилган бўлса-да, ибратга арзигулик шоён қисмат ато этилади.

Буюклик ҳақиқат каби қутлуғдир, унга дўст ҳам, душман ҳам бирдек хизмат қилади. Унинг машаққатли юки бунёд этаётганни ҳам, вайрон қилаётганни ҳам бирдек босиб туради. Қаерда бир тўда дўстларни кўрсанг, ўша ерда истаганча душманни ҳам топасан. Қаерда бир-бирининг гўштини еб ётган душманга кўзинг тушса – ёдда тут: ўша ерда буюклик ўзининг дабдабали тахтида савлат тўкиб ўтирибди ва кўтаринки руҳда барининг устидан ҳукмронлик қилмоқда.

Буюклик – бу таянчи сайқалланган инсон меҳри ва нафратидан бунёд бўлган қаср. Қаср пойдевори қанча пишиқ-пухта бўлса, у узоқ йиллар жойида мустаҳкам туради. Агар тиргаклардан биронтаси қулагудек бўлса, бошқасини ҳам тутиб қолиб бўлмайди, у ҳам тагидан зил кетади ва ҳар иккиси бутун бошли бинони ер билан яксон қилади.

Одамларнинг яқдиллик билан изҳор этган севгилари сени мафтун этмай кўя қолсин, негаки ожиз ва арзимас одамларга бўлган муҳаббатгина уларни бирлаштириб туради, худди эгасининг пойида пийпаланиб ётган кўппакдек улар ҳам қалбан, ҳам ақлан, ҳам ўз сезгиларию жисмлари билан бундай одамларга содиқ бўладилар. Уни бир уриб кўр, у чидайди, қулоғидан бир тортиб кўр у яна силаб-сийпалашингдан умидвор

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

гингший бошлайди, чакириб кўр – ўша заҳоти ёнингда пайдо бўлади, дўк ур – попуги пасайиб, думини кисиб қолади.

Ҳамма сени бирдек ёмон кўрса, бундан суюнмай кўя қол, негаки уларни ҳеч кимни хуш кўрмайдиган ва уни ҳам ҳеч ким хушламайдиган ёмон ва ярамас одамларга бўлган нафратгина бирлаштириб туради.

Агар сен ҳақда одамларнинг фикрлари бир-бирига тўғри келмаса, агар сенинг хизматинг ва бутун бир фаолиятингга баҳо беришда уларда муштараклик бўлмаса, унда буни ажабланишга арзирлик ҳол деса бўлади. Ахир бу буюклик аломати ва буюк шахсларга хос хусусият эмасми?..

Паноҳида буюк жангчи ҳаловат топиб, дарахтни ўз қони билан суғоргувчи жангчи бўлгандан кўра, атрофида тарафдорлару ғаним кўшинлари жанг қилаётган лашкарбоши бўл.

Курашчининг овозини ҳамма унутган ва энди уни ҳеч ким эсламайдиган ерларга элтувчи шамол бўлгандан кўра, унинг овозини бўрон дунёнинг истаган бурчагига ёювчи оташин курашчи бўл.

Янчиб, пайхон қилиб ташловчи қумтупроқ бўлгандан кўра, сендек новдага қумтупроқ ўз бағридан жой бергувчи гуллаётган дарахт бўл.

Кучинг тўлиб-тошаётганини ҳис этсанг, унда инсон қалбининг султони бўл, мабодо куч-қувват сени тарк этган бўлса, унда фақат ўзингникига эгаллик қилавер. Агар буюкликка таассуб этгудек бўлсанг, унга хушомадгўйлик қилсанг ёки ўз адоватингни ошкор этсанг, унда бундай йўл билан фақат ёввош қул бўла олишинггагина умид қилишинг мумкин, улар эса қудратли ҳоконликка ягона даъвогар бўлиб қолаверадилар.

## ТОЛСТОЙГА<sup>1</sup>

Узлатни кўнглинг тусаб, бу оламдан узоқлашишни ихтиёр этган экансан, бир оз сабр қил, сен билан видолашиб олайлик. Гарчи бизнинг ота-оналаримиз бошқа бўлса-да, гарчи бизни улкан масофа ажратиб турган бўлса-да, ахир биз ҳам сенинг фарзандларинг эмасмидик?! Сени ва халқингни кўриш бизларга насиб этмаган бўлса-да, узоқ йиллар мобайнида биз сенинг дўстларинг эдик. Қадрдон дўстлар орасида бўлганидек, чин юракдан кўз ёш тўкмай туриб сендан айрилиш бизга жуда оғир.

Айтишларича, сен жамиятни ҳар хил иллату қусурлардан халос этиб, уни ўзгартирмоқчи бўлгансан-у, бу орзуларинг ушалмагач, одамлардан безгансан, улар орасида яшаш жонингга теккан ва баридан бараварига қўл силтаб юз ўгиргансан, ҳатто ўз оилангдан ҳам; сен йиртқишларнинг ўкиригидан бошқаси эшитилмайдиган ерларга ёки кўнғироғининг овози сенинг бирдан-бир юпанчингга айлангувчи монастирға бош олиб кетдинг; сен одамлар орасига бошқа қайтмасликка ва улар билан ҳар қандай алоқани узишга қарор қилдинг. Биз сени кечирдик ва бу ишинг учун сени койимоқчи ҳам эмасмиз, сени кўрқоққа чиқариб, ўз эътиқодидан қайтган инсон деб ҳам ўйламаймиз асло; ахир сен ҳали қиличинг қинидалигида, елкангдан найзанг тушмаган пайтларда ва ўқдонингдаги ўқинг аримагунча фидокорона жанг қилдинг. Бироқ душманларинг беҳисоб ва, устига-устак, ўлгудек ўжар ҳам эдилар, ҳуда-беҳуда мардлик эса тентаклик бўлурди ва қайсарликдан туғилган, синдириш маҳол бўлган сендаги орқага қайтмаслик эса душман билан саксон йил давом этадиган жангу жадалдан ҳам ошиб тушганди. Агар сен ҳам жанг майдонини умринг-

<sup>1</sup> Бу мақола машҳур рус файласуфи Толстойнинг, ўрмонда ёки монастирлардан бирида – узлатда яшашни ихтиёр этиб, ўз уйдан бош олиб чиқиб кетгани ҳақидаги хабар олинганидан сўнг ёзилди. (Муаллиф.изоҳи).

нинг охиригача тарк этмаганингда, балки сенинг ҳам қисматинг, ўлим олдидан кишига мадад бўлғувси одамлар орасида эзгулик ва адолатни кўришни орзу этиб, орзусига етолмай ўлиб кетган буюк файласуфларнинг қисматиغا ўхшаб кетган бўлармиди?

Бу пуч ҳаёт сенга нима берди ва қандай хулосага кела олдинг? Шакшубҳасиз, гуноҳга ботган одам боласи, унинг бағритошлигию ноҳақдан-ноҳақ мулоҳазаларини, амалларини исботлаб берувчи қани сендаги ўша фазилату илм, ўз тилинг, қаламинг, ўша сўзамоллигингнинг кучи қаерга кетди?

Сен шоҳга мурожаат этиб шундай дединг: халқ унга хизмат қилишинг учун сени тахтга ўтказди; унинг кўнгил орзусига айланишинг учун эмас; тахтга эгалик қилиш, гарчанд сенга насиб этган бўлса-да, ернинг жонини киргазаётган деҳқондан, ёки фабрикада меҳнат қилаётган ишчидан сенинг ҳеч бир фарқинг йўқ: калтак охир-оқибат бошингда синмасидан бурун ҳар қайсингиз ўз вазифангизни сидқидилдан бажаришга мажбурсиз. Фабрика соҳиби мукофот беришдан аввал тузукрок меҳнат қилишни ишчидан талаб қилганидек, халқинг ҳуқуқини ҳимоя этяпсанми, мавжуд қонунларни бузмай унга риоя қиляпсанми, у сендан жавоб кутади! Одамларнинг кучлигию ожизига ҳам, бою фақирига ҳам бирдай одил муносабатда бўла олдингми? Муҳаббатинг ёки нафратинг холислигингга путур етказиб, сендан устун келишига изн бериб қўймадингми? Ҳаддан ташқари хушодаду мактовларга эътиборсиз бўлишни эплай олдингми? Одамларнинг ғурурини топтаб, сенинг олдингда кўркиб-қакшаб туришга мажбурлаб, уларни йўлдан урмадингми? Сендаги қаҳр-ғазабни жиловлаш илинжида охир-оқибат ўзларини таҳқирлаб, иснодга қўювчи ҳар хил ёлғон-яшиқ ва бўҳтонларга, чақимчиликка йўл қўйиб, нопок ишларга қўл уриб қўймадилармикан? Агар берган ваъданга содиқ қолишингга халқинг астойдил ишонганида эди, ўзи берган ўша тожу тахт ва ҳоқимиятни у сендан сўраб ҳам ўтирмасди ва бу хайр-саховатингга меҳр ила жавоб қайтариб, барини ўзингга қолдирган бўларди.

Бироқ сендан бундай сўзларни эшитган шоҳ, буларнинг барини кўполлик ва сурбетликдан ўзга нарса эмас дея ҳисоблайди, негаки, унинг яқин кишилари орасида бундай сўзларга оғиз жуфтлашга биронта одамнинг журъати етмаган; шу боис ҳам, худди ўйлаганимиздек, сен унинг ғазабини келтиргансан. Сени таъқиб этишда ҳам у, унинг зулмидан қалблари шикастланган ва у қарам қилишга эриша олган, энди эса унга қарши чиқиб, адолат учун курашмоққа лаёқатлари аллақачоноқ сўниб бўлган одамларгагина таянарди.

Рус асилзодасига сен шундай дединг: фаровон турмушинг хузуридан маст боғу роғларинг бағрида, дарахтларингнинг соя-салқинию, кўлнинг бўйларида яйраб юрган бир пайтингда, иссиқни иссиқ, совукни совук демай, изғирину жазирамада пешонасига бир қарич ҳам ер битмаган қанчадан-қанча меҳнаткашларнинг якка ўзинггагина қарашли миллион фeд<sup>1</sup>дан иборат салмоқли ер майдонларини обод қилиш учун ер майдонларини ҳайдаб, унга ишлов бериб, экин экиб, мевали дарахтларни парваришлаб, мол-ҳол боқиб юришлари, сенингча, инсофданми? Бунда уларнинг ҳам ҳақлари борлигини тан ол-да, сенинг хузур-ҳаловатинг учун уларнинг қийналаётганларини ёки фақат сенинг жонинг омон бўлиши учун уларнинг нобуд бўлаётганини кўриб, юрагинг ўртанмаслиги учун адолат юзасидан бу тупрокда етиштирилган ҳосилни улар билан баҳам

<sup>1</sup> Фед – Ярим гектар атрофидаги ер майдони ўлчови.

кўр. Шунинг эътиборида бу заминнинг эгаси Оллоҳ ва унга эгалик қилмоққа ҳам ёлғиз Угина қодир.

Йўқ, сен асилзодага бирор нарсани ўргатиш ёки унга панд-насиҳат қилишнинг ўзи билангина кифояланиб қолмадинг; ерда ишлаш учун ўз ерингни деҳқонларга тақсимлаб бериб, ўзинг ибрат кўрсата олдинг; бу билан ҳам кўнглинг тинчимасди: кетмонингни, мол-ҳолингни олдинг-да, ўзингбоп чокқина ерни топиб, ҳамма билан баб-баравар ишлаш учун у ерга кетдинг! Ўзингдаги бу улкан ибрат ила сўзларингга кулоқ солмаган ўша бағритошни ишонтиришга умид қилдинг. Бироқ у фақат сенинг ва одамларга бўлган раҳмдиллигинг устидан кулди; одам зерикканда ёки ранжиган кезлари қизиқарли китоб ўқишга қандай эҳтиёж сезса, у билан бўлган сенинг суҳбатингга ҳам у шундай кўз билан қаради.

Сен руҳонийга шундай сўзларни айтдинг: Исо Масих не-не қийинчилик ва қувғинларга учраб, машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтди, чунки у баъзи бир бандаларнинг бошқалари устидан жабр-зулм ўтказишига кўниқолмади; у қўлида ёниб турган чирокни яширмади, уни ёпинчиғи билан тўсиб ҳам ўтирмади, ўзидаги иллатларни чирокнинг яраклаган нурларидан беркитишга эришолмаган подшоҳнинг ғазабидан ҳам кўркмади, чирокни боши узра дадил кўтарди. Нега энди сен, ўзингни унинг издоши, вазифасининг давомчиси ва таълимотининг тарафдори дея фаҳмлаб, золим ҳукмдорликни қўллаб-қувватлайсан? Сенинг номинг ва ҳозир сен ушлаб турган муқаддас диний китобнинг паноҳига яшириниб, жазо олмасдан истаган пайт хоҳлаганни талаб, кўнглинг тусаганча жабр-зулм ўтказиш учун худди орангизда шартнома тузилгандек, ўз садоқатингга розилигингни намойиш этиб, нега бу қадар унга юкинмоқдасан? Сени жаннатга дохил этиб, кўнглингга хуш келмайдиганни у ердан қувиб чиқаришга изн берадиган сендаги қандай ваколат бўлди экан? Бу ҳашаматли уй-жойлар, кимхоб уст-бошлар қаердан келди? Нега сен мақсадсиз яшайсан? Ахир сен Парвардигори оламга хизмат қилиш учун дунёнинг барча хузур-ҳаловатларидан воз кечган тақводор, роҳиб бўлсанг.

Рухонийда бундай ҳуқуқ борлигини сен тан олмаслигингни гарчи руҳоний фаҳмласа-да, унга айтган гапларингга жавобан у сени черковдан ҳайдашни буюрди; сени қоралашга, сенга тухмат қилишга уриниб, ғурурингни таҳқирлаб, халқни сенга қарши оёқлантирса-да, сен унга ғиринг этиб гап қайтаролмадинг. Меҳрибонлигинг ва хайрли панду насиҳатларинг учун бу сенинг ҳақинг.

Сени йиғлатган Сибирга сургун қилинганларнинг аянчли аҳволи, ҳаддан зиёд азоблари ва чидаб бўлмас машаққатли ҳаётлари бўлди; ва сен шундай дод солдингки, овозингни асилзодалар ҳам, авом ҳам бирдай эшитди. “Эй, одамлар! – деб ҳайқирдинг сен. – Ёвузликка ёвузлик билан барҳам бериб бўлмайди, ахир жинойтчилар – бу носоғлом кишилар-ку, шунинг учун улардан ўч олиш эмас, уларнинг дардига малҳам даркор. Оқилона тарбия жинойтчиликнинг илдизини қуритади ва айни пайтда интиқом сингари яна у томонга ундайди. Қамоқхоналар ўрнига мактаблар бунёд этинг, турма назоратчиларининг ўрнига ўқитувчиларни юборинг”. Бироқ бу дод-фарёдингни ҳеч бир зоғ эшитмади ва ҳеч ким сенга кўшилиб кўз ёш ҳам тўкмади. Судлар ўша-ўша ҳукм чиқаришда, миршаблар ўзбошимчалик қилишда, турма назоратчилари хўрлашу таҳқирлашда, маҳбуслар эса азоб-уқубатда кун кечиришда давом этяптилар.

Жанг майдонида жонларини нима учун фидо қилаётганларини ҳам

билмай курбон бўлаётган эрларига, ўғилларига ёки ака-укаларига аза очган аёлларни кўрганда, шафқатсиз хунрезлик билан содир бўлаётган бу бемаъни урушга нисбатан ғазабингни тиёлмасдинг. Нафрат ва адоватнинг зўридан душманлар бир-биринини кўзини ўйишга тайёр эканига ягона сабаб – шафқат билмас сиёсатдонларнинг ёлғиз ўзларигагина эътиқод қилишга даъват этувчи туйғуни уларнинг юракларига синдириб, хатогга йўл қўйилгани бўлганди. Одамлар ўз либосларини ташлаб, ваҳший хайвон терисини ёпиниб олардилар-да, бир-бирларининг юракларини суғуришни мўлжаллаб, унга чанг солардилар ва шу зайл ўз инсоний қиёфаларини йўқотиб борардилар. Агар одамлар ўзларининг бузук ниятларидан воз кечиб, раҳмсиз сиёсатдонларга кулоқ осмаганларида, қанчадан-қанча юраклар омон қолиб, муҳаббат ила уришда давом этган бўлурди. Бироқ кўз ёшларингнинг бари беҳуда эди, на арз-додлар ёрдам берди ва на оҳ-воҳлар: урушлар барҳам топмади, на фақат ерда, кўкда ҳам жангни давом эттириш учун ажал фабрикаси курол-яроғ ишлаб чиқаришда бир зум ҳам ўз фаолиятини тўхтатмади...

Эй буюк зот, бахтли бўл, бу ҳаётдан қутулишга уришиб танлаган ёлғизликдаги тинч ва бежавотир турмушинг ҳафсалангни пир қилмасин. Бундай пайтда мулоҳазали инсон қандай йўл тутган бўларди? Ғазабини енгиб, фақат сукут сақлайди ёки мусибатдан ўлар ҳолатга етиб тилга киради!

Билимсизликни маърифатга айлантириш ва жаҳолатдан қутулиб, рўшноликка юз тутиш, қорани эса оққа ўзгартириш, эҳтимол, биронта оқил кишининг қўлидан келар; балки денгиз билан ернинг ўрнини алмаштириб, у ердан лаҳм кавлаш ёки осмони фалакка етгулик зинапоя бунёд этишнинг ҳам кимдир уддасидан чиқар, бироқ одамлар орасида содир бўлаётган қабихликларни олийжанобликка, ёвузликларни эзгуликка айлантириш эса ҳеч кимнинг қўлидан келмайди.

Ўз куч-қудратига бино қўйган бу одам боласи ўзи қабиларга азоб беришда ҳали давом этар экан, ўз ён-веридагиларга меҳр-оқибат кўрсатишни ўрганмас экан, худбинлик балоси ёш демай, қари демай ҳар бир одамнинг бошида тегирмон тошини юргизишда давом этар экан, – бугунги инсон ўрмон ва чакалакзорларда кун кўрувчи ўша-ўша кечаги инсон бўлиб қолаверади. Мавжуд тафовут эса шундан иборатки, шу бугуннинг одами, ўзидаги бор қаҳр-ғазаб, нуқсон камчиликлар билан ойнаванд уйларда яшайди. Наҳот мана шу шаффоф шиша ойналар ўзини унинг панасига олганларнинг ахлоқсизликларини яшириб қололса?!

## МАРЯМ ЗИЁДА



*Марям Зиёда (1886-1941) – машҳур араб адибаси. Араб маърифатчилик ҳаракатининг илк иштирокчиларидан. Келиб чиқиши Ливандан бўлган адиба умрининг асосий қисмини Мисрда ўтказган. Маҳаллий мактаб ва дорилфунунда таҳсил олган. Мисрдаги Аёллар ҳаракати ва араб адибалари ҳақидаги асарлар муаллифи. М.Зиёда араб тилидан ташқари француз, инглиз, итальян ва немис тилларини ҳам яхши эгаллаганди. Унинг асосий асарлари: “Яшайдан мақсад”, “Саҳро тадқиқотчиси”, “Сўз ва йўлланма”, “Сувнинг кўтарилиши ва қайтиши”, “Зулмат ва нур”, “Кўз ёши ва табассум” китобларидир.*

## АБУ ҲАВЛ<sup>1</sup> ПОЙИДА

Тубсиз кенг осмон, ҳадсиз теран тун. Шитоб билан учаётган юлдузлар ва яраклаб кўринаётган деразалар зулмат жисмидаги куйиклардан қолган яра изларига ўхшарди гўё. Шаҳарлар шовқини фақат ундаги дарддан дарак берарди, холос, шундан бошқасини билмасди улар. Урф-одатлардан кўл-оёқлари боғлиқ, сершовкин одамлар тамаддунидан ажралиб турган тепалик ортидаги ҳадсиз сукунатга бош кўйган сенинг ўзига хос мустақил тамаддунинг ёлғизлигини мадҳ этмоққа мана мен ҳузурингга келдим, ҳой сфинк! Ер юзида мамлакатлар ўзгаради, халқлар ўзгаради, уларга қўшилиб динлар ҳам, қонунлар ҳам, тиллару урф-одатлар ҳам ўзгариб бораверади. Неча-неча авлодларнинг ҳаракату амалларини йўққа чиқариб, зилзилалару вулконлар, момақалдироғу ўлатлар, ғалаёнлару бўронлар ва тошқинлар ким ўзарга беллашади. Сен бўлсанг, коинот чиройига қараб интилаётган эҳромлар панасига яшириниб олиб, омонат дунёнинг ҳалокатга элтувчи қонунларини рад этасан. Ибодатхоналар ҳам сенга ўзларининг тошу шағаллари саси ила туганмас қиссаларини ҳикоя қиладилар-да, сўзларини худолар, шоҳлар ва жангчилар тасвири билан асослаб берадилар. Бу ибодатхоналар бошига тушган кўргиликлар эса уларнинг ҳикояларини янада маъноли ва жозибадор қилиб юборади.

Мана, бу ерда сен, юмшоққина кумлоққа жойлашиб олиб, улуғворлик ва рамзлар давлатида, ўзингнинг сирли ва улкан салтанатингга яккаю ёлғизсан. Сендаги софлик ва олийжаноблик олдида ҳозирги ҳукмдорларнинг буюклиги нуқул ахлоқсизликдан ўзга нарса эмас. Сенинг бор сир-асрорингни тагига етмоқ иштиёқи билан тўлиб-тошган густох инсон мағрур танҳолик қасри ичра бош суқиб қарамоқчи бўлади. Бироқ сен яшириб ётган сир-асрорлар бу фоний дунё шарпаларига кўриниш бермайди, шунчаки қизиқишми ёки томоша қилиш иштиёқи сабабми, сенинг бакуват панжаларингу уларнинг елкаларинг сари талпинаётган ҳашаротнамо панжалари билан буларнинг барини ҳис этишнинг иложи йўқ.

<sup>1</sup> Абу Ҳавл (араб. кўрқитувчилар отаси) – Мисрдаги Сфинкснинг арабча номи.



Бирок одамзод на фақат завқланишни билади ва на фақат билиш учун интилади, у оғир дардга чалинган ва у қаттиқ азобда. Унинг бошига фалокатлар ва бахтсизликлар қуюндек ёпирилмоқда ва у ҳақиқатан ҳам умумий мувозанатнинг ваҳимаю саросимадан тўкилиб, барқарор кўринувчи бу оламнинг эврилишлардангина таркиб топганига ҳам амин бўлди. У эркин танлаш имкони ва муқаррар қисмат ўртасидаги аёвсиз курашнинг барча фожиаларини ўнг-терсига қарамай бошидан кечирди ва Маъбудлару жангчиларни, қонун чиқарувчилару авлиёларни, пайғамбару котилларни, бари ўлдирилганларни учириб кетаётган шаршаранинг яқинлашиб келаётган авлоди ундаги тўлиб-тошган куч-қувватни ҳам бекорга нест-нобуд қилаётганини тушуниб етди. Тахтга олиб борувчи йўлда у қашшоқликни, кишанланган жиноятчилар ёнида эса салтанат ҳассасини ва подшоҳлик тожини кўрарди, у тўй тантанасию дафн маросимини, туғилмоқлик ва ўлмоқликни, улар билан бақамти бораётган йўқчилигу бойликни, касаллигу саломатликни, хоинлигу садоқатни, тўғрилигу хатоликларни кўрарди. Шунга қарамай, инсон қанча азоб-укубат тортмасин, жони қанчалик озор чекмасин, у барибир бу оламни ўзгартиришга ожиз ва дунё қандай қурилган бўлса, шундайлигича қолаверади.

Тирик жон ва ўлик модда пайдо бўлади-да, мавж уриб кутурган, ўз шаклини абадий бошқасига алмаштириб, янгиланиб турувчи тўлқин дунёга келади. Ҳар сафар улардаги ўзгариш ҳадемай поёнига етай-етай деб турганида, майда-майда бўлиб парчаланиб кетаётган қатраларнинг устидан чирмашиб юқорига ўрлаётган яна янги-янги тўлқинлар вужудга келаверади.

Агар инсон дўппини ерга қўйиб, бу ҳодисаларнинг қаердан келиб чиқишини билмоқчи бўлса, унга: буни ҳаёт деб қўйибдилар; ҳаётнинг эса бўлган-тургани шу, шундан бошқача бўлиши мумкин эмас, – дейдилар.

Шунақа, эй парвойи фалак сфинкс! Инъом этмоқ ва маҳрум бўлмоқнинг, вафо ва хиёнатнинг, оқлик ва қораликнинг, ғурур ва камситилишнинг, ғалаба ва мағлубиятнинг, ҳар қандай шодлик ва ҳар бир ғам-ғусса, барининг сабаби фақат битта. Биз, ҳаётга ҳаётнинг ўзи исбот, деймиз. У бизни рўпара этган дардларга ҳам унинг ўзидан даво топамиз. Ҳаёт билан яна юзма-юз келиш учун ундан йироқлашамиз.

Мен ҳам ҳаётнинг миллионлаб моҳиятлари қатори, барча ҳақ-ҳуқуқдан маҳрум этилганлар каби ҳаётни англашга интиламан. Ва, бир вақтлар сен ҳам Фивага кетаверишдаги йўлда йўловчиларни саволга тутганингдек, мен ҳам йўлда тўхтаб, ҳаётда яшашдан мақсад нима экани ҳақида ўткинчилардан сўрадим. Улардан бири: “Ҳаёт – бу она сийнаси”, деб жавоб берди менга.

Шунда мен она кўкрагига ёпишдим узимни ҳифзу ҳимояда, иссиққина уйда пайдо бўлиб қолгандек ҳис этдим. Юқоридан юборилаётган на бир шиддаткор шамол, на бир момақалди роқнинг гумбури, на чақмоқнинг чарақлашию на сув тошқини мени ваҳимага сола олди. Орадан бир кун ўтди. Она бағри энди менга торлик қилиб қолди ва мен: “Бу ҳаёт деганлари нима ўзи?” – дедим аввалги маконимга қайта туриб, ўзимга-ўзим.

Кимдир менга: “Бу эътиқод ва диёнат”, – дея жавоб берди. Ва шунда мен пешонамни зоҳидлик ва содиқлик нишонаси остига яшириб, уни заррин чойшаб тўшалган меҳроб остонасидаги чангга булғашга шошилдим. Мен содир этмаган гуноҳларимни кечиршини, ҳаёлим кўчасига келмаган ножўя ишларимни авф этишини сўраб илтижо қилдим.

Индамас бутлар ўзларининг зарҳал либосларида мен билан суҳбатлашар эдилар, хочлар эса шивирлаб миҳ ва найзалар билан каминани кўрқитиб жазоламоқчи бўлардилар. Орадан бир кун ўтди. Мехробнинг бағри дастлаб мулойим ва меҳр-муҳаббатга лиммо-лим эди, энди мармар тошдек совуқ ва қаттиқ бўлиб қолганди. Диний расм-русумлар бежама хатти-ҳаракатлардан иборат бўлиб қолганди. Кутилмаган янгиликлар ва илоҳий илҳом бахш этувчи ширанинг муаттар иси, таъби ёқимсиз аёлларнинг димоқни ёрадиган ўткир хидли атри сингари энди мени ғижинтирадиган бўлиб қолганди. Шунда мен яна йўл бўйидаги аввалги жойимга қайтдим-да: “Ҳаёт дегани нима ўзи?” дея сўрадим.

Шунда шуҳратпарастнинг: “Ҳаёт деганлари наҳот кизлар учун – бу такабурлик, ишва ва барнолик бўлмаса?” – деган нидоси янгради.

Кўзгу билан суҳбатлашгани унинг ёнига бордим, бордим у ўз аксимни кўриб, уни севиб қолдим, унга шундай қаттиқ кўнгил кўйдимки, у билан фақат янада жозибалироқ бўлиш учун юзимга яна қандай оро беришни излаш мақсадидагина ажраша олардим холос. Бироқ кўп ўтмай, чуқур қайғуга ботган севишганларни кузата туриб, ўкириб-ўкириб йиғлашга мажбур бўлдим ва шунда мен, ўзгалар юрагидаги дарднинг устидан кулиб, қувониб, ҳузур қилаётганимни англадим. Бир кун ўтди ва кўзларим яна қайғуга ботди. Худди аввалгидек мен яна: “Ҳаёт ўзи нима?” дея йўловчилардан сўраш учун йўл бўйига қайтдим.

Шунда бир жуфт ҳуштак ва машиналарнинг ғув-ғуви аралаш тамаддуннинг: “Ҳаёт – бу тўкин-сочинлик, ҳашамат ва дунёдаги энг юқори ҳолат, замонавий маданиятнинг барқ уриши”, деган овози эшитилди.

Шунда мен уни изма-из қувиб кетдим, бироқ бир соат ўтар-ўтмай, уёғига қимирлашга мажолим етмай, тўхтадим. Ғам-ғуссадан нафасим бўғилди ва орқага қайтишимга тўғри келди.

Мен яна: “Бу ҳаёт дегани нима ўзи?” деб сўрадим узил-кесил умидимни узиб. Аммо ўлимни хохламай анчагача шу саволни такрорлайвердим ва тинимсиз кўз ёш тўқдим. Шунда қийноқларим қаъридан товушсиз бир шарпа пайдо бўлди-ю, бу сирли ҳаётни у ўз қўлида тутиб турганини фаҳмладим.

Хой Сфинкс! Сен бирон марта бўлса ҳам рақсга тушаётган юлдузларни кўрганмисан? Қонунлардаги ўзгармас турғунлик бир лаҳза иккиланиб қолди, барча юлдузлар эса атрофимда ўйинга туша бошладилар, қолган махлуқлар ҳар нарсага қодирнинг қаршисида бўйсуниб, бош эгдилар. Ва уларнинг бари ягона ораз кўринишини бир-бирларига узата кетдилар ва у билан ўхшаш бўлганликларидан фахрлана бошладилар. Барча шафақ ва оппоқ тонглар ўз нурларини унинг кўзидаги шуълага ботириб олар эдилар.

Зангори осмон, мафтункор баҳор ва гўзал денгиз тўлқинлари ундаги ўша ажойиб, ёқимли ва муқаррар табассумнинг фақат кучсиз, равшан бўлмаган акси эди, холос. Яратувчи мени ўз тахтига таклиф қилди ва биз иккимиз кафтларимизни тирикчиликнинг бурама симлари устига кўйдик-да, оламлар ҳаракатини идора қила бошладик. Орадан бир кун ўтди. Юлдузлар ғалаёни бостирилди, улар оламнинг ягона тартиби олдида таслим бўлдилар. Ҳар бир жонивор дунё тартиботидаги ўзининг илгариги аҳамиятини қайтадан қўлга киритди. Мен бўлсам: “Ҳаёт нима ўзи?” дея ўткинчилардан сўрашда давом этавердим.

Шунда: “Ҳаёт – бу мен, шу боис уни мен тушунтириб бераман”, деган маърифатнинг хотиржам овози янгради.

Шунда мен бориб турган моддий дунёни, фалсафани ўрганмоқ учун беҳисоб Илм тўлиб-тошган серобликка ўзимни отдим.

О, ҳукмдор! Билиб бўлмайдиганларни ўрганиш учун озмунча фан ихтиро қилдикми; тушунтириб бўлмайдиганларни тушунтириш учун озмунча тилларни ўйлаб топдикми! Осмон жисмлари ва коинот унинг ёрдамида бир-бирларига таъсир ўтказувчи, унинг бағридан эса қуёш тугул, гард ҳам қутулиб кетолмайдиган куч – ўзига тортиш кучини олимлар менга кўрсатиб бердилар. Мен: “Тортиш кучи дегани бу нима ўзи, уни ким кўриб, ким эшитгану ким қўл тегизиб кўрган? Балки у ҳавода тўлқин тахлит ҳаракатланувчи рухдир. Ёки у – табиатан мустақил, ўзига хон бўлган қутурувчи оқимдир. Ва бунга йўловчилар: “Буни ҳаёт тилсими дейдилар, уни эса сира тушунишнинг иложи йўқ,” – деб жавоб бердилар.

Ҳаёт! Сирлар маскани! Бир вақтнинг ўзида ҳам бирлашмоқни, ҳам жудоликни ифодаловчи калималар.

О, тўрт минг йиллик узлат посбони, бу гиламдек юмшоқ кумликлар, мана, тўрт минг йилдирки, сенинг мулкингни қоплаб олган. Фан аввалгидай фақат биргина кум заррасининг у ёғию бу ёғини ағдариб, чилпарчин қилиб, қолган бўлақларни ҳам яна майдалаб, тадқиқ этиб ётибди. Фан текшириб, ўрганиб уни ҳаётдан маҳрум этмоқда, тажрибадан ўтказиб, изоҳлаб йўққа чиқармоқда, унинг тузилиши моҳиятини очишга ва унда яширинган сир-асрорнинг тагига етишга уриняпти. Фаннинг зўр бериб жон куйдиришлари ўша-ўша номаълумликдан номаълумликка, саволдан саволга етакламоқда, холос. Ва мен энди уни: “Ҳаёт нима у? Ҳаёт дегани нима ўзи?” дея саволга тутаётган гўл гўдакка ўхшатардим.

Камина илҳақ йўловчилардан жавоб кутардим. Кўплар юзимга қараб, кулиб ўтиб кетаверардилар. Негаки, улар мени тушунишга қодир эмасдилар. Тўхтаб, саволимга жавоб берган баъзи бировлар янада қатъиятли бўлишга, мендаги оташнинг аланга олишига сабабчи бўлардилар ва бундан бир ташвишимга ўн ташвиш қўшиларди. Ерости йўлига етакловчи сенинг панжаларинг орасидаги тарашлаб ясалган яширин зинапоя эҳромларнинг сирли чуқурлигигача чўзилиб бориб-бориб, охири ғойиб бўлганми? Оллоҳнинг сирли овозига мушток авлиёлар уни диққат билан кузатиб турган бир вақтда, нега энди сенинг юрагингга охират дарвозасининг қалити ишониб топширилган? Асрлар давомида маҳкам қимтилиб турган лабларингдан ташқари, нега энди қалбингдаги сирлардан ҳеч кимни воқиф этмайсан. Балки лабингдаги афсус – меҳроб учун барча қабихликларга чек қўйиб ўзини қурбон қилганларнинг қонидир; ёки у келажак олдида барча мавжудлик ҳеч нарсага арзимас демоқчи бўлаётгандир?

Мана табиатнинг ҳаётбахш суви – сенинг Нилинг; ҳамиша бирдай тўлиб-тошиб оқишию сахийлиги учун унинг бошланишидан то куйилиш еригача ҳамма унга сажда қилади.

Ёз мавсумида унинг нега қизил тусга киришини биласанми? Сувларидаги бу серҳосилликнинг боиси не?

Анави ҳандасавий шаклга эга эҳромлар не маъно англатишини биласанми? Халдейлар бурж аломатларини тасвирлашларидан аввалроқ уларнинг тошдан йўнган осори атиқаси сен эмасмидинг?

Ўзи бу эҳромларнинг вазифаси нимадан иборат эканини биласанми? Улар дашту биёбонга машъала бўлганмидилар ёки фиръавнларга қабримиди, мудофаа қўрғонимиди ёки қимматбаҳо буюмлар сақловчисими, севишганлар учрашадиган ермиди у ер ёки Осирис мархумлар устидан

тантанали суд йиғилишини бошқарадиган жой бўлганмиди?

Уларни мўмиёлаганда нега ичига папирус ўсимлиги билан қадимий ёзув белгиларини жойлаб, тоштобут ва макбараларга қўйишларини биласанми?

Нилуфарнинг ва нилгули лотоснинг муқаддас дарёда сузиб юришида қандай ҳикмат бор, бу сенга аёнми? Биздек нодонлар учун булар фақат бизни идора этаётган ҳаётнинг белгиларигина, холос.

Ўзинг-чи? Наҳот бу ердаги бирон нима сени ўзига тортмаса ва чексиз сукунатингнинг боиси наҳот шу бўлса?

Ёки буларнинг барида биз нимани кўраётган бўлсак, сен ҳам шуни кўраётгандирсан? Балки сен ўз кетидан қуёш тизимию юлдузлар туркумини эргаштириб олиб кетаётган оҳанрабо милини шимолга йўналтираётган Тангри бармоқларининг ҳаракатини кузатаётибсанми? Ёки, ёруғлик ва зулмат лашкарларини, турғун юлдузларнинг улкан гуруҳини ва ўз меҳвари бўйлаб ҳаракатланаётган фазо ва вақтнинг кўшинлари бўлмиш сайёраларни ўз кўригиндан ўтказаетгандирсан? Балки сен ғуж юлдузлар тўпи ва галактика оламига, дунё қонунларининг дасти билан битилган “ҳаёт” сўзини ўқишга уринаётгандирсан? Ёки бир бутунликдаги ҳаво, олов, сув, моддани ҳосил қилувчи, борлиқ чегарасидан ташқарида оқаётган илоҳий оқим сени ҳайратингга сабабдир? Сен каби биз ҳам кузатаяпмиз, умидвор бўлаяпмиз, умидвормиз ва кузатаяпмиз. Бизлар нимани кузатаяпмиз, тепамиздаги буқаламун осмон нимадан умидвор экани сенга маълумми? Нур ўз шуъласи билан ора-сира ёриб кириб бизни баҳраманд этгувчи азалий ва абадий зулматнинг бандиларимиз. Биз уларни умидларимиз рўёбининг хабарчилари дейишга тайёрмиз. Бироқ улар алдовчи ҳаёлотдан ўзга нарса эмас. Зулмат янада қуюқлашмоқда, биз эса ўша-ўша ҳамон кутишда давом этмоқдамиз; бўшашганча кутмоқдамиз.

Сен устингга қуйилиб келаётган қумларга ярим-ёрти кўмилиб бўлган эсанг-да, барибир, ҳамон ўша кунчиқар томонга боққанча жилмайиб тураверасан. Биз эса офат қиличи остида фалокатдан ҳалок бўлаётган эсак-да, умид билан ҳамон кутмоқдамиз.

Сендаги сирли сукут ўтган ва ўтаётган давру давронларнинг сири эканлиги ростми? Одамзод маъбудларни худди ўзига ўхшатиб яратганидек, сени ҳам ўзининг рамзи этиб яратгани ростми?

У, индамаслик рамзи бўлмиш савқи табиий майлнинг бошланишини бузоқнинг биқинидан; довьораклик рамзи бўлмиш оташин феъл-атвори шернинг панжаларидан; ҳадсиз йироқларга парвоз этувчи – илм рамзи бўлмиш қанотни бургутдан олди; ўзининг инсоний қиёфасидан эса савқи табиий майлнинг, нафснинг ва пуч ҳаёлларнинг устидан ғолиб келиш, ақл-идроққа, онгли истак-хоҳишга йўл кўрсатиш учун бошини олиб сенга ато этди.

Нега у ўзигагина хос сифатларни сенга раво кўрди-ю, бошқа қолганларидан сени баҳраманд этишни истамасди? Нега энди сенинг табассуминг ҳеч қачон унинг доимий янгиланиб турувчи умидларининг акси бўлолмайди? Осмону фалакка мангу боқиб турган Сфинкс балки унинг қаеригадир ич-ичига яшириниб олгандир ва ҳар сафар шафақни ва ҳар сафар кун чиқишини кузатаётиб, янги юлдузлар пайдо бўлишидан ва янада ёруғроқ қуёшнинг, янги куннинг чиқишидан умидвор бўлаётгандир?..

## ИЗОҲЛАР

1. Абул-Аъло ал-Мааррий – (979–1058) – машҳур араб шоири ва мутафаккири. (Ёш пайти кўзи кўрмай қолган.) Шоир ўз шеърларида ижтимоий адолатсизликни қоралаган, хурофий бидъатларни танқид қилган. Унинг энг машҳур шеърӣ тўпламлари: “Зарур бўлмаган зарурият”, “Чақмоқтош учкунлари” ва яна бошқа шеърлари рус тилида нашр қилинган (1990 й.).

2. Ал-Мутанаббий (915–965) – машҳур араб шоири. 1933 йил ўзини пайғамбар дея эълон қилгани учун ҳибсга олинган (ал-Мутанаббий лақаби шундан келиб чиққан, яъни “ўзини пайғамбар дея маълум қилмоқ”).

3. Жамолиддин ал-Афғоний (1838–1898) – ислом дини назариётчиларидан, жамоат арбоби, мусулмон давлатларидаги миллий-озодлик ҳаракатининг илк раҳнамоларидан бири.

4. Муҳаммад Абдо (1849–1905) – XIX аср охири – XX аср бошларида Мисрнинг ижтимоий ҳаётида муҳим роль ўйнаган ислом ислохотчиси, маърифатпарвар инсон.

5. Саъд Зағлул (1860–1926) – Миср озодлиги учун курашган машҳур сиёсий арбоб.

6. Али Юсуф (вафоти 1912 йил) – Мисрлик журналист ва шоир, араб вақтли матбуотининг ривожига улкан ҳисса қўшган “Ал-Муайяд” рўзномасининг асосчиларидан бири.

7. Мустафо Комил (1874–1908) — Миср мустақиллиги учун курашган шахс. Юридик маълумотни Франциянинг Тулуза шаҳрида олган. “Ал-Ливо” (“Байроқ”) рўзномасини ташкил этган, Миср миллий фирқасининг асосчиси ва раҳбари. Публицистик асарлар муаллифи сифатида ном чиқарган адиб ва нотик.

8. Абу Бақр (632–634) – араб халифаси. Муҳаммад с.а.в.нинг қайинотаси ва содиқ сафдошларидан бири; Муҳаммад с.а.в. вафотларидан сўнг “тақводор” ёки “беҳато йўлга бошловчи” илк халифа бўлган.

9. Умар (634–644) – “одил” халифалардан иккинчиси; унинг идора қилиш даврида Византия ва Эронга қарши истилочиликдан иборат ҳарбий юришлар олиб борилган.

10. Муҳиддин Ибн ал-Арабий ёки Ибн Арабий (1165–1240) – тасаввуфчи-файласуф.

11. Ибн Рушд (Аверроэс) (1126–1198) – машҳур араб файласуфи ва ҳаками; унинг фалсафӣй қарашлари ўрта аср европа мутафаккирларига сезиларли таъсир кўрсатган.

12. Қосим Амин (1865–1908) – араб адиби. Мусулмон аёлларининг эрки учун курашган; “Аёллар озодлиги” ва “Замонавий аёл” номли китоблари Қ.Аминнинг асосий ижод намуналаридир.

*Рус тилидан  
Дилдорхон  
АЛИЕВА  
таржималари*



## XX АСР АРАБ ШЕЪРИЯТИДАН НАМУНАЛАР

Араб маданияти, араб тили ва адабиёти минг йиллар мобайнида шарқ халқлари, хусусан бизнинг халқимиз бадиий-маърифий оламида етакчи ўринларни эгаллаб келган. Бу тилда яратилган беҳисоб шеърий ва насрий асарлар, илмий рисолалар жаҳон бадиият хазинасига кўрк бағишлаб, дунё китобхонларининг эътиборидан тушмай келади. Араб халқлари шеърияти ўтган йигирманчи асрда ҳам ўнлаб иқтидорли номларни кашф этиб, уларнинг асарлари жаҳон бўйлаб кенг таралишида пойдевор бўлди.

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида араб адабиёти дунёсида машҳур бўлган шоирларни мушоирага таклиф қилар эканмиз, уларнинг шеърларида замон руҳи, оддий меҳнаткаш халқнинг орзу-умидлари, кечинмалари акс этиб турган сатрлар кўпроқ эътиборимизни тортди. Дарҳақиқат, бугун сиз шеърлари билан танишаётган ижодкорлар – мисрлик Амал Дункул, Абдурахмон ал-Абнудий, Муҳаммад Афибий Матар, Комил Аййуб, Аҳмад Ҳижозий, Фаруқ Жувайда, иорданиялик Фадва Тукан, ироқлик Ал-Баётӣй, фаластинлик Маҳмуд Дарвиш, жазоирлик Аҳмад Озагоҳ каби шоирлар ижодини, маънавий оламини бирлаштириб турган омиллар кўп – улар деярли бир даврда туғилиб-ўсиб, 60 – 80-йилларда шухрат қозонган, ҳар бири ўз мамлакатадагина эмас, бутун араб оламида, жаҳон шеъриятида танилган шоирлар ҳисобланади. Қуйида келтирилган мисрлик шоирлар ижодига оид шеърларни саралашда, тағлама (сўзма-сўз) таржима қилишда яқиндан ёрдам берганликлари учун Тошкент давлат шарқшунослик институти ўқитувчиси – профессор Раъно Хўжаевага миннатдорлик изҳор қиламиз.

### Аҳмад ҲИЖОЗИЙ

(Миср)

#### Сўз рицарлари

Жўмард шоирларга

Сотмадим мен сўзни олтинга, дурга,  
Қилич кўтармадим, дўстлар, шоирга.  
Тилёглама бўлмадим, мадҳлар битмадим,  
Жўмард деб айтмадим сўзсиз амирга.

Қўшиқлар юксакда янграши учун,  
Уйғониши учун маҳзун далалар.  
Қишлоқда зулматлар ёришсин учун,  
Сўз жўмардларининг шеъри яралар.

Узоқ қишлоқдаги оддий инсонга  
Етиб бормас экан менинг сўзларим –  
Гўё саҳроларда изсиз йўқолган  
Йўлчидай беманзил йитар ҳисларим.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

30

Ундай ҳис-туйғулар кимга ҳам керак,  
Сўнар қарғаларнинг овозидай бад.  
Яхшиси бу сўзлар чормих қилиниб,  
Тупроқда чирисин мисоли жасад.

Йўқ, мен истамасман сўз ўлимини,  
Йўқ, улар яшасин, олсинлар нафас.  
Огиздан-огизга ўтиб яшасин,  
Ҳаётга ярасин, мамотга эмас.

## Юраксиз шаҳар

-1-

Одамлар ўтарлар уёндан-буён, Улар танимаслар бир-бирин сира.	Унга нима бўлган? Нега гапирмас?
Мен каби гарибга ўхшайди нолон, Ёнимдаги манов гариб бечора.	Кўзин ерга тикиб турибди жимжит. Ҳеч бўлмаса салом сўзини билмас, Ёнига келганни хит қилади, хит.

Шаҳар аҳли шундай.  
Жонинг қақшайди,  
Кўзларидан маъюс боқади тақдир.  
Уларга не бўлган?  
Нима мақсади?  
Утмишлари қандай?  
Жавоби йўқдир...

-2-

Ёшлигимда денгизлар оша Шу чиройли шаҳарга келдим. Чор атрофдан излаб томоша, Руҳим топсин фароғат дедим.	Ғишт, ойнадан қурилган шаҳар, Ҳукмрондир йиллар бўйи ёз. Йўқдир ёздан бошқа мавсумлар, Юзларда ҳам хурсандчилик оз.
--	--

Уст-бошлар чанг. Иссиқ. Ҳарорат.  
Барча одам турмуш гамида.  
Гар сўз қотиб қолишса, фақат  
Сўрашарлар:  
– Соат неччи, а?

-3-

Ҳаёт – мисли бир карвон, Ўтар, тўхтамас замон. Майдондаги ҳув соат Вақтни ўлчар онма-он.	Кўз очамиз бир маҳал, Ғафлат ичра, эй инсон. Карвон ўтиб кетибди, Биз-чи уйқуда ҳамон.
Бизлар ухлаб ётганда, Кетибди улкан карвон. Ўзгармиш ҳамма нарса, Ҳатто теваарак – жаҳон.	Ўзгармиш кийимлар ҳам, Устимизда зил чопон. Тарк айлаб ҳужраларни Йўлга тушамиз нолон.

Карвон ортидан шошиб,  
Интиламиз андармон...

# Абдулваҳоб ал-БАЁТИЙ

(Ироқ)

## Сени ташламаймиз

Капалаклар ўлса, қуриб битса гул,  
Авжи иш маҳали қўлдан тушса иш.  
Етимсираб қолса дунёмиз буткул,  
Гўдак зулмат аро қолса-я ёлғиз?!

Қогоз кеманг қайда? Заҳарланган сув  
Оқизиб кетдимми букиб, мажақлаб?  
Наҳот ҳар ўйиннинг сўнги бўлса шу,  
Гўдак қувончини бўлмаса сақлаб?

Болакай, қўлни бер, кўзларимга боқ,  
Биз, катталар, сенга дўст бўлсак деймиз.  
Қулфатни итқитиб, “Йўқ!”– деймиз биз,— Йўқ! Йўқ!”  
Сени асло ёлғиз ташлаб қўймаймиз!

Богларда капалак учар пилдираб,  
Сахий қуёш кўкда нур сочиб кезсин!  
Қогоз кемачалар сувда пирпираб,  
Чўкмай, мажақланмай, ўйноқлаб сүзсин!

## Амал ДУНҚУЛ

(Миср)

### Ҳамду сано

Шамол маъбудасига  
Ҳамду санолар бўлсин!  
Жасоратига олқиш,  
Рағбат-дуолар бўлсин!  
Ҳамма “Ҳа” деган пайтда  
У-чи, жасорат билан,  
Қарши чиқди, “Йўқ!” деди,  
Инкор қилди қатъиян.

Унинг яна бир иши  
Арзир олқиш айтишига,  
Инсонни у ўргатди  
Сир пардасин очишига.  
“Йўқ!” деди, адолатга  
Ўлмас тимсол бўлди у,  
Эзгулик ва армоннинг  
Мангу руҳи бўлди у.

### Сулҳ тузма

Душман билан сулҳ тузма  
Бошга қилич тушса ҳам,  
Шоҳлик тожин келтириб  
Сенга кийдиришса ҳам.

Кўришиш учун сенга  
Чўзса душман қўлини,  
Кўлидаги қон юқин  
Тавоф этиб бўлурму?

Ахир, дўстлар жасадин  
Ҳатлаб ўтиб бўлурму?  
Мунофиқлар ошини  
Кўлга тутиб бўлурму?

Менга душман ўқ отди  
Туриб орқа томондан,  
Бир кун сени ҳам мўлжал  
Олажак у камондан.



Атрофингга ҳушёр боқ,  
Хавф-хатар кўп, бўл огоҳ,  
Душман билан дўстлашма,  
Зиён етмасин ногоҳ!

Гар шуҳрат лаҳзасида  
Бойлик, айшу ишратни,  
Афзал кўрсанг, чув тушиб,  
Ҳамроҳ тутсанг гафлатни,

Душман билан сулҳ тузма  
Бошига қилич тушса ҳам,  
Шоҳлик тожин келтириб  
Сенга кийдиришса ҳам.

Сен минган тахт оёғи  
Лиқиллаб қолса нолон,  
Сен тутган қиличнинг ҳам  
Ранги ўчиб ўшал он

Сохталиги билиниб,  
Кулгига қолиб юрма!  
Душман билан сулҳ тузма,  
Душман билан сулҳ тузма!

## Ҳаёт ва мамот

(Ибтидоъ шеъри)

Мен дедимки: заминда  
Ишқ яшасин беда ранг!  
Аммо бундай бўлмади,  
Бундай бўлмади, аттанг...

Мен дедим: ер устида  
Ишқ яшасин беда ранг!  
Аммо бундай бўлмади,  
Бундай бўлмади, аттанг...

Дедим: дарё айлансин  
Ҳайқирган денгизларга,  
Денгизлардан таралсин  
Булултар пага-пага.  
Булултар бўшансинлар  
Заминга ёга-ёга.

Муҳаббатни мулк этди  
Кимки тўласа пуллар.  
Пок туйғуни эгаллаб  
Олди ўша жоҳиллар.

Қургоқ замин ҳосилдан  
Семирсин, неъмат бўлиб.  
Сувларга тўлиб оқсин  
Минг-минг йиллик чашмалар.  
Оч қолган нонга тўйсин,  
Сувга тўйсин ташиналар.

Мен дедим: ер устида  
Ҳукм сурсин Адолат!  
Лекин бундай бўлмади,  
Бундай бўлмади ҳайҳот!..

Ерда ўсган майсадан  
Чорва моллари тўйсин,  
Дарахтлар япроқ ёзсин,  
Дарахт сояларида  
Саҳрода адашганлар  
Роҳат-фароғатлансин,  
Яъни, бошпана топсин!

Кўргин ернинг юзида  
Неча-неча ҳайвонни,  
Улар емас ўз қавмин:  
Бўри бўрини емас,  
Илон емас илонни.  
Жонивор ўз қавмига  
Емас мансуб бўлганни.

Аммо, мен кўрдим, Одам  
Болалари кўплашиб,  
Аллоҳ берган майсани  
Ўриб олаёттирлар.  
Атрофни чегаралаб,  
Милтиқли соқчи қўйиб,  
Ўзидай одамларга  
Нон, сув сотаёттирлар.

Мен дедим: эй одамзод,  
Ўз қавмингни маҳв этма!  
Аммо мен кўрдим баъзи  
Одам болаларини  
Улар ўлдирмоқдалар  
Одам болаларини.  
Шаҳарни лов-лов ёқиб,  
Ҳомиладор аёлнинг  
Қорнига тикқар найза!  
Қани, менинг сўзимни,  
Бирови ёдга олса!  
Ҳайҳот, акси, Адолат  
Ўлимга айланмоқда.

Жангчилар болаларни  
Отар шаҳар-қишлоқда,  
Кафандан либос кийган,  
Суюждан ясаган тахт,  
Нокасларнинг мулкига  
Айланмоқда Адолат!

Мен дедим: ер юзида  
Ҳукм сурсин Ақл-заковат.  
Унинг вазмин чорловига  
Қулоқ солайлик ҳар вақт.  
Мен дейман: қушлар уя  
Қурмас илон ёнида,  
Қурт-қумурсқа урмайди  
Ўзин аланга томон.  
Бугдой ундириш учун  
Уруғ сепилар доим,  
Аммо уруғ ўрнида  
Туз сепмаслар ҳеч қачон.

Хайҳот, кўрдим Одамнинг  
Ақлини йўқотганин,  
Бўй чўзган дарахтларни  
Кесиб ташлаётганин.  
Сув олиб, сўнг сув ичган  
Қудугини ифлослаб,  
Туфлаб, ув қилиб, уни  
Тамом булгаётганин.  
Ажал ракеталарин  
Кўмиб ўйнинг ичига,  
Сўнг ўша уйда ўзи  
Яшайверар шод-хуррам.  
Гўё чаённи ўпиб  
Эъозлайди қучоқлаб,

Қачон чақиб олишин  
Ўйлаб кўрмас бу одам.  
Фарзандлари ворисдир  
Нафақат унинг номи,  
Обрў, эътиқодига,  
дини, эҳтиросига.  
Балки ворислик қилур  
Жунунлик либосига.

Ақл қайда дейсизми?  
У айланди қувгинга,  
У энди кезиб юрар  
Қашишоқ, дарбадар, дайди.  
Болакайлар мазахлаб  
Тош, кесак отар унга,  
Соқчилар олдин тўсиб,  
Баттар туртиб, хўрлайди.  
Ҳукумат аллақачон  
Уни фуқароликдан  
Маҳрум қилиб, номини  
Сотқинлар аро ёзган...

Мен дедим: ҳукм сурсин  
Ерда ақлу-заковат,  
Аммо бундай бўлмади,  
Бундай бўлмаган ҳеч вақт.  
Ақл бўлди бадарга  
Бориб тушиди қамоққа.  
Ўзлигидан кечганча  
Ўтирибди – боши хам.  
Аланглаб ҳам қўймайди  
Боқиб уёқ-буёққа...

## Фадва ТУРКАН

(Иордания)

### Менинг мотамсаро шаҳрим

Разил нобудгарлик руҳи уйғониб,  
Осмон чеҳрасини қуюн тутган кун.  
Урушни, кулфатни қаргаб, ўртаниб,  
Шаҳарликлар тинмай қайғу ютган кун.

Анҳор суви қочди ўзани бузиб,  
Қочди ҳар юракдан гамгусор умид.  
Фарёдга изма-из фарёдлар тизиб,  
Шаҳар инграр, ана, пуркаб тутун, ҳид.

Қани ўйнаб юрган болалар бунда,  
Қани қўшиқ, қани кулгулар саси.  
Барчаси, барчаси энди тутқунда,  
Шаҳарнинг сукутда чиқмас нафаси.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Менинг мотамсаро шаҳрим, не бўлди?  
 Нелар бўлди сенга, эй маҳзун она?!  
 Наҳотки багрингга тутунлар тўлди,  
 Наҳотки, портлашлар бошланди яна?!

Наҳотки далалар куйса, тўлгонса,  
 Ҳосиллар портласа, мевалар ёнса?!

## Муҳаммад Аффий МАТАР (Миср)

\* \* \*

Орзулар тойчоги ўтлар ўтлоқда –  
 Севгилим кўйлагин ҳиди келмоқда.  
 Атрофда уюм кул. Кулўчоқ. Демак –  
 Тунги базмлардан келмоқда дарак.

Қумдаги изларга кўз тикаман боз,  
 Бу ерда тўй бўлган. Рақс тушганлар. Соз...  
 Тўй изи. Тулпорлар. Тахтиравонлар.  
 Машишоқлар. Мақомлар. Рақслар. Жононлар.

Балки, ким билади, хаёлдир бари –  
 Тўй ҳақдаги ошиқ тасаввурлари...  
 Магар шундай бўлса, ошиқ хаёли  
 Сал вақтда учади сароб мисоли.

\* \* \*

Манов соҳил майсалари  
 Зич чирмашибдир,  
 Бир-бирига мутаносиб,  
 Хўб ўрнашибдир.

Соҳил узра қуёш сочар  
 Тилла танга – нур,  
 Улар сенга келинрўмол  
 Бўлиб кўринур.

Сув тагига қараб-қараб  
 Тикилган сари,  
 Келинчақдай чиқиб келар  
 Сув парилари.

Камалакранг рўмол  
 Жимир-жимир, қилади,  
 Сув тагидан паривашлар  
 Чиқиб келади.

## Абдурахмон ал-АБНУДИЙ (Миср)

### Ўғлимга

Бу дунёда одамларнинг  
 Энг яхши кўрган иши –  
 Ўзи эккан дарахтларнинг  
 Соя солиб туриши!

Ўзинг эккан анжирлардан,  
 Ё тиклаган бинодан  
 Қандай яхши – соя тушиб  
 Турар бўлса дамодам.

Инсон учун ёруғ қисмат,  
 Энг ажойиб бахтдир бу –  
 Қулогингда шу сўзларим  
 Ўғлим, янграсин мангу!

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

## Комил АЙЙУБ

(Миср)

### Шаҳардаги қаҳвахона

Совуқдан жунжуккан одамлар бунда  
Исиниб кетарлар кунда ва кунда.  
Гоҳи шароб ичиб исинадилар,  
Тамаки чекиб ҳам исинар улар.

Ғамдан ўзни шундай соқит қилмоқчи,  
Барча ташвишлардан шарт қутулмоқчи.  
Ичар хандон бўлай деб фақат бир кун,  
“Малласоч хоним”нинг соғлиги учун.

Бошлар эгилади шу лаҳза бирдан,  
Атрофини ураб олади туман.  
Томоғидан чиқар йиғлаган сўзлар,  
Гандираклаб кетар, букилар тизлар.

Мункиб-мункиб яна ташлайди қадам,  
Гўё соя дейсиз, бу – соя-одам.  
Иўк, бу одам ҳаммас, фақат соядир,  
Соя қачон инсондай юксаладир?!

Инсонийлик гуллагайми шу жойда –  
Тутун босган ифлосликда, эҳ, қайда?!  
Қўланса ҳид анқиб турган пайтлари,  
Қуртак ёзмас кўм-кўк ҳаёт барглари...

## Маҳмуд ДАРВИШ

(Фаластин)

### Ошиқ-маъшуқлар

Севиклим, қалбимда тирикдир кўзинг,  
Сени эсласам, бас, оғрийди қалбим.  
Кўзингда акс этар алам, газабинг,  
Мен бу оғриқларга ўрганиб қолдим.

Юлдузлардай бодроқ очган қайгулар,  
Қалбга мусалласдай малҳамдир улар.

Бу оғриқ – муҳаббатимнинг давоми,  
Бугундан эртага ташланган кўприк.  
Кўзларни унутмоқ менга равоми?  
Порлаб турган кундуз – бу кўзу киприк.

Болалик чоғлардан ўсганмиз бирга,  
Шу-шу, мен севганман бутун умрга.

Қачон шоир бўлиб қалам олганман, –  
Шу кўзларни куйлаб ўтда ёнганман.  
Ўша илк шеърларни эслаб ҳозир ҳам,  
Истарман, кўзларинг такрор куйласам.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Ҳайҳот, қувгинликнинг ёвуз шамоли,  
Шеърларим учирар қуюн мисоли.

Ҳатто ёшликдаги ўша қушларнинг,  
Бири ҳам қолмади бояқишларнинг.  
Бари учиб кетди узоқ-узоққа,  
Ем бўлмайин дея қиргин-тузоққа.

Қуйлаганда эркнинг мағрур оҳангин  
Ўқ тешиди рубобу найлар жисмини.  
Ватан, қадрлашни ўргандик сени,  
Ўргандик қалбларга ёзиб исмингни.

Севгилим, севгимиз тирикдир ҳамон,  
Бўғиқ бўлса ҳамки овозим, омон.

Севгилим, мен сени ҳамон кўраман  
Вайронага дўнган уйлар олдида  
Подани ҳой-ҳуйлаб, қушлаб ўтасан  
Ўтасан кул бўлган эшик ёнидан.

Суви қуриб битган қудуқда ўйчан  
Навбатда турганинг кўраман баъзан.

Чодирдагиларнинг гижим чойшаби,  
Ошхонанинг югурдаклари аро,  
Гулханда исинган болалар каби,  
Югуриб юрганинг кўраман гоҳо.

Қаерда бўлсанг ҳам омон бўл, майли,  
Ўтмиш кунлар сира унутилмайди.

Ва ўзлигиндан сен воз кечма асло,  
Қувгунда яшасанг, гамда юрсанг ҳам.  
Билгинки, қуёш бу – қуёш доимо,  
Денгиз – денгиз бўлиб қолади мудом.

Сен ҳам ўзлигингни ҳеч айри тутма,  
Менга берган сўзларингни унутма.

Мен қасам ичаман, она Фаластин  
Мангу қисмат эрур пешонамизда.  
Осмон бўлса ҳамки минг остин-устин,  
Биз – фарзандлар, унга ишонамиз-да.

Ишонаман, сен ҳам, эй гули гунча,  
Фаластин қизисан ўла-ўлгунча!

Ҳали бу тошқотган ҳавони кесиб,  
Она тилда қўшиқ-куй янгратамиз.  
Мажруҳ далаларнинг бағрини тешиб,  
Қон ила сугориб дон яратамиз.

Фаластиннинг қуюк далаларидан  
Ҳосиллар йиғамиз тўп-тўп, бўлиқ, шаън...

## Аҳмад ОЗАГОҲ

(Жазоир)

### Ҳар кимнинг ўз қилар иши бор

Жилга оқар,  
Майсалар яшнар,  
Майса тугар чечак-гулларни.  
Гул баҳорни чақира бошлар,  
Баҳор чорлаб келар қушларни.

Қушлар эса уйготар илҳом,  
Илҳом шоирларни яйратар.  
Шоир қўшиқ ёзади мудом,  
Қўшиқ гўзалликни яратар.

Биз-чи,  
Нелар яратажакмиз –  
Қарши келса одамга одам?!  
Уруш, ўлим, фарёдларга биз  
Бошлаймизми болаларни ҳам?!

## Фаруқ ЖУВАЙДА

(Миср)

\* \* \*

Бир тунни...  
Марҳумлар эсланганидай,  
Нега кириб келдинг менинг ёдимга?  
Келинлик либосинг кийган ўшал дам  
Дафн этгандим ахир сени қалбимга.

Уялиб, қизариб туравердинг сен,  
Қалб тамом унутиб ҳижрон сасини.  
Висол оғушига йиқилганди, мен  
Шу лаҳза-ёқ қаттиқ соғиндим сени.

\* \* \*

Аё Нил!  
Ишқ сабогин бердинг вақтидан олдин,  
Замон айланарди. Бизлар улгайдик.  
Бизга бахт тиладинг, кейин... унутдинг,  
Ишқ бўлди биз учун бахтсизлик, хорлик.

Аё Нил!  
Биз сени – шу гўзал ҳаётни севдик,  
Сени севдик сирли, узун тун қадар.  
Мусаффо қалбимиз ҳадялар этдик,  
Ва билдик – севги бу... хато, хатолар.

\* \* \*

Қушлар ҳам ўлдилар,  
Жон берди бари.  
Ўлди муҳаббатнинг пок тимсоллари.  
Соҳилда қолмади соғинар нарса,  
Сукут, хавф, хотиралардан ташқари.

Мен сендан озодман, кетдим, хайр-хўш,  
Кишанлар узилиб тушган бирма-бир.  
Сенга қайтиши энди қабрга қайтиши,  
Овозим – мурданинг сасидай оғир...

\* \* \*

Севги тимсоллари – ҳур қушлар ўлди,  
Инда қолди патлар, қурбон, ҳалоклар.  
Кул қолди ва яна қолдиқлар қолди,  
Соҳилда йигилди кўришапалаклар.

Кўз ўнгимда сўнди кундузнинг нури,  
Қиргоқларда қолди узун зулмат из.  
Ё раб! Конми, сувми дарёнинг суви?  
Сени қандай қилиб, қандай ичамиз?

Музаффар АҲМАД  
таржималари



**Ф.М.ДОСТОЕВСКИЙ**

**ИБЛИСЛАР**

*Роман*<sup>1</sup>

ОЛТИНЧИ БОБ

**ПЕТР СТЕПАНОВИЧНИНГ ТАРАДДУДЛАРИ**

III

Иш кўп дейсизми; манов арзимас нарсани айтяпсизми? – у варақага ишора қилди. – Мен сизга бунақа варақаларни хоҳлаганингизча келтириб бераман, уларни Х. вилоятида ҳам кўрдим.

– У ерда турган пайтингиздами?

– Албатта, турган вақтимда. Яна уларга гуллар солинган, тепасига болта расми чизилган. Майлими (у варақани кўлига олди); ҳа, ана, болта бу ерда ҳам бор экан; худди ўшанинг ўзи, аниқ.

– Ҳа, болта. Кўринг – болта.

– Нима, болтадан кўркдингизми?

– Болтаданмас... кўркқаним йўқ, аммо бу иш... шунақа ишки, ахвол бошқача.

– Қандай? Фабрикадан олиб келишганими? Хи-хи. Биласизми, сизнинг бу фабрикангизда тез орада ишчиларнинг ўзлари варақалар ёза бошлайди.

– Қандай? – бақрайди фон Лембке.

– Шундай. Сиз уларга қаранг. Сиз жуда юмшоқ одамсиз, Андрей Антонович; романлар ёзасиз. Бу ерда эса эскичасига боплаш керак.

– Эскичасига нимаси, бу қандай маслаҳат? Фабрикани қатрон қилишди, мен буюрдим, тозалашди.

– Ишчилар ўртасида исён. Ҳаммасини ёппасига таёқлаш керак, вассалом.

– Исён? Бекор гап; мен буюрдим, тозалашди.

– Эҳ, Андрей Антонович, сиз юмшоқ одамсиз!

– Мен, биринчидан, унчалар юмшоқ одам эмасман, иккинчидан... – яна тоб ташлади фон Лембке. У ёш йигит билан зўр-базўр, бирон янги гап айтмасмикин деб қизиқсиниб сўйлашарди.

– Э-а, яна ўша эски ошнализ-ку! – унинг гапини бўлди Петр Степанович босма тагидаги бошқа бир варақага кўз тикиб; чамаси, у хорижда чиқарилган, шеърый йўл билан ёзилганди. – Хў-ўш, бунисини мен ёддан биламан: “Нурли сиймо”! Кўрайлик-чи; худди ўзи, “Нурли сиймо”нинг ўзи. Бу сиймо билан хорижда танишганман. Қайси гўрдан топдингиз?

– Сиз хорижда кўрганман дедингизми? – талпинди юраги дукиллаб уриб фон Лембке.

<sup>1</sup> Давоми. Боши 2013 й. 1-2-3-4-5-6-сонларда.

– Бўлмаса-чи, тўрт, ҳаттоки беш ой илгари.  
 – Бироқ, сиз хорижда қанча кўп нарсалар кўргансиз, – нозик маънодор бокди фон Лембке. Петр Степанович унга қулоқ солмай, варақани ёзди-да, шеърни овоз чиқариб ўқиди:

## НУРЛИ СИЙМО

*Аслзода эмасди зоти,  
 Халқ ичида чиққанди оти.  
 Подшоҳ қувғинида юрарди,  
 Боярлар зулмидан безарди.  
 Азобларга чоғлади ўзни,  
 Қийноқларда доғлади ўзни.  
 Эркин яшанг, деди халқларга,  
 Тенглик, биродарлик сақларга.*

*Зулмга қарши кўтариб исён,  
 Қочди четга аламли инсон.  
 Ортда қолди шоҳнинг зиндони,  
 Қамчи, омбур, синган дандони.  
 Оғир қисмат эзиб, букилиб,  
 Йўлларга ёшлари тўкилиб,  
 Смоленскдан ё Тошкентдан  
 Халқ қутарди мадад студентдан.*

*Кутарди ҳаммаси бир бўлиб,  
 Борайлик деб, унга эргашиб  
 Боярларнинг додин бермоққа  
 Ва шоҳларнинг тахтин сурмоққа.  
 Мол-мулклар умумий бўлсин деб,  
 Мангу қасос ҳам қўлласин деб,  
 Битсин черков, никоҳ, оила,  
 Битсин эски дунё бир йўла!*

– Анов офицердан олишгандир, а? – сўради Петр Степанович.  
 – Сиз ҳали ўша офицерни ҳам билармидингиз?  
 – Бўлмаса-чи. У ерда мен икки кун улар билан базм қилдим. Унинг ақлдан озиши турган гап эди.  
 – У, эҳтимол, ақлдан озмагандир?  
 – Тишлагани шундан эмасми?  
 – Бироқ, сиз бу шиғирни чет элда кўрган бўлсангиз, кейин бу ерда анов офицернинг кўлида...  
 – Нима? Жуда маънодор-ку! Сиз, Андрей Антонович, мени имтиҳон қилаётганга ўхшайсиз-а? Биласизми, – деб бошлаб қолди у бирдан ҳаддан зиёд жиддият билан, – мен чет элда кўрган нарсаларимни, қайтиб келгач, бу ерда керакли кишиларга тушунтириб берганман, кейин менинг тушунтиришларимни қониқарли деб топишди, акс ҳолда мен бу шаҳарда эмин-эркин юрмаган бўлардим. Шу маънода менинг у ишларим тугаган ва ҳеч кимга ҳисоб беришим шарт эмас. Мен чақувчи бўлганим учун иш тугаганмас, мен бошқача ҳаракат қилолмаганим



учун тугаган. Юлия Михайловнага мен ҳақимда ёзган кишилар ишни билганликлари учун ҳалол одам деб ёзишган... Хў-ўб, буларни ҳозир бир чеккага қўя турайлик, мен сизга бир жиддий гапни айтгани келган эдим, яхшиямки, анави дудбурон тозаловчингизни чиқариб юбордингиз. Бу мен учун ғоятда муҳим иш, Андрей Антонович; сиздан жуда катта бир нарсани илтимос қилмоқчиман.

– Илтимосми? Ҳм, майли, бажонидил, жон қулоғим билан эшитаман. Умуман айтсам, сизга жуда ҳайронман, Петр Степанович.

Фон Лембке бироз ҳаяжонга тушди. Петр Степанович оёғини чалиштириб ўтирди.

– Петербургда, – деб бошлади у гапини, – мен кўп нарсаларни очиқ айтдим, аммо баъзилари ва манави ҳақида (у бармоғи билан “Нурли сиймо”ни чертди) индамадим, биринчидан, оғиз оғритишга арзимасди, иккинчидан эса, фақат сўраган нарсаларини гапирардим. Шу маънода мен подадан олдин чанг чиқаришни ёқтирмайман; аблаҳ билан виждонли одам ўртасидаги фарқ мана шунда, виждонли одам шароит исканжасига тушиб қолган бўлиши мумкин... Хў-ўб, хуллас, буларни қўя турайлик. Хў-ўб, энди... энди анави аҳмоқлар... Хў-ўб, бу энди ташқарига чиққач ва мана энди қўлингизга тушгач, сиздан яширин қолмаса керак, кўриб турибман – сизнинг кўрар кўзингиз бор ва сизни олдиндан билиб бўлмайди, бу аҳмоқлар эса ўз билганидан қолмайди, тўхтамайди, мен... мен, шу денг, мен, қисқаси, сиздан бир одамни кутқаришни сўрагани келдим, бу ҳам битта аҳмоқ, ҳатто кип-қизил жинни, унинг ёшлиги, бахтсиз қисматини назар-эътиборга олсангиз, бир одамгарчилик қилсангиз... ўзингиз пиширган романлардагина инсонпарвар эмасдирсиз, ахир! – Бирдан қўпол истехзо ва сабрсизлик билан тугатди у сўзини.

Унинг сўзларидан ўзи тўғри, аммо пойинтар-сойинтар, туйғун бўлмаган одам эканлигини англаш мумкин эди, унинг инсоний туйғулари тўлиб-тошиб ётар, шу билан бирга ортиқ даражада қалтис ва инжик, асосийси эса, ақли қисқа киши эди, буни фон Лембке дарҳол нозик фаҳм-фаросат билан илғаб олди, у анчадан бери ва айниқса кейинги ҳафталарда у Юлия Михайловнанинг эт-тирноғи ичига кириб олгандан сўнг, кабинетида ёлғиз қолиб, тун-кечалар тўхтовсиз уни бўралаб сўқар, кимлигини ўйлаб чиқарди.

– Кимни илтимос қилмоқчисиз ва умуман нима гап ўзи? – виқор билан сўради ҳоким ўзининг қизиқиб турганлигини яшириб.

– Бу... бу... оббо... Сизга ишонганим учун айбдор эмасман-ку! Сизни энг олижаноб инсон ўрнида кўрсам, ахир мен айбдор эмасман-ку, энг муҳими, бамаъни... яъни одамни тушунадиган... оббо...

Бечорагина, чамаси, ҳеч ўзини ўнглаб ололмасди.

– Сиз ниҳоят, тушунинг, – давом этарди у, – тушунинг, сизга унинг номини айтсам, уни ахир сотган бўламан; сотаман, а, тўғрими? Тўғрими?

– Аммо сиз айтмасангиз, мен ўзимча қаердан билай?

– Ана, ана, айтмадимми, сиз ўзингизнинг мана шу мантиқингиз билан мени доим чалиб йиқитасиз, оббо... хў-ўб, оббо... бу “нурли сиймо”, бу “студент” – бу Шатов... ана сизга гапнинг пўсткаллеси!

– Шатов? Яъни қайси Шатов?

– Шатов, бу “студент” – манави ерда эслатилган. У шу ерда яшайди; собик қарол, хў-ўб, ўша тарсаки урган.

– Биламан, биламан, – кўзини қисди Лембке. – Аммо, бу қандай, унинг нима айби бор ўзи ва сиз унинг учун нимани сўрамоқчисиз?

– Уни қутқаришингизни сўрайман, билдингизми! Ахир уни мен саккиз йилдан бери биламан, ахир мен унинг балким, дўсти бўлгандирман, – ўзини тутолмасди Петр Степанович. – Хў-ўб, мен сизга олдинги ҳаётим ҳақида ҳисоб беришим шарт эмас, – қўл силтади у, – булар ҳаммаси арзимаиди, булар ҳаммаси уч яримта одам, хориждагиларни ҳам кўшиб ҳисоблаганда ўнтага ҳам бормайди, энг асосийси, мен сизнинг инсонийлигингизга, ақл-идрокингизга ишонгандим. Сиз ўзингиз тушуниб, ишни ҳақиқий ҳолда кўрсата биласиз, бўлмаса худо билади қандай, телба-тескари одамнинг бемаъни хаёллари дейишадими... булар ҳаммаси бахти қароликдан, билиб қўйинг, узоқ давом этиб келган бахти қароликдан, ким айтади буни давлатга қарши фитна деб!..

У бўғилиб қолаёзди.

– Ҳим-м. Кўриб турибман, у болта солинган варақалар учун айбдор, – улуғворона хулоса чиқарди Лембке, – аммо, буни қаранг, агарда у ўзи ёлғиз бўлса, қандай қилиб варақаларни ҳам бу ерда, ҳам чекка жойларда ва ҳатто Х. вилоятида тарқатиб чиқди ва... асосийси, қаердан олган?

– Сизга айтяпман-ку, ахир, улар бор-йўғи беш киши бўлса керак деб, боринги, ўнтадир, мен қайдан билай?

– Сиз билмайсизми?

– Нега мен билишим керак, қуриб кетмайдими?

– Лекин билар экансиз-ку, Шатовнинг уларга шериклигини?

– Эҳ! – қўл силтади Петр Степанович сўрагувчининг зийраклигидан диққати ошиб. – Хўб, эшитинг, мен сизга бор ҳақиқатни айтай: варақалар ҳақида ҳеч нарса билмайман, яъни умуман ҳеч нарса, жин урсин, тушунаётгандирсиз ҳеч нарса деганимни?.. Хў-ўб, ўша анов подпоручик, яна балки кимдир, яна балки кимдир бу ерда... Хў-ўб, балки яна Шатов, хў-ўб, яна балки ким, ҳаммаси шу, жулдирвоқи, ипринди-суприндилар... аммо мен Шатовни илтимос қилиб келдим, уни қутқариш керак, негаки анави шеър уники – унинг ўз асари ва хорижда у ўзи бостирган; мен буни аниқ биламан, варақалар ҳақида ҳеч вақодан хабарим йўқ.

– Агар шеър уники бўлса, балки варақалар ҳам унга тегишлидир? Аммо жаноб Шатовдан шубҳаларингиз қандай далолатларга асосланади?

Петр Степанович тоқати тоқ бўлиб кетган одамдай чўнтагидан ҳамёнини чиқарди-да, унинг ичидан бир парча қоғоз олди.

– Мана, далолатлар! – деб қоғозни столга ирғитди. Лембке уни очди; бу икки оғиз хат ярим йил бурун бу ердан хорижга ёзилган экан:

“Нурли сиймо”ни бу ерда босиб чиқаролмайман, умуман ҳеч нарса қилолмайман; хорижда чиқаринг.

*И.В.Шатов*

Лембке Петр Степановичга диққат билан тикилди. Варвара Петровна уни қўй боқиш қилади, деб тўғри фахмлаган экан, баъзан айникса ўхшаб кетади.

– Яъни, бунинг маъноси шуки, – патиради Петр Степанович, – демак, ярим йил илгари бу шеърни шу ерда ёзган, аммо бу ерда босиб чиқаролмаган, биронта яширин босмаҳона тополмаган, шунинг учун хорижда чиқаришни сўраган... Равшан-ку, тўғрими?

– Ҳа-а, равшанку-я, аммо кимдан сўраяпти – шу нарса равшан эмас, – айёрларча киноя қилди Лембке.

– Э, Кирилловдан сўраяпти-да оқибат; хат хориждаги Кирилловга ёзилган... Билмасмидингиз? Одамга алам қилади, сиз менинг олдимда ўзингизни билмасликка соляпсиз, ҳолбуки, бу шеърни аллақачонлар кўргансиз, вассалом! Бўлмаса, қандай қилиб сизнинг столингизга келиб қолди? Мана, турибди-ку! Нега мени унда буров солиб қийнайверасиз?

У қакшаб-қалтираб рўмолчаси билан пешонасидаги терни сидирди.

– Менга, балки, баъзи нарсалар маълумдир... – устомонлик билан чап берди Лембке, – аммо ким ўзи у Кириллов дегани?

– Бу ерга четдан келган инженер, Ставрогинга секундант бўлган, васвос, жинни; сизнинг анов подпоручигингиз ароқнинг иситмасида бўлгандир балки, аммо манависи батамом жинни, – мен бунга кафиллик бераман. Эҳ, Андрей Антонович, ҳукумат мабодо буларнинг қандай одамлар эканлигини билганда эди, уларга ҳеч қачон қўл кўтармаган бўларди. Ҳаммаси бир қайнови ичида кимсалар; мен Швейцарияда ҳам, конгрессларда ҳам уларни хў-ўб кўрганман.

– Бу ерлардаги ҳаракатларни ўша ёқдан туриб бошқаришадими?

– Ким ҳам бошқарарди? Уч яримта одам. Уларга қарасанг, энсанг қотади. Бу ердаги ҳаракат яна қанақайкан? Варақаларми? Яна ёлланганлар ким? Ароқ иситмасидаги подпоручик ва яна уч-тўртта талаба! Сиз ақлли кишисиз, сизга битта савол: нега уларга тузукрок одамлар ёлланмайди, нега ҳаммаси студентлар-у йигирма икки яшар чала туғилганлар? Кўп дейсизми уларни? Миллионлаб ит қидираётгандир, қанчасини топибди? Етти киши. Айтяпман-ку, энсанг қотади деб.

Лембке камоли диққат билан эшитди, аммо унинг юзидан “ҳолва деган билан оғиз чучимайди” деган маъно аримасди.

– Лекин, мана ўзингиз қаранг, сиз хат хорижга ёзилган деяпсиз; аммо бу ерда манзил кўрсатилмаган; нега унда сизга хат Кирилловга ва ниҳоят хорижга ёзилгандай бўлиб кўриняпти ва... ва... уни ҳақиқатан жаноб Шатов ёзганми?

– Унда дарров Шатовнинг дастхатини топинг-да, солиштириб кўринг. Идорангизда унинг биронта дастхати бўлса, ажабмас. Кирилловга ёзилганига келганда эса, Кирилловнинг ўзи менга ўша пайтдаёқ кўрсатган.

– Бундан чиқадики, сиз ўзингиз...

– Ҳа, бундан чиқадики, мен ўзим. Нималарни кўрсатишмади менга у ерда. Анави шеърга келсангиз, гўё уни мархум Герцен ёзиб жўнатганмиш Шатовга у хорижда дайдиб юрганда, гўё учрашувлари хотираси, мақтов, тавсия ўрнида, хў-ўб, оббо... Шатов эса ёшлар орасида таркатади. Гўё мана мен ҳақимда Герценнинг фикри деб.

– Те-те-те, – охири етиб борди Лембкенинг калласига, – нуқул ўйлайман: варақа-ку, тушунарли, шеърга бало борми, деб?

– Тушунмай бўладими? Жин урсин, нега мен сизга валаклаб қўйдим! Қулоқ солинг, менга Шатовни берсангиз, бас, қолганлари менга деса қириб кетмайдими, Кириллов билан бирга, у ҳозир Шатовнинг ёнида Филлиповнинг уйида биқиниб ётибди. Улар мени ёқтиришмайди, чунки мен қайтиб келдим... Аммо Шатовни менга ваъда қилинг, қолганларини сизга лаганга солиб олиб келаман. Фойдам тегади, Андрей Антонович! Бу арзимаган тўда, узоғи билан тўққиз-ўнта киши. Ўз-ўзимча уларни кузатиб юрибман. Бизга ҳозир учтаси маълум: Шатов, Кириллов ва анов подпоручик. Бошқаларини кўз остимга олиб юрибман; кўзим

кўрмайдимас, кўради. Бу Х. вилоятидагига ўхшайди; у ерда варақалар таркатаётган иккита студент кўлга тушган, яна битта гимназия ўқувчиси, иккита йигирма яшар дворянлар, бир ўқитувчи ва битта ароқ ичиб мияси айниган олтмишга чиққан истеъфодаги майор, бор-йўғи шу, ишонинг, турган-битгани шу, холос; ҳатто ҳайрон бўлишди ҳаммаси шуми деб. Аммо олти кун керак. Мен яхшилаб ҳисоблаб чиқдим; олти кун ва бир кун ҳам олдин эмас. Агар бирон натижага эришаман десангиз, уларни яна олти кун қимирлатманг, сўнг сизга ҳаммасини битта қилиб боғлаб ҳузурингизга келтираман; олдинроқ кўзғатиб қўйсангиз, уяси бузилади. Аммо Шатовни беринг, менга Шатов керак... Энг яхшиси, уни махфий ва дўстона тарзда бу ерга, кабинетга чақириш керак, пардани озгина очиб уни имтиҳон қилинг... Э, чамаси, ўзи оёғингизга тиз чўкиб, йиғлайди! Асабий, бахтиқаро одам; унинг хотини Ставрогин билан ўйнашиб юради. Унга меҳрибонлик қилинг, шунда ҳаммасини ўзи очиб ташлайди, аммо олти кун керак... Энг муҳими, муҳими, Юлия Михайловнага бир оғиз ҳам билдирмаслик. Хуфя. Хуфя қилоласизми?

– Нима? – кўзлари ола-кула бўлди Лембкенинг, – сиз ахир Юлия Михайловнага... ҳеч нарсани айтмовдингизми?

– У кишигами? Худо сақласин ва раҳм қилсин! Э-эх, Андрей Антонович! Кўряпсизми, у билан дўстлигимизни юксак кадрлайман ва ғоятда эъзозлайман... қолган ҳаммаси шу... аммо мен мўлжалдан хато қилмайман. Мен унга зид бормайман, унга зид бориш хатарли, ўзингиз биласиз-ку. Мен у кишига битта-яримта сўзнинг учини чиқаргандирман, у буни жуда яхши кўради, аммо сизга ҳозир айтганимдай номлар ё бошқа бирон нарсаларни айтишдан худо асрасин, э-эх, отагинам! Ахир нега мен сизга мурожаат қиляпман? Чунки, сиз бариини бир эркак кишисиз, жиддий одамсиз, эскидан катта хизмат тажрибасига эгасиз. Оқ-қорани танигансиз. Бундай ишлардаги ҳар бир қадам сизга ёд бўлиб кетган, Петербургдан бери биласиз воқеаларни. Агарда ҳозир мен унга лоақал мана шу икки кимсанинг номини айтиб қўйсам, мисол учун денг, у дўмбирасини чалиб юборади... Ахир у бу ердан туриб Петербургни лол қилмоқчи. Йў-ўқ, жуда қизиққон, ҳа, шунақа.

– Ҳа, унинг дўмбираси йўқ эмас, – кўнглига хуш ёқиб тўнғиллади Андрей Антонович ва шу билан бирга бу нодон боланинг Юлия Михайловна ҳақида бироз беписанд гап қилганидан оғриниб. Петр Степановичга эса «Лембку»ни бутунлай ийдириб, ўзига оғдириб олиш учун булар ҳаммаси ҳали озлик қиладигандай, ҳали яна бироз зўр бериш керак бўладигандай туюлган эса ажабмас.

– Баайни дўмбира, – деб тасдиқлади у, – майли, у балки адабиёт соҳасида даҳо аёлдир, аммо – қўлидан бит ўлдириш келмайди. Олти кун у ёқда турсин, олти соатга чидолмайди. Э-эх, Андрей Антонович, хотин кишига олти кун вақт берманг! Менинг лоақал мана шу ишларда тажрибам борлигига тан берасиз-ку, тўғрими; ахир мен баъзи бир нарсаларни биламан-ку, сиз ҳам биласизки, мен баъзи нарсаларни биламан. Мен сиздан эрмак учун олти кун сўраётганим йўқ, бу иш учун керак.

– Мен эшитган эдимки... – ўз фикрини айтишга журъат қилмай турарди Лембке, – эшитган эдимки, сиз хориждан қайтганингиздан сўнг керакли жойда... тавба-газарру қилган экансиз, ростми?

– Э, бўлар иш бўлган-да.

– Шундай, мен ҳам бунга аралашмоқчи эмасман... аммо назаримда сиз бу ерда шу пайтгача насронийлик дини ҳақида, мисол учун, ижтимоий тизимлар ва ниҳоят ҳукумат ҳақида бутунлай бошқача бир йўналишда сўзлардингиз...

– Десам дегандирман. Мен ҳозир ҳам шундай гапираман, фақат бу гапларга анов аҳмоқлар каби бошқача тус бермаслик керак, ҳамма гап шунда. Сиз ўзингиз гапимга кўшилган эдингиз, фақат ҳали эрта дегансиз.

– Мен кўшилганим ҳам, ҳали эрта деганим ҳам йўқ.

– Қаранг, барча гапларингиз илмоқли-я, хи-хи! Эҳтиёткор одам! – бирдан қувноқ деди Петр Степанович. – Менга қаранг, кадрдон отагинам, сиз билан танишиб олишим керак эди-да, ана шунинг учун мен бошқача тарзда гапирганман. Мен фақат сиз билан эмас, бошқалар билан ҳам шундай танишиб оламан. Менга, эҳтимол, сизнинг феъл-атворингизни билиш керак бўлгандир.

– Менинг феъл-атворимни нима қиласиз?

– Мен қайдан билай, нимага (у яна кулиб юборди). Биласизми, қимматли, муҳтарам Андрей Антонович, сиз айёрсиз, аммо унгача етиб бормади ҳали ва балки етиб бормас ҳам, тушундингизми? Балки, деяпман, тушундингизми? Агарда мен чет элдан қайтиб келгач, керакли жойда тушунтириш берган бўлсам-да, алҳол, билмайман, нима учун маълум бир қарашларга эга бўлган одам ўзининг самимий эътиқоди йўлида ҳаракат қилмаслиги керак... аммо ҳеч ким у ерда менга сизнинг феъл-атворингиз бўйича топшириқ бермаган ва у ердан мен бундай топшириқларни бўйнимга олган эмасман. Ўзингиз ўйлаб кўринг: мен сизга биринчи бўлиб ўша иккита исмни айтмаслигим ҳам мумкин эди ахир, тўғри биринчи тушунтириш берган жойимга маълум қилсам ҳам бўлаверарди; агар-да, мен пул-мул ё бошқа биронта фойда олиш учун бу ишларни қилганимда, албатта, бу роса калтабинлик бўларди, нега деганда, энди мендан эмас, сиздан миннатдор бўлишади. Мен фақат Шатовни дейман, – олижаноблик билан кўшиб қўйди Петр Степанович, – фақат Шатов, менинг аввалги дўстим... хў-ўб, буларнинг ҳаммасини коғозга тушириб, у ёққа жўнатаётганингизда, майли, икки оғиз мени ҳам мактаб қўйинг... қаршилиқ йўқ, хи-хи! Adieu, лекин узоқ ўтириб қолдим, яна шунча маҳмадоналик қилдим! – деди у ўзига хуш ёқиб ва ўрнидан турди.

– Аксинча, мен ҳам хурсандман, ишларим равшанлашганидан, – ўрнидан кўзгалди фон Лембке ҳам чамаси кейинги сўзлар таъсирида юзида илтифот ифодаси кўриниб. – Сизнинг кўмагингизни устимга миннат деб қабул қиламан, ишончингиз комил бўлсинки, сизнинг жонбозлигингиз хусусида ўз томонимдан фикримни бажонидил айтаман...

– Олти кун, муҳими, олти кун муҳлат, шу кунлар ичида сиз қимирламасангиз кифоя, менга худди мана шу нарса керак!

– Майли.

– Албатта, мен сизнинг қўлингизни боғлаб қўёлмайман, бунга ҳаддим сиғмайди. Кузатмай ўтиролмайсиз-ку; фақат уяларни бевақт тўзғитманг, мана шу ерда мен сизнинг ақлингиз ва тажрибақорлигингизга тан бераман. Исковучлар ва югурдак итлар сизда етарлича топилади, хи-хи! – шўх ва ҳавойи қичқирди (мисоли ёш йигитдек) Петр Степанович.

– Унчалар эмасдир, – чехраси очилиб сипориш қилди Лембке. – Бу

ёшлик одатлари, етарлича деганингиз... Ҳа, айтмоқчи, яна бир гап: агар Кириллов Ставрогиннинг секундантга бўлса, унда жаноб Ставрогин ҳам...

– Нима Ставрогин?

– Агар улар яқин ошна бўлса?

– Э, йўқ, йўқ, йўқ! Айёрсиз-у, бу гапингиз хато. Мени ҳайрон қилиб қўйдингиз. Сиз бу борада у-бу маълумотга эгасиз, деб ўйлаган эдим... Ҳм, Ставрогин – бу тамомила бошқа, қарама-қарши, яъни мутлақо... Avis an Leteur<sup>1</sup>.

– Нахотки! Шундайми, а! – ишонқирамай деди Лембке. – Менга Юлия Михайловна айтган эдики, Петербурдан олган маълумотларига қараганда, у баъзи бир кўрсатмалар олган одам эмиш...

– Мен ҳеч нарса билмайман, ҳеч нарса билмайман, ҳеч нарса. Adieu. Avis an Leteur! – кутилмаганда аён ўзини тортди Петр Степанович.

У эшикка отилди.

– Тўхтанг, Петр Степанович, тўхтанг, – қичқирди Лембке, – яна битта кичкинагина иш, кейин, майли, рухсат.

У стол тортмасидан хат олди.

– Мана яна биттаси, ўшанақасидан, бу сизга менинг қанчалар ишонганимни кўрсатади. Мана, сиз бунга нима дейсиз?

Жилд ичида хат бор экан, имзосиз ғалати бир хат. У Лембкега жўнатилган, кеча олган. Петр Степанович қаттиқ энтиқиб шу сўзларни ўқиди:

“Ҳазрати олийлари!

Зеро, даражангиз шундай. Ушбу билан генералларнинг Зоти олийлари ҳамда ватанга қилинаётган тажовуз ҳақинда хабар бераман; зотан, тўғри шунга қараб бормоқда. Ўзим-да кўп бисёр йиллар тарқатганман. Ушбу-да худосизлик. Исён ҳозирланмоқда, варақалар сони неча юз минглаб. Ҳар бирининг орқасидан юзта одам тилини осилтириб чопади, шунинг учун бошлиқлар олдиндан йиғиштириб олсин, кўп ҳады, мукофотлар ваъда қилинган, қора халқ эса аҳмоқ у, боз устига ароқ. Халойиқ айбдорни саннаб, у ёқни ҳам, бу ёқни ҳам вайрон қилади, кейин икки томондан ҳам кўркиб, ўзи қатнашмаган нарсага истиғфор келтиради, бинобарин, менинг ҳол-аҳволим шунақа. Агарда ватанни, ва шунингдек, черков ва иконаларни кутқариш учун чакув керак бўлса, бу фақат менинг қўлимдан келади. Шарт шуки, ҳамманинг орасидан битта менга Учинчи бўлим дарҳол телеграф орқали кафолат берсин, бошқалар эса жавобини бераверсин. Қоровулхонанинг дарчасига ҳар кеч хабардор қилиш учун соат еттида битта шам ёқиб қўйсин. Буни кўриб ишонаман ва пойтахтнинг марҳаматли дастпанжасини ўпиш, юз-кўзимга суртиш учун боражакман, аммо шарт шуки, менга нафақа ажратилса, зеро, нимага яшашим керак? Сиз пушаймон бўлмайсиз, кўксингизга юлдуз такасиз. Ишлар оҳиста-секин бўлсин, акс ҳолда бош кетади.

Ҳазрати олийларининг чорасиз бандаси.

Оёқларингизни ўпгувчи, собиқ хурфикр жонивор Incognito”.

Фон Лембке хат қоровулхонада ҳеч ким йўқ пайтда пайдо бўлиб қолганини айтди.

– Хў-ўб, буни нима деб ўйлайсиз? – кўрслик билан сўради Петр Степанович.

<sup>1</sup> Бу ерда: “Сизни огоҳлантирдик” маъносига (франц.).

- Имзосиз пачаки бир нарсадир-да, майнавозчилик.
- Шундай бўлса керак, сизни лақиллатиб бўпти.
- Боз устига жуда аҳмоқона.
- Сиз яна бошқа пачаки нарсалар олганмисиз?
- Икки мартача олганман. Имзосиз.
- Албатта, имзо кўймайди. Бир-биридан бошқачами? Ёзуви ҳар хилми?
- Бошқача қўл, бошқача хат.
- Масхарабозлик қилиб ёзилганлари ҳам борми мана бунақа?
- Бор шунақаси, биласизми... жуда ифлос.
- Унда, бу ҳам ўшанақа.
- Жуда аҳмоқона. Анови зотлар жуда билимдон, бундай ёзишмайди.
- Ҳа, рост, рост.
- Ростдан ҳам, биронтаси чакмоқчи бўлса, унда нима?
- Ақл бовар қилмайди, – куруккина қилиб унинг сўзини бўлди Петр Степанович. – Учинчи бўлимдан телеграмма ва нафақаси нима дегани? Пачакилиги аниқ.
- Шундай, шундай, – хижолат чекди Лембке.
- Менга қаранг, буни менда қолдиринг. Сизга буни топиб бераман. Ановлардан бурун буни топиб бераман.
- Олаверинг, – деди фон Лембке бироз иккилангач.
- Ҳеч кимга кўрсатмаганмидингиз?
- Йўқ, мумкинмас, ҳеч кимга.
- Юлия Михайловнага ҳамми?
- Ох, худо сақласин, худо ҳақи, сиз ҳам унга кўрсата кўрманг? – кичкирди Лембке кўрқиб. – Ўтақаси ёрилади... мандан ёмон хафа бўлади.
- Ўзингизга аввало дашном беради, сизга шундай ёзишибдими, ўзингиз айбдорсиз, дейди. Аёлларнинг гап-сўзи шунақа. Хў-ўб, хайр. Мен сизга уч кунлар ичида манави қаламқашни қулоғидан тортиб келтирсам керак. Мухими, ахдлашдик!

#### IV

Петр Степановични балки нодон деб бўлмасди, фақат у Федька Каторжний айтмоқчи, “одамни ўзи тўқиб чиқарар ва шу билан яшарди”. У фон Лембкенинг хузуридан чиқиб кетаркан, уни лоақал олти кунга хотиржам қилдим, деб ўйларди, бу муддат эса унга ниҳоятда зарур эди. Аммо фикр сохтароқ эди, у Андрей Антоновични бутунлай лақма одам деган қатъий бир фикрга келган ва ҳамма ўйлаганларини шу асосга қурганди.

Ҳар бир инжиқ ва шубҳали одам сингари Андрей Антонович мавҳумликдан чиқишнинг дастлабки дақиқаларида ҳар сафар беҳад хурсанд ва ишонувчан бўлиб қоларди. Нарсаларнинг янгича тарзда эврилиши, яна айрим серғалва ишқалликларга қарамай, унинг кўз ўнгида аввалига анча ёқимли тарзда намоён бўлди. Жилла курса, эски шубҳалар бари тарқади. Бунинг устига у кейинги кунларда шу қадар чарчаган, ўзини шунчалар музтар ва ожиз сезардики, юраги беихтиёр тинчликни хоҳларди. Аммо афсус, у яна нотинч эди. Петербургда узоқ яшагани унинг юрагида ўчмас из қолдирганди. “Янги авлод”нинг расмий ва ҳатто махфий тарихини у анча яхши биларди, – у қизиқувчан одам

эди, варакаларни йиғиб юрарди, – аммо бу тарихни унинг дастлабки сўзидан бошлабоқ сира тушунмасди. Мана энди худди қоронғу ўрмонга кириб қолгандай: у ўзининг бутун ички ҳиссиётлари билан Петр Степановичнинг сўзларидаги аллақандай буткул номувофикликни ҳар қандай шакл ва шароитдан қатъи назар сезиб турарди, – “гарчи худо билади, ҳали бу “Янги авлод” билан нималар рўй беради ва худо билади улар бу нарсаларни қандай амалга оширадилар!” – деб ўйларга ботарди у фикрлари чувалашиб.

Шунда атай қилгандай, яна Блюм бошини ичкари сукди. Петр Степанович келгандан бери у нарироқда кутиб турган эди. Блюм узокрок бўлса ҳам Андрей Антоновичнинг қариндоши эди, аммо бу бир умр қаттиқ кўрқув остида яшириб келинарди. Ўқувчимдан шу ерда андак узр сўрайман, ушбу ночор зотга бу ерда бир неча оғиз сўз ажратмасам бўлмас. Блюм “бахтсиз” немисларнинг ғалати бир тоифасига мансуб эди, ушбу “бахтсизлик” лаёқатсизликдан бўлмай, балки нималиги номаълум эди. “Бахтсиз” немислар афсона эмас, улар мавжуд ва ҳатто Россияда ҳам бор, улар ўзига хос қиёфага эга. Андрей Антонович унга бир умр меҳрибонлик ва хайрихоҳлик кўрсатиб келар, хизмати борасида қўлга киритган ютуқларига қараб ҳамма ерда имкон қадар жон куйдирар, уни ўз қўл остидаги идораларга ишга жойлаштирар, вазибаларга қўярди; аммо қариндошининг ҳеч ерда омади юришмасди. Гоҳ штатлар қисқариб кетар, гоҳ бошлиқлар ўзгариб қолар, гоҳ ишлар судга ошириладиган даражага етарди. У ғоятда саранжом-саришта эди, аммо қандайдир ўринсиз, ўзига зиён келтирадиган бир тарзда бадқовоқ, тумтайган эди; ранг-рўйи қизғиш-малла, дароз, елкалари чиққан, ғамгин ва ҳатто ҳиссиётчан ва шу қадар камсукумлигига қарамасдан, худди буқа каби қайсар, тиришқоқ эди, аммо булар бари доим бемаврид эди. У кўп замонлардан буён оиласи, кўп сонли бола-чақалари билан бирга Андрей Антоновични беҳад иззат-икром қилар, ўзига яқин оларди. Андрей Антоновичдан бошқа ҳеч кимса уни ҳеч қачон яхши кўрмасди. Юлия Михайловна дарров уни чиқитга чиқарди, аммо эрининг қайсарлигини енголмади. Эр-хотин ўртасида тўйдан кейинги асал ойи кунларида юз берган илк келишмовчилик ҳам шу эди, шу пайтгача унинг кўзидан йироқда кўрсатмай келинган Блюм бирдан хонимга рўпара бўлди, унинг қариндошчилиги хонимнинг диққатини оширди. Андрей Антонович кўлини кўксига қўйиб ялиниб-ёлворди, Блюмнинг ҳаётини, болалик чоғларидан буён дўст-ошно эканликларини жуда таъсирли ҳикоя қилиб берди, аммо Юлия Михайловна ўзини бир умрга шармандаи шармисор бўлгандай ҳисоблади ва ҳатто бир неча бора хушидан ҳам кетиб қолди. Фон Лембке унга бир қадам ҳам ён бермади, ҳеч қачон Блюмни тарк этмаслиги, ўзидан узоклаштирмаслигини билдирди, шундан сўнг хоним ажабланиб, Блюмга изн беришга мажбур бўлди. Фақат шунга қарор бердиларки, қариндошчиликлари имкон қадар аввалгидан ҳам қаттиқроқ хуфя сақланади, ҳатто Блюмнинг исми шарифи ҳам ўзгартирилади, чунки нечукдир унинг исми шарифи ҳам Андрей Антонович эди. Блюм бу ерда ҳам битта аптекачи немисдан бошқа ҳеч ким билан танишмади, ҳеч кимнинг уйига меҳмонга бормади ва одатига кўра зиқнов ва холи кун кечирди. Андрей Антоновичнинг адабий машқлари, ҳам унга анчадан бери маълум эди. У романни юзма-юз ўтириб хуфёна ўқишга қақирларди, олти соатлаб қимирламай ўтириб эшитарди; ухлаб



қолмасликка жон-жаҳди билан уринар, терга ботар, лабидан табассум аримасди; уйга қайтгач, оёқлари узун қотма хотини билан бирга валинеъматининг рус адабиётига бадбахтларча ишқи тушиб қолганидан оҳ-воҳ қилиб ёзғурарди.

Андрей Антонович кириб келган Блюмга изтироб ичида боқди.

– Мен сендан ўтинаман, Блюм, мени ҳозир холи қўй, – деди у ташвишга ботганча тез-тез сўйлаб, чамаси, у Петр Степанович келгач, ўз-ўзидан узилиб қолган бояги суҳбатни яна давом эттиришни хушламай.

– Бироқ бу ишни жуда нозик қилиб бажариш мумкин, ҳеч ким билмайди; сизга барча ваколатлар бор, – иззат-икром ва шу билан бирга қаттиқ туриб ниманидир талаб қиларди Блюм, у елкаларини букиб, майда-майда қадамлар билан Андрей Антоновичга тобора яқинроқ суриларди.

– Блюм, сен менга шунчалар садоқатли ва хизматбарорсанки, ҳар сафар мен сенга қўрқиб, ўтакам ёрилиб қарайман.

– Сиз доим ўткир гапларни айтасиз, кейин бундан роҳатланиб, ором олиб ухлайсиз ва бу билан ўзингизга зиён қиласиз.

– Блюм, мен ҳозир ишонч ҳосил қилдимки, бу умуман бошқа, умуман бошқа нарса.

– Анови қалбаки, бузук йигитчанинг сўзларидан сўнг шундай фикрга келдингизми, ахир ўзингиз ундан шубҳаланиб юрибсиз-ку? Сизнинг адабиётдаги салоҳиятингизни мақтаб, сиздан устун келди.

– Блюм, сен ҳеч вақони тушунмайсан; айтяпман-ку сенга, сенинг лойиҳанг – куракда турмайдиган нарса. Биз ҳеч нарса тополмаймиз, ёмон бақир-чақир чиқади, кейин кулишади роса, ундан кейин Юлия Михайловна...

– Биз нимани қидираётган бўлсак, ҳаммасини топамиз, бунга шакшубҳа йўқ, – дадил одим ташлади Блюм ўнг қўлини кўксига қўйиб, – биз эрталаб барвақт текшираемиз, шахснинг бутун иззат-ҳурматини сақлаймиз, қонуннинг барча талабларига риоя қиламиз. Анов йигитчалар, Лямшин билан Телятников жуда ишонтириб айтишяпти, истаган ҳамма нарсангизни топасиз, деб. У ерда улар кўп бора бўлишган. Жаноб Верховенскийни ҳеч ким писанд қилмайди. Генералнинг бева рафиқаси Ставрогина ундан юз ўгирди, агар ушбу бефаросат шаҳарда биронта виждонли одам бўлса, биладики, у ер ҳар доим шаккоклик ва ижтимоий таълимот ўчоғи бўлган. Унинг уйида барча тақиқланган китоблар сақланади, Рилеевнинг “Ўйлар”и, Герценнинг барча асарлари... мен керак бўлиб қолар деб бирмунча рўйхатини тузиб чиқдим...

– О, худойим, бу китоблар ҳаммада бор; намунча соддасан, шўрлик Блюмим!

– Кўп варақалар тўпланган, – Блюм хўжасининг гапига қулоқ солмай. – Биз албатта, бу ерда тарқалаётган варақаларнинг ҳақиқий изига тушамиз. Анов йигитча Верховенский менга жуда-жуда шубҳали кўринади.

– Аммо сен отасини ўғли билан чалкаштириб юборяпсан. Уларнинг ораси яхши эмас; ўғли отасининг устидан очикдан очик қулиб юради.

– Бу фақат ниқоб.

– Блюм, мени гўрга тикасан! Ахир ўйласанг-чи, у бу ерда таниқли одам. У профессор бўлган, ҳамма билади, у дод-фарёд кўтаради ва бутун шаҳар кулади, биз беғам бўлмайлик... яна ўйламайсанми, бу ёғи Юлия Михайловна нима аҳволга тушади!

Блюм олдинга силжир ва қулоқ солмасди.

– У фақат доцент бўлган, доцент бўлган, холос, даражаси ҳам баланд эмас, коллеж ассессор, яна истеъфодаги, – деб қўлини кўкрагига урди Блюм, – ҳеч қанақа нишон олмаган, ҳукуматга қарши ниятларда шубҳа остига олинди, хизматдан бўшатирилган. У махфий кузатувда бўлган, шубҳасиз, ҳозир ҳам шундай. Тартибсизликлар юз бериб турганда, албатта, мажбуриятларингиз тақозо қилади. Сиз эса бурчингизни ўйламай, ҳақиқий айбдорга панжа ортидан қараяпсиз.

– Юлия Михайловна! Тез жўна, Блюм! – бирдан қичқириб юборди фон Лимбке, қўшни хонадан келаётган хотинининг товушини эшитиб.

Блюм сесканиб тушди, аммо таслим бўлмади.

– Ижозат беринг, ижозат, – деб оёқ тиради у иккала қўлини кўксига қаттиқроқ босиб.

– Йў-қ-қол! – тишларини ғижирлатди Андрей Антонович. – Билганингни қил... кейин... О, худойим-ей!

Дарпарда кўтарилиб, Юлия Михайловна кўринди. У Блюмга кўзи тушиб, виқор билан тўхтади, унга кибр ва хафакезик билан нигоҳ ташлади, гўё бу кимсанинг бунда ҳозир бўлиши унинг шаън-шукуҳига ҳақорат эди. Блюм индамай унга ҳурматан чуқур таъзим бажо қилди-да, эъзоз-икромдан қадди икки букилиб, қўлларини икки ёнида бироз айри тутиб, оёқ учида эшик томон жилди.

У Андрей Антоновичнинг охирги асабий нидосини ўзининг сўровига ҳақиқатан ҳам тўғридан-тўғри ижобий ижозат деб англадимикин, ё шу ўринда ўз валинеъматининг фойдаси учун кўнглида эгриликка мойил бўлдимикин, ё иш оқибатига кўра баҳоланади деб, қаттиқроқ ишониб қўйдимикин, – ҳар қалай, бошлиқнинг ўз қўл остидаги ходими билан бўлиб ўтган гап-сўздан сўнг асло қутилмаган бир нарса юз бердики, у ҳамманинг қулгисига сабаб бўлди, овозалар тарқалди, Юлия Михайловнанинг шафқатсиз ғазабини кўзгади ва буларнинг бари туфайли шўрлик Андрей Антонович калавининг учини тамомила йўқотиб қўйди, энг қизғин палла келганда, уни энг ночор журъатсизлик чоҳига улоқтирди, булар ҳаммасини биз куйида кўриб ўтамыз.

## V

Петр Степановичнинг куни югур-югур билан ўтди. Фон Лембкенинг олдидан чиқиб, у Богоявленская кўчасига югурди, бироқ Биков кўчасидан ўтиб бораркан, у Кармазинов турадиган уйга яқинлашганда, тўхтаб қолди. Бир иршайди-да, эшикка қадам қўйди. Унга: “Сизни кутишяпти”, – дейишди, бундан у ажабланди, зеро, у келаман, деб огоҳлантирмаганди.

Аммо улуғ ёзувчи ҳақиқатан уни кутаётганди, кеча ҳам, ўтган куни ҳам кўзи тўрт бўлганди. У бундан тўрт кун бурун унга ўзининг “МеҒсі” деб номланган асарининг қўлёзмасини берган (уни Юлия Михайловна байрамида адабиётга бағишланган эрталабки йиғинда ўқимоқчи эди) буни у илтифот юзасидан қилган, агар улуғ бир нарсага олдиндан ошно қилсам, йигитча бундан боши кўкка етиб хурсанд бўлади, деб ўйлаганди. Петр Степанович анчадан буён шуни пайқаб келардики, ушбу шуҳратпараст, талтайган, одми авомни яқинига йўлатмайдиган бурни танқайган жаноб, ушбу “давлат миқёсидаги ақл” эгаси ҳеч нарсадан-

ҳеч нарса йўқ зўр бериб хушомадгўйлик қилади. Наздимда, йигитча ниҳоят фахмлаб етдики, бу жаноб агарда уни бутун Россиядаги яширин инқилобий ҳаракатларнинг жиловбардори бўлмаганда ҳам, лоақал рус инқилобининг махфий сирларидан ҳаммадан кўпроқ хабардор ва ёш кучлар ўртасида, шубҳасиз, катта таъсири бўлганлардан бири, деб ҳисоблайди. “Россиядаги энг ақлли одам”нинг фикр кайфиятларига Петр Степанович қизиқар, аммо баъзи бир сабабларга кўра шу чокқача у кўнглини очишдан ўзини четга тортарди.

Улуғ ёзувчи камергернинг хотини ва помешчик аёл бўлган ўзининг опасиникида турарди. Эр-хотин икковлари ҳам машхур яқин қариндошларини бошларига кўтариб юргудай бўлишар, аммо унинг бу сафарги келишида ҳар иккалалари Москвага кетишган, бундан қаттиқ афсус-надомат чекишар, шу боис унга камергернинг узок қариндоши бўлмиш камбағал кекса кампир қарар, кампир хўжаликнинг барча ишларини ўзи бошқарарди. Жаноб Кармазиновнинг келганлиги муносабати билан бутун уй оёқ учида юрарди. Кампир ҳар куни унинг қандай ётиб тургани, нималар тановул қилишни кўнгли тусагани ҳақида Москвага хабар қиларди, ҳатто бир куни шаҳар саркорининг уйида бўлган зиёфатдан кейин бир қошиқ суюк дори ичгани ҳақида телеграмма жўнатди. Кампир унинг хонасига камдан-кам кирар, у кампирга курукрок бўлса ҳам, одоб-икром билан муомалада бўлар, бирон зарурат юзасидангина унга мурожаат қиларди. Петр Степанович кириб келганда олдида ярим стакан қизил вино, қийма котлетини еб ўтирарди. Петр Степанович илгари ҳам унинг ҳузурида бир неча маротаба бўлган, у доим шу эрталабки котлетини еб ўтирган бўлар, унинг олдида ҳам нонуштасини тўхтатмас, аммо бирон марта ҳам уни овқатга таклиф этмасди. Котлетдан сўнг яна мўъжаз финжонда қаҳва келтириларди. Таом келтирган уй хизматкори эгнига фрак, кўлига қўлқоп, оёғига юмшоқ, товуш чиқармайдиган этик кийганди.

– Э-э! – дивандан турди Кармазинов сочикқа лаб-лунжини артаркан ва афт-ангори чарақлаб очилиб, ўпишгани интилди – жуда ҳам машхур бўлиб кетган рус кишилари одатда шундай қилишади. Аммо Петр Степанович илгариги тажрибасидан билардики, у ўпишиш учун интилиб келади-ю, аммо тутишга келганда, юзини тутуди, шунинг учун бу сафар у ҳам юзини тутди; ҳар икковнинг ёноқлари суркалди. Кармазинов буни сезди-ю, аммо билдирмади, бориб диванга ўтирди ва Петр Степановичга хушмандлик билан рўпарасидаги креслони кўрсатди. Петр Степанович ялпайиб ўтирди.

– Сиз мабодо но... нонушта қиласизми? – сўради ёзувчи бу гал одатига хилоф равишда, у меҳмон одоб билан йўқ деса керак, деб кутганди. Петр Степанович эса дарҳол нонуштага розилик билдирди. Ёзувчининг башарасида бир зумга бўлса-да, ғашлик соя солиб ўтди, фақат бир зум; у асабийлашиб, малайни кўнғироқ чалиб чақирди ва тарбия кўрганлигига қарамай, таом келтиришни буюраркан, овозини баланд кўтарди.

– Сизга котлет келтирсинми ё қаҳва? – Яна бир карра ўсмоқчилади у.

– Котлет ҳам бўлсин, қаҳва ҳам, вино ҳам берсин, мен очқадим, – жавоб берди Петр Степанович сиполик билан ёзувчининг уст-бошини кўздан кечираркан. Жаноб Кармазинов пахталик нимча кийган, нимчанинг тугмалари садаф, ўзи торроқ эди, бу унинг бироз дўппайган тўқ қорни ва

<sup>1</sup> Россия империясида саройнинг катта хизматкори унвони (Тарж.).

тирсиллаган болдирларига унчалик ярашмасди; аммо ҳар кимнинг диди ҳар хил бўлади. Агарчи хона ичи иссиқ бўлса ҳам, у тиззаларига жун катак адел ўраган, адел полгача тушиб турарди.

– Тобингиз йўқми? – сўради Петр Степанович.

– Йўқ, тобим жойида, аммо бу иклимда тоб қочишидан кўрқаман, – жавоб берди ёзувчи ўзининг бакироқ товуши билан, айна чокда ҳар бир сўзни ширин ҳижжалаб ва киборона ёқимли сизгириб шипилларкан, – мен сизни кеча келармикинсиз деб кутгандим.

– Нега энди? Ваъда қилмагандим.

– Ҳа, аммо қўлингизда менинг қўлэзмам бор. Сиз... ўқидингизми?

– Қўлэзма? Қанақа қўлэзма?

Кармазинов ёмон ҳайрон бўлди.

– Ахир сиз уни келтирмаганмисиз? – ёзувчи шу қадар ташвишга тушдики, ҳатто овқат ейишдан тўхтаб, Петр Степановичга кўрқиб қараб қолди.

– Эҳ-а, э, анов... нимаиди – “Bonjour” миди?

– “Merci”.

– Хўп, бўпти. Бутунлай эсимдан чиқибди, ўқиганим йўқ, вақт бўлмади. Билмадим, қаёққа кўйибман, чўнтагимда йўқ... столимда қолгандир. Ташвишланманг, топилади.

– Йўқ, яхшиси, мен сизникига одам юбораман. Асар йўқолиши, ҳатто ўғирлашлари мумкин.

– Кимга керак! Мунча кўрқиб кетдингиз? Юлия Михайловна айтувдики, сиз доим асарни бир неча нусха қилиб қўяркансиз, биттаси чет элда нотариусда, иккинчиси Петербургда, учинчиси Москвада, кейин банкага ҳам жойлаштиаркансиз.

– Аммо ахир Москвага ҳам ўт тушиши, у билан бирга менинг асарим ҳам куйиб кул бўлиши мумкин. Йўқ, яхшиси, мен ҳозир одам жўнатай.

– Тўхтанг, мана у! – Петр Степанович орқа чўнтагидан тахланган бир қоғоз неча варақ чиқарди. – Озроқ ғижимланибди. Муни қаранг, ўшанда сиздан олганимдан бери орқа чўнтагимда қолиб кетибди рўмолча билан бирга; эсимдан чиқибди.

Кармазинов қўлэзмани апил-тапил қўлига олди, эҳтиёткорлик билан кўрди, саҳифаларни кўздан кечирди ва авайлаб ёнидаги мўъжаз столчага кўйди, доим кўз ўнгимда турсин, деди чоғи.

– Сиз кўп ўқимайсиз, шекилли? – вишиллаб ҳижжалади у тоқатсизланиб.

– Йўқ, унча кўп эмас.

– Рус насридан-чи, ҳеч нарса ўқимаганмисиз?

– Рус насрими? Ҳа-я, ниманидир ўқигандим... “Йўл”ми... ё “Йўлга”ми... ё “Йўл айрилиш” миди, эсимда йўқ. Анча бўлди. Беш йил. Вақт йўқ.

Ўртага бироз жимлик чўкди.

– Мен келишим билан уларга сизни ҳаддан ташқари ақлли йигит деб айтдим, энди ҳаммалари сизни мақтагани-мақтаган.

– Миннатдорман, – вазмин жавоб қилди Петр Степанович.

Таом келтирилди. Петр Степанович ютоқиб котлетни туширди, винони ичди, қаҳвани хўплади.

“Бу нодон, – унга кўз қирини ташлаб ўйланарди Кармазинов охириги луқмани оғзига солиб, охириги кулгумни ютаркан, – бу нодон бошлаб

игна сукқанимни тушунган бўлса керак, кўлёмани ҳам ютокиб ўқиган, лекин атай ёлғон гапиряпти. Аммо балки алдамаётгандир ҳам, асли ўзи шундай калтафаҳм. Даҳони мен калтафаҳмлигидан яхши кўраман. Уларнинг ўртасида бу баччағар даҳо бўлса бордир, башаранг қуриб кетгур”.

У дивандан туриб, хонада у ёқдан-бу ёққа бориб кела бошлади, у ҳар гал нонуштадан сўнг ҳазми таом учун шундай қиларди.

– Бу ерда ҳали узоқ турасизми? – сўради Петр Степанович креслода ўтирганча папирос тутатиб.

– Мен мулкни сотиш учун келган эдим, энди бошқарувчига боғлиқ.

– У ёқда урушдан кейин юқумли касалликлар тарқалади, деб кутишаётган эди, сиз шунинг учун бу ерларга келгандирсиз?

– Й-йўқ, унчалик эмас, – гапини давом эттирди жаноб Кармазинов жумлаларнинг ҳижо-ҳижосини хушҳол жой-жойига қўйиб ва у ёқдан-бу ёққа ҳар бориб келганида ўнг оёғини бардам ликирлатиб, лекин кўп эмас, андак, холос. – Мен ҳақиқатан, – бироз захарханда иршайди у, – иложи борича узоқроқ турмоқчиман. Рус оксуякларида ҳамма томондан қараганда ҳам аллақандай тез тўзиб ишдан чиқадиган нималардир бор. Аммо мен тўзишни иложи борича орқага сурмоқчиман ва энди хорижга бутунлай жўнаб кетсам дейман; у ёқда иқлим ҳам яхши, уй-жойлар ҳам гиштин ва бари мустаҳкам. Умримнинг охиригача Европа туриб беради, деб ўйлайман. Сизнинг фикрингиз қандай?

– Мен қайдан билай.

– Ҳм. Агар у ерда Бобил қуласа, унинг қулаши ҳам улуғ бўлади (бу борада сизга тамомила кўшиламан, лекин ўзимча ҳали ҳаёт эканман, у менга етади, деб ўйлайман), лекин қиёсан гапирсак, бизда, Россияда қулайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Бизда тош қуламайди, ҳаммаси лой-балчикқа қоришиб кетади. Муқаддас Русь дунёда ҳеч бир нарсага қаршилиқ кўрсатолмайди. Оддий халқ ҳар қалай рус худосига зўр-базўр суяниб турибди; аммо охириги маълумотларга қараганда, рус худосига унчалар ишониб бўлмайди ва ҳатто деҳқонлар ислоҳотига базўр қаршилиқ кўрсатолди, нима бўлганда ҳам қаттиқ лиқиллаб қолди. Бунинг устига темир йўллар, яна бунинг устига сизлар... билмадим, мен рус худосига бутунлай ишонмай қўйганман.

– Европа худосига-чи?

– Мен ҳеч қайсисига ишонмайман. Мени рус ёшлари олдида тухматга қўйишди. Мен ҳамиша унинг ҳар бир ҳаракатига хайрихоҳ бўлганман. Менга бу ердаги варақаларни кўрсатишди. Уларга тушунмай хайрон бўлиб қарашади, чунки ҳаммани уларнинг шакли чўчитади, лекин англмасалар ҳам, уларнинг қудратига ишонишади. Ҳамма аллақачон қулаяпти ва ҳамма аллақачон билади, ушлаб қоладиган ҳеч нарса йўқ. Мен мана шу сирли тарғиботнинг муваффақият қозонишига шунинг учун ишонаманки, Россия бутун дунёдаги истаган ҳар қандай нарса ҳеч қандай қаршилиқсиз рўёбга чиқадиган бирдан-бир жой бўлиб қолди. Давлатманд русларнинг ҳаммаси нима учун ёппасига хорижга кетиб қолаётганларини мен яхши тушунаман, кундан-кунга кўпайиб бораётир бу. Бу ерда савқи табиийлик бор. Кема чўқадиган бўлса, ундан биринчи бўлиб каламушлар қочади. Муқаддас Русь – ёғоч мамлакат, қашшоқ ва... хатарли, ўзининг энг юқори доираларида ҳам шухратпараст гадолар ўлкаси, унинг асосий қисми товук оёкли чириган ёғоч қулбаларда

яшайди. Унга яхшилаб тушунтирилса, ҳар қандай ишга тайёр. Фақат ҳукумат ёлғиз ўзи қаршилиқ кўрсатишни истайди, аммо тўқмоқни қоронғулик ичида ишга солади ва ўз одамларини нобуд қилади. Ҳамма нарса барбод бўлган, ҳамма нарса маҳқум бу ерда. Ҳозирги ҳолда Россиянинг келажаги йўқ. Мен немис бўлишга қарор бердим, шуни ўзимга номус деб билдим.

– Йўқ, сиз варақаларни гапирдингиз; ҳаммасини айтинг, сиз уларга қандай қарайсиз?

– Ҳамма улардан кўрқади, демак, улар қудратли. Улар ёлғонни очик қош қилади ва бизда ушлаб қоладиган, суянадиган ҳеч нарса йўқлигини кўрсатади. Ҳамма жим турганда, улар ҳайқирмоқда. Улар шу пайтгача ҳеч кўрилмаган жасорат-ла ҳақиқатга тик қараши билан (шаклидан қатъи назар) ҳаммадан ҳам эътимодлироқ туюлади. Ҳақиқатга бундай тик қараш қобилияти фақат битта рус наслига тегишли, Европада ҳали бундай жасорат йўқ; у ерда салтанат тошдан ва у ерда ҳали суянса бўладиган таянчлар бор. Қанча кўрмай ва қанча фикр юритмай, рус инқилобий ғоясининг моҳияти – номусни инкор этишда. Бу шундоқ жасорат билан кўрқмай баён қилингани менга ёқади. Йўқ, Европада буни ҳали тушунишмайди, бизда эса айни шу нарсага ёпишадилар. Рус кишиси учун номус фақат оғир, ортиқча юк. Унинг бутун тарихи давомида ҳам ортиқча юк бўлиб келган. Очикдан-очик “номуссизлик ҳуқуқи” билан уни ўз ортидан эргаштириб бориш мумкин. Мен эски авлодга мансуб кишиман, тан олишим керакки, ҳали номус тарафида тураман, аммо бу эски одатланиш, холос. Айтайлик, ожизлигим учун менга фақат эски шакллар ёқади; ахир асрнинг охиригача нима биландир яшамок керак-ку.

У бирдан гапдан тўхтади.

“Мен тинмай гапиряпман, – деб ўйлади у, – у эса индамай эшитиб, разм соляпти. Ундан тўппа-тўғриси сўрайман, зеро, у шунга келган. Сўраганим бўлсин”.

– Индинга ўтадиган балга қандай кутилмаган томоша тайёрлаётганингизни Юлия Михайловна сиздан билиб беришимни сўраган эди, нима дейсиз? – бирдан сўраб қолди Петр Степанович.

– Ҳа, ростдан ҳам, бу ҳеч ким кутмаган совға бўлади, ҳаммалари оғизларини очиб қолишади... – керилди Кармазинов, – аммо сизга бунинг сирини айтмайман.

Петр Степанович зўрламади.

– Бу ерда қандайдир Шатов дегани бор экан, – ўсмоқчилади улуғ ёзувчи, – мунини қарангки, унга кўзим тушмаган экан.

– Жуда яхши зот. Нима эди?

– Шундай, нималардир деган экан. Ўша эмасми Ставрогинни шапалоқлаб урган?

– Ўша.

– Ставрогин ҳақида фикрингиз қандай?

– Билмадим; қандайдир валакисаланг шилқим.

Кармазинов Ставрогинни кўргани кўзи йўқ эди, чунки у улуғ ёзувчини писанд қилмасди.

– Ўша шилқимингизни, – деди у хиқиллаганча, – варақаларда айтилган нарсалар қачонлардир амалга ошса, эҳтимол, биринчи бўлиб дарахт шохига оссалар керак.

– Балки бу ундан ҳам эртароқ бўлиб қолар, – кутилмаганда деди Петр Степанович.

– Худди шундай қилиш керак, – энди кулмасдан қандайдир жиддият билан маъқуллади Кармазинов.

– Сиз илгари ҳам бир айтган эдингиз, биласизми, мен унга буни айтган эдим.

– Ростми, нахот айтгансиз? – кулди яна Кармазинов.

– У айтдики, агар мени оғочга осишса, унда у кишини йўлига эмас, мўматалоғи чиққунча ростакам қамчи билан савалаш керак, деди.

Петр Степанович шляпасини олди ва ўрнидан қўзғалди. Кармазинов хайрлашаркан, унга иккала қўлини чўзди.

– Айтинг-чи, – овозини асалдай ширин қилиб чуркиллади у қандайдир ўзгача оҳанжама билан, ҳамон унинг қўлларини сира қўйиб юборгиси келмай, – айтинг-чи, анов... ўйланган нарсалар ҳаммаси... амалга ошириладиган бўлса... бу қачон рўй бериши мумкин?

– Мен қаердан билай? – қўрс жавоб берди Петр Степанович; ҳар икков бир-бирларининг қўзларига тикилиб қолишди.

– Мисол учун? Тахминан? – янаям ширинзабонлик ила деди Кармазинов.

– Мулкни пуллашга улгурасиз, четга жўнашга ҳам улгурасиз, – янада қўрсроқ тўнғиллади Петр Степанович; ҳар икковлари янада бир-бирларига қаттиқроқ тикилдилар.

Бир дам жимлик чўкди.

– Келаси май ойининг бошида бошланади, Покров<sup>1</sup>га бориб ҳаммаси тугайди, – бирдан очилди Петр Степанович.

– Чин юракдан ташаккур, – тўлиқиб кетиб деди Кармазинов, унинг иккала қўлини қаттиқ қисаркан.

“Кемадан қочиб улгурасан, каламуш! – ўйларди Петр Степанович кўчага чиқиб бораркан. – Агардаки, ушбу “давлатона ақл эгаси” вақт-соатини билишга шунчалар қизиқаётган экан ва бунинг устига маълумот олгани учун бунчалар сидкидилдан миннатдорчилик билдираётган экан, ана энди биз ўзимиз сира ҳам иккиланиб ўтирмаслигимиз керак. (У иршайди.) Ҳм. Бу одам унчалар ҳам ақли кўтах эмас, чоғи... бор-йўғи... кўчишга тайёрланаётган каламуш... бунақалар бориб чакмайди!”

У Богоявленская кўчасидаги Филипповнинг уйи томон югуриб кетди.

## VI

Петр Степанович олдин Кирилловга бош сукди. Кириллов одатдагидай ёлғиз бир ўзи хонанинг ўртасида туриб жисмоний машқ қиларди, оёқларини кериб, қўлларини боши устида қандайдир ўзгача айлантирарди. Полда копток ётарди. Стол устида эрталабки чой йиғиштирилмаган, у совиб қолганди. Петр Степанович бир зум остонада туриб қолди.

– Бироқ сиз соғлиғингизга қўп қайғураяпсиз, – деди у хонага кириб бораркан, овозини баланд ва қувноқ қилиб, – коптокнинг яхшилигини қаранг, уф-фа, сапчишини; уни ҳам машқ қиласизми?

Кириллов камзулини кийди.

– Ҳа, у ҳам соғлиққа керак, – тўнғиллади у куруққина, – ўтиринг.

– Бир пасга кирдим. Майли, ўтира қолай. Соғлик ўз йўлига, лекин мен ахдлашилгани бўйича келдим. “Қай бир маънода” муҳлат яқинлаб қолди, – хулоса чиқарди у гапни бирдан буриб.

<sup>1</sup> Насронийларнинг Муқаддас Модархудо байрами. 1 (14) октябрда байрам қилинади (тарж.).

- Қандай ахд?
- У нима деганингиз? – типирчилаб қолди Петр Степанович ва ҳатто кўркиб кетди.
- Бу ахд ҳам эмас, мажбурият ҳам эмас, мен устимга ҳеч нарса олмаганман, сизнинг хатонгиз.
- Қулоқ солинг, нима қияпсиз ўзи? – ўрнидан дик туриб кетди Петр Степанович.
- Ўз эрким.
- Қайси?
- Аввалги.
- Яъни, буни қандай тушуниш керак? Сиз аввалги фикрингизга қайтдингизми?
- Шундай. Фақат ахд йўқ ва бўлмаган, мен билан боғланган эмас. Фақат ирода мендан эди, ҳалиям мендан.
- Кириллов гапани кескин ва ижирғаниб айтмоқда эди.
- Мен розиман, розиман, майли, ирода бўла қолсин, фақат ирода ўзгармаса бас, – яна кўнгли жойига тушиб ўрнига ўтирди Петр Степанович.
- Сўзга жаҳл қиласиз. Кейинги вақтлар негадир жаҳлдор бўлиб қолдингиз; шунинг учун келмай кўйгандим. Дарвоқе, ўзгартирмаслигингизга ишончим комил эди.
- Мен сизни жудаям яхши кўрмайман; аммо яхши кўришимга ишончингиз комил бўлиши мумкин. Мен ўзгариш нима ва ўзгармаслик нима – билмайман.
- Аммо... – яна типирчилаб қолди Петр Степанович, – чалкашиб кетмаслик учун аниқлаб олиш зарур. Иш аниқ бўлишни талаб қилади, сиз эса мени жуда ҳайрон қилиб қўйяпсиз. Гаплашиб олсак бўладими?
- Гапиринг, – кескин деди Кириллов бурчакка тикилиб.
- Сиз анчадан бери ўзингизни ҳаётдан маҳрум қилмоқчисиз... яъни, сизда шундай фикр бор эди. Мен тўғри айтяпманми? Хато қилмаяпманми?
- Ҳозир ҳам шу фикрдаман.
- Қойил. Фақат сизни ҳеч ким бунга мажбур қилмаган.
- Бўлмаса-чи; мунча аҳмоқона сўзлайсиз?
- Майли, майли; мен аҳмоқона қилиб айтгандирман. Шубҳасиз, бундай нарсага мажбур қилиш аҳмоқлик бўларди; гапимни давом эттирай: сиз эски пайтдаёқ Жамиятнинг аъзоси эдингиз ва ўшандаёқ Жамият аъзоларидан бирига буни очгансиз.
- Мен очган эмасман, тўғрисини айтганман.
- Майли. Бунда “очириш” кулгили чиқарди, нима, изҳормиди бу? Сиз оддий қилиб тўғрисини айтган-кўйгансиз, қойил.
- Йўқ, қойил эмас, нега деганда сиз эзмалик қияпсиз. Мен сизга ҳеч қандай ҳисобот беришга мажбур эмасман, менинг фикрларимни ҳам сиз тушунмайсиз. Мен ўзимни ҳаётдан маҳрум қилмоқчиман, чунки фикрим ўзи шундай, чунки мен ўлимдан кўркишни хохламайман, чунки... чунки буни билишнинг сизга ҳеч кераги йўқ... Нима бўлди? Чой ичасизми? Совиб қолган. Мен сизга бошқа стакан олиб келаман.
- Петр Степанович ростдан чойнакка қўл узатган ва бўш идиш қидираётганди. Кириллов жавондан тоза стакан олиб келди.
- Мен ҳозир Кармазиновникида нонушта қилган эдим, – деб қўйди қўноқ, – кейин унинг гапларини эшитиб ўтирдим, терлаб кетдим, бу ёққа югурдим, яна терладим, томоғим қақраб кетди.



– Ичинг. Совуқ чой яхши.

Кириллов яна стулга ўтириб, кўзларини бурчакка қадади.

– Жамиятда фикр туғилди, – яна ўша-ўша овозда давом этди у, – агар ўзимни ўлдирсам, уларга фойдам тегар экан, сизлар бу ерда ишқал чиқарсанглар, айбдорларни қидиришса, шунда бирдан мен ўзимни отаман-у, ҳаммасини мен қилдим деб, хат ёзиб қолдираман, шундан сўнг то бир йилгача сиздан шубҳаланишмайди.

– Бир неча кун бўлса ҳам, кошки; бир кун ҳам қимматли.

– Яхши. Шу маънода менга айтишдики, агар хоҳласам, кейинроққа суришим мумкин экан. Мен айтдим, Жамиятдан то вақтини айтишмагунча, кутаман, чунки менга бари бир.

– Ҳа, лекин эсланг, сиз сўз бергансиз, ўлим олдидан хат ёзиб қолдирадиган бўлсангиз, мен ҳам бунинг тепасида бўлишим керак, Россияга келганингиздан кейин ҳам... бир сўз билан айтганда, менинг ихтиёримда бўласиз, яъни, бу фақат мана шу ҳодисанинг ўзигагина тегишли, қолган барча ҳолларда эрк-ихтиёрингиз ўзингизда, – бирмунча илтифот билан кўшиб кўйди Петр Степанович.

– Мен сўз бермадим, мен майли деб, рози бўлдим, чунки менга бари бир.

– Қойил, қойил, мен сизнинг эркингизни бўғиб, нафсониятингизга тегмоқчи эмасман, лекин...

– Бу ерда нафсоният эмас.

– Аммо эслаб кўринг, сизга йўл учун бир юз йигирма талер<sup>1</sup> пул йиғиб беришди, демак, сиз пул олгансиз.

– Ундай эмас, – кизарди Кириллов, – пул унгамас. Бунга пул беришмайди.

– Баъзан беришади.

– Гапингиз ёлғон. Мен Петербургдан хат ёзиб маълум қилдим, Петербургда эса сизга юз йигирма талер тўладим, кўлингизга тутқиздим... улар у ёққа жўнатилган, мабодо сиз тутиб қолмаган бўлсангиз.

– Яхши, яхши, мен тортишиб ўтирмайман, жўнатиб юборилган. Энг муҳими, сиз аввалгидек ўз фикрингизда турибсиз.

– Ўша фикрда. Сиз келиб, “вақт бўлди” десангиз, мен адо этаман. Нима, яқин орадами?

– Кунлар оз қолди... Аммо, эсингизда бўлсин, хатни ўша кеча бирга тўқиймиз.

– Кундузи ҳам бўлаверади. Сиз варақаларни ўз зиммангизга оласиз дедингизми?

– Яна баъзи нарсалар бор.

– Мен ҳаммасини ҳам зиммамга олмайман.

– Нимани олмайсиз зиммангизга? – типирчилади яна Петр Степанович.

– Истамаган нарсамни, бас. Мен бошқа бу ҳақда гаплашмоқчи эмасман.

Петр Степанович ўзини тутди ва гапни ўзгартирди.

– Мен бошқа нарсани айтмоқчийдим, – огоҳлантирди у, – бугун оқшом бизникиларнинг олдига борасизми? Виргинскийнинг туғилган куни, шу баҳонада йиғилишади.

– Истамайман.

<sup>1</sup> Эски немис кумуш тангаси.

– Ундай қилманг, боринг. Боришингиз зарур. Сонимизни ва юзимизни кўрсатайлик... Сизнинг юзингиз... хў-ўб, хуллас, юзингизда қисмат ёзилган.

– Сизнингча шундайми? – кулиб юборди Кириллов. – Бўпти, борганим бўлсин, фақат юз учун эмас. Қачон?

– О, барвақтроқ, олти яримда. Биласизми, сиз тўғри кириб боринг, ўтиринг, ҳеч ким билан гаплашманг, фарқи йўқ қанча одам бўлса ҳам. Фақат, биласизми, қоғоз ва қалам қўлингизда бўлсин.

– Нимага?

– Сизга бари бир эмасми; бу менинг алоҳида илтимосим. Сиз фақат ўтирасиз, ҳеч ким билан гаплашмайсиз, эшитиб ўтириб, гоҳ-гоҳ қоғозга бир нарсаларни чизиб қўясиз; ҳатто расм солсангиз ҳам майли.

– Бемаънилик, нима бу?

– Сизга бари бир эмасми; ахир доим менга бари бир дейсиз-ку.

– Йўғ-е, нимага унақа дерканман?

– Нимагалиги шундайки, Жамиятнинг бир аъзоси ревизор, Москвада ўтирибди, мен у ерда керакли одамларга ревизор келиши мумкин деб айтиб қўйган эдим, шунинг учун улар сизни ревизор деб ўйлашади, сиз бу ерда уч ҳафтадан бери турганингизни билишса, янаям қаттиқроқ хайрон бўлишади.

– Найранг. Сизнинг Москвада ҳеч қандай ревизорингиз йўқ.

– Йўқ бўлса йўқдир, жин чалсин уни, сизнинг нима ишингиз бор, сизга бу ишнинг нимаси оғир? Ўзингиз Жамият аъзосисиз-ку.

– Уларга мени ревизор деб айтинг; мен оғзимни очмай ўтираман, қоғозу қаламни эса хохламайман.

– Нима учун?

– Хохламайман, вассалом.

Петр Степановичнинг жаҳли чикди, лекин яна ўзини босди, ўрнидан туриб шляпасини олди.

– Анов сиздами? – сўради у бирдан овозини пасайтириб.

– Менда.

– Яхши. Мен уни тезда олиб чиқаман, хавотир олманг.

– Хавотир йўқ. У фақат кечаси келади. Кампир касалхонада, келини ўлган; икки кундан бери ёлғиз ўзимман. Мен унга девордаги тахтаси олинадиган жойни кўрсатдим; шу ердан ўтади, ҳеч ким кўрмайди.

– Яқинда уни олиб кетаман.

– У кечаси ётадиган жойим кўп, дейди.

– Ёлғон, уни қидиришяпти, бу ерда ҳозирча кўзга ташланмайди. Нима, сиз у билан гаплашяпсизми?

– Ҳа, кечаси билан. У сизни ёмон сўқади. Мен унга кечаси Апокалипсис<sup>1</sup>ни ўқиб бердим, чой ичирдим. Роса қулоқ солиб эшитди; жуда қизиқиб қолди, мижжа қоқмади.

– Э, шайтон, сиз уни насроний динига киритиб қўясиз-ку!

– Ўзинасроний динида. Ташвишланманг, сўяди. Кимнисўймоқчисизлар?

– Йўқ, унинг иши бошқа; бошқа иш қилади... Бу Шатов Федькани биладими?

– Мен Шатов билан гаплашмайман, уни ҳеч кўрмайман.

– Жаҳли чиққанми?

<sup>1</sup> А п о к а л и п с и с – грекча сўз бўлиб, ваҳий (башорат) дегани. Насроний янги Аҳд Муқаддас китобидаги охириги китоб. Ҳаворий Юханно (Иоанн)га нисбат берилади. Милодий 60–90-йилларда ёзилган. Охир дунё, Исо ва унинг зидди, қиёмат қойим, “минг йиллик худо Шаҳаншоҳлиги” ҳақида хабар-башоратлар беради (тарж.).

– Йўқ, жаҳлимиз чикмаган, фақат юз ўгирганмиз. Америкада узок вақт бирга ер тишлаб ётганмиз.

– Мен ҳозир унинг олдига кираман.

– Ўзингиз биласиз.

– Биз Ставрогин билан ҳам у ердан соат ўнларда олдингизга кирамиз, балки.

– Марҳамат.

– У билан муҳим бир нарсани гаплашиб олишимиз керак... Биласизми, менга шу коптокни совға қилинг; сизга энди нима керак? Мен ҳам машқ қиламан. Мен пулини ҳам тўлайман.

– Шундоқ олаверинг.

Петр Степанович коптокни орқа чўнтагига солди.

– Мен сизга Ставрогинга қарши ҳеч баҳона-сабаб бермайман, – меҳмонни кузатаркан, тўнғиллади Кириллов. Петр Степанович унга хайрон бўлиб қаради, лекин жавоб бермади.

Кирилловнинг ушбу охирги сўзлари Петр Степановични беҳад лол қилиб қўйди; бу гапнинг тагига етмай туриб, Шатовнинг зинасидаёқ башарасидаги норозилик ифодасини йўқотиб, юзига қувноқ ёқимтой тус беришга уринди. Шатов уйда бироз бетоб эди. У тўшакда узала тушиб ётар, аммо кийинганди.

– Анна, холос! – остонадан қичқирди Петр Степанович. – Тобингиз йўқми?

Унинг юзидаги меҳрибонлик бир зумда сўнди; кўзларида қандайдир қаҳр чакнади.

– Ундай эмас, – асабий сакраб турди Шатов, – мен касал эмасман, фақат бошим бироз...

У ўзини хиёл йўқотиб қўйди; бундай меҳмоннинг кутилмаганда келиши уни қўрқитиб юборганди.

– Мен шундай иш билан келдимки, касал бўлиш мумкин эмас, – деб шитоб билан гап бошлади Петр Степанович амрона оҳангда, – ўтирсам бўладими (у ўтирди), сиз ҳам ўрнингизга ўтиринг, ана шундай. Бугун Виргинскийнинг таваллуд куни баҳонасида унинг уйда бизникилар йиғилишади; бошқа бир сабаб кўрилмайди, чоралар белгиланган. Мен Николай Ставрогин билан бирга бораман. Сизнинг ҳозирги аҳволи рухиянгизни ҳисобга олиб, у ерга боришингизни ёқламаган бўлардим... шу маънодаки, сиз у ерда кийналиб қоласиз, сиз етказиб қўясиз, деб ўйлаганимиз учун эмас. Аммо шундай бўлиб қолдики, сиз боришингиз керак. У ерда сизнинг Жамиятдан қандай қилиб чиқишингиз ва қўл остингиздаги нарсаларни кимга топширишингизни биратўла ҳал қиладиган кишилар тўпланади. Билдирмай қиламиз; сизни чеккароқ бир ерга ўтқизамиз; одам кўп, ҳамма билиши шарт эмас, очиғи, сизни деб роса тилимни қайрадим; лекин энди сизнинг босмаҳонани ҳамда барча қоғозларни топширишингизга ҳаммалари кўнди. Шундан сўнг тўрт томонингиз очиқ, кетаверасиз.

Шатов қовоқ солиб, қаҳрл келиб эшитди. Унда бояги асабий қўркувдан ном-нишон қолмаганди.

– Мен кимга бўлмасин, ҳисоб беришим кераклигини мутлақо тан олмайман, – деди у кескин, – ҳеч ким мени ҳеч қаёққа бўшатиб юборолмайди.

– Ундок эмас. Сизга кўп нарсалар ишониб топширилган эди. Муносабатларни кескин бузишга ҳақингиз йўқ эди. Яна сиз бу ҳақда аниқ-равшан айтмагансиз, уларни жуда иккилантириб қўйгансиз.

– Мен бу ерга келгач, хат ёзиб очиқ айтдим.

– Йўқ, очиқ эмас, – вазмин эътироз билдирди Петр Степанович, – мен, мисол учун, сизга “Нурли сиймо”ни юбордим, бу ерда босиб чиқариб, нухаларини бирон ерга яшириб тахлаб қўйинг, дедим; яна иккита варақа. Сиз дудмал хат билан қайтариб юбордингиз.

– Мен босмайман деб, тўғриси айтдим.

– Ҳа, айтдингиз, аммо тўғриси эмас. Сиз: “Қилолмайман”, деб ёзгансиз, аммо сабабини тушунтирмагансиз. “Қилолмайман” дегани “истамайман” дегани эмас. Сиз шунчаки моддий сабабларга биноан қилолмайсиз, деб ўйлаш мумкин. Буни улар шундай деб тушунишган ва сизни ҳар қалай, Жамият билан алоқани давом эттиришга рози, деб ҳисоблашган. Демак, шу боис сизга яна бирор нарсани ишониб топширишлари ва яна ўзларини обрўсизлантиришлари эҳтимолдан холи эмасди. Улар бу ерда сиз шунчаки алдамоқчи бўлгансиз дейишяпти, биронта муҳим топшириқ олиб, кейин уни сотишни мўлжаллаган, деган фикрга келишган. Мен сизни жоним борича ҳимоя қилдим ва икки қатор ёзган хатингизни сизнинг фойдангизга хужжат сифатида кўрсатдим. Аммо уни энди ўқиб кўриб сизга очиғини айтишим керак, икки қатор сўзингиз мужмал, ноаниқ ва одамни чалғитади.

– Хатни жуда эҳтиётлаб сақлаб қўйган экансиз-да?

– Менда сақланганига ажабланманг; у хозир ҳам менда.

– Э, садқайи сар, шайтон!.. – ғазабланиб қичқирди Шатов. – Ўша аҳмоқларингиз мени сотган деса деяверсин, менинг нима ишим бор! Қани, менга қарши қўлингиздан нима келаркин, бир кўриб қўяй?

– Сизни кўз остига олиб қўйишади, инкилоб ғалаба қозониши биланок сизни осишади.

– Олий ҳокимиятни қўлга олиб, Россияни бўйсундирганингиздами?

– Сиз кулманг. Қайтараман: сизни ҳимоя қилдим. Шундайми, шундаймасми, нима бўлганда ҳам, бугун боришингизни маслаҳат бераман. Қандайдир сохта ғурурни деб, ортиқча сўзларни айтишдан нима фойда? Дўстона ажралган яхши эмасми? Ахир, ҳар ҳолда, сиз станокни ҳам, ҳарфларни ҳам, эски қоғозларни ҳам топширасиз, мана шуни гаплашайлик.

– Бораман, – деб тўнғиллади Шатов бошини ўйчан ҳам қилиб. Петр Степанович турган жойидан унга кўз қирини ташлади.

– Ставрогин келадими? – сўради бирдан Шатов, бошини кўтариб.

– Албатта, келади.

– Хи-хи!

Яна бир зум жим қолишди. Шатов ижирғаниб, тажанг иршайди.

– Анави тубан “Нурли сиймо” босилдими? Мен босмаган эдим.

– Босилди.

– Гимназия ўқувчиларини буни Герценнинг ўзи ўз қўли билан альбомимга ёзган, деб ишонтириладими?

– Герценнинг ўзи.

Яна уч дақиқалар жимлик чўкди. Шатов, ниҳоят, ўрнидан турди.

– Чиқиб кетинг бу ердан, мен сиз билан ўтиришни истамайман!

– Кетдим, – деди хатто қандайдир хурсанд бўлиб Петр Степанович, дик этиб қўзғаларкан, – фақат бир оғиз гап: Кириллов хизматкорсиз бир ўзи ёлғиз турибдими?

– Ёлғиз ўзи. Чиқинг, истамайман сиз билан бир хонада қолишни.

“Тоза тасқара бўлибсан! – ички бир қувоник билан ўйлаб борарди Петр Степанович, хонадан кўчага чиқаркан, – кечда ҳам тасқаранг чиқади, менга сенинг худди шундай бўлишинг керак, бундан яхшиси йўқ, бундан яхшиси йўқ! Рус худосининг ўзи мадад беряпти!”

## VII

Чамаси, у бугун тинмай югур-югур қилиб, кўп эшикларга кириб чиқди, – афтидан, ҳамма ишлари ўнгидан келди, – кечкурун роппароса соат олтида у Николай Всеволодовичнинг хузурига етиб келганда, буни унинг башарасида зухур этган қониқиш ифодасидан ҳам билса бўларди. Аммо унинг хузурига дарҳол киришнинг иложи бўлмади; Николай Всеволодовичнинг олдига ҳозиргина Маврикий Николаевич кириб кетганди. Бу хабар уни дарҳол ўйлантириб қўйди. У меҳмоннинг чиқишини кутиб, шундоққина эшик яқинига ўтирди. Ичкаридан тўнғиллаган овоз чиқар, лекин сўзларни ажратиб бўлмасди. Меҳмон узок ўтирмади; кўп ўтмай шовқин эшитилди, беҳад баланд ва кескин товуш янгради, шундан сўнг эшик очилиб, Маврикий Николаевич юзи мутлақо оқарган ҳолда чиқди. У Петр Степановични пайқамай, тез чиқиб кетди. Петр Степанович шу заҳоти кабинетга учиб кирди.

Ушбу ҳар икки “рақиб”нинг ғоятда қисқа учрашувини батафсил қайд этиб ўтмасам бўлмас, – мавжуд шарт-шароитда бу учрашувни ҳатто тасаввурга ҳам сиғдириб бўлмас, бироқ, буни қарангким, шу ҳол юз берди.

Воқеа бундай бўлган эди: Николай Всеволодович тушликдан сўнг ўз кабинетида қия суянчиқли ўриндиқда мудраб ўтирарди, шу пайт Алексей Егорович кутилмаган бир меҳмон келганини хабар қилди. У келган одамнинг исмини эшитиб, ҳатто ўрнидан сакраб турди ва кулоқларига ишонмади. Аммо тезда лабларида ярқ этиб табассум жилва қилди – бу такаббур бир тантана ва шу билан бирга аллақандай тўмтоқ хайрат табассуми эди. Хонага кириб келган Маврикий Николаевич, чамаси, унинг илжайиб турганини кўриб лол бўлиб қолди, ҳар ҳолда, бораверсаммикин ё қайтсаммикин, дегандай бирдан хона ўртасида товсилланиб қолди. Хона соҳиби дарҳол кулгисини йиғиштирди ва жиддий таажжубланган кўйи унга пешвоз қадам қўйди. Меҳмон ўзига узатилган қўлни олмади, стулни ўнғайсизланиб ўзига сурди-да, мезбоннинг таклифини ҳам кутмай, бир оғиз сўз демасдан, уй эгасидан олдин ўтирди. Николай Всеволодович қия ўриндиққа ёнламасига ўтириб, Маврикий Николаевичдан кўз узмай кутиб турди.

– Агар хоҳласангиз, Лизавета Николаевнага уйланинг, – ҳадоё йўсинида деди бирдан Маврикий Николаевич, ва ҳаммадан ҳам қизиғи шунда эдики, овознинг оҳангидан бунинг нималигини сира фаҳмлаб бўлмасди; ўтинчми, таклифми, ён беришми ва ё амр-фармонми.

Николай Всеволодович ҳамон чурқ этмасди; аммо меҳмон нима мақсадда келган бўлса, ҳаммасини айтиб, энди жавобини кутиб бир нуқтага тикилди.

– Агар янглишмасам (дарвоқе, жуда аниқ гап бўлса керак), Лизавета Николаевна сизга унаштирилиб қўйилган-ку, – деди ниҳоят оғиз очиб Ставрогин.

– Унаштирилган ва никоҳланган, – қатъий ва равшан тасдиқлади Маврикий Николаевич.

– Сиз... уришиб қолдингизми?.. Кечиринг мени, Маврикий Николаевич.

– Йўқ, у мени “севади ва ҳурмат қилади”, ўзининг сўзи. Унинг сўзлари ҳамма нарсадан қимматли.

– Бунга шубҳа йўқ.

– Аммо у черковда никоҳ ўқитаётганда ҳам, сиз уни чақирсангиз, мени ва ҳаммани ташлаб, сизга югуриб боради.

– Никоҳ ўқитаётганда-я?

– Никоҳдан кейин ҳам.

– Ҳато қилаётгандирсиз?

– Йўқ. Сизга нисбатан тўлиб-тошиб ётган ва ҳеч тўхтамайдиган чин нафрат остида ҳар лаҳзада муҳаббат ярқирайди ва... телбалик... энг самимий ва энг чексиз муҳаббат ва – телбалик! Аксинча, унинг менга бўлган севгиси тагидан ҳар лаҳзада чинакам нафрат ярқираб туради, энг улуг муҳаббат! Мен илгари ҳеч қачон хаёлимга келтирмагандим... бу эврилишларни.

– Аммо мен ҳайронман, сиз қандай қилиб келиб, Лизавета Николаевнанинг ихтиёридан сўзлаяпсиз? Бунга ҳақингиз борми? Ёки у сизни вакил қилиб юбордими?

Маврикий Николаевич қовоғини уйди ва бир зум бошини қуйи эгди.

– Бу сизнинг томонингиздан қуруқ сўздан бошқа нарса эмас, – деди у бирдан, – кинадор ва тантанавор сўзлар: аминманки, сиз сўзлар тагидаги маънони тушунасиз, наҳотки бу ерда ҳам ҳамиятпарастликка ўрин бўлса? Сиз бундан ҳам қаноатланмайсизми? Наҳотки буни яна ижикилаш ва охиригача қайраш лозим? Бўпти, рост бошладимми, энди охиригача қолдирмай айтай, агар сизга шундай хўрланиш керак бўлса! Менинг ҳеч қандай ҳақим йўқ, ваколат берилмаган; Лизавета Николаевнанинг хабари йўқ, унинг қаллиғи ақлини батамом еб қўйган, жиннихонада ётса ҳам бўлади, буларнинг ҳаммаси етмагандай, яна сизга келиб барчасини гапириб ўтирибди. Бутун дунёда фақат сиз уни бахтли килоласиз ва фақат мен билан бахтсиз бўлади. Сиз уни кунчилайсиз, уни тинмай таъқиб этасиз, аммо билмайман нега, уйланмайсиз. Агар бу хорижда бошланган севги жанжали бўлса-ю, унга барҳам бериш учун мени қурбон қилиш зарур бўлса, – майли, қурбон қилинг. У жуда ҳам бахтсиз, мен бунга сира чидолмайман. Мен бу сўзларим билан сизга изн бермаётиман, шунинг учун ҳамиятингизга тегмайди деб ўйлайман. Агар сиз никоҳ чоғида менинг ўрнимни эгаллаганингизда эди, буни менинг ҳеч қандай изнимсиз ҳам қилаверардингиз ва мен бу савдойи бошимни бу ерга кўтариб келишимнинг ҳожати йўқ эди. Бинобарин, мен ташлаган бу қадамдан сўнг тўй тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Мен уни меҳроб қошига қабоҳат билан элтолмайман-ку? Менинг бу ерда қилаётган ишим ва уни, эҳтимол, энг қаттол душмани кўлига топшираётганим, наздимда, шунчалар тубанликки, бунга ўла қолсам чидолмаган бўлардим.

– Бизга никоҳ ўқилаётганда, ўзингизни отасизми?

– Йўқ, бу анча кейинроқ. Менинг қоним билан унинг никоҳ либосини булғашнинг нима кераги бор? Балким, мен ҳеч қачон ўзимни отмасман, на ҳозир, на кейин.

– Буни мени тинчлантириш учун айтяпсизми?

– Сизними? Яна бир ортикча қон тўкилиши сиз учун нима деган гап?

Унинг ранги ўчди, кўзларидан учқун сачради. Бир зум жимлик чўкди.

– Сизга берган саволларим учун мени кечиринг, – яна сўз бошлади Ставрогин, – баъзи саволларни беришга ҳақим ҳам йўқ эди, аммо битта саволни бермасам бўлмайди: айтинг-чи, Лизавета Николаевнага бўлган ҳисларимни сиз қаердан билдингиз? Қаердан бу ҳисларга ишонч ҳосил қилдингиз? Ва қандай қилиб тавақкалига бундай таклиф билан менинг олдимга келдингиз?

– Қандай? – ҳатто бир мунча сесканиб тушди Маврикий Николаевич, – сиз ахир кетидан юрмаганмидингиз? Кетидан юрмайсиз ва юрмоқчи ҳам эмасмисиз?

– Умуман, мен у ёки бу аёлга бўлган ҳиссиётларимни бошқа бир одамга ва умуман ўша аёлдан бошқа ҳеч бир кишига оғиз очиб гапирмайман. Узр, табиатимнинг ғалати бир ҳислати шунда. Аммо бунинг ўрнига мен сизга бор ҳақиқатни айтаман: мен уйланганман, энди менинг уйланишим ёки “кетидан юришим”нинг иложи йўқ.

Маврикий Николаевич шунчалар тонг қотган эдики, бирпас ўриндик суянчиғига суяниб қолди ва бироз вақт Ставрогиннинг башарасига қилт этмай тикилиб ўтирди.

– Муни қаранг, ҳеч хаёлимга келтирмабман, – гўнғиллади у, – сиз ўшанда, ўша эрталаб, уйланмаганман девдингиз... мен чиппа-чин ишониб ўтирибман уйланмаган экан, деб...

Унинг ранги ёмон ўчиб борарди; бирдан у жони борича столни урди.

– Шу гапингиздан сўнг сиз Лизавета Николаевнани тинч қўймасангиз ва уни бахтсиз қилсангиз, унда мен сизни девор тагидаги итдай калтаклаб ўлдираман!

У дик этиб ўрнидан турди ва хонадан югуриб чиқиб кетди. Чопқиллаб қирган Петр Степанович уй хўжасини тамомила бошқача бир кайфиятда кўрди.

– Э, сизмисиз! – хандон ташлаб кулди Ставрогин; у жон ҳалпида қизиқиб, югургилаб кириб келган Петр Степановичнинг ғалати аҳволига қаҳ-қаҳ уриб кулаётганга ўхшарди бир чеккаси.

– Сиз эшикда тинглаб ўтирувдингизми? Шошманг, бу ерга нимага келдингиз? Ахир мен сизга ваъда берувдимми... Э, вох! Эсладим! Жамоага! Кетдик, жуда хурсандман, касалга дори қўл келди.

У шляпасини олди ва икковлари дарҳол ташқарига йўл олдилар.

– Сиз Жамоамизни кўраман деб, олдиндан суюниб кетяпсизми? – қувноқ ликилларди Петр Степанович тор ғиштин йўлкада дам ҳамроҳи билан баробар одим ташлашга интилиб, дам кўча ўртасига тушиб лой кечишга мажбур бўлиб, зеро унинг йўлдоши йўлка ўртасидан бир ўзи уни бутунлай эгаллаб, банд этиб бораётганини мутлако сезмасди.

– Мен ҳеч кулаётганим йўқ, – деб баланд овоз билан қувноқ жавоб берарди Ставрогин, – аксинча, ишончим комилки, у ерда энг жиддий одамлар йиғилади.

– “Бадқовоқ тўнкалар”, сиз бир гал шундай таъриф бергандингиз.

– Баъзи бадқовоқ тўнкалар жуда антиқа бўлишади.

– Э, сиз бу Маврикий Николаевични айтмаяпсизми! Ишончим комил, боя у сизга қайлиғини ҳавола қилиш учун келган, тўғрими? Тасаввур қилинг, бунга уни мен билвосита тайёрладим. Ён бермаса, мабодо, ўзимиз ҳам олаверамиз, нима деддингиз?

Петр Степанович бунақа оҳанжамалар қилиб ўзини хавф остига қўяётганини, албатта, биларди, аммо нима қилсин, ўзи ҳам жўш уриб турганда бир нарсани билиб олиш учун жон-жаҳди билан таваккал қилишни ёқтирарди. Николай Всеволодович кулиб қўя қолди.

– Сиз ҳалиям менга ёрдам бермоқчи бўласизми? – сўради у.

– Агар хоҳласангиз. Бироқ биласизми, битта энг яхши йўл бор.

– Биладан сизнинг бу йўлингизни.

– Йўғ-ей, бу хозирча сир. Фақат эсингизда бўлсин, сир пулга чақилади.

– Қанча туришини ҳам биладан, – ўзича тўнғиллади Ставрогин, аммо тилини тийди, индамади.

– Қанча, нима дедингиз? – тинчини йўқотди Петр Степанович.

– Мен сиригиз бошингиздан қолсин, деяпман! Яхшиси, менга айтинг, у ерда кимлар бўлади? Биладан таваллуд кунига боряпмиз, аммо валадлар ким?

– О, энг юксак маънода ҳардури! Ҳатто Кириллов ҳам келади.

– Ҳаммаси тўгаракларнинг аъзоларими?

– Жин урсин, мунча шошасиз! Бу ерда ҳали битта тўгаракнинг ҳам дараги йўқ.

– Унда бунча варақани қандай тарқатдингиз?

– Бораётган жойимизда тўгарак аъзолари фақат тўрт киши. Қолганлари кутишяпти, бир-бирларига ўлгудай айғоқчилик қилишади, менга етказишади. Уларга ишонса бўлади. Буларнинг бари ташкил қилиниши керак бўлган далолат, охирига етказиш керак. Дарвоқе, низомни ўзингиз ёзгансиз, сизга тушунтириш ортиқча.

– Нима, қийин бўляптими? Тўсиқ кўпми?

– Тўсиқми? Бахтга қарши, осон кетяпти. Айтсам, кулгингиз кистайди; ёмон таъсир қиладиган энг биринчи нарса бу – мундир. Мундирдан кучлироқ нарса йўқ. Мен атай амаллару мансабларни тўқиб чиқараман: менинг қўл остимда гўё котибларим, махфий айғоқчиларим, ғазначиларим, раисларим, рўйхатга олувчиларим ва уларнинг ходимлари бор – бу уларга жуда ёқади ва яхши қабул қилишади. Ундан кейинги катта куч бу, албатта, ҳиссиётчанлик. Биласизми, бизда социализм асосан ҳиссиётчанлик туфайли тарқалаяпти. Аммо бунда бир ишқал бор: анави тишлонғич подпоручиклар; йўқ жойда оёқ тагидан чиқиб қоладилар. Ундан кейин қип-қизил фирибгарлар келади; буларга ҳар қалай чидаса бўлади; гоҳо жуда фойдалари тегади, аммо улар кўп вақтни олади, кечаю кундуз огоҳ бўлиб туришинг керак. Хў-ўб, ниҳоят, энг муҳим куч бу – цемент – у ҳаммасини боғлайди, – бунинг оти – ўз фикрига эга бўлишдан уялиш. Мана буни куч деса бўлади! Ҳеч кимнинг бошида битта ҳам ўз фикри қолмаган, ким бунинг устида ишлаган, қайси “жонажон” бунинг заҳмати чеккан, ҳайронман! Буни уят ҳисоблашади.

– Ундай бўлса, нима учун жон куйдириб юрибсиз?

– Э, шундай оғзини очиб яланг ётган бўлса, нега энди уни ўмармаслик керак! Ютиб чиқиш мумкинлигига жиддий ишонмайсизми? Эҳ, эътиқодку, бор-а, лекин истак-хоҳиш керак-да. Ҳа, айни худди мана шундайлар билан ютуққа эришиш мумкин. Сизга айтиб қўяй, мабодо унга сен мукамал либерал эмассан, деб бақирсангиз, у ўзини ўтга-чўққа уради. Менга бу ерда аҳмоқлар таъна қилишади: сен бу ерда ҳаммани марказий қўмита ва унинг “сон-саноксиз тармоқлари” билан лақиллатиб юрибсан,



деб. Сиз ҳам бир гал менга дашном берувдингиз, аммо бунда ҳеч қандай товламачилик йўқ: сиз билан мен – марказий қўмита, тармоқлар десангиз, истаганча топилади.

– Бари шунақанги аблаҳлар!

– Далолатлар. Булар ҳам керак бўлиб қолади.

– Сиз ҳамон менга ишониб юрибсизми?

– Сиз раҳбарсиз, сиз кучсиз; мен фақат котиб бўлиб ёнингизда тураман. Биласизми, биз шундоқ кемага ўтирамыз, эшқаклари зарангдан, елканлари ипакдан, қуйруқда бир паризод, гўзал қиз Лизавета Николаевна ўтирибди... ёки нимаиди ўша, шайтон, қўшиқда нима дейиларди?..

– Тилидан тугилди! – хахолаб кулди Ставрогин. – Яхшиси, мен сизга эртақнинг бошини айтиб берай. Сиз, мана, бармоғингизни букиб ҳисобляяпсиз: тўгараклар қайси кучлардан ташкил бўлади деб? Сиз айтаётган амалдор ходимлару анов ҳиссиётчанлик – сентименталлик дедингизми – булар бари жуда яхши елим; лекин булардан ҳам яхшироқ яна бир нарса бор: тўгаракнинг тўртта аъзосини бу сотади деган баҳонада бешинчисини ўлдиришга кўндиринг, ана шунда сиз уларни тўкилган қон эвазига бир арқонга маҳкам боғлайсиз. Сизнинг кулингиз бўлишади, исён чиқариш, ҳисобот сўрашга ботинишмайди. Ваҳ-ҳа-ҳа!

“Бироқ сен, бироқ сен ҳали бу сўзларинг учун менга товон тўлайсан, – ўз ичида ўйлади Петр Степанович, – ҳатто шу кечанинг ўзидаёқ. Ҳаддингдан ошиб кетаётирсан жуда”.

Шундай ёки шунга яқин ўйлаши мумкин эди Петр Степанович. Дарвоқе, Виргинскийнинг уйига яқинлашиб қолган эдилар.

– Сиз, албатта, мени уларга хориждан келган қандайдир бир аъзо, Internationale билан алоқадор ревизор деб танитган бўлсангиз керак? – сўраб қолди бирдан Ставрогин.

– Йўқ, ревизор эмас; сиз ревизор бўлмайсиз; аммо сиз хориждан келган таъсисчи аъзосиз, сизга барча муҳим сирлар маълум, – сизнинг кийёфангиз шундай. Сиз, хойнаҳой, гапирсангиз керак?

– Буни қаёқдан олдингиз?

– Энди гапиришингиз зарур.

Ставрогин ҳатто кўча ўртасидаги фонус яқинида ҳайрон бўлиб тўхтаб қолди. Петр Степанович унинг нигоҳига тап тортмай, вазмин дош берди. Ставрогин бир тупурди-да, яна йўлда давом этди.

– Сиз-чи, ўзингиз гапирасизми? – деб сўради у бирдан Петр Степановичдан.

– Йўқ, яхшиси, сизни эшитаман.

– Тусингизни ел есин! Сиз менга ҳақиқатан фикр беряпсиз!

– Қандай фикр? – сапчиди Петр Степанович.

– Майли, мен у ерда-ку гапирарман-а, лекин кейин сизни савайман, биласизми, жуда боплаб савайман.

– Айтмоқчи, мен боя Кармазиновга сиз уни калтаклаш керак, калтаклашганда ҳам бўрсикнинг боласидай калтаклаш керак, деганингизни айтиб бердим.

– Э, мен ҳеч қачон бундай демаганман, ваҳ-ҳа-ҳа!

– Ҳечқиси йўқ. *Se non e vero*<sup>1</sup>...

– Э, раҳмат, чин дилдан ташаккур.

– Биласизми, яна Кармазинов нима дейди: бизнинг таълимотимиз

<sup>1</sup> Бўлмаса ҳам рост... (итал.).

моҳиятан номусни инкор этади, ошкора номуссизлик ила рус кишисини осонгина тумшуғидан ип ўтказиб олса бўлади.

– Аъло сўзлар! Олтин сўзлар! – қичқирди Ставрогин. – Қоқ қаншарига урган! Номуссизлик ила – э, ҳаммаси бизга югуриб келади, у томонда битта ҳам одам қолмайди! Э, кулоқ солинг, Верховенский, сиз мабодо олий полициядан эмасмисиз, а?

– Миясига бундай савол келган одам уни овоз чиқариб айтмайди.

– Биладан, аммо ўзаро гап-да.

– Йўқ, ҳозирча олий полициядан эмас. Ана, етиб келдик. Башарангизга бир тус беринг, Ставрогин, уларнинг олдига кираётганда, мен доим юзимга бир тус бераман. Қовоғингиздан қор ёғсин, тамом, бошқа ҳеч нарса керак эмас; ғамзаю усул.

## ЕТТИНЧИ БОБ

### БИЗНИКИЛАР ҚОШИДА

#### I

Виргинский Муравьиная кўчасидаги ўз уйида, тўғрироғи хотинига қарашли уйда яшарди. Бир қаватли уй оғочдан қурилган, унда ўзларидан бошқа ҳеч ким турмасди. Уй эгасининг таваллуд куни баҳонасида ўн беш чоғлик меҳмон тўпланди; аммо меҳмондорчилик чекка маҳаллаларда ўтадиган одатдаги меҳмондорчиликка сира ўхшамасди. Эр-хотин Виргинскийлар бирга турмуш кечира бошлаганларидан сўнг аввалданок таваллуд кунларини нишонлаб меҳмон чақириш ўта аҳмоқона иш, умуман эса “қувониб хурсандчилик қиладиган нарсанинг ўзи йўқ”, деб ўзаро келишиб олган ва бунга амал қилар эдилар. Шу тарика бир неча йил ўтиб, улар жамоатдан анча-мунча узоқлашиб қолишганди. Уй эгаси ҳар қалай қобилятли одам ва “шўрлик юпунлар”дан бўлмаса ҳам, бошқаларга одамови ва боз устига “кибр-ҳаво” билан сўзловчи аллақандай ғалати, ғаройиб кимса бўлиб кўринарди. Доялик ишлари билан шуғулланувчи madame Виргинскаянинг ўзи эса хизмат тақозосига кўра жамоат пиллапоясининг энг қуйи поғонасида жойлашганди; эри офицер бўлишига қарамай, у ҳатто кашишнинг хотинидан ҳам пастроқда турарди. Лекин хизматига қараб уни сира камтарин, камсукум деб бўлмасди. У қандайдир муттаҳам капитан Лебядкин деган билан атайин очикдан-очик кечириб бўлмас аҳмоқона дон олишиб кўйганидан сўнг, бизнинг ҳатто энг кўнгилчан хонимларимиз ҳам одам ўрнида кўрмай, ундан ажойиб бир тарзда юз ўгирган эдилар. Аммо madame Виргинская буни ўзига айни шу нарса етишмай тургандай қабул қилди. Яна шу томони ҳам ажойибки, бизнинг ўша жуда жиддий хонимларимиз ўзлари муҳтож бўлиб қолишганда, шаҳримизнинг бошқа учта доясини четлаб ўтишиб, имкон борича Арина Прохоровнага (яъни Виргинскаяга) мурожаат қилишарди. Жойлардаги бегойимларга ҳам келиб уни олиб кетишарди, унинг билими, қўли энгиллиги, омадига, ҳал қилувчи дамларда туриб беришига шунчалар ишониларди. Охир-оқибат у энг бадавлат хонадонларгагина хизмат кўрсатадиган бўлди; пулга эса ҳеч суяги йўқ эди. У ўзининг кучига ишонч ҳосил қилгач эса ўзининг феъл-атвори, хатти-ҳаракатларига заррача эътибор бермай қўйди. Эҳтимол, энг номдор хонадонларга борганда, қандайдир одоб-икром расм-

русмларини атайлаб уятсизларча бузиб, асаблари ожиз килкиллаб турган хомиладор аёлларни роса кўрқитар, ва “муқаддас” нарсалар баайни зарур бўлиб қоладиган паллаларда ушбу “барча муқаддас нарсалар” устидан мазах қилиб куларди. Бизнинг айни пайтда доялик ҳам қиладиган бош табибимиз Розановнинг ҳикоя қилиб беришича, бир куни хомиладор аёл қаттиқ тўлғоқ тутиб, азобнинг зўридан дод-фарёд кўтариб, раҳмдил худойимни зўр бериб ёрдамга чақириб ётганда, Арина Прохоровна ўзининг шайтон қилиқларидан бирини ишга солиб кўз ёраётганни худди “милтиқдан ўқ отгандай” қилиб кўрқитиб юборди, ва тезлик билан гумонадан халос бўлишига ёрдам берди. Аммо нигилистларга ўхшаб, ҳеч нарсани тан олмаса ҳам, Арина Прохоровна керак пайтда, ўзига фойда келтирадиган бўлса, дунёвийгина эмас, ҳатто жуда эски, энг хурофий одатларни адо этишдан асло тап тортмасди. Мисол учун, у ўзи йўрғаклаган гўдакнинг чўқинтириш маросимидан ҳеч қачон қолмас, маросимга у этаклари ғоятда узун кўк ипак либос кияр, сочларини зулф қилиб ўрар, гажаклар чиқарар, бошқа вақтлар тўзиб-тўзғиб роҳатланиб палписойим бўлиб юрарди. Гарчи сирли ибодат чоғида ўзини ғоятда кибру ҳаво билан тутиб, ҳатто черков руҳонийсини ҳам қора хижолатга солиб қўйса-да, бироқ расм-русм тугагач, шампанни албатта фақат ўзи олиб чиқиб улашарди (худди шу нарса учун у ясан-тусан қилиб келарди), ана шунда сиз шампан тўлдирилган қадахни олиб, эвазига “суюнчи” қўймай кўринг-чи, нақ балоларга қолади мунглик бошингиз.

Бу сафар Виргинскийнинг уйига йиғилган меҳмонлар (бари эркаклар) қандайдир тасодифий ҳамда бесаранжом кўринишга эга эдилар. На газаклар ва на қарта бор эди. Меҳмон кутадиган катта хонанинг деворлари анча эски мовий қоғоз билан қопланган, ўртага икки стол қўйилиб, устига унчалар тоза бўлмаган катта дастурхон ёзилган ва иккита самовар шақирлаб қайнаб турарди. Столнинг бир чеккасида йигирма бешта стакан қўйилган каттакон патнис, бир сават оддий француз оқ нони, улар худди эркаклар ва аёллар ўқув юртлари ўқувчиларига тайёрлангандай майда бўлаклаб тўғралганди. Уй бекасининг ўттиз яшар бокира опаси чой қуяр, унинг қоши борми-йўқми, билинмас, ўзи оч оқ-сарикдан келган, ичимдан топ дейдиган, ёмон заҳар, аммо янгича қарашларга мойил бир қиз бўлиб, уй ичкарасидаги ишларда Виргинскийнинг ўзи ундан ўлгудай кўрқарди. Хонада аёллардан уч киши ўтиришарди: беканинг ўзи, унинг оч-сарик опачаси ҳамда Виргинскийнинг туғишган синглиси, ҳозиргина Петербургдан етиб келган талаба қиз. Арина Прохоровна йигирма етти ёшлардаги ўктам ва кўҳлик аёл, уст-боши пала-партиш, туси кўкимтирроқ одми жун кўйлақда ҳаммага бир-бир журъатли назар ташлаб ўтирар ва кўз қараши билан: “Кўрдингми, мен ҳеч нарсадан кўркмайман”, деб таъкидлаётгандай бўларди. Виргинская ҳам кўҳликкина, ўзи тикмачоқдек, икки юзи кип-қизил, паст бўйли ва худди коптоқдек бир қизгина Арина Прохоровнанинг ёнида тўйган кўзичоқдек бўлиб ўтирар, у ҳали йўл кийимларини ҳам ечмаган, қўлларида бир ўрам қоғоз, бесабр кўзлари меҳмондан меҳмонга сакрарди. Виргинскийнинг ўзи бу оқшом бирмунча бетоб, аммо меҳмонлар олдига чиққан, чой столи ёнидаги юмшоқ ўриндикда ўтирарди. Барча меҳмонлар ҳам курсиларга жойлашган, уларнинг стол теварагида батартиб ўтиришларига қараганда, йиғин бўлиши сезиларди. Чамаси, ҳамма ниманидир кутар ва орада овозларини баланд кўтариб бошқа нарсалардан гаплашишарди.

Ставрогин билан Верховенский кириб келгач, ҳамма бирдан жим бўлди.

Лекин орага аниқлик киритиш учун баъзи-бир тушунтиришлар қилишим керак.

Ўйлашимча, бу жанобларнинг ҳаммалари ҳақиқатан бугун бошқача бир қизиқ гап эшитсак керак, деб хурсанд бўлиб, умидланиб тўпланишган, уларга олдиндан хабар бериб қўйилганди. Улар бизнинг қадимий шаҳримиздаги энг кип-қизил либерализмнинг гуллари бўлиб, мана шу “йиғин”га уларни Виргинский хўп саралаб чорлаганди. Шуни ҳам айтиб ўтишим керакки, уларнинг айримлари (дарҳақиқат, икки-учтаси) илгари унинг уйига ҳеч қачон келишмаганди. Дарвоқе, меҳмонларнинг аксарияти нима учун уларни олдиндан огоҳлантириб қўйишганини аниқ билмасдилар. Рост, улар ҳаммалари ўшанда Петр Степановични хориждан махфий топшириқ билан келган, ваколатларга эга кимса деб билган эдилар; бу фикр нечукдир дарров мустаҳкам ўрнашди ва табиийки, иззат-нафсларига маъқул тушди. Ҳолбуки, таваллуд кун баҳонасида йиғилган ушбу бир тўда фуқаролар ичида айримларига маълум бир таклифлар ҳам қилиб қўйилганди. Петр Верховенский бизда битта “бешлик”ни қолипдан чиқариб улгурган эди, у илгари Москвада, ва ҳозир маълум бўлишича, бизнинг уездимизда офицерлар ўртасида шунга ўхшаш ҳалқалар тузганди. Айтишларича, Х. вилоятида ҳам унинг шундай ташкилоти бор экан. Мана шу бешта сараланган одам ҳозир умумий стол атрофида ўтирар, усталик билан ўзларини энг жайдари одамлардай кўрсатишар, ҳеч ким уларнинг аслида кимлигини билмасди. Лекин мана энди бунинг ҳеч қандай сири қолмаган, булар, биринчидан, Липутин, ундан сўнг Виргинскийнинг ўзи, Виргинская ойимнинг акаси – узункулоқ Шигалев, кейин Лямшин ва ниҳоят, Толкаченко деган аллаким; бу ёши қирқларга бориб қолган, халқни ва айниқса, муттаҳамлар билан қароқчиларни хўб яхши ўрганиб чиққан, қовоқхоналарда санқиб юрадиган (ҳарҳолда фақат халқни ўрганиш учунгина эмас) ва бизнинг ичимизда исқирт уст-боши, мойланган этиклари, айёрона сузилиб боқишлари ва гажакдор халқона сўз-иборалари билан ўзини кўрсатган ғалати кимсалардан бири эди. Илгариги пайтлар уни Лямшин бир-икки бор Степан Трофимовичнинг окшом кечаларига олиб келган, лекин бу ерда у унчалик таассурот қолдирмаганди. Турар-жойсиз қолган кезлари у шаҳарда пайдо бўлар, ўзи темир йўлларда хизмат қиларди. Ушбу бешовлон намоянда ўзларининг биринчи тўдасини ташкил этишган, улар бутун Россия бўйлаб сочилиб кетган юзлаб, минглаб худди мана шу сингари бешликларнинг биттаси эканликларига кўнгилларида ишонишар ва ҳаммаси аллақандай жуда ката, жуда махфий марказга боғлиқлиги, бу марказ эса ўз навбатида Европа умумжаҳон инқилоби билан чамбарчас тутшиб кетганига имон келтиришарди. Аммо мен таассуф билан айтишим керакки, улар ўртасида ҳатто ўша вақтлардаёқ келишмовчиликлар юзага чиқа бошлаганди. Гап шундаки, улар гарчи баҳордан буён Петр Верховенскийнинг қадам ранжида қилишини кутишар, бу ҳақда аввалига Толкаченко, ундан сўнг Шигалев хабар олиб келишган, гарчи ундан фавқулудда бир мўъжизалар кутган ва барчалари у дастлаб чорлагандаёқ заррача пайсалга солмай, бир оғиз танкидий фикр билдирмай дарҳол тўгаракка ўтган бўлсалар-да, бироқ бешликни тузганлари ҳамоноқ дарҳол негадир норози бўлиб қолишди, назаримда, бунга дарров кўниб қўя қолганликлари сабаб бўлди. Улар

кейин журъатлари етмагани учун киришмади деган гап чиқишидан орият қилишгани сабаблигина тўгаракка ўтишганди; лекин нима бўлганда ҳам, Петр Верховенский уларнинг олижаноб жасоратларини муносиб баҳолаши ва уларга мукофот тариқасида жилла курса, қандайдир энг асосий латифани айтиб бериши керак эди. Аммо Верховенский уларнинг қонуний қизиқишларини қондиришни истамас ва ҳеч ортиқча бир гап айтмасди; балки ажаб бир жиддият ҳамда беписандлик билан уларнинг жиғига тегарди. Бундан уларнинг ёмон ғашлари келар, шунинг учун ҳам аъзо Шигалев бошқаларнинг кўнглига “ҳисобот талаб қилайлик” деб ғулғула сола бошлаган, лекин буни бугун Виргинскийникида, бегоналар ҳам қатнашаётган даврада қилмоқчи эмасдилар.

Бегоналар деганда, менинг битта ўз фикрим бор, юқорида қайд этиб ўтилмиш бешликнинг аъзолари бугун Виргинскийнинг уйидаги кечада ўша-ўша Верховенский томонидан, ўша-ўша махфий ташкилот тузган яна қандайдир бошқа номаълум тўдаларнинг аъзолари ҳам иштирок этаётган бўлсалар керак, деб гумон қилишар, шу боис охири-оқибат йиғилганларнинг ҳаммалари бир-бирларидан шубҳаланишар, ўзаро сергақланишар ва турли қиёфага киришардики, бу анжуманга хийлагина олақуроқ ва бир қадар ясама тус берарди. Дарвоқе, бу ерда ҳар қандай шак-шубҳадан холи кишилар ҳам бор эди. Мисол учун, хизматдаги бир майор, Виргинскийнинг яқин қариндоши, тамомила холи бир одам, уни ҳеч ким таклиф қилмаган бўлса ҳам, ўзи туғилган кун муносабати билан келган ва уни эшиқдан қайтариб юборишнинг иложи бўлмаганди. Аммо уй эгасининг кўнгли тўқ, зеро, майор, “сотадиган” одам эмасди; зотан, ўзининг калтафаҳмлигига қарамай, ҳар доим ўта либераллар тўпланадиган ерларда ўралашиб юришни ёқтирарди; ўзи хайрихоҳ эмасди, лекин тинглаб ўтиришни ғоятда яхши кўрарди. Лекин бир пўстаги ҳам қоқилганди: ёшлик чоғларида ғарам-ғарам “Колокол” ва варақалар унинг кўлидан ўтган ва гарчи уларни ҳатто очиб қарашга ҳам юраги бетламаган бўлса-да, аммо уларни тарқатишдан воз кечишни ўта тубанлик деб тушунарди – нимаям қиласиз, рус кишилари ҳатто ханузгача худди шунақа-да. Бошқа меҳмонларнинг баъзилари олижаноб нафсонияти озор чеккан ёки ўт-олов ёшликнинг илк нажиб интилишларини бошдан кечириётган кишилар эди. Улар орасида икки ёки учта муаллим кўзга ташланади, улардан бирови қирқ беш ёшлардаги, чўлоқ гимназия ўқитувчиси, жуда заҳар ва тегманозик зот ва яна иккита ёки учтаси офицер. Булар ичида жуда ёш бир тўпчи ҳам бор, у бир ҳарбий ўқув юртидан яқиндагина келган, ҳали таниш-билиш ортириб улгурмаган индамас ёшгина йигитча, кутилмаганда у Виргинскийнинг уйига келиб қолган, суҳбатга аралашмас, кўлида қалам, дам-бадам дафтарига алланималарнидир ёзиб-чизиб кўярди. Буни ҳаммалари кўриб турар, лекин нима учундир, ҳаммалари ўзларини гўё кўрмаганга олишарди. Бу ерда яна семинарияда ўқийдиган, Лямшин билан бирга китоб сотувчи аёлнинг халтасига беҳаё суратларни солиб қўйган санғисаёқ бола, яна қилиқлари беўхшов, ўлардай сурбет, лабидан иршайган беписанд кулги аримайдиган, ўзига бениҳоя бино қўйган гавдали бир йигит ҳам шу ерда. Яна нима учундир шаҳар саркорининг ўғилчаси ҳам келган, бу ўша эрта бузилган, шилтаси чиққан бола, мен уни поручикнинг ёш хотини ҳақида ҳикоя қилганимда эслаб ўтгандим. У миқ этиб оғиз очмади. Ва ниҳоят, охирида жуда жўшқин, сочлари тўзғиган

ўн саккиз ёшлардаги гимназия ўқувчиси ҳамияти таҳқирланган каби бениҳоя тумтайиб ўтирар, чамаси, негаям ўн саккиз ёшдаман-а, деб азоб чекиб ич-ичидан ёзғирарди. Бу жимитвой гимназиянинг юқори синфида ташкил этилган мустақил фитначилар тўдасининг раҳбари бўлиб қолган, бу нарса кейинроқ бориб очилган, барча ҳайратдан ёқасини ушлаганди. Ҳали Шатовни эслаганим йўқ, у столнинг орқа бурчагида ўтирибди, ўзининг стулини қатордан бироз орқага тортган, кўзини ердан узмайди, қовоғини очмайди, гапга кўшилмайди, чой ва нонни рад этди, кўлидан ҳеч бош кийими – картузини кўймайди, бу билан гўё мен меҳмонга эмас, иш билан келганман, қачон хоҳласам, ўшанда кетаман, демоқчи бўлади. Ундан нарироқда ўтирган Кириллов, у ҳам миқ этмайди, аммо кўзини ерга тикмайди, аксинча, ҳар бир сўйловчидан сўник кўзларини узмайди, тик, бақрайиб қарайди, ҳамма бўлаётган гапларни қилт этмай, ажабланмай эшитилади. Уни илгари ҳеч қачон кўрмаган айрим меҳмонлар ўйчан ва ўғринча кўз қирини ташлашади. Madame Виргинскаянинг ўзи мавжуд бешлик тўғрисида у-бу гапларни билармикин, номаълум? Фаҳмимча, ҳаммасидан хабардор, айни эрининг ўзидан эшитганди. Студент қизча эса, рости, ҳеч нарсага аралашмасди, унинг ўз ташвиши ўзига етарли эди; у бу ерда бир-икки кун меҳмон бўлиб, сўнг узоқ-узоқларга йўл олади, барча университетлар шаҳарчаларига боради, “шўрлик студентларнинг азоб-уқубатларини баҳам кўради, уларни норозиликка ундайди”. У ўзи билан бирга чамаси ўзи тўқиб ёзган бир неча юз босма чақириқлар варақаларини олиб боряпти. Воҳ, ажойиби шундаки, гимназия ўқувчиси уни биринчи кўргандаёқ жинидан багтар ёқтирмай кўйди, бўлмаса, энди кўриши, шунингдек, қизча ҳам илк учрашиши эди. Майор қизчага қариндош, амаки бўларкан, уни ўн йил бадалига эндигина кўриб туриши эди. Ставрогин билан Верховенский кириб келган чоғда қизчанинг иккала ёноғи ял-ял ёнарди: у ҳозиргина қариндоши билан аёллар масаласида баҳслашган эди.

## II

Верховенский столнинг тўр томонидаги курсига ғалати беписанд тарвақайлаб ўтирди, қарийб ҳеч ким билан саломлашмади. Унинг қиёфасида ижирғаниш ва такаббурилик акс этарди. Ставрогин одоб билан ҳаммага таъзим тавозе бажо келтирди, шуниси ҳам борки, ҳаммаларни уларнигина кутаётган бўлишларига қарамасдан, яна ҳаммалари худди буйруқ берилгандай, бараварига ўзларини уларни кўрмаган ва эътибор бермаганга солишди. Уй бекаси Ставрогин ўтириши биланок унга мурожаат қилди.

– Ставрогин, чой ичасизми?

– Беринг, – деб жавоб берди у.

– Ставрогинга чой, – деб буйруқ қилди бека чой қуйиб таркатаётган ходимага, – сиз ҳам ичасизми? (деди у Верховенскийга қарата).

– Беринг, аммо меҳмондан буни сўраб ўтирадимиз? Бўлса қаймоқ ҳам беринг, чунки сиз чой ўрнида доим ювинди берасиз; яна туғилган кун байрами.

– Э, сиз ҳам туғилган кунни байрам деб тан оласизми? – бирдан кулиб юборди талаба қиз. – Ҳозир шуни гаплашаётган эдик.

– Эскирди, – деб тўнғиллади гимназия талабаси столнинг нариги бурчидан туриб.

– Эскирди дегани нима ўзи? Энг одми бўлсин, расм-русумларни унутиш эски эмас, э, аксинча, ҳаммамиз учун уят, ҳозиргача ҳам, бу янги, – деди дарҳол ўтирган ерида олдинга силтаниб гап қўшди талаба қиз. – Бунинг устига ҳеч қандай беайб расм-русумнинг ўзи йўқ, – деб қўшиб кўйди у зардаси қайнаб.

– Мен фақат шуни айтмоқчи эдимки, – қаттиқ ҳаяжонга тушиб деди гимназия талабаси, – рост, расм-русумлар жуда эски нарса, рост, уларни қуриши керак, аммо туғилган кун деган нарсани ҳамма билади, аҳмоқона нарса ва жуда ҳам эски, қимматли вақтни кеткизишга арзимади, шундоғам бутун дунё вақтни кеткизиб ётибди, шунинг учун тилим ўткир деб валдирайвермаган яхши...

– Жуда чўзиб юбордингиз, ҳеч вақони тушуниб бўлмади, – кичкирди талаба қиз.

– Менимча, ҳар ким бошқалар каби овоз беришга ҳақли, мен бошқа ҳар бир одам каби ўз фикримни айтмоқчи бўлаётган эканман, унда...

– Сизнинг овоз бериш ҳуқуқингизни ҳеч ким тортиб олаётгани йўқ, – кескин дашном берди бека, – фақат гапни аччиқ ичакдек чўзманг, дейишяпти, гапингизни ҳеч ким тушунмаяпти.

– Э, ижозат беринг, айтиб қўяй, сиз мени ҳурмат қилмаяпсиз; мен фикримни ҳали тугатмаган эканман, бу менинг фикрим йўқ дегани эмас, аксинча фикрим дўлдай ёғилиб келяпти... – деб қаттиқ норози бўлиб тўнғиллади гимназия талабаси ва бутунлай чалкашиб кетди.

– Агар гапиришни билмасангиз, жим ўтиринг, – қарсиллатди талаба қиз.

Гимназия талабаси ҳатто ўрнидан сакраб туриб кетди.

– Мен фақат айтмоқчийдимки, – деб кичкирди у аламу уятдан ёниб ва атрофига қарашга ботинмай, – сиз жаноб Ставрогин келгани учун ақлиман деб ўзингизни кўрсатиб қўймоқчисиз, холос!

– Фикрингиз палид ва ахлоқсиз, ўсмай гўр бўлиб қолганингизни кўрсатади. Бошқа менга сўз қотманг, – бидирлади талаба қиз.

– Ставрогин, – гап бошлади уй бекаси, – сиз келишингиздан олдин бу ерда оила ҳуқуқлари ҳақида баҳс бўлди, – анов офицер (у ўз қариндоши, майор томонга ишора қилди). Бу эски жуда беъмани бир гап, чайнайдиган жойи қолмаган, буни гапириб бошингизни оғритишни истамасдим, албатта. Лекин расм-русумлар маъносида олиб қараганда ҳам, оиланинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қаердан келиб чиққан ўзи? Масала шу. Сиз қандай фикрдасиз?

– Қаердан келиб чиқарди? – қайтариб сўради Ставрогин.

– Яъни, биз биламизки, худо ҳақидаги хурофот момақалди роқ ва чакмоқдан келиб чиққан, – яна пиртиллади талаба қиз Ставрогинга кўзлари косасидан чиққундай бўлиб дўлайиб, – жуда ҳам яхши маълумки, илк одамзод момақалди роқ ва яшиндан қўрқиб, ўзининг унинг олдида ожиз сезиб кўзга кўринмас душманни илоҳийлаштирди. Аммо оила ҳақидаги хурофот қаердан келиб чиқди? Оиланинг ўзи қаердан келиб қолди?

– Булар бир-бирига ўхшамайди... – уни тўхтатмоқчи бўлди бека.

– Менимча, бундай саволнинг жавоби бироз нозикроқ, – жавоб берди Ставрогин.

– Қанақасига? – силтанди талаба қиз.

Аммо муаллимлар даврасидан хихилаб кулган товушлар эшитилди, нариги чеккадаги Лямшин ва гимназия талабаси бунга дарров жўр бўлишди, буларга майорнинг хириллаб хахолагани қўшилди.

– Кулгили ҳикоялар ёзсангиз бўларкан, – деб қўйди уй бекаси Ставрогинга.

– Сизга ярашмаган гап қилдингиз, билмадим исми шарифингиз нима, – кесди қаттиқ норози бўлиб талаба қиз.

– Сен мундоқ маҳмадоналик қилма! – тарс сўйлади майор. – Сен оиймқиз, ўз ўрнингни билиб ўтир, худди игнага ўтиргандай сакрайсан-а.

– Менга оғзингизни оча кўрманг, насиҳатларингизни ўзингиз пишириб енг. Сизни биринчи марта кўриб турибман, сиздақа қариндошнинг менга кераги йўқ.

– Э, мен амакинг бўламан-а; гўдак пайтингда кўлимда кўтариб катта қилганман!

– Катта қилган бўлсангиз, нима ишим бор. Ўшанда сиздан мени кўтар, деб сўрамаганман, ўзингизга ёққан бўлса керакки, кўтаргансиз, сиз, жаноб офицер, одобсиз экансиз. Сизга айтиб қўяйки, менга сенлаб гапирманг, сизга фуқаро эмасман, кўрпангизга қараб оёқ узатинг.

– Ана, булар бари шунақа! – майор муштини столга уриб, рўпарасида ўтирган Ставрогинга қараб гапирди. – Йўқ, менга қаранг, мен либерализм билан замонавийликни яхши кўраман, ақлли суҳбатларни жон-дилдан эшитгим келади, аммо айтиб қўяй, бундай гаплар эркакларга ярашади. Аммо аёлларнинг бунақа гапларига асло тоқатим йўқ, айниқса, мановнақа учирмалардан худо сақласин, бу менга азоб! Сен пирилдоқдай айланаверма! – деб қичқирди у ўтирган стулидан сакраб турмоқчи бўлаётган талаба қизга. – Йўқ, мен ҳам сўзламасам бўлмайди, мен хафа бўлдим.

– Сиз бошқаларга фақат халақит беряпсиз, ўзингиз нима деб гапиришни билмайсиз, – норози бўлиб деди уй бекаси.

– Йўқ, айтмасам бўлмайди, – деб қизишди майор Ставрогинга сўйларкан. – Сиз эндигина кириб келдингиз, бу ердаги гапларни тушунарсиз, деб ўйлайман, аммо сизни яхши танимайман. Эркаклар бўлмаса, улар худди пашшадек қирилиб кетади, – менинг фикрим шу. Гапимга ишонинг, мана шу аёллар масаласининг барини уларга эркаклар топиб беришган аҳмоқлик қилиб, энди ҳеч қачон бу бош оғриғидан қутулишмайди, – худога минг қатла шукрки, мен уйланмаганман! Зиғирдак ҳам ранг-баранглик йўқ, энг одми нақшни ҳам топишолмайди; нақшларни ҳам уларга эркаклар топиб беришади! Манавини мен кўлимда кўтариб юрганман, ўн ёшга кирганда бирга мазуркага рақс тушганман, у бугун келди, кучоқ очиб олдига югуриб бордим, у эса дабдурустдан менга худо йўқ, дейди. Олдин ўпкасини босиб олсин, ҳол-аҳвол сўрашсин, кейин айтса-айтар, ахир. Мунча ҳовлиқмаса! Майли, борингки, ақлли одамлар худога ишонмас, ақлли бўлгани учун шундайдир, сен-чи, дейман, сен худо деганда нимани ҳам билардинг, эй, пуффақ, дейман? Сенга талаба ўргатгандир, дейман, агар худо йўлига шам ёқишни ўргатганда, шам ёқардинг.

– Ҳаммаси ёлғон, сиз жуда ёмон одамсиз, мен боя сизга қанчалар ожиз эканлигингизни исботлаб бердим, – деди беписандлик билан талаба қиз, худди бунақа кимса билан узоқ тортишиб ўтиришни ўзига муносиб кўрмагандай. – Мен сизга кеча ҳаммамизни диний китобдан ўқитишган



деган эдим: “Агар ота-онангни эъзоз-икром қилсанг, узоқ умр кўрасан ва сенга дов-давлат ато этилгай”. Ўнта васиятда шундай дейилган. Агарда худо эъзоз-икром эвазига мукофот ваъда қилаётган бўлса, демак, сизнинг худойингиз ахлоқсиз. Мен сизга оғзимга келганини эмас, айнан мана шу сўзларни айтиб исботлаб бердим, чунки сиз менга худди ҳақ-хуқуқингиз бордай гапирдингиз. Сиз бундоқ эси паст бўлсангиз, ким айбдор, ҳалигача тушунмайсиз. Хафа бўласиз, алам қилади – сизнинг авлодингизнинг бўлган-тургани шу.

– Довдир! – тўнғиллади майор.

– Сиз эса тентаксиз!

– Тилинг узун!

– Аммо, қулоқ солинг, Капитон Максимович, сиз ўзингиз менга айтмовдингизми, худога ишонмайман деб, – пишиллади столнинг нариги бурчидан Липутин.

– Айтган бўлсам, нима, менинг йўлим бошқа! Мен, балки, ишонарман, лекин тўла эмас. Мен тўла ишонмасам ҳам, ҳеч қачон худони отиб ташлаш керак, демайман. Мен гусар бўлиб хизматда юрганамда ҳам, худо ҳақида ўйлардим. Гусар таралла-бедод қилиб юради, деб кўп шеърларда ёзилган; шундай мен ҳам балки ичсам ичгандирман, аммо ишонасизми, кечаси бирдан уйғониб кетиб сакраб ўрнингдан турасану санам олдида чўқинганинг чўқинган, худоё, менга имон ато эт деб, чунки ўша пайтларда ҳам ўзимга ишонмасдим: худо борми, йўқми, деб? Тоza абгор бўлганман! Эрталаб яна ўз ишларингга чалғиб кетасан, имон эсингдан чиққандай бўлади, умуман, мен бир нарсани англаб қолдимки, кундузи имон бироз бўшашар экан.

– Қарта ўйнамаймизми, а? – оғзини каппа очиб эснади Верховенский уй бекасига қараб.

– Жуда, жуда сизга раҳмим келади! – тарпинди талаба қиз майорнинг сўзларидан хуноби ошиб қизариб.

– Бемаъни сўзларни эшитиб олтин вақтни бой беряпсиз, – гапни кесди уй бекаси эрига ўсмоқчилаб қараб.

Талаба қиз ростланди.

– Мен бу йиғинга талаба ҳалқининг азоб-уқубатлари ва норозиликлари ҳақида баёнот бермоқчи эдим, вақт ахлоқсиз гапларга сарф бўлиб кетаётгани учун...

– Ахлоқсиз ҳам, маънавий ҳам ҳеч гап йўқ! – тоқати тоқ бўлиб деди гимназия ўқувчиси талаба қиз оғиз очиши билан.

– Сизни бу нарсага ўқитмасларидан анча олдин мен билардим, жаноб гимназия ўқувчиси.

– Мен эса шуни яхши биламанки, – қутуриб кетди гимназия ўқувчиси, – сиз, Петербургдан келган, оғзидан сути кетмаган гўдак, бизни ўқитиб қўймоқчисиз, биламиз ўзимиз ҳаммасини. Васиятни тилга олдингиз. “Ота-онангни хурмат қил”, сиз шуни ҳам тузукроқ ўқимадингиз. Бу шундоқ ўзи ахлоқсиз бир гап эканлиги Белинскийдан бошлаб бутун Россияга маълум.

– Бунинг охири борми ўзи, йўқми? – қатъият билан деди уй бекаси эрига қараб. У уй бекаси сифатида арзимаган майда гап-сўзлардан ҳижолат чекмоқда эди, айниқса, янги чақирилган меҳмонларнинг кулиб қўйишаётгани ва ҳатто ҳайрон бўлиб қарашаётганлари унга таъсир қилди.

– Бу қандоқ бўлди, – бирдан овозини кўтарди уй соҳиби Виргинский, – агар кимда ким ишга тааллуқли бошқа бир гап айтмоқчи ёки бирон баёнот бермоқчи бўлса, унда вақтни кеткизмай бошлашни таклиф этаман.

– Бир саволни ўртага қўйишга журъат қиламан, – мулойимлик билан деди шу пайтгача индамай тек ўтирган чўлоқ муаллим, – мен шуни билишни истардимки, биз бу ерда ҳозир мажлисда ўтирибмизми ёки меҳмонга келган одми жайдари одамлар тўдасими? Мен буни ўзим учун аниқлаб олиш учунгина сўраяпман, билиб қўйган яхши-да.

“Муғомбир” савол ҳаммага таъсир қилди; ҳамма жавоб кутгандай бир-бирига қаради ва шунда бирдан ҳамма бараварига Верховенский билан Ставрогинга боқди.

– Мен “бу мажлисми, йўқми”, деган масалани шундоқ овозга қўйишни таклиф этаман, – деди уй бекаси Виргинская хоним.

– Таклифга тўла қўшиламан, – орага гап сўқди Липутин, – бироз ноаниқроқ бўлса ҳам, ҳечқиси йўқ.

– Мен ҳам қўшиламан, мен ҳам, – деган овозлар эшитилди.

– Назаримда, шундай қилсак тартиб жойига тушади, – деб қувватлади Виргинский.

– Демак, овозга қўямиз! – эълон қилди уй бекаси. – Лямшин, сиздан илтимос қиламан, фортепянога ўтиринг: овозга қўйилаётганда, сиз ўша ердан туриб ҳам овоз бераверасиз.

– Янами! – кичқирди Лямшин. – Қанча даранглатдим, бўлди-да.

– Сиздан ўтиниб сўрайман: ўтириб тўхтамай чалинг; сиз ишга фойдангиз тегишини истамайсизми?

– Арина Прохоровна, сизни ишонтириб айтаманки, бизни ҳеч ким тинглаётгани йўқ. Бу сизнинг хаёлингиз, холос. Бунинг устига деразалар ҳам баланд, агар қулоқ солганда ҳам нимани тушунарди, дейсиз.

– Биз ўзимиз ҳам тушунмаяпмиз нима гаплигини, – деб тўнғиллади аллаким.

– Менимча, эҳтиёткорлик ҳамма вақт зарур. Мен мабодо, айғоқчилар бўлса, дейман-да, – деб мурожаат қилди у Верховенскийга гапини шарҳлаб, – ташқаридагилар бу ерда зиёфат ва ўйин-кулги бўлаётган экан, дейишсин.

– Э, падлаънат! – сўкинди Лямшин ва фортепянога ўтириб, клавишларни муштлай кетди гўё валс чалган бўлиб.

– Кимки мажлис бўлсин деса, ўнг қўлини кўтаришини сўрайман, – таклиф қилди Виргинская хоним.

Биров кўтарди, биров йўқ. Қўлини бир кўтариб яна туширганлар ҳам бўлди. Тушириб, яна кўтаришди.

– Ўҳ, жинни! Мен ҳеч бало тушунмадим, – кичқирди бир офицер.

– Мен ҳам тушунмаяпман, – кичқирди бошқаси.

– Йўқ, мен тушундим, – кичқирди учинчиси, – агар ҳа десангиз, унда қўл кўтарасиз.

– Э-ҳа, бу ҳа дегани ўзи нима?

– Демак, мажлис дегани.

– Йўқ, мажлис эмас.

– Мен мажлисга овоз бердим, – кичқирди гимназия ўқувчиси Виргинская хонимга қараб.

– Унда нега қўл кўтармадингиз?

– Мен сизга қараб турдим, сиз кўтармадингиз, мен ҳам кўтармадим.  
 – Вой, тентак, мен ўзим таклиф қилдим, шунинг учун кўтармадим. Жаноблар, энди тескарисини таклиф қиламан: кимки мажлис бўлсин деса, жойида ўтирсин ва кўл кўтармасин, ким бўлмасин деса, ўнг қўлини кўтарсин.

– Ким бўлмасин десами? – қайталаб сўради гимназия ўқувчиси.

– Э, сиз атайлаб қиялпсизми? – ғазабланиб қичқирди Виргинская хоним.

– Йўқ, ижозат беринг, ким хоҳласа ёки хоҳламасами, нега деганда бу аниқ бўлиши керак? – деган бир қанча овозлар эшитилди.

– Ким хоҳламаса, хоҳламайди.

– Шу-да ахир, аммо нима қилиш керак, кўтарсинми, кўтармасинми, агар хоҳламаса? – қичқирди офицер.

– Эҳ, ҳали конституцияга кўникканимиз йўқ-да! – деди майор.

– Жаноб Лямшин, сиздан илтимос, шунчалар чаляпсизки, гапларни эшитиб бўлмаяпти, – деди чўлоқ муаллим.

– Ҳа, худо ҳақи, Арина Прохоровна, ҳеч ким ташқарида кулок солаётгани йўқ, – сакраб турди Лямшин. – Чалгим келмаяпти ахир! Мен меҳмон бўлиб келганман, чалгани эмас!

– Жаноблар, – таклиф киритди Виргинский, – ҳамма овоз берсин: мажлисми, йўқми?

– Мажлис, мажлис! – ҳар томондан овозлар чикди.

– Ундоқ бўлса, етарли, овоз бериш шарт эмас. Жаноблар, ҳамма розими, овозга кўймайликми?

– Керакмас, керакмас, тушундик!

– Балки кимдир мажлис қилмасликни хоҳлар?

– Йўқ, йўқ, ҳаммамиз хоҳлаймиз.

– Мажлис ўзи нима? – қичқирди бир овоз. Ҳеч ким жавоб бермади.

– Президентни сайлаш керак, – деб қичқиришди ҳар ёқдан.

– Бошлиқни, бошлиқ, албатта!

– Жаноблар, алалхусус, – деб бошлади сайланган Виргинский, – мен бояги биринчи таклифимни яна такрорлайман: кимда ким масалага дахлдор бирон нима демоқчи, баёнот бермоқчи бўлса, вақтни йўкотмай, айтсин.

Ҳамма жим. Яна нигоҳлар бирдан Ставрогин билан Виргинскийга қадалди.

– Верховенский, айтадиган гапингиз борми? – очикчасига сўради Виргинская.

– Гапим йўқ, – деб керишди у курсида ўтирганча, эснаб. – Андак коньяк ичсаммикин дегандим.

– Ставрогин, сиз ҳам хоҳлайсизми?

– Ташаккур, мен ичмайман.

– Мен гапирасизми, йўқми, деб сўрадим, коньякни эмас.

– Нимани гапираман? Йўқ, гапирмайман.

– Сизга коньяк келтиришади, – деди уй бекаси Верховенскийга.

Талаба қиз ўрнидан турди. У ҳалитдан бери сакраб-сакраб кўярди.

– Мен шўрлик талабаларнинг азоб-укубатлари ва уларни ялпи норозилик билдиришга кўтариш ҳақида баёнот бергани келдим...

Аммо у тилини тишлаб қолди; столнинг нариги томонидан бошқа бир хариф чиқиб, ҳамманинг нигоҳи унга қаради. Узунқулоқ Шигалев

тумтайиб, ковоғидан қор ёққан ҳолда секин ўрнидан кўзгалди-да, калин, майда қилиб ёзилган дафтарни дилгирлик билан стол устига қўйди. У ўтирмас ва оғиз ҳам очмасди. Кўплар дафтарга эсанкираб қарар, аммо Липутин, Виргинский ва чўлоқ муаллим нимадандир мамнун кўринишарди.

– Сўз сўрайман, – тумтайган кўйи, аммо қатъият билан деди Шигалев.  
– Айтинг, – рухсат берди Виргинский.

Нотик ўтирди, ярим дақиқалар жим турди-да, сўнг овозига жиддий тус бериб деди:

– Жаноблар...

– Мана коньяк! – деди нафратомиз ижирғаниб боя чой қўйиб турган, кейин коньякка кетган уй бекасининг қариндоши қадах билан шишани Верховенскийнинг олдига қўяркан; буларни у патнис ва тарелкасиз қўлида кўтариб келди.

Сўзи бўлиниб қолган нотик виқор билан кутиб турди.

– Бемалол, давом этаверинг, мен эшитаётганим йўқ, – қичқирди Верховенский ўзига коньяк қуяркан.

– Жаноблар, диққатингизни яна шунга қаратмоқчиманки, – деб бошлади Шигалев, – ва сиздан, қуйида кўрасиз ҳали, кўмак ўтинмоқчиманки, бу биринчи даражали аҳамиятга молик бир масала, ва мен унгача дебочадан бошласам.

– Арина Прохоровна, сизда мабодо қайчи йўқми? – кутилмаганда сўраб қолди Петр Степанович.

– Қайчини нима қиласиз? – унга кўзларини ола-кула қилди бека.

– Тирноқни олиш эсимдан чиқибди, уч кундан бери олмоқчи бўламан, – деб қўйди у ўзининг узунчоқ ва кир тирноқларини бамайлихотир томоша қилиб.

Арина Прохоровна дув-дув қизариб кетди, аммо оймқиз Виргинскаяга нимадир маъқул кўринди.

– Ҳали уни шу ерда ойнанинг тоқчасида кўргандай эдим, – у ўрнидан туриб қайчини топди-да дарров олиб келди. Петр Степанович ҳатто унинг афтига ҳам қарамади, қайчини олиб унга машғул бўлди. Арина Прохоровна бу атай қўлланган усул эканлигини англади ва ўзининг жиззакилигидан уялди. Меҳмонлар бир-бирларига индамай қараб қўйишарди. Чўлоқ ўқитувчи диққати ошиб, ғаши келиб Верховенскийни кузатиб ўтирарди. Шигалев гапини давом эттирди:

– Мен ҳозирги жамиятнинг ўрнига келувчи келажак жамиятнинг қурилишини ўрганишга бутун куч-қувватимни бағишлаб, шундай ҳулосага келдимки, энг қадимги замонлардан бошлаб бизнинг ҳозирги 187... йилгача бўлган ижтимоий тузумларнинг яратувчилари табиёт фанларини ва одам деб номланган ғалати бир ҳайвонни мутлақо тушунмайдиган, доим ўзларига ўзлари қарши чиққан хаёлпараст, эртақчи, тентак бўлганлар, Афлотун, Руссо, Фурье, алюмин куббалар – булар бари инсоният жамиятларига эмас, балки фақат ўша чумчуқларгагина ярайди. Эндиликда биз ҳаммамиз бошқа сира ўйлаб ўтирмай, ниҳоят, ҳаракат қилишга киришган эканмиз, келажак ижтимоий тузум мана айнан энди зарур бўлади, шунинг учун мен дунё қурилишининг ўзим яратган тизимини таклиф этаман. Мана у! – дафтарини уриб кўрсатди. – Мен ушбу мажлис аҳлига китобимни иложи борича қисқартириб баён қилиб бермоқчиман; лекин кўриб турибманки, яна кўплаб оғзаки қўшимчалар

қилишимга тўғри келади, шу боис баёнимга кам деганда, ўн кеча керак бўлади, китобнинг ўзи ҳам ўн бобдан иборат. (Кулги эшитилди). Ундан ташқари, олдиндан айтиб қўяй, тизим ҳали тугалланмаган. (Яна кулги). Мен ўз маълумотларим ва далолатларимда чалкашиб қолдим, ва менинг хулосаларим ўзим асосланган дастлабки ғояга тўғридан тўғри зид бўлиб чиқди. Интиҳосиз эркинликдан чиқиб мен интиҳосиз истибдодга етиб келдим. Бироқ, шуни ҳам қўшимча қиламанки, ижтимоий тузумнинг мен ҳал қилган ечимидан бошқа ҳеч қандай ечим йўқ.

Кулги тобора кучайиб борарди, аммо, ҳали тажрибасиз меҳмонлар, кўпроқ ёшлар кулишарди. Уй бекаси, Липутин ва чўлоқ ўқитувчининг башараларидан бирмунча ранжиганликлари сезилди.

– Агарда сиз ўзингиз тузумингизни ясолмаган ва ноилож қолган бўлсангиз, унда, бизнинг қўлимиздан нима келади? – эҳтиёткорлик билан деди бир офицер.

– Сиз ҳақсиз, хизматдаги жаноб офицер, – деди унга қараб кескин бурилиб Шигалев, ва айниқса, “ноилож” сўзини ишлатганингиз ўринли бўлди. Ҳа, мен ноилож, умидсиз қолдим; шунга қарамай, менинг китобимда баён қилинганларнинг ҳаммаси – бетакрор, бошқа йўл йўқ; ҳеч ким бошқа ҳеч нарсани йўлаб тополмайди. Шунинг учун ҳам, вақтни кетказмай, бутун жамиятни таклиф этишга шошилиб турибман, ўн кеча давомида менинг китобларимни эшитганларидан сўнг, ўз фикрларини билдирсалар. Агарда, аъзолар мени эшитишни истамасалар, бошиданок тарқалишамиз, – эркаклар давлат хизматига борсин, аёллар эса – ошхонага, негаки, улар менинг китобимни рад этиб, бошқа чора тополмайдилар. Ҳе-еч қ-қан-дай! Вақтни бой берсалар, фақат ўзларига зиён, чунки кейин муқаррар яна шунга қайтажаклар.

Ҳамма қимирлаб қолди: “Нима, у жинними?” – деган товушлар эшитилди.

– Демак, ҳаммаси Шигалевнинг ноилож қолганидан. – Хулоса қилди Лямшин, – энг зарур масала шуки, у ноилож бўлиши керакми, керакмасми?

– Шигалевнинг ноиложлиги шахсий масала, – деди гимназия талабаси.

– Шигалевнинг ноилож қолиши умумий ишга қанчалар алоқадор, мен шуни овозга қўйишни таклиф этаман, шу билан бирга, уни эшитиш керакми, йўқми? – ҳазил қилди офицер.

– Унақамас-да, – гапга суқилди охири чўлоқ ўқитувчи. Умуман, у қандайдир қизиқ қилиб кулиб гапирар, шунинг учун самимий сўзлаяптими ёки ҳазиллашяптими, билиш қийин эди. – Жаноблар, бу унақамас, ҳа. Жаноб Шигалев ўз вазифасига ғоятда жиддий қарайди ва боз устига жуда камтар. Унинг китобини биламан. У масалани узил-кесил ечиш учун инсониятни икки тенг бўлмаган бўлакка ажратишни таклиф этади. Ундан бир бўлаги шахс эркинлигига эга бўлади ва қолган ўққиз бўлаги устидан чекланмаган ҳуқуқ олади. Анавилар ўзлигини йўқотади ва бамисоли подага айланади, чексиз бўйсунган ҳолда жуда кўп қайта туғилишлардан сўнг ибтидоий маъсумлик касб этади, худди ибтидоий жаннатга эришади, лекин, албатта, меҳнат қилишади. Инсониятнинг ўндан тўққиз бўлагини иродасидан маҳрум қилиш ва бутун-бутун авлодларни қайта тарбиялаш йўли билан уни подага айлантириш борасида муаллиф томонидан тавсия этилаётган чора-тадбирлар – ғоятда

ажойиб бўлиб, табиий далолатларга таянади ва ўта мантиқийдир. Баъзи хулосаларига қўшилмаслик ҳам мумкин, аммо ақли ва билимларига асло шубҳа йўқ. Афсуски, ўн кеча ўқиш шарти қўйилаётгани мавжуд аҳволга сира мувофиқ эмас, акс ҳолда биз кўп қизиқ нарсаларни эшитишга муваффақ бўлардик.

– Наҳотки, шу гапларингиз жиддий бўлса? – дея муурожаат қилди Виргинская хоним ҳатто бироз ташвишланиб. – Наҳот, бу жаноб одамларни қаёққа қўйишни билмай, уларнинг ўндан тўққиз қисмини кулликка маҳкум этади? Анчадан буён ундан шубҳаланиб юрардим.

– Яъни, ўз биродарингизни айтяпсизми? – сўради чўлоқ муаллим.

– Қавму қариндошчиликми? Менинг устимдан куляпсизми, нима?

– Ундан ташқари, аслзодаларга хизмат қилиш ва уларга худди худодай бўйин эгиш, – бу тубанлик-ку! – қутуриб деди талаба қиз.

– Мен тубанликмас, жаннат таклиф этаяпман, ердаги жаннат, ер юзида бундан бошқаси бўлмайди, – хукмпармолик билан деди Шигалев.

– Менга қолса, – деб қичқирди Лямшин, – ўша инсониятнинг ўндан тўққиз қисмини олардим-да, агар уни нима қилиш, қаерга қўйишни билмасанглар, ҳаммасини портлатиб юборардим, фақат бир ҳовуч маърифатли одамларни қолдирардим, булар иннайкейин олимларга ўхшаб тузук-курук яшашарди.

– Фақат масхарабозгина шундай сўйлайди, – деди талаба қиз.

– У масхарабоз, лекин фойдаси тегади, – деб шипшиди Виргинская хоним.

– Эҳтимол, шу тарзда масала энг аъло даражада ҳал қилинган бўларди! – қизишиб ўғирилди Шигалев Лямшин томонга. – Жаноб қувноқ одам, сиз қанчалар чуқур гап айтганлигингизни ўзингиз ҳам билмасангиз керак. Бироқ сизнинг фикрингизни амалга ошириб бўлмайди ҳисоби, шунинг учун ердаги жаннат билан кифояланишга тўғри келади, нима қилардик, буни шундай деб аташган-да.

– Бироқ булар батамом бекор гаплар! – қандайдир беихтиёр оғзидан чиқиб кетди Верховенскийнинг. Воқеан, у ғоятда бепарво ва бошини кўтармай тирноқларини тозаларди.

– Нега бекор дейсиз? – илиб кетди чўлоқ муаллим, худди у билан талашиш учун шуни кутиб тургандай. – Нега энди айнан бекор бўларкан? Жаноб Шигалев бир чеккаси инсонпарастликка берилган; аммо эслаб кўринг, Фурьеда, Кабетда ва айниқса, Прудоннинг ўзида масалани ғоятда зўрлик ва ғоятда хаёлпарастлик билан ечишга кўпдан-кўп уринишлар мавжуд. Жаноб Шигалев, эҳтимолки, масалани улардан кўра ҳушёрроқ ечар. Ишонтириб айтаманки, унинг китобини ўқиб, айрим нарсаларга қўшилмаслик мумкин эмас. Эҳтимолки, у реализмдан ҳаммадан кўра озроқ узоклашгандир, унинг ердаги жаннати ҳақиқатга ўхшайди, инсоният худди мана шуни йўқотганидан ўқиниб юради, лекин у ўзи қачонлардир бўлганмикин асти.

– Ўзим ҳам билган эдим-а шунга дучор бўлишимни, – ғўнғиллади яна Верховенский.

– Шошманг-чи, – борган сайин қайнаб-тошарди чўлоқ муаллим, – келажак ижтимоий қурилиш ҳақида гаплашиш, фикр юритиш, – ҳозирги замондаги фикрловчи одамларнинг ажралмас зарурати, Герцен бутун ҳаёти давомида шу ҳақда қайғурарди. Мен аниқ биламанки, Белинский ҳам, окшомлар ўз дўстлари билан бўлажак ижтимоий тузумнинг энг

майда тафсилотларигача олдиндан муҳокама қилиб, баҳслашиб ечишга ҳаракат қилардилар.

– Айримлар ақлдан озаётганга ўхшайди, – бирдан гап қўшди майор.

– Диктаторга ўхшаб жим ўтиргандан кўра, бирон нарсани гаплашиб ҳал қилган маъқул, – деб шипшинди Липутин ниҳоят хужумга ўтишга журъат этгандек.

– Мен бекор деб Шигалевни айтганим йўқ, – эзмаланди Верховенский. – Биласизми, жаноблар, – у андак бошини кўтарди, – бу китобларнинг ҳаммаси, Фурьелар, Кабетлар, ўша барча “меҳнат қилиш ҳуқуқлари” Шигалевчилик – менимча, булар ҳаммаси романларга ўхшайди, уларни юз мингталаб ёзиб ташлаш мумкин. Эстетик вақт ўтказиш. Биладан, бу кичкина шаҳарда зерикиб кетгансиз, қоғозда ёзилган нарсаларга ёпишасиз.

– Шошманг, – ўтирган ерида тек туrolмай деди чўлок муаллим, – биз бир чеккадаги маҳаллий одамлар бўлсак ҳам, бунинг ўзи ҳам ачинарли албатта, бироқ, шуни ҳам биладимизки, ҳозирча дунёда биз кўрмай қолибмиз-да, деб кўз ёши тўкиб ўтиришга арзийдиган бирон бир янгилик рўй берганича йўқ. Хорижнинг сиёқи келиб турган турлитуман учирма варақалар бизни сафга зич туришга чақиради, ҳаммасини вайронага айлантириш учун мушт бўлиб бирлашинглар, дейди, дунёни қанча даволайман деганинг билан бари бир даволанмайди, шунинг учун юз миллион одамнинг бошини шартга кесиб ташласанг, юкинг енгиллашади, ариқчадан осонгина сакраб ўтиб кетасан, деб кўрсатма беради. Шак-шубҳасиз, кўркам фикр, аммо бир чеккаси, воқеликка сира тўғри келмайди, бурнингизни жийриб “Шигалевчилик” деганингиз ҳам шундай.

– Хў-ўш, мен мулоҳаза айтаман, деб келган эмасман, – оғзини тўлдириб ўкни хато отди Верховенский, у худди ўзининг бу хатосини сира пайқамагандай, ёруғроқ бўлсин деб, шамни ўзига яқинроқ сурди.

– Аттанг, аттанг, мулоҳаза юритиш учун келмаган экансиз-да, ачинарли, жуда ачинарли, бу ерда бундай қошингизни териб ўтиришингиз.

– Сизга бунинг нима дахли бор?

– Дунёни ташвик-тарғиб билан ўзгартириб бўлмагандай, юз миллион бошни кесиб ҳам ўзгартириш қийин. Айниқса, бу агар Россияда бўлса, янада чандон қийинроқ хатто, – яна таваккалига деди Липутин.

– Ҳозир Россиядан умид қилишяпти, – деб қўйди бир офицер.

– Биз умид қилишаётганини ҳам эшитдик, – илиб кетди чўлок муаллим. – Бизнинг гўзал ватанимизга буюк вазифани адо этишга энг қодир бўлган ўлка деб, сирли тарзда қўл узатилганини ҳам биладимиз, буни индекс дейдилар. Фақат бир нарсани эса тутайлик: вазифа тарғибот томонидан поғонама-поғона ечим топа бораркан, мен ўзим шахсан нимадир ютаман, жилла қурса, мазза қилиб валақлашаман, бошлиқлардан эса ижтимоий соҳага хизмат кўрсатганим учун унвон оламан. Сонеан, масалани юз миллион бош воситасида тез ҳал қилганда, мен нимага ҳам эга бўлардим, қандай мукофот тегарди менга? Ташвиқот қила кўрсанг, тилингни ҳам кесиб олишлари ҳеч гапмас.

– Сизнинг тилингизни, албатта, кесишади, – деди Верховенский.

– Қаранг-а. Бундай каллакесарликни эллик йил ё боринги, ўттиз йилда ҳам тугаллаб бўлмайди, ўшанда ҳам энг қулай шароитда, нега деганда, улар ахир қўй эмас-ку, ўзини сўйдириб томоша қилиб ўтирмаса

хам керак, – шундай экан, ашқол-дашқолни йиғиштириб, тинч денгизлар ортидаги бирон бир осуда оролга кўчиб кетиб, ўша ерда тинчгина ияк қоққан яхши эмасмикан? Гапимга ишонинг, – у бармоғини столга тўқиллатиб урди, – сиз бундай ташвиқот билан фақат одамларнинг кўчиб кетишларини тезлатасиз, халос! Бошқа гап йўк!

У гапини афтидан мамнун тантанавор тугатди. Бу вилоятдаги кучли хумкаллалардан эди. Липутин маккорона табассум қилар, Виргинский бироз маъюсланиб тинглар, бошқа ҳаммалари ва айникса, хонимлар ва офицерлар камоли диққат билан баҳсга кулоқ тутишарди. Ҳаммалари юз миллион бошнинг илҳомчисини деворга такаб қўйилганини тушунишар ва энди бундан нима чиқишини пойлашарди.

– Ҳар ҳолда, бу гапни сиз яхши айтдингиз, – мужмал қилиб деди Верховенский камоли зерикиб кетгандай бўлиб. – Кўчиб кетиш – яхши фикр. Лекин сиз ўзингиз аён сезиб турган зарарларига қарамай аскар умумий ишга кун сайин кўпроқ келаверса, унда сизсиз ҳам ишини битираверади. Бу ерда, отахоним, янги дин эскисининг ўрнига кириб келаётир, шунинг учун аскарлар кўп кўриняпти ва бу жуда йирик иш. Сиз эса кўчиб кетаверинг! Яна биласизми, тинч оролларгамас, Дрезденга боринг, мен сизга шуни маслаҳат бераман. Биринчидан, бу ҳеч қандай юқумли касалликларни ҳеч қачон кўрмаган шаҳар, сиз ақли-хуши жойида одам бўлганингиз учун, чамаси, ўлимдан кўрқасиз; иккинчидан, рус чегарасига яқин, шунинг учун жонажон ватанингиздан тез-тез кўмак олиб турасиз; учинчидан, бу ерда санъат хазиналари жойлашган, сиз эса санъатга яқин кишисиз, собиқ нафис адабиёт муаллими, шундай шекилли; ва ниҳоят, ўз бағрида мўъжаз Швейцарияси ҳам бор – бу шоирона илҳомлар учун қанот, чамаси, шеър-пер ҳам қоралаб турасиз чоғи. Бир сўз билан айтганда, қандолатчи ичидаги хазина!

Қимир-кимир бошланди; айникса, офицерлар ғимирлаб қолишди. Яна бир зумдан сўнг ҳамма баравар гапга тушадиган эди. Аммо чўлок ўқитувчи фиғони чиқиб ўлжага ташланди:

– Йўқ-қ, биз ҳали умумий ишимизни ташлаб кетмаймиз! Буни тушуниш керак ахир-р...

– Бу қандай, агар мен таклиф қилсам, сиз бешликка кирармидингиз? – вағирлади бирдан Верховенский ва қайчини столга қўйди.

Барча бирдан сескангандай бўлди. Жумбоқ одам бирдан ланг очилди. Ҳатто “бешлик” ҳақида тили ечилди.

– Ҳар кимса ўзини виждонли деб билади ва умум ишидан ўзини четга тортмайди, – жилпанглади чўлок ўқитувчи, – аммо...

– Йўқ-қ, бу ерда аммо кетмайди, – амрона ва кескин деди Верховенский. – Мен эълон қиламанки, жаноблар, менга тўғри аён жавоб керак. Мен шуни яхши тушунаманки, бу ерга келиб, ўзим сизни йиғиб ўтирган эканман, тушунтириш беришга бурчлиман (яна кутилмаганда очилиш), аммо, сиз қандай фикрда эканингизни билмагунимча, бир оғиз ҳам бир нарса деёлмайман. Гап-сўзларни четлаб ўтиб айтай – шу чокқача ўттиз йил эзмалик қилдик, яна ўттиз йил эзмалик қилиб ўтирмасак керак, – сиздан шуни сўрайман: ижтимоий романлар ёзиб, яна минг йил олдиндан инсоният тақдирини идорада ўтириб қоғозда ҳал қиладиган, секин давом этадиган йўл афзалми, ҳолбуки, бу орада истибдод қовурилган бурдаларни лақ-лақ ютаверади, улар сизнинг комингизга ўзи учиб келади, сиз эса уларни оғзингиз ёнидан ўтказиб юборасиз,



ёхуд сиз масала тез ҳал бўлишини истайсиз, нима бўлса энди бўлсин, дейсиз, аммо ниҳоят қўлингиз бўшайди ва инсоният кенгликларда ўзи ўз тузумини куради ва энди бу қоғозда эмас, амалда юз беради, ё шуни танлайсизми? “Юз миллион инсон боши”, деб айҳаннос солишяпти, бу ҳали ҳамон мажоз бўлса ажабмас, аммо ундан кўрқиб ўтириш керакми, ахир агар истибдод қоғоздаги орзуларида аста-секинлик билан қандайдир юз йил ичида юз минг эмас, беш юз миллион бошни ютиб юборса-чи? Яна шуни ҳам ҳисобга олиб қўйингки, қоғозда қанча дори ёзиб берманг, тузалмас касал бари бир тузалмайди, аксинча, пайсалга солсангиз, шунчалар чирийдики, бизга ҳам юктиради, барча янги кучларни бузади, ишдан чиқаради, ва биз батамом барбод бўламиз. Ваҳоланки, ҳозир фақат шу янги кучларгагина суяниш мумкин. Мен тўла қўшиламан, эркин ширинсуханлик қилиш одамга жуда ёқади, аммо ҳаракат қилишга келганда, тилимизни тишлаймиз... Мен нима, мен гапиришни билмайман; мен бу ерга билдириш учун келганман, шунинг учун муҳтарам жамоатни овоз беришгина эмас, сизга нима тўғри келишини равшан ва содда қилиб айтишга чақираман. Алалхусус, ботқоқдан тошбақадек ўтамизми ё қушдай қанот чиқариб шитоб билан учиб кетамизми?

– Мен қушдек учиб ўтишга тарафдорман! – хурсанд бўлиб қичқирди гимназия ўқувчиси.

– Мен ҳам, – қўшилди Лямшин.

– Нимани танлашимизга шубҳа йўқ, – ғўлдиради бир офицер, ундан кейин яна биров, кейин учинчиси. Энг муҳими, Верховенскийнинг “билдириши” ва ҳозир сўз айтмоқчи бўлгани ҳаммани ҳайратга солди.

– Жаноблар, кўриб турибман, деярли ҳамма варақалар руҳида фикрлашга мойил, – деди у жамоатга кўз югуртириб.

– Ҳамма, ҳамма, – янгради кўпчиликнинг овози.

– Мен тан олиб айтмай, инсонпарварлик руҳида ечимга тайёрман, – деди майор, – аммо ҳамма бир қарорга келган экан, мен ҳам кўпчилик томонида.

– Демак, сиз ҳам кўпчиликка қўшиласиз, шундайми? – деди Верховенский чўлоқ ўқитувчига қарата.

– Мен ўзи шундай... – бироз бўртинди чўлоқ муаллим, – лекин мен гарчи ҳозир кўпчиликка қўшиларканман, бирдан бир мақсадим ора бузилмасин...

– Мана ҳаммаларингиз шундоқ! Суханбозлик учун ярим йил ётиб баҳслашади, кейин охирида ҳамма билан бирга овоз беради! Жаноблар, бироқ яхши ўйлаб кўринглар, ростдан ҳам, ҳаммаларингиз тайёرمىсиз? (Нимага тайёр? – савол ноаниқ, аммо ғоятда жозибадор).

– Албатта, ҳамма... – деган овозлар эшитилди. Дарвоқе, ҳамма бири-бирига алангларди.

– Балки, кейин ранжиб юрарсиз, тез рози бўлдик деб? Ахир сизда доим шундай бўлиб туради.

Турлича маънода ҳаяжонга тушишди, жуда ҳаяжонланишди. Чўлоқ муаллим Верховенскийга ташланди.

– Сизга бироқ шуни айтиб қўяйки, бундай нарсалар олдиндан шартлашилади. Биз гарчи рози бўлдик, лекин билиб қўйинг, бундай ғалати тарзда қўйилган савол...

– Нимаси ғалати экан?

- Шундай, бу каби саволлар бундай қўйилмайди.
- Майли, ўргатинг унда. Э, биласизми, мен биринчи бўлиб сиз ранжийсиз, деб ўйлаган эдим.
- Сиз биздан жавобимизни суғуриб олдингиз, бизни бир зум ичида ҳаракат қилишга ундадингиз, бундай қилишга нима ҳақингиз бор эди? Бундай савол қўйишга қандай ваколатингиз бор?
- Сиз буни олдинроқ сўрашингиз керак эди! Нега жавоб бердингиз? Рози бўлдингизу бошингизни чангаллаб қолдингиз.
- Асосий саволингизни очиқдан-очиқ енгилтакларча ўртага ташлаганингиздан шундай хулосага келяпманки, сизда ҳеч қандай ваколат ҳам, ҳақ-ҳуқуқ ҳам йўқ, ўзингизча бунга қизиққансиз, холос.
- Нима деяпсиз, нима деяпсиз ўзи? – кичқирди Верховенский худди қаттиқ хавотирлангандай бўлиб.
- Мен айтяпманки, бунақанги аффилиациялар<sup>1</sup> йигирмата одам йиғилган нотаниш жамоат ичида эмас, лоақал яккама-якка туриб қилинади! – шақиллади чўлоқ ўқитувчи. У айтадиганини айтди, аммо жуда тажанг эди. Верховенский устамонлик билан башарасига хавотирга тушгандай тус бериб тезгина йиғилганларга бирма-бир қаради.
- Жаноблар, шуни айтиб қўйишга бурчлиманки, буларнинг ҳаммаси бемаънилик ва гап бошқа ёққа бурилиб кетди. Мен ҳали ҳеч кимни аъзо қилганим йўқ, ҳеч ким мени аъзо қилишга уриняпти деб айтишга ҳақи йўқ, биз ҳар биримиз ўз фикримизни айтдик. Шундайми? Лекин шундайми, шундаймасми, сиз мени жуда хавотирга солиб қуйдингиз, – деб у яна чўлоқ муаллимга бурилди, – мен бу ерда шундай оддий нарсалар хусусида юзма-юз туриб гаплашиш керак, деб сира ўйламовдим. Ёки сиз чакувдан қўрқасизми? Наҳот, бизнинг орамизда ҳозир чақадиган одам бўлса?
- Ҳамма қаттиқ ҳаяжонланди; ҳамма бирдан гапга тушди.
- Жаноблар, агар ундоқ бўлса, – давом этди Верховенский, – мен бошқалардан кўра кўпроқ ўзимни фош қилдим, шунинг учун, агар хоҳласангиз, битта саволга жавоб беришингизни сўраган бўлардим. Аммо тўла ихтиёр сизда.
- Қандай савол? Қандай савол? – чувиллашди ҳаммалари.
- Савол шундайки, ундан сўнг бари равшан бўлади: бирга қоламизми ёки шапкаларимизни олиб, индамай тўрт томонга тарқалиб кетамизми?
- Савол, савол?
- Агар-да, ҳар биримиз тайёрланган сиёсий қотиллик ҳақида билсанг-у, бунинг оқибатлари қанақа бўлишига қарамай, нима бўларкин дея уйда кўл қовуштириб ўтирармиди. Зеро, бунга қарашлар ҳам турли бўлиши мумкин. Бирга бўламизми ё тарқалиб кетамизми, – бу саволга берилган тўғри жавоб шуни равшан кўрсатадики, бирга қолсак, албатта, ҳаёт ҳали узоқ давом этади. Майлими, сиздан биринчи бўлиб сўрасам? – деб у чўлоқ муаллимга ўгирилди.
- Нега мен биринчи бўлиб жавоб беришим керак?
- Чунки ҳаммасини сиз бошладингиз. Марҳамат қилинг, ўзингизни олиб қочманг, чап беришнинг фойдаси йўқ. Аммо, яна ўзингиз биласиз, ихтиёр тўла сизда.
- Кечиринг, бундай савол одамни ранжитади ҳатто.
- Қўйинг бу гапни, аниқроқ айтинг.

<sup>1</sup> Аффилиация – қабул қилиш, бирон тўғарак ё ташкилотга аъзо қилиш.

– Ҳеч қачон махфий полициянинг жосуси бўлган эмасман, – буришиб-тиришиб деди муаллим.

– Марҳамат қилинг, аниқроқ айтинг, вақтни кетказманг.

Чўлоқ муаллим шунчалар жаҳдли чиқдики, чурқ этмади. У индамай, кўзойнак остидан қаҳр-ғазабга тўла кўзларини ўзини қийнаётган одамга тикиб турарди.

– Ҳами, йўқми? Чақармидингиз ёки чақмасмидингиз? – қичқирди Верховенский.

– Албатта, чақмас эдим! – ундан ҳам қаттиқроқ бақирди чўлоқ муаллим.

– Ҳеч ким чақмайди, албатта чақмайди, – деган кўп овозлар эшитилди.

– Сиздан сўрашга ижозат беринг, жаноб майор, чақармидингиз, чақмасмидингиз? – давом этарди Верховенский. – Билиб қўйинг, атай сиздан сўраяпман.

– Чақмайман.

– Хў-ўш, мабодо бирон кимса бошқа бировни, айтайлик, оддий бир одамни ўлдирмоқчи ёки таламоқчи бўлса, сиз буни бориб айтардингиз, огоҳлантирардингиз, тўғрими?

– Албатта, аммо бу оддий фуқаролик иши, сиз эса сиёсий қақувни сўраяпсиз. Мен махфий полиция жосуси бўлган эмасман.

– Ҳеч ким бу ерда бўлмаган, – овозлар эшитилди. – Бекорчи савол. Ҳамманинг жавоби битта. Бу ердагилар қақувчи эмас.

– Нима учун бу жаноб туриб кетяпти? – қичқирди талаба қиз.

– Бу Шатов. Нимага турдингиз, Шатов? – деб қичқирди уй бекаси.

Ҳақиқатан Шатов ўрнидан турганди; у бош кийимини кўлида ушлаб Верховенскийдан кўзини узмасди. Чамаси, унга нимадир демоқчи бўлар, лекин иккиланарди. Унинг башараси тунд ва захар ёғар, аммо ўзини тийди, чурқ этиб оғиз очмай хонадан чиқиб кета бошлади.

– Шатов, бу ахир, ўзингизга яхши эмас-ку! – жумбоқ қилиб қичқирди унинг изидан Верховенский.

– Аммо сен айғоқчи ва палидга яхши! – деб бақирди эшик олдида Шатов ва чиқди-кетди.

Бақир-чақир бўлиб кетди.

– Ана сизга, мисол! – қичқирди бир овоз.

– Яраб қолди! – қичқирди бошқаси.

– Кечикмадими ишқилиб? – деди учинчиси.

– Ким уни таклиф қилди? – Ким кутиб олди? – Ўзи ким? – Шатов дегани ким ўзи? – Чақадими ё чақмайдами? – саволлар ёғиларди.

– Агар чақимчи бўлганда, ўзини билинтирмай ўтираверарди, хозир тупурдию чиқиб кетди, – деди аллаким.

Ана, Ставрогин ҳам туряпти, Ставрогин ҳам саволга жавоб бермади, – қичқирди талаба қиз.

Ставрогин ҳақиқатан, ўрнидан кўзғалди, у билан бирга столнинг нариги четидаги Кириллов ҳам турди.

– Сўрасак бўладими, жаноб Ставрогин, – кескин сўзлади унга қарата уй бекаси, – биз бу ерда ҳаммамиз саволга жавоб бердик, холбуки, сиз индамай кетиб қоляпсиз?

– Сизни қизиқтирган саволга жавоб беришнинг ҳожати йўқ, – тўнғиллади Ставрогин.

– Аммо биз ҳаммамиз фикримизни билдирдик, сиз эса оғиз

очмадингиз, – деб кичкиришди бир неча овоз бараварига.

– Сизнинг фикр билдирганингиз билан нима ишим бор? – кулди Ставрогин, аммо кўзлари ўт сочарди.

– Нега ишингиз бўлмас экан? Бу нимаси? – овозлар янгради. Айримлар стулларидан сакраб туришди.

– Шошманглар, жаноблар, шошманглар, – кичкирарди чўлоқ муаллим, – жаноб Верховенский ҳам саволга жавоб бермади, у фақат савол берди.

Бу сўз йиғилганларга қаттиқ таъсир қилди. Ҳамма бир-бирига қаради. Ставрогин чўлоқ муаллимнинг кўзига қараб туриб, қаттиқ кулди-да, эшикдан чиқди, Кириллов унинг ортидан йўл олди. Верховенский улар орқасидан югуриб даҳлизга борди.

– Мени нима қияпсиз ўзи? – деб бидирлади у Ставрогиннинг қўлидан тутиб, уни кучи борича сиқаркан. Ставрогин индамай қўлини тортиб олди.

– Ҳозир Кирилловникига боринг, мен келаман... Менга зарур, жуда зурур!

– Менга зарурати йўқ, – кесди Ставрогин.

– Ставрогин боради, – нуқта қўйди Кириллов. – Ставрогин, бормасангиз бўлмайди. Ўша ерда кўрасиз.

Улар чиқишди.

*Рус тилидан Иброҳим ҒАФУРОВ  
таржимаси*

*(Давоми бор)*





## “ЕР ЮЗИДА ЖАМИКИ ИНСОН ХУШ ТУШ КЎРСИН!”

XX аср ва XXI аср бошлари рус адабиётининг атоқли вакили Евгений Александрович Евтушенко. У, ўз таъбири билан айтганда, ўтган асрнинг 50-йилларидан адабиёт соҳасида “жиддий ишлай бошлади”. Шоир шахсга сиғиниш мафкурасининг фош этилиши билан боғлиқ дастлабки даврида, ўз замондошининг умумлашма образини яратишга интилди, айни чоғда ўз портретини ҳам намоён қилди. Унинг бир қатор шеърлари – “Бабий Яр” (1961), “Сталин ворислари” (1962), “Есенинга мактуб” (1965), “Танклар юрар Прага бўйлаб” (1968), “Афғон чумолиси” (1983) ва бошқалар фуқаролик жасоратининг намунасига айланиб қолди ва наинки адабий, балки ижтимоий ҳаётда ҳам муҳим ҳодисалар бўлди. Адабиёт ва санъат қадриятларини, ижод эркинлигини, инсон ҳуқуқларини, сиёсий таъқиб остига олинган истеъдодларни мардона ҳимоя қилгани, цензурага барҳам бериш ташаббуси билан чиққани ҳам унинг халқаро миқёсдаги шоирлик обрўсини янада оширди.

У фақат шеърлари ва поэмалари билангина танилган шоир эмас, балки романнавис, мемуарнавис, киноижодкор (сценарийнавис, режиссёр, актёр), драматург, публицист, таржимон сифатида ҳам баракали ижод қилиб келмоқда.

Е.Евтушенко асарлари жаҳоннинг етмишдан кўпроқ тилига таржима қилинган. Унинг шеърлари ва поэмалари асосида бир қанча мусиқий асарлар яратилган. Шоир ўз ватанида ва хорижий давлатларда нуфузли мукофотларга ҳамда фахрий унвонларга лойиқ кўрилган. 1994 йил Қуёш системасидаги кичик сайёрага (бу сайёра 1978 йил 6 майда Қрим астрофизика обсерваториясида кашф этилган эди) Евтушенко номи берилди.

У кейинги ўн йилликларда рус адабиёти тадқиқотчиси, XX аср рус шеърини антологияларининг тузувчиси сифатида ҳам катта ҳурмат қозонди.

Е.Евтушенко шеърлари ўзбек китобхонларига яхши таниш. Қуйида бу толмас ижодкорнинг назм гулшанидан сиз азиз журналхонларимизга бир даста шеърини гул тортиқ этмоқдамиз.

### ТҶЙЛАР

А.МЕЖИРОВГА

*О, уруш вақтин тўйлари!  
Шаҳдида – алдамчи бир завқ,  
дудмал ўйлари-сўйлари,  
“ўлмас...” деб қўяр бешавқ.  
Қишки, қорли йўл; шамол гоҳ  
олд, ортдан урар кўчкiday,  
шошилинич тўй – қўшни қишлоқ  
сари боряпман учғудай.  
Кирарқанман синим сақлаб,  
гала-говур кулбага ман  
ҳамма танир – бордай қашқам:  
раққосман-да донги чиққан.  
Гирдида қариндош, дўст-ёр,  
باشанг кийинган, нақ олов,*

*ўлтирар лол, беихтиёр,  
ҳарбийга чорланган кўёв.  
Ёнида Вера – келин ҳам.  
Уч-тўрт кун ўтар ё ўтмас  
у кулранг шинель кийган дам  
жабҳага йўл олар – кутмас.  
Ўз эмас,*

*ёт элда*

*яктан –  
бўлганча милтиги ила,  
учар у, балки, дафъатан  
немис ўқиға дуч келар.  
Стаканда қайнар бўза,  
сипқоргани изн бермас ҳол.  
Бу, келин-кўёв ўтказар –*

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

85

илк, ҳам сўнгги тун, эҳтимол.  
 Ғамгин тўнар, бирдан нега  
 тилга чиқар дарди қайнаб,  
 ўтирган жойидан, менга –  
 айтар: “Бўл, бир ўйна!”  
 Ҳамманинг кайфи тарқади,  
 ҳамма менга боқди, қаранг.  
 Чарх урдим, йўқ шаҳдим ҳадди,  
 нагалларим сочди жаранг.  
 Ларза солиб,

от сураман,  
 шамолдан ўзиб ўтгудай,  
 ҳуштак чалиб,

қарс ураман,  
 учаман шифтга етгудай.

Шиор

Гитлерга гўр қазиб,  
 деворда қанотин қоқар,  
 келиннинг кўзидан

сизиб,  
 қайноқ ёш

томчилаб  
 оқар.

Бас, озгимда айланмас тил,  
 чиқмоқда нафасим зўрга...  
 “Ўйна!...” –

қичқиришар

якдил,  
 қайтадан рақс-отим йўрга...  
 Товоним ёғочдай – сезмас,  
 қайтиб,

уйга кирмасимдан  
 янги тўйга чорлаб

бир маст

кириб келади изимдан.  
 Онамдан сўраб амаллаб,  
 мен яна тўйда ҳозирман,  
 мен яна шавққа ўт қалаб,  
 қулочимни кенг ёзарман.

Келин аччиқ йиглар... ёш  
 – чўғ...

Дўстлар ёш тўкар, тортар  
 оҳ.

Даҳшат босар.

Ўйнагим йўқ,

ўйнамай

илож йўқ,

бироқ.

\* \* \*

## М.БЕРНЕСГА

Руслар уруш истарми ҳеч?  
 Шудгору дала узра зич –  
 суқунатдан сўранг бир дам,  
 оққайину теракдан ҳам.  
 Сўранг оққайин остида  
 ётган аскарлардан, фидо –  
 ўзиллари дер серукинч:  
 руслар уруш истарми ҳеч?  
 Аскарлар ўша урушда  
 юрт учун тоғдек туришда  
 ер юзида жами инсон  
 хуш туш кўрсин деб берди жон.  
 Барглар, афишалар – хўб кўрк,  
 ўхлайсиз, Париж ва Нью-Йўрк.  
 Тушингиз йўйсин эрта-кеч:  
 руслар уруш истарми ҳеч?  
 Ҳа, урушга қурбимиз бор,  
 лек кўзимиз қиймас, такрор  
 аскарлар худди бир яшин  
 ғамгин ер узра қулашин.  
 Оналардан сўранг сизлар,  
 Хотинимдан сўрангизлар,  
 шунда англрсиз пешма-пеш  
 руслар уруш истарми ҳеч.

1961

## ОИЛА

Ўша, ўзинг севганинг  
 сендан зада, боши хам,  
 Сенга, ёвга боққандай,  
 тикар қўрқувли кўзин:  
 тун бўйи итлик қилиб,  
 наҳс босиб қайтганинг дам –  
 сени кафтда кўтарган  
 ўз уйинг булгаб ўзинг.  
 Шунчалик тарқаларки  
 бутун уйга сендан бад  
 кароватнинг тагида  
 кучугинг писиб ётар.  
 “Ачом” деб чопмас тонгда  
 ўглинг шодланиб беҳад,  
 кўзида бор хавотир,  
 сени кўрса, тек қотар.  
 Гўёки, ўз оиланг  
 жабрига бериб барҳам,  
 ниятингга эришдинг –  
 ўзни қилдинг ихота.  
 Оилани қарамлик  
 деб ўйлаган у қарам –  
 ўша эр, ўша ота –  
 энди на эр, на ота.  
 Даҳшатли. Ёқимли ҳам...  
 ўзни бахтсиз деб санаши.  
 Ўз айбинг оқлайсан сен –  
 ёнар ўтга томар ёг.  
 “Мен – бахтсиз, тушунмас ҳеч...” –  
 кимга керак бу саннаши,  
 жилла қурса,  
 сен ўзинг  
 ўз хотининг англаб боқ.  
 Уят: айб тўнкаб оқланиш,  
 кўзи мўлтираб турганни яниш  
 унинг бир бор берилган  
 умрин ўғирлаб бир қур.  
 Тавба – қулай бир имкон,  
 “Тавба қилди – пок бу жон” –  
 оқланиб олдинг – яна  
 қайтадан балчиқ кеч, тур.  
 Сен буюк, тенги йўқсан  
 ўглинг наздида ҳали  
 кўзидаги мовийлик  
 тоза, меҳр, ҳавасдир,  
 эркинг сари шошилиб,  
 очиб – ёпган маҳалинг,  
 фалокат босиб, бошин  
 эшик эзмаса – басдир.  
 Қўлла,  
 ижод гултожи –  
 оилани,  
 эй эгам.

Болалар бошчаларин  
   хаққидир  
   хаёт эса.  
 Асли бир –  
                                   оиладир  
   инсоният ўзи ҳам,  
 Бола, Она, Ота – бу  
                                   Ердаги уч илоҳа.  
 Кўй бу алаҳлашга чек  
 сезилмасдан нафрат, кек,  
 сенга ўз хотининг-у  
                                   қарагай сасида, бил,  
 ойнадан ташиларкан кўз  
 барглар оралаб юлдуз –  
 ҳали сендан жирканмай,  
                                   гўё раҳмдил сингил.

1972

\* \* \*

Бемазмунлик – қўрқоқлик.  
   Бардош –  
 этолмаслик давр юкига.  
 Огир келса ҳамки елкадош  
 ва бир юкка бўлайин эга.  
 Бемазмунлик – ўта тўқлик.  
   Ор –  
 биров дардин ширин қилсанг гар.  
 Туздан ёмон, додлаган бемор  
                                   ярасига сепилган шакар.

1973

\* \* \*

Хавфли иш – бадиҳа қилиб шеър айтмоқ, –  
 қаранг, шоир, уялиб қолманг! –  
 лекин ундан, кўзни ўйнатганча гоҳ,  
 ёмби фикр қалқир айлаб ҳангу манг.  
 Алаҳсирагандек айтилган сўзга  
 ақллилик йўнган фикр дош бермас пича –  
 неча тун-кун туриб, тўр солиб музга,  
 ачқимтир таъм олган карам шўрвача.  
 Бичиқчидай бичмас у айтар сўзин,  
 аввалдан шарт қўймас: бу – энг, бу – яқо,  
 тин олмай, унутиб тамоман ўзин  
 саннаганларида балқади бақо...

1977

\* \* \*

Шакл – бу ҳам мазмун азалий.  
 Алангали – шакли оловнинг.  
 Безовта кишнамоқ амалий  
 мукамал шаклида бедовнинг.



Бўккан булут ичра қўргошин  
тусли жала тўлаю беун  
ва, шаклида инсон кўз ёшин  
яширилган тилсим бир мазмун!

1978

## ИРСИЯТ

Самбиттол шохини  
аста силадим.

Аждод-у жадимиз,  
энг олис жадим –  
суяк суриб келар унда – дил айтар.  
Энди улар ерда тирилар қайта.  
Қанча дарахт бўлса, –  
ўрни ўнг ё чап, –

ўз читтакларимиз –  
шохлари бўйлаб,  
пўстининг остида –  
этруск, осурий.  
Ҳар бири шажара дарахти эрур.  
Бутун тана ичра оққан шарбатда  
аралаш бари –  
қул, фиръавн, – албатта.

Сувдаги дарахтга  
қўл тегизсанг гар  
пўпанак остидан  
сўйлар варяглар.  
Сесканди партизан аёл сиртмоқда,  
юм-юм йиглаётган  
оққайин  
дордан –

у ичра, фашистдан беркиниб олган  
Морозова хоним додлаган чоқда.  
Самбиттол шохини  
аста силадим.

Мен ҳам бир  
шажара дарахти, дедим.  
Ирсиятимизга ва  
ўзимизга  
боқсак,  
кўпик –  
ҳаёт бошидир бизга.

Сувдан қуруқликка чиққач ўрмалаб,  
юзгич, ойқулоқни, –  
бўлди не талаб, –  
инсоний кўнгилга алмаштирдик биз,  
дебми:  
“Ўт сеҳридан ёнгин ясаймиз”?!  
Тўрт оёқни қўйиб, тик тургач,  
дангал –  
жаҳд этдикми:  
“Пулга тўлдирай чангал”?  
Бармогимдан қон чиқса,

уни тиг яралаб сал,  
 қонга қўшилиб кетар мендаги неандертал,  
 махфий ирсиятда яшириб, шивирлар у:  
 “Афзалроқ бўлмасмиди кўтиқда қолсак мангу?”  
 Маданиятлар – торт-орт. Ўзгариб кетди олам.  
 Неандерталлик бизга юққан эди қайдан ҳам?  
 Каптар боласи эмас, қотил қўлида асли  
 кўринган неандертал тўқмоқли ракетаси.  
 Пай томиримдан келган скиф сасин илгайман мен:  
 “Мен-ку кўчманчи эдим. Лекин шаҳарликсан сен.  
 Табиатга эмас, йўқ, келтирдим ёвга қирон,  
 шаҳар заҳар оқизар сувга,  
 Кимдир қаттол нейтронни тўхтамай бир он.  
 варварлик – шу!.. қайнатар.  
 Ким мени варвар атар?”  
 Самбиттолнинг шоҳини аста силаб – сийпадим,  
 бу кўнгил хуш бўлмади. Яна тирриқдир таъбим.  
 Неандерталнинг урар тўқмогин олиб,  
 тун оққач, йўл соламан ёрим сари  
 сурғалиб.  
 Силқиган қон ҳўл қилган кепкамни ечар ўзи,  
 эшик олдида ўпиб, қаршилар, боқ бу сирга:  
 Ярославна, Саския  
 унинг лаби-ю кўзи,  
 меҳри-ла мени суйиб, ўпар у билан бирга.  
 Наҳот, малъун бомба шу – ҳаёт гулим сўлдирар –  
 ундаги  
 Беатриче,  
 Лаурани ўлдирар!  
 Ва мендаги пушкиний ёлқин кўрмайин камол –  
 у – бўлажак даҳшатли урушда топар завол?  
 Шунда барча дарахтлар –  
 ўнгдагиси ё чапи, –  
 шажара дарахт каби,

ёниб кул бўладими  
 Узимизда жамулжам  
 улар билан бирликда  
 Биз қайсидир келгуси  
 махфий сир-сабоқларни  
 О, инсон, ирсият ҳам –  
 қонинг-ла бирга, буткул  
 милёнлаб пайгамбарлар –  
 ерга буткул сингувчи машъум лаҳзани кутма!  
 Ва лекин ер ҳам бўлмас у касофат маҳали...

чиққанча жизганаги?  
 ирсиятни тинглаб биз,  
 қоқилиб,  
 судраламиз.  
 пайгамбарлардан,  
 жуда –  
 кутаяпмиз беҳуда.  
 жароҳатлар орқали –  
 сизиб чиқар унутма,  
 маълум бўлмайин ҳали,  
 кутма!

1981

## ОКУДЖАВАНИНГ ДАФН МАРОСИМИ

Не кўйга солса ҳам бу ҳаёт мани,  
 ёдловчиларданман  
 Семиз даврон айши баҳридан ўтиб,  
 ўзини симдорчи бир қиздай тутиб,  
 ориққина виждон  
 олтмишинчиларга тўлибди Арбат.  
 Пионерлагерчи биз. Ўша, ҳа, биз

Крим Колимасининг қочқинларимиз,  
 унда,  
 чўкичлаб, мажруҳлар ясаган Артек.  
 Биз  
 Павлик-нусхалар  
 “бўлтайёрчилик” ҳам қилганимиз йўқ,  
 биз – у гулханларда ёнмаган асл.  
 Биз –  
 юзда ажинимиз, жарлардай, бари  
 Прагадаги, бизнинг танклар излари.

Ва, етмишинчилар – изма-из, улар  
 қамоқда қолмади қўнгироққача,  
 диссидентлик умид берган чоққача –  
 на диссидентлик бор,  
 на бор орзулар.

Амал олмогида ёрлашганга, сўнг,  
ҳар бир янги даврон боқавермас ўнг.

Аммо учиб борди лагерларга ҳам,  
бериб далда,  
бўлиб туш аро ҳамдам,  
у, оддий чилвирча боғланган гитар,  
у, торларин қиров қоплаган гитар  
қўшиғига дил зор – хумор маҳалда.

Саксонинчилар келар.

Чамаси,  
ЭХМ жинниси улар ҳаммаси,  
чунки бошқа не бор билгани азиз,  
бироқ худди ўша ориққина қиз,  
уларни тарк этмай, гўё аммаси,  
Булат торларида титраркан ордай,  
негадир ишонар, лек айби бордай,  
ҳис қилар – ўйлар, шу, улкан мамлакат  
бир ўзининг улкан гуноҳи фақат.

Келишар

на лирик

ва на-да физик –  
пайдо бўлган улар анча вақт аввал,  
оҳанжама либос кийган-у танбал,  
алламбало даъво қилгани қизик.

Тўқсонинчилар-ку –

йўқдайин.

Зада.

Айниган.

Қилмайди ҳеч кимни писанд.  
Энсасин қотирар дафн маросими.  
Улар ичра камёб  
шеърга ихлосманд,  
дуч келиб қолгандек  
дискотекада  
бўтакўз тишлаган ёввойи кийик.  
Ҳаммага баравар – ялпи озодлик  
рўёбга чиқмогин сабабчилари  
дафн маросимига келмаслик – шарти –  
ёшларга урф: янги, шу, қалп озодлик.  
Беҳурматлик деган озодлик тотти  
дўнди қадрсизлик савдоларига,  
дафн маросимин билмасликка эп.  
Сўнги йўл... кузатмоқ – шараф навбати  
наҳотки,  
ярашмас –  
эх, келиб-келиб –  
бизнинг авлодимиз  
сурх новдаларига?

Авлод бой берилган вақтлари гоҳо  
кутмаганда пайдо бўлади даҳо.

Чўчқа боласининг думидай қизгиш,  
увоқ-тўқсонинчи, гўё қуш мизгиш –  
тепада, жим – кўзи очилган катта,  
юзминглик жамоа ва хоргин аср,  
буви-олтмишинчи меҳрига асир –  
Лицейга боққандек, боқар Арбатга.


Йўқ, давлатнинг тилсиз гимнини эмас,  
у неварасига аста, хушнафас,  
куйлар Окуджава қўшиқларини.  
Афсонавий гитар торларин қучиб,  
ҳанги поп-дод-войлар устидан учиб,  
ўзи топиб келди умид-қиз уни.

Рўй-рост аён қилди не аччиқ сабоқ:  
пайгамбарлар бор ўз юртингда ҳар чоқ,  
тўғри, баъзан – мумкин – бўлар кечикиш,  
биноқ йўқ шаҳдлари етмас мушкул иш.  
Россияга қандоқ ишонмай, ахир,  
унда таҳқирланган бидъатлар охир  
мумтозлик мақомин олса беянглиш?

Авлодлар, – ризқини не завол қисса, –  
бошқа авлодлардан олади ҳисса,  
шеъринг боқий, Россия, сенинг.  
Тўқсонинчилардан ичим чиқмаса,  
тўқсонларинг – ишончим менинг!

1997

Рус тилидан  
Муҳаммадали ҚўШИМОҚОВ  
таржимаси





## Наумэ СОСЭКИ

### ҚАЛБ

Роман<sup>1</sup>

XXIII

Хонамнинг ёнида қабулхонага ўхшаш тўрт бўйра келадиган яна бир хона бор эди. У жуда ноқулай эди, чунки дахлиздан менинг хонамга кириш учун шу хонадан ўтиш керак эди. К. ни шу ерга жойлаштирдим. Аввалига уни ўзим билан ўша саккиз бўйрालи хонага жойлаштирмоқчи бўлгандим, лекин унинг ўзи шу хонани танлади, тор бўлса ҳам ёлғиз туришимга қулай, деди. Сизга айтганимдек, бекач аввалига унга жой беришимга қарши эди. Унинг наздича, бу ер пансион ёки меҳмонхона бўлиб, мақсадим тижорат қилиш бўлганида эди, албатта, биттадан кўра иккита, иккитадан кўра учта мижоз яхшироқ бўларди. Лекин ундай мақсадим бўлмагани сабаб ўзимни тийганим маъқул. Ўртоғимга кўп нарса керакмаслигини важ қилиб кўрсатсам ҳам, у оиласига феъл-атвори номаълум кишини киритишга қарши эди. Мен унга, менга жой берганингизда бундай қилмагандингиз-ку, – дедим хафа бўлиб. Лекин у, сени бир кўришдаёқ қандай одамлигингни тушунганман, деб туриб олди. Мен кинояли кулиб қўйдим. Бу ерга янги одамни олиш сенинг ўзинг учун яхши эмас, деб важ келтира бошлади у. Бунинг сабабини сўраганимда, у жилмайиб қўйди. Сирасини айтганда, К. ни ўз хонамга жойлаштириш менга ҳам зарур эмасди. Мен унга ҳар ой тўғридан-тўғри пул берсам, у олмайди, деб ўйлагандим. Бу борада у жуда мағрур. Шунинг учун уни ўз хонамга жойлаштириб, ундан яширинча ижара пулини иккаламиз учун тўлаб юраман, деган фикрда эдим. Аммо К. нинг моддий аҳволи тўғрисида бекачга бирор нарса дейишни истамасдим. Мен бекач билан К нинг саломатлиги тўғрисида сўзлашдим. Уни ёлғиз қолдирсам аҳволи ёмонлашади, дедим. Бунга қўшимча қилиб унинг тутинган оиласи билан муносабати ёмонлигини, ўз оиласи билан муносабати бутунлай узилганини, уни ёқтирганим учун ўз хонамдан жой бераётганимни айтдим. Шу мақсадда мен бекач ва унинг қизидан ҳам унга илиқ муносабатда бўлишларини илтимос қилдим. Ниҳоят, мен бекачни кўндирдим. К. нинг ўзи буларнинг барчасидан беҳабар эди. Шундай қилсам яхши бўлади деб ҳисобладим ва кўчиб келганида уни ҳеч нарса бўлмагандек қарши олдим.

Бекач ва қизи унинг нарсаларини саришталаб жойлаштиришди. Менинг ҳурматим учун шундай қилишаётганини билардим ва К. илгаригидек қовоғи солиқ бўлганига қарамай, ичимда хурсанд эдим. К. дан, янги жойда аҳволинг қалай деб сўраганимда, у “бўлади” деб жавоб қайтарди. Шу кунгача яшаб келган уйининг деразаси шимолга қараган бўлиб, ундан моғор ҳиди келарди. Ейдиган овқати ҳам хонасига монанд эди. Менинг уйимга кўчиб келиши – қоронғу ўрадан баланд дарахтга чиқиб олишдек гап эди. Буни ҳеч кимга айтмагани қисман ўжарлигидан, қисман – тарбиясидан.

<sup>1</sup> Давоми. Боши ўтган сонда. Журнал варианты.

У Будда дини эътикодида тарбияланган, овқат, кийим-кечак ва яшаш ша-роитидаги ҳар қандай ҳашаматни салкам гуноҳ деб ҳисобларди. Қадимги Будда издошлари ёки насроний авлиёларининг ҳаёти тўғрисида кўплаб китоблар ўқиган, энди жисми руҳдан ажратиш илмини амалда синай бошлаган эди. Мен имкон қадар унга қарши чиқмасликка қарор қилдим. Бу муз эриб, илик сувга айланиши билан К. нинг ўзи нима қилаётганини англайди, деб ўйлар эдим.

## XXIV

Мен бекачнинг бундай муносабатини сезгандим ва оқибатда руҳий ҳолатим яхшиланганди. Худди шу усулни ўртоғимда ҳам қўлламоқчи бўлдим. К. нинг феъли меникидан кескин фарқ қилишини илгарироқ би-либ олгандим, лекин бу ерга кўчиб келганимдан сўнг менинг асабларим тинчлангани каби, уни ҳам кўчириб келсам, кўнгли озми-кўпми таскин топармикан, деб умид қилгандим.

К. менга қараганда саботлироқ эди. Мендан икки баробар кўпроқ машқ қиларди ҳам. Бундан ташқари, у мендан кўра қобилиятлироқ ҳам чиқди. Урта мактабда ҳам, Олий мактабда ҳам К. мендан олдинда эди ва у билан ҳеч нимада тенглаша олмайман, деган фикрга келгандим. Аммо уни деярли мажбурлаб уйимга олиб келгач, нарсаларнинг моҳиятини ундан кўра дурустроқ тушунишимга амин бўлдим. Назаримда, у сабр-тоқат ва мато-нат ўртасидаги фарқни тушунмайдигандек эди. Буни сиз ҳам эсда тутинг. Инсон танаси каби, руҳи ва барча қобилиятлари ташқи кучлар таъсирида ривожланади ва емирилади. Бундан ташқари, кучлар тобора кўпайиб бориши зарур; аммо ўйламай қадам босилса, нотўғри йўлга кириб кетиш хавфи туғилади, буни нафақат одамнинг ўзи, балки бошқалар ҳам сезмай қолади. Шифокорлар, инсон меъдасидан ҳам ўликроқ нарса йўқ, дейдилар. Унга муттасил бўтқа бериб борилса, кейинчалик қаттиқроқ овқатни ҳазм қилиш қобилиятини йўқотади. Шунинг учун ҳам унга турли овқатлар бериб, машқ қилдириб туришни тавсия қиладилар. Аммо бу – меъда ҳар нарсага кўникади дегани эмас: ташқи таъсир кучи ортиб бориши билан озука таъсирига қаршилиги ҳам ортиб боради. Меъда кучи сусайиб қолса, нима бўлишини бир тасаввур қилинг-а. К. мендан анча баланд эди, аммо бунга сира эътибор бермасди. Агар киши ўзини кулфатларга кўниктирса, бора-бора уларни назар-писанд қилмай қолади, деб ишонарди. Ҳар доим изтироблар ичида юраверсанг охири улар безовта қилмай кўяди.

К. билан ҳар суҳбатлашганимда унга шуни тушунтиргим келарди. Лекин у ҳар доим қарши чиқардим. Билардим, у яна тарихий шахслар ҳаётидан мисоллар келтира бошлайди ва унга улар билан орамизда катта фарқ борлигини исботлаб беришим керак бўлади. Бундай ҳолларда у кўркинчли бўлиб кетарди. У жон-жаҳди билан илгари одимларди. Унинг феълини билганим учун сукут сақлашдан бошқа иложим қолмасди. Бундан ташқари, менинг ўйлашимча, боя айтганимдек, унинг асаблари жой-ида эмасди. Уни ишонтирган тақдиримда ҳам, у барибир ҳаяжонланган бўларди. У билан баҳслашишдан кўркмасдим, аммо ёлғизлик нимали-гини билганим учун, ўз дўстимни бундай аҳволга солгим келмасди. Шу боис у меникига кўчиб ўтганидан кейин бир қанча вақтгача уни безовта қилмадим. Фақат унга атрофдаги олам ва осуда муҳит қандай таъсир кўрсатаётганини кузатиб бордим.

## XXV

Аста-секин мен К. дан яширинча бекач ва қизидан иложи борича у билан кўпроқ суҳбатлашишларини сўрадим. Гап шундаки, ичимдагини топлиги унга теккан қарғиш эканига ишончим комил эди. Назаримда,

ишлатилмай кўйган темирни занг босгани каби, унинг қалби ҳам хира тортиб қолгандай эди.

Бекач кулиб, у билан қандай муомала қилишни билмаётганини айтди. Қизи эса буни тасдиқлаб, мисол келтирди. Қиз бир куни ундан сўрабди:

- Ҳибати да кўмирингиз борми?
- Йўқ, – жавоб берибди К.
- Олиб келайми? – давом этибди қиз.
- Керакмас, – рад этибди К.
- Наҳотки совқотмаётган бўлсангиз?
- Совук, лекин кўмир керакмас.

Шу билан гап тугабди. Мен буни эшитиб, маънос илжайиб кўйдим.

Бу ҳол баҳорда содир бўлган, ҳибатида исинишга ҳақиқатдан ҳам зарурат йўқ эди, лекин уларнинг К. билан муомала қилиши қийинлиги тўғрисидаги сўзларида жон бор эди.

Кейинчалик мен имкон қадар иккала аёл ва К. ни ўз атрофимда бирлаштиришга ҳаракат қила бошладим. Гоҳ у билан суҳбат қуриб ўтирганимизда она-болани хонамга таклиф қилардим, гоҳ К. ни бекалар билан йиғиладиган хонага судраб борардим: барча ҳолларда уларни нима қилиб бўлса ҳам яқинлаштиришга ҳаракат қилардим. Албатта К. буларни ёқтирмасди. У бирдан туриб хонадан чиқиб кетган, қанча чақирмай, келмасди.

– Бу бемаъни сафсатанинг нимаси қизиқ? – деб сўради у мендан бир кун. Мен кулиб юбордим, аммо дилимда К. мени ёмон кўраётганини англадим. Маълум маънода у мени ёмон кўришга ҳақли ҳам. Унинг нигоҳи олийроқ нарсаларга қаратилган эди. Буни инкор этмайман. Бу нигоҳлар қанчалик олий нарсаларга қаратилган бўлмасин, қолган нарсалар бу билан мувофиқлашмаса, бамисоли кўл-оёқсиз одам бўлади-қолади. Муҳими уни комил инсон даражасига кўтариш керак, деб ҳисоблар эдим. Унинг мияси буюк инсонлар қиёфалари билан қанчалик тўлиб-тошиб кетган бўлмасин, ўзи уларга яқин бориш у ёқда турсин, бит ўлдириш ҳам қўлидан келмас эди. Уни комил инсон даражасига кўтариш учун унинг айниган қонини аёл кишидан тараладиган тароват таъсирида тозалашга уриндим.

Аста-секин бу уринишларим наф келтира бошлади. Дастлаб кўшилиши мураккабдек туюлган унсурлар аста-секин қовушишга киритди. У ўзидан ташқарида ҳам олам мавжудлигини тушуна бошлади. Бир марта ҳатто менга мурожаат қилиб, аёллар унчалик нафратга сазовор эмас экан, деди. Илгари К., аёллар ҳам биз эркаклар билан тенг даражада маълумотли бўлсалар экан деб, талаб қилар, бу ҳислатларни топа олмагач, уларга нафрати кела бошларди. Шу вақтга қадар у барча аёл ва эркакларга бир хил нигоҳ билан қарар ва жинсга қараб ҳолат ҳам ўзгаришини билмасди. Мен унга, агар биз бир умр фақат бир-биримиз билан алоқа қилганимизда эди, фақат бир тўғри чизик бўйлаб ҳаракатланган бўлардик, дер эдим. У буни маъқулларди. Бу мен маълум даражада бекачнинг қизига қизиқиб қолган кезларимда содир бўлганди, шунинг учун бу сўзлар оғзимдан ўз-ўзидан чиқиб кетганди. Аммо бунинг туб мазмуни ҳақида чурқ этмадим.

К. нинг қалби аста-секин “эриётганини” кузатиш мен учун ҳаммасидан ҳам қувончли эди. Мен аввал-бошданок шу мақсадда ишга киришган эдим ва муваффақиятимдан қувонмай туrolмасдим. Унинг ўзига бу ҳақда ҳеч нарса демай, фикрларимни бекач ва қизига баён қилдим. Улар ҳам мамнун бўлгандек эдилар.

## XXVI

Биз К. билан бир факультетда ўқир эдик, лекин мутахассислигимиз бошқа-бошқа эди. Шунинг учун уйдан ҳар хил вақтда кетиб, ҳар хил

<sup>1</sup> Ҳибати – печка.



вакгда қайтар эдик. Мен ундан илгарирок қайтган вақтимда ўз хонамга унинг бўш хонаси орқали ўтардим; ундан кейин қайтган вақтимда у билан саломлашиб ўтардим. Доим эшикни очганимда кўзини китобдан узиб, менга қарарди. Шунда, албатта:

– Э-ха, бу сенми? – дер эди.

Мен эса ҳеч нарса демасдим, “ха, мен” деб хонамга ўтиб кетардим. Бир куни Кандада ишим чиқиб қолиб, уйга одатдагидан кечроқ қайтдим. Тез-тез одимлаб уйнинг ташқари эшигини шарақлатиб очдим. Шу топ қизнинг овози эшитилди. Бу овоз К. нинг хонасидан келганини аниқ эшитдим. Хоналар шундай жойлашган эдики, ўрта хонадан кейин қизнинг хонаси келарди, чапда эса К. нинг хонаси ва ундан кейин менинг хонам жойлашганди. Бу ерда анчадан бери яшаётганим сабабли овоз қаердан келаётганини аниқлашим осон эди. Мен дарҳол ташқари эшикни ёпдим. Қизнинг овози ҳам таққа ўчди. Мен ботинкамни ечгунимча – ўша вақтларда боғичли европача ботинка кийиб юрардим, – ипларини эгилиб ечиб бўлгунимча ҳеч кимнинг овози эшитилмади. Менга бу ғалати туюлди. Лекин одатдагича К. нинг хонасидан ўтиб кетишга шайланиб сурилма эшикни очганимда, улар иккаласи ҳам шу ерда эканини кўрдим. К. одатдагидек:

– Э-ха, бу сенми? – деди.

Қиз ҳам ўрнидан турмай мен билан сўрашди. Бу менинг кайфиятимга таъсир қилдими, ҳар ҳолда уларнинг қисқача сўрашишлари менга эриш туюлди. Мен хонимга мурожаат қилдим:

– Ойингиз қаерда?

Саволимда ҳеч қандай тағмаъно йўқ эди. Уй одатдагидан жимжитроқ бўлгани учун бемалол сўрагандим. Бекач уйда йўқ, хизматкор аёл билан бир ёққа кетган экан. Натижада бутун бошли уйда К. билан бекачнинг қизи қолган экан. Мен ўйланиб қолдим: бу уйда анчадан бери яшайман. Лекин бекач мени ҳеч қизи билан ёлғиз қолдирмаган. Мен яна хонимдан сўрадим:

– Бирор муҳим ишлар чиқиб қолдими?

У жавоб бериш ўрнига кулиб юборди. Бўлар-бўлмасга кулаверадиган аёлларни ёқтирмас эдим. Бу одат балки барча ёш қизларга хосдир, буёғини билмайман, аммо бекачнинг қизи кўпинча бекордан-бекорга кулаверарди. Аммо менинг юзимни кўриб, у ҳам жиддий тус олди ва деди:

– Йўқ, арзигулик ҳеч нарса эмас, шундай, бир юмуш билан кетди.

Ижарачи сифатида бундан ортиқ гап сўрашга ҳақким йўқ эди. Бинобарин, индамай қўяқолдим. Кийимимни алмаштиришга улгурмасимдан, хизматкор аёл билан бекач қайтиб келишди. Кечки овқатга тўпланадиган вақт ҳам бўлди. Мен уларникига кўчиб келган кезларимда менга бегонадек муомала қилишарди: овқатни хизматкор аёл хонамга олиб кирарди. Лекин вақт ўтиб мени ўзлари билан овқатлангани таклиф қиладиган бўлдилар. К. бизникига кўчиб келганда, менинг илтимосим билан унга ҳам мен каби муомала қила бошладилар. Бунга миннатдорчилик сифатида мен бекачга оёқлари йиғиладиган, юпқа тахталардан ясалган хонтахтача совға қилдим. Ҳозир бундай хонтахтачаларни ҳар бир уйда учратиш мумкин, лекин у вақтларда бутун оила бир дастурхон атрофида жам бўлиб овқатланмасди. Мен Тяноидзу кўприги ёнидаги ёғоч жиҳозлар дўконига атайин бориб, ўз дидимга мослаб хонтахтача буюрттирдим. Уйда ўтириб, мен бекачдан бугун озик-овқат харид қилиш учун шаҳарга ўзи бориши кераклигини эшитдим, чунки балиқчи бугун ўз вақтида келмаган эди. Бу – уйда ижарачилари бўлган бекач учун табиий ҳол, деб ўйладим.

## XXVI

Орадан бир ҳафтача ўтди, мен яна К. билан қиз ўтирган хонадан ўтишимга тўғри келди. Қиз менга кўзи тушиши билан яна кулиб юборди. Мен, бунинг нимаси кулгили экан, деб сўрашим керак эди, аммо индамай

хонамга ўтиб кетдим. Бу орада К. ҳам ҳар галгидек “Э-ҳа, бу сенми?” демади, хоним шу заҳоти тўсиқни суриб, ўрта хонага ўтиб кетди.

Кечки овқат вақтида у мени “ғалати одам”, деб атади. Бу сафар ҳам менинг ғалатилигим нимадан иборат, деб сўрамадим. Мен фақат онаси қизига ўқрайиб қараб кўйганини кўриб қолдим.

Кечки овқатдан сўнг мен К. билан сайр қилгани кетдим. Биз бутун ботаника боғини айланиб, Томидзака қиялигига чиқдик. Сайр учун бу анчагина узоқ йўл эди, шунга қарамай, биз жуда кам гаплашардик. К. менга нисбатан камгапроқ эди. Мен ўзим ҳам сергаплардан эмасдим. Шунга қарамай, сайр давомида иложи борича уни суҳбатга тортишга ҳаракат қилдим. Менинг саволларим асосан биз яшаётган оилага тегишли эди. Мен унинг бекач ва қизига бўлган муносабатини билишни иштардим. Аммо К. мужмал жавоб берди. Жавоблари ноаниқ бўлиши баробарида жуда қисқа ҳам эди. Унинг диққатини гўё бу икки аёл эмас, ўқув қуроллари тортаётгандек эди. Бу воқеа иккинчи курс имтиҳонлари арафасида содир бўлиб, у ҳақиқий талаба бўлиб кўринишга уринар эди. Бундан ташқари, Сведенборг тўғрисида ҳеч нарса билмайдиган мендай одамга у тўғрида гапириб бериб, мени ҳайратга соларди.

Биз имтиҳонларни муваффақият билан топшириб бўлганимиздан кейин, бекач, ўқишимизнинг атиги бир йили қолди деб, хурсанд бўлди. Яқин орада қизи ҳам ўқув курсини тамомлаши керак бўлиб, бу унинг ягона фахри эди. К. менга, қизлар мактабни тугатса ҳам ҳеч нарсани билишмайди, деган эди. У чамаси қиз бола мактабдан ташқари бичиштиқиш, мусиқа чалиш, гулларни парваришлашни ҳам ўрганишини ҳисобга олмас эди. Мен унинг соддалигидан қулдим-да, аёлнинг қиймати бунда эмаслиги тўғрисидаги ҳақиқатни яна бир бор эслатиб қўйдим. У менга эътироз билдирмади. Лекин фикримга қўшилмади ҳам, назаримда. Менга бу маъқул бўлди. Унинг гап оҳангида илгаригидек аёлларга нисбатан нафрат бор эди. У чамаси аёлларни – мен назарда тутган қизни бир чакага ҳам олмасди. Ҳозир шуларни эсласам, унда аёлларга нисбатан рашк қанчалар илдиэ отиб кетганини кўраман.

Ёзги таътиллер бошланди, у билан бирор ёққа дам олгани борсакмикан, деб кўнглига қўл солиб кўрдим. У менга ҳеч қаерга боришни истамаслигини айтди. Албатта, у ҳозирги маблағига ҳеч қаерга бора олмасди, лекин истаган жойига боришга ҳеч нарса тўскинлик қилмасди, чунки мен уни ўзим бирга олиб кетмоқчи эдим. Мен ундан нима сабабдан истамаслигини сўрадим, у ҳеч қандай сабаб йўқлигини, шунчаки уйда қолиб, китоб мутолаа қилиш маъқулроқ эканини айтди. Аммо иссиқ кунда бирор далаҳовлидами, салқиндами ишлаш соғлиқ учун фойдали деганимда, у менга ёлғиз кетаверишни маслаҳат берди. Бироқ уни уйда ёлғиз ташлаб ҳам кетолмасдим. Менга ҳатто К. ва уй эгаларининг ўзаро яқинлашиб бораётганини кўриш ҳам ёқмасди. Барчаси илгари ўзим режа қилгандек бораётгани ҳам бора-бора ғашимга тега бошлади. Албатта, менинг бу фикрим ғирт аҳмоқона эди. Охири натижасиз баҳсларимизга бекач аралашгач, биз бирга Босюга боришга қарор қилдик.

## XXVIII

К. нинг бошидан ҳали унчалик кўп воқеа кечмаган эди. Мен ҳам Босюда биринчи марта бўлишим эди. Бу жойлар тўғрисида ҳеч нарса билмай, йўл охирида кемадан тушдик. Чамаси, бу Хота қишлоғи эди. Ҳозир у ерлар ўзгарганми-йўқми, билмайман, аммо ўша кезларда бу ҳақиқий балиқчилар қишлоғи эди. Авваламбор ҳамма ёқда балиқ иси анкиб турарди. Қолаверса, денгизга киришинг билан тўлкинлар одамни бир зарб билан қулатади-да, қўл-оёғингни шилиб оласан. Урнингдан туришинг билан шиддаткор тўлкинлар яна судраб кетади.

Менга бу нарса ёкмади. Бирок К. бу борада лом-мим демади. Ҳар ҳолда юз ифодаси сира ўзгармасди. Ҳар гал сувга кирганида бирор жойи лат ерди. Ниҳоят уни Токиурага боришга кўндирдим. Токиурадан Нагога ўтиб кетдик. Илгари бу соҳилларда асосан талабалар дам оларди; бу ерда чўмилишга қулай жойлар кўп эди. Кўпинча биз К. билан харсанг тошлар устида ўтириб, сувнинг ранги ва денгиз тубини томоша қилардик. Қоя тепасидан қараганда сув, айникса, чиройли кўринади. Шаффоф тўлқинлар орасида сузиб юрувчи шаҳар бозорларида учрамайдиган майда балиқчаларни кўриб, олам-жаҳон завқланардик.

Шунда ўтириб олиб кўпинча китоб варақлардим. К. эса ҳеч нарса қилмасдан жим ўтирарди. Хаёлга чўмганими, ёки шунчаки сувни томоша қиляптими, ё бўлмаса хаёлида ўзи истаган суратни чизчптими, буни билмасдим. Баъзан унга қараб нима қиляяпсан, деб сўрардим. У қисқа қилиб:

– Ҳеч нарса, – деб жавоб қайтарарди.

Шундай пайтлар миямга, ҳозир ёнимда ўтирган киши К. эмас, бекачнинг қизи бўлиб қолса, қандай яхши бўларди, деган фикр келарди. Бу ҳам майли-я, К. ҳам қояда шундай нарсаларни ўйлаб ўтирмаганмикан, деган шубҳа пайдо бўларди дилимда. Бундай ҳолларда китобни очиб ўтириш истаги йўқолар, ўрнимдан сапчиб туриб, овозим борича бақира бошлардим. Мен хитой дostonлари ёки япон ашулаларини маромига етказиб айтишни билмасдим, фақат ёввойи одамларга ўхшаб қичқирардим. Бир кунни мен кутилмаганда К. нинг ёқасидан тутиб:

– Сени денгизга итариб юборайми? – дедим.

К. менга орқа ўгириб:

– Яхши бўларди! Илтимос, итариб юбор, – деди.

Мен унинг ёқасидан қўлимни бўшатдим. К. нинг асаблари жойига кела бошлади. Бунга қарама-қарши тарзда энди менинг асабларим таранглаша бошлади. К. мендан кўра хотиржамроқ эканини кўриб, унга ҳавасим келар, иккинчи томондан, бу менга ёкмасди. У мени назарига илмаётгандек эди. Менга бу кибрдек туюлди. Шубҳаларим бу кибр сабабини очиб ташлашга ундарди. Балки унда ўзини келажакка етаклаб борувчи ёруғликка интилиш истаги пайдо бўлгандир. Агар гап фақат шунда бўлганида эди, ўртамазда тўқнашув содир бўлмасди. Аксинча, унинг учун ғам чекиб қилган ҳаракатларим натижа берди, деб хурсанд бўлган бўлардим. Аммо унинг хотиржамлиги ўша қиз сабабли бўлса-чи? Буни асло кечири олмайман. Қанчалик ғалати туюлмасин, у менинг бекач қизига бўлган муҳаббатимни сезмасди. Табиийки, мен ҳам буни атайин сездирадиган ҳаракатлар қилмасдим. У ўз табиатига кўра зийрак эмасди. Бу жиҳатдан мен хотиржам бўлганим учун ҳам уни уйимга кўчириб келгандим. Бу борада К. дан хавфсирамаса ҳам бўлади, деб ҳисоблардим мен.

### XXXI

Ўша вақтларда мен доим “инсонга ўхшаган бўлиш” деган сўзларни тилга кўп олардим. К. менга, бу сўзлар орқали ўз нуқсонларингни яширишга ҳаракат қиляяпсан, дерди. Кейинчалик ўйлаб кўрсам, К. ҳақ экан. Лекин ўша вақтда бундай деб ўйлашга фурсат ҳам йўқ эди, чунки мен бу сўзларни К. га ўз фикримни баён этиш учун тилга олардим, умуман мен унга муҳолиф муносабатда эдим. Боз устига, мен ўз эътиқодимда қатъий туриб олгандим. Шунда К. мендан, ўзида “инсонга ўхшамайдиган” нимани кўраётганимни сўради. Мен унга:

– Сен ўзинг инсонга ўхшайсан; ҳатто ўта инсонийсан ҳам. Аммо тилингдан инсонга хос бўлмаган сўзлар чиқади; шунда ҳаракатларинг ҳам инсонниқига ўхшамай қолади, – деб жавоб бердим.

Менинг сўзларимга К. фақат: “Мен ўз устимда кўнгилдагидек ишлаёлмайман, шунинг учун одамларга шундай кўринади”, – деди ва гапимни

инкор этишни истамади. Мен охири берк кўчага кириб қолганимдан кўра кўпроқ унга раҳмим келди. Шу заҳоти баҳсни тўхтатдим. Унинг гап оҳанги ҳам тобора ўз хаёлларига чўмиб бораётганидан дарак берарди. Мунгли овозда у, қадимги одамларни билмаганимда эди, сенга бунчалик ҳамла қилмасдим, деди. К. гапираётган қадимги одамлар, албатта, қахрамон ҳам, машхур кишилар ҳам бўлишмаган.

Шу билан иккимиз гапимизни тугатиб, ухлашга ётдик.

Эртасига терга ботиб, яна саёқ савдогарлар каби оёғимизни судраб юришда давом этдик. Бироқ йўл бўйи кечаги суҳбатимиз қулоғимдан кетмади. Афсус-надоматдан юрагим тилка-пора бўлмоқда эди: киноя билан сўзламасам бўларкан дердим. “Инсонга ўхшаган бўлиш” каби умумий сўзларни ишлатиш ўрнига, унга ҳаммасини очик-ойдин гапиришим керак эди. Тўғрисини айтганда, мен кашф қилган бу сўзларнинг асил моҳиятини бекачнинг кизига бўлган муносабатим ташкил этарди, шунинг учун унинг қулоқларини қуруқ сафсата билан банд қилиш ўрнига бутун моҳиятни очик баён этиш ўзим учун манфаатлироқ бўларди. Ҳозир тан оламан, ўша вақтда бирга ўқишимиз асосида пайдо бўлган дўстлигимиз маълум инерцияга эга эди. Мана шу инерцияни бир зарб билан тўхтатиб қўйишга иродам етмади. Буни ўта такаббурлик ёки манманлик деб аташ мумкин – униси ҳам, буниси ҳам тўғри; лекин “такаббурлик” ва “манманлик” сўзларига мен айрича маъно бераман. Буни тўғри англасангиз, мамнун бўлардим.

Қуёшдан батамом қорайиб, Токиога қайтдик. Қайтганимизда кайфиятим бутунлай ўзгарди. “Инсонга ўхшаган бўлиш” ёки “инсонга ўхшамаган бўлиш” каби софизмлар миямдан бутунлай чиқиб кетди. К. ҳам ўз навбатида ваъзхонга ўхшамай қолди. Уйлайманки, шу вақтда унинг миясида “Рух” ёки “тана” каби тушунчалар ўрин олмаганди. Қишлоқ йигитлари каби биз шаҳарга аланглаб қарардик, у бизга жуда банд бўлиб кўринарди. Рёгоқугача етиб келиб, жазирама бўлишига қарамай, қовурилган товук тановул қилдик. Шундан кейин К. Коисикавагача яёв боришни таклиф қилди. Мен К. унга нисбатан жисмонан бақувват эдим ва шу боис дарҳол рози бўлдим.

Уйга етиб келганимизда, бекач бизни кўриб, кўрқиб кетди. Иккаламиз ҳам қорайиб, жадал юрганимиздан озиб ҳам кетган эдик. Лекин бекач тетикроқ кўринишимизни айтиб, бизни мактаб қўйди. Қизга онасининг бундай бир-бирига зид сўзлари қизиқ туюлиб қулиб юборди. Саёҳатга жўнашимидан аввал унинг бундай қулиши менинг ғашимга тегарди, аммо бу сафар ёқимли чиқди. Балки уни анчадан бери эшитмаганим учундир...

### XXXII

Фақат бугина эмас – мен қизда қандайдир бир ўзгариш содир бўлганини сездим. Узоқ сафардан қайтгач, биз иккимиз ҳам – одатий ҳаётга кириш-гунимизча – ҳамма нарсада аёлларнинг кўмагига муҳтож эдик. Бекач бизнинг ташвишимизни қилаётганига ажабланмаса бўларди; аммо қизи ҳам унга қўмаклашар, ҳамма нарсани олдин менга, кейин К. га айтарди. Буни очик айтганда балки мени хижолатга қўйган бўларди. Уйлайманки, бу баъзи ҳолларда ҳатто ёқмаган бўлса ҳам керак. Лекин бу борада қизнинг ҳаракатлари қатъийлиги мени қувонтирар эди. Қиз менга бўлган муносабатини шундай намоён қилардики, бу фақат менгагина аён эди. Шу туфайли К. ўз норозилигини намоён этолмасди, хотиржам эди. Ичимда ғалаба нашидасини сурардим.

Кўп ўтмай ёз тугаб, биз яна университетга ўқишга қатнай бошладик. К. билан кетиш ва келиш вақтларимиз ҳар хил бўлиб, ҳар биримизнинг, алоҳида дарс жадвалимиз бор эди. Ҳафтада уч марта мен уйга К. дан кейин қайтардим, аммо хонасида энди ҳеч қачон қизни кўрмасдим. У менга ҳар

галгидек қараб кўйиб, бир зайлда:

– Э-ҳа, бу сенми? – деб қўярди.

Менинг жавобим ҳам шунга ўхшаш эди.

Октябрнинг ўрталари эди, чамаси. Эрталаб ухлаб қолиб, ўқиш либосимни кийишга улгурмай, дарсга кимонода боришимга тўғри келди. Хатто ботинкамнинг ипини боғлашга ҳам фурсатим қолмай, оёғимга гэтани илдимучиб чиқиб кетдим. Шу кунги дарс жадвали бўйича мен уйга К. дан илгари етиб келишим керак эди. Уйга қайтиб, эшикни шарақлатиб очдим. Кутганимдек, уйда ҳеч ким бўлмаслиги керак эди. К. нинг хонасидан унинг овози кулоғимга чалинди. Шу билан бирга қизнинг қулгани ҳам эшитилди. Менга одатдагидек поёфзалимни апил-тапил ечдим-да, тез дахлизга кириб, тўсиқни сурдим ва К. нинг хонасига кўз югуртирдим. У одатдагидек ўз столи олдида ўтирарди. Бироқ қиз бу ерда йўқ эди. Унинг хонасидан қизнинг чиқиб кетаётганини кўриб қоларман деб ўйлагандим. Мен К. дан нимага бунча эрта қайтганини сўрадим. У ўзини ёмон ҳис қилганидан маърузаларни ташлаб келганини айтди. Хонамга кириб ўтирганимдан сўнг қиз чой олиб кирди. Бу сафар у менга салом берди. Қиз айвондан ўз хонасига қараб кетди. Лекин К. нинг хонаси тўғрисида тўхтаб, у билан бир неча оғиз гаплашди. Бу олдинги суҳбатнинг давомига ўхшар, суҳбатнинг бошини эшитмаганим учун менга тушунарсиз эди. Шундан сўнг қизнинг хатти-ҳаракатлари яна изга тушди. Хатто К. билан бирга уйда бўлган вақтларимизда ҳам у кўпинча айвондан юриб келиб, К. нинг хонаси ёнида тўхтар ва уни қақирарди. Баъзан ичкарига кирар ва у ерда узок қолиб кетарди. Унга рўзнома, кирхонадан ювилган кийимларини олиб келарди. Бир уйда яшовчи одамлар учун бундай ишлар табиий ҳол эди; аммо қизга бир ўзим эгалик қилишни истаганим учун бунинг барчаси менга ғайритабиий туюларди. Баъзан у менинг хонамни атайлаб четлаб ўтиб, фақат К. нинг хонасига кираётгандек бўларди. Нега К. дан бу уйни тарк этишни талаб қилмагансиз деб сўрарсиз? Шундай қилганимда уни бу ерга қарийб зўрлаб олиб келганимдаги мақсадга эришмаган бўлардим. Мен бундай қила олмасдим.

### XXXIII

Бу воқеа ноябрнинг ёмғирли, совуқ кунларидан бирида бўлди. Ивиб кетган пальтода ҳар галгидек, тепаликка кўтарилиб, уйимга етиб келдим. К. нинг хонасида ҳеч ким йўқ эди, лекин унинг хибатисида ҳали кўмир чўғлари яллиғланиб турарди. Мен чўғда қўлларимни иситиб олмоқчи бўлдим ва шошилиб хонам эшигини очдим. Лекин менинг хибатимда совиб қолган қулдан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Ўзимни ғалати ҳис этдим. Қадам товушларимни эшитган бекач кириб келди. Хона ўртасида индамай турганимни кўриб, эгнимдаги пальтомни ечди ва кимонони кийишимга кўмаклашди. Совқотаётганимни билиб, К. нинг хибатисидан лахча чўғ олиб кирди. Мен ундан:

– К. қайтиб келдимми? – деб сўрадим.

– Қайтиб келиб, яна чиқиб кетди, – жавоб берди бекач. Бу кунги дарс жадвали бўйича К. мендан кейин келиши керак эди.

“Сабаби нимада экан?” – ўйладим ўзимча. Бекач эса:

– Балки иши чиқиб қолган бўлса керак, – деди.

Хонамда бир муддат китоб ўқиб ўтирдим. Уй сув қуйгандек жим-жит эди. Мен совқотганимдан қишнинг яқинлашиб келаётганини ҳис қилдим. Китобни ёпиб, ўрнимдан турдим. Бирдан шовқин-суронли кўчага чиққим келди. Ёмғир тинган, аммо осмон кўрғошиндек қора эди. Ҳар эҳтимолга қарши елкамга ёмғирпўшни илиб, тўпхона ортидаги пастликка тушдим. Бу кўчалар ҳали қайта қурилмаган эди. Водийга тушишда жанубий қисмни баланд бинолар бутунлай тўсиб қўйган ва оқава ариқлар ташландик

ахволда, кўча чилп-чилп лой эди. Айниқса Янаги-тё кўчасига чиқишдаги энсиз тош кўприк жуда сирпанчиқ эди. У ердан ҳатто баланд гэтада ёки этикда ўтиш ҳам қийин эди. Унинг эни бир-икки фут<sup>1</sup> дан ортиқ эмас ва ундан юриш жуда қийин эди. Йўловчилар бу йўлакдан турнақатор бўлиб юрардилар.

Шу тор йўлкада мен К. га тўқнаш келдим. Лой йўлдан кўзимни олмай кетаётганим учун у билан юзма-юз тўқнашмагунимча уни кўрмадим. Йўлимни кимдир тўсаётганини сезиб, кўзимни кўтардим ва шундагина уни кўрдим.

– Қаердан келяпсан? – сўрадим ундан.

– Ишларим бор эди, – деб жавоб берди у. Унинг жавоби одатдаги оҳангда эди. Биз К. билан шу тор йўлкада ажралдик. Шунда унинг оркасида бир ёш қиз пайдо бўлди. Узокни яхши кўра олмаганим туфайли уни дарҳол таний олмадим, К. ни ўтказиб юборганимдан кейингина бу қизнинг юзига қарадим – бу бекачимизнинг қизи эди. Мен бундан бир оз таажжубландим. Қиз ҳам сал қизариб мен билан саломлашди. Уша вақтларда қизларнинг соч турмаги ҳозиргидек эмас, олдида осилиб турмасди, бошининг ўртасида эса сочлар илон каби турмаклаб қўйиларди. Мен ҳайрат ичида қизнинг бошига термулиб турар эканман, бирдан иккимиздан биримиз йўл беришимиз кераклиги эсимга тушди. Мен бир оёғимни шартта лойга босиб, қизга йўл бердим. Шундан кейин мен Янаги-тёга чиқдим ва энди қаерга боришимни билмай туриб қолдим. Шундай кайфиятда эдимки, мен учун ҳеч нарсанинг қизиғи қолмаган. Йўлга қарамай ҳар томонга лой сачратиб кетавердим. Кейин шартта уй томонга бурилдим.

#### XXXIV

К. дан бекачнинг қизи билан бирга борганмидинг, деб сўрадим. У “йўқ” деб жавоб берди. Қиз билан Масаго-тё кўчасида тасодифан учрашиб қолганини ва уйга бирга қайтишганини айтди. Мен ортиқ савол бермаслигим керак эди. Бироқ овқат пайтида буни қизнинг ўзидан ҳам сўраб кўрдим. Бунга жавобан у менга ёқмайдиган қаҳ-қаҳаси билан уйни бузиб юборди ва ниҳоят, унинг қаерга борганини ўзинг топ-чи, деб таклиф қилди. Узи бўларим бўлиб тургани етмай, қизнинг бундай бетакаллуфлиги ўлганнинг устига тепгандай бўлди. Стол атрофида ўтирганлар ичидан буни фақат бекач сизди. К. хотиржам эди. Қизга келсак, у буни атайлабми ёки соддалигидан қилаётibdими, билиб бўлмасди. Бекачнинг қизи ёшларга хос бўлмаган даражада фаҳмли, аммо унда барча ёш қизларга хос бўлган, мен ёқтирмайдиган хислатлар ҳам бор эди. Бу ёқимсиз хислатлар К. бизникига кўчиб келган пайтларда биринчи марта кўзга ташланганди. Буни К. га нисбатан рашк деб билиш керакми ёки қизнинг менга нисбатан алоҳида муносабати деб қараш керакми – буни аниқлаш қийин эди. Ҳозир ҳам К. дан рашк қилаётганимни яшироқчи эмасман. Мен, илгари ҳам бир неча марта таъкидлаганимдек, севгим ортида айнан шу ҳиссиёт туришини жуда яхши англадим. Арзимаган нарсдан ҳам бу ҳиссиётим жунбушга келишини кўриш мумкин эди. Бу бўлмағур нарсамиди? Ёки рашк – севгининг иккинчи палласимикан? Уйланганимдан кейин бу ҳиссиёт аста-секин сўниб бораётганини сездим, муҳаббат эса ўзининг дастлабки кучига ҳечам эриша олмасди.

Менда бир фикр туғилди: қалбимни бошқа бир аёлга очсаммикан? Бекачнинг қизига эмас унинг ўзига! У билан қизини менга бериши ҳақида очикчасига гаплашиб кўрсаммикан, деб ўйладим. Аммо гаплашиб кўришни кунда ортга суравердим. Мен иродасиз бўлиб кўринишим мумкин. Бу тўғри, аммо олға юришга ноқобиллигим иродамининг заифлигидан эмас-да. Ҳали К. биз билан бўлмаган вақтда, бировнинг гарда-

<sup>1</sup> Фут – 30 дан 48 см гача бўлган узунлик ўлчови.

нига ўтириш мен учун нокулай эди ва бу ҳиссиёт ҳар кадамда тўскинлик қиларди. К. бизникига кўчиб келгач, қизнинг хаёли унда бўлса-чи, деган шубҳадан бошим чиқмай қолди. Агар унинг қалбидан К. жой олган бўлса, ўз муҳаббатимдан оғиз очишга на ҳожат? – деган қарорга келдим. Мен шарманда бўлиб қолишдан қўрқмасдим. Мен ҳар қанча яхши кўрмай, севгилимнинг кўнгли бошқада бўлса, бундай аёл билан ҳеч қачон қовуша олмаган бўлардим. Дунёда шундай одамлар борки, ўзлари севган аёлларига эришганларидан қаноат ҳосил қиладилар; бу аёлнинг унда кўнгли борми, йўқми – унга барибир. Лекин булар ўзга давр одамлари ёки севги нималигини билмайдиган ношудлардир. Уша вақтда шундай ўйлардим. Мен, одам уйлангандан кейин ҳаммаси изга тушиб кетади, деган фалсафага ҳаргиз кўшилмайман. Бир сўз билан айтганда, севги бобида баландпарвоз хаёлларга берилган назариётчи ва шу билан бирга синчков амалиётчи ҳам эдим.

Узоқ йиллар давомида бирга яшаш даврида менда қизга барини айтиб бериш истаги бир неча бор пайдо бўлган, аммо мен буни атайин қилмаган эдим. Менда бундай қилиш ножоизлиги тўғрисидаги оддий японча қарашлар кучли эди. Лекин мени тўхтатиб турадиган бугина эмасди. Мен, япон аёлининг, айниқса ёш япон қизининг кўнглидагини очиқ айтишга юраги дов бермаслигини олдиндан билардим.

### XXXV

Шу сабабларга кўра мен на у томонга на бу томонга ҳам ҳаракат қилаоладиган ногиронга ўхшардим. Шундай ҳоллар бўладик, бемор ётган жойида ҳамма нарсани кўра олади-ю, аммо тана аъзоларини ирода қилолмайди. Баъзан ўзимни ана шундай ҳис қилардим.

Бу орада эски йил тугаб, янгиси бошланди. Бир кун бекач К. га ўртоқларидан бирортасини шеърий қарта ўйнашга чақиришни таклиф этди. К., менинг ҳеч қандай ўртоқ-пўртоғим йўқ, деди. К. нинг ҳақиқатан ҳам биронта чин ўртоғи йўқ эди. Кўча-кўйда саломлашиб юрадиган бир-иккита танишлари бор, лекин уларни ҳеч қачон қарта ўйнашга чақирмаган. Шунда бекач мендан илтимос қилди. Афсуски, бундай эрмакка менинг ҳам унчалик хоҳишим йўқ эди, шунинг учун тайинли жавоб айтмадим. Бироқ кеч кирганида бекач ва қизи мен билан К. ни ўз хоналарига қўярда-қўймай олиб чиқиб кетишди. Уй жим-жит, чунки меҳмон йўқ, фақат уйдагиларгина йиғилгандик. Бундай ўйинларга ўрганмаган К. қўлсиз одам мисоли эди. Мен ундан, ўйиннинг барча юзта шеърини ёддан биласанми, деб сўрадим. К. унчалик яхши билмаслигини айтди. Саволимни эшитган киз, мени К. ни ёмон кўрганидан шундай деяпти деб ўйлади, чамаси. У К. га очиқ-ошкора ёрдам қила бошлагани яққол кўзга ташланди. Аслида улар иккаласи менга қарши ўйнамоқда эди. Мен рақибларим билан уриша бошладим. Бахтимга К. нинг хатти-ҳаракатлари ҳечам ўзгармади. Орадани икки-уч кун ўтгач, она-бола Итигаяга қариндошлариникига кетишди. К. билан менинг дарсларим ҳали бошланмаганди ва биз уйда ёлғиз қолдик. Менинг китоб ўқигим ҳам, айланиб келгим ҳам келмасди, шу боис хибати ёнида иягимни қўлимга тираб, қимир этмай ўтирардим. Ён хонадаги К. нинг ҳам овози чиқмасди. Уй шунчалик жимжит эдики, гўё ҳеч ким йўқдек. Бу иккаламиз учун одатий ҳол бўлганидан ортиқ эътибор бермадим.

Эрталабки соат ўнларга яқин К. бирдан тўсикни очиб, рўпарамда пайдо бўлди. Остонада туриб, нималарни ўйлаяпсан, деб сўради. Мен ўша пайтда ҳеч нимани ўйламаётгандим. Ўйласам ҳам, фақат бекачнинг қизи ҳақида ўйлардим. Унга энди онаси ҳам келиб қўшилди; кейинги пайтларда бу масала янаям чигаллашиб кетди, чунки миямнинг бир четида мен ҳечам қутула олмаётган К. ҳам бор эди. К. билан юзма-юз туриб, йўлимда ғов

бўлиб турибсан, шуни ўйлаяпман деб очик айтолмасдим, албатта. Унга илгаригидек жим қараб туравердим. Шунда у хонамга кириб, мен исиниб ўтирган хибати олдига келиб чўкди. Мен дарров хибатининг четидан тирсагимни олиб, К. томонга суриб қўйдим.

К. ғалати оҳангда бекач билан қизи қаерга кетишганини сўради. Мен холасиникига кетишган бўлса керак, деб жавоб қайтардим. Шунда у: “Холаси ким?” деди. Шунда у ҳам ҳарбий кишига турмушга чиққанини айтдим. “Аёллар одатда ўн бешинчи санадан кейин янги йил совғалари билан юришади, булар нимага эрта кетишди?” – деб сўради яна К. Мен – “Билмайман”, – деб қўя қолдим, холос.

### XXXVI

К. бекач ва қизи тўғрисидаги суҳбатини ҳеч тугатай демасди. Охири мен ҳам унга жавоб бериб бўлмайдиган саволлар билан мурожаат қила бошладим. Ўзимча саросимадан кўра кўпроқ таажжубни ҳис қилардим. Шунга қадар у билан ҳар сафар бу аёллар тўғрисида гаплашганимда, унинг оҳанги ўзгараётганини сезардим. Ниҳоят ундан сўрадим:

– Нима сабабдан айнан бугун улар ҳақида гапираётибсан?

Шунда у бирдан жим бўлиб қолди. Лекин мен унинг лаблари сезилар-сезилмас титраётганини кўрдим. К. табиатан камгап эди. Ҳар сафар бирор нима демоқчи бўлганида лабларининг атрофи титрай бошларди. Гўё лаблари қийинчилик билан очилаётгандек; шунинг учун сўзларида ҳам қандайдир маъно яшириниб ётгандай бўларди. Унинг лабларига қараб, ҳозир ундан нимадир чиқишини ҳис этдим. Лаблари нимага шайланаётганини билиб бўлмасди. Менинг ҳайратдан лол қолишим сабаби шунда эди. Унинг бу қадар жиддий лабларини кўринг-у, бекачнинг қизига қай аҳволда муҳаббат изҳор этишини, ва мен буни қандай тинглаётганимни бир тасаввур қилинг. Гўё у мени сеҳрли таёқча билан қотириб қўйгандай эди. Мен ҳатто лабларимни ҳам қимирлата олмадим. Шу туришимда даҳшатли ҳайкалгами ёки изтиробли ҳайкалгами ўхшардим, нима бўлганда ҳам, ҳайкал бўлиб қолгандим. Бошимдан товонимгача тош ёки темирдан ясалгандек эдим. Ҳатто нафас ҳам ололмаётгандим. Бахтимга бу хол узоқ давом этмади. Бир зумдан сўнг мен ўзимни яна одам деб ҳис қила бошладим ва ичимда: “Барчаси тугади! Вақтни қўлдан бой бердим”, деб ўйладим.

Бундан буён нима қилишим кераклигини умуман тасаввур қилолмаётгандим. Ҳатто ўрнимдан туришга ҳам мажолим йўқ эди. Тош қотиб ўтирарканман, кўлтиғимдан ёкимсиз тер оқиб тушиб, қўйлагимни хўл қилаётганини ҳис этдим. К. ҳамон сўзларди. Унинг сўзлари менга оғир ботгани юзимдан кўриниб тургандир ҳам. Буни ҳатто К. ҳам сезган бўлиши керак, лекин у ўзи билан ўзи овора бўлиб, менга эътибор бермаётганди. Унинг бутун суҳбати бир хил оҳангда кечарди. Қалбимнинг ярми уни тингласа, ярми нима қилиш керак? – деган саволга жавоб изларди. Мен тафсилотларни деярли эшитмаётгандим, фақат унинг оғзидан чиқаётган товушлар қалбимни ларзага солмоқда эди. Бунинг оқибатида мен нафақат изтироб чекардим, ҳатто вақти-вақти билан даҳшатга ҳам тушардим. Менда ўзимдан кучлироқ бўлган рақибим олдида ўзига хос кўркув пайдо бўлди. К. гапиришдан тўхтагудек бўлса мен бир оғиз ҳам сўз айтолмасдим. Ушбу дақиқаларда ўзим учун нима яхшироқ экани тўғрисида умуман ўйламаётгандим: мен унга ҳам қалбимни очсаммикан ёки барчасини сирлигича қолдирсаммикан, дердим. Бир нарса дейишга мажолим қолмаган, боз устига, ўзи гаплашгим келмаётганди.

Тушлик вақтида биз бир-биримизга қарама-қарши ўтирдик. Бизга оксоч хотин хизмат қиларди. Мен бу сафар бемаза бўлса ҳам, сузилган овқатни паққос урдим. Овқатланиш асносида бир-биримиз билан деярли гаплашмадик. Бекач билан қизи қачон қайтиши ҳам бизга номаълум эди.



## XXXVII

Биз хоналаримизга тарқаб кетдик ва бошқа кўришмадик. К. нинг хонасидан эрталабгидек сас-садо эшитилмаётганди. Мен ҳам ўз фикрларимга ғарк бўлганча қимир этмай ўтирардим. К. га ҳаммасини очик айтиб бериш керак, деб ўйладим. Аммо вақт қўлдан бой берилгандек туюлди менга. Нимага бошиданоқ унинг гапини бўлиб, қарши хужумга ўтмадим? Буни катта хато деб ўйладим. Ҳатто К. ҳаммасини айтиб бўлганидан кейин ҳам унга бор гапини очиб-сочишим керак эди, деган ўй айланарди бошимда. Аммо К. гапидан тўхтаганида ҳам бу тўғрида гапириш амри маҳол эди. Мен бу ҳолни енгишга ўзимда куч тополмадим. Афсус ва надоматдан бошим гангиб қолганди. К. тўсиқни суриб, хонамга ўзи кириб келса яхши бўларди. Назаримда, эрталаб менга кутилмаганда ҳамла қилгандек туюлди. Мен К. га жавоб қайтаришга тайёр эмасдим ва ўзимча эрталаб қўлдан бой берганларимнинг барини энди қайтариб олишим мумкин деб умид қилардим. Шунинг учун бот-бот тўсиққа кўз ташлардим. Бироқ тўсиқ қимирламай турар, К. нинг хонаси ҳам жим-жит эди.

Жим-житлик таъсириданми, бошим ғувиллай бошлади. “У хонасида ўтириб олиб нималарни ўйлаяпти экан? – дедим-да, бундан ўзим ташвишга тушдим. Одатда биз тўсиқнинг ҳар икки тарафида ўтириб, мана шундай оғзимизда талкон солиб олардик, К. нинг хонаси қанчалик жим-жит бўлса, унинг борлиги ҳақида шунчалик унутар эдим. Бунга ўрганиб қолгандим ва ҳозир бошимдан ўтаётган бу воқеалар руҳиятимга қанчалар ёмон таъсир этаётганини кўрсатарди. Тўсиқни очиб, унинг олдига ўзим боролмасдим. Қулай фурсатни кутишдан бошқа иложим йўқ эди.

Охири бундай ҳаракатсиз ўтириш жонимга тегди. Бу ерда ўзимни мажбурлаб ўтиришим унинг хонасига бостириб кирмасам бўлмаслигини англатарди. Мен ўрнимдан туриб айвонга чикдим. У ердан ўрта хонага ўтиб, зарурат бўлмаса ҳам чойнақдан пиёлага сув қуйиб ичдим. У ердан даҳлизга ўтдим. Шу тариқа атайин К. нинг хонаси олдидан ўтиб, кўчага чикдим. Албатта, борадиган жойим йўқ эди. Лекин тош қотиб ўтиришга ҳам тоқат қолмаганди. Қаерга кетаётганимни ўйламай, шаҳарда саргардон кездим. Хаёлим фақат К. да эди. Мен К. ни ўйламаслик учун эмас, балки яхшироқ фикрлаб олиш учун кезиб юрардим. Авваламбор, уни тушуниш жуда қийин: нима сабабдан у менга бирданига ҳаммасини очиб солди? Қандай қилиб унинг муҳаббати шунчалик кучайиб кетдики, бу ҳақда гапирмасликнинг иложи бўлмай қолса? К. нинг ўзи қаерга қойиб бўлди?

Буларнинг барчаси мен учун жумбоқ эди. Мен унинг иродаси кучли эканини билардим. Унинг жиддийлиги ва ўзига нисбатан талабчанлигини ҳам билардим. У билан бундан кейинги муносабатимни аниқлаштириб олишдан олдин унинг ўзи тўғрисида кўп нарсани билиб олишим керак эди. Бу аҳволда у билан келгусида алоқани давом эттириш қийин бўларди, назаримда. Шаҳарни бемақсад кезиб юра-юра, ўзимча уни хонасида қимирламай ўтирганини тасаввур қилдим. Қанчалик дарбадар юрмай, ичимда қандайдир бир овоз, “уни жойидан силжитишга кучинг етмайди!” деб қичқирарди. Бир сўз билан айтганда, назаримда у жодугардек эди. Иш шунгача бориб тақалдики, унинг мени ёмон кўришини умримнинг охиригача ҳис этаманми, деб ўйлай бошлардим.

Уйга ҳориб-голиб қайтиб келганимда, унинг хонаси ҳамон сув қуйгандек жим-жит эди.

## XXXVIII

Уйга қайтганимдан сўнг бир оз вақт ўтгач, рикша аравасининг товуши эшитилди. У пайтларда резина шиналар бўлмасди ва рикшаларнинг ёқимсиз ғирчиллаши узоқданоқ эшитиларди. Арава уйимиз олдида

тўхтади. Ўттиз дақиқалардан кейин бизни кечки овқатга чақиришди. Қўшни хонада иккала хонимнинг байрам либослари сочилиб ётарди. Иккаласи ҳам бизни куттириб қўйиш ноқулай бўлгани сабабли кечки овқатга етиб келиш учун шошилишганини айтишди. Бекачнинг бу сўзлари К. билан менинг бир кулоғимиздан кириб, наригисидан чиқиб кетди. Стол атрофида ўтирганимизда мен қисқа лўқмалар билан чекландим. К. эса мендан ҳам камгапроқ эди. Уйдан кам чиқадиган иккала хонимнинг кайфияти эса одатдагидан кўтаринки эди. Шу боис бизнинг хатти-ҳаракатларимиз кўзгат яняда яққолроқ ташланарди. Онаси мендан сўради:

– Бирор нарса бўлдими?

Мен бир оз мазам йўқлигини айтдим. Ўзи чиндан ҳам тобим қочганди. Шунда қизи К.га савол берди. У менга ўхшаб мазам йўқ, деб жавоб бермади. Шунчаки гапиришни истамаётганини айтди.

– Нега гапиришни истамайсиз? – сўради қиз.

Шунда мен кўрғошиндай қовоқларимни кўтариб, К.га қарадим. У нима деб жавоб беришига қизиқдим. К.нинг лаблари одатдагидек аста титрай бошлади. Ташқаридан қараганда у жавоб беришга қийналяпти, деб ўйлаш мумкин эди. Қиз кулиб юборди ва:

– Сиз бирор ўта жиддий нарса ҳақида ўйлаясизми? – деб сўради.

К.нинг юзига қизил югурди.

Бу оқшом мен одатдагидан барвақтроқ ётдим. Бекач мазам йўқлигини айтганим учун ташвишланиб, соат ўнларда қандайдир гиёҳ дамламасидан олиб кирди. Хонам қоронғи эди. Бекач хайрон бўлиб, сурилма эшикни қия қилиб очиб қўйди. Менинг хонамга К.нинг хонасидан чироқ нури қиялаб тушди. К. ҳали ётмаган эди. Бекач бош тарафимда ўтириб, шамоллаб қолганимни ва исинишим зарурлигини айтиб, дамламани узатди. Унинг кўз ўнгида буни ичишга мажбур бўлдим.

Тун қўйнида хаёлга толдим. Ўз-ўзидан маълумки, миямда ҳамон ўша фикр айланарди, мен ҳеч нарсага эриша олмадим. Бирдан хаёлимга бир савол келди: қўшни хонада К. ҳозир нима қияляпти экан? Мен овозимни чиқариб, уни чақирдим. К. шу заҳоти жавоб берди. У ҳали ётмаган экан.

– Ҳали ҳам ётмадингми? – сўрадим ундан.

– Ҳозир ётаман, – қисқа жавоб келди у ёқдан.

– Нима қиялсан? – яна сўрадим мен. Бу сафар жавоб бўлмади. Бунинг ўрнига девордаги жавон эшиги очилгани ва ерга тўшак солингани яққол эшитилди. Мен яна сўрадим:

– Соат неча бўлди?

К.:

– Бирдан йигирма дақиқа ўтди, – деб жавоб берди. Ортидан К.нинг чироқни пуфлаб ўчиргани эшитилди ва бутун уй қоронғуликка чўмиб, жим бўлиб қолди. Бироқ сал ўтмай кўзларим бу қоронғуликка ўрганиб, ҳамма нарсани аниқ-тиниқ кўра бошладим. Мен уйку аралаш яна К.ни чақирдим. У шу заҳотиёқ жавоб берди. Шунда мен эрталаб ундан эшитган гапларим ҳақида батафсилроқ гаплашиш истагим борлигини айтдим. Албатта, бундай суҳбатни тўсиқ ортидан давом эттириш ниятим йўқ эди, ундан фақат жавоб олмақчи эдим. Аммо мен икки марта чақирганимда ҳам жавоб берган К. бу сафар одатдагидан кўра пастроқ овозда истамайгина жавоб берди:

– Майли, кейинроқ.

Мен яна ўйларимга ғарқ бўлдим.

### XXXIX

К.нинг бундай чала жавоби унинг эртаси кунги ва, умуман, кейинги кунлардаги хатти-ҳаракатида яққол ўз аксини топди. Бу яна шу масалага қайтмоқчи эканини билдирмасди. Бунга қулай фурсат ҳам бўлмади. Бе-

кач ва қизи куни билан уйда бўлишарди ва биз улар борлигида гаплашиб ололмасдик. Мен буни яхши билардим. Натижада у биринчи бўлиб гап бошлайди деб, бунга тайёргарлик кўриб, агар имкон бўлса, гапни ўзим бошлашга қарор қилдим.

Шу билан бирга мен индамай аёлларни кузатардим. Бироқ на онасининг, на қизининг хатти-ҳаракатларида бирор ўзгариш сездим. Уларнинг хатти-ҳаракатлари К. ўз ниятини ошкор қилгунга қадар қандай бўлса, ундан кейин ҳам шундай эди: у ўз дилидагини фақат менга очган эди, қиз ва унинг онаси бу ҳақда ҳеч нима билишмасди. Бу мени бирмунча тинчлантирди. Шундан кейин атайлаб эмас, бундай фурсат юзага келганда гап очган маъқул, деб ўйладим-да, сабр қилдим.

Ҳозир булар барчаси жўнгина содир бўлаётгандек туюлади, лекин қалбимдан кечган туйғулар денгиз тўфонига ўхшарди: унда кўтарилишлар ҳам, тушишлар ҳам бўлди. К. нинг қимир этмай ўтиришига қараб, буни гоҳ ундай, гоҳ бундай талқин этардим. Она ва қизининг хатти-ҳаракатларни кузатиб, уларнинг мендан кўнгиллари қолмаганмикан? – деган шубҳага борардим. Назаримда қалбимизда яширинган ўша мураккаб қурилманинг миллари ҳозир циферблатда пайдо бўлиб, керакли рақамни кўрсатадигандек эди. Гапнинг қисқаси, бир хил нарсани мен гоҳ ундай, гоҳ бундай талқин этардим ва охир-оқибат юқорида айтганимдек, тинчланар эдим. Аниқроқ қилиб айтганда, “тинчланар эдим” деган сўзни бу ерда ишлатмаслигим керакмikan...

Шу орада университетда дарслар бошланди. Ўша пайтда маърузаларимиз бир вақтда бошланар, биз уйдан бирга чиқиб кетардик. Тўғри келганда уйга ҳам бирга қайтардик. Ташқаридан қараганда, биз гўё илгаригидек аҳил-иноқ, аммо ҳар биримиз ичимизда ўз ўйларимиз билан банд эдик. Бир куни кўчада қутилмаганда унга мурожаат қилдим. Биринчи сўраган нарсам шу бўлдики, у дилини фақат менга очдими ёки она билан қизига ҳам айтдими? Унинг жавобига қараб, бундан кейинги унга бўлган муносабатимни белгилашим керак, деб ўйлардим. Саволимга жавобан у мендан бошқа ҳеч кимга оғиз очмаганини айтди. Мен ичимда хурсанд бўлиб кетдим, чунки бу тахминим тўғри бўлиб чиққанидан дарак эди. У мендан айёрроқ эканлигини яхши билардим. Унинг қалбида мен сингдира олмайдиган нарсалар яшириниб ётарди. Иккинчи томондан, мен унга негадир ишонардим. Гарчи у ўзининг тутинган оиласини уч йил алдаб юрган бўлса ҳам. Унга бўлган ишончим ҳечам сусаймади, аксинча, янада ортди. Азбаройи шубҳаланганимдан ўзимча унинг жавоби тўғрилигини бутунлай тан ололмаётгандим.

Энди ўз мухаббати борасида нима қилмоқчи эканлигини билиш учун яна унга мурожаат қилдим. Фақат менга қалбини очиш билан чекландими, ёки бирор қадам қўймоқчимиз? Бироқ у жавоб бермади. Нигоҳини бир нуқтага қадаб, индамай одимлаб кетди. Мен ундан илтимос қилдим: – Ҳеч нимани яширма! Фикрингни очиқ айт менга.

Шунда у менга яширадиган ҳеч нарсаси йўқлигини айтди. Аммо мен бу жавобдан қониқа олмасдим. Мен ҳам кўчада туриб олиб ҳамма гапни айтасан, деб қисталанг қилиш нотўғрилигини тушунардим. Шу билан суҳбатимиз тугади.

## XL

Анчадан бери кирмай юриб-юриб, бир кун кутубхонага йўлим тушди. Кенг столнинг ярмигача қуёш нури тушиб турган жойга ўтириб олиб, янги чет эл журналларини варақлай бошладим. Профессор менга келгуси ҳафтагача махсус фан бўйича бир масалани ёритишимни топширганди. Узимга керак нарсани ҳечам топа олмаётгандим ва икки-уч марта янги журналларни олишимга тўғри келди. Ниҳоят керакли мақолани топиб,

уни ўқишга киришиб кетдим. Шу вақт столнинг нариги томонидан кимдир мени оҳиста чақирди. Бошимни кўтариб қарасам, у ерда К. турарди. У стол оша эгилиб менга юзини яқин келтирди. Биласизки, бошқаларга халал бермаслик учун кутубхонада баланд овозда гаплашиш мумкин эмас, шунинг учун унинг ҳаракатлари бошқаларникидан фарқ қилмасди. Лекин мени бир ғалати ҳис чулғаб олди.

К. овозини паслатиб сўради:

– Дарс қиляпсанми?

Мен бир мавзуну хиҷжалаётганимни айтдим. Бироқ у юзимга тик қараб тураверди. Яна ўша оҳангда у билан бирга айланиб келишимни сўради. Мен, бир оз кутиб тур, бораман, деб жавоб бердим. У, кутиб тураман, деб қаршимдаги бўш стулга ўтирди.

Хаёлим чалғиб кетди ва ортиқ мутолаа қила олмадим. Менга К. нинг қалбини нимадир қийнаётгандек ва у мен билан шу тўғрида гаплашмоқчидек туюлди. Журнални йиғиштириб, туришга чоғландим. К. хотиржам сўради:

– Тугатдингми?

– Аҳамияти йўқ! – жавоб бердим мен.

Борадиган тайинли жойимиз бўлмаганидан, биз Тацоука-тё кўчасини кесиб ўтиб, ҳовуз бўйига, у ердан боққа чиқдик. Шунда у дабдурустан яна ўша масалада гап очди. Унинг бу ҳаракатларидан кейин, мени атайин сайр қилишга олиб чиққан экан-да, деган фикрга келдим. Шу билан бирга у мен кутган саволлар борасида лом-мим демади. Менга қараб, бу тўғрида нима ўйлаётганимни сўради, холос. Бир сўз билан айтганда, у шу топда ўзи ҳақида қандай фикрда эканимни билишга интиларди. Бу унда пайдо бўлган янги хусусият эканлигини пайқадим. Мен қайта-қайта айтгандим, у ўзи ҳақида атрофдагилар нима деб ўйлаши тўғрисида сўрайдиган даражада паст кетмасди. У шундай инсон эдики, бирор нарсага ишонса, шунинг уддасидан чиқишга ўзида матонат топа оларди. Тутинган оиласи билан бўлиб ўтган можародан кейин унинг бу хусусияти қалбимда муҳрланиб қолганди, бинобарин ундаги бу ўзгаришлар менга яққол кўриниб турарди.

– Менинг фикрим сенга нега керак бўлиб қолди? – деб сўрадим К. дан.

Шунда у ўзига хос бўлмаган тушқун оҳангда деди:

– Шунчалик заифлигимдан уялиб кетаман; ўзимни-ўзим тушунмай қолдим, шу боис сенинг холисона баҳолашингни истардим.

– Нимага иккиланиб турибсан?

У деди:

– Ортга чекинсаммикан, ёки олға юрсаммикан?

Мен олдинга бир қадам ташладим.

– Агар истаганингда чекина олармидинг? – сўрадим ундан. Шунда жим бўлиб қолди. Фақат:

– Нақадар оғир! – деб қўйди уҳ тортиб.

Ҳақиқатан ҳам унинг изтироб чекаётгани юзидан кўриниб турарди. Билмадим, агар гап шу қиз устида кетмаганида эди, унинг жазирамадан қақраб кетган юзига бир томчи сув томизишдан қайтмаган бўлардим. Мен бошқаларга ҳамдард инсон бўлиб туғилганимга ишонардим. Аммо ҳозир мен ўзгача эдим.

## XLI

Бургут ўлжасидан кўз узмаганидек, мен ҳам К. ни диққат билан кузатар эдим. Бутун борлигим – кўзларим, қалбим ва вужудим билан унинг ёнида сергак турардим. Аслида К. нинг ҳеч қандай айби йўқ, у мен учун қафтда тургандек аёну ошкор эди. У бирор эҳтиёт чораларини кўрмаганди. Мен гўё унинг қалъасини ҳимоя қилувчи режамни қўлидан тортиб олгандек эдим.

К. назария ва амалиёт ўртасида адашиб юрганини англаганимдан сўнг, уни бир зарб билан мағлуб қила олишимни ҳам тушундим. Мен дарҳол унинг ожиз нуқтасини топдим. Унга нисбатан қатъиятлилик ва муросасизлик усулини қўладим. Албатта, бу авваламбор менинг усулим эди, аммо хатти-ҳаракатларимда муайян ҳаяжон ҳам бор эди, шунинг учун ўша дамда ўз устимдан кулишга ҳам, хижолатни ҳис қилишга ҳам фурсат йўқ эди.

Авваламбор унга шундай дедим:

– Олий маънавий камолотга интилмаган шахс – аҳмоқ.

Бу Босюда юрган кезларимизда К. нинг менга айтган сўзлари эди. У менга ўша вақтда қай оҳангда айтган бўлса, ўзига ҳам ўшандай оҳангда айтдим. Буни ҳеч ҳам қасд олиш ниятида айтмадим. Аммо, буни айтганимда қасд олишдан ҳам кучлироқ нарсани назарда тутдим. Бу ибора билан мен К. нинг қаршисидаги муҳаббат йўлини тўсмоқчи эдим.

К. Синсю сектаси ибодатхонасида туғилган эди. Аммо у ўрта мактабда ўқиб юрган кезлариданок ўз динидан йироқлашганди. Мен турли диний таълимотлардан йироқ одамман ва бу ҳақда фикр юрита олмаслигимни ҳам биламан; фақат диннинг эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларга бўлган қарашлари ҳақида сўз юритаман. К. азалдан “ўзини тийиш” сўзини яхши кўради. Мен бу атамани шахвоний иштиёқларни енгиш маъносида тушунардим. Лекин бир куни бу ҳақда гап очганимда, К. бунга яна қандайдир жиддий маъно юклаганидан ҳайрон қолдим. Унинг биринчи қоидаси – Олий мақсад йўлида барча нарсани қурбон қилиш эди. Шунинг учун ҳиссиётларини бошқариш ёки уларни енгиш табиий нарса эди; ҳатто шахвоний хоҳишлардан холи муҳаббат ҳам ушбу йўлдаги тўсиқ ҳисобланарди. Биз бирга яшаганимиздан буён ундан бу мулоҳазаларни кўп марта эшитгандим. Унга эътироз билдирганимда юзида афсусланиш ифодаси пайдо бўлар, менга ачинишдан кўра сўзларимдан нафратланиш кўпроқ эди. Ўртамиздаги ўтмиш ана шундай эди; шу боис “кимда олий маънавий камолотга интилиш бўлмаса – аҳмоқ”, деган сўзлар унга оғир ботишини билардим. Бироқ, юқорида айтганимдек, бу сўзлар билан ўртамизда вужудга келган ўша ўтмишни нари қилмоқчи эмасдим. Аксинча, уни ўзи тўғри деб билган йўлга қайтаришга ҳаракат қилдим. Бунда у Олий мақсадга эришадими, самога етиб борадими – менга бунинг аҳамияти йўқ эди. Мен фақат у тўсатдан ҳаёт тарзини ўзгартириши мумкинлигидан ва шу боис манфаатларим билан тўкнашишидан ҳадиксирардим. Қисқа қилиб айтганда, сўзларим биргина худбинлигимнинг ифодаси эди.

– Кимда олий маънавий камолотга интилиш бўлмаса – аҳмоқ, – мен бу сўзларни иккинчи марта такрорладим. Улар К. га қандай таъсир этаркан деб қараб турдим.

– Ҳа, аҳмоқ, – жавоб берди К. – Ҳа, аҳмоқ.

К. жойида қимир этмай туриб қолди. Менга кўзларини тикди. Беихтиёр сесканиб тушдим. Шу дамда у менга қўлга тушиб қолган ва ўзини ҳимоя қилиш мақсадида ҳамла қилмоқчи бўлган ўғрини эслатди. Аммо шундай бўлса-да, унинг гапиришга чиранганини сездим. Унинг нигоҳини кўрмоқчи бўлдим, аммо у кўзини олиб қочиб, аста нари кетди.

## XLII

К. билан ёнма-ён одимлаб борарканман, унинг оғзидан не сўзлар чиқаркин деб қулоғим динг эди. Бошқача қилиб айтганда, гўё пистирмада ўтиргандек эдим. Уша вақтда уни алдашим ҳам мумкин эди, деб ўйлайман. Аммо менинг ҳам виждоним бор, агар шу вақтда бирор кимса ёнимга келиб: “Сен аблаҳсан”, деганида эди, мен шу заҳоти ўзимга келган бўлардим. Бу сўзларни менга К. нинг ўзи айтганида, эҳтимо, уятдан ёниб кул бўлардим. Лекин у мени айблашга виждони йўл қўймасди. Ҳа, у жуда яхши одам эди. Мен эса ўша дамда кўр эдим ва унинг олдида бош

эгишим кераклигини унутиб, аксинча, бундан фойдаланиб қолдим. Уни мағлуб қилиш учун фойдаландим.

Бир қанча фурсат ўтгач, К. менинг отимни айтиб чақирди. Мен беихти-ёр тўхтадим. У ҳам тўхтади. Ниҳоят, нигоҳларимиз тўқнаш келди. Унинг бўйи мендан баланд бўлгани учун унга бошимни кўтариб қарадим. Унинг қаршисида гўё бегуноҳ кўзи олдидаги қашқир эдим.

– Бу гапни йиғиштирайлик, – деди у. Унинг кўзларида, овозида қандайдир маъюслик бор эди. Мен жавоб қайтара олмадим. У яна такрорлади, лекин энди илтимос қилгандек эди:

– Шу гапни қўяйлик.

Шунда унга кескин жавоб қайтардим.

– Йиғиштирамиз, йиғиштирамиз... Уни мен бошлаганим ҳам йўқ. Уни бошлаган ўзинг эмасми?! Йиғиштиришни истасанг, йиғиштирамиз, аммо бу ҳақда гапиришни бас қилганимиз билан ҳеч нарса ўзгармайди. Қалбингдаги туйғуларга хотима ясашга журъатинг етмаса, эътиқодларинг нима бўлади?

Шундай деб туриб, унинг баланд қадди-қомати назаримда қисқараётгандек ва кичрайиб бораётгандек туюлди. Доим айтиб келганимдек, у қайсар одам эди, лекин иккинчи томондан бошқаларга нисбатан икки қарра ростгўй эди. Унга ўзига-ўзи қарши чиққани учун танбех беришганда, тинч тура олмади. Уни кузатиб туриб, мен аста-секин тинчлана бошладим. Шунда у бирдан сўраб қолди:

– Журъатми? – унга бирор нима дейишга улгурмасимдан у қўшимча қилди, – Журъатми? Журъатим-ку бор, – у гўё ўзи билан ўзи суҳбатлашаётгандек эди. Булар бари гўё тушда бўлаётгандек эди.

Биз бошқа гаплашмадик ва уй томон одимлаб кетдик. Уйга қайтиб келиб, стол атрофига ўтирганимизда, бекач нега кеч қолганимизни сўради. Мени К.нинг таклифи билан Уэнода сайр қилганимизни айтдим. Бекач шундай совуқда сайр қилганимиздан хайрон қолди. Қиз Уэнода бирор гап бўлдими, деб сўради. Мен ҳеч нима бўлмаганини, шунчаки сайр қилганимизни айтдим. Одатда камгап бўлган К. ҳозир умуман чурқ этмай ўтирарди. Бекач унга гап қотса ҳам, қиз кулса ҳам индамай ўтирди, овқатини еб бўлгач, менинг туришимни ҳам кутмасдан, хонасига кириб кетди.

### XLIII

У вақтларда “уйғониш”, “янги ҳаёт” каби сўзлар йўқ эди. Бироқ К. нинг янги турмуш тарзига мутлақо интилмагани сабаби, унда замонавий одамларга хос ғояларнингда йўқлиги эмасди. Унинг ўзи кадрлайдиган ўтмиши бўлиб, шу туфайли илгариги “мен”дан воз кечолмасди. Шу ўтмиш туфайли у бугунги кунгача етиб келди, десак хато бўлмайди. Ўзи яхши кўрган инсонга талпинмагани, унинг совуққонлигидан асло далолат бермайди. У бир оз тин олиб, ортга назар ташлаш заруратини ҳис қиларди, холос. Ўтмиши уни шу вақтгача интилган мақсади сари йўналтирарди. Бундан ташқари у ҳозирги одамларда бўлмаган сабот ва матонатга эга эди. Мен айнан шу икки жиҳатдан унинг қалбига разм солишни истардим.

Қайтиб келганимиздан сўнг оқшомни нисбатан хотиржам ўтказдим. К. нинг ортидан унинг хонасига йўл олдим, столи ёнига ўтириб, атайин турли мавзуларда суҳбат бошладим. Назаримда, бу унга малол келаётгандек эди. Менинг кўзларимда эса чамаси ҳали ҳам ғалаба учқунлари порлаб, овозимда ўзимдан мамнунлигим билиниб турарди. У билан бирга ўтириб, исиниб олдим-да, ўз хонамга кириб кетдим. Энди ундан кўрқмаслигимни ҳис этдим.

Орадан кўп вақт ўтмай уйкуга кетдим. Лекин кимдир исмиمنى айтиб чақириб, уйғотиб юборди. Кўзимни очиб, қия очиқ эшик ёнида К. нинг

қора шарпасини кўрдим. Унинг хонасида чирок хали ўчмаганди. Тўсатдан уйғонганим учун бир муддат нафасим ичимга тушиб, унга қараб турдим.

Шунда К. мендан сўради:

– Ухлаяпсанми?

Унинг ўзи доим кеч ётарди. Унинг қора шарпасига қараб, сўрадим:

– Сенга бирор нарса керакми?

К. хеч қандай иши йўқлиги, ҳожатхонадан ўтаётиб, менинг ётган-ётмаганимни билмоқчи бўлганини айтди. Ёруғлик К. нинг орқасидан тушаётгани учун унинг юзини ҳам, кўзларини ҳам кўролмасдим. Бироқ овози одатдагидан хотиржамроқ эди. К. шу заҳоти эшикни суриб ёпди. Хонам зулматга чўмди. Мен яна кўзларимни юмиб, уйкуга кетдим. Бошқа хеч нарса эслолмайман. Фақат эртасига эрталаб ўтган воқеаларни хотирлаб, хайрон бўлдим. Ҳатто бу тушимда бўлмаганмикин, деган хаёлга ҳам бордим. Шунинг учун нонушта вақтида бу ҳақда К. дан сўрадим. К. ҳақиқатан ҳам эшикни очганини ва исмимни айтиб чақирганини тасдиқлади. Нимага бундай қилгани тўғрисидаги саволимга тайинли жавоб бермади. Аксинча, сўнгги вақтда қаттиқ ухлаш-ухламаслигимни сўради. Менга бунинг барчаси бир оз ғалати туюлди. Шу куни маърузаларимиз бир вақтда бошланарди ва биз уйдан бирга чиқдик. Кечаги воқеаларни ўйлаб, йўлда ундан яна шу тўғрида суриштира бошладим. Аммо К. яна қоникарли жавоб бермади. Шунда мен ундан:

– Уша масалада бирор нима демокчимисан? – деб сўрадим. К. қатъий жавоб берди:

– Йўқ.

Бу менга кеча Уэнода: “Бу гапларни йиғиштирайлик”, деб айтилган сўзларни эслатди. Бу борада К. ўз қадрини биларди. Кутилмаганда шу муносабат билан у айтган “журъат” сўзини эсладим. Мен шу вақтгача эътибор бермай келган бу товушлар тўплами қандайдир куч билан онгимга таъсир эта бошлади.

#### XLIV

Менга К.нинг қатъияти жуда таниш эди. У фақат шу биргина вазиятда заифлик қилганини ҳам билардим. Бир сўз билан айтганда, мен ҳаммасини тушунардим ва шу фурсатни маҳкам ушлаб олганимдан мағрурланардим. Бироқ у бир неча марта такрорлаган “журъат” сўзини яна айтганда, ғурурим сўнаётганини ва иккилана бошлаётганимни ҳис этдим. Шунда, балки, бунинг унга унчалик аҳамияти йўқдир, деб ўйладим. Мен, у дилида барча гумон, қайғу ва изтиробларни бирварақайига бартараф этишнинг сўнгги воситасини асраб қўймаганмикин, деган гумонга бора бошладим. Унинг “журъат” деган сўзи янгича маъно касб этмаганмикин? Агар ўша журъат нимадан иборат эканига яна бир бор холисона назар ташлаганимда эди, балки ҳаммаси яхши бўлармиди. Бахтга қарши, менинг бир кўзим кўр эди. Мен унинг сўзини шу қиз борасидаги кейинги қадам деб тушундим. Унинг журъати, қатъияти муҳаббат бобида ҳам намоён бўлмоқда, деб ўйладим. Қалбим менинг ҳам шундай бир тўхтама келишим кераклигини айтиб турарди. Энди бу чақириққа жавобан мен ўзимда журъатлиликни намоён қилдим. Мен барча ишни К. га билдирмай, ундан олдин ҳал этишга аҳд қилдим. Жимгина қулай фурсатни пойлай бошладим. Икки-уч кун ўтди, лекин ундай имконият туғилмади. Мен уйда К. ва қиз йўқ вақтда бекач билан гаплашмоқчи бўлдим. Аммо ҳар доим бири бўлмаса, иккинчиси ҳалал берарди. Мен ҳаяжонланардим.

Орадан бир ҳафта ўтгач, ниҳоят тоқатим тоқ бўлди ва мен ёлғондан ўзимни касалга солдим.

“Тур!” – дер эди менга бекач ҳам, қизи ҳам, К. нинг ўзи ҳам, лекин мен мужмал жавоб бериб, соат ўнгача кўрпа-тўшак қилиб ётдим. Уйда

К. ҳам, қиз ҳам йўқлигига ишонч ҳосил қилгачгина, ўрнимдан турдим. Афт-ангоримни кўриб, бекач ўзимни қандай ҳис қилаётганимни сўради. Ҳатто яна бир оз ётишга кўндирмоқчи, овқатни хонамга олиб кирмоқчи бўлди. Аммо бутунлай соғ бўлганим учун ётгим келмаётганди. Юзимни ювиб, ҳар галгидек ўрта хонада овқатлана бошладим. Бекач узун хибатининг нарёғидан туриб менга овқат узатарди.

Нонуштами ёки тушликми солинган идишни кўлимда ушлаб, қандай қилиб гап бошласам экан, деб ўйладим, кўринишим ҳақиқатдан ҳам беморга ўхшарди. Овқатланиб бўлиб, папирос чекдим. Столдан турмаганим учун бекач ҳам хибати ёнидан кетишни ноқулай сизди. Хизматкор аёлни қакириб, столдаги идишларни йиғиштириб олишни буюрди. Узи эса гоҳ темир чойнакка сув қуйиб, гоҳ хибатининг четини артиб, мен билан суҳбатлашарди. Мен ундан бирор юмуш билан бандмисиз, деб сўрадим. У “йўқ” деб жавоб берди.

Мен у билан бир оз суҳбатлашмоқчи эканимни айтдим.

– Нима гап? – дея бекач менга қаради. Гап оҳангим оддий бўлиб, менинг аҳволимни тушунтиргули ҳолда эмасди. Унга айтмоқчи бўлган гапларим бўғзимда қолаверди. Нима қилишимни билмай, у ёқ-бу ёқдан гапира бошладим ва ниҳоят: Яқин кунларда К. сизга ҳеч нарса демадимми? –деб сўрадим. Бекач соддадиллик билан:

– Айнан нимани назарда тутяпсиз? – деб сўради. Мен унга жавоб бергунимча яна: – У сизга бирор нарса деганмиди? – деди.

#### XLV

Мен бекачга К. дан эшитганларимни айтмоқчи эмасдим, шунинг учун:

– Йўқ, ҳеч нарса, – деб жавоб бердим. Лекин шу заҳоти ёлгон гапирганимдан уялиб кетдим. Бўлар иш бўлганди ва К. менга бирор арзигулик нарса демаганини, умуман гап у тўғрисида эмаслигини бир амаллаб айтиб кутулдим.

– Шундайми? – деди бекач ва нима дейишимни кутиб турди. Мен энди унга ҳамма гапни тушунтиришим керак эди.

– Қизингизни менга беринг, – дедим томдан тараша тушгандек.

Бекач мен кутганимдек ҳайрон бўлмади, – у чамаси бир нарса дейишга ожиз бўлиб, фақат менга индамай қараб турарди. Модомики, дилимдагини айтиб бўлган эканман, менга қандай қарашлари энди мени ташвишлантормасди.

– Беринг! Албатта беринг! – дедим мен. – Менга турмушга беринг, – давом этдим.

Бекачнинг ёши мендан каттароқ эди, менга нисбатан ўзини анча хотиржам тутди.

– Сизга турмушга беришим мумкин, аммо ҳали эрта эмасмикан? – деди у. Унинг қизига ҳозироқ уйланмоқчи эканлигимни айтганимда, у кулиб юборди.

– Яхшилаб ўйлаб кўрдингизми? – сўради у. Унга қатъий оҳангда бирдан нига шундай тўхтамак келганимни айтдим. Шундан кейин яна бир-икки савол-жавоб қилдик, лекин нималар деганим эсимда қолмади. Аммо бошқа аёллардан фаркли ўлароқ, бекач ҳамма нарсани эркаклар каби аниқ тасаввур қиладиган аёл бўлгани учун, у билан гаплашиш осон эди.

– Яхши. Сизга қизимни бераман, – деди у. – Гарчи бизнинг ҳозирги аҳволимизда “бераман” деб такаббурлик қилиш ярашмаса-да, илтимос, қизимни хотинликка олинг. Сизга маълумки, у камбағал, етимча қиз.

Энди бекачнинг ўзи илтимос қила бошлади. Суҳбатимиз қисқа ва лўнда бўлди. У ўн беш дақиқадан ортиқ давом этмади. Бекач ҳеч қандай шарт қўймади. Қариндошлар билан гаплашишнинг ҳам ҳожати йўқ экан.

– Унга кейин айтамыз, етади, ундан сўраб ҳам ўтиришнинг кераги йўқ,



– деди бекач. Бу борада маълумотли бўлганим учун кўпроқ расмиятчилик тарафдори эдим. Қариндошларнинг розилигини олмаса ҳам бўлади, аммо қизнинг розилигини олиш керак, деганимда, бекач:

– У рози бўлмаса берармидим? – деди.

Хонага қайтгач, иш силлиқ кўчди деб ўйладим ва кайфиятим ғалати эди. Миямга хатто қаёқдандир бунинг барчаси яхшимикан, деган хаёл ҳам келди. Бироқ бирдан бунинг барчаси менинг келажагимни белгилашини англадим. Кун ярмида мен яна ўрта хонага чиқдим ва бекачдан бугунги гапимизни қизига қачон айтмоқчи эканини сўрадим. У:

– Менга фарқи йўқ, – деди.

Бу борада мендан кўра бекач эркакка кўпроқ ўхшарди. Мен ўз хонамга қайтдим. Шунда у мени тўхташиб, агар истасам қизи билан бугуноқ гаплашиши мумкинлигини қистирди; қизи дарсдан қайтиши билан гаплашади. Шундай қилгани маъқуллигини айтиб, мен хонага кириб кетдим. Аммо, бу ерда қолсам, она-боланинг суҳбатини эшитиб қолишимдан ташвишга тушдим. Охир-оқибат мен фуражкамни кийиб ташқарига чиқиб кетдим. Йўлда қизнинг ўзини учратиб қолдим. Ҳеч гапдан хабари йўқ, мени кўриб у хайрон бўлди. Фуражкамни ечиб, сўрадим:

– Уйга кетяпсизми?

– Ўзингиз тузалиб қолдингизми? – деб сўради у саволимга савол билан.

– Тузалдим, раҳмат, отдайман, – дедим-да, Суйдобаши кўприги томон йўл олдим.

## XLVI

Саругаку-чө кўчасидан ўтиб, Дзимбо-чө кўчасига чиқдим ва Коисикава томонга бурилдим. Имари бу ерларга доим эски китоблар дўконига китоб қараш мақсадида келардим, аммо шу куни китобларга қараш истаги менда умуман йўқ эди.

Кўчадан кетиб борарканман, уйда бўлиб ўтган воқеани ўйлардим. Қизуйга қайтгач, нималар содир бўлишини тасаввур қилдим. Бу икки сиймо гўё мени етаклаб кетаётгандек эди. Баъзан ўзим сезмаган ҳолда кўча ўртасида тўхтаб қолардим. Шунда: “ҳозир бекач қизи билан гаплашяпти” ёки “энди суҳбат тугади”, деб ўйлардим. Ниҳоят, Мансэйбаси кўпригидан ўтдим ва Мёдзин ибодатхонаси ёнидаги тепаликдан тушиб, Хонго тепалигига етиб келдим; у ердан Кикудзака тепалигидан тушиб, ниҳоят Коисикава водийсига чиқдим. Мен босиб ўтган йўл уч мавзени ташкил этарди. Узоқ сайр мобайнида бирор марта ҳам К. ни ўйламадим. Ҳозир ўша вақтдаги ҳолатимни эсласам, нега шундай бўлганини мутлақо тушунмайман. Фақат ҳайратланаман.

Даҳлиздан хонамга ўтаётганимда бирдан мени ҳижолат босди. К. ҳар доимгидек стол ёнида китоб ўқиб ўтирарди. Ҳар галгидек кўзини китобдан узиб менга қаради. Аммо одатдагидек: “Э-ҳа, бу сенми?” демади. Бунинг ўрнига:

– Соғлигинг қалай? Докторга бордингми? – деб сўради.

Шу топда унинг олдида тиз чўкиб, кечирим сўрагим келди. Бу кўнглим бўшлигидан эмасди. Агар иккаламиз кенг дала ўртасида бўлиб қолганимизда эди, мен шубҳасиз виждон амрига бўйсинардим ва шу заҳоти ундан кечирим сўрардим. Аммо уйда одамлар бор эди. Табиий интилишимни шу вазият тўхташиб турарди. Бахтга қарши, бу ҳол бошқа ҳеч қачон такрорланмади.

Кечки овқат пайтида К. билан яна тўқнашдик. Ҳеч нарсадан хабари йўқ у паришонхотир эди ва кўринишидан ҳеч нарсани сезмагандек эди. Бекач эса одатдагидан қувноқроқ эди. Биргина мен барчасини билардим. Лукма томоғимдан базўр ўтарди. Қиз биз билан ўтирмади, онаси уни чақирганда, қўшни хонадан туриб:

– Ҳозир, – деб жавоб қайтарди. К. хайрон бўлиб сўради:

– Бирор гап бўлдимиз?

Бекач, қизим балки уялаётгандир деб, менга қараб қўйди. К. янада хайрон бўлди. “Нимадан уялади?” – деб суриштиришга тушди у. Бекач кулиб яна менга қаради.

Столга келиб ўтиришим билан бекачнинг юзига қараб, масала нима билан яқунланганини тушундим. Аммо бу ҳақда менинг олдимда К. га гапира бошлашса, бунга чидай олмасдим. Бекач аёл киши бўлгани учун бундай нарсаларга оддий қараётганидан ташвишда эдим. Бахтимга К. бошқа гапирмади. Ҳар галгидан яхшироқ кайфиятда бўлган бекач мени ҳижолатга қўймаслик учун гапни ортиқ чуватмади. Эркин нафас олиб, ўз хонамга кириб кетдим. Лекин энди ўзимни К. билан қандай тутишим кераклиги борасида ўйламасдан туролмасдим. Ўзимни оқлаш учун турли баҳоналар излардим. Иродасизлигим ва пасткашлигим туфайли ҳаммасини К. га ўзим айтиб беролмаслигимни ҳам англадим.

## XLVII

Икки-уч кунни шу тариқа ўтказдим. Шу икки-уч кун ичида К. туфайли чекаётган виждон азобим юрагимни кўрғошиндай босиб ётди. Мен бирор нарса қилиш кераклигини, акс ҳолда яхши бўлмаслигини билардим. Бунинг устига гоҳ онасининг, гоҳ қизининг эндиги хатти-ҳаракатлари дилимга наштардек санчиларди. Стол атрофида ўтирганимизда онаси оғзидан гуллаб қўйиши ҳеч гап эмас эди-да. Қизининг ҳам хатти-ҳаракатлари К. да шубҳа уйғотмайди, деб бўлмасди. Бинобарин, бу оилада мен билан янги муносабатлардан К. ни хабардор қилиш зарурати туғилди. Аммо мен ўзимни маънан заифлигимни тан олиб, буни амалга оширишим ниҳоятда мушкул эди. Нима қилишимни билмай, бекачдан ҳаммасини К. га айтиб беришини илтимос қилсаммикан, дедим. Албатта, бу менинг йўқлигимда бўлиши керак. Бироқ буни бекач орқали айттирганимда, нима учун ўзим айтмаганим тўғрисида савол туғиларди. Буни бекачнинг зиммасига юклаш онаси ва қизи олдида ўзимнинг заифлигимни ошкор қилиш демак эди.

Шундай бўлиб қолдики, ҳалол йўлдан юришни истасам-да, барибир сирпаниб кетиб, аҳмоққа айланган мен бўлдим. Тўғрироғи – разил кимсага айландим. Урнимдан туриб юришда давом этишни истаганимда, атрофдагилар менинг сирпаниб кетганимни сезиб қолишарди. Шундай бўлса ҳам, энди олға юришда давом этишим керак эди. Мен икки истак орасида қолгандим, мажруҳ инсонга ўхшардим...

## XLVIII

Бекач билан К. ўртасидаги суҳбат икки кун аввал бўлиб ўтган эди. Шу вақт ичида унинг менга бўлган муносабати умуман ўзгармади, шунинг учун унинг хатти-ҳаракатларидан ҳеч нима англай олмасдим. Мен: “Майли, бу хатти-ҳаракат шунчаки ташқи никоб бўлаверсин, барибир у таҳсинга лойиқ”, деб ўйладим. Уни хаёлан ўзим билан солиштирганимда, у янада салобатлироқ, мендан янада баландроқ бўлиб кўринарди. “Сен сиёсатчи сифатида ғолиб чиқдинг, аммо инсон сифатида мағлубиятга учрадинг”. Ана шундай хиссиёт қалбимни ўрттар эди. Ёлғиз қолганимда К. энди мендан нафратланиши керак деб ҳисоблаб, уятдан қизариб кетардим. Аммо унинг олдида бундай шармандагарчилик билан бош эгиб туришга ғурурим йўл қўймасди.

Нима қилишимни билмай, эртаси кунни кутишга қарор қилдим.

Шанба куни кечкурун эди. Одатда мен бошимни шарққа қўйиб ётардим, лекин шу куни кунботарга қўйиб ётдим. Кечаси бош томонимдан эсан шамолдан уйғониб кетдим. Кўзимни очиб, ўша ёмғирли окшомдаги каби

хоналаримизни ажратиб турувчи эшикнинг очилиб кетганини кўрдим. Тирсагимга тираниб турдим-да, К. нинг хонасига мўраладим. К. нинг чироғи хирагина милтираб турарди. Ўрни тўшалган, К. ўрнида юзтубан ётарди. Мен уни чақирдим. Жавоб бўлмади.

– Сенга нима бўлди? – деб яна чақирдим.

К. тагин чурқ этмади. Мен ўрнимдан сапчиб туриб остонага келдим. Шу ердан чирокнинг хира нурида бутун хона кўринар эди. Мен жойимда қотиб қолдим. Назаримда совуқ шамол яна эсгандек бўлди ва миямга: “Тамом!” деган фикр урилди. Қора булутлар келажагимни ўзининг мунгли пардаси билан тўсиб, менинг бундан кейинги бутун ҳаётимни қамраб олгандай эди. Мени қалтироқ босди.

Шунга қарамай, ўзимни тутдим. Стол ёнига келиб, унда ётган хатга кўзим тушди. Узим тахмин қилганимдек, у менга ёзилган экан. Деярли ҳеч нима англай олмай хатжилдни очдим. Мен: “Бу хатда мен учун қанчалик аччиқ сўзлар бўлиши керак”, деб ўйлардим. Аммо унинг ичида мен ўйлаган нарсадан асар ҳам йўқ эди. Мен яна: “Бу хатга кўзи тушган она-бола мендан қанчалик нафратланадилар-а!”, деганх ҳам бордим. Ваҳима босди.

Аммо хатнинг мазмуни оддий эди. К. иродаси заифлиги ва келажакдан ҳеч қандай умиди йўқлиги сабабли ўзини ўлдираётганини ёзганди. Бунга қўшимча қилиб уни деб, ташвиш чекканим учун менга самимий миннатдорчилик ҳам билдирибди. Шу ернинг ўзида ўлимидан сўнг ҳам у ҳақда қайғуришимни илтмос қилибди. Бекачдан эса унинг уйида бўладиган бесаранжомлик учун узр сўрабди. Қариндошларига хабар бериш тўғрисида топшириқ ҳам бор эди. У ҳамма нарса тўғрисида батафсил ёзиб, фақат қизнигина тилга олмаганди. Хатни охиригача ўқиб чиқиб, у атайин шундай қилганини тушундим. Лекин мени қаттиқ изтиробга солган нарса – хат охиридаги илова бўлди: “Мен илгарироқ ўлишим керак эди. Нимага шу вақтгача яшаб келдим?”

Мен қалтираб турган қўлларим билан хатни буклаб, қайтариб хатжилд ичига солиб қўйдим. Хатни яна стол устига – ҳамманинг кўзи тушадиган жойга қўйдим. Шунда оркамга қараб тўсик остигача оқиб борган қонга кўзим тушди.

## XLIX

Иккала қўлим билан К. нинг бошини аста кўтардим. Мен унинг жонсиз юзини кўрмоқчи эдим. Лекин у юзтубан ётгани учун унга эгилиброқ қараб, дархол қўлларимни тортиб олдим. Унинг боши жуда оғирдек туюлди. Бир муддат ҳозиргина қўлларим теккан совуқ қулоқларига, қалта қирқилган сочларига қараб турдим. Менинг сира йиғлагим келмаётганди. Мен фақат кўрқиб титрамоқда эдим. Бу – вазиятнинг ҳиссиётларга таъсири билан боғлиқ оддий кўрқув эмасди. Мен энди танаси совуқ улгурган ўртоғимнинг таъсири остига тушиб қолган тақдиримнинг аянчли кечишини бутун вужудим билан ҳис этиб турардим. Узим билмаган ҳолда хонамга қайтиб кирдим ва у ёқдан-бу ёққа юра бошладим. Нимадир қилишим кераклигини билардим. Лекин шу билан бирга энди ҳеч нарса ҳам қилиб бўлмасди. Мен фақат қафасга тушган айиқдек хонамда у ёқдан-бу ёққа ўзимни урардим.

Ичкарига кириб, бекачни уйғотмоқчи бўлдим. Лекин аёлларга бундай манзарани кўрсатиш яхши эмас, деган фикр мени тўхтатиб қолди. Бекачга кўрсатиш мумкин бўлганда ҳам, қизни зинҳор кўрқитмаслик керак! Бу фикр миямга қаттиқ ўрнашиб олди. Мен яна хонамда юра бошладим.

Хонамдаги лампани ёқиб, соатга қарадим. Шу кеча ҳаётимдаги энг узун тун бўлди. Қачон уйғонганимни яхши билмасдим, аммо тонг яқинлиги аниқ эди. Тонг отишини интиқиб кутиб, мен мана шу қоронғу тун бир умр давом этишини ўйлаб, даҳшатга тушдим.

Одатда мен соат еттиларда турардим, саккизда маърузалар бошланарди.

Хизматкор аёл олтида турарди. Шу куни хизматкор аёлни уйғотишга кетаётганимда, соат ҳали олти бўлмаганди. Бекач бугун якшанба эканлигини эслатиб қўйди. У менинг қадамларим товушидан уйғониб кетган эди. Мен ундан, агар ухламаётган бўлсангиз, хонамга кириб, деб сўрадим. У дарҳол эгнига хабори ни ташлаб, ортимдан кириб келди. У кириб келаётганида шу вақтгача очик турган сурма эшикни ёпиб қўйдим ва паст овозда унга дедим:

– Бахтсизлик рўй берди.

– Нима бўлди? – сўради у хавотирланиб. Мен иягим билан қўшни хонага ишора қилиб, дедим:

– Фақат кўркманг!

Бекач қув оқариб кетди.

– К. ўзини-ўзи ўлдирибди, – дедим мен. Бекач қотиб менга қотиб қараб турарди. Шунда мен шартта унинг оёқларига йикилиб, бошимни полга эгдим.

– Мени кечиринг! Мен гуноҳқорман! Сизнинг ҳам, қизингизнинг ҳам олдида гуноҳқорман, – деб илтижо қила бошладим. Аввалига бундай қилишни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим, аммо унга қараб туриб ўзим учун кутилмаган ҳолда шундай қилдим. Энди К. нинг ўзидан кечирим сўрай олмаслигим учун она билан қиздан кечирим сўрагим келди. Бекач сўзларимга унчалик эътибор бермади. Ўзининг ранги оқариб кетганига қарамай, мени юпатишга ҳаракат қиларди:

– Бундай бўлади деб ким ҳам ўйлабди. Энди нима қиламиз?

Кўркув унинг бутун вужудини қамраб олмоқда эди.

## L

Бекачга раҳмим келди, ўрнимдан туриб, шу вақтгача берк турган эшикни очдим. К. нинг хонасидаги чирокнинг керосини ёниб тугаган, хона зимзиё эди. Шунда қайтиб келиб, ўзимнинг чироғимни олдим, уни тутганча остонада бекачга қарадим. У орқамга яшириниб, К. нинг кичкина хонасига мўралади, лекин ичкарига кирмади.

– У ерда ҳаммасини ўз холича қолдиринг, фақат ташқаридаги дераза тавақаларини очиб қўйинг, – деди у.

Кейин мен докторнинг олдида бориб келдим, полицияга хабар бердим – буларнинг барчасини бекачнинг топшириғи билан қилдим. Барча расмиятчиликлар адо этиб бўлинмагунча, у К. нинг хонасига ҳеч кимни киритмади. К. пичоқ билан бўйин томирини кесиб, тез ўлим содир бўлган эди. Бундан бошқа унда ҳеч қандай жароҳат йўқ эди. Мен тўсиқ остида кўрган бояги қон айнан шу томирдан сизиб чиққан эди. Қун ёруғида мен уни яна кўрдим. Одам қонининг кўриниши мени лол қолдирди. Бекач иккимиз қўлимиздан келганича К. нинг хонасини йиғиштирдик. Бахтимизга қонининг кўп қисми тўшакка шимилган экан, шолчалар эса деярли топ-тоза турарди. Бекач иккимиз К. нинг жасадини менинг хонамга олиб кирдик ва уни ухлаётгандек қилиб ётқизиб қўйдик. Шундан сўнг унинг оиласига телеграмма юбориш учун уйдан чиқдим.

Қайтиб келганимда К. нинг бош тарафида тутатқилар ёқилганди. Хонага киришим билан димоғимга мана шу буддавий маросимининг ҳиди урилди ва тутун орасида ўтирган аёлларни кўрдим. Кечадан бери қизни биринчи марта кўришим эди. У йиғларди. Онасининг кўзлари ҳам кизарганди. Мен индамасдан иккала аёлнинг ёнига ўтирдим. Бекач мен ҳам тутатқи ёқишимни айтди. Баъзи-баъзида у билан бир-икки оғиз гаплашардик, лекин бу гаплар маросимга тегишли эди. Қиз билан гаплашгани журъатин етмади. Мен фақат, яхшиям у тунги дахшатли манзарани кўрмади, деб ўйлардим. Ёш қизга бундай дахшатли манзара кўрсатилса,

<sup>1</sup> Хабор – японча либос.

унинг гўзаллиги ғойиб бўлишидан кўрқардим. Мен буни дахшат бошимдан оёқларим учигача чулғаб олганда ҳам ёдимда тутдим. Бу нарса чиройли гулни хивич билан савалаш каби ёқимсиз эди.

К. нинг юртидан отаси ва акаси келганида, мен уларга дафн этиш жойи борасида ўз фикримни билдирдим. К. ҳаётлигида биз у билан Дзосигаё атрофларида тез-тез сайр қилиб турардик. У бу ерларни жуда ёқтирарди. Мен ҳатто ярим ҳазил қилиб, бу ерни шунчалик яхши кўраркансан, ўлганинга сени шу ерга дафн қиламан, дегандим. Худди ваъда берганимдек, уни ўша ерга дафн қилишни, тирик эканман, ҳар ой унинг қабрига келиб, гуноҳларим учун кечирим сўрашни истардим. Мен К. га ёрдам бериб келганим сабабли у ҳеч нарсага муҳтож бўлмади. Шу боис ҳам биз дўстлашиб қолган эдик. К. нинг отаси ва акаси мен айтгандек қилишди.

## LI

К. ни дафн қилиб келганимиздан сўнг ўртоқларидан бири К. нега ўзини ўлдирди экан, деб сўради. Воқеа содир бўлгандан бери менга бундай саволни беравериб роса жонимга тегишган эди. Бекач ва унинг кизи, дўстимнинг отаси ва акаси, бундан хабар топган барча таниш-билишлар, бунга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган рўзнома мухбирлари ҳам – барча-барчаси менга, албатта, шу саволни беришарди. Ҳар сафар виждоним қийналарди. Бу саволнинг ортида: “Ахир уни сен ўлдирдинг-ку! Тан ол!” деган таъна жаранглагандай бўларди.

Ҳаммага берадиган жавобим бир хил эди. Мен фақат ёзган хатидаги гапларни такрорлардим ва ўзимдан ҳеч нима қўшмасдим. Қабристондан қайтишимизда менга шу саволни берган ва керакли жавоб олган К. нинг ўртоғи кўйнидан бир рўзнома чиқариб, менга кўрсатди. Мен юра-юра, у рўзномадан менга кўрсатилган жойни ўқидим. Унда К. хафақон хуржидан ўлгани, бу эса унинг уйдан қувилгани оқибати экани ёзилганди. Мен ҳеч нарса демай рўзноmani буклаб эгасига қайтардим. Шунда у менга бошқа рўзномада у ақлдан озганлиги сабабли ўзини-ўзи ўлдирган деб ёзилганини айтди. Мен банд бўлганим учун деярли рўзнома ўқимасдим ва бу ҳақда ҳеч нарса билмасдим, аммо ич-ичимда бундан ташвишда эдим. Мен бекачнинг оиласи шаънига доғ тушиб қолишидан кўрқардим. Айниқса кизнинг исми юзага чиқиб қолиши мен учун дахшат бўлиб туюларди. Мен у йигитдан яна нималар ёзишяпти, дея сўрадим. У фақат шу иккита хабарга кўзи тушганини айтди.

Мен ҳозирги уйимизга шу воқеадан кейин кўп ўтмай кўчиб ўтдим. Она ва киз ўша мудҳиш уйда қолишни истамасди, мен учун ҳам ўша тунги дахшатни ҳар кун эслаш оғир эди. Биз келишиб туриб, бирга кўчиб ўтишга аҳд қилдик.

Орадан икки ой ўтгач, мен университетни муваффақиятли тугатдим. Ярим йил ўтар-ўтмас, ниҳоят, уйландим ҳам. Ташқаридан қараганда ҳаммаси ўзим ўйлагандек муваффақиятли бўлган, она ва киз бахтлидек эди. Мен ҳам бахтли эдим. Аммо бахтим ортида қора кўланка соя солиб турарди ва мен, “шу бахт мени пировард-натихада ҳалокатга олиб боради-ёв”, деб ўйлардим. Турмушга чикқач, хотиним, энди уни киз деб эмас, хотиним деб атайман. К. нинг қабрига бирга бориб келишни таклиф қилди. Мен сесканиб тушдим.

– Нимага тўсатдан миянга бундай фикр келиб қолди? – деб сўрадим ундан. У менга:

– Иккаламиз унинг қабрини зиёрат қилсак, К. нинг руҳи балки шод бўлар, – деб жавоб берди.

Мен ҳеч нарсдан хабари бўлмаган хотинимнинг юзига синчков тикилдим. У, нега менга бунақа қараб қолдингиз, деб сўрагандагина ўзимга келдим. Хотиним истаганидек, иккаламиз Дзосигаёга бордик. Мен қабрга сув

қуйдим, хотиним тутатқилар ёқди ва гуллар қўйди. Қўлимизни қовуштириб, бошимизни эгиб иккаламиз дуо қилдик. Эҳтимол, хотиним унга биз иккимиз қовушганимизни айтиб бериб, биз учун қувонишини сўрагандир; мен эса ичимда фақат: “Мени кечир! Кечир!” деб тақрорлардим, холос.

Хотиним қабрни сийпалаб, ҳаммаси яхши ўтганини айтди. Айтарли бошқа ҳеч гап йўқ эди, мен ўзим устага бориб, қабр тошини буюртирган-нимни ҳам хотиним айтди. Мен хаёлан шу янги қабрни, мен учун янги бўлган хотинимни ер остига қўйилган К. нинг оқ суяқларига солиштирдим, бунда тақдирнинг аччиқ ҳазилини ҳис этмаслигим мумкин эмасди. Шундан сўнг мен К. нинг қабрига ҳеч қачон хотиним билан бирга келмайдиган бўлдим.

## ЛII

Оламдан ўтган дўстимга нисбатан бундай ҳиссиёт менда доимий сақланиб қолди. Аслини олганда мен бундан аввал-бошданок кўрққандим. Мен шунча йиллар кутган никоҳ тўйимда ҳам кўнглим ғаш эди. Келажагим мен учун аён бўлмагани сабабли, бу никоҳ ҳиссиётларимни ўзгартириб юборади ва янги хаётга қадам қўяман, деб умид қилгандим. Аммо энди туну кун хотиним билан бирга бўла бошлаганимдан буён бу орзуларим саробга айланди. Хотиним билан яшарканман, К. менга таҳдид қилаётганини сеза бошладим. У ўртамизда туриб олиб, бир-биримиздан нари кетишга йўл қўймасди. Хотинимдан ҳар томонлама хурсанд эдим. Бу кайфият албатта, дарҳол аёлимнинг қалбида ҳам ўз ифодасини топарди. У буни намойиш этар, аммо сабабини билмасди. Баъзан у менга нима ҳақда ўйлаётганим тўғрисида савол берарди. Мендан, сизга нима ёқмаяпти? – деб сўрарди. Шунда мен баъзан кулиб кутулардим. Лекин гоҳо уники ҳам тутиб кетарди. Натижада: “Балки сиз мени севмай қўйгандирсиз!” ёки “Сиз мендан ниманидир яширяпсиз!” қабалида дакки эшитишимга тўғри келарди. Бундай вақтларда мен ич-ичимдан изтироб чекардим.

Бир неча марта мен хотинимга ҳаммасини рўй-рост айтиб бермоқчи бўлдим. Лекин ҳар сафар қандайдир бир куч мени тўхтатиб қолаверди. Сиз мени албатта тушунасиз, буни айтмасам ҳам бўлади, лекин ҳикоям изчил бўлиши учун бу ҳам керак-да. Уша вақтларда хотинимнинг кўзига яхши кўринишга уринмаганман. Мен бор гапни хотинимга айтиб берганимда, хотиним, албатта, кўз ёши қилгачгина сўнг мени кечирган бўларди. Бундай қилмаганимнинг боиси – менга фойдаси бор-йўқлигидан эмасди. Фақат унинг миясига бу гаплар қора доғ бўлиб ўтириб қолишидан хавфсираб сир сақлагандим. Оппоқ қоғозга атайлаб сиёҳ тўкиш яхшими? Бу ўз-ўзидан тушунарли-ку ахир.

К. нинг ўлимидан кейин бир йил ўтди, мен эса ҳамон уни унута олмасдим ва кўнглимда қандайдир хавотир ҳам бор эди. Бу хавотирдан фориғ бўлиш учун китоб ўқишга тушдим, ишга зўр бера бошладим. Ишимнинг натижаси нашр этиладиган кунни интиқлик билан кута бошладим. Лекин ўз олдига сунъий мақсад қўйиб, унинг натижасини сунъий тарзда кутишнинг ўзи қалбакилик эди ва мен ўзимни ёмон ҳис қила бошладим. Қалбимни ҳечам китоблар орасига кўма олмасдим. Яна қўл қовуштирганча кўкка боқишга тушдим.

Хотиним бунга, кўнглининг ғашлиги – бугунги куннинг ташвишини қилишимдан, деб қарарди. У бир ҳисобдан ҳақ эди, уларнинг бир оз маблағлари бўлиб, мен иш қидиришим ҳам шарт эмасди. Бироқ жойимдан қимирламаслигимнинг боиси бу эмасди. Амаким мени алдаган пайтларида, одамларга ишониш мумкин эмаслигини аниқ ҳис этгандим, мен фақат ўзимга қаттиқ ишонардим, дунё ўзгариши мумкин, лекин мен яхши инсонлигимча қоламан, деб ҳисоблардим. Аммо К. билан содир бўлган воқеа сабаб мен ҳам амаким каби инсон эканлигимни англаганимда, ўзимга

ишончим бирдан йўқолди. Ўзгалардан ўзимни олиб қочадиган, ўзимдан ҳам қочадиган бўлиб қолдим, бирор иш билан машғул бўлишга ўзимда куч топа олмасдим.

### ЛШ

Ўзимни тириклайин китоблар орасига кўмишга қурбим етмай, бир вақтлар руҳимни майга чўмдиришга ва шу йўл билан дардларимни унутишга уриниб кўрдим. Мен асло майпарастлардан эмасман. Лекин кези келганда ичишдан қайтмайман. Ана шундай пайтларда ўз қалбимни майда чўктиришга ҳаракат қиламан. Аммо бу ҳолат тез орада менинг атроф-оламдан нафратланишимга олиб келди. Ута мастлигимда ҳам мен ўзимнинг қай аҳволдалигимни ҳис эта бошлардим. Ўз ҳаракатларим билан ўзимни алдаб юрган аҳмоқ эканимни ҳис қилардим. Баъзан эса ҳар қанча ичмайин, ҳатто атайлаб ҳам шу ҳолатга эриша олмасдим ва тушкунликка тушардим. Сунъий тарзда қувноқ кайфиятга эришганимдан сўнг, албатта, яна тушкунликка тушиб қолардим. Бунинг барчасини ҳаммадан кўра кўпроқ севган кишим – хотинимнинг, у билан бирга онасининг кўз ўнгида қулаётганим мен учун оғир эди. Улар менинг бундай ҳаракатларимни ўзларининг нуқтаи назаридан тушунишга уринар эдилар.

Чамаси қайнонам хотинимга нималардир деган. Хотиним эса буни мендан яширарди. Кўпинча у мендан бирор нарса ёқмаётган бўлса, уялмай айтишимни сўрарди. Яна менинг келажагим учун ташвишланиб, ичишни ташлашимни ҳам илтимос қиларди.

– Сиз бутунлай бошқача одам бўлиб қолдингиз! – дерди.

Буниси ҳам майли-я, бир куни у:

– К. тирик бўлганида сиз бундай аҳволга тушмаган бўлардингиз, – деди.

Мен унга, балки сен ҳақдирсан, дедим, аммо бу сўзларни мен бошқача, у бошқача тушунар эдик. Дилимни яна ғашлик чулғарди, лекин хотинимга бирор оғиз гап айтмасдим.

Баъзан ундан кечирим сўрай бошлардим. Бу, одатда, ичиб олиб, кеч қайтган куннинг эртасига бўларди. Хотиним куларди. Лекин индамасди. Баъзан эса кўзларидан ёш оқарди. Буларнинг ҳеч бири менга ёқмасди. Шунинг учун хотинимдан кечирим сўраш ўзимдан-ўзим кечирим сўрагандек гап эди.

Охир-оқибат ичишни ташладим. Хотиним кўндиргани учун эмас, бунга ўзимнинг тоқатим қолмагани учун ташладим.

Ичишни ташладим-у, аммо бирор нима қилишга ҳафсалам йўқ эди. Қилар ишим йўқлигидан яна китоб ўқий бошладим. Аввалига китобларни ўқиб, бир четга олиб қўярдим. Хотиним бир неча марта мендан нимага бундай қилишимни сўради. Мен қовоғимни очмай, кулиб қўя қолдим. Ичимда, дунёда мен яхши кўрган ягона киши ҳам мени тушунмайди-ку, деб ўйлардим. Бундан яна маънос тортардим. Мени тушунишига мажбур қиладиган нарса бор, фақат иродам етишмаслигини ўйлаганимда мен янаям маъносроқ бўлиб қолардим, мен тушкунликка тушардим. Кўпинча ҳамма нарсани ташлаб кетиб, бирор жойда якка-ёлғиз яшашни ихтиёр қилардим. Шу билан бирга мен К. нинг ўлими тўғрисида кўп ўйлардим. Бошида хаёлимни фақат “севги” сўзи қамраб олганиданми, менинг хулосам оддий ва қисқа эди. Мен, К. омадсиз муҳаббатдан ўлди, деган қарорга келгандим. Аммо далилларга аста-секин хотиржамлик билан назар ташлаб, масала бунчалик оддий бўлмаса керак, деб ўйлай бошладим. “Ҳақиқатнинг олий мақсад билан тўқнашувими?” Бу ҳам етарли эмасди. Ниҳоят ҳозир мен ёлғиз қолганим каби, К. ҳам бутунлай ёлғиз қолиб, бирдан шундай қарорга келган, деб гумон қила бошладим. Шунда сесканиб кетдим. Мен ҳам К. га ўхшаб шу йўлдан борсам, менинг ҳам куним шундай битса-я, деб ўйлардим-у, баданим муз бўлиб кетарди.

## LIV

Бу орада қайнонам касал бўлиб қолди. Чақиртирган докторимиз унинг касали бедаволигини айтди. Мен кўлимдан келганича унга ёрдам беришга ҳаракат қилдим. Мен буни беморнинг ўзи учун ҳам, севикли хотиним учун ҳам, кўпроқ, умуман, инсонийлик нуқтаи-назаридан қилардим. Шу вақтга қадар ҳам бошқалар учун нимадир қилишни истардим, лекин бирор нарса қилишга ожиз бўлганимдан, беихтиёр елка қисардим. Ҳозир, атроф-оламдан ўзимни четлатиб, ўз кўлларим билан қандайдир эзгу иш қилаётганимни биринчи бор ҳис этдим. Менда бир қайфият пайдо бўлди – буни ўз гуноҳларини ювмоқчи бўлган кишининг қайфияти дейиш мумкин.

Қайнонам вафот этди. Хотиним билан иккимиз қолдик. У менга қараб, энди дунёда унинг ёлғиз таянчи мен эканлигимни айтди. Мен эса хатто ўзимга ҳам таянч бўлолмасдим, шу боис хотинимга қараб туриб, кўз ёшларимни ичимга ютдим. Уни бахтиқаро аёл – деб хаёлдан ўтказдим-да, кейин овоз чиқариб:

– Бахтиқаро аёл! - дедим.

– Нега? – деб сўради у.

У мени тушунмасди. Мен эса унга аҳволимни тушунтириб беролмасдим. Кейин у йиғлаб юборди. Ҳар доим менга қандайдир бошқача қарайсиз, деди таънаомуз. Қайнонамнинг ўлиmidан кейин хотинимга имкон қадар юмшоқ муомалда бўлишга ҳаракат қилдим. Уни яхши кўрганим учунгина эмас. Меҳрибончилигим ортиқ бирор шахсга боғлиқ бўлмаган, янада кенгроқ бошқа бир маъно бор эди. Мен касал қайнонамнинг тўшаги тепасида ўтирганимдаги ўз хаёлларим билан банд эдим. Хотиним мендан хурсанддек эди. Аммо бу хурсандчилик остида у мени тушунмаганидан келиб чиқувчи аллақандай норозилик аломати сезиларди.

Бир куни хотиним мендан, аёлнинг қалби эркакнинг қалби билан бириктиб кета оладими, деб сўради. Мен мужмалгина қилиб, ёшлик йилларида шундай бўлиши мумкин, дедим. Шунда хотиним гўё ўтмишига назар ташлагандай, енгил хўрсиниб қўйди.

Шундан сўнг кўнглимда қандайдир ғашлик пайдо бўла бошлади. Бу ғашлик дастлаб у қаердандир ташқаридан келиб, вужудимни камраб оларди. Мен кўркиб кетиб, қалтирай бошлардим. Аммо вақт ўтиб, қалбим бу ғашликка қарши жавоб қайтара бошлади. Охир-оқибат бу ғашлик менда туғма бўлиб, қалбим тубида яшириниб ётгандек туюла бошлади. Шунда миям айниб қолмадимикан, деб ўзимдан шубҳалана бошладим. Лекин на табибга, на бошқа бирор кимсага мурожаат қилдим.

Мен доим барча инсоний гуноҳларни ҳис этиб келганман. Бу ҳиссиёт мени ҳар ой К. нинг қабрига етаклаб келарди. Бу ҳис мени касал қайнонамни парвариш қилишга мажбур этди. Шу ҳиснинг ўзи хотинимга меҳрибон бўлишимга даъват этарди. Шу ҳиссиёт туфайли йўлимда учраган нотаниш кишилар мени савалашларини истардим. Шу йўлдан қадам-бақадам бориб, бировлар савалагандан кўра ўзимни-ўзим савалаганим маъқул, деган фикрга келдим. Кейин, ўзимни-ўзим бундай жазолаганимдан кўра ўзимни ўлдирганим яхшироқ эмасми? – деган ўй келди миямга. Лекин бирор нарса қилишга қодир эмаслигимдан ўзимни ўлдириш фикри қатъийлашгунча яшаб туришга қарор қилдим. Бу қарорга келганимдан буён орадан кўп йиллар ўтди. Биз хотиним билан аввалгидек аҳил яшардик. У билан бахтсиз эмасдик. Биз бахтли эдик. Аммо хаёлнинг бир чеккасида турадиган, юрагимни кемириб келаётган ўша машғум воқеани хотиним билмасди. Шунини ўйлаганимда, хотинимга раҳмим келиб кетарди.

## LV

Ўзимни-ўзим ўлдиришга аҳд қилганимдан буён, ташқи оламнинг ижобий таъсири остида руҳан тиклангандек бўлдим. Аммо бирор нар-



сага қўл уришим билан қандайдир бир қора куч юрагимни чулғаб олиб, қимирлашга бермасди. Бу куч мени тамомила синдириш учун: “Сенинг бирор нарса қилишга ҳам ҳақкинг йўк” дер эди. Биргина шу гапдан сўнг яна шаштим қайтарди. Аллақанча вақт ўтиб, яна тиклангим келарди, аммо яна оёқ-қўлларимга кишан солинарди. Тишларимни ғижирлатиб:

– Нега одамга халал берасан? – деб бақирардим.

Ғойибона куч совуқ кулиб:

– Ахир ўзинг ҳаммасини яхши биласан-ку, – дер эди.

Мен яна шалвираб тушардим. Бундай изтиробли кураш бир маромдаги ҳаётим давомида ич-ичимда рўй бериб турди. Хотиним учун бу чидаб бўлмас уқубат бўлса, мен учун ундан-да кам азоб эмаслигини тасаввур қилаверинг. Бу зулматда ўтиришга мажолим қолмаганида ва унинг деворларини парчалаб ташлашга ожиз эканлигимни ҳис қилганимда биргина йўл – ўзимни ўлдириш эканини англадим, бу қутулишнинг энг осон воситаси бўлиб кўринарди. Эҳтимол, ҳайратдан кўзингиз катта очилиб кетаётгандир, лекин гап шундаки, бирор нарса қилишимга йўл қўймаётган ўша қора куч менга биргина йўлни – ўзимни ўлдириш имконини қолдираётган эди. Ҳаракат қилмай ўтирганимда бир нав эди, аммо ҳаракат қила бошлашим билан шу йўлдан бошқаси кўзимга кўринмасди. Шу кунгача ана шу осон йўлга қадам қўйишга икки-уч бор шайландим, аммо қалбим доим хотинимга оғиб кетарди. Уни ўзим билан олиб кетишга иродам, ҳаммасини рўй-рост айтишга қурбим етмасди. Ўз ҳаётимни қурбон қилишим мумкин, аммо унинг ҳаёти тўғрисида ўйлашимнинг ўзи даҳшат эди. Менинг ўз қисматим бор, унинг ўз қисмати бор эди. Иккаламизни ҳам бир оловда ёқиб юбориш ҳар қандай мантиққа зид бўларди ва барча азоблар бунинг олдида ҳеч нима бўлиб қоларди. Шунинг учун хотинимнинг ўлимимдан кейинги аҳволини тасаввур қилиб, унга жуда раҳмим келарди. Қайнонам ўлганидан кейин хотиним, дунёда ягона таянчи мен эканимни, мендан бошқа суянадиган кишиси йўклигини айтган, бу сўзлари ёдимда мангу муҳрланиб қолган эди. Мен доим иккиланардим. Баъзан хотинимга қараб туриб, ниятимдан қайтсаммикан, деган фикрга ҳам борардим.

Ўзингиз бир ўйланг. Мен айнан шундай яшаб келдим. Биз сиз билан биринчи марта Камакурада учрашганимизда ва бирга шаҳар бўйлаб сайр қилганимизда менинг кайфятимда ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Аммо ортимдан доим бир қора соя эргашиб юргандай эди. Бу дунёда мен хотинимни деб яшадим. Сиз ўқишни тугатиб, юртингизга жўнаб кетганингизда ҳам аҳвол шундай эди. Сиз билан яна сентябрда учрашишга шартлашиб олгандим, шунда сизга рост айтгандим. Мен учрашаман, деб ўйлагандим. Куз ўтиб, қиш келади; у ҳам ўтиб кетсин – мен сиз билан, албатта, учрашаман.

Лекин ёзнинг жазирама кунларидан бирида император Мэйдзи оламдан ўтиб қолди. Шунда мен унинг руҳи императорларга хос тарзда бошланиб, императорга хос тарзда тугади, деб дилимдан кечирдим. Биз айнан Мэйдзининг йўлини тутганлар, энди ундан ажралиб, отасиз етим бўлиб қоламиз, деган фикр миямга урди. Мен ҳатто хотинимга бу ҳақда очик айтдим. Хотиним шарақлаб кулиб юборди.

## LVI

“Ўлим–қурбон” – мен бу сўзларни деярли унутаёзгандим. Уларни кундалик ҳаётда ишлатишга зарурат бўлмагани ва улар хотирам тубига чўкиб, моғор боса бошлаганди. Уларни хотинимнинг ҳазиломуз оҳангида эшитганимдагина эсладим. Шунда хотинимга:

– Агар мен шундай ўлим топганимда, ҳамма мени Мэйдзи руҳига ўзини қурбон қилди, деб ўйларди, – дедим. Албатта, сўзларим ҳазилдан ўзга нарса эмасди, аммо шу билан бирга бу қадимги, энди керак бўлмай қолган иборада қандайдир янги маъно бордек туюлди менга. Шундан кейин ора-

дан деярли бир ой ўтди. Императорни дафн қилиш кечаси, одатдагидек, ўз хонамда ўтириб, мен замбарак товушларини эшитдим. Бу император Мэйдзи мангуликка кетганидан далолат берганди. Кейин генерал Ноги ҳам мангуликка кетгани тўғрисида хабар келди. Қўлимда рўзноманинг тезкор сонини ушлаганимча хотинимга:

– Мана сенга ўлим–қурбон! Рўзномалардан генерал Ноги ўлими олдидан хат ёзиб қолдиргани ҳақида ўқидим. Бу хатда у жануби-ғарбий кампанияда душманлар ундан байроқни тортиб олганларидан бери ўзини ўлдириш фикри билан яшаб келгани ҳақида ёзганди. Буни ўқиб чиққач, мен беихтиёр, бундай қарор билан неча йил яшадийкан, деб санай бошладим. Жануби-ғарбий кампания 1877 йилдан 1912 йилгача давом этган, ўттиз беш йил ўтибди. Ноги ҳам шунча йилдан бери ўзини ўлдириш учун қулай фурсат пойлаб яшаган экан. Унинг учун энг уқубатлиси – шу ўттиз беш йил давомида яш ашим керакми ёки ўзимга қилич уришим керакми, деган фикр бўлган. Ҳар ҳолда мен шундай ўйлардим.

Шундан кейин икки-уч кун ўтгач, мен ўзимни ўлдиришга аҳд қилдим. Мен Ноги ўлимнинг сабабларини яхши тушунмаганимдек, эҳтимол сиз ҳам менинг ўлимим сабабини тушунмаслигингиз мумкин. Шундай бўлгач, найлож: чамаси гап бу ерда турли даврда яшаган одамлар орасидаги фарқда бўлса керак. Балки гап ҳар бир кишининг туғма хислатларидаги фарқдадир. Мен бу ерда ўзимни шундай таърифлаганимнинг боиси – сизга тушунарсиз бўлган табиатимни изоҳламоқчи бўлдим.

Мен хотинимни қолдирияман. Мендан кейин овқат, кийим-кечак ва бошпанага муҳтож бўлмаслигининг ўзи – бахт. Унга озор етказишни истамайман. У қон рангини кўрмайдиган қилиб ўлмоқчиман. Мен ўлганимда, у бахтсиз ҳодиса содир бўлди, деб ўйласин. Хатто мени ақлдан озди, деб ўйласа ҳам менга барибир.

Мен ўлишга аҳд қилганимдан бери ўн кундан ортиқ муддат ўтиб кетди ва унинг ҳам кўпроқ қисмини мана шу таржимаи ҳолни ёзишга бағишладим. Мана шуни билинг! Аввал ҳаммасини сизнинг шахсан ўзингизга сўзлаб бермоқчи бўлдим, аммо ёза бошлаганимда, шундай қилсам кўнглимни очиб беришим осонроқдай туюлди ва бундан қувондим. Лекин мен ҳузур-ҳаловат учун ёзаётганим йўқ. Умуминсоний тажриба сифатида яратган ўша ўтмишимни фақат ўзим сўзлаб беришим мумкин ва уни таърифлашга қилган саъй-ҳаракатларим одамларнинг эътиборидан четда қолмайди, деб ўйлайман. Шу кунларда Ватанабэ Кадзан бошлаган расмини тугатиш учун ўз ўлимини бир ҳафтага ортага сура олганлиги тўғрисида эшитдим. Бошқаларга булар барчаси ортиқча сафсата бўлиб туюлиши мумкин, лекин ҳар кимнинг кўнглида ўзига яраша армон бўлади. Менинг асарим фақат сизга ўз ҳақимда сўзлаб беришни ваъда қилганим учунгина ёзилмаган.

Бунга туртки бўлган армоним энди ушалди. Бошқа қилар ишим қолмади. Шу хатим қўлингизга бориб текканда, мен бу дунёда бўлмайман. Улган бўламан. Хотиним ўн кунча илгари холасиникига – Итигаяга кетган. Холаси бетоб бўлиб қолиб, унга қарайдиган одам қолмабди, шунинг учун мен ўзим хотинимни у ерга боришга кўндирдим. Шу узун хатимнинг катта бир қисмини хотиним йўқлигида ёздим. Хотиним вақти-вақти билан уйга кириб қолганида, мен уни зўрлик билан яширардим.

Мен ўзимнинг ўтмишимни, барча эзгуликлари ва ёмонликлари билан бирга ўзгалар эътиборига ҳавола этмоқчиман. Лекин шуни назарда тутингки, хотиним бундан мустасно. Мен хотиним бирор нарсани билиб қолишини истамайман. Менинг бирдан-бир тилагим – хотиним хотирасида имкон қадар доғ тушмаган ўтмишимни сақлаб қолиш. Шунинг учун ўлимимдан сўнг буларнинг барчасини қалбнингизда, фақат сизгагина ошкор қилган сирим сифатида, яшириб қўйинг.

*Япон тилидан Нодира АМИНОВА  
таржимаси*

<sup>1</sup> Роман журнал варианты талабига асосан жузъий қискартиришлар билан эълон қилинди.



*Абдулла АВЛОНИЙ*  
(1878 – 1934)

ЖАҲОН АДАБИЁТИ  
123

# Янги давр таржимачилигимиз кашшофи

(Абдулла Авлоний таваллудининг 135 йиллиги)

XX аср тонги янги ўзбек адабиётининг туғилишида бир қатор маърифатпарвар, жаҳид бобокалонларимиз қаторида Абдулла Авлонийнинг ҳам табаррук номи келади. Жаҳидчилик ҳаракати ва ҳаракат намоёндалари ижтимоий-сиёсий, адабий-бадий фаолиятнинг барча турлари билан бевосита шуғулланганлари каби Абдулла Авлоний ҳам ижтимоий онг соҳаларининг таълим-тарбия, бадий ижод, матбуот, театр, хайрия жамятлари, ижтимоий-сиёсий йўналиш каби қатор турлари билан қизиқди ва баҳоли қудрат шуғулланиб келди. Шу жумладан, таржимонлик соҳаси билан ҳам.

Абдулла Авлоний 1878 йилнинг 12 июлида Тошкентнинг Мерганча маҳалласи (ҳозирда телевидение биноси атрофлари)да туғилиб, балоғатга етгач Миробод маҳалласидан ҳовли жой қилиб, 1934 йил ҳаётининг сўнгигача умрининг барча яхши ёмон, баланд паст кечмишлари шу жавонибда ўтди. У XIX асрнинг сўнгигача Туркистонда илдиз отиб, шакллана бошлаган жаҳидчилик ҳаракатига қўшилиб, умри поёнига қадар шу ҳаракат ғояларини турли жабҳаларда амалга ошириб, тарғиб этиб келди. Бу ҳаракат аввало ва асосан Туркистон халқлари учун хурлик, озодлик маслақларини илгари сурган, сиёсий ғояларни кўтариб чиққан ҳаракат экани бугун ҳеч кимга сир эмас. Лекин қарийб бир ярим асрдан аввалги тарихда сиёсий ҳаракат ва маслақлар учун ишни нимадан бошламоқ лозимлиги масаласи тарих саҳнида кўндаланг бўлган эди. Ҳаракатнинг отаси ва бош назариётчиси қримлик Исмоилбек Гаспирали Россия мустамлақасидаги мусулмон халқларининг келажак хуррияти учун дастлабки ҳаракатни маърифатдан бошлаш, хусусан, мактаб, маориф тизимини эскича шарқона усуллардан янгича, оврупча йўналишга ўтказиш масаласини асослаб берган эди ва унинг тарафдорлари бутун Туркистон бўйлаб ана шу ғоянинг амалий йўсин касб этиши учун саъй кўрсатмоқда эдилар. Абдулла Авлоний шулар таъсирида ҳаракатга қўшилди ва у ҳам бу жабҳадаги асосий фаолиятини янги усулдаги мактаблар очишда кўрди. Мирободдаги уйда бир неча даъфа янги усул - усули савтия мактаблари очиб, миллат болаларини ўқита бошлади. Ҳар қандай ўқитув учун лозим нарсалар янги усул мактаблари учун ҳам зарур эди албатта. Бу биринчи навбатда мактаб ўқув адабиётлари билан боғлиқ. Шу кезлар жаҳид мактаблари дарсликлари ўлароқ Саидрасул Азизийнинг “Устози аввал” ҳамда Мунавварқори Абдурашидхоновнинг “Адиби аввал” алифбо китоблари дунё юзини кўрганди. Улар қаторига Абдулла Авлонийнинг “Биринчи муаллим” номли алифбо дарслиги ҳам қўшилади. “Биринчи муаллим” то 1917 йилги октябрь воқеаларига қадар тўрт марта нашр этилади.

Тараддуд бирла мактабда ўқинг ўғлонлар, ўғлонлар,

Бўлурсиз бир кун оламда зўр инсонлар, ўғлонлар

сатрларини шиор қилиб олган бу дарслик инқилобдан кейинги йилларда ҳам миллий мактабларнинг ибтидоий - бошланғич синфлари учун энг мақбул дарсликлардан бўлиб қолаверди. 1912 йили “Алифбодан сўнг ўқитмак учун” уқтируви билан ўша дастлабки дарсликнинг давоми бўлган “Иккинчи муаллим” дарслиги чоп этилади. Бу китобча ҳам қайта қайта нашр этилиб, янги миллий ўзбек педагогикасининг туғилиши ва тарққиётида муҳим аҳамият касб этади. Ахлоқий ҳикоялар, адабий шеърлар ила зийнатланган мазкур тўпلامда Абдулла Авлонийнинг таржимонлик иқтидори ва маҳоратига далолат бўлувчи намуналар учрайди.

Умуман, Абдулла Авлонийни таржимон сифатида ўрганар эканмиз, мавзунини тизимли тартибда ифода этиш учун уни икки йўналишда маҳражлантирмоқ мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Мактаб ўқув дарсликларидagi аксар ижодий жиҳатдан қайта ишланиб амалга оширилган таржималар;

2. Театр саҳналарида намоиш этиш учун қардош озабайжон, татар ва усмонли турк тилларидан ўзбекчага ўгирилган пьесалар.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

124

Айрим таржима асарлари ҳақида кенгрок фикр юритишдан аввал бир фактни қайт этмоқ керак, Абдулла Авлоний таржимонлик фаолиятининг салмоқли қисмини ташкил этадиган драматургия таржималари билан боғлиқ йўналиш жиддий тадқиқотчиларини талаб қилиб турибди. Сабаби бу йўналишда А. Авлоний озар татар, турк драматургиясидан “Қотили Карима”, “Уй тарбиясининг бир шакли”, “Ҳиёнаткор оиласи”, “Бадбахт келин”, “Хўр-хўр”, “Жаҳолат”, “Ўликлар” каби ўнга яқин асарларни таржима қилиб, уларнинг саҳналаштирилишида бошқош бўлган. Ўзи асосчиларида ҳисобланган бўлган “Турон” театр труппасининг репертуаридан жой олган мазкур асарлар афсуски нашр этилмаган ва табиийки, бизнинг давримизгача етиб келмаган ёки ҳозирча топилган эмас. Фақат кўшимча равишда шундай фактни келтириш мумкин: 1916 йили Тошкентда бўлган рус шарқшуноси А. Самойлович “Колизей” театрида озарбойжон драматурги Жалил Маматқулизодининг Абдулла Авлоний таржимасидаги “Ўликлар” спектаклини томоша қилиб, ўз таассуротларини қуйидагича ёзиб қолдиради: “Тошкентнинг улкан Колизей театрида озарбойжончадан сарт тилига таржима қилинган “Ўликлар” пьесаси қўйилди. Ижро жуда яхши эди...”

Мана шу фактларнинг ўзи Авлоний таржимачилигининг театр йўналишидаги изланишлари нақадар баракали ва муваффақиятли бўлганлигини англаиб турибди.

Буюк маърифатпарварнинг таржимонлик маҳорати борасида ҳозирча асосан, унинг дарслик ва бошқа ўқув адабиётларидаги таржималарига суяниб, муайян фикрлар айтиш мумкин.

Маълумки, Абдулла Авлонийнинг ўз таржимаи ҳолида ёзишича, 1904 йилдан мустақил равишда Мирободдаги ҳовлисида мактабдорлик билан шуғулланиб келган. Бу ва бошқа усули савтия мактаблари учун 1909-17 йиллар давомида 10 дан ортиқ дарслик-қўлланмалар яратган. Булар юқорида қайд этилган “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим”дан ташқари “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, “Мактаб гулистони ” каби дарсликлар ҳамда “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” номли бир неча жуз шеърый тўпламлардир. Улардан ташқари Авлонийнинг нашр этилмаган “Учинчи муаллим”, “Мактаб жўғрофияси”, “Ҳисоб масалалари” каби дарслик китоблари ҳам бўлганлиги маълум. Мазкур китобларнинг деярли барчасида Авлонийнинг оригинал ижоди билан бирга таржимонлигидан ҳам далолат берувчи намуналар учрайди. Масалан, Саъдийнинг “Гулистон” ва “Бўстон” асарларига тақлидан яратилган “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида муаллиф Саъдийнинг асаридаги кўпгина ҳикоятларни ўз замонасига мослаштирган ҳолда таржима қилганлиги ёки Алишер Навоийнинг “Ҳайратул аброр”, Пошшоҳўжанин “Мифтоҳул адл” (“Адолат калити”), “Тулзор тўпламларидан” машҳур ҳикояларни олиб қайта ишлаганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Булардан ташқари Авлоний Лев Толстой ва Крилов асарларидан ўқувчиларни баҳраманд этишнинг ўзига хос усулларини ҳам жорий этганки, булар барчаси “Авлоний – таржимон” мавзуси доирасида атрофлича тадқиқ этилиши мумкин.

Бевосита қуйида келтириляётган Крилов масалларидан қилинган таржималар Авлонийнинг “Мактаб гулистони” деб номланган бешинчи жуз шеърлар тўпамидан олинган бўлиб, уларда таржимоннинг шунчаки бадий завқ олиш маъносида таржимага ёндошмаганлиги, балки, миллий таълим-тарбия нуқтаи назаридан иш тутганлиги яққол сезилади. Масалан, Криловнинг “Лебед, Шука и Рак”, “Лиса и Козёл”, “Мартишка и очки”, “Прохожие и Собаки” каби машҳур масаллари таржима қилиб берилар экан, Авлонийнинг ўз таъбири билан айтганда “уларни энг осон усул ила”, “очук тил ва осон таркиб ила” тақдим этиш нияти йўлидаги ҳаракат эканлигини тушунасиш. Хусусан, Криловнинг “Лебед, Шука и Рак” масалини Абдулла Авлоний “Ғайрижинс иттифоқ” номи билан тўплаганга киритган. Эътиборли жиҳати шундаки, таржимон оригиналдаги Лебед яъни Окқушни Ўрдак деб, Ракни Қисқичбақа деб эмас, Тошбақа дея ижодий ўзгартириб тақдим этади. Бизнингча, бунинг сабаби шундаки, ўзбек болалари денгиз ҳудудларида яшамагани учун қисқичбақа ва окқушнинг қандай жонзот эканлигини билмасликлари мумкин эди. Тошбақа ва ўрдак каби ҳайвонлар эса бизнинг жуғрофий ҳудудларда каттаю кичик барчага маълум. Авлоний “осон усул ила”

деганда худди шуни назарда тутиб, рус муаллифи асарларини ўзбек болаларига мўлжаллаб тўлиқ қайта ишлайди. Асарга маълум мақсад юзасидан ижодий эркин мурожаат қилганлиги учун унинг номини мувофиқ равишда ўзгартиради. Яъни бир тур бўлмаган ёки бир мақсад йўлида бир томонга бир хил ҳаракат қилмаган кишиларнинг интилишлари зойе, иттифоқсизлик ҳеч қачон ниятни юзага чиқишига йўл қўймайди, деган ибратли фикр илгари сурилади. Таржимоннинг Крилов асарларига ижодий ёндошгани яна ҳар бир масалнинг оригиналидан бир неча сатр ортиқроқ эканлиги ва бу сатрларда Авлоний масала моҳиятини болаларга батафсил тушунтиришга уринганида кўринади. Ундан ташқари ҳар бир масалнинг сўнгида таржима бўлишига қарамай таржимон Ҳижрон дея ўз тахаллусини қўллашида ижодийлик яна ҳам яққол билиниб туради. Таржималарда Авлонийнинг ижодий ёндошуви “Улай”, “Булай”, “Вермаюр”, “Дўз” каби тагар, озар, турк тилларидаги сўз оборотларига мурожаат қилишлари ҳам яна бир бора ижодий ёндошуви самараларидир. Айни чоғда бу каби ижодий ёдошувлар Авлонийнинг таржима қилинаётган асар руҳига теран кириб бориши ва ибратли ғояни ёш ўқувчиларга ҳам тўла сингдиришга интилганини намоян этади. Авлонийнинг мумтоз форс шоири Ҳофиздан қилинган таржималарида ҳам шундай ижодийлик ва руҳиятни тўлақонли ҳис қилиш ва беришга интилиш фазилати аён кўриниб туради.

Хулоса шулки, Абдулла Авлоний XX аср тонгида янги давр адабий-педагогик таржима санъатининг ўзига хос усул ва йўлларини амалда намойиш этиб, соҳанинг тамал тошини қўйган янги давр таржимачилигимизнинг кашшофларидан дейишга ҳақли бир сиймо бўлиб қолди.

Ш. РИЗАЕВ

### Ҳофиздан таржималар<sup>1</sup>

“Баёти шероз” куйига  
 Етушди муждаки, қайғули кунларинг қолмас,  
 Улайда қолмадигидек булайдаги қолмас.  
 Агарчи ман назари ёра хоксор ўлдим,  
 Рақибим манга ўхшаш шод ўла қолмас.  
 Қўтарса байроғини, урса ханжари бирлан,  
 Ўю уйи ичра турган бир киши омон қолмас.  
 Фақирларинг дилини овла, қўлга ол, эй бой,  
 Хазиная зару олтун, кумушларинг қолмас.  
 Сенга ғанимат, аё шамъи васлу парвона,  
 Булай муомалангиз субҳидамгача қолмас.  
 Хабар кетурди фаришта у олами ғайбдан,  
 Киши қарам эшикида умидсиз қолмас.  
 Равоқ узра забаржад била ёзилмиш бу,  
 Қарам эғасини эҳсонидан бўлак қолмас.  
 Бу сўзни жамшид у базминда шод ўлуб дедими,  
 Кетур пиёлада майни, ки Жоми Жам қолмас.  
 Шикоятинг ери эрмас, ёзилгани бўладур,  
 Киши ҳамиша гирифтори ғам бўлуб қолмас.  
 Нигор меҳр қўяр деб, тамаъ қи(л)ма, Ҳофиз,  
 Нишони меҳр йўқидек ситамлари қолмас.  
 Фалакни терс кетар деб бўлмагил Ҳижрон,  
 Ки бизни эзгани бирлан ўзи-да соғ қолмас.

<sup>1</sup> “Девони Ҳофиз”дан таржима. Миллий куйларимиздан бири “Баёти шероз” куйидирким, куй шундан иборатдур:

Расид мужда, ки айёми ғам наҳоҳад монд,  
 Чунон намонду чунин низ ҳам наҳоҳад монд.

(Авлоний изоҳи)

\* \* \*

Танбур, дугор, англа, на тақрир қилурлар,  
 Авлоқда ичинг ичкуни, такфир қилурлар.  
 Ушшоқларинг пардасини ишқ ўзи йиртар,  
 Ёшларни, қариларни-да таҳқир қилурлар.  
 Дилда хиралиқдан бўлак иш ҳосили йўқ-ку,  
 Янглиш бу хиёлиндака дилгир қилурлар.  
 Дерларки, эшитма, дема ҳам ишқ рамузин,  
 Қандоқча қийин қиссани таъбир қилурлар.  
 Ташвишга солуб вақтларим май кўтарубон,  
 Ҳилватда кўринг, пир-мурид “гир” қилурлар.  
 Юз мулк дили ёрти боқишда олинуркан,  
 Бу тўғрида хўблар нега тақсир қилурлар.  
 Биз ҳийласига алданубон ташқари қолдук,  
 Ичкарида онлар нима тадбир қилурлар.  
 Бир фирқа э(й)тар: “Саъди жадал васла етургай”,  
 Бир фирқа бун “сояи тақдир” қилурлар.  
 Бирдек туражак дермусен аҳволи замонни,  
 Бу ишхонани ҳар куни тағйир қилурлар.  
 Майни ичавер! Сўфию шайх, муфти, раислар,  
 Диққат ила боқ! – Ҳаммаси тазвир қилурлар!  
 Ўйлаб кўр ўзинг, ичкулик иғвога сабаб, чун,  
 Шореъларимиз бизлари танфир қилурлар.

## Криловдан таржималар

Файрижинс иттифоқ  
 Бир куни Тошбақа, Балиқ, Ўрдақ,  
 Қилдилар маслаҳат учи бирдақ,  
 Дедилар: Биз аробакаш бўламиз,  
 Тортармиз арбани ва ё ўламиз.  
 Ёпишуб бир арбага маҳкам,  
 Жон-дилдан чекурди уч ҳамдам,  
 Кучлари арбага етушмас эди,  
 Арба бунлар йўлича кетмас эди.  
 Ўрдақ осмон сарига тортарди,  
 Балиқ эса ёнига тортарди,  
 Тошбақа судрар эрди орқа сори,  
 Йўқ эди иттифоқнинг осори.  
 Қилдилар қанча саъй бебаракат,  
 Арба ўрнида турли беҳаракат.  
 Мунда ким айб эгаси, ким айбсиз,  
 Бир ҳаводис бизим учун кайфсиз.  
 Бу иши бир киши гўзал биладур,  
 Арба ҳамон қимирламай турадур.

## Тулки ила серка

Тулки сакраб юрар эди чўлда,  
 Бир қудуқ бор эди ўшал йўлда.

Ногаҳон тушди-кетди гумбурлаб;  
 Чоҳ ичинда ўтирди ғунгурлаб.  
 Ул қудуқ тор эди, чиқолмас эди,  
 Тулкининг бахтига суйи оз эди.  
 Серка ўглаб юрурди йироқда,  
 Сусабон су(в) қидирди шул чоқда.  
 Серка чоҳ бошига келиб оралаб,  
 Кўрди Тулкини тепадан мўралаб.  
 Тебратиб тўрбадек узун соқолин,  
 Сўрди Тулкини(нг) ҳол-аҳволин.  
 Серкаға Тулки махтади су(в)ни,  
 Сув деганда тошарди нафси уни.  
 “– Су(в) десанг, туш, бу ерга, улфат бўл,  
 Су(в) деган бу қудуқда эркан мўл”.  
 Серка отди ўзин қудуқ сори,  
 Тулкининг ҳийласи бўлиб ёри,  
 “Гум” этиб тушди Серка сув ичига,  
 Сувлари сачради қудуқ четига.  
 Тулки айтди: “Аё, узун саққол!”  
 Дузға етдинг сен яққол.  
 Сувни тўйганча ман ичуб эрдим,  
 Қолганин бутун санга бердим”.  
 Сакрабон Серка устига чиқди,  
 Андан ирғиб юқорига чиқди.  
 Серканинг соҳиби неча муддат,  
 Ахтарубон бўлуб эди диққат.  
 Охири бу қудуқда кўрди они,  
 Серканинг қолмиш эрди ёрти жони,  
 Минг машаққат билан чиқарди базўр,  
 Серка бўлган эди чўлоқ ҳам кўр.  
 Соҳиби Серканинг кўриб холин,  
 Айтди бошин силаб, тараб ёлин:  
 “Эй соқоли чўқ, ақли йўқ Серкам,  
 Қилди Ҳижрон соддалик, эркама”.

### Маймун ила кўзойнак

Жуда қартаймиш эрди бир Маймун,  
 Кўзининг нури қолмаб эрди бутун.  
 Ул эшитди бу дард учун дармон –  
 Кўзойнак тутар эмиш инсон.  
 Пул йиғуб кўзгуни сотиб олди,  
 Ўзини қайта(га) заҳматга солди.  
 Гоҳ тутарди думига, гоҳ кўзига,  
 Фойда бермасди ойнаги ўзига.  
 Бўлди Маймун тақолмайин ҳайрон,  
 Деди: “Хўб ҳийлагар эрур инсон,  
 Манга ким деди ани олғил деб,  
 Ким буюрди кўзингга солғил деб.  
 Қурсин ойнак кўзимни қилди хира,  
 Тақмазам ойнакини энди сира.



Туф! Бу дунёни эътибори йўқ,  
 Очни ҳолин биладурми тўқ?!  
 Сарф эгар пулни йўқға инсонлар,  
 Қилмаюр кўр ва шалга эҳсонлар,  
 Кимга айтай бу дарду ҳасратни,  
 Ким эшитгай бу қайғу кулфатни.  
 Кўзларим ожиз, ўзим қариман,  
 Мустаҳиқман, камина камтаринман.  
 Ҳеч киши сўрмаюр бу аҳволим,  
 Кетди қувват, мадорим, иқболим.  
 Кўзгу ҳам менга қилмади дармон,  
 Дилда ҳасрат, кўнгулда кўп армон.  
 Кўзгунинг хайри йўқ экан мисқол”,  
 Деб отиб тошни урди ул дарҳол.  
 Ойнагин парча-парча қилди ўзи,  
 Ўртануб дер эди ўзи бу сўз(н)и:  
 “Ойнак олмоқ ўзи экан осон,  
 Мушқули ани тақмоғида экан”.  
 Кимки ҳаддидан ошуб иш қилса,  
 Охирида бўлур шулай Ҳижрон.

### Ит ила йўловчи

Кечқурун йўл кетарди ики киши,  
 Сўзлашурдан йўқ эрди ўзга иши.  
 Ногаҳон бир кучук чиқиб боғдан –  
 Вовуллади бунлара сўл ва соғдан.  
 Ит овозин эшитди бошқалари –  
 Қелдилар, жам бўлди ёшу қари.  
 Йиғилуб барчаси ҳужум этди,  
 Йўлчилар ақли бошидан кетди.  
 Йўлчилардан бири олиб бир тош,  
 Урмоқ ўлғонда айтди бир йўлдош:  
 “Қўй, қўлинг оғритуб нима қиласан,  
 Итларнинг феълини ўзинг биласан.  
 Ҳамла қилганға вермаюр роҳат,  
 Ит гуруҳинда бўйладур одат”.  
 Итлара солмайин қулоғ онлар,  
 Тўғри кетавердилар ики жонлар.  
 Дарҳақиқат, секин-секин ҳамаси,  
 Тарқалуб кетди, қолмади бириси.  
 Ит деган итлигин қилаберадур,  
 Эътибор этмасанг кетаберадур.



## ҲАҚИҚАТ ЙЎЛИ ТЎҒРИСИДАГИ ТАФАККУР

*XX аср дунё адабиётининг забардаст вакилларида бири Франц Кафка 1883 йил 3 июлда Австрияда таваллуд топди. Унинг “Жараён”, “Қаср”, “Америка”, “Эврилиш”, “Ҳужм” каби қатор асарлари дунё китобхонларига яхши таниш. Кафканинг турфа хил жумбоқларга бой асарларини ўқиб, тадқиқ этганимиз сайин, унинг бадиий олами янги-янги қирралари билан бизни ҳайратга солаверади. Қуйида ҳавола этаётганларимиз ҳам сизни албатта қизиқтиради, деб ўйлаймиз, зеро – уларда ҳаётнинг голят чуқур ва мураккаб*

*нуқталарига фикран етиб борган адиб турмушининг турфа хил зиддиятли вазиятларини фалсафий мушоҳадалар шаклидаги афористик ибораларда ифодалашга ҳаракат қилган.*

\* \* \*

\* Ҳақиқат йўли ернинг устидан биров баландликда тортилган аркон бўйлаб ўтади. У унда юришдан кўра кўпроқ у тўғрида ҳаёл суришга мўлжалланганга ўхшайди.

\* Қарашларнинг хилма-хиллиги қандай бўлиши мумкин, масалан, олмага нисбатан дейлик: стол устидаги олмага бир бор кўриш илинжида бўйинини чўзаётган болақайнинг қараши қандай ва ҳеч бир малол чекмай, олмани олиб, уни илҳақ бўлиб турган болақайга узатаётган уй эгасининг қараши қандай?

\* Агар сен қалб амринг ила тўғри йўлдан кетаётган ва ҳаётингдаги жамики кечмишлар ортда қолган бўлса, унда ҳаммаси ўтмиш қаърига кириб йўқ бўлиб кетармиди; аммо бу “қилқўприк”дан ўтаётганингда сен унга осилтириб қўйилганга ўхшайсан, унда кадамлар фақатгина ернинг амрига кўра ташланган бўлиши мумкин ва ортга қайтишининг имкони қолмайди.

\* Куз йўлига бир назар ташланг: ҳозиргина ундаги ҳазонларни супуриб ташлашди, у эса яна қуриган барглр билан қопланди.

\* Қафас қуш излагани кетди.

\* Ўзингда диёнат эмас, ёвузлик устун деган тасаввур уйғонишига йўл қўйма.

\* Қўл тошни маҳкам сиқиб олган. Тошни узокқа отиш учун ҳам қўл уни маҳкам сиқиб олади. Лекин йўл тошнинг бориб тушиш жойига эмас, балки ўз манзилига олиб боради.

\* Ҳақиқий душман олдида сенда чексиз мардлик пайдо бўлади.

\* Дунёда қандай қилиб шодланиш мумкин? Башарти фақат сен унинг ичига қочиб кирсанг.

\* Сени ёвузлик сари ундаётган ёт фикрлар – бу сенинг фикрларинг эмас, балки ёвузликникидир.

\* Ҳайвонлар ўз эгаларининг қафасидан чиқиб, ўзларини хўжайин деб ҳис этмокни истадилар, лекин улар бу ўйин фақат эгаларининг янги қафасни куриб битказгунича ўйлаб чиққан бир ҳийла эканини билмадилар.

\* Яхшилик, қайсидир маънода, миннатли ҳамдир.

\* Қарғалар фақат қарғагина осмонни йўқ қилишга қодир деб билдилар. Аммо осмоннинг – бу осмон, қарғанинг – қарға экани ҳаммага ҳам маълум-ку!

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

130

\* Илгарилари мен бир нарсани сира тушунмас эдим: одамлар ўз саволларига нега жавоб олишолмайди? Энди эса сўраш мумкинлигини ўйлаб, ўзим ҳайрон қоламан. Бундоқ ўйлаб қарасам, мен илгарилари ўйламас эканман, фақат сўраб эканман.

\* Бошни куйи эгиш – бу чексиз нафрат ва жирканиш аломатидир.

\* Тараққиётга ишониш тараққиётга эришилганига ишониш дегани эмас. Йўқса бу ишонч деб аталмаган бўлур эди.

\* Инсон ўзидаги барҳам топмайдиган қандайдир бир нарсага доимо ишониб яшайди, негаки у барҳам топмайди ва бу ишонч унинг учун узоқ вақт махфий қолиши ҳам мумкин. Бу махфийликнинг кўринишларидан бири – илоҳиётга бўлган ишончдир.

\* Кучли бир ёруғлик билан бутун оламни мунаввар этиш мумкин. Кўриши кучсиз бўлган кўзларни у қамаштира бошлайди, ундан ҳам кучсиз бўлган кўзлар олдида унда муштлар пайдо бўлади ва унга киё боқишни истамаганларни махв эта бошлайди.

\* Биз шунчаки жавоб беролмайдиган саволлар бор, шукрки табиатнинг ўзи жавоб беришдек машаққатни бўйнимиздан соқит қилди.

\* Ҳиссиёт оламидан ташқаридаги барча нарсаларни тил фақат ишора қилиш билангина изҳор эта олади, аммо унга энг яқин бўлган ифодани айта олмайди, чунки тил ҳиссиёт оламига мувофиқ ҳолда фақат бор бўлган моддиятлар ва улар билан боғлиқларнигина таъриф эта олади.

\* Оёқ босиб ўтилмаган зинапоя аслида куруқ оғочдир.

\* Кимки дунёда ўз яқинини севса, бу дунёда фақат ўзинигина севадиган одамга қараганда катта ҳам, кичкина ҳам бўлмаган адолатсизликка йўл қўяди. Фақат бир савол қолади: биринчиси мумкинмикан?

\* Бизнинг санъатимиз – бу ҳақиқат билан кўзларнинг қамашиши: фақат юзда нафрат аломати билан орқага тислангандаги нур ҳақиқатдир.

\* Бахтга эришишнинг назарий жиҳатдан юз фоиз имконияти бор: ўзингда барҳам топмайдиган бир нарсага ишониш ва унга интилмаслик.

\* Ўзингни одамийликда синаб кўр. Бу синов шубҳаланувчини шубҳаланишга, ишонувчини эса ишонишга ундайди.

\* Одамлар билан мулоқотда бўлиш ўзингни англашингга олиб келади.

\* Руҳ қачон жон бўлишдан тўхтаса, у озод қилинади.

\* Биз жаннатда яшаш учун яратилган эдик, жаннат эса бизларга хизмат қилиш учун. Бизнинг ёзиғимиз ўзгартирилган эди, жаннатнинг ёзиғи ҳақида эса гапирилмайди.

\* Ёвузликни худди қурол каби баъзан қўлга олиб турилади; у қаршилик кўрсатмасдан ўзининг бир чеккага олиб қўйилишига изн беради, агар бунга ирода етса.

\* Гуноҳ доимо ошқора келади ва дарҳол билинади. У ўз илдизларига қайтиб кетади, шунинг учун ҳам уни қовлаб олиб бўлмайди.

*Рус тилидан  
Шавкат ҚОДИРОВ таржимаси*

## XX АСР ЖАҲОН АДАБИЁТШУНОСЛИГИ ДАРҒАСИ

Ҳатто жаҳон адабиётшunosлиги майдонида ҳам тарихий-поэтик жараён учун том маънода янгилик берган, ўзидан ўлмас кашфиётлар қолдира олган олимлар сони унчалик кўп эмас. Аслида қадимдан бугунга қадар яшашда давом этаётган юзлаб мутафаккирлар силсиласида ўзига муносиб ўрин топмоқ, “шундай улуғларнинг қаҳқашонида” (А.Орипов таъбири) чин олим, кашфиётчи-адабиётшunos мақомини олишининг ўзи бўлмайди. XX аср дунё адабиётшunosлигида шундай юксак мақомга муносиб олимлардан бири Михаил Бахтиндир. Зотан, замонавий дунё адабиётшunosлиги, айниқса, адабиёт назариясида бирор бир жиддий тадқиқот йўқки, унинг кашфиётларидан улги олмаган бўлсин. Бу борада XX аср охири, XXI аср бошлари рус адабиётшunosлиги, олимнинг қонуний меросхўри ўлароқ, олдинги сафда туради.

Собиқ шўролар тузумининг илк шаклланиш йилларидан улкан империяга айланишигача бўлган мураккаб даврда яшаган М.Бахтин (олим 1895 йилда туғилиб, 1975 йилда вафот этган) асарлари, ажабланарли даражада бу мустабид мафкура таъсиридан йироқ. Ушбу далилнинг ўзи ҳам соф назарий илм, ҳар қандай шароитда, ўз ишини қила олишини, ҳеч қачон ғайриинсоний сиёсат ҳаммолига айланиб қолмаслигини кўрсатади. Айни пайтда, “Бахтиндек чин олимга ўзгачароқ замонда яшаш тақдир қилинганда, ундан яна қандай ишлар қолар эди”, “агар у шарқ адабиётини тадқиқ этганда-чи”, деган армонли саволлар ҳам хаёлга келади.

1919 йили Россиядаги “День искусства” журналида нашр этилган “Санъат ва масъулият” номли мақоласи олимнинг адабиётшunosлик саҳнасига томон илк қадами бўлса, 1924 йили “Русский современник” журналининг буюртмаси билан ёзилган “Бадиий сўз санъатида мазмун, манба ва шакл муаммоси” номли иши унинг илк жиддий тадқиқотидир. Сунъий равишда шўро адабиётининг отасига айлантирилган машхур ёзувчи ва улкан истеъдод соҳиби Максим Горький мазкур журналнинг раҳбарларидан бири бўлган. Бундан кўринадики, ҳали ўттизга тўлиб-тўлмаган М.Бахтин ўша пайтлардаёқ ўз даврининг етакчи зиёлилари эътиборига тушган. Адабий жамоатчилик унга катта умид боғлаган ва шу сабадан ҳам, уни назарий поэтиканинг жиддий муаммоларини ўрганишга жалб этган.

М.Бахтин тадқиқотларини тушуниш, адабиётсеварлар ёхуд уни фақат касб деб билганларгагина эмас, балки том маънодаги филолог-мутахассис, адабиётшunos-олимлар учун ҳам оғирлик қилади. Бир сўз билан айтганда, уни англаш учун билим ва тажрибанинг ўзи кифоя эмас. У қоғозга туширган ҳар бир жумла, ҳар бир сўз ўз ўрни ва салмоғига эгаки, тушунмоқчи бўлган одамни кенроқ, тизимлироқ тафаккур қилишга мажбур этади.

Тадқиқотчилар М.Бахтиннинг қатор хорижий тилларни мукаммал билганини, жаҳон адабиётининг ўнлаб намуналарини бевосита оригинал манбалар асосида тадқиқ этганини ёзадилар. М.Бахтин ўз тадқиқотларига жалб этган адабий-тарихий, фалсафий-бадиий, назарий-эстетик манбаларнинг қамров доираси эса ниҳоятда улкан. Бинобарин, жаҳон халқлари маданиятининг энг сара намуналарини ўрганмаган мутахассис М.Бахтин илмий-адабий тафаккури доирасида фикрлаши, у илгари сурган назарий фикрлар мағзини чақиши, эстетик концепциялари моҳиятига етиши мумкин эмас. Шу билан бирга, М.Бахтин шаклланган назарий базанинг макон ва замон кўлами ниҳоятда улкан, илдизлари ўта чуқур. Бу база наинки ўзигача бўлган рус адабиётшunosлигидан, балки бутун Европа, ҳатто, умумжаҳон поэтик

тафаккури манбаларидан сув ичади. Лекин, тан олиш жоизки, бу ҳам М.Бахтин амалга оширган жиддий кашфиётларнинг ягона манбаи бўла олмайди. Умуман олганда, бу каби имкониятлар илм йўлига кирган ҳар қандай тадқиқотчи учун у ёки бу даражада мавжуд. Аммо, азалий ҳақиқат шундаки, ҳамма илм толибидан ҳам чин маънодаги олим чиқмайди. Демак, М.Бахтин кашфиётларининг асл моҳияти унинг хос қисмати, унга аталган юксак интуитив билим, самовий тортиқдан келиб чиқади.

Олимдан жаҳон адабиётшунослиги хазинасини том маънода бойтадиган ўлмас хазина мерос бўлиб қолди. Унинг бадиий сўз моҳияти, эпос ва роман, бадиий матнда диалог, полефоник нутқ ва полефоник роман ҳақидаги кашфиётлари ҳали кўп асрлар бадиият илми ривожини учун муҳим назарий асос вазифасини бажаради. М.Бахтин жаҳон адабиётшунослиги тарихида илк бор бадиий асар хронотопи масаласини кенг планда ўрганди. Хронотоп тушунчасисиз эса бадиий ижод, бадиий асар моҳиятини тўла англаб, талқин этиб бўлмайди.

Олимнинг “Романда замон ва хронотоп шакллари” деб номланган тадқиқоти ҳажман ўн босма табоқдан ортиқ. Тадқиқотнинг манбавий қамрови эса жуда кенг. Унда эрамизнинг II – VI асрларида майдонга келган юнон романидан тортиб, француз Уйғониш адабиётининг асосчиси Франсуа Раблегача бўлган (ун асрлик) романлар ягона поэтик система сифатида ўрганилган. Тадқиқотнинг кўп ўринларида олим муаммо тақозоси билан XVIII – XIX – XX аср романларига ҳам муурожаат қилади. Тадқиқот ўн бўлимдан ташкил топган. Уларда хронотоп поэтикасига доир деярли барча муаммолар қамраб олинган. Хронотопнинг роман сюжети, композицияси, образлари, услуби, хусусан, бадиий адабиётдаги инсон феномени билан уйғунлиги масалалари тадқиқ этилган.

Хронотоп поэтикаси адабиётшуносликдаги энг мураккаб ва муҳим муаммолардан. Муаммонинг бахтинона тафаккур кенгликларидан амалга оширилган назарий талқини бундай мураккаблик залворини янада оширади. Шу маънода мазкур таржимани М.Бахтин тадқиқотининг нусхаси деб эмас, балки ҳаваскор бир адабиётшуносликнинг олимни тушуниш йўлидаги илк қадами ўлароқ қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Узоқ ЖҶРАҚУЛОВ,  
филология фанлари номзоди, УзМУ доценти



## МИХАИЛ БАХТИН

### РОМАНДА ЗАМОН ВА ХРОНОТОП ШАКЛЛАРИ

Тарихий поэтикага доир очерклар /Бахтин М. Вопросы литературы и эстетики.-М.:Художественная литература, 1975, С. 234-408.

Бадиий адабиётда намоён бўлувчи реал-тарихий замон, макон ҳамда инсонни идрок этиш жараёни секинлик билан, мураккаб кечмоқда. Макон ва замоннинг ифодалашнинг реал жиҳатлари инсоният қўлга киритган тарихий тараккиёт босқичлари билан боғлиқ ҳолда ўрганилмоқда.

Адабиётда бадиий идрок этилган замон ва маконро уйғунликни хронотоп (сўзма-сўз таржимада “макон-замон” деган маънони билдиради), деб атаймиз. Ушбу истилоҳ математика илмида Эйнштейннинг нисбийлик назарияси негизида қўлланилиб келади. Бу истилоҳнинг биз учун математикада қўлланиладиган махсус тушунча сифатида аҳамияти йўқ. Биз уни адабиётшуносликка (том маънода бўлмаса ҳам) истибора ўлароқ қабул қиламиз. Муҳими, бу ўринда истилоҳнинг замон ва маконни уйғун ҳолатда (замонни маконнинг тўртинчи ўлчами сифатида)

**ЖАҶОН АДАБИЁТИ**

ифодалашидир. Хронотопни биз адабиётдаги шакл-мазмун категорияси сифатида талқин қиламиз (бу ўринда санъатнинг бошқа соҳалари хронотопи масаласини очик қолдирамиз).

Адабий-бадий хронотопда макон ва замон аломатларини бир бутун ҳолда ва аниқ идрок этиш мумкин. Бу ерда вақт куюқлашади, тигизлашади, бадий нигоҳга айланади; макон эса вақт, сюжет ва тарих ҳаракати доирасида жадаллашади ҳамда кенгаяди. Замон аломатлари маконда намоён бўлса, макон замонда ўлчанади ва англанади. Бадий хронотоп табиати мана шундай қоришиқ аломатлар оқимида намоён бўлади.

Бадий хронотоп қатъий тарзда жанрий моҳиятга эга. Айтиш мумкинки, жанр ва жанрга хос хусусиятлар айнан хронотоп воситасида юзага чиқади. Шунингдек, бадий хронотопнинг етакчи хусусияти замонда кўринади. Хронотоп шаклий-мазмуний категория сифатида адабиётда инсон образи моҳиятини ҳам белгилайди. Чунки бадий образ доимо хронотоп негизида маъно касб этади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, адабиётда реал-тарихий хронотопни ўзлаштириш секин-аста ва мураккаб кечмоқда. Хронотопнинг муайян жиҳатлари аниқ тарихий шарт-шароит доирасида ўзлаштириляпти, фақат реал хронотоп бадий акс эттиришга хос маълум шакллар негизидагина ишлаб чиқилди. Даставвал маҳсулдор бўлган бу жанр шакллари кейинчалик, анъаналар билан туташган ҳолда, тараққиёт босқичига етиб келдики, айна жиҳат ҳатто улар реал, ўхшашлик хусусиятларини йўқотганларида ҳам, сақланиб қолди. Шу нуқтада адабий-тарихий жараёни фавқулодда чигаллаштирадиган адабий замон шакллари муштарак яшаб келади.

Тарихий поэтикага доир мазкур очеркда айна жараёни европа романининг турли шакллари мисолида, “юнон романлари” деб номланадиган асарлардан тортиб, Рабле романларигача бўлган адабий манбалар асосида кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Ушбу давр романлари хронотопида кўзга ташланадиган қатъий типологик барқарорлик биз учун кейинги даврларда яратилган турли-туман романларга ҳам назар ташлаш имконини беради.

Биз тақдим этаётган мазкур назарий хулосалар мукамал ва аниқ, деган даъводан йироқмиз. Қолаверса, санъат ва адабиётда замон, макон шакллари жиддий ўрганиш бизда ҳам, хорижда ҳам эндигина бошланди. Ўйлаймизки, кейинги босқичларда роман хронотопига доир биз илгари сурган фикрлар тўлдирилади, том маънода мукамаллашади.

## I. ЮНОН РОМАНИ

Ҳали антик замондаёқ романнинг уч муҳим бирлиги, шунингдек, романга хос замон ва маконнинг уч муштарак ўзлаштириш усули, қисқача айтганда, уч роман хронотопи яратилган эди. Мазкур уч тип ўзининг фавқулодда маҳсулдор ва мослашувчанлиги билан авантюра роман ривожини XVIII аср ўрталарига қадар ҳар жиҳатдан таъмин этиб келди. Шунинг учун ҳам ишни мазкур уч типга мансуб романларнинг батафсил таҳлилидан бошлаш, сўнгра, навбати билан, уларнинг европа романларида хослашган вариацияларини аниқлаш, пировардида эса бевосита европа заминида пайдо бўлган романларга хос янгиликларни белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Таҳлилнинг дастлабки қисмида биз бутун диққат-эътиборимизни (хронотопнинг бош хусусияти ва масалага бевосита алоқадор бўлган) замон муаммосига қаратамиз. Айна пайтда, тарихий-генетик муносабатлар масаласини ҳозирча четга суриб турамиз. Антик романнинг илк шаклини (хронология нуқтаи назаридан эмас) шартли равишда “синовга қурилган авантюра романлар” деб номлаймиз. Бу шаклдаги романлар мисолида биз эрамининг II – VI асрларига оид “юнонча” ёки “софистча” аталмиш романларни тушунамиз.

Бундай романларнинг рус тилига ўгирилган, бизгача тўла етиб келганларини санаб ўтамиз: Гелиодорнинг “Эфиоплар қиссаси” ёки “Эфиопика”, Ахилл

Титийнинг “Левкиппа ва Клитопонт”, Харитоннинг “Хэрей ва Каллирой”, Эфеслик Ксенофонтнинг “Эфесслар қиссаси”, Лонгнинг “Дафнис ва Хлоя” асарлари. Ушбу асарлар қаторида турувчи баъзи бошқа муҳим манбалардан бизгача фақат узук-юлуқ парчалар ёки оғзаки намуналаргина етиб келган.

Мазкур романларда биз авантюра замоннинг юксак, икир-чикирларигача нозик ишланган, специфик хусусиятларини тўла сақлаган шакллари учратамиз. Бунда авантюра замон шу даражада мукамал ишланган, ундан фойдаланиш техникаси шу қадар юксак ва пухтаки, том маънодаги авантюра романнинг кейинги ривожланиш бошқичларидан тортиб, бугун яратилган романларгача, уларга бирор янгилик қўшилмаган. Шунга кўра, авантюра замоннинг хос спецификаси фақат “юнон роман”лари матнидагина тўла намойён бўлади.

Ушбу романлар сюжетида (уларнинг яқин қардошлари – Византия романлари сингари) бениҳоя ўхшашлик кўзга ташланади ва моҳиятан бир хил элементлар (мотивлар)дан ташкил топади. Алоҳида романларда ушбу элементларнинг сони, сюжет доирасидаги солиштирма ҳажми, комбинацияси ўзгаришга учрайди. Уларнинг сюжетида хос типик чизмани, баъзи фарқлар ҳамда вариацияларни кўрсатган ҳолда тузиб чиқиш унчалик қийинчилик туғдирмайди. Мана ўша чизма:

Никоҳ ёшидаги йигит ва қиз. Уларнинг насл-насаби номаълум ёки сир сақланади (ҳар доим ҳам эмас; масалан, Татийда айни вазият йўқ). Улар мислсиз гўзалликлари билан бошқалардан ажралиб туришади. Шунингдек, улар ҳаддан зиёд покизадир (маъсум)лар. Йигит билан қиз кутилмаганда (кўпинча тантанали байрамларда) учрашиб қолишади. Улар бир-бирларини лаҳзалик, жилов билмас эҳтирос билан севиб қолишади, тақдирда битилмиш бедаво дард сингари бир-бирларидан ажралиша олмайди. Ҳойнаҳой, улар шу лаҳзада никоҳланишлари мумкин эмас. Йигит висолни кечиктирадиган, мислсиз синовлардан иборат тўсиққа дуч келади. Севишганлар ҳижронда, бир-бирини излашади, топишади, яна айрилиқ, яна топишув. Севишганлар йўлидаги тўсиқлар ва саргузаштлар: келиннинг тўй арафасида ўғирланиши, ота – онасининг розилик бермаслиги (агар улар бор бўлса), севишганларнинг бошқа биров билан аввалдан унаштириб қўйилганлиги (ёлланган, сохта рақиблар), севишганларнинг қочиб кетиши, уларнинг сафарлари, денгиз тўфони, кеманинг ғарқ бўлиши, мўъжизавий тарзда омон қолиш, қароқчилар хужуми, асирлик ва қамоқ, йигит ва қизнинг васвасага тушиши, маъшуканинг айбсизлигини исботловчи қурбонликлар, жангу жадаллар, қул қилиб сотилиш, ёлғондакам ўлим, ўзга қиёфага кириш, таниб қолиш – танимаслик, ёлғондакам хиёнатлар, уларнинг ўзлиги ва садоқатига дахл қилиниши, уларни жиноятда айбланиш, суд жараёнлари, севишганлардаги поклик ва садоқатнинг синовдан ўтказилиши. Қаҳрамонларнинг ота-оналари билан топишуви (агар йўқотишган бўлса). Шунингдек, қаҳрамонлар ҳаётида кутилмаган дўстларнинг, тасодифий душманларнинг пайдо бўлиши, башоратлар, олдиндан сезиш, фусункор тушлар муҳим роль ўйнайди. Романлар севишганларнинг қовушуви билан ижобий яқун топади. Уларнинг асосий сюжет чизмаси шундай.

Айни сюжетга хос воқеалар ўта кенг ва хилма-хил географик ҳудудлар – кўпинча, денгиз ажратиб турган уч-беш мамлакат (Юнонистон, Форс, Финикия, Миср, Бобил, Эфиопия ва бошқ.) – доирасида содир бўлади. Романларда баъзан мамлакатлар, шаҳарлар, турли иншоотлар, санъат асарлари (масалан, суратлар), аҳолининг урф-одатлари, ғаройиб ҳайвонот дунёси, ноёб махлуқотларнинг батафсил тасвири келади. Шу билан бир қаторда, романга (баъзида ниҳоятда кенг доирадаги) чуқур мушоҳада ва мувоқабалар, диний, фалсафий, сиёсий, илмий (тақдир, белги-аломатлар, Эрот салтанати, инсоний эҳтирослар, кўзёши ва қайғу ҳақида) мавзулардаги фикрлар киритилади. Романда ҳаракатдаги шахсларнинг қадим риторикага хос барча фазилатларини ўзида мужассам этган сербезак, ҳимоявий ва бошқа нутқлари муҳим ўрин тутаяди. Шундай қилиб, юнон романи бир бутун ҳолатда, умуман ушбу жанр учун хос бўлган комусийлик томон интилади.

Романнинг юқорида биз қайд этган сюжет, тасвир, риторикасига доир

жиҳатлар янгилик даъво қилмайди. Чунки уларнинг барчаси антик адабиётнинг бошқа жанрларида ҳам кўзга ташланади. Хусусан, муҳаббат мотивлари (илк учрашув, оний эхтирос, изтироблар) эллинлар ишқий поэзиясида, бошқа мотивлар (бўрон, кема ҳалокати, уруш, ўғирлаш) антик эпосда, билиб қолиш мотивлари антик трагедияда, тасвир усуллари қадимги географик романлар ҳамда тарихий асарлар (масалан, Геродот)да, мушоҳада ва нутқ эса риторика жанрларида мукамал даражада ишлаб чиқилган. Юнон романи туғилиши (генезиси)га омил бўлган ишқий элегиялар, географик романлар, риторика, драма, тарихий жанрлар таъсир кўламини турли даражада баҳолаш мумкин, аммо бу айна жанр таркибининг синкретик жараёнлар ҳосиласи эканини инкор этишга сабаб бўла олмайди. Умуман, юнон романи антик адабиётга доир барча жанрлар хусусиятларини ўз таркибига сингдириб олган, дейиш мумкин.

Лекин ранг-баранг жанрларга хос унсурлар бу ўринда, асосий тизим моҳиятини белгилловчи авантюр замон негизида, бир бутун янги роман спецификасига мужассамлашган. Мутлоқ янги хронотопда – “авантюр замон таркибидаги бегона оламда” – турфа жанр унсурлари тамомила янгича моҳият, хос функция касб этди ва шунинг учун ҳам ўзга жанрлар намоён этмиш хусусиятларидан узил-кесил озод бўлди.

Хўш, Юнон романларига хос авантюр замоннинг мазмун-моҳияти нимада?

Сюжет тизмасидаги бошланғич нукта – ошиқ ва маъшуканинг илк учрашуви, хиссиётларнинг тасодифий жунбуши; сўнги нуктаси эса – уларнинг мурод-мақсадларига етишуви, никоҳнинг жорий бўлиши. Инчунин, бутун роман воқеалари шу икки нукта оралигида айланади. Сюжет ҳаракати деб аталган ушбу нукталар қахрамонлар ҳаётига доир муҳим ҳодисалар ҳисобланади ва улар ўз-ўзича биографик моҳият касб этади. Лекин роман қахрамонлар биографияси асосига эмас, улар ўртасида содир бўладиган воқеалар асосига қурилади. Моҳиятан ошиқ ва маъшуқа муносабати заррача бўлсин ўзгармайди: уларнинг эхтиросли муҳаббати сира шубҳа уйғотмайди, илк дақиқаларда қандай бўлса, бутун роман давомида шундайлигича қолади, ўзгармайди; улардаги поклик, бокираликка зарра путур етмайди, муҳаббат роман сўнгида амалга ошадиган никоҳга юз фоиз асос бўлади. Бир кўришда гуриллаб ёнган ишқ оловининг тафти, шунча воқеалар рўй берганидан кейин ҳам, гўё ҳеч нарса содир бўлмагандек, гўё орадан ҳеч қанча вақт ўтмагандек, гуриллашда давом этаверади. Шу тарика биографик ҳаёт ва биографик замоннинг икки пайваста лаҳзаси бевосита туташади. Бутун роман қурилишига омил бўлган, бир-бирига пайваст бу икки биографик палла ўртасида рўй берган узилишлар, айрилиқ ва кечмишлар биографик замон сирасига кирмайди, қахрамонлар ҳаётида ҳеч бир ўзгариш ясай олмайди. Булар аслида, икки биографик замон ўртасида содир бўлган замонсиз кечмишлардир.

Агар бошқача бўлганда, масалан, қахрамонлараро илк учрашувдаёқ ёнган ишқ олови саргузаштлар, синовлар натижасида кучайиб, янги синовлар туфайли янада мустаҳкамланганида, ошиқ ва маъшуқа бир-бирларини янада чуқурроқ ўрганиб турмуш курганларида бизнинг олдимизда юнон романи ёки европа авантюр романи эмас, балки тамомила кейинги давр романи намоён бўлур эди. Шундай бўлганида сюжет истилоҳи аввалгидек (бир кўришда муҳаббатнинг никоҳ билан интиҳо топиши) қолган тақдирда ҳам, айна воқелик, муқаррар никоҳ бизга маълум бўлган биографик, лоқал, психологик моҳият касб этиши, қахрамонлар ҳаётини ўзгартирувчи реал замон мезонлари билан ўлчаниши керак эди. Аммо Юнон романларида айнан шу нарса йўқ. Бу ерда икки биографик замон аро содир бўладиган кечмиш на қахрамонлар ҳаётида, на феъл-атворида бирор из қолдиради.

Кечмиш билан бутунлик ҳосил қиладиган роман воқелиги ҳаётнинг одатдаги оқимидан мутлақ чекиниш бўлиб, инсон биографиясига бирор нарса қўшиш хусусиятидан мустаснодир.

Юнон романига хос бу хусусият замон қахрамонларининг ташқи кўринишига ҳам, ёшига ҳам таъсир қилмайди. Қахрамонлар романнинг бошланишида қандай бўлсалар, охирида ҳам худди ўша ёшда, ўшандай гўзал ва навқирон ҳолатда никоҳланадилар. Улар бошидан мислсиз синовлар, саргузаштлар ўтказган вақт



романда ҳисобга ҳам олинмайди, унга киритилмайди ҳам. Бундаги замон фақат техник мезонларда ўлчанган, ҳар бир саргузашт учун алоҳида белгиланган кунлар, тунлар, соатлар, лаҳзалардан иборат. Қаҳрамонлар ёшида айна саргузаштлар фавқулудда муҳим, бироқ ҳисобдан ташқари, ноаниқ замонда содир бўлади. Шунингдек бу – икки биологик вужуд ўртасидаги эҳтиросли интилиш ва қониқишдан иборат вақтдан ташқарида содир бўлувчи кечмишдир.

Бир пайтлар Вольтер ўзининг (XVII – XVIII асрларда “барокко романи” номи билан машҳур бўлган) “Кандид”ни юнон романига пародия сифатида ёзган эди. Қарангки, у қаҳрамон “тақдирининг ўзгаришига” оддий роман саргузашти микдорига кўра қанча реал вақт лозим бўлишини ҳисобга олишни унутиб қўяди. Унинг қаҳрамонлари (Кандид ва Кунигунда) роман сўнгида барча синовларга бардош бериб, бахтли никоҳга етишадилар. Аммо, афсуски, улар эндиликда қариб-қартайишган, гўзал Кунигунда бадбашара, ялмоғиз кампирга айланган эди. Энди улар учун жисмоний ночор эҳтироснинг қизиғи ҳам қолмайди.

Маълум бўладики, юнон романларига хос авантюра замон, ҳар қандай такрорий келадиган қонуниятлар, инсонга хос мезонлардан, табиий ва маиший даврийликлардан холи. Авантюра замонни тарихан чегаралаш (мослаштириш) хусусида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Юнон романи ўзининг бутун бошли мамлакатлари, шаҳарлари, иншоотлари, санъат асарлари билан ҳар қандай тарихий замон аломатларидан, замонлар таъсиридан мутлақо холи туради. Буни фанда юнон романлари хронологияси ҳамон аниқланмагани, уларнинг пайдо бўлиш даврига доир изланишлар эса романлар орасида беш-олти асрлик фарқ борлигини кўрсатгани ҳам далиллаб турибди.

Демак, юнон романига хос барча ҳаракатлар, уни тўлдирадиган барча воқеа-ходисалар, саргузаштларни тарихий, маиший, биографик, биологик (қаҳрамонларнинг ёши) замон таркибига киритиб бўлмайди. У бундай қонуниятлардан, астрономик мезонлардан тамомила ташқарида туради. Бу замонда ҳеч нарса ўзгармайди: дунё аввал қандай бўлса, шундайлигича туради, қаҳрамонлар ҳаёти ҳам бирор ўзгаришга учрамайди, ҳиссиётлар аслидек қолади, бу замон ичидаги одамлар ҳатто қаримайди ҳам. Мавҳум замон ҳеч нарсада ўз изини қолдирмайди, унинг окимидан бирор аломат сақланмайди. Такрор айтаман, бу реал вақт – икки биографик вақт оралиғида рўй берадиган, вақтдан холи бир кечмишдир.

Авантюра замон умумий қарашда шундай экан, унинг хусусий жиҳати нималардан иборат?

У алоҳида саргузаштлар муносабатига қурилган қатор бўлақлардан ташкил топади. Ҳар бир шундай авантюра замон таркиби ташқи – техник нуқтаи назардан ташкиллаштирилган: муҳими қочишга, етиб олишга улгуриш, ўтиб кетиш, айна лаҳза, айна жойда бўлиш ёки бўлмастик, учрашиш ёки учрашмаслик ва ҳ.к. Алоҳида саргузаштлар қурилишида кунлар, кечалар, соатлар, ҳатто дақиқаларгача, ҳар қандай курашда, ҳар қандай ташқи фаолиятда бўлгани сингари ҳисоб-китобли. Бундай замон бўлақлари “бирдан”, “шу пайт” сингари махсус воситалар орқали олиб қилилади ва ўзаро кесишади.

“Бирдан” ва “шу пайт” – бу замоннинг нисбатан ўхшаш тавсифи ёхуд у шундай жойда бошланиб, шундай вазиятда қонуний вазифасини ўташга киришадими, айна лаҳзадан эътиборан ақлга сиғадиган воқеалар оқими узилиб, мутлоқ тасодиф деб аталган махсус мантиқ асосида ҳаракат қилувчи замонга ўрнини бўшатади. Бу мантиқ – тасодифий мослик, яъни тасодифий айнизамонлилик ва тасодифий узилишдир. Воқеан, ушбу тасодифий айнизамонлилик ва айризамонлиликда “аввал” ёки “кейин” ҳам ўшандай муҳим, ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Нимадир, айнизамонга хос тасодифларга зид равишда, бир дақиқа олдин ёки бир дақиқа кейин юз берганида сюжет ҳам бўлмасди, роман ҳам ёзилмасди.

“Тақдир ўз ўйинини бошлаган пайт ўн тўққиз ёшда эдим, бир йилдан кейин отам мени уйлантирмоқчи эди”, – деб ҳикоя қилади Клитифонт (“Левкиппа ва Клитифонт”, 1-қисм, III).

Худди шундай “тақдир ўйини”, “бирдан”, “шу пайт” бутун роман мундарижасини ташкил этади.

Кутилмаганда фракцияликлар билан византияликлар ўртасида уруш бошланади. Бу урушнинг сабаби тўғрисида романда бирор сўз йўқ, ammo айнаи уруш туфайли Левкиппа Клитифонтлар хонадонига келиб қолади. “У, кўзим тушган илк дақиқадаёқ мени ўлдирган эди”, – деб ҳикоя қилади Клитифонт.

Лекин Клитифонтни отаси бошқа бир қизга унаштириб қўйган эди. Отаси тўйни ўтказиб олишга шошилади, эртасигаёқ тўйолди қурбонлигини қилади: “Бу ҳақда эшитиб, дунё кўзимга қоронғи кўриниб кетди, тўй кунини чўзиш учун тадбир қидиришга тушдим. Шу билан банд эканман, кутилмаганда уйимизнинг эркаклар бўлмаси томонда бакир-чакир эшитилди” (2-қисм, XII). Маълум бўлишича, Клитифонтнинг отаси сўйган қурбонлик гўштини бургут олиб қочади. Бундай хайрсиз аломатдан кейин тўйни бир неча кун ортга суришга тўғри келади. Худди шу кунлари, тасодифан, Клитифонтга унаштирилган қизни Левкиппанинг ўрнига, адаштириб, ўғирлаб кетишади.

Клитифонт Левкиппанинг хобхонасига яширинча киришга қарор қилади. “Қизнинг хобхонасига кирган пайтимда унинг онасида бир ғаройиб ҳолат содир бўлибди. У ёмон туш кўрибди” (2-қисм, XXIII). Қизнинг онаси уйқусираб югуриб чиқади ва Клитифонтни кўриб қолади. Қарангки, Клитифонт ўзини танитмай қочиб қолишга улгуради. Ammo тонг ёришгач, севишганларнинг сирлари очилиб қолмайди, деб ким кафолат берарди? Шундай шубҳалар билан Клитифонт ва Левкиппа қочишга мажбур бўлишади. Қахрамонларнинг қочишлари ҳам бошдан-охир “бирдан” ва “шу пайт” деган тасодифиятлар билан рағбатлантириб турилади. “Буни қарангки, бизларни назорат қилиш топширилган Комар ўша куни беканинг тасодифий топшириғи билан қаёққадир кетди... Бизга омад кулиб оқди: Байрут каналига етиб борганимизда сузиб кетишга шайланиб турган кемага дуч келдик”.

Кемада “Тасодифан бир йигитча билан ёнма-ён тушиб қолдик” (2-қисм, XXXI - XXXII). Клитифонт шу йигитча билан дўстлашиб қолади ва у севишганларнинг кейинги саргузаштларида муҳим роль ўйнайди.

Шундан сўнг анъанавий тўфон ва кема ҳалокати содир бўлади. “Сафаримизнинг учинчи куни кутилмаганда куёш юзини қора булут тўсди” (3-қисм, I).

Кема ҳалокатида ҳамма нобуд бўлади. Фақат қахрамонларгина бахтли тасодиф туфайли омон қолишади. “Кема чўкиб бўлганида Худо ўз марҳамати билан бизга кеманинг бир парчасини дуч қилди”. Тўлқинлар уларни қирғоққа улоқтиради: “Кечга яқин биз тасодиф туфайли Пелусия қирғоқларига келиб қолдик, оёғимиз ер кўрди...” (3-қисм, V).

Кейин маълум бўладики, ҳалокатга учраб дунёни тарк этган деб ҳисобланганларнинг барчаси бахтли тасодиф туфайли омон қолишган экан. Сўнг улар, айнан қахрамонларга кўмак зарур бўлган вазиятда, ўз вақтида пайдо бўлишади. Левкиппасини қароқчилар ўлдирганига ишончи қомил бўлган Клитифонт ўз жонига қасд этишга қарор беради: “Левкиппанинг фиरोқида куйиб, ўзимни ўлдириш учун қиличимни олиб чиқдим. Ойдин тун эди. Шунда тасодифан мен томонга югуриб келаётган икки одамни кўриб қолдим: билсам, улар Менелай ва Сатир экан. Дўстларим билан бўлган кутилмаган учрашув ҳам кўнглимдаги рутубатни арита олмади” (3-қисм, XVII). Албатта, дўстлари уни худкушликдан қайтаришади, шу билан бирга Левкиппанинг ҳаёт эканини ҳам айтишади.

Романнинг сўнгроғида тухмат билан Клитифонтни ўлим жазосига ҳукм қилишади. Ўлим олдидан қаттиқ қийноққа солмоқчи бўлишади: “Қийимларимни ечиб, занжирбанд этишди. Жаллодлардан бири курси, бошқаси арқон олиб келди, яна бирови олов ёқишга киришди. Клиний жазавога тушиб, маъбудларни чорлай бошлади. Шунда бирдан ҳамманинг кўз ўнгида Артемиданинг гулчамбар таққан қохини пайдо бўлди. Унинг ташрифи маъбудалар шарафига тантанали байрам бўлишидан дарак берарди. Бундай байрамларда барча иштирокчилар маъбудларга қурбонлик қилиб бўлмаганларича ҳар қандай қатл тўхтатиб турилади. Шундай қилиб, ўшанда мен муқаррар ўлимдан омон қолганман” (7-қисм, XII).

Қатл кечиктирилган бир неча кун ичида ҳамма нарса равшанлашади, албатта, қатор тасодифлар, мос келишлар ва узилишлар билан воқеалар бошқача йўналиш олади. Левкиппанинг висоли ошиқни бахтиёр этади. Роман саодатли никоҳ билан яқун топади.

Кўринадикки (биз бу ўринда тасодифлар айнизамонлиги ва айризамонлиги устида кичик кузатишлар олиб бордик), ушбу романларда авантюр замон ўта бесаранжом кечади; унда бир кеча, бир кун, бир соат, ҳатто бир дақиқа ҳам жиддий аҳамиятга молик бўлади. Саргузаштлараро ҳосил бўлган интихосиз воқеалар тизмасида эса замоннинг таъсири сезилмайди. Ушбу тизма шундай хусусиятга эгаки, уни истаган микдорда, қайси томонга қарата чўзсангиз бўлаверади, ички тузилмадаги чегара билинмайди. Бу жиҳатдан юнон романи новеллаларга ўхшайди (“Минг бир кеча” типидagi эртақ-ҳикоялар назарда тутилмоқда – У.Ж.). XVII асрдан эътиборан бундай романлар ҳажми яна ўн-ўн беш мартага ошди. Ҳажм ўсиши тўхтамади. Ҳисоб-китобли саргузаштлар худудида барча кунлар, соатлар, дақиқалар реал замон қаторига ўтмайди, одамнинг реал ҳаёти кун ва соатларига айланмайди. Бу кунлар ва соатлар ўзидан бирор из ҳам қолдирмайди. Шу боис ҳам улар чек-чегарасиздир.

Адоқсиз авантюр замоннинг барча лаҳзалари ягона куч – тасодиф билан бошқарилади. Зотан, кўриб турганимиздек, ушбу замон тасодифий айнизамонлик ва айризамонликдан таркиб топади. Авантюр “тасодиф замон” шундай специфик замонки, у инсон ҳаётидаги иррационал қувватга дахл қилишдан ҳосил бўлади. Бу одамларга қисматнинг, маъбудларнинг, иблисларнинг, сеҳргару афсунгарларнинг, кейинги авантюр романларда пайдо бўлмиш ёвуз кучларнинг дахл қилишидир. Бундай ёвузлар ўз қуролларидан тасодифий айнизамонлилик ва тасодифий айризамонлилик оқибати ўлароқ фойдаланишади, шу мақсадда “йўлни қирқади”, “пайт пойлайди”, оқибатда “бирдан” “шу пайт”га томон қулайди.

Авантюр замон лаҳзалари воқеликнинг табиий оқими узиладиган нуқталарда ётади. Қаердаки табиий тизим, сабаблар тизими ёки мақсадлар тизими узилса, шу жойда – қисмат, маъбудлар, ёвузлар сингари – ғайриоддий кучларга йўл очилади. Авантюр замоннинг барча имкониятлари роман қаҳрамонларига эмас, айна кучларга тегишли бўлади. Албатта, авантюр замонда қаҳрамонларнинг ўзлари ҳам ҳаракатда бўладилар: қочадилар, ҳимояланадилар, курашадилар, қутулиб қоладилар. Уларнинг воқеаларда жисман иштироклари бўлади-ю, аммо ихтиёр ва имкониятлари бўлмайди. Ҳатто муҳаббат ҳисси ҳам уларга маъбуда Эрот томонидан юборилади. Авантюр замон воқеалари одамлар учун фақат тасодиф ўлароқ мавжуд (баъзан улар тасодифан шоҳлик салтанатига ҳам эга бўлишади). Соф авантюр одам – тасодиф яратган одам, яъни ҳаётида тасодифан нимадир содир бўлган одам авантюр замон чегарасига қадам кўяди, авантюр замонга хос имкониятлар эса унинг имкониятларига мос келмайди.

Тўла англашиладики, авантюр замон лаҳзаларида – барча ушбу “бирдан” ва “шу пайт”ларни – идрокий таҳлил, тадқиқ, валоят, тажриба ва ҳ.к.лар орқали англаш мумкин эмас. Бундан кўра ушбу лаҳзалар фолбинлик, башорат қилиш, нақллар, кароматлар, аниқ-тиниқ тушлар, кўнгил билан англонади. Бундай ҳолатлар юнон романларида тўлиб-тошиб ётибди. Бирдан Клинофонт билан “тақдир ўз ўйинини бошлаб қолади”, у Левкиппа билан бўладиган учрашуви ва саргузаштларидан дарак берган кароматли тушни кўради. Романнинг давомида ҳам бундай ходисалар кўп такрорланади. Маъбудлар ва қисмат бу ўринда воқеалар тизгинини ўз кўлида тутиб туради, одамларга ўз хоҳишини билдиради. “Маъбудлар кўпинча тун қоронғусида одамларга сир очишни яхши кўрадилар, – дейди Ахилл Тагий Клитофонт тилидан, – буни улар одамларни изтиробдан сақлаш учун эмас – зотан, одамзот ўз қисматига маҳкумдир – балки улар ўз қайғуларини енгил ўтказсинлар деб қиладилар” (1-қисм, III).

Худди шу жойда, кейинги давр Европа авантюр романи ривожига хизмат қилган, юнон авантюр замони кириб келади. Айна имконият романдаги тасодифлар дунёсида айнизамонлик ва айризамонлик аталмиш мавҳумот, қисмат, илоҳий башорат, ёвуз кучлар ёки сирли “ҳомийлар” ўлароқ намоён бўлади. Қолаверса, буларнинг охирилари Вальтер Скоттнинг тарихий романларида ҳам учрайди. Тасодиф (унинг бошқа жиҳатлари) билан бирга роман таркибига башоратлар, айниқса кароматли тушлар ва олдиндан сезиб қолишлар ҳам ҳақли равишда кириб келади. Бунда бутун роман юнон авантюр замони асосида қурилиши шарт эмас.

Ушбу романлар учун авантюр замониға хос баъзи унсурларнинг бошқа замонлар қаторида бўлиши ва ёнма-ён ҳаракат қилишининг ўзи кифоя.

Айни тасодифға қурилган авантюр замондаги маъбудлар, ёвуз кучлар, ўзларининг хос мантиқлари билан XVII асрда халқлар, салтанатлар, маданиятлар тақдирига ҳам жалб қилинди. Масалан, бундай ҳолат Скюдерининг “Артамен ёки улуғ Кир”, Лоэнштейннинг “Арминий ва Туснельда”, Кальпренеднинг тарихий романларида кўзга ташланади. Уларнинг ўзига хос тарзда “тарих фалсафаси”га, тарихлар тирқишига бевақт кириб бориши айни икки замон палласи оралиғида содир бўлади.

Барокко тарихий романиға оид замон йўналиши “готик романлар” воситасида, унинг баъзи бир пинҳоний жиҳатларини – сирли ҳомийлари ва ёвуз кучлари, тасодифнинг хос хусусиятлари, турли хил башоратлари, олдиндан сезишларини аён этган ҳолда, Вальтер Скотт тарихий романларига ҳам кириб борди. Албатта, бундай ҳолатлар Вальтер Скотт романларида етакчи мавқеда турмайди.

Айтиш жоизки, бу ўринда гап умуман тасодиф ҳақида эмас, юнон авантюр замониға хос ташаббускор тасодиф ҳақида кетяпти. Умуман, тасодиф ҳаётнинг ўзида бўлгани сингари ҳар қандай романда кўзга ташланиши мумкин бўлган эҳтиёж шаклидир. Нисбатан умуминсоний замон қаторлари (реалликнинг турли даражалари)да, юнонча ташаббускор тасодиф палласи – (албатта бу ўринда тўла мослик ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас) инсонға хос осийлик, жиноят сингари жиҳатлар мослиги (айниқса, барокко романларида), иккиланиш ва танлаш, инсон иродасининг фаоллашуви каби ҳолатлар кўзга ташланади.

Юнон романиға хос авантюр замон таҳлилиға якун ясашдан олдин бир қадар умумийроқ бўлган яна бир нарса, яъни романлар сюжети ташкил этувчи унсур вазифасини бажарадиган алоҳида мавзулар ҳақида сўз юритишимиз мақсадға мувофиқдир. Висол – айрилик, йўқотиш – эришиш, излаш – топиш, таниш – танимаслик сингари мавзулар нафақат турли давр ва типларға доир романлар сюжетида, балки адабий турларнинг бошқа жанрлари (эпик, драматик, ҳатто лирик жанрларда)да ҳам муҳим таркибий қисмлар ҳисобланади. Ушбу мавзулар (турли жанрларда турлича намоён бўлса ҳам) ўз табиатиға кўра хронотопикдир. Биз бу ўринда буларнинг бири – сўзсиз, энг муҳими бўлмиш – висол (учрашув) мотиви ҳақида сўз юритамиз.

Юнон романи таҳлили асосида кўрсатганимиздек, замоний аниқлик (“бир вақтнинг ўзида”) маконий аниқлик (“шу жойнинг ўзида”) билан тўла уйғунликда намоён бўлади. Бунга тескари бўлган – “учрашишмади”, “ажрашишди” сингари мавзуларда ҳам хронотоплик сақланиб қолади. Лекин бунда хронотопнинг у ёки бу қисми салбий аломат билан берилади: ўша жойға бир пайтнинг ўзида етиб бора олмаганлари сабабли ёки ўша вақтда турли манзилларда бўлганлари боис улар учрашишмади. Замон ва маконнинг чоксиз бирлиги ҳамда аниқлиги учрашув хронотопида ёрқин, шаклий, деярли математик табиатға эга бўлади. Албатта, бундай табиатда мавҳумлик хусусияти ҳам бор. Аммо яқка ҳолатдаги учрашув мавзуи бўлиши мумкин эмас. У ҳар доим сюжет таркибига ва конкрет асар дунёсини ташкил этувчи унсур сифатида қиради, асарнинг конкрет хронотопи дунёси (биз ўрганаётган манбаларда эса авантюр замон ва бегона ҳудуд)ға сингиб кетади. Учрашув мотивлари турли асарларда ўзаро аниқ ва нозик, хиссий жиҳатдан қийматдор (учрашув баъзан хоҳиш билан, баъзан хоҳишсиз, баъзан қувончли ёки қайғули, баъзан эса қўрқинчли ёки амбивалент бўлиши мумкин) фарқларға молик бўлади. Албатта, учрашув мотивлари турли контекстларда турлича ифода этилиши мумкин. У баъзан чала, баъзан тўла ташбеҳ сифатида намоён бўлиши, ниҳоят, мукамал (баъзан ўта чуқур) рамзға айланиши ҳам мумкин. Кўпинча адабиётда учрашув хронотопи композицион функцияни бажаради: баъзан тугун, баъзан кульминация, баъзида эса сюжет ечими вазифасини ўтайди. Учрашув – эпос (айниқса роман) сюжетни ташкил этувчи ўта қадимий воқелик ҳисобланади. Учрашув мотивининг айрилик, қочиш, эришиш, йўқотиш, никоҳ ва ҳ.к. – ўзаро макон-замон аниқлиги жиҳатидан ўхшаш – мотивлар билан мустаҳкам алоқадорлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айниқса, учрашув мотиви – турли

хил йўл учрашувлари – йўл хронотопи (“катта йўл”) билан муҳим боғланишга эга. Йўл хронотопида макон-замон уйғунлиги мукамал тарзда аниқ ва ёрқин очилади. Адабиётда йўл хронотопининг алоҳида ўрни бор. Йўл мотивига доир вариацияларга эга бўлмаган асарлар камдан-кам учрайди, аксинча йўл хронотопи, йўлдаги учрашувлар, йўл саргузаштлари асосига қурилган асарлар кўпчиликни ташкил этади.

Учрашув мотиви, бошқа мотивлар сингари, адабиётда (хусусан, антик трагедияда) муҳим роль ўйнайдиган таниш – танимаслик мотиви билан ҳам мустаҳкам алоқага эга. Учрашув мотиви нафақат адабиётда (учрашув мотиви бўлмаган бадиий асарни топиш қийин), балки маданиятнинг бошқа йўналишлари, ижтимоий-маиший ҳаётнинг барча соҳалари учун универсал мотивлардан бири ҳисобланади. Бундай мотивлар бизга бир қадар бегона, соф аниқликка асосланган фан-техника соҳасида ҳам, муайян даражада учрашув мотиви ўхшашини ифода этадиган контакт тушунчасида ифодаланади. Мифологик, диний соҳаларда учрашув мотиви, албатта, етакчи вазифалардан бирини бажаради: илоҳий нақлларда, илоҳий битикларда (масалан, масиҳийлар “Инжил”ида бўлганидек буддавийликда ҳам), диний маросимларда учрашув мотиви Тангри пайғоми мотивлари билан уйғун келади. Аниқ илмий характерга эга бўлмаган баъзи фалсафий йўналишлар (масалан, Шеллинг, Макс Шелер, айниқса Мартин Бубер) да ҳам учрашув мотиви кўламдор моҳият касб этади.

Ижтимоий ва давлат ташкилотлари фаолиятида реал учрашув хронотопи ўзининг доимий ўрнига эга. Ижтимоий ташкил этилган учрашувлар ва уларнинг аҳамияти ҳаммамизга маълум. Учрашувчи томонлар мартабасидан тортиб, учрашувчилар сони, учрашув вақти ва жойи қатъий белгиланган, давлат миқёсидаги дипломатик учрашувларнинг аҳамиятини эса айтмаса ҳам бўлади. Ниҳоят, оддий маиший ҳаётда ҳар бир индивидуал шахс ҳаётига доир (баъзан ўша одамнинг тақдирини белгиловчи) учрашувларнинг муҳимлиги ўз-ўзидан тушунарли.

Учрашув мотивининг хронотоп доираси шундай. Хронотопнинг бундан ҳам кўламлироқ масалалари хусусида очеркимизнинг сўнроғида яна тўхталамиз. Ҳозир эса, яна Юнон романлари таҳлилига қайтамиз.

Юнон романига хос авантюра замон қайси маконда юзага чиқади?

Юнон авантюра замони учун абстракт – маконий худудсизлик зарур. Албатта, юнон романи дунёси ҳам хронотопга бўйсунди, аммо шунини унутмаслик жоизки, бунда макон билан замон муносабати органик эмас, балки соф механик табиатга эга бўлади. Авантюра тўла намоён бўлиши учун чексиз макон талаб қилинади. Тасодифий айнизамонлилик ва айризамонлилик кўринишлари ўлчовга эга – олис ва яқин – макон (уларнинг турли даражалари) билан сўзсиз боғлиқ бўлади. Дейлик, Клитофонт ўзини-ўзи ўлдиришига йўл қўймасликнинг ягона йўли унинг дўстлари ўша жойга, айнан худкушлик амалга оширилаётган пайтда бориб улгуришларидир. Шунингдек, улар лозим жойга, ўз вақтида улгуришлари – етиб боришлари учун югурадилар, яъни олис масфани қисқартирадилар. Роман сўнгида Клитофонтни кутқариш учун ҳам, албатта, Артемиданинг қохини билан боғлиқ жараён қатл майдонида, қатл ижросидан аввал рўй бериши лозим. Ўғирлик ўғирланган кимсанинг олис ва номаълум манзилга шошилишча етказилишини талаб этади. Таъкиб муайян маконий олислик тўсиқларини бартараф этишни кўзда тутди. Асирлик ва қамок қаҳрамоннинг мақсади томон қиладиган кейинги маконий ҳаракатлари, изланишлари, таъкибларини маълум макон-манзил билан чегаралашга қаратилади. Ўғирлаш, қочиш, таъкиб, қидирув, асирлик юнон романида катта роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам унга куруклик ва денгиз, турли мамлакатлардан иборат улкан макон лозим бўлади. Ушбу романлар дунёси улкан ва ранг-баранг. Аммо улканлиги ва хилма-хиллиги мутлоқ абстракт. Кема ҳалокати учун, албатта, денгиз керак. Лекин бунинг қайси денгиз эканлиги ҳам тарихий, ҳам географик жиҳатдан ҳеч бир аҳамиятга эга эмас. Қочоқлар ўтиб олишлари, ўғирлар ўз ўлжаларини олиб ўтишлари учун ўзга мамлакат жуда муҳим, лекин бунда ҳам у қандай мамлакат бўлишининг сира аҳамияти йўқ. Юнон романига

хос авантюро воқелик, романда учрайдиган алоҳида мамлакатларнинг хусусий ҳолатлари, ижтимоий-сиёсий тузилиши, маданияти ва тарихи балан мутлақо боғланмайди. Барча бу каби жиҳатлар умуман авантюро воқеликнинг муайян палласи ҳисобига кирмайди. Чунки авантюро воқелик фақат тасодиф, яъни тасодифий айнизамонлилик ва айризамонлилик билан маълум манзил-макон доираси (маълум мамлакат, шаҳар ва х.к.) уйғунлашгандагина маъно касб этади. Олинган манзил бир бутун ҳолатда, уни ташкил этган қисмлари сингари, воқеа таркибига кирмайди. Авантюра учун манзил, жой бор-йўғи яланғоч ва мавҳум худуд сифатидагина аҳамиятга эга.

Шу боис ҳам юнон романларига хос авантюра жой танламайди. Бобилда юз берган бирор воқеа Миср ёки Византияда ҳам рўй беравериши мумкин ёки аксинча. Ўз-ўзича мустақил яқунга эга авантюралар, замон нуқтаи назаридан ҳам кўчма хусусиятга эга. Чунки авантюро замон ўзидан бирор из қолдирмайди, шунингдек, моҳиятига кўра эврилувчандир. Шундай қилиб, авантюро хронотоп макон ва замоннинг техник-мавҳумий муносабати, замон силсиласининг эврилувчанлиги ва макон доирасида ўзгариб туриши билан характерланади.

Бундай хронотопда етакчилик ва ҳокимият фақат тасодифга тегишлидир. Шу боис мазкур дунёга хос муайянлик ва конкретлилик мумкин даражада чегараланган бўлади. Зотан, ҳар қандай конкретлаштириш – у худудийми, иктисодийми, ижтимоий-сиёсий ёки маишийми, бундан қатъи назар – авантюрага хос раволикка, эркинликка соя солган, тасодифнинг мутлоқ ҳокимлик миссиясини чегаралаган бўлур эди. Ҳатто оддийгина маиший конкретлаштириш ҳам инсоний турмушни, инсон ҳаётига оид замонни ўзининг қонуниятлари, тартиб-интизоми, лозим муносабатлари талаби билан чеклаб қўяр, воқелик бундай тартиб-интизомлар, қонуниятлар, муносабатлар талаби остида ўралашиб қоларди. Оқибатда тасодиф ҳокимияти мутлоқ чегараланар, саргузаштлар органик доирага томон тораяр, бутун фаолият доираси макон ва замоннинг шу нуқтасида айланиб қолар эди. Лекин ўз туғилиб ўсган дунёси, ўраб турган воқеликни тасвирлашда бундай муайянлаштиришдан мутлақо кўз юмиб ҳам бўлмайди. Ўз туғилиб ўсган дунёсини (у қандай бўлишидан қатъи назар) юнон авантюро замонида хос мавҳумият даражасида тасвир этишнинг умуман имкони йўқ.

Шунинг учун ҳам юнон романи дунёси – бегона бир дунё: бу ерда ҳамма нарса мавҳум, нотаниш, бегона; бу дунёга қаҳрамонлар илк бор келишади, унинг билан ҳеч қандай алоқадорликлари, муносабатлари бўлмайди, бу оламнинг ижтимоий-сиёсий, маиший ва бошқа қоидалари уларга бегона, айти сабабдан улар учун бу дунёда мавжуд ҳамма нарса тасодифий айнизамонлилик ва айризамонлилик сифатида мавжуд.

Аммо юнон романида бу дунёнинг бегоналигига деярли урғу берилмайди. Шу боис уни ғайриоддий деб бўлмайди. Экзотика бегоналикнинг ўзиникига зид қўйилишини талаб қилади. Унда бегонанинг бегоналигига урғу берилади. Аниқроғи, бегона дунё ақл бовар қиладиган, таниш, одатий нарсалар узра қиёсий тасвирланади. Юнон романида эса бу йўқ. Бунда ҳаммаси бегона, ҳатто қаҳрамонларнинг туғилган юртлари ҳам (одатда ошиқ ва маъшуқа бошқа-бошқа манзиллардан бўлади). Бунда том маънодаги қадрдон, одатий, таниш (муаллиф ва ўқувчининг туғилган ўлкаси) нарсанинг ўзи йўқки, унга қиёсан қаҳрамонлар бегонанинг бегоналигини ҳис қилсалар. Бинобарин, қадрдонлик, одатийлик, муайянликнинг қуйи даражадаги англови, ёввойи наводиротнинг ушбу бегона миқёсда идрок этиш имкониятлари бу романларда мавжуд эканида. Аммо бу шу қадар сезиларсиз, кичик даражадаки, уни муаллифлар “ўз олами”, “ўз даври” сифатида англаб-англамаганини илмий таҳлил йўли билан очиш деярли мумкин эмас.

Юнон романларининг олами – мавҳум-бегона дунё, бошдан-охир шу даражада бегонаки, бунда маллиф ўз дунёсининг қайси нуқтасида туриб, қайси давр кенгликлари аро уни тасвирлагани билинмайди. Шу сабабли бунда тасодифнинг мутлоқ ҳокимлигига – ақл шошар даражада осонлик билан рўй берадиган, ўзаро мустаҳкам боғланишдаги ўғирликларга, қочишларга, асирликларга, қутилишларга,

сохта ўлимлару қайта тирилишларга ва бошқа саргузаштлар силсиласига – ҳеч нарса раҳна сола олмайди.

Лекин юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу мавҳум – бегона дунёда кўплаб нарса ва ҳодисалар кенг тасвир этилади. Айни ҳолат ундаги мавҳумлик билан қандай мослашади? Гап шундаки, юнон романларида нимаики тасвирланса, деярли чегараланган, маталган (бир ипга тизилган) тарзда тасвир этилади. Бирор жойда бирор мамлакатнинг тўла, бир бутун тасвири – унинг ўзига хосликлари, бошқа мамлакатлардан фарқли томонлари билан боғлиқ ҳолда – берилмайди. Бор-йўғи унинг бир бутун ҳажмидан келиб чиқувчи алоҳида қурилишлари, табиати, у ҳудудга хос ғаройиб ҳайвонлар тасвирланади. Бирор жойда ўша халққа хос урф-одатлар, расм-русмлар тўлалигича тасвирланмайди, бунинг ўрнига бирорта ғаройиброк маросим ҳақида сўзлаб ўтилади. Романда тасвирланган барча нарсалар бир-биридан ҳимояланган, ўзаро боғлиқ томонлари бунда аксини топмаган. Шунинг учун бу нарсалар мажмуи романда акс этган мамлакат табиатини тўла ифода этмайди, балки ҳар бир нарса ўз-ўзи учун хизмат қилади.

Романдаги барча нарсалар чегараланган, ғайритабиий ва нодир, айнан шунинг учун ҳам улар тасвир этилади. Масалан, “Клитофонт ва Левкиппа”да “Нил тулпори” (гиппопотам) деган ғаройиб жонзот тасвири келади. “Шундай бўлдики, жангчилар нодир (диққатга сазовор) бир дарё махлуқини тутдилар”. Тасвир ана шундай бошланади. Сўнгра филнинг тасвири келади ва “унинг дунёга келиши ҳақида ғаройиб нарсалар” (4-қисм, II - IV) ҳикоя қилинади. Бошқа бир жойда тимсоҳ тасвирланади. “Мен дарё тулпоридан ҳам кўра ҳайбатлироқ, мактовга лойикроқ бошқа бир Нил ҳайвонини кўрдим. Унинг номи тимсоҳ экан”(4-қисм, XIX).

Бу тасвирланган нарсалар ва манзаралар муаллиф дунёси фони билан мос келувчи бирор мезонга тушмайди. Улар ўз-ўзидан турли наводиротлар, ғаройиботлар табиатини ўзида акс эттиради.

Шундай қилиб, юнон романига хос бегона дунё чегараланган, ўзаро боғланмаган наводиротлар ва ғаройиботлар билан тўлиб-тошган. Ушбу кишида кизиқиш уйғотувчи ажойиботлар ва ғаройиботлар шу даражада тасодифий ва қутилмаганки, бу жиҳати билан айнан авантюранинг ўзига ўхшайди. Булар совиб қолган, “бирдан” пайдо бўлиб, авантюра маҳсулотига айланган айнан ўша тасодифнинг туғилишидир.

Натижада юнон романи хронотопи – авантюра замондаги бегона олам – ўзига хос мустаҳкам бутунликка айланади. Унинг барча лаҳзаларини тайин этгучи ўзига хос мантиқи бор. Таъкидлаб ўтганимиздек, гарчи Юнон романига хос мавзулар олдин бошқа жанрлар негизда майдонга келган бўлса-да, янги хронотоп, ўзига хос мантиқий тизим доирасида, тамомила янги моҳият ва муҳим функция касб этади.

Айни мавзулар бошқа жанрлар таркибида бошқачароқ, бир қадар қуюкроқ хронотоп билан боғлиқ бўлган. Муҳаббат мавзулари (илк учрашув, бир кўришда севиб қолиш, севги изтироблари, биринчи бўса ва ҳ.к.) александрия поэзиясида, буколик – чўпонлар-идилликаси хронотопи таркибида ишлаб чиқилган эди. Бу у қадар катта бўлмаган, ўта аниқ ва қуюқ хронотопнинг жаҳон адабиётида улкан ўрни бор. Бу ерда маҳсус туркумлаштирилган (лекин соф табиий – циклик эмас) идиллик замоннинг табиий замон билан қоришган шакли чўпонларнинг шартли маиший турмуш замони (кенг маънода соф заминий) билан уйғунлаштирилади. Айни замон муайян ярим циклик маромга эга ва маҳсус деталлаштириб ишланган орол-идиллик пейзажи билан муштарак ривожланган. Бу – ўзига хос лирик таъмга эга кичик муҳаббат сахналаридан иборат, асалдек қуюқ ва хушбўй замон ҳамда қатъий чегараланган, маҳдуд, бошдан-оёқ услублаштирилган бир парча табиий маконни мужассам этган хронотопдир (биз бу ўринда Рим ва Эллада ишқий-идиллик поэзиясига хос турли-туман вариациялар хронотопини назарда тутмаяпмиз).

Айни хронотопдан, албатта, юнон романига ҳеч нарса ўтмаган. Фақат, Лонгнинг “Дафнис ва Хлоя”си бундан мустасно. Унинг марказида чўпонлар идилликасига хос хронотоп турса ҳам, бу бир қадар кенгайган шаклда. Унга хос чегараланганлик,

махдудликка путур етган ва ҳар томондан бегона дунё билан ўралганидек, унинг ўзи ҳам ярим бегонага айланган. Идилликага хос табиий замон эса эндиликда у қадар қуюқ эмас, у авантюра замон билан қоришиб, анча сийраклашган. Лонг идиллияларини тўғридан-тўғри юнон авантюра романи сирасига киритиш асло мумкин эмас. Ушбу романнинг кейинги тарихий ривожланиш йўли ҳам ўзига хосдир.

Юнон романига хос, турли бегона мамлакатлар бўйлаб қилинадиган сафарлар билан боғлиқ сюжет ва композицион вазиятлар антик давр географик романларида ишланган. Географик романлар олами юнон романининг бегона дунёсига сира ўхшамайди. Энг аввал, ўзга мамлакатлар, маданиятлар, чегаралар, уларга ёндашув ва баҳо мезонларини белгилаб берадиган марказ, унинг ҳақиқий ватани бўлиб хизмат қилади (бу ўринда ўз ватанининг ижобий ёхуд салбий баҳолалиши у қадар аҳамият касб этмайди, шунга қарамасдан, у ўзга дунё манзараси ва миқёсини белгилашда етакчилик қилади). Шунинг ўзи (яъни ботинда шаклланган ўз юрти ҳақидаги тасаввур маркази) географик романдаги бегона дунё тасвирини тубдан ўзгартиради. Кейин, бу роман одами – ижтимоий-сиёсий, фалсафий, ҳаёлий интилишлари билан антик давр ва сиёсатига оид одам. Қолаверса, айти сафар палласида йўл реал характерга эга бўлади ва унинг ўзи моҳиятан бу романнинг замон чизиғидаги асл марказини ташкил этади. Ниҳоят, биографик момент ушбу романнинг бош ташкилотчиси ҳисобланади. (Бу ўринда биз биографик романда авантюра моментга хос жиҳатлардан бири ҳисобланган, аммо етакчилик хусусиятига эга бўлмаган – саёҳатнинг турли кўринишларига ҳам эътибор қаратамиз.)

Ҳозир бошқа антик адабиёт жанрлари, жумладан, катта эпос ва драма хронотопи борасида чуқурлашувнинг ўрни эмас. Фақат уларнинг асосини халқона-мифологик замон ташкил этишини, антик-тарихий замон эса (ўзининг хусусий чегараланишлари билан) айти фонда ажралиб туришини қайд этиш жоиз. Айти замон ўта маҳаллийлашган, қадрдон юнон табиатига хос белгилардан заррача бўлсин узоклашмаган ва бу “иккиламчи табиат” аломати – қадрдон вилоятлар, шаҳарлар, давлатлардир. Зотан, юнон кишиси она табиати тимсолида мифологик замоннинг кўзга ташланиши мумкин бўлган тигиз мифологик воқелигига хос сахна ва сахначалари изини кўрган. Шунингдек, эпос ва трагедияда ҳам мутлак аниқ, маҳаллийлашган тарихий замон мифологик замон билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Ушбу мумтоз юнон хронотопи юнон романлари дунёсида деярли антипод мақомида туради.

Шундай қилиб, бошқа антик жанрларда ишлаб чиқилган ҳамда яшаб келган сюжет ва композицион табиатга эга мотивлару ҳолатлар уларда тамомила ўзгача хусусият, функцияларни намоён этганларки, улар биз кўриб ўтган юнон авантюра романларидаги хослашган хронотоп шартларига ўхшамайди. Бу ерда улар тамомила янги, албатта, турли антик жанрларнинг механик бирлашувидан том маънода йироқ бўлган ўзига хос бадий бутунлик касб этганлар.

Юнон романининг асл табиати бизга бир қадар ойдинлашган экан, энди ундаги инсон образига тўхталишимиз мумкин бўлади. Шунга алоқадор ҳолатда романга хос энг муҳим сюжет хусусиятлари майдонга чиқади.

Биз томонимиздан авантюра замон шартлари ила таърифланган инсон образи қандай бўлиши мумкин: унга хос тасодифий айнизамонлилик ва айризамонлилик биланми, унинг мутлоқ изсизлиги биланми, мутлоқ ҳаракатчанлиги ортидаги бахтсиз тасодифлар биланми? Аниқки, бундай замон шаклида инсон фақат мутлоқ фаолиятсиз ва мутлоқ ўзгармас бўлиши мумкин. Айтиб ўтганимиздек, бунда одам қандай ҳодисаларга йўлиқмайди дейсиз. У ўз-ўзича ҳар қандай фаолиятдан маҳрум. У ҳаракат марказидаги тана – жисмоний субъект, холос. Аёнки, унинг барча ҳаракатлари бор-йўғи маконий характери билан ўз афзаллигини намоён этади. Моҳиятан, юнон романи қаҳрамонларининг барча ҳаракатлари макон доирасидаги мажбурий фаолиятга олиб боради, бу эса макон ўрнининг ўзгариши деганидир. Одамнинг макон бўйлаб ҳаракати юнон романида макон ва замоннинг, яъни роман хронотопининг муҳим мезони бўлиб хизмат қилади.

Бироқ шунга қарамасдан, макон бўйлаб ҳаракат қилаётган ўлик жисм эмас,



тирик одам, аниқ айтганда, сўздор. Дарҳақиқат, бу одам ҳаёт йўлида фаол эмас-у, “тақдир”нинг ўйинчоғи, холос, – аммо у буларнинг барчасига чидайди. Нафақат чидайди, балки бундай ўйинлар доирасида ўзини сақлай билади, уларни тоқат билан енгиб ўтади, дунёнинг тасодифий қинғирликлари ичида ўзини топади.

Бундай хос усулда ўзни англаш – юнон романидаги инсон образини шакллантирувчи марказ саналади. Айни пайтда одамдаги бу ҳолатнинг чуқур ғоявий моҳиятига ҳам юзаки қарамаслик лозим. Юнон романи худди шу жойда қадим фольклор илдизларига, бугунга қадар мавжуд қатор фольклор турлари, айниқса, эртаклар таркибида яшаб келаётган халқнинг асл одам ҳақидаги орзулари билан чамбарчас боғланади. Юнон романидаги ўзини излаётган одам нақадар қашшоқ ва юпун кўринмасин, унда халқ инсонпарварлигидан бир нишона акс этади, табиат ва бошқа ғайриоддий кучлар қаршисида синмаган инсон қудрати ва матонати намоён бўлади.

Юнон романлари сюжети ва композициясини диққат билан ўрганиш жараёнида куйидаги ҳолатларнинг улкан роль ўйнашига амин бўлдик: худди билиб қолиш сингари, либос ўзгартириш, кўйлак алмаштириш (вақтинча), ёлғондакам ўлим (келгусида тирилиши воқеалари билан), сохта хиёнат (кейинчалик ўзгармас садоқатга айланиши билан) ва, ниҳоят, асосий композицион (ташқил этувчи) мотив – қахрамонлар садоқатини ўзликка содиқлик мезонида синаш. Бу ҳолатларнинг барчаси инсоннинг ўзини топиши аломатлари акс этган тўғридан-тўғри сюжет ўйинидир. Аммо учрашув – айрилиқ – қидириш – топиш сингари асосий мотивлар уйғунлиги фақат бир нарсада – инсоннинг ўзини англаши ҳақидаги сюжетни ифодалашда намоён бўлади.

Биринчи навбатда қахрамонлар синовининг композицион-ташқилий жиҳатларига тўхталамиз. Тадқиқотнинг бошида биз антик романнинг биринчи типи сифатида саргузашт синов романини кўрсатдик. “Синов романи” истилоҳи (Prüfungsroman)нинг – кейинчалик юнон типига европа романига таянч ҳисобланган – XVII аср барокко романига нисбатан қўлланилганига кўп бўлган. Юнон романларида синов ғоясининг уйғунлаштирувчилик моҳияти аниқ-тиниқ кўринади, қолаверса, бу каби синов-ғояга суд-ҳуқуқ рутбаси берилади.

Юнон романига хос кўплаб саргузаштлар айнан ошиқ ва маъшуқа, яъни қахрамонлар синовига қурилган. Бу синов асосан улардаги покизалик ва ўзро садоқатга қаратилади. Бундан ташқари, уларнинг олижаноблиги, жасурлиги, кучи, иродаси ва камдан-кам ҳолатларда ақли ҳам синалади. Тасодиф қахрамонлар йўлига нафақат хавф-хатарни, балки турли-туман йўлдан оғдирувчи воситалар уруғини ҳам сепиб қўяди. Уларни ўта қулгили вазиятларга солади, аммо улар ҳар сафар бундай синовлардан номус ва шараф билан чиқадилар. Мушқул вазиятларнинг моҳирона ижод этилишида иккинчи софистика (бизнингча, “халқ муаллимлари” деб аталган софистлардан кейин келган софистика босқичи назарда тутилмоқда – У.Ж.) билан теран алоқадорлик кўзга ташланади. Шу боис ҳам синовлар нафақат ташқи-шаклий, балки суд нотиклиги жиҳатидан ҳам аҳамият касб этади.

Аммо гап фақат алоҳида саргузаштларнинг ташқил этилишида ҳам эмас. Бутун роман айнан қахрамонлар синови тарзида англанади. Биз билган юнон авантюр замони дунёда ҳам, одамларда ҳам бирор из қолдирмайди. Бирон-бир ички ёки ташқи ўзгариш романнинг бир бутун воқелиги давомида кечмайди. Роман охирида тасодиф туфайли юзага келган жараёндаги бузилишлар ўз ўрнига тушади. Ҳамма нарса бошланғич нуқтасига, ҳамма ўз жойига қайтади. Узундан-узок роман қахрамоннинг ўз қайлиғига уйланиши билан якун топади. Барча одамлар ва нарсалар нималарнидир бошдан кечиришади ва ҳақиқатан ҳам, уларни ҳеч нарса ўзгартиролмайди. Бор-йўғи улардаги ўзлик, ирода ва садоқат тасдиқланади. Воқеалар тўқмоғи ҳеч нарсани парчаламайди, ҳеч нарсани янчмайди, балки тайёр маҳсулотнинг сифати, чидамлилигини текширади, холос. Муҳими, маҳсулот бу синовдан омон-эсон ўтади. Юнон романининг бадиий-ғоявий мазмуни шунда.

Ҳеч бир бадиий жанр фақат мароқбахш ҳикоялаш усулига қурилиши мумкин эмас. Жанр чиндан ҳам мароқбахш бўлиши учун асарда айтилаётган нимадир, қандайдир муҳим гап бўлиши керак. Зотан, инсон ҳаёти, жилла курси, у билан

боғлиқ нарасагина мароқли бўлиши мумкин. Инсонийлик эса қандайдир муҳим томони билан кўриниши, муайян реал ҳаётий жиҳатини намоён этиши лозим. Юнон романи ўта қайишқоқ, улкан ҳаётий қудратга эга жанр туридир. Роман тарихида композицион-ташқилловчи синов ғояси айниқса яшовчандир. Биз буни ўрта аср рицар романчилигининг янги даврида, айниқса, илк даврларида кўпроқ учратамиз. Синов ғояси “Амадис” ва “Пальмеринлар” (ўрта аср европасида майдонга келган машҳур рицар романлари – У.Ж.)да муҳим шакллантирувчи аҳамият касб этади. Унинг барокко романидаги аҳамиятини кўрсатган эдик. Бунда ушбу ғоя аниқ мафкуравий мазмун билан бойийди, тимсоли “жасур ва айбдан холи рицар” бўлган синалгич инсон идеали барпо этилади. Бундай мутлоқ бенуксон қахрамонлар ҳаёлий бўлиб туюлади. Шунинг учун бўлса керак, кейинчалик Буалонинг “Романлар қахрамони” деган лукианча диалогида жиддий ва кескин танқид қилинди.

Барокко давридан сўнг синов ғоясининг ташқил этувчилик аҳамияти кескин тарзда камайди. Аммо у буткул йўқолмади, кейинги даврларда ҳам романни ташқил этувчи ғоялардан бири сифатида сақланиб қолди. Шу билан бирга, бошқа ғоялар қўшилиши ҳисобига бойиди, эндиликда синовнинг ўзи ҳам тез-тез салбий натижаларга олиб кела бошлади. Масалан, XIX аср охирилари XX аср бошларида биз синов ғоясининг шундай хил ва кўринишларига дуч келамиз. Бу даврларда синовнинг сафарбарлик, ёр танлаш ва улўғликни тарғиб этувчи турлари оммалашди. Унинг турларидан бири – француз романига хос наполеонча пешқадамлик, бошқа бири эса – жисмоний соғломлик ва ҳаёт синовларига кўникканликдир. Ниҳоят, синов ғоясининг кейинги тур ҳамда шакллари ахлоқ ислоҳчиси, нитшепараст, бадхулқ, озодликка эришган аёл ва ҳ.к.ларнинг синови ўлароқ учинчи нав роман намуналарида кўзга ташланади.

Бироқ бу тур европа синов романларининг барчасида баъзан бутунича, баъзан эса муайян даражада, юнон романида бўлгани каби содда ва аниқ, айти пайтда шаклан бақувват инсоний ўзлик синовидан жиддий равишда қочиш бор. Тўғри, инсоний ўзликни синашнинг баъзи жиҳатлари сақланиб қолган, аммо билиб қолиш, сохта ўлим ва бошқа мотивлар ўзининг илк аниқлиги ва оддийлигини йўқотган, чигаллашган. Бу ўринда юнон романларига хос ушбу мотивларнинг фольклор билан муносабати бир қадар яқинроқ (зотан, у фольклордан етарли даражада узок).

Юнон романларидаги инсон образини ва ундаги ўзликни кашф этиш лаҳзалари (шу билан бирга, синовнинг аҳамиятини)ни мукамал англаш учун, бу ўринда инсоннинг – антик адабиётнинг бошқа мумтоз жанрлардагидан фарқли равишда – хусусий ҳамда ғайрирасмий эканини унутмаслик керак. Айти хусусият унинг юнон романи мавҳум ва бегона дунёсига даҳлдорлигини таъминлайди. Бундай дунёда одам ёлғизлиги ва ғайрирасмийлиги билан ўз шаҳри, ўз ижтимоий табақаси, ўз насаби, ҳатто ўз оиласи сингари барча муҳим илдиэларидан ажралиб туради. У ўзини бир бутун жамият аъзоси деб билмайди. У бегона дунёга ташлаб қўйилган ёлғиз одам. Унинг бу дунёда қиладиган ҳеч бир иши йўқ. Ғайрирасмийлик ва ёлғизлик юнон романидаги инсоннинг авантюр замон ва мавҳум макони учун муҳим хусусиятидир. Юнон романидаги одам айти жиҳатлари боис ўзигача бўлган антик жанрлардаги расмий одамдан том маънода, географик романлардаги расмий-ижтимоий одамдан эса қисман ажралиб туради. Айти пайтда, юнон романидаги ғайрирасмий ва ёлғиз одам кўп ҳолларда худди риторик ва тарихий романдаги одам сингари ўзини зоҳирий жиҳатдан намоён қилади: унинг гаплари ошиқ кўнгилнинг изҳоридан кўра, турли қахрамонликлар, саргузаштлар тўғрисидаги расмий ҳисоботнинг воизларга хос дабдабали баёнига ўхшайди. Ниҳоят, кўплаб романларда суд жараёнлари муҳим ўрин эгаллайди. Уларда қахрамонларнинг саргузаштларига хулоса ясалди, энг муҳими, ошиқнинг маъшуқага садоқати ва инсонийлиги (баъзи ҳолларда маъшуканинг иффати) суд-ҳуқуқ қоидаларига биноан тасдиқланади. Натижада романнинг барча муҳим жиҳатлари расмий-риторик тус олиб, малакали суд-ҳуқуқшунослиги олдида ўзини тўла оқлайди. Устига-устак биз юнон романидаги инсон образига хос бутунлик нимада намоён бўлади, деган масалани ҳам қўйсақ, жавоб шундай бўлади – бундай бутунликнинг асоси унинг айнан риторик-ҳуқуқий характерга эга эканидир.

Ваҳоланки, бундай риторик-ҳуқуқий жиҳатлар ботинан ҳаққоний инсон

образига нисбатан зоҳирӣй ва беӯхшов табиатга эга бўлади. Образнинг бундай ички мазмуни мутлоқ ғайрирасмий: қаҳрамоннинг ҳаётдаги мавқеи, мақсадлари, изтироблари ва қарорлари ҳеч қандай ижтимоӣй-сиёсий аҳамият касб этмайди. Зотан, асар мазмунининг ягона таянчи қаҳрамонлар муҳаббати ва улар дуч келадиган ботиний ва зоҳирӣй синовлардир. Бошқа турли-туман воқеалар фақат шу таянч мазмун негизидагина аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, ҳатто урушдек муҳим воқеа ҳам фақат қаҳрамонлар муҳаббати боис маънога эга бўлади. Масалан, “Левкиппа ва Клитифонт” романидаги воқеалар византияликлар билан фракияликлар ўртасидаги уруш билан бошланади. Шу уруш туфайли Левкиппа Клитифонтлар уйига келиб қолади, натижада улар илк бор учрашишади. Роман сўнггида яна шу уруш эсланади. Урушнинг тасодифий тугаши боис Артемида шарафига, Клитифонтнинг қатл этилишига тўсиқ бўлган диний маросим ўтказилади.

Шуниси муҳимки, бу ўринда ягона инсон ҳаётига оид воқелик улкан ижтимоӣй-сиёсий воқеалар силсиласида тушунилмайди. Аксинча, бундай ижтимоӣй-сиёсий воқеалар ягона одам ҳаётига алоқадор бўлгани учунгина романдан ўрин олади. Романда фақат қаҳрамонлар тақдирига алоқадор муносабатларгина ёритилади. Қаҳрамонларнинг ижтимоӣй-сиёсий моҳиятлари ҳам шунинг ичига кириб кетади.

Шундай қилиб, инсон образининг расмий-риторик бутунлиги ўзининг ғайрирасмий мазмуни билан қарама-қарши вазиятда туради. Бундай қарама-қаршилик юнон романи табиатига айнан мос келади. Бу жиҳат, биз куйида кўрадимиз, баъзи сўнгги риторик (баъзи биографик) жанрлар учун ҳам хосдир.

Умуман олганда, антик давр ғайрирасмий одам ва унинг ҳаётига ўхшаш бошқа шакл ва бутунликни бунёд этган эмас. Қачонки, ҳаёт хусусийлашган, одамлар ҳаёти маҳдудлашган пайтларда, бундай ғайрирасмий мазмун адабиётга кириб кела бошлади. У ўзининг ўхшаш шакллари фақат кичик лиро-эпик, кичик маиший комедиялар, маиший новеллаларгагина муҳрлади. Катта жанрларда ёлғиз одамнинг норасмий ҳаёти бир либос, ўхшовсиз ташқи кўриниш, холос. Шунинг учун ҳам уларнинг расман бирор давлатга оидлиги, нутқидаги расмият шартлидир.

Юнон романидаги зоҳирӣй ва шартли характер турли кечмиш воқеалар ва инсон расмий-риторикаси аро бутунликни ташкил этади. Умуман, биз юнон романларида кузатган турли-туман (моҳиятан тарихий) нарсаларнинг бирлашмаси уларни улкан, деярли энциклопедик жанр, мутлоқ мавҳумот, колиплилик, ҳар қандай аниқликдан холилиқ тарзида баҳолашга олиб келади. Юнон романи хронотопи бошқа кўплаб романлар хронотопидан кўра мавҳумроқ.

Ушбу ҳаддан зиёд мавҳум хронотоп устига-устак турғун ҳамдир. Ундаги олам ва одам том маънода турғун – ҳаракатсиз. Бу ерда ҳеч бир яширин қувват, ўсиш-ўзгаришга ўрин йўқ. Оқибат романда акс эттирилган ҳаракат – ҳеч нима. Бу оламда ҳеч нарса йўқолмайди, қайта қурилмайди, ўзгармайди, янгидан барпо этилмайди. Бор йўғи дастлаб нима бўлса, айнан ўша тасдиқланади, холос. Авантюр замон ўзидан бирор из қолдирмайди.

Антик романнинг биринчи тури мана шундай. Романда замоннинг ўзлаштирилиши муносабати билан унинг алоҳида жиҳатларига яна қайтишимизга тўғри келади. Юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу роман тури, айниқса, унга хос баъзи жиҳатлар (хусусан, авантюр замон) роман тарихининг кейинги даврларида ҳам ўзининг яшовчанлик сифати ва мослашувчанлиги билан сақланиб қолади.

1937 – 1938

*Рус тилидан  
Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ таржумаси*



## ЖОЙС ФЕНОМЕНИ

(Бир ҳикоя асосида қисқача экскурс)

Менда Жойс ижодига қизиқиш катта. Негалигини ўзим ҳам билмайман. Хотирамда, Москвадаги 1-чет тиллар институтида ўқиб юрган вақтимда илк бор Жеймс Жойс номига кўзим тушганди. Бу ном юмшоқ муковали китобча устига катта қилиб битилган эди. Мен китобчани талаба қиз қўлида кўрдим. Семинарда ўтирар эканмиз, китобча ва ном ўзига тортаверди. Танаффусда илтимос қилиб, уни кўлимга олиб кўрдим. Шу-шу ханузгача Жойс билан аҳён-аҳён бўлса-да, шуғулланиб тураман.

Кўлимдаги манбалар ҳам, ҳар ҳолда етарлича. Оксфорд университети китоб ва мақолалар тўплами, Ҳарри Лэвин нашр этган қисқа танланган асарлар (Лэвиннинг катта сўзбошиси билан) “Улисс” романининг 1992 йилги ўн бешинчи тўлик нашри (Декли Кеберднинг катта сўзбошиси билан) “Финнеганнинг уйғониши” романи, Москва “Прогрес паблишерс” нашри “Дублинликлар. Ёш артистнинг портрети” (Е.Ю.Гениеванинг сўзбоши ва 120 саҳифалик изоҳи билан) ва ҳоказо.

Мен илк бор Жойснинг номи ва китобчасини кўрган вақтлар у собиқ Иттифокда тақиқланган пайт эди. Москвалик қиз ҳар учрашганда кўзларимдаги бир нарсани уқдим, отасига айтиб менга ҳам шу китобдан келтириб беришни ваъда қилди. Унинг отаси катта амалдор бўлиб, Англияга вазифаси нуқтаи назаридан қатнаб турар экан. Яхши одам бўлса керак узоқ куттирмади, мақсадимга етдим.

Китобчани авайлаб титкилаб, қандайдир дунёга кириб қолаётгандек эдим. Жойсни мутолаа қилиш мазза. Айниқса, “Дублинликлар” тўпламига кирган ҳикоялар жуда завқли. Аслида ҳикояларда ҳеч нарса йўқ. “Опа-сингиллар” ҳикоясини очсак, тобутда ўлим тўшагида ётган руҳоний ва атроф-муҳитнинг оддий тасвири. Бироқ, ҳикоя номининг ўзиёқ сирли: ўйлана бошлайсиз, у “Опа-сингиллар”ми ёки “Роҳибалар”, хоҳлаганингизни танлаб олаверинг. Ҳикоянинг тили мураккаб эмас, айрим изоҳталаб сўз ва бирикмаларни ҳисобга олмаса – содда. Аммо ҳикояга неча бор қайтар эканмиз, янги маъно ва мазмун касб этаверади. Бир қарашда оддий, содда кўринган матнда маъно чуқур. Ўша “маъно”ни ўз шахсий дунёнгиздан келиб чиқиб англайверасиз ва қабул қилаверасиз. Энди хаёлот дунёсидасиз. Буни хаёлот дейиш ҳам қийин. Балки моҳиятдир. Дунё, унинг сиз шу чокқача англолмаган қори-бор, оддий нарса ва тушунчаларнинг ғаройиблиги, миф ва асотирларнинг ҳозирда Жойс қаҳрамонларини эмас, сизни ўраб турган ҳавоси, азалият ва абадият, ботинлик ва зоҳирлик, оддий кундалик ҳаёт ва қаҳрамонлик, ер ва мавжудот давомийлиги, қолаверса, одамларни ўзгартиришга ундай олмай телба бўлган Нитше назаридаги эски “этик” тушунчалар, кундалик турмушдаги ўрнингиз, Қалвак Махсумчалик ёхуд Қори Ишкамбачалик фикр юргизмайдиган яқин дўстларингиз бор тийнаги, сийраги, сурати билан намоён бўлаверади. Қўпол ва лўнда қилиб айтганда, асарда Жойс ва унинг қаҳрамонлари йўқ, бу оламда ҳеч ким йўқ, сизнинг Дунёнгиз ва ундаги қатнашчилар мавжуд, холос.

Ҳикоядаги такрорий “фалажлик”, “мўртлик”, “оппоқ соч”, “мурда” сўзлари кайфиятингизни бошқариб туради. Ўлимнинг таъсир этувчи, турли ассоциациялар асосидаги кўриниши ва моҳияти мунгли нотасини чалиб туради. Шунда “Черковдаги симония” иборасига дуч келасиз, нигоҳингиз тўхтаб қолади, қанча

фурсат ўтди энди барибир, диний ақидалар, “ол-ол, бер-бер”лар, иккиозламачилик ва товламачиликлар, диний чекланганлик, қотиб қолиш, хуллас, не нарсаки, сизни безовта этиб юрган бўлса, барчаси қалқиб чиқаверади. Турли киёфалар, турли тоифадаги тумонат одам, сиз гувоҳ бўлган ёхуд эшитган ақлни лол этувчи воқеа-ҳодисалар... Аслида эса симония ҳақда гап кетаётган эди. Жойс шуни, яъни черковдаги амалларнинг сотилиши, пулга дам солиш кабиларни кўзда тутган эди холос. “Симония” сўзи апостллардан ғаройибот яратиш иқтидорини сотишни сўраган жодугар Симон исмидан олинган. Тамом.

Энг яқин дўстлардан бири, дунёда ҳеч нарсани ўйламай яшайвериш керак деди. У алдаётганди. Ўзи ҳам бирор дақиқа, онгсизлик ҳолатларини ҳисобга олмаса (ўшанда ҳам сурраготлар ўлмайди) ўйламасдан яшашга қодир эмас.

Инсон табиатидаги ҳар нарсани билишга қизиқиш, илмга чанқоқлик ҳеч қачон тинчлик бермайди, дилга кутку солаверади. Барча ижтимоий онг маҳсуллари шу асосда яралади. Жойс қахрамон деган тушунчани тан олмаган. Қандай характерда бўлмасин, қахрамонлик сунъий яратилади. Жойс учун ҳақиқий қахрамон ерда. У оддий одам. У ҳоҳ ҳаётда, ҳоҳ санъатда бўлсин, барибир, оддий одам.

Дигамен дўстим шундай дейди: оддий нарса оддий эмас. Чексиз коинот мавҳумлиги ичидаги битта тушуниксиз унсур. Буни унутмаслик лозим.

Дигамен яна айтади: Мен Нитшени тушунаман. У ўз асрида туғилмаган. Бечорага қийин бўлди. Оила нималигини билмади, қирққа кирмай ўлиб кетди. Аммо эдик категориялар ҳали ҳам заррача ўзгаргани йўқ. Илож ва имкониятсизликни бадиий санъат даражасига кўтарган Кафка, Камьюни ҳам тушунаман. Улар ўзлари ёзишдан бошқа имконият топа олмадилар. Сизифнинг юмушини бажаравердилар. Қизиғи, улар ҳам анча ёш ўтиб кетганлар. Тақдир тақозоси билан бири табиий, иккинчиси фожиаи ўлим топди.

Кўзимиз кўриб, қулоғимиз эшитаётган нарсалар онглилик даражасида қанчалик мавҳум. Ундан туш аниқ. Туш онглилик ва онгсизликнинг қайси чегарасида юз бериши аниқланмаган. Онгсизлик, яъни уйку ҳолати дейилса, унда туш айнан ҳаёт парчаси эканлигига шубҳа уйғонади. Сартр аҳмоқ эмас. Аммо туш тасвирлари қониктирмайди. Туш кинога олинсагина қониктириши мумкин. Акс ҳолда ҳаётгий полифония тасвирийлигига эришиб бўлмайди. Қалам ожизлик қилади. Бу нарса Жойсни кўп қийнаган. У ҳам мақсадига ета олмаган.

Тушунмадим, дейман мен.

Дигамен давом этади: ёзувда полифония яратиб бўлмайди. Жойснинг Эйзенштейн фильмларига, глуакомадан азоб чекса-да, экран тагида ўтириб термулавергани ва Дублинда биринчи кинотеатр ташкил этиш ташаббуси билан чиққани ҳам бежиз эмас. Айтмоқчиманки, ёзув ёхуд битикдаги қаторлар ўқувчи миясида тўлиқ ҳаёт эффектини ярата олмайди.

Модернизмнинг чўққиси бўлмиш Жойс асарларига қизиқиш, ўқиш, ўрганиш, мана юз йилдирки, тўхтаган эмас. У бутун дунёда севиб ўқилмоқда. Жойсчилар марказлари, мактаблари, ихлосмандлар клублари ва кўп сонли муштарийлари сони кун сайин ортиб бормоқда. Улар ҳар йили 16 июн кунини Блумсдэй<sup>1</sup> сифатида нишонлайдилар.

Қизиғи шундаки, 1917 йил октябрь тўнтариши инқилобчилари ҳам Жойс билан қизиққан экан. 1932 йилда Москвадаги “Инқилобчи ёзувчилар халқаро уюшмаси” Жойсга қуйидаги савол билан анкета юборган: “Октябрь Инқилоби Сизга қандай таъсир қилди, адабий фаолиятингиз учун бунинг қанчалик аҳамияти бор?”. Уюшма қотиби Романова<sup>2</sup> имзоси билан берилган бу саволга Жойс ўз қотиби Полл Леон тилидан кинояли жавоб берган: “Россияда 1917 йил инқилоб юз берди. У ноябрда амалга оширилди. Қўлимдаги бор маълумотларга асосланиб унинг аҳамияти ҳақида бирон нима дейишим қийин, бироқ қотибангизнинг имзосига қараганда, ўта буюк ўзгариш юз бергани йўқ”.

Ўшандан буён Жойс номини тилга олиш тақиқланган Россиянинг Чет эл

<sup>1</sup> Блумсдэй, Блум куни – 1904 йилнинг 16 июнидан Жеймс Жойснинг мухлислари “Улисс” романи учун байрам куни деб белгиланганлар.

<sup>2</sup> 1613 йилдан ҳукмронлик қилиб, 1917 йилда Октябрь инқилоби оқибатида тахтдан ағдарилган рус императорлари сулоласига ишора қилинган.

адабиёти давлат кутубхонаси боғ майдонида 2008 йил 17 мартда унинг шарафига хайқал ўрнатилди.

Ўзбекистонда ҳам Жойс ижодига қизиқиш ҳозир кенг тус олган. Мен 2010 йили Миллий Университет адабиёт факультети талаба ва профессор ўқитувчилари билан учрашувда талабаларнинг Жойс ҳаёти ва ижодига бўлган самимий ва юксак эътиборни кўрдим. Толиби илмлар у ҳақда мақолалар ёза бошлабди. Бу, албатта, ижобий ҳодиса.

Жойснинг “Мусаввирнинг ёшликдаги портрети”, “Улисс” шоҳ асари ҳассос ёзувчи ва олимлар Аҳмад Отабоев, Иброҳим Ғафуров томонидан ўзбек тилига таржима қилинди. Бу катта ютуғимиз.

Демак, Жойсга қизиқиш ортган экан, унинг мураккаб асарлари ўзбек тилида ўқилаётган экан, тушунишга фойдаси тегар деган мақсадда интернетдан олинган ва ўзимда бор материалларни қуйида таржималар қилиб беришни лозим топдим:

- Мамлакатимнинг маънавий-руҳий олами ҳақида эди бу бобни ёзишимдан мақсад, шу боис воқеа объекти сифатида Дублинни танладим, чунки менинг нуқтаи назаримда дунёнинг қоқ маркази худди шу ер.

- Ҳикояларимдан захар, оғу, ифлос балчиқ ва ахлат ҳиди анқиса, менда нима айб?! Ирланд халқи менинг ялтироқ ойнамда ўзига бир яхшилаб назар солсин.

- Қанча ёзсам, ҳамиша Дублин ҳақида ёзаман, Дублиннинг моҳиятига ета олсам, демак, дунёдаги борки шаҳарлар моҳияти менга аниқ намоён бўлади.

- Ният, мақсад ва ёзиш техникам қудрати ила одамзодгача ва ундан кейин ҳам бўладиган ерни тасвирлашга чирандим.

- Техник жиҳатдан олдимга қўйган вазифам ўн саккиз нуқтаи назардан ва шунча услубдан иборат бир асар, китоб ёзишдир, зоҳиран, бу ҳамма тижоратчи-дўстларимга аён, фақат улар томонидан ҳеч қачон кашф этилмаган.

(Хэрриет Шоу Уиверга хат. 24.06. 1921)

- Бу икки халқ (исроил ва ирланд) тўғрисида эпопея ва шу билан бирга бир кунлик ҳаёт ҳақидаги камтарона ҳикоядек барча инсон танасининг мавжуд цикли ҳамдир. Энциклопедиядир десакмикин, ҳуллас, шунга ўхшаш... Менинг мақсадим мифни *sub species temporis nostri* (ҳозирги замонавий асно) холига кўчиришдир. Ҳар қандай воқеа-ҳодиса (шу билан бирга, ҳар бир соат, ҳар бир аъзо ва ҳар бир санъат тури, бутуннинг структур тузилмасига сингдириб тўқилган) нафақат шарт-шароит бериши, балки ўзининг шахсий техник услубини яратиши шарт (Карло Линатига хатдан. 21.09.1920й.).

- Турфа бадиий маданият соҳасининг қай бир томонидан келманг (риторика, мусиқа ёхуд диалектика), *tabula rasa*<sup>1</sup> қолдиради, холос. “Сирен”ни ёзганимдан буён ортиқ мусиқа эшита олмайман (Хэрриет Шоу Уиверга хат. 20.07.1920й.).

- Ҳиссий кўрувнинг эшитувга айланиши – санъатнинг бор моҳиятидир ва у фақат ва фақат ўзи истаган таъсирга эришишга уринади... Ҳуллас, “Улисс”даги барча ички монолог худди шундай.

- Бирданига ўзимни очиб ташласам, боқийлигимни бой бераман. Шунчалик кўп бошқотирма ва топишмоқларни йиғдимки, асрлар бўйи олимлар еча олмай бош қотирсинлар, бу – абадий ўлмас бўлишимга кафолатдир.

- Энг ачинарлиси, авом китобимдан ахлоқ излаб овора бўлади, топишга уринади, янада ёмонроғи уни жиддий қабул қилади. Гапнинг индаллосини айтсам, унда биронта жиддий сатр йўқ, қаҳрамонларим тўпори лақмалар, холос.

Китобимга кимни киргизмай, у шу заҳоти ўлади ёки бош олиб кетади ё бўлмаса у бирон фалокатга учрайди.

- Бу асар менинг ўз қоидаларим асосида ўйнаган ўйинимдан бошқа нарса эмас.

- Фауст одамгарчиликка сиғмайди эмас, умуман, одам эмас. Кексами у, ёшми? Унинг уйи, оиласи борми? Ҳеч нарсаси йўқ... Ҳамлет – ҳа, у – инсон, бироқ у ўғил. Улисс бўлса Лаэртнинг ўғли, Телемакнинг отаси, Пенелопанинг эри, Калипсонинг жазмани, Троя ва Итака деворлари қаршисидаги грек жангчилари сафдоши. Яна тагин унутманг, у ҳарбий хизматдан бўйин товлаган симулянт (муғомбир) ҳам. Урушга тушиб қолиб, охиригача боради. Қуролдошлари камални тўхтатишига

<sup>1</sup>Оғир ҳиссиёт маъносида

кўнмайди, уларни олга бошлайди. Шунингдек, у Европадаги биринчи желтельмен ҳам. Маъсума қиролича рўпарасига шир яланғоч чикқанда, тузланган гавдасининг шарм жойларини киз нигохидан яширади. Ва шунингдек, у – буюк ихтирочи. Танк унинг ихтиросидир. Ёғоч от ёки қутими – нима фарқи бор? Униси ҳам, буниси ҳам ичида жангчилар яширинган қобиқ-ку!

• Кечаси ёзсам, негадир ёзолмайман, сўзларни одатдагидек боғлолмаётганимни сезаман. Худди тундаги ҳар хил – онгли, ярим онгли, сўнг онгсиз ҳолатларга ўхшаб сўзлар ҳеч вақо англамай қолади. Сўзларнинг одатдагидек муносабат ва боғланишлари асосида бунинг иложи йўқлигини кашф этдим. Тонг отади, яна ҳамма нарса ўз ўрнига қайтади. Сўзларга инглиз тилини қайтариб бераман, уни абадий бузиб ташламоқчи эмасман.

• Мен ушбу китобдаги ҳар бир қаторни ҳимоя қилиб оқлашим мумкин. Балки бу – тентакликдир. Буни вақт кўрсатади.

• Асарларимнинг асл қаҳрамонлари – замон, дарёлар, тоғлардир. Очиғини айтганда, бу ерда умуман қаҳрамонлар йўқ.

• Қайта-қайта ўқиса, ҳар қандай ўқувчи бу китобни албатта тушунади. Бунга шубҳам йўқ.

• Иккинчи жаҳон уруши ҳақида:

Польшани тинч қўйиб, “Финеган маъракаси” билан шуғулланишса бўлмайми?

• Ирландия ҳақида:

– Ирланд миллий характери ҳақида нима дея оласиз?

– Ўта ярамас, ўзимдан қиёс.

• Сарик чақачалик қадрини билган одам Ирландияда яшамайди.

• Жойс ўзи ҳақида:

• Мен унчалик олийҳиммат эмасман, хиёл ичкиликка ружу қўйган, ожиз одамман.

• Миямнинг чакана савдо дўконидаги иш бошқарувчиникидан фарқи йўқ.

• Жойс отаси ҳақида:

• Ўзим гуноҳкор банда эмасманми, шунинг учун унинг нуқсонлари ҳам менга ёқади.

• Балки унинг (қизи Люичининг) касали “Улисс” асарим учун берилган жазодир?

• Китобимдаги юзлаб саҳифалар, ўнлаб персонажлар отамдан олинган.

• Нора Жойс (рафикаси) ҳақида:

• Мабодо Худо ерга тушса, сен унга ҳам шу захоти топширик берасан.

• Эҳ, Жим (Нора уни шундоқ атарди) ўзининг ёзув-чизуви билан ўралашмай, ашулачи бўлганда эди!

• Нега сен мундоқ одамлар тушунадиган ақлироқ китоблар ёзмайсан?

• Беккет “Улисс” ҳақида:

• Бу инглиз тилида ёзилмаган деб даъво қиляпсизми? Бу, умуман ёзилмаган. У ўқиш учун эмас... Уни фақат кўриш ва эшитиш керак.

• Бу ерда шакл – мазмун, мазмун эса шаклдир.

• Беккет “Финеган маъракаси” ҳақида:

• Жойс магни – бирон нарса ҳақида эмас, унинг ўзи ана шу бирон нима.

• Жойс Пенелопа монологи билан ирланд аёлини ҳақоратлади, дея Ирландиядан бадарға қилинди, мен эсам, Пенелопа таржимасини талаба кизларга берганим учун Фарғона давлат университетида хайдалдим.

Тилаволди ЖўРАЕВ  
18 апрел 2011 йил Фарғона ш.



## ИБН ХАЛДУН ИЗДОШИ

(Лев Гумилёв таваллудининг 100 йиллигига бағишланади)

Атоқли тарихчи, географ, этнограф, турколог олим Лев Гумилёв 1912 йилда Николай Гумилёв ва Анна Ахматова oilасида туғилган. Лев Николаевич отаси шўролар душмани сифатида отиб ташланган вақтда 2 ёшда бўлган. Лева анча уринишлардан сўнг, 22 ёшида Ленинград университети тарих факультетига ўқишга киради. Уни “шубҳали” шахс, синфий душманнинг ўғли сифатида ҳибсга оладилар. Бир неча йил

қамоқда ўтиргач, озодликка чиққанида университетда таҳсилни давом эттиролмай Шимолий муз океани кемаларида ёлланма ишчи бўлиб ишлай бошлайди. Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, Берлингача боради. Урушдан сўнг университетда қисқа вақтда ўқишни тугатиб, аспирантурага киради. Тарих фанидан номзодлик диссертацияси ёқлаганидан сўнг яна қамоққа олинади. Лев Гумилёв 1956 йилда, кўпчилик миллатпарвар, тараққийпарварлар қаторида оқланиб, озодликка чиқарилди.

Лев Гумилёв 1961 йилда докторлик диссертациясини ёқлайди. Бу тадқиқоти ҳақида устози, атоқли олим М.Артамонов ўз фикрини билдириб: “Гумилёвга (турли географик, биологик, зоологик, тарихий-этнографик билимларни) синтез қилиш қобилиятини Худо берган”, деб ёзган эди.

Фан доктори бўлганидан сўнг Лев Гумилёв ер юзида турли этносларнинг пайдо бўлиш ва шаклланишида ландшафтлар – табиий муҳит ҳамда геоценоз ва зиоценоз “Ота макон”, ўрганилган иқлим шароитларининг аҳамияти ҳақида янада янги ва илмий-назарий тадқиқотларни кучайтирди. Сўнг бу ишларини тўплаб, иккинчи марта докторлик ҳимояси учун кафедра илмий кенгашига топширди. Лев Гумилёв “Инсон ва табиат” журнали муҳбирининг “Иккинчи марта докторликни ёқлаш Сизга нима учун зарур бўлиб қолди?” – деган саволига бундай жавоб беради: “Янги тадқиқотларда айтилган илмий-назарий янгиликлар яна сиёсий назорат идораларининг эътиборини торта бошлади. Бу идоралар фақат кафедра ва университет илмий кенгашларида муҳокама қилинган ва тасдиқланган фикрларгагина айбнома кўёлмас эдилар. Шу сабабли, янги китобимни яна докторлик диссертацияси сифатида топширдим. Бу вақтга келиб, собиқ Иттифоқ ҳаётида, хусусан, унинг илмий-маданий ҳаётида сўз, ижод эркинлиги яна чеклана бошлаётган эди. Шундай шароитда ҳам Аттестация комиссияси Лев Гумилёвнинг иккинчи докторлик ишини қайтаради ва шундай ғаройиб хулоса беради: “Мазкур илмий тадқиқот докторлик диссертациясига нисбатан анча баландлиги сабабли, бу ишга докторлик даражасини бериш лозим топилмади”.

Муҳбирнинг “Сизга бу масалалар билан шуғулланишда қайси олимлар устозлик қилган?” деган саволига Лев Гумилёвнинг жавоби бир қарашда нокамтарликдай кўринади. “Бу масалалар билан ҳеч ким шуғулланмагани сабабли бу соҳада устозларим йўқ эди. Бу фикрда жон бор, албатта. У жавобини давом эттириб, “Менинг олим бўлиб етишимизга ибн Халдун (XIV аср), Жон Баттиста Вико, Отто Шпенглер, қисман А.Тойнба, В.Вернадский асарларининг таъсири катта бўлгани шубҳасиз”, – дейди.

Қуйида эътиборингизга Л.Гумилёвнинг 1988 йилда Россиянинг “Человек и природа” журналида чоп этилган мақоласини ҳавола қилмоқдамиз.

Таржимондан



# Лев ГУМИЛЁВ

## ЭТНОСЛАР ВА ТАБИЙ МУҲИТ

### БИОЦЕНОЗ – ТАБИЙ МАКОН

Турли хавф-хатарлардан ўзини сақлаш туйғуси барча умуртқали ҳайвонларда учрайди. Бу туйғуга яна ўздан кўпайиш ва авлод қолдириш инстинктлари (туғма ҳиссиёт) ҳам кўшилади. Ҳайвонлар ҳам, инсонлар ҳам кўпроқ жойларни эгаллаб, тарқалишга ва янги муҳитга мослашишга (адаптацияга) интиладилар. Одатда жониворлар ўз аجدодлари яшаб ўтган муайян жойга – табиий муҳитга мослашади. Аммо бу мослашув муайян жойлар билан чегараланади. Айиқ (ўрмонда яшайди) сахрога чиқиб кетмайди, қурбақа, сувилон баланд тоғларга кўтарилмайди, қуён дарёларга, сувга тушиб, балиқ овламайди.

Ер юзидаги турли ҳарорат, иқлим шароитлари жониворларнинг яшаш жойини янада чеклайди. Тропик иқлимдаги дарахтлар, ўсимликлар шимолӣ кенгликларда кўкармайди ва аксинча, шимол ўсимликлари жануб иқлимида ўсмайди. Баъзи қушлар совуқ тушганида бошқа, иссиқ ўлкаларга учиб кетади, уларнинг кўчиши ҳам маълум маршрутлар – йўллар билан чегараланган.

Фақат инсон бу қоидага бўйсунмайди. У бир турдаги жонивор бўлса ҳам, Ер юзининг ҳамма томонига тарқалаверади. Демак, инсонлар турли иқлим шароитларига (ижтимоӣ шароитларга ҳам – *тарж.*) энг кўп мослаша олади. Аммо бу ерда бир жиддий муаммо бор. Ўрмонлардаги мўътадил иқлимда яшовчи ибтидоӣ одам нима учун ўз жойларини тарк этиб, чўлларга ёки тропик чангалзорлар – жунглиларга бориб қолади? Ахир ҳар бир жонзотнинг биоценози – ўрганиб қолган макони, топиладиган озик-овқати бор. Гео-биоценоз табиат билан ҳайвонлар ва инсонларнинг тарихӣ, экологик, физиологик алоқадорликдаги мослашган макони, “ўзи билган жойи бор. Жонзотларни ўз уйдан кетишга нима мажбур қилар экан?”.

Гео-биоценоз – егулик топиш билан бир-бирига боғлиқ жонзотлар: инсон, ҳайвонлар ва ўсимликлардан иборат мураккаб тизимдир. Ўсимликлар ва ҳайвонлар инсон тириклигида озуқа бўлар экан, инсон ўлганида (тупроққа аралашиб) ўсимликлар учун озуқага айланади. (В.Шекспир бу қонуниятни билган, унинг “Ҳамлет” асарида шундай фикр бор: Инсон чувалчангни ўлдириб, балиқларга едиради. Балиқлар чувалчангни ейди. Балиқларни одамлар ейди. Одамлар ўлганида эса чувалчангларга ем бўлади. (Бу фикр Фаридиддин Атторнинг “Мантикут-тайр” асаридан олинган – *тарж.*)

Эволюция (тадрижий ривожланиш) орта қайтмайдиган жараён. Ибтидоӣ одамлар турли табиий шароитларга аста-секин мослашиб, (ўсимликлар совуққа чидамли янги навга айланганидай), инсонлар ҳам барча қийинчиликларни енгиб ўтиб, тобора кенгрок жойларга тарқалиб, турлича табиий муҳитларда мустаҳкам ўрнашиб қолади. Аммо, инсон янги табиий муҳитда физиологик (тана тузилиши) жиҳатдан ўзгармайди, балки фақат хулқ стереотипи (одатлари) ўзгаради. Яъни, у янги этносга айланади! Нима учун шундай бўлади? Бу саволга жавоб бериш осон эмас. Биз бу жараёнлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун муаммони бир оз чеклаймиз.

Агар инсонларнинг турли иқлимларда хулқи ўзгариши биологик, аниқроғи, зоологик сабабларга боғлиқ бўлса, ҳайвонларнинг ҳам хулқи ўзгариши керак эди. Инсон бошқа табиий муҳитга тушганида онгли равишда ўз табиатини, хулқини ўзгартирган дея олмаймиз. Ижтимоӣ,

сиёсий формациялар – давлат тузумлари ўзгариши ҳам инсон табиати, хулқини ўзгартиролмайди. Ф.Энгельс ёзишича, ҳайвон гўшти ва балиқ билан озиқланувчи ҳиндуларнинг бош мияси фақат ўсимликлар билан озиқланувчи Янги Мексика ҳиндулари бош миясидан каттароқ экан.

## **ГЕОГРАФИК ТАБИЙ МУҲИТ ИЖТИМОЙ ТУЗУМГА ТАЪСИР КЎРСАТМАЙДИ**

Табиий муҳит, иқлимлар ўзгариши ўша муҳитдаги барча ноз-неъматлардан озиқланувчи халқлар феъл-атворига таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Аммо, табиий, жуғрофий муҳит ижтимоий тузумга кучли таъсир кўрсатолмайди.

Шунга қарамай, ландшафт – инсонлар яшаётган жойнинг табиати этнослар ҳаётига, этник жараёнларга мажбурий таъсир кўрсатади. Италияда ўринлашган этнослар – этрусклар, лотинлар, галлар, греклар, сурёнийлар, араблар, лангобардлар, норманлар, шваблар, французлар аста-секин, икки-уч авлод алмашуви жараёнида италиялик халқларга қўшилиб, ўзига хос характерли, ранг-баранг хулқли этносларга айландилар. Бошқа жойларда ҳам этносларнинг шундай эволюцияси содир бўлди. Демак, биз этносларнинг шаклланишини ижтимоий тараққиёт ҳосиласи деб эмас, балки алоҳида ғаройиб ҳодиса – феномен сифатида ўрганишимиз зарур.

Тўғри, инсоният тараққиёти ҳайвонлар олами каби фақат табиий шароитлар таъсири остида эмас, балки техника тараққиёти ва ижтимоий институтлар – миллий урф-одатлар билан ҳам боғлиқдир. Аммо бу икки соҳа ўзаро боғлиқ ҳолда таъсир кўрсатади. С.Калесник ўз китобида одамлар яшаётган бир жойдаги жуғрофий шароитлардан фойдаланса-да, жуғрофий муҳитга таъсир кўрсатолмайди, деб таъкидлайди. Биз ўз тадқиқотларимизда мана шу тамойилни асос қилиб оламиз.

## **ИНСОН ВА ТАБИАТ КУРАШУВИ**

Инсон (ўз ақлий имкониятлари билан) ландшафтга, табиий муҳитга мослашибгина қолмай, табиатни ўз талаб ва эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда ўзгартиришга интилади. Аммо инсонларнинг бу ижодий қобилияти ҳамиша ҳам яхшиликка олиб келавермайди. Шумерлар эрамиздан аввалги учинчи минг йилликда каналлар қазиб, Дажла ва Фрот дарёларининг сувини саёзлаштирдилар. Хитой ҳукмдорлари 4000 йил аввал Хуанхе дарёсига тўғон кура бошладилар. Шарқий Эрон ҳукмдорлари янги эра бошланишида кўриқ ерларни суғоришда коризлар қазиб, ерости булоқлари сувларидан фойдаландилар. Полинезияликлар ўз ороллариغا Америкадан ширин картошка (кумара) олиб келиб эка бошладилар. Европаликлар эса Америкадан картошка, помидор, тамаки ҳамда нашани олиб келдилар. Евроосиё даштларида палеолит даврида уддабурон овчилар мамонтларни кириб ташлади. Эскимослар Беринг денгизиде сув сигирлари (стеллерлар)ни овлаб тугатдилар. Маорийлар янги Зеландияда мао қушини тамом қилдилар. Олд Осиёда араблар ва форслар арслонларни овлайвериби, деярли тугатдилар. Американи босиб олган мустамлакачи испанлар, голланд ва инглизлар бизонлар ва сайёҳ кабутарларни, Австралияни босиб олган мустамлакачилар кенгуруларнинг бир неча турини йўқотдилар. XIX аср ва XX асрларда ҳайвонларни овлаб, кириш шундай авжига чиқдики, зоологлар ва зоо-географлар бу ҳақда кўп ёзганлари учун, биз гапимизни мухтасар қиламиз. Инсонларнинг ҳайвонларга ваҳшиёна муносабати барча формацияларда (ижтимоий-сиёсий тузумларда) бўлгани сабабли, табиат ва инсон қарама-қаршилиги ижтимоий тараққиётга боғлиқ эмас, деб ўйлаймиз.

Барча тузумларда (кулдорликда, феодализмда, капиталистик, социалистик тузумларда) одамлар табиатга зарар етказиб келдилар. Инсонлар ҳар гал табиатга ҳар хил ёндошсалар-да, умумий жараёнда табиатга ҳужумлар давом этаверди.

Аммо табиат инсонлардан ўзини ҳимоя қилади (гоҳо ўч ҳам олади). Нозиккина ёввойи ўт-майсалар тош йўллар ва асфальт йўлларни ёриб, нурга талпинади. Баъзи ҳайвонлар одамларнинг табиатга ҳужумидан фойдаланиб ҳам қоладилар. Прериялар (чўллар)да одамлар бизонларни, яқлар ва кўтосларни қириб, шу биоценоз муҳитда қўйларни кўпайтирганларида, касал бизонлар ва буғуларни тутиб ейдиган очкўз бўрилар камайиб кетди. Касалларни йўқотувчи бўрилар камайгач, буғу ва қўйлар орасида касаллик эпидемияси бошланди, буғулар ва қўйлар касаллангач, уларни тутиб ейдиган койотлар – эчкимарлар кўпайди, энди бу жонзотлар қўйларнинг касалларини йўқотиб, тозалаб турдилар.

Америкадан картошка келтириб, экин майдонларини кенгайтириш Европада колорадо кўнғизларини кўпайтирди. Улар Америкадан Кордильера тоғларидан Атлантика океанини кесиб ўтиб, Европага ғолибона бостириб келди. Англия савдо кемалари Полинезия ороллари-га каламушларни ва чақувчи чивинларни олиб келди. Одамлар булардан қочиб доимо денгиз шамоли эсиб турган кумли соҳилларга кўча бошлади-дар. Одамларнинг Австралияга куёнларни ва Мадейра оролига эчкиларни кўчириб келиши қандай фожиали оқибатларни келтириб чиқаргани ҳаммага маълум. Табиатнинг чекланиш даврлари ҳам инсониятнинг туб ижтимоий ўзгаришлари билан боғлиқ эмас. Инсоннинг табиатни бўйсундиришга уриниши ҳар доим салбий оқибатларга олиб келади, буни тараққиёт деб бўлмайди. Шундай экан, бу жараёнларда табиатнинг қисман вайрон қилинишини турли иқлимдаги этносларнинг энг тез ҳаракат қилувчи стереотиплари билан боғлаш мумкин. Биз энди ўз мавзуимизга яқин келдик.

## СОЦИУМ (ИЖТИМОЪ), ПОЛИТИЯ ВА ЭТНОС

Ҳар бир инсон муайян ижтимоий гуруҳ (оила, жамоа, жамият) аъзосидир. Барча замонларда қайсидир ўрда, қабила, уруғ-аймоқ, жамоа, гуруҳнинг аъзоси бўлмаган инсонни топиш қийин. Социал (ижтимоий), сиёсий ва этник жамоалар ўртасидаги муносабатларни нарсаларнинг узунлиги (ҳажми), оғирлиги ва ҳароратига ўхшатиш мумкин. Булар параллел равишда яшайди, аммо бир-бирига мувофиқ келмайди. Саркардалар, ислохотчилар, элчилар фаолияти географик сабабларга боғлиқ эмас. Аммо табиат ва инсон муаммосини этник жамоалар фаолияти билан ҳал этиш мумкин. Инсонларнинг табиатга муносабати ва ўзаро таъсири фақат ибтидоий замонларга эмас, балки ҳозиргача (XX асргача) бўлган ривожланиш босқичларида ҳам кузатилади.

Юқорида айтилган уч йўналишнинг ўзаро муносабатларини Англия ва Франциянинг ўтмишдаги воқеаларида кузатиш мумкин. Бунинг учун жуда кўп манбаларга ва библиография чангалзорларига мурожаат қилиш шарт эмас. Ижтимоий жиҳатдан иккала мамлакат бир неча формацияларни – давлат тузумларини бошдан кечирди. Ҳар иккала мамлакат Рим истилочиларига қадар уруғ-қабилачилик тузумини, Рим империяси даврида кулдорлик тузумини (гарчи Британия собиқ Франция, Галлиядан уч аср орқада қолган бўлса ҳам), ҳар иккаласи феодализм ва капитализм тузумини бошдан кечирди (бу гал Франция юз йил кейинроқ капитализмга ўтди). XX аср одамларига Ла-Манш бўғози билан айрилган бу икки миллат (инглизлар ва французлар) сиёсий жиҳатдан классик (мумтоз) этник-худудий бирлик бўлиб кўринади. Гўё бошқача бўлиши мумкин эмасдек.

Жуғрофий ландшафт жихатидан бу ҳудуд уч минтақага бўлинади: Жанубий Франция – субтропик минтақада, Шимолий Франция ва Жанубий Англия ўрмонлар минтақасидир, Англиянинг шимоли Шотландия толзорлари ва Нортумберленд – суб-бориал зонада – иқлимда жойлашган. Ҳар бир иқлим ландшафти (ер тузилиши) одамларни табиий муҳитга мослаштиради. Шу асосда муайян этнослар шаклланади. Масалан, Рона дарёсининг куйи оқими соҳилларида келтлар токзорлар ўстирадидлар, узум ҳосилини оладидлар. I-V асрларда бу ерга келган Рим колонист мустамлакачи жангчилари, V асрда бу жойларни босиб олган бургундлар, VII асрда келган араблар, ўн биринчи асрда келган каталонияликлар – ҳаммаси боғбончилик билан шуғуллана бошладидлар. Мазкур ҳудудда собиқ турли қабила, уруғ-этнослар бир соҳада меҳнат қилиш, бирга яшаш оқибатида тиллари ва урф-одатлари, хулқлари бир-бирига яқинлашди. Бу ерда XII асрда аввалги каталонияликлар, провансаллар, линкурияликлар бир халқни – франкларни (французларни) ташкил қилдидлар. Албигей урушидаги қирғин-барот бу халқни яна бўлиб юборди. Шу сабабли бу ҳудуд халқларидан жанубий французлар XIX асрга қадар провансал тилида сўзлашар эдилар, уларнинг кўпчилиги француз тилини ҳам биларди.

Норвегиялик балиқчиларнинг фарзандлари Нормандияни эгаллаб, икки авлод давомида француз деҳқонларига айландидлар. Уларнинг фақат юз киёфалари (антропологик тузилиши) маҳаллий французлардан фаркланар эди. Ўша норвегияликларнинг яна бир қисми Твид водийсида жанубий шотланд чўпонларига айландидлар. Шимолий Шотландияда маҳаллий келтлар узок вақтлар давомида уруғ-қабилачилик тузумини сақлаб қолдидлар. Шундай қилиб, сиёсат эмас, балки асосан ландшафт табиий-муҳит чегаралари этносларни шакллантирди.

Франциянинг шимолий ярми, унинг қалби ўртасининг ландшафти конвергенция (урф-одат, тилларнинг яқинлашуви) йўли билан қадимги вақтларда – белжилар, аквитанлар ва кельтлар, милоннинг бошларида лотинлар ва германлар, илк ўрта асрларда франклар, бургундлар, алонлар, бритлар, уйғониш даврида инглиз, итальян, испан ва голланд муҳожирларини яқинлаштириб, французларнинг шаклланишига ҳисса қўшдидлар. Буларнинг барчаси француз деҳқонларига айландидлар. Мана шундай деҳқонларнинг ҳаётини этнографлар, тарихчилардан кўра Бальзак, Эмил Золя каби реалистик ёзувчилар ёрқин тасвирлаб берганлар.

Шундай экан, савол туғилади: нима учун ландшафтлари ва ижтимоий тузумлари ўхшаш бўлган бу икки ҳудуд (Англия ва Франция) бир давлат, бир мамлакат бўлиб бирлашмади? Бирлашув бу иккала ҳудуд халқлари учун фойдали эди-ку?

Ўрта асрларда қироллар буни яхши тушуниб, ҳар икки ҳудудни бир давлатга, бир мамлакатга бирлаштиришга уч марта ҳаракат қилган эдилар. 1066 йилда Франция қиролининг вассали (ноиб), Нормандия герцоги Гаюм Британиянинг Англо-Саксония қисмини эгаллаб олди. Гаю сулоласи ағдарилгач, бу ҳудуд бошқа француз феодаллари – Генрих Плантагенет қўлига ўтди. 1154 йилда Нормандия яна бир марта Англияни ўз давлатига қўшиб олди. Кейинроқ Англия, Нормандия, Пуату, Аквитания (Франция жануби, Сена дарёси атрофлари) ва Оверн вилоятларини бирлаштирган Генрих Плантагенет давлати вужудга келди. Плантагенетлар сулоласи кетгач, 1205 йилда Франция қироли Филипп Август Англия қиролидан Нормандия, Пуату, Турен ва Анжу вилоятларини тортиб олди. Англия қўл остида (Франция ерларидан) Бордо ва Байонна қолди. Бу вилоятларда Гаском баронлари плантагенетларни қўллаб-қувватлар эдилар.

Англия ва Францияни яна бирлаштириш учун 1339 йилда юз йиллик уруш бошланди. Бу гал урушни Англия қироли бошлади. Узок йиллар

давом этган уруш охирида Англия кироли Генрих Ланпастер тож кийиб, Франция тахтига ўтирди. Аммо у тахтда узок ўтирмади. Уни Жанна Д'Арк бошчилигидаги ғалаёнчилар Франциядан қувиб чиқардилар. Шундан сўнг иккала мамлакатни бирлаштириш ҳаракатларига чек қўйилди.

Табиий географик ва сиёсат соҳасидаги бу ўзгаришларнинг сабабларини излаш фойдасиз, лекин иқтисодий географияни ўрганиш бу масалаларга равшанлик кирита олади. Кўпчилик тарихчилар ҳозир шундай қилмоқдалар. Сиёсий бирлашмалар, давлатлар барқарорлик ва ривожланиш учун бир хил хўжалик маҳсулотларига эмас, балки ранг-баранг иқлимлардаги турли-туман маҳсулотларга эҳтиёж сезадилар. Иқтисодий жиҳатдан турлича ва хилма-хил маҳсулотлар етиштирувчи вилоятлар бир-бирини тўлдириб, давлатни кучайтиради. Шимолий Англиядан қўй юнги, Кентдан ва Нормандиядан бугдой, Оверндан вино, Турендан газламалар келиб турган вақтда Пантаганетлар давлати кучайган эди. Иқтисодий алоқалар турли этнос-миллатларни яқинлаштирди, подшоҳларни бойитди. Аммо шундай шароитда ҳам турли этнослар бирлашиб кетмади. Нима учун? Бу саволга жавоб бериш учун юқорида айтилган ҳудудларда яшовчиларнинг этник таркибини ўрганиб чиқиш зарур.

*Рус тилидан  
Маҳкам МАҲМУДОВ таржимаси*



## ТУРФОН ОБИДАЛАРИ

2012 йилнинг кўкламида хизмат сафари билан Урумчида бўлдим. Ўшанда менга ўтмиш цивилизациясининг ўчоқларидан бўлмиш Турфонга сафар қилиб, унинг эски харобаларини кўриш насиб этди.

Турфон Урумчидан 182 километр узокликда жойлашган. Иккисини боғлаб турувчи янги қорайўл (автомобиль йўли) қурилган: Уловда Урумчидан чикиб кенг ва текис йўлдан кунчиқарга юрилади. Шаҳар теварагидаги экинликлар тугаб ёзи-ёбонга чиқасиз. Йўлнинг икки ёғи тап-тақир. Тупроғининг бети қорамтир. Катта йўл очик ерга тушганиданми, Турфонга етгунча йўл ёқасида бирор қишлоқ ё кўрғон учрамайди. Анча юргач, сон-саноксиз шамол электр пирпираклари тикланган ерга етасиз. Бу жойни *Дабанчин* дейилади. Бу ернинг ели кучли, кишини учириб юборгудай, изғирин. Электр пирпиракларининг ана шу тузликка тиклангани бежиз эмас. Турфонга довур шундай пирпирақлар ўрнатилган жойдан яна бирови бор. Ярим йўлдан ўтгач, йўл Тангритоғ (Тяньшан) тизмалари этагидан ўтади. Тоғнинг этагида катта қўл ҳам бор. Айтишларича, ундан туз олинади, суви шўр. Умуман, бу ерлар шўртупрок. Бетини шўр қоплаган далаларга ҳам тез-тез кўзингиз тушади.

Анча юргач, қорайўл илон изи бўлиб оққан сой ёқалаб тоғлар орасини кесиб ўтади. Икки ёндаги тошқоялар ўта салобатли. Бир воҳадан бошқасига ўтиладиган йўл ҳам шунинг ўзи. Ўтмишда арқиш (карвон) йўллари ҳам ана шу ердан ўтган. Тоғлар тугаб, кенгликка чиқасиз.

Турфонга яқинлашган сайин дашт-тузлик тугаб, пахта далалари, экинликлар бошланади. Тупроғи унумли бўлгани учунми, Турфон воҳасида пахта, дон-дун бурундан экиб келинган (Тарихини аниқ айтиш қийин, зироатчиликнинг бу хили қадимги битикларда ҳам тилга олинган). Шаҳарга етмай, ўнгга бурилиб, эски харобалар томон кириб борилади. Йўли тор, икки ёнда уйғур қишлоқлари. Бу ва умуман Турфондаги қишлоқлар киши эътиборини ўзига тортади: оддий уйлар, тевараги узумзор. Фарғонанинг чекка худудлари, Самарқанд, Шаҳрисабз теварагидаги қишлоқларни эслатади кишига. Бурилишдан бошлаб, қишлоқлар оралаб кета-кетгунча узумзор. Бу ерларда узумчиликка катта эътибор берилади. Ерли кишиларнинг сўзига қараганда, Турфон узумининг доврўғи дунёга кетган: донаси йирик-йирик ва ширин, икки-уч боши саватни тўлдиради. Халки меҳнатқаш, тирикчилиги узумдан. Токнинг парвариши ҳам биздагидан фарқли: қишда ток ерга кўмилади, кўклам келиши билан илдизига тақаб очилади. Ишқомлар тартибли, тоқлар ниҳоятда текис таралган, навдаси ҳам бақувват. Яна бир жиҳати, ҳар қайси эшикда узум сақлаш ва майиз қуритиш учун махсус болохоналар қурилган; улар пишиқ ёки хом ғиштдан панжарасимон ишланган бўлиб, орасидан шамол ўтиб туради. Томлар лойсувоқ. Узум қуритиладиган ушбу болохоналар халқ тилида чунжа дейилади. Бундай қурилмалар бизнинг майизчилик билан шуғулланувчи воҳаларимизда ҳам бор. Чунончи, Китоб туманидаги Қайнар қишлоғида шу усулда майиз қилинади.

Турфон уйғурларининг шеvasи, урф-одати, ташқи кўриниши ҳам ўзига хос. Қорайўлдан ичкарига икки-уч чақирим юрилгач, эски харобаларга етасиз.

Халқ бу ерни **Безаклик минг уйлар** дейди. Буддавийлик давридан қолган ушбу обида икки сой ўртасидаги тепаликда, ниҳоятда катта мажмуа. Сой ҳозир ҳам оқиб турибди, лекин суви саёз. Бу жойларнинг тарихи икки минг йилга боради. Умримда бундай ҳайбатли обидани кўрмаганман. Биздаги Афросиёб ёки Панжикент харобаларига ўхшаб кетади, лекин анча катта. Тепаликларни ўйиб қурилган эски ибодатхонаю уйларнинг сон-саногии йўқ; орада лой гиштдан ишланганлари ҳам бор; уйларни туташтирувчи тор йўлаклар; деворларда тоқчаларнинг ўрни. Шунча замонлар ўтиб ҳам тўкилиб тушмагани ақлга сиғмайди.

Безаклик минг уйлар харобаси ҳозир очик музейга айлантирилган. Орага зиёратчиларнинг юриши учун пишиқ гишт териб йўл солинган, айрим жойларга тахта тўшаб қўйилибди. Келиб-кетувчиларнинг кети узилмайди.

Бирор тепаликка чиқиб теваракка боққан киши ажойиб манзарани кўради: олдинда ҳайбатли қўрғон харобалари; сойнинг нариги томонида ям-яшил экинзорлар, уйғур қишлоқлари, узоқ-узоқларда қурама тоғлар.

Изга қайтишда Турфон шаҳрига етмай туриб, Кориз музейи деган жойга келасиз. Ҳовлиси кета-кетгунча ишқом. Ўтмиш деҳқончилигининг ёрқин излари ана шу ерда яққол кўринади. Қадимда бу ерларда коризлар (сув қувурлари, ер ости ҳовузлари) кўп бўлган. Бунинг сабаби, тоғ билан бу ернинг ўртаси чўл бўлиб, тепадан сув келтириш учун ер ости коризлари қазилган. Қувурлар шу ергача тортиб келинган, сўнг устидан кудуқлар қазилиб, сув ернинг юзига чиқарилган. Музейнинг янги қурилган биноси остида ана шундай қадимий коризлардан бири бор: яхши сақланган, қувури сополдан, суви ҳозир ҳам шарқираб оқиб турибди; ниҳоятда тиник ва муздай, бир култум ичсангиз, танангиз яйрайди, онадан қайта туғилгандай бўласиз (Кориз сувини ичиб юрган одам умр бўйи дардга чалинмаса керак, назаримда). Бу иншоотнинг қурилиши ўз замонида қандай катта куч талаб қилганини тасаввур қилиш қийин эмас. Бу коризнинг тарихи ҳам минг йилдан нарига боради. Ҳозир Турфонда эски коризлардан анчаси сақланган, баъзилари қуриган. Деҳқончилик ва боғдорчиликда, халқни ичимлик суви билан таъминлашда ота-боболарнинг ана шу кашфиёти хануз қўл келяпти.

Турфон (уйғурлар **Турпан** деб талаффуз қилади; хитойчада **Гаўчан**) – тоғ этакларида жойлашган воҳа. Унинг географик шароити, иқлими, Буюк ипак йўлида жойлашганлиги ўлканинг доимий гуллаб-яшнашига имкон берган. Иқлими туфайли бу тупроқда яратилган осори атиқалар, ёзма ёдгорликлар бизнинг қунимизгача яхши сақланган.

Маданият соҳасида ҳам бу кўҳна ўлканинг имкониятлари чексиз эди. Ўтмишда қадимги туркий, суғд, тохар, будда, моний маданиятлари шу тупроқда туташган. Айниқса, буддавийлик даврида Турфон кишилиқ цивилизацияси юқори бўлган йирик маданият ўчоқларидан бўлиб, улуғ юксалишлар ана шу замонда юз берди. Кўҳна Турфон бир қанча юксалиш ва маданиятларнинг туташ нуқтаси бўлган.

Турфон халқи асрлар оша турли маданиятлар, диний-фалсафий қарашлар таъсирида бўлиб келган: бошда тангриканлик, сўнг буддавийлик, монийлик, насронийлик қарашлари амал қилган. Кейинчалик эса уларнинг ўрнини ислом эгаллади. Бу ўлкада ўтмишда, туркий қавмлар билан бир қаторда, суғд, тохар жамоалари ҳам яшаган. Бу тупроқлардан қадимги туркий асарлар билан бир қаторда суғдча, тохарча асарлар топилганлигининг боиси ҳам шунда. Суғдлар бу ўлкага тижорат ишлари, диний-миссионерлик ҳаракатлари туфайли келиб, ўрнашиб қолган эди. Туркий халқлар орасида буддавийлик, монийлик, насронийлик қарашларининг ёйилувида ҳам суғдларнинг хизмати катта бўлган. Бунинг сингари боғланишлар изини ота-боболаримизнинг ёзув маданиятида ҳам кузатамиз.

Қадимги будда ва моний маданиятларининг классик даври ҳам Турфонда кечди. Ҳатто буддавийлик Хитой ва Мўғулистонга ана шу йўл орқали кириб борган. Хитой роҳиблари муқаддас сафарга ана шу йўлдан ўтганлар. Хуллас, Турфон қадимдан Марказий Осиёнинг йирик маданий, ижтимоий-сиёсий,

савдо марказларидан бири бўлиб келди. Бу ўлкада улуғ ва ўлмас обидалар яратилганининг сабаби ҳам ана шунда.

Турфон IX–XIII асрларда, тўрт юз йил давомида ҳукм сурган Қўчу давлатининг маркази бўлган. Бу даврларда ана шу тупроқларда ёзув маданияти гуллаб-яшнади; будда, моний, насроний мазмундаги асарлар яратилди; ёзма адабиёт, айниқса, таржима адабиёт ривожланди. Бу давлатнинг расмий дини буддавийлик эди, шунга қарамай, бошқа диний жамоаларга-да йўл берилганди. Будда, моний жамоаларидан етишиб чиққан ўқимишли кишилар диннинг фалсафий-таълимий, ахлоқий ғояларини кенг оммалаштириш мақсадида ўз асарларини халққа тушунарли тилда, бадиий асар даражасида битишга уринганлар. Шунинг учун ҳам ушбу асарлар қадимги туркий, суғд, тохар адабиётларининг классик намуналарига айланган.

Кўхна Турфон, унинг тарихи шарқшуносликнинг, хусусан, ғарб шарқшуносларининг доимий диққат марказида туради. Олимлар бу тупроқларда жуда катта тадқиқот ишлари олиб борган, археографик экспедициялар уюштирганлар. Ўтган асрнинг бошларида Турфон харобаларидан сон-саноксиз археологик обидалар, ёзма ёдгорликлар топилди. Ушбу топилмалар милоддан аввалги даврлардан бошлаб ўрта асрларгача бўлган даврларга тегишлидир. Деворий расмлар, ибодатхона ва саройлардан чиққан ҳайкалчалар, кимматли буюмлар, нодир қўлёзмаларнинг бари ташиб кетилди. Ҳатто эски мозорлардан чиққан мумиёланган жасадлар, тахта тобутлари билан кўшиб олиб кетилган. Ҳозир улар йирик музейлар ва қўлёзма фондларида сақланмоқда. Безаклик минг уйларнинг бебаҳо обидалари Турфон ва Урумчидаги тарих музейлари, Берлин, Лондон, Санкт-Петербургдаги музейлар ва қўлёзма хазиналарини бойитиб турибди (Урумчидаги Шинжон тарих музейида мумиёланган жасадлардан тортиб, ҳайкалчалар, сопол буюмлар, асл қўлёзмалар дейсизми, ҳамма-ҳаммасидан бор, кўриб ҳайратга тушади киши).

Турфон харобаларидан чиққан обидалар ичида ёзма ёдгорликлар алоҳида ўрин тутаяди. Улар қадимги туркий, суғд тилларида бўлиб, будда, моний жамоалари томонидан битилган. Ёзув ашёси – тери, қоғоз, ёғоч, сопол идиш ва металл. Орада деворий расмларга ёзилган битиклар ҳам бор.

Ёзма ёдгорликларнинг муайян бўлаги ўша даврларга тегишли расмий ҳужжатлардир. Муҳим қирраси, Турфондан топилган расмий битиклар хонларнинг ёрликлари ёки юрт эгаларининг ўзаро ёзишмалари, дипломатик ҳужжатлар эмас. Улар йирик ер эгалари, бойлар, дехконлар, оддий кишиларнинг олди-бердиси, хўжаликнинг қирим-чиқими, кимгадир сотилган ер ҳужжати, ижарага олинган ер учун ёзилган тилхатлар, қарзга олинган дон-дунни, матони эвази билан қайтариш тўғрисидаги васиқалар, кулларнинг ўз беклари устидан ёзган шикоятлари ёки йирик бойларнинг ўз қулига берган эрк ҳужжатларидир. Қадимги турк ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётини бутунича қамраб олган ушбу ҳужжатлар жамият ҳаёти, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муносабатлар тарихини ўзида яққол акс эттирган.

Эски, сарғайиб кетган қоғозлардаги битикларнинг ҳаммаси ҳам яхши сақланган эмас; кўпи чириб, матн бўлаклари тўкилиб тушган; айримлардан кичик парчалар қолган. Уларнинг ичида матни узук-юлуқ сақланганлари ҳам анча, орада айрим жойларини ўқиб маъно чиқариш қийин. Шундай эса-да, сиёҳи ҳануз тиник.

Ҳужжатлар туркий тилда бўлиб, давлат ишларида унинг мавқеи юқори эканини билдиради. Улар эски уйғур хатида битилган. Баъзи ҳужжатлар тартибли, чиройли хатда, айримининг эса шошиб ёзилгани билиниб туради. Ора-орада идораларнинг муҳр-тамғалари урилган, ҳужжатларнинг охирига эса қарз олувчи ва гувоҳларнинг белги-нишонлари қўйилган.

Ҳужжатлар матнида уларни битувчи кишиларнинг исмлари ҳам сақланиб қолган. Бу юмуш билан, одатда, юрт бошлиқлари, давлат идорасининг хизматчиси (бек, тудун ёки нотариус), қарз берувчининг ўзи ёки унинг ишончли кишиси шуғулланган. Матннинг саводли, юксак даражада ёзилганига қараганда, улар конунларни, тўру-тузуқларни яхши билган, билимли кишилар ўтган.



Таъкидламоқ ўринлики, ушбу битиклар туркий хужжатчиликнинг илк намуналари эмас. Улар, Қўчу давлати замонидан қолган (айрим хужжатларда Қўчу номининг берилганлиги ҳам шуни кўрсатади). Ваҳоланки, туркий хужжатчилик бундан-да эски замонларга бориб тақалади. Шундай эса-да, улар хужжатчиликнинг нодир намуналари бўлиб, туркий расмий услубнинг юзага келиши ва тарихий тараққиётини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Битиклар хужжатчиликнинг барча талабларига жавоб беради: тузилиши пухта; матн компонентлари ўзаро уйғун; матн услуби, атамалар тизими юксак босқичда. Қадимги туркий хужжатчилик узоқ услубий тараққиёт босқичини босиб ўтганидан далолат беради. Хужжатларда бунинг сингари кишини ҳайратга солувчи ўринлар талай.

Маълумки, ўрта аср жамиятида, давлат сиёсатида кишилар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иктисодий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари чуқур ишлаб чиқилган эди. Қандай бўлишидан қатъи назар, кишининг ҳақ-ҳуқуқини белгиловчи ишлар, олди-берди, давлат идоралари ва хўжаликдаги қирим-чиқимлар расмийлаштирилган, улар хужжатларда қайд этиб қўйилган.

Шу ўринда бир масалага эътибор берсак. Қонунга кўра, ҳар қандай олди-бердининг қафолатлануви, олинган нарса олувчининг ўзи ёки унинг яқинлари томонидан албатта қайтарилмоғи керак. Бирор нарсани қарзга берув хужжатларида *berginčä yoq bar bolsar-men* деган жумлага кўзимиз тушади. Бу жумла “қарзни бергунча борманми-йўқман, беролмасам (қарзни узолмасам)” деган маънони билдиради. Масалан, Берлин фондида сақланаётган Т.М.222 кўрсаткичи Булмиш исмли кишининг солиқ тўлаш мақсадида Қара Ўғулдан қарзга олган кумуш танга учун берган тилхатида бу ҳолат шундай қафолатланган: *Asiği bilä köni berür-men. Berginčä yoq (bar) bolsar-men kišim Tüzüg köni (b)ersün*. Маъноси: “(Кумушни) фойдаси билан тўлиқ қайтараман. Бергунча йўқ-бор бўлсам (борман-йўқман), хотиним Тузуг тўлиқ берсин”. Бу ўринда беримчи беримни кишиси (хотини) Тузугни ўртага қўйиб қафолатламоқда.

Шу ўринда ўрта аср хужжатлари услубининг муҳим қирраси тўғрисида икки оғиз сўз. Одатда, расмий услуб ўзининг аниқ ва равшанлиги, кўчма маъноли сўзлар, фразеологик бирикмалар, тасвирий ифодалар, кўтаринки жумлалар, турли бадий воситаларнинг учрамаслиги билан ажралиб туради. Лекин бу ўлчовни, чекловни ҳеч бир ўзгаришсиз қадимги туркий тилдаги расмий битикларга, қолаверса, ўрта аср хужжатчилигига нисбатан қўллаш ўзини окламайди, назаримизда. Сабаби, ўша давр хужжатларида, юқорида расмий услубга тегишли деб қаралаётган белгилардан ташқари, оғзаки услубга, бадий матнларга хос воситалар ҳам учраб туради. Битувчи-котиблар фикрни теран англантиш, унинг таъсирини кучайтириш, васикани мазмунли ва ширали баён қилиш, матн услубининг силлиқ ва оҳангдор чиқиши учун, ўрни билан, бадий воситалардан ҳам фойдаланган. Бир сўз билан айтганда, хужжатлар услубига оғзаки, сўзлашув услуби билан бир қаторда, бадий тафаккурнинг, бадий услубнинг, қадимги туркий адабиётнинг таъсири бўлган. Шундай қилиб, васикаларда оғзаки ва бадий услубга хос бўлган стереотип жумлалар тизими амал қилади. Улар расмий матнларга бадий бўёқ бериши билан бир қаторда, юридик қимсалар нутқининг таъсири ва мазмунли чиқиши, ҳаққонийлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу нарсани қадимги туркий ёзма адабий тилидаги услублар синкретизми сифатида баҳолаш мумкин. Масалан, Қўни Қуз исмли хўжайиннинг Бурхан Қули исмли қулига берган эрк хужжатида шундай жумлани ўқиймиз: *Bu kьntö mnnča Burxan Quliniñ ya örü tağqa, quđi quımqa barsar; öz köñülinčä buyan berip yornsun*. Мазмуни: “Бугундан бошлаб Бурхан Қулининг (эрки ўзида), юқори тоққа (борадими), қуйи қумга борадими, ўз кўнглича йўл тутсин, савоб учун юраверсин”. Ушбу мисолимиздаги *örü tağqa, quđi quımqa barsar* бирикмасидаги *örü tağ* – “юқори тоғ” ҳамда *quđn quım* – “қуйи қум”, уларни ўзаро қаршилантириш йўли билан бадий санъат ҳосил қилинмоқда; “юқори тоққа (борадими), қуйи қумга борадими” дегани “истаган ерида; ҳамма ерда” англамида келган. Фикрни бу тарзда ифодалаш расмий битиклар услуби

учун ғайриодатий, лекин матннинг таъсирини ошириш, ифода бадиийлигини таъминлаш, “эркинлик” тушунчасини теран англатиш мақсадида ана шу ибора қўлланган.

Васиқаларда, ўрни билан, кўчма маъноли, экспрессив бўёқли сўзлар ҳам учраб туради. Шунингдек, ҳужжатларда синтактик параллелизмлар, аллитерация сингари бадиий воситаларга ҳам мурожаат этилади. Айрим жумлалар сажда ёзилган.

Васиқаларда сўзловчи нутқининг берилиши ҳам ўзига хос. Матн битувчи, одатда, ерни ижарага ёки нарсани қарзга бераётган кимса, шунингдек, давлат идорасининг ходими, бирор ўқимишли киши бўлади. Матн, асосан, қарз олувчи тилидан ўқувчига қарата сўзланади. Турган гап, ҳужжат битишнинг жавобгарлиги бор. Бу нарса унинг хотимасида албатта қайд этилади: агар ерни ижарага ёки бирон нарсани қарзга бераётган кимса васиқани битган бўлса, охирида “мен битдим” ёки “менинг ўзим битдим” (*men özüm bitidim; meniñ özüm bitidim*) деб ёзиб қўяди. Мабодо, ҳужжат идора ходими ёки бошқа кимса тарафидан битилган бўлса, унда *Men, Mnsnr, ayntnp bitidim; Men, Torčn, ağa-inilörkd ayntnp bitidim* сингари жумлалар билан якунланади. Бу жумла “Мен, Мисир, (қарз олувчининг) айтиб турган сўзлари бўйича ёздим”; “Мен, Тўрчи, оға-иниларнинг (яъни қарз олаётганларнинг) айтган сўзлари бўйича ёздим” деган мазмунни англатади.

Қизиғи шундаки, биз сўз юритаётган ҳужжатларда матн қарз берувчи кимса тилидан битилаётганига қарамай, асосий қисмда, қарз берувчининг қарз билан алоқадор муҳим сўзлари, таъкидлари унинг ўз тилидан берилади. Ҳужжатларда юридик шахслар нутқининг бу шаклда берилиши бежиз эмас: улар ўзаро уйғунлашиб, матн таъсирини оширади, ҳужжатларда сўз бораётган юридик шахслар нутқининг легитимлиги, ишончлилиги, ҳужжатнинг расмийлигини таъминлайди.

Эски ҳужжатларда расмий ва бадиий услубларнинг қоришиқ ҳолда учраши ёки юридик кимсалар нутқининг бу кўринишда уйғунлашуви туркий расмий услубнинг тўла шаклланиб улгурмагандан эмас, аксинча, унинг ўта тараққий этгани, фикрни ифодалаш, ҳужжатнинг расмийлигини таъминлаш имкониятлари кенглигидан далолат беради.

Турфон ҳужжатларининг муайян қисми немис, рус, уйғур олимлари томонидан чоп этирилган. Берлин Академиясининг қўлғемалар фондида сақланаётган Турфондан топиб келтирилган ҳужжатларнинг кўпи ҳозирги кезде интернет сайтларига ҳам киритилган. Бироқ уларнинг ўқилиши, матн талқини масаласида ҳали тортишувли ўринлар бор. Шунингдек, матн услуби, уларнинг туркий ҳужжатчилик тарихида тутган ўрни, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жиҳатлари ва шунинг сингари муҳим масалалар очик қолмоқда. Яна уларнинг барини йиғиб, ҳозирги туркшунослик талабларига мос бўлган илмий нашрини яратишнинг вақти келди. Шуларни кўзда тутган ҳолда, ўзбек шарқшунослигида тарихий сфрагистика, ҳужжатшунослик соҳасини ривожлантириш, бу соҳага ёш, билимли йигит-қизларни жалб этиш, олий ўқув юртларида айни соҳалар бўйича фанлар киритилмоғи керак.

Қосимжон СОДИҚОВ,  
филология фанлари доктори, профессор.

## АРАБ АДИБАЛАРИ



Форс кўрфази худудидаги араб мамлакатларида аёллар ижодининг пайдо бўлиши, энг аввало, аёлларнинг таълим олиши ва умуман, бу мамлакатларда таълим тизимининг кенгайиши билан боғлиқ. Агар Миср, Сурия, Ливан, Ироқ, Фаластин каби араб мамлакатларида аёллар адабиёти етарли даражада ривожланган ва XX асрнинг бошидаёқ Мей Зияде, Ойша Теймур, Бинт аш-Шотий (Ойша Абдурахман), Фадва Туқан, Нозик ал-Малаика каби адабиётчи аёллар сиймосида кўплаб ўзининг йирик вакилларига эга бўлган бўлса, Форс кўрфазидаги араб мамлакатларида бу ҳодиса XX асрнинг биринчи ярмида камдан-кам учрайдиган ҳол эди. Аммо вазият мазкур худудда аёллар орасида ижод билан машғул бўлган зиёлилар мутлақо бўлмаган экан, деган маънони англамайди, уларнинг аксарияти ўша пайтда

ҳалқ оғзаки ижоди йўлларида ижод қилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Кувайтда қизларнинг жамоавий таълим олиши Баҳрайдан ўн йил кейинроқ – 1937 йил, Қатарда – 1954, Араб Амирликларида – 1955, Саудия Арабистонида – 1960, Уммонда – 1970 йилда жорий қилинган. Таълим тизимини жорий қилишдаги фарқларга қарамай, аёлларнинг илк ижод намуналари ўтган асрнинг 50-йиллари ўрталарида пайдо бўлса ҳам, Хадая Султон ас-Салимнинг Фаластин фожеалари ҳақидаги илк публицистик мақолалари, шунингдек, Ибтисом Абдуллоҳ Абдуллатифнинг “Қизчанинг хотиралари” деб номланган мемуарлари 1948 йил Қоҳиранинг “Кувайт” нашриётида чоп этиладиган “Ал-Бааса” ойномасида нашр этилган.

“Араб адибалари комуси” маълумотлари бўйича, нашрлар сонига кўра Кувайт аёл ижодкорлар нашрлари бошқа мамлакатларга нисбатан кўпроқ бўлган. 60-йилларнинг бошларида нашр ишлари ва публицистиканинг авж олиши муносабати билан Форс кўрфази мамлакатлари рўзномалари аёллар муаммолари учун махсус саҳифа ажратди, вақти-вақти билан у ерда аёл ёзувчиларнинг қисқа ҳикоя, шеър ва адабий мақола кўринишидаги ижод намуналари берилиб турарди. Форс кўрфази мамлакатларида – Кувайт, Баҳрайн, Саудия Арабистони давлатларида аёллар ижоди намуналари алоҳида девонлар кўринишидаги нашрлар сифатида 50-йилларнинг охири – 60-йилларнинг бошида чиқарила бошлади, 70–80-йилларда эса булар қаторига Қатар, Араб Амирлиги ва Уммоннинг адибалари қўшилдилар.

Адабий жанрлар масаласида аёллар кўпроқ шеърлар ва ҳикоялар машқ қилишни афзал кўрардилар. XX асрнинг охирига келиб, араб мамлакатларида 113 та шеърый девон, 115 та новеллалар тўплами, 64 та роман нашр этилди.

“Араб адибалари комуси”даги “Кувайт” бўлимида ёзувчи аёллар ижодиди ҳикоянавислик 80-йилларнинг иккинчи ярмида энг юқори чўккига кўтарилганлиги қайд этилади. Бу гуллаб-яшнашнинг ёрқин мисолини Лайло Усмоннинг 8 та ҳикоялар тўплами, Фотима Али, Сурайё ал-Бақсамий, Лайло Мухаммад Солих, Муна Аш-Шофёий ва Амина Шоиб асарлари тўпламлари ҳамда Бизза ал-Ботинийнинг илк тўпламлари тимсолида кўрамиз.

Замонавий Кувайт ҳикоянавислиги шаклланиши ва ривожланишида адибаларнинг фаол ижоди алоҳида ўрин тутади. Лайло ал-Усмон, Сурайё ал-Бақсамий ва Фотима Юсуф Али бошчилигидаги ёзувчи аёлларнинг асарлари араб

ҳикоянавислигининг олтин фондига кирди. Ҳикояларнинг мавзу доираси, янги бадиий инновациялар, ўзига хос образлар ва янги баён шакллари яратиш борасидаги изланишлар араб ҳикоянавислигини бойитиш имкониятларини кенгайтди.

80-йилларда, айниқса, Кувайтда аёллар ижоди янги ва бой мазмун касб эта бошлади. Ҳикоялар мазмун жиҳатидан оила ва жамиятда аёлнинг тутган ўрни ва шу масала билан боғлиқ муаммолар, ижтимоий ислохотлар мавзусига бағишланган эди. Уларнинг айримларида романтик маънослик ҳам мавжуд бўлиб, бунга Хайфа Ҳошимнинг “Дахшатли касос” ҳикояси мисол бўлади.

Ҳадая Султон ас-Салим ҳикояларида қахрамонларнинг севги ва бахт йўлларида урф-одатлар тўсқинлик қилади, улар тақдирдан нолиб, муҳаббати ва мақсадлари учун курашишга ҳаракат ҳам қилмайдилар. “Ёмғирсиз куз” ҳикоялар тўпламига кирган “Мен уни кўрдим”, “Аланга”, “Оловдан кучли”, “Хазон бўлган умрим” каби ҳикоялар шулар жумласидандир.

Ҳадая Султон ас-Салимнинг барча қахрамонлари қанчалик суст кайфиятга эга бўлишмасин, оиласи учун ўзларини қанчалик қурбон қилишмасин, улар китобхон эътиборини аёлнинг жамиятдаги ўрнига, айниқса, ажрашган аёлнинг аянчли аҳволига қарата олдилар. “Хазон бўлган умрим” ҳикоясининг қахрамони ўз муҳитидан ажралиб қолган. Унинг истакларини ҳеч ким ҳисобга олмайди, ота-оналари биринчи учраган харидоргаёқ турмушга беришга тайёр. Ҳадая Султон ас-Салим бундай қахрамонлари ҳаётини ҳосилсиз ва ёмғирсиз кузга киёслайди. (“Ёмғирсиз куз” “رطم الب في رخ” ҳикояси). Ҳадая Султон ас-Салим ҳикояларида энг кўп қўлланилган услуб ретроспектив услуб бўлиб, бунда ҳикоя персонажлари ўз ўтмиши ҳақида сўзлаб берадилар ёки ўзларининг хотиралари орқали ҳаёлан ўтган ҳаётларига қайтадилар.

Машҳур танқидчи Иброҳим Абдуллох Ғалумнинг фикрича, 60-йилларда Ҳадая Султон ас-Салим ва унинг замондошлари аёллар муаммоларига романтик нуқтаи назардан ёндашади. Бунда қахрамонлар анъаналар билан курашга ҳаракат қиладилар-у, улар олдида ожизликдан тўхтаб қоладилар. Худди шу каби, адибанинг барча қахрамонлари романтик нуқтаи назардан ёритиб берилади. Бунда ёзувчи ёлғизлик ҳиссиёти, қайғули тун, куз, сахро, олов, алам-ситамлар, қийинчилик ва бошқа образли вазиятларнинг аёл ҳаётидаги ўрнини назарда тутади.

80-90-йилларда аёллар муаммолари ёритилган ҳикояларда ёзувчилар бадиий маҳоратининг ўсиши кузатилади. Шу билан бир қаторда, ўзини шахс сифатида англовчи, ўз имкониятлари, мустақиллигини баҳолаш қобилиятига эга бўлган аёлларнинг ўзгача образи намоён бўлади. Масалан, Мунир Насифнинг “Умид саройининг қулаши” ҳикоясининг қахрамони юқоридаги фикрларга айна мос келади. Асар қахрамони ўзи учун кураша оладиган аёл. Унинг эри ошиғи олчи тадбиркор, тараққиёт меваларига, янги технология-ю янгича бозор муносабатларига жуда тез мослаша оладиган одам. Унинг деярли бутун умри офисда, пул кетидан қувиб ўтади. Кечқурунлари эса дўстлари даврасида қаҳвахона ва рестороанларда улфатчилик қилади. У оиласини буткул ташлаб қўйган. Биргаликдаги ҳаётининг дастлабки даврида унинг оёққа туришига ёрдам берган, эндиликда унинг бефарқ бўлиб қолганлигидан таҳқирланган хотини болаларини олиб, уйдан чиқиб кетади. Ана шундагина бутун умрининг мазмунини бойлик орттиришда деб билган ҳикоя қахрамони оила ўчоғи сўнган уйда эркак қанчалик ёлғиз ва кераксиз бўлиб қолиши мумкинлигини англаб етади. Таъкидлаш лозимки, бу ҳикояда маҳаллий вазият ёки миллий руҳга ҳеч қандай ишора йўқ. Содир бўлган воқеа – курраи заминнинг хоҳлаган бир бурчагида рўй бериши мумкин бўлган манзара.

Лайло ал-Усмон, Фотима Юсуф Али, Сурайё ал-Бақсамийнинг кейинги ҳикояларидаги зиёли қахрамонлар ҳам мазкур ёзувчиларнинг илк ҳикояларидаги заиф аёл тимсолидаги қахрамонлардан тамоман фарқ қилади. Ҳозирги кунда ҳам муваффақиятли ижод қилаётган қатта авлод ёзувчилари Лайло ал-Усмон, Сурайё ал-Бақсамий, Фотима Юсуф Али, Лайло Муҳаммад Солих, ўрта авлод вакиллари Бизза Ботиний, Муна аш-Шофезий, Алия Шаиблардан “эстафета”ни Хабба бу Хамсин (1977 й.), Мейд Муҳаммад аш-Шарад (1977 й.), Латифа Батиз ва бошқа иқтидорли ёш адибалар қўлга олдилар.

Лайло ал-Усмон, Сурайё ал-Бақсамий ва Фотима Юсуф Али ҳикояларидаги бадиий баён услубларига назар ташлар эканмиз, уларда қанча-қанча инсонлар ҳаётидан лавҳалар, қизиқарли вазиятлар, характерлар, тафсилот-деталлар мужас-

самлашганини кўраемиз. Адибалар бадиий воситаларни самарали истеъфода қилиб, воқеликни макон ва замон жиҳатдан эркин ўзлаштиришга эриша оладилар. Улар танлаган баён услуби инсон ички дунёсига кириб боришга, мураккаб хислатлар ва хусусиятларга бой, доимо ҳаракатдаги, шаклланаётган ёки ривожланаётган характерларни очишга имконият яратиш беради.

Адибаларнинг асарларида ҳикоячи образининг намоён бўлиши муҳим роль ўйнайди. Бу ҳам бадиий ифоданинг ўзига хос шаклидир. Ҳикоя килувчи муаллиф ўқувчи-китобхон ва тасвир қилинаётган ҳодисалар ўртасида воситачи ролини бажариб, ҳодисалар шоҳиди ва шарҳловчисига айланади.

Масалан, Сурайё ал–Бақсамийнинг 70-йилларда матбуотда эълон қилинган ва кейинчалик “Қора тер” (1977) тўпламига жамланган илк ҳикояларини олайлик. Улар ёзувчининг ўз ижодини ижтимоий-маиший мавзуларда ҳикоялар ёзишдан бошлагани ҳақида хулоса қилиш имконини беради. Бу ҳикоялар денгиз бўйида яшовчи одамларнинг ҳаётини тасвирловчи реалистик лавҳалардан иборат бўлиб, баъзиларида муаллифнинг бир қадар узун мулоҳазалари ҳам учраб туради. Ёзувчининг “Қора тер”, “Мулла” ҳикоялари шулар жумласидандир. Бу ҳикояларда кийин вазиятга тушиб қолган ўсмирларнинг саргузаштлари тасвирланади.

“Мулла” ҳикоясида мулланинг раҳмсизлиги ўқувчи Салимда норозилик ва ҳақоратлар учун қасос олиш истагини туғдиради. Унинг болаларча шўхлиги домланинг ғазабини келтиради. Мулла болани аъзойи бадани моматалоқ бўлгунича шафқатсиз равишда калтаклайди. Аламига чидолмаган Салим савдо ишлари билан кетган отасининг ортидан Басра шаҳрига қочиш кетади. Саҳрода адашиб қолган болани бадавийлар оиласи топиб олади ва уни то ота-онаси излаб келгунича парвариш қилади. Салим яна сершовкин шаҳарга қайтади. Лекин саҳродаги эркин ҳаёт ва меҳмондўст бадавийлар оиласида ҳукмрон самимият бир умр унинг қалбида сакланиб қолади.

Ҳикоя ўспириннинг монологи услубида ёзилган бўлиб, ўрни-ўрнида диалоглар билан алмашинади. Қаҳрамон монологи ёзувчига ўз қаҳрамони ички хиссиётларини ишонарли тасвирлаш, руҳий қиёфалар яратиш имконини беради. Ҳикояда кичик шаҳарчадаги ҳали иқтисодий талатўп ва таълим соҳасидаги ислохотлар етиб келмаган эски мактаб тасвирланади.

Ўсмир руҳиятини бутун нозикликлари билан ҳис этиш маҳорати ёзувчининг “Қора тер” ҳикоясида ҳам яққол намоён бўлган. Айнан шу ҳикоя адибага катта шуҳрат келтирди ва у 1971 йилдаги маданият фестивалида нуфузли мукофот билан тақдирланади. Бу ҳикоя ота вафотидан сўнг оиладаги тўнғич фарзандга “мерос” қолган касалманд она, беш нафар оч-яланғоч укани боқиш ташвишидаги ўсмир ҳақида. У оилада ягона боқувчи бўлиб, дўконда югурдаклик қилади. Бўш вақтларида эса денгиз суви пасайган паллада умид билан марварид чиғаноқларини излайди. У қўллари шилиниб кетса ҳам, ҳар бир чиғаноқни минг бир машаққат билан очиб кўради. Лекин унга қимматбаҳо марварид учрайвермайди. Қалбида умид чечаклари ўрнини надомат тиканлари эгаллайди. Гўё уни шарпалар таъкиб этаётгандек қоронғилиқдан кўрқадиган бўлиб қолади. Чунки у денгизда ҳалок бўлган, рисоладагидай кўмилмаган денгизчиларнинг руҳлари тинчимасдан, дарбадарликда тўзғиб юриши тўғрисида кўп ривоятлар эшитган эди. Шунинг учун ҳар бир шарпа ва шитирлашдан ваҳимага тушади. Кўз ўнгимизда оила боқувчиси эмас, балки кўркувдан даҳшатга тушаётган ва ўзи ҳимояга муҳтож бўлиб қолган чорасиз ўспирин гавданади.

Мана шундай қаҳрамонни биз Лайло ал-Усмоннинг “Фатҳия ўз ўлимини танлади” ҳикоясида ҳам учратаемиз. Ҳикоя биринчи шахс тилидан ёзилган бўлиб, аёл ёшлигида бўлиб ўтган даҳшатли воқеани эслайди, у ҳам бўлса – опаси Фатҳиянинг она калтагидан шикастланиб ўлиши. Бу кам учрайдиган ҳодиса – оилада тинч, тотув ҳаёт бўлмаганидан келиб чиққан вазият. Улғайиб, бахтли ҳаёт кечириётган бўлса ҳам, оилада энг кичик қиз бўлган қаҳрамон хотирасидан ота-онасининг жанжаллари, бу жанжалларда ҳар гал шаллақи онанинг устун келгани, ваҳший аёл онаси билан бирга ёввош эрни болалари олдида хўрлагани каби саҳналар бирма-бир ўтади.

Фатҳиянинг ота-онаси ажрашадилар. Бу юртдаги мусулмон одатларига кўра, оила ажралганда, болалар ота уйида қолади, бироқ икки томоннинг розилиги билан улар етти ёшгача онаси билан яшаши мумкин. Кўпинча шундай бўлади ҳам. Бироқ Фатҳиянинг онаси тўрттала кизини эрига ташлаб, яна турмушга чиқиб кетади,

аммо одамларнинг гап-сўзидан қўриқиб, улар назарида яхши она бўлиб кўриниш учун ҳафтада бир марта кизларни уйига олиб кетади. Бу ташрифлар эса кизлар учун дўзахдан баттар туюлади. Онадан меҳр кўриш ўрнига улар ҳақоратланар, баъзан эса ёвуз она томонидан калтакланадилар ҳам. Журъатсиз ота эса собиқ хотиннинг зўравонлигига чек қўёлмайди ва ночор кизларни онаси билан учрашувга олиб бораверади. Фатҳия қатъиятли киз бўлганлиги учун, бунга ўзи чек қўймоқчи бўлади ва бир гал касаллигини баҳона қилиб онасининг уйига бормади. Асабий бўлиб қолган аёлни кизининг бу хил ўжарлиги қутургириб юборади. У кизини эркалашлар ва совғалар билан алдаб-сулдаб уйига олиб келади. Она меҳридан маҳрум бўлиб юрган киз бу хил алдовларга чиппа-чин ишонди. Уйда эса аёл қутуриб кетади, отани қарғайди, кизни ура бошлайди. Бошқа уч нафар киз бир бурчакка биқиниб, кўркувдан қалт-қалт титрайди, фақат ерга чалқанча тушган Фатҳиягина оёқ-кўллари билан онасининг зарбаларини қайтаришга ҳаракат қилиб ётар эди. Ҳазабидан эс-хушини йўқотган ёвуз она кизини ўлгунча калтаклайди.

Бу ҳикоя композициясида икки сюжет чизиғи кузатилади. Бири – баён қилувчи қаҳрамон номидан опаси Фатҳия қисматининг сўзлаб берилиши. Бу сюжет чизиғи тугун ва ечимга эга. Иккинчиси ўша қаҳрамон катта бўлганида унинг ҳаётининг хотираларга ундовчи бир эпизод-лавҳадир. Бу икки сюжет чизиғи ҳикояда ўзаро алмашиб туради, натижада ҳеч қандай мантиқий тайёргарликсиз замон ва маконда кўчиш рўй беради. Адиба кино кадрларидаги коллаж усулини қўллаб, кейинчалик фрагментларни қўшиб бориш усули билан ҳикоянинг бадииятини юксалтирган.

Фатҳиянинг синглиси опасига ўша даҳшатли лаҳзаларда ёрдам беролмагани учун ўзини айбдор ҳис қилади. Бу ҳис-туйғу кейинги бутун ҳаёти давомида унга тинчлик бермайди. Бунга ўхшаш ҳолатлар ассоциатив англаш, “беихтиёр хотирлаш”, онгости тушунчалари билан боғлиқ ғарб адабиётида кенг қўлланиб келинган усуллардир. Бундай усул Флобер, ака-ука Гонкурлар ва айникса, Ғарб модернизмнинг ёрқин намояндаси Марсель Пруст ижодида кўп учрайди (“Йўқолган вақтни излаб” романи).

Танқидчилик “Фатҳия ўз ўлимини танлади” ҳикоясига ўз вақтида юксак баҳо берди. “Дар аш-шурук” нашриёти бу ҳикоянинг номини тўпلام сарлавҳасига олиб чиқар экан, қуйидагиларни таъкидлаган эди: “Қаршимизда танлаш имкони қолмаганда, ҳаётда хайрихоҳлар бўлмай, оёғимиз остидаги йўл оловли сўқмоққа айланганда – ўлим шарпаси кўзга ташланади. Фатҳия ҳам шу тахлит ўз ўлимини танлади...”

Бироқ Фатҳиянинг жисми ўлганлигига қарамай, унинг сиймоси гўзаллигича қолаверади. Чунки у, юксак бадиий даражада яратилган ва сўлмас гўзаллик билан тобланган образдир.

Шундай қилиб, Лайло ал-Усмон ўзининг “Фатҳия ўз ўлимини танлади” номли ҳикоясида бошқа барча асарларида бўлгани каби ассоциациялар билан фикрлаш, ички монолог, онг оқими, коллаж усули каби бадиий воситалардан самарали фойдаланади. Бу эса унинг замонавий бадиий адабиёт технологиялари билан жуда яхши таниш эканлигини билдиради. Бинобарин Лайло ал-Усмон мазкур янги услубларни Кувейт адабиётида биринчилардан бўлиб татбиқ этди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, Лайло ал-Усмон араб жамияти олдидаги улкан хизматлари учун 2009 йилда Байрутда “Араб аёллари ассоциацияси” томонидан таъсис этилган махсус мукофот билан ҳам тақдирланди.

Араб ҳикоянавислигининг яна бир ёрқин намояндаси Фотима Юсуф Али ҳам ўз услубига, ўз бадииятига эга адиба бўлиб, у кўп қиррали қалам соҳибаси, фаол ижтимоий арбоб, истеъдодли журналист ҳамдир.

Қароргоҳи Қоҳира шаҳрида жойлашган “Араб мамлакатлари аёллар бирдамлиги жамияти” кенгашининг фаол аъзоси бўлмиш Фотима Юсуф Али бир қатор асарлари билан “аёл муаммоларининг жўшқин куйчиси» сифатида танилди ва адабий жамоатчилик томонидан эътироф этилди.

Фотима Юсуф Али адабиёт оламига 70-йиллар бошида кириб келди ва тез орада ҳассос ижодкор сифатида ном таратди. У бир нечта ҳикоялар тўпلامларининг муаллифидир. Ушбу тўпلامлар ичида “Та марбута” тўплами унинг энг машҳур китоби ҳисобланади.

Тўпلامнинг барча ҳикоялари бир мавзуга, яъни араб аёлининг оила ва жамиятда тутган ўрнини кўрсатишга бағишланган. Адибанинг ҳикояларида аёл марказий

шахс бўлиб гавдаланар экан, унинг саъй-ҳаракатлари, фазилатлари, ички озодлиги, фаол ва мустақил инсон бўлиши ўсиб келаётган ёш авлод тақдирига таъсир кўрсатади. Бу ҳақиқатни биз адибанинг мазкур тўпладан ўрин олган “Аёлнинг оғриқлари босилмайди” ҳикояси мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Мазкур ҳикоя марказида Лубна исмли аёлнинг ота-онаси бағрида ўтган болалиги ва турмушга чиққанидан сўнг, ўз фарзандлари билан бўлган мураккаб муносабатлари кўрсатиб берилган. Ҳикоянинг қаҳрамони Лубна чамаси 50 ёшлар атрофидаги чиройли, мафтункор ва бой аёл бўлиб, насл-насабли авлодга мансубдир. У таниқли адиба, унинг бир нечта китоблари нашр қилинган, асарлари шуҳрат қозонган. Бевақт вафот этган эридан 2 фарзанди, яъни 20 ёшли қизи ва талаба ўғли қолган. Эрининг вафотидан сўнг Лубна бошқа турмуш қурмаган. Лубна “озод аёл” маъносини ўзича тушуниб, ҳаёт неъматларини ҳамма нарсадан устун қўяди. Маишатга берилиб, бир қанча жазманлар ҳам орттирган. Ўз уйини номигагина адабиёт вакиллари учрашадиган маскан қилади-ю, баҳонада турли қорчалонлар, нопок инсонлар йиғиладиган ишратхонага айлантириб олади. Онасининг бу хатти-ҳаракатидан фарзандлари номус қилиб, қўни-қўшни, таниш-билиш олдида бош кўтаролмай қолишади. Хулқи айниган худбин она хирсга қул бўлиб, нафсини қондириш, эҳтиросларга берилишни қанда қилмайди. Оқибатда қизи онасидан буткул узоклашади, ўғли талабалар ётоқхонасига кўчиб ўтади. Ориятли ўғил онасидан хабар олгани умуман келмайди, ёзда ишлаб, амаллаб пул топиб, ўқинининг шартнома пулини ҳам ўзи тўлайди. Онасидан ёрдам ҳам сўрамайди, чунки онасининг кечираётган ҳаёти унда фақат нафрат уйғотади.

Ушбу ҳикояда адиба маълум даражада Қувайт жамиятининг бой қатламларига хос бўлган иккиозламачилик, қўшхотинлик, мунофиқлик, ахлоқий бузуқчилик ва хоказо иллатларни очиб беради.

Адиба ўз асарларида асосан ахлоқий масалаларга катта эътибор беради ва бу мавзунини биринчи навбатда аёлнинг ҳуқуқи, унинг оиладаги, жамиятдаги тутган ўрни билан боғлаб тасвирлайди.

Фотима Юсуф Алининг бадииятига тўхталадиган бўлсак, асарларининг тили лўнда, ифодавий-тасвирий воситаларни нисбатан кам ишлатишига гувоҳ бўламиз. У бутун эътиборини қаҳрамонларининг ички дунёси таҳлилига ва уларнинг хатти-ҳаракатларига қаратади, психоанализга урғу беради.

Юқорида номлари зикр этилган адибалар ижоди асосан ижтимоий таҳлилга ҳамда ҳаётни аслида қандай бўлса шундай тасвирлашга йўналтирилган реализм контекстидадир. Шу билан бирга, уларнинг асарлари ичида воқеликни мифлаштириш (асотирлаштириш)га мойил ҳикоялар ҳам учрайди. Бундай ҳикояларда образлар онгости ва турлича ассоциациялар воситаси орқали ўзига хос маъно хусусиятига эга бўлади.

Ёзиш технологиясида адибаларнинг аниқ услубдан мураккаб услубга томон тараккий этиши кузатилади. 80-90-йилларда улар модернизм ва постмодернизм учун хос бўлган услублардан фойдаланганлар. Булар қаторига фрагментарлик, вақт ва маконда эркин ҳаракат, ички монолог, онг оқими, коллаж ва бир қатор бошқа услубларни, бундан ташқари магик (мўъжизакор) реализмга хос бўлган воқеликка фантастик ва ғайриоддий ёндошув унсурларини қўшиш мумкин.

Шундай қилиб, адибалар Лайло ал-Усмон, Фотима Юсуф Али ва Сурайё ал-Бақсамий ўз ижодий фаолиятлари билан адабиётга, хусусан, араб ҳикоянавислиги такомилига салмоқли ҳисса қўшган.

Замонавий араб новеллистикаси миллий ўзлигини йўқотмаган ҳолда турли ифодалаш воситаларини қўллаб жаҳон адабиётининг ютуқларини ҳам мунтазам равишда ўзлаштирмоқда. Бу эса араб бадиий адабиётининг янги имкониятлари очилишига, умумжаҳон адабий жараёни ўзанига дадил кириб боришига қўмаклашиши шубҳасиздир.

*Шахло АҲМЕДОВА,  
филология фанлари номзоди*



## АРАБ ЛАБИРИНТИ

Туниснинг чекка бир қасабасида амал-тақал кун кўриб юрган баққол йигитнинг ўз жонига қасд қилиши – бутун араб дунёсини саратондаги чақиндек ларзага солиши, ларзага солиш не, остин-устин қилиши, сокин ҳаётини тошқин дарёга айлантириши мумкинлиги ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаганди.

2010 йил 17 декабрь. Сиди-Бузид бозорида савдосотик қилаётган 26 ёшли Муҳаммад Буазизий ва миршаб аёл Фаида Ҳамди ўртасида гап қочади. Йигитча хужжатсиз олди-сотди қилаётганидан хабар топган Ҳамди хоним унинг юзига тарсаки туширади, икки оғиз нордон гап айтиб, қўлига жарима паттасини тутқзади. Ҳе йўқ-бе йўқ ҳақоратланган, боз устига, “заифа” миршабдан тарсаки еган ялангтўш йигитча оёғини қўлига олиб, шаҳар ҳокимлигига чопади. Аммо унинг арзига кулоқ осадиган додхоҳ топилмайди. Ўзини таҳқирланган деб ҳисоблаган Муҳаммад Буазизий ҳокимлик биноси ёнида ўз устидан бензин қуйиб, ўт кўяди.

1914 йил 28 июнда Сараевода эрцгерцог Франц Фердинанднинг ўлдирилиши Биринчи жаҳон уруши бошланиши ва ундан кейин қирғинбаротларга баҳонаи сабаб бўлганди. Тарих яна такрорланди. Муҳаммад Буазизийнинг вужудини қуйдирган олов кўп ўтмай даҳшатли алангага айланиб, бутун араб дунёсини ўз домига тортди. Янги давр тарихига “Араб баҳори” деган шоирона ном билан тиркалган тинч намоишлар қонли давлат тўнтаришларига уланиб кетди. Ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади: сиёсий тартибнинг издан чиқиши барча соҳалар қатори фан, таълим, санъат, адабиётга ҳам хатарнок таъсир кўрсатди. Кўп асрлик ғафлат уйқусидан уйғониб, ўзлигини таниш йўлига ўтаётган араб олами кўз очиб юмгунча ҳарбу зарб майдонига айланди-қолди...

### Тамаддун яратган халқ

Араблар – рубъи маскундаги шавкатли халқлардан бири. Бу тилда сўзлашувчи халқлар қадимги Миср, Шумер, Оссурия, Бобил, Финикия каби буюк тамаддунларга асос солган. Ғоят қулай жуғрофий ҳудудда жойлашган, Атлантика ва Ҳинд океанларига тўғридан-тўғри чиқиш имконига эга бўлган минтақа халқлари ўз даврида бу илохий тортиқдан ғоят унумли фойдаланган. Милоддан аввалги асрлардаёқ Нил, Фрот ва Дажла дарёлари бўйида кўхна тамаддунлар нашоу намо топган.

Исо Масих таваллудидан кейинги замонларда минтақа халқлари ўтмишдаги нуфузли мавқеларини бой берди, парокандаликка юз тутди. 622 йилда само билан робита қайта тикланди, Араб жазирасида ислом дини майдонга чиқди. Бу тарихий воқеа араб қавмининг ҳаёт тарзини тамомила ўзгартириб юборди. Исмоил зурриёдлари (манбаларга кўра, пайғамбар Иброҳим (а.с.)нинг ўғиллари Исҳоқдан яҳудийлар, Исмоилдан эса араблар тарқалган) жоҳилият даврининг ризолат ва иллатларидан воз кечиб, янги жамият қуришга бел боғлади. VII-X асрлар Араб тамаддунининг олтин даври сифатида мозий саҳифаларидан ўрин олди. Арабистон яриморида

ЖАҲОН АДАБИЁТИ



ибтидоий қабила тузумида яшаб келган, аксари хат-саводсиз сахройи қавми мутлақо таниб бўлмади қолди. “Илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарз” деган маслакни маҳкам тутган Жазира араблари ўзигача мавжуд бўлган юнон, форс, рим, хинд ва хитой тамаддуни ютуқларини чанқоқлик билан ўрганишга киришди.

Илк ўрта асрлар дунё харитасининг қоқ марказини хайҳотдек Араб халифалиги давлати эгаллади. Умавийлар (661–750) ҳукмронлиги даврида бадавий араблар кўчманчи ҳаёт тарзидан воз кечиб, ўтроқлаша бошлади. Бу эса илм-фан ва адабиёт равнақига ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. Араблар диний илмлар билан бирга дунёвий фанларни ҳам ҳарислик билан ўзлаштирди. Аббосий халифалар Ҳорун ар-Рашид (786–809) ва Маъмун (813–833) даврида илм-фан қулф уриб гуллаб-яшнади. Бағдод “Байт ул-ҳикма”сида халифаликнинг турли буржларидан келган пешқадам алломалар математика (риёзиюн), кимё, астрономия, тиббиёт, фалсафа сингари фанлар бўйича кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ихтиролар. Бағрикенглик, турли дин ва элат вакилларининг ягона маслак атрофида жипслашуви тараққиётга доялик қилди. Суриялик олим Мустафо Ҳусний ас-Сибабий Байрутда 1987 йили бешинчи марта нашр этилган “Ҳазорамиз ажойиботларидан” китобида ёзишича, халифалар ҳузуридаги илмий ҳалқалар турли динга эътиқод қилувчи олимлардан иборат эди. “Байт ул-ҳикма” раҳнамози Маъмун улкан салтанатнинг турли ҳудудларидан келган олимларга: “Хоҳлаган илмингиздан баҳс этаверинг. Фақат тоифакашлик кўзғалмаслиги учун ҳар бирингиз ўз диний китобингиздан далил-ҳужжат келтирмасангиз бўлгани”, дея уқтирганди. Улуғ рус адиби Николай Гоголнинг таъбири билан айтганда, “Ҳамма фирқаларнинг олимлари учун давлат эшикларини ланг очиб қўйган ал-Маъмуннинг космополитизми ақл бовар қиладиган чегарадан анча чиқиб кетганди” (“Ал-Маъмун”, 1834).

Яна суриялик ас-Сибабийга қулоқ соламиз. Унинг қайд этишича, улуғ араб олими Абу Юсуф ал-Киндий (801–873) Эйнштейндан анча аввал нисбийлик назариясини илгари сурган. Арифметика, геометрия ва психо-физиологияга оид фундаментал асарлар ёзиб қолдирган. Аллома Қутбиддин ибн ал-Ҳайсам (960–1039) эса физикадаги улкан кашфиётлари билан тилга тушган. Унинг қаламига мансуб “Китоб ул-манозир” (“Тасвирлар китоби”) 1270 йилда лотинчага ўгирилган, кейинчалик Германия, Португалия, Францияда чоп этилиб, Коперник ва Ньютоннинг оптикага оид асарларига манба бўлган. Хуллас, арабистонлик илм кашшофлари ҳақида кўп ва ҳўб гапларни айтиш мумкин.

Алқисса, араб лисони VII асрдан бошлаб дунё илм тили мақомига кўтарилди, Араб жазирасидан Пиреней яриморолигача ястанган улкан ҳудудда ягона мулоқот воситасига айланди. Шу тилда нодир илмий рисола-лар битилди. Қадимги юнон алломаларининг қимматли асарлари аслиятдан ўгирилди. Осиё ва Европадаги Бағдод, Дамашк, Қоҳира, Қуртуба (Кордова), Ғарнота (Гранада) сингари шаҳарлар араб тамаддуни бешигига айланди.

## Европани уйғотган ўктам овоз

Сиёсий низом (бошқарув)нинг барқарорлиги, иқтисодий ўсиш, илм-фаннинг равнақ топиши, жамият ҳаётининг барча жабҳасида пешқадамлик тамаддунолар яратилишига тағзамин бўлиб келган. Анъана, дин, тил, ахлоқ каби маънавий узвлар эса унга руҳ ато этган. Араб тамаддуни ҳам шу асосда таркиб топди, башарият тамаддунолари занжирига мустаҳкам ҳалқа сифатида қўшилди.

“Араблар табиатан серғайрат, хушчакчақ кишилар, зукколиги, топқирлиги, сухандонлиги, меҳнатсеварлиги билан ажралиб туради... Анча-мунча одам тоб беролмайдиган авжи жазирамада, очин-тўкин ҳолатда меҳнат қилиб, суяги қотади. Соғлом фикр ва тажриба ҳамда аждодлардан мерос сақви табиий (инстинкт)га суяниб келади” – 1999 йили Москвада чоп этилган “Этнопсихологик луғат”да арабларга шундай тавсиф берилган. Албатта, заковат, матонат ва яратувчанлик ҳисси миллатнинг униб-ўсишида улкан аҳамиятга эга. Аммо, бизнингча, қадди дол арабларнинг алифдек тик бўлишида аждодлардан мерос сақви табиийнинг хизмати каттарок.

Француз олими, жаҳонгашта файласуф Гюстав Лебон 1882–1884 йилларда Миср, Марокаш, Жазоир, Тунис, Ливан, Сурия, Ироқ мамлакатларига сафар қилиб, шаҳар-кентларни беармон кезади. Саёҳат асносида ғамлаган билимларини тўплаб, “Араб цивилизацияси тарихи” (1884) китобига тартиб беради. Фаранг олими ўз тадқиқотида арабларнинг дунё тамаддунидаги ўрнини юксак баҳолайди, Европа Ренессансига кучли туртки берганини таъкидлайди: “Арабларнинг интеллектуал таъсири туфайли Европа ўзига бегона бўлган илм-фан, адабиёт ва фалсафа оламини кашф этди. Кейинги олти юз йил давомида араблар цивилизацияда бизга устоз ва мураббий бўлди”. Европа китъаси сарҳадлари етти иқлимга ёйилган Араб халифалиги алломалари (улар орасида юртимиздан етишиб чиққан улуг зотлар ҳам талайгина) овозидан уйғонганини бошқа қатор тадқиқотчилар ҳам холис эътироф этганлар.

1130 йили архиепископ Раймонд испан Толедосида арабча илмий адабиётларни лотин тилига ўгиришни йўлга қўйди. Доктор Люсьен Леклерк “Араб тиббиёти тарихи” китобиди биргина тиббиёт соҳасида арабчадан ўгирилган уч юздан ошиқ қўлёзмани санаб ўтади. Толедо мактабиди мусулмон алломаларининг рисолалари қатори Аристотель, Платон, Архимед, Птоломей, Евклид каби юнон олимларининг асарлари ҳам қайта таржима қилинди. Европа ўз шонли ўтмиши – қадимги юнон фани билан араб тили кўприги воситасида топишди.

Арабларнинг Испания, Сардиния ва Сицилия орқали Ғарб маданияти ва илм-фанига кўрсатган таъсири эса алоҳида тадқиқотларга мавзу бўла олади.

Инглиз олими Арнольд Тойнбининг ҳисобига қараганда, Ер сайёраси ҳозирга қадар йигирма битта тамаддунга бешик бўлган. Тамаддун яратган миллат-элатларнинг ақсари ўтмиш қатларида ғойиб бўлган, фақат олтитаси, жумладан, араблар бугунгача етиб келган.

## Абу Нувосдан Нажиб Маҳфузга қадар

Араблар азалдан сухандонлиги, нотиклиги, шоиртабиатлилиги билан яқин-йироқ элларда ном чиқарган. Айниқса, VI-VII асрларда шеърят ва оғзаки ижод янги ривожланиш палласига кирган. Тоиф шаҳри яқинида ҳар йили мушоиралар, назм мусобақалари ўтказилар, музаффар шоирнинг шеърлари муқаддас Хонаи Каъбага осиб қўйиларди. Айни шу даврда айём ал-араб (араб кунлари) деб номланган жанр шаклланди. Шеърый ва насрий йўлда тўқилган мазкур жанрдаги асарларда асосан қабилалар ўртасидаги урушлар тасвирланган. Қаҳрамонлик қиссалари ва қасидалари илк ўрта асрлар араб адабиётининг асосий йўналишини белгилаб берди. Арабистон ярим оролига ислом дини ёйилгач, сўз санъати панд-насихат руҳи билан бойиди. Адабиёт ақл ва нақлдан қувват олди. VII асрдаги таниқли шоир Каъб ибн Зухайр Мадинада Муҳаммад (с.а.в.) ҳузурда машҳур “Қасидаи бурда”ни ёзади. Ривоятларга қараганда, қасидадан мутаассир бўлган Расулulloҳ шоирнинг елкасига ўзининг муборак хирқасини ёпганлар. Алҳосил, ислом дини кишиларни эзгуликка бошловчи, маъсиятдан қайтарувчи қудратли восита сифатида адабиётга рағбатни оширди.

Куръони карим араб тилида нозил бўлгач, бу тил фасоҳат ва балоғат ли-  
сони сифатида тенгсиз рутбага ноил бўлди. Араб қалам аҳлида бу тилнинг  
ифода имкониятлари чексиз, деган собит ишонч қарор топди. Абу Усмон Амр  
ибн Баҳр ал-Жоҳиз (775–868) адиб ва олим сифатида араб адабиёти риво-  
жига катта ҳисса қўшди, хусусан, адабий танқиднинг тамал тошини қўйди.  
Малик ул-шуаро Абу Таммом (805–846) қасидалари билан тилларда дoston  
бўлди. Куфалик машхур шоир Мутанаббий (915–965) адабиёт осмонида шу  
қадар баланд парвоз қилдики, ўша даврларда “Мутанаббийнинг шеърларини  
кўр ҳам ўқийди, кар ҳам эшитади” деган нақл юрарди. Хамриёт жанрининг  
“ота”си Абу Нувос (IX аср) хассос лирикаси, аёвсиз сатираси билан араб  
ижодкорларига муаллимлик қилди. Абул Аъло ал-Мааррий (973–1058) чуқур  
фалсафий ашъори билан сўз санъати муҳиблари кўнглидан жой олди (Данте  
машхур “Илоҳий комедия”ни ёзишда ал-Мааррийнинг “Ал-Ғуфрон” рисола-  
сидан таъсирланган деган қараш ҳам мавжуд). Бадий уз-Замон Ҳамадоний  
(969–1008), Абу Муҳаммад ал-Ҳаририй (1054–1122) адабиёт хазинасини  
мақомот – саж йўлидаги мухтасар ҳикоятлари билан бойитди.

Асрлар давомида сайқалланган “Минг бир кеча” туркумидаги эртақлар до-  
нишмандликнинг гўзал намунаси сифатида тилдан-тилга, элдан-элга кўчди.  
Саргузашт, романтика, дидактика, фантастика унсурлари билан суғорилган  
эртақлар замонавий араб прозасининг шаклланишига туртки берди. Европа  
“Минг бир кеча” эртақлари билан XVIII аср бошларида Антуан Галланнинг  
французча таржимаси орқали ошно бўлди. Европа ўқувчисини ошуфта этган  
саргузашт эртақлар турли тилларда бир неча юз топқир чоп этилди.

Буюклик, машхурлик, қаҳрамонликнинг дунё халқларига хос умумий  
талаблари бор. Айни замонда, ҳар бир элда ўзига хос баҳолаш мезонлари  
ҳам амал қилади. Қадимги юнон жамиятида Олимпия мусобақаларида ғолиб  
чиққан чапдаст атлет қаҳрамон сифатида кўтар-кўтар қилинган, оламжаҳон  
иззатга муяссар бўлган. Урта аср араб жамиятида эса сўз аҳли, шуаро шундай  
бекиёс шарафга муяссар бўлган. Лекин инсонларнинг яшаш тарзи, ҳаётий  
аъмоли ўзгариши билан қаҳрамонлик мезонларига ҳам таҳрир киритилар  
экан. Вақт ўтиши билан араб жамиятида қалам аҳлидан кўра ҳарб аҳлининг  
обрўси ошиб кетди, нафис мажлисхоналар жанговар машваратхоналарга  
айланди, хассос шоирдан ёвқур аскарнинг сўзи ўткирроқ чиқа бошлади.

X-XI асрларда Араб халифалиги парчаланиб кетди. Фатаротга юз тутган  
халифалик ҳудудлари XVI асрдагина Усмонлилар империяси томонидан  
бирлаштирилди, бир замонлар ҳукмрон мавқеда турган араблар Усмонлилар  
қаламравидаги тобе миллат мақомига қаноат қилди. XIX асрда турк суло-  
ласининг заифлашуви оқибатида араб олами Ғарб империялари томонидан  
хоталаш этилди. Узоқ вақт ғафлат уйқусига чўмган минтақа халқлари XX  
асрнинг биринчи ярмида илқис уйғонди. Буюк Британия, Франция назорати-  
даги мустамлака ҳудудларда бирин-кетин Сауд Арабистони, Кувайт, Қатар,  
Баҳрайн сингари мустақил давлатлар вужудга келди.

XX аср янги замон араб интеллектуал иждодкорларини тарбиялаб етиш-  
тирди. Ливанда туғилиб, кейинроқ Америкада ижод қилган адиб, файласуф  
ва рассом Жуброн Халил Жуброн (1883–1931) жамиятни беаёв тафтиш  
этар экан, асрий колоқликдан қутулиш чораси сифатида маърифат йўлини  
тарғиб-таклиф қилди. Мисрлик адиб ва олим Тоҳо Хусайн (1889–1973) ота-  
шин публицистик чиқишлари билан фикр аҳлини ўз ортидан эргаштирди.  
1973 йили унга БМТнинг махсус мукофоти берилди. Жазоирдан Муфди За-  
қария (1908–1977), Мисрдан Нажиб Махфуз (1911–2006), Суриядан Низор  
Тавфиқ Қоббоний (1923–1998), Адунис (1930 йилда туғилган), Фаластиндан  
Маҳмуд Дарвеш (1941–2008), Марокашдан Абдуллатиф Лаъбий (1940 йилда  
туғилган), Ливиядан Иброҳим ал-Куний (1948 йилда туғилган) каби атоқли  
ижодкорлар етишиб чиқди. Мисрлик романнавис Нажиб Махфуз 1988 йили

араб дунёсида илк бора адабиёт йўналишида Нобель мукофотига сазовор бўлди. Ўтган аср араб қаламкашлари учун ўзликни таниш, мутаассибликка қарши мўътадиллик билан курашиш даври сифатида ёдда қолди.

## Жазирамада қолган Жазира

Мақолани тунислик йигитнинг қора қисматида бошлаб қўйиб, олис мозийга сафар қилишдан муддао нима эди ўзи? Гап шундаки, “Араб баҳори” деб аталган воқеалар силсиласи ҳақида сўз бораркан, бу қавмнинг ярми ёруғ, ўн беши қоронғу тарихи, илм-фан ва адабиёти хусусида, жаҳон цивилизациясида туганган ўрни борасида бир сидра маълумот бериб ўтиш гоят зарур туюлди. Зотан, юқоридаги тарихий чизгилар дунёни остин-устин қилиб юборган воқеаларни мағзини чақишда маълум даражада кўмак берса, ажаб эмас.

Бугун Жануби-Ғарбий Осиё ва Шимолий Африкадаги йигирмадан зиёд суверен давлатда 300 миллиондан ошиқ араб истиқомат қилади. Олатасир тўполонлар бу давлатларнинг аксарига бевосита, яна айримларига билвосита таъсир кўрсатди. Мақола аввалида ҳикоя қилинган воқеадан кейин Тунисда амалдаги ҳукуматга қарши кўпнинг сонли норозилик намойиши бошланди. Ҳаш-паш дегунча норозилик тўлқини Миср, Яман, Ливия, Сурия, Жазоир, Марокаш, Иордания, Кувайт, Ливан, Сауд Арабистони, Судан, Жибути давлатларига ёйилди. Намойишчиларнинг қатъий талаби билан тўрт мамлакатда ҳокимият алмашди: 2011 йил 14 январда Тунис раҳбари Зин ал-Обидин бин Али Сауд Арабистонига бош олиб кетди; 2011 йил 11 февралда Миср президенти Ҳусни Муборак истеъфо берди; 2011 йил 20 октябрда Ливия етакчиси Муаммар Қаззофий қатл этилди; 2012 йил 27 февралда Яман президенти Али Абдулла Солиҳ лавозимидан воз кечди. 1990-йиллар фуқаролар уруши оғриқларини ҳали унутмаган Жазоир раҳбарияти намойишчилар талабини апил-тапил бажариб, фавқулодда ҳолатни бекор қилди. Сауд Арабистони ва Кувайт раҳбарияти зудлик билан ижтимоий соҳаларга катта маблағ ажратди. Иордания қироли Абдуллоҳ II ҳукуматни янгидан тузди. Марокаш подшохи Муҳаммад VI Конституцияга парламент ваколатини кучайтиришни кўзда тутовчи ўзгартиришлар киритди. Сурияда 2011 йил мартда бошланган норозилик чиқишлари эса ҳали-ҳануз давом этаётган фуқаролар урушига айланиб кетди.

1848 – 1849 йилларда Европанинг қатор мамлакатларида “Халқлар баҳори” деб аталган ялпи норозилик чиқишлари, инқилоблар рўй берганди. Ғарб матбуоти Якин Шарқ ва Шимолий Африкадаги бесаранжомликларни “халқлар баҳори”га “назира” ўларок баҳолади. Шу боис, гарчи киш чилласида бошланган бўлса-да, кўзғолонлар “араб баҳори” ёрлиғи билан “сийланди”.

“Табиатан вазмин ва итоаткор арабларнинг бу қадар мисли кўрилмаган сиёсий фаолликлар кўрсатиши боиси нимада?” деган савол теварагида мулоҳаза юритиб кўрайлик.

Минтақа халқлари турли сабаб-омилларга кўра кўчага чиқди. Аммо “Араб баҳори” бўрони етиб борган барча мамлакатларга хос умумий сабаб сифатида иқтисодий қийинчиликларни келтириш мумкин. Жаҳон иқтисодий форуми маълумотларига қараганда, 2011 йил арафасида минтақа давлатларида ишсизлик даражаси 25 фоизни ташкил этган. Тунис ва Мисрда бу кўрсаткич 30 фоиздан ошиб кетган (ишсизларнинг асосий қисми ёшлар эди). Қоҳирадаги “Тахрир” майдонига жамланган бир неча миллионлик издиҳом “Нон, озодлик ва ижтимоий адолат!” дея ҳайқиргани ҳам пичоқ бориб суякка қадалганидан шаҳодат бераётгандек.

“Араб баҳори”га хос яна бир умумий манзара: аксар давлатларда намойишчилар ноҳот бошқарувни қоралади, ҳокимиятни лаёқатсизликда айблади, сиёсий ислоҳот ўтказишни, фуқароларга эркинлик беришни талаб қилди. Албатта, ҳудуд давлатлари кўп йиллардан бери муайян етакчилар томонидан узлуксиз бошқариб келингани, сиёсий жабҳада турғунлик ҳукм сурганидан кўз

юмиб бўлмайди. Биз оммавий ахборот воситалари орқали кўп бора муҳокама этилган мулоҳазаларни такрорлашдан тийилиб, парданинг ортига – давлат тўнтаришлари ва кўзғолонларга сабаб бўлган бошқа омилларга ҳам назар ташлаб кўрамиз.

## **“Олтин миллиард”ни рўёбга чиқаришга уриниш?!**

XXI аср бошларида Яқин Шарқ ва Шимолий Африка гегемонлик кайфиятидан қутулолмаган давлатларнинг манфаатлари тўқнашган минтақа бўлиб қолди. Бир томондан, геосиёсий таъсир доираларини кенгайтириш қутқуси, иккинчи томонидан, углеводород захираларининг яқин 50-60 йилда таги кўриниши ҳақидаги ваҳималар минтақа учун курашни кучайтирди. Араб олами сайёрамиз бўйича нефть захирасининг 62, газнинг эса 40 фоизига эгаллик қилишини назарда тутсақ, ўртага дов ганақ қанчалар қимматли эканини, унга эга чиқиш йўлидаги кураш қанчалар кескин кечишини тасаввур қилса бўлади. Сиёсий таҳлилчилар фикрича, араб дунёсида назорат ўрнатиш учун баҳри муҳит ортидаги давлат, “Эски дунё”ни ягона байроқ остида бирлаштирган иттифок ва шўро салтанатига ворис бўлган мамлакат рақобатлашаётир. Ливия табиий бойликларини қаттиқ назоратда тутиб турган яккахукмдор Муаммар Қаззофийнинг муҳолифат кўли билан махв этилиши, Ироқ оккупацияси, тавбасига таянмаган Сурия раҳбари Башар Асадга қарши кучларнинг қуроллантирилаётгани ана шу курашнинг учкунлари, холос.

Сайёрамиз аҳолиси кўпайгани сари табиий ресурслар камайиб бораётгани бир неча асрдан бери илм ва сиёсат аҳлини ўйлантириб келмоқда. 1970-йилларда бу борада “олтин миллиард” концепцияси ўртага ташланган (мазкур назарияга XVIII асрда яшаган инглиз олими ва руҳонийси Томас Мальтус тамал тошини қўйган). Моҳият эътиборига кўра, бу қараш – сайёрамиздаги табиий ресурсларни ривожланган давлатларнинг бир миллиард аҳолисига қонунан хатлаб беришга уринишдир. Мазкур неолиберал утопия назарийётчиларининг даъвосича, Ернинг асосий табиий ресурслари пешқадам мамлакатларга (жумладан, АҚШ, Ғарбий Европа, Япония) насиб этади. Россиялик олима, сиёсий фанлар доктори Наталья Комлева “Араб баҳори”ни буюк давлатларнинг “олтин миллиард” назариясини рўёбга чиқариш йўлидаги уринишларидан бири сифатида баҳолайди (Геополитика муаммолари академияси расмий сайти: <http://akademiagr.ru>).

## **Арабнинг иккинчи Болқонга айланишидан ким манфаатдор?**

Ижтимоий муаммоларнинг сиёсий инқирозга омухта бўлиши минтақа халқларини намойишларга ундаган бўлса, геосиёсий манфаатларни кўзлаган дасти узун давлатлар, нафси ҳакалак отган корчалонлар ва пулни пулга уришга уста йирик корпорациялар ушбу вазиятдан унумли фойдаланиб қолишга уринмоқда. Таҳлилчиларга кўра, Яқин Шарқда нотинчлик ҳукм суришидан, минтақанинг XXI аср Болқонига айланишидан манфаатдор кучлар бор. Эскидан маълум, боши ғалвадан чиқмай қолган мамлакатни йўлга солиш осон кечади. Боз устига, етакчи давлатларнинг минтақада ўзига хос ҳисоб-китоби ҳам йўқ эмас.

Франция собиқ ташқи ишлар вазири Ролан Дюма (1988-1993) яқинда САНА ахборот агентлигига берган интервьюсида Суриядаги тўполонлар Ғарб томонидан уюштирилгани ҳақида гапирди. Ҳозирга қадар Шюм заминидаги фуқаролар уруши 60 мингдан ошиқ одамнинг ёстиғини қуритди. Р.Дюманинг фикрича, Ғарб мурасасиз Башар Асад билан ўзаро ҳисоб-китобга берилиб кетиб, бегуноҳ инсонлар қирилаётганини унутмоқда. Франциялик бошқа бир

собик дипломат Мишель Рембо эса “Судан – парчаланган давлат” китобида (2012) ихтилофларни уюштиришда нодавлат ташкилотлардан усталик билан фойдаланилганини баён этади.

Ғарбда ишлаб чиқилган regime change (давлат тўнтариши) технология-сига биноан, тузумларни ўзгартиришда муҳолифат қўлига қурол тутқазиб, гуманитар ниқобдаги интервенция ва рангли инқилоб каби усуллар фаол қўлланилмоқда. Араб давлатларидаги вазиятни кузатсак, мазкур уч усул баравар тажрибадан ўтказилганини кўрамиз.

Германия собик ташқи ишлар вазири Йюшка Фишер (1998-2005) “араб баҳори”нинг юзага келишига Ироқ урушидаги хатолар ҳам сабаб бўлганини таъкидлайди (“Project Syndicate”, 2013 йил 18 март). Тажрибали дипломат Ғарб Яқин Шарқ бўйича сиёсатини гуманизм нуқтаи назаридан тубдан қайта кўриб чиқиши лозимлигини уқтиради. Ҳозирча 100 мингдан ошиқ инсон ҳаётига зомин бўлган “Араб баҳори” буюк давлатларнинг иккиёқлама стандартларга риоя этишини яна бир қарра исботлади. Қолаверса, БМТнинг номинал ташкилотга айланиб қолгани, йирик ихтилофларни бартараф этишга амалда ожиз эканини кўрсатди.

Қарангки, минтақада посанги бўлиб турган Миср осмонидан қора булутлар аримай қолди. Бир йил аввал мамлакат президенти этиб сайланган “Мусулмон биродарлари” ҳаракати вакили Муҳаммад Мурсий 2013 йил 4 июлда ҳарбий давлат тўнтаришидан кейин лавозимидан четлатилди. Мурсий инқилобий умидларни оқлай олмаганликда айбланди. Тунисда ҳам мўътадил исломий партия ва мутаассиблар кураши тингани йўқ. Яманда айирмачилик кайфияти кучайган. Ливияда мафкуралар, қарашлар ихтилофи давом этаётир. Минтақада вестернизация ва девестернизация тарафдорлари, яъни Ғарб кадриятларини байроқ қилган сиёсий гуруҳлар ва уларга қарши кучлар зиддияти ҳам кузатилмоқда. Ҳарвард университети қошидаги Стратегик тадқиқотлар институти директори, профессор Сэмюэль Ҳантингтон ўз даврида катта шов-шув кўтарган “Цивилизациялар тўқнашуви?” (“The Clash of Civilizations?”, 1993) мақоласида янги асрда зиддиятлар ҳукмдорлар, давлатлар ўртасида эмас, цивилизациялар ўртасида кечади, деган мунозарали қарашни илгари сурганди. “Цивилизациялар тўқнашуви дунё сиёсатидаги энг муҳим омилга айланади. Цивилизацияларни ажратиб турувчи чегара чизиқлари келажакда фронт чизиқларига айланади”, дея қатъий ишонч билан ёзганди у. Афсуски, С.Ҳантингтон қисман ҳақ бўлиб чиқмоқда. Араб оламидаги тўс-тўполонларни синчиқлаб кузатиш асносида ушбу ҳолатда ҳам цивилизациялар тўқнашуви бўй кўрсатмоқда, деган аччиқ хулосага келиш мумкин. Ҳар бир цивилизациянинг эгалари (вакиллари) худо ва инсон, жамият ва индивид, давлат ва фуқаро, ота ва бола, эр ва хотин ўртасидаги муносабатларда фарқли қарашларга эга. Универсал дастуриламал сифатида тикиштирилаётган Ғарб демократиясининг эса Шарқ мамлакатларига мос келмайдиган талай жиҳатлари бор. Назаримизда, сўнгги ўн йилларда араб дунёсига демократия ғояларини экспорт қилишга зўр бериб уринишлар натижасида цивилизациялар ўртасидаги мувозанат бузилди. Бу эса жамиятларни кучли руҳий ларзаларга дучор қилди, мафкуравий ихтилофларга замин ҳозирлади. Бири Францияда (Р.Дюма), бири Германияда (Й.Фишер), яна бири АҚШда (С.Ҳантингтон) туриб фикр юритаётган арбобларнинг фикрларидан айрим кучлар араб заминидagi қон тўкишларнинг давом этишига иштиёқманд, деган хулоса сизиб чиқмоқда.

Дунёда етакчи мавкени эгаллаб турган оммавий ахборот воситалари ғалвани катталаштиришга “баҳоли қудрат” қаршиб юбормоқда. “Исломи” ва “террор” сўзларини синонимлар даражасига олиб чиқиб, араб ва мусулмон

оламига нисбатан ҳадик ҳиссини уйғотиб қўйган Ғарб матбуоти бу сафар ҳам улоқни бергиси йўқ. Уруш бошланса, энг биринчи қурбон ҳақиқат бўлади! Эскидан қолган бу нақл яна бир қарра ўз тасдиғини топмоқда. Айрим Ғарб нашрларига ишонилса, Сурияда давом этаётган фуқаролар урушида Башар Асад томонидан кимёвий қирғин қуроли қўлланилди. Бошқа бир гуруҳ газета-журналлар наздида эса қирғин қуролини Башар Асад эмас, унинг муҳолифлари ишга туширган. Ҳали у-ҳали бу томоннинг ноғорасига ўйнаётган ОАВ калтак раъият бошида синаётгани, қирғинбаротда асосан тинч аҳоли қони тўкилаётганини унутиб қўймоқда. Диний гуруҳлар, мазҳаблар ўртасидаги зиддиятларни ҳам атайин бўрттириб кўрсатиш тенденцияси яққол сезилади. Ғарбдаги айрим газеталар, телеканаллар элбурутдан Араб дунёси харитаси жиддий ўзгаришга учраши ҳақида фол очиб, нотинчлик тарафдорлари, айирмачиларнинг пилигини кўтармоқда. Бугун Араб олами бирлашиши, ўзаро тил топишиши ниҳоятда зарур. Мазҳаблар ўртасидаги тафрикаларга бот-бот урғу берилаётган бир пайтда эса муросани фақат орзу қилиш мумкин. Жорж Вашингтон университети профессори Марк Линчнинг хавотир билан ёзишича, ташқи давлатлар ҳамда айрим матбуот нашрлари Ироқда, Баҳрайнда, Сурияда сунний-шиа зиддиятини газак олдиришга зўр бериб уринмоқда (“Foreign Policy”, 2013 йил 23 май). “Сиёсий мақсадларга эришиш йўлида мазҳаблараро душманлик кайфиятидан фойдаланиш ҳалокатли оқибатларга олиб келади”, деб огоҳлантиради профессор М.Линч.

## Ўрмон қонуни: айрилганни айиқ ер

Араб давлатлари орасида ҳар доим ҳам очиқ муҳокама этилавермайдиган ўзаро ким етакчи бўлиши лозимлиги борасида ҳам рақобати мавжуд. Минтақадаги муваққат етакчилик тенденцияси турли даврларда Ироқ, Сауд Арабистони, Ливия, Миср ёки Сурия томонида бўлган. Сўнгги беш-олти йилда эса ўзи қафтдеккина ҳудудни эгаллаган бадавлат Қатар давлати ҳам ушбу рақобатга дадил қўшилди. Эълон қилинмаган кимўзарлик кураши авж олган шароитда минтақа давлатларининг ўзаро интеграцияси ҳаминқадар. Ҳозирда 22 давлатни бирлаштирган Араб давлатлари лигаси (АДЛ) тузилмаси БМТдан ҳам аввалроқ – 1945 йил 22 мартда таъсис этилган эди. Аммо, таҳлилчилар фикрича, ҳар ким ўз томонига тортаётгани сабабли жуда катта интеграция потенциалига эга АДЛ фаолияти ҳали жонланиб кетгани йўқ. Саддам Ҳусайн ва Муаммар Қаззофий ҳокимияти қулаши билан Ироқ ва Ливия етакчилик баҳсидан батамом чиқди. Икки йил ичида сиёсий инқироз кўчасига кириб қолган Миср ўз ички муаммолари билан андармон бўлиб қолди. “2011 йил Қатар йили бўлди. Ливия ва Суриядаги воқеалар минтақада яқин-яқингача ҳеч ким ҳисоблашмаган Қатарнинг етакчи мавқе касб этганини кўрсатди. Мўъжаз давлат улкан ҳудуд, кўпмиллионли нуфус ва қудратли қуроли кучларсиз ҳам катта сиёсатнинг фаол иштирокчиси бўлиши мумкинлигини исботлади”, деб ёзади россиялик таҳлилчи Сергей Балмасов.

Расмий Доха дипломатик босим, молиявий ёрдам ва ахборот кураши воситасида (“Араб баҳори”ни зўр иштиёқ билан ёритган “Ал-Жазира” телеканали айнан Қатар амири ҳомийлигида фаолият юритади) қўшни давлатлардаги ҳукуматга қарши чиқишларни очиқ-ойдин дастакламоқда. Ливан матбуоти хабарига қараганда, Суриядаги тартибсизликлар 20 миллиард АҚШ долларига буюртма қилинган ва бу маблағнинг ярми Доха ғазнасидан қопланган.

Ўрмон қонунига амал қилиб, бир-бирига зимдан чоҳ қазиш ҳаракатини фақат сиёсий курашлар билан изоҳлаш тўғри эмас. Минтақа давлатлари нефть

ва газ бозорида ҳам ўзаро рақобатлашади. 2010 йили Сурия раҳбари Башар Асад “Тўрт денгиз” лойиҳасини таклиф қилди. Ушбу лойиҳа Сурия, Туркия, Эрон ва Озарбайжондан нефть-газ қувири ўтказишни назарда тутган. Мазкур қувор ишга тушгудек бўлса, қўшни давлатларнинг монополистик мавқеига таъсир этмай қолмайди.

Сиёсий таҳлилчилар бошқа бир хавотирли нуқтага ҳам эътибор қаратмоқдалар. Минтақа давлатларининг ўзаро “мушук-сичқон” ўйини шу тахлит давом этса, чегара муаммолари ҳам кун тартибидан жиддий ўрин олиши эҳтимолдан йироқ эмас. Араб монархияларининг бугунги чегаралари ўтган асрда худудда ҳукмфармолик қилган Буюк Британия, Франция каби империя аъёнлари томонидан ўта усталлик билан чизиб берилган. Америкалик таниқли сиёсий публицист Ноам Хомски “Ернинг эгаси ким?” мақоласида (“The New York Times”, 2013 йил 9 июль) ҳам бу хатарни эътибордан қочирмасликни тавсия этади: “Ер сайёрасини ларзага солаётган улкан зиддиятларга назар солсангиз, уларнинг аксари буюк давлатлар ўз манфаати йўлида чизиб берган қўлбола чегаралар туфайли келиб чиқаётгани, тўқнашувлар империяча жинойтларнинг маҳсули эканига амин бўласиз”. Қисқаси, бир тилда сўзлашувчи мамлакатлар ўзаро тил топиша олмаётган бир пайтда ички муаммолар етмаганидек, ташқи таҳдидлар ҳам ортиқча ташвишлар туғдирмоқда.

Уруш ҳамиша ўз ортидан қимматчилик, ишсизлик, озив-овқат тақчиллиги каби “оға-ини”ларини эргаштириб келади. “Интерфакс” ахборот агентлиги таҳлилларига қараганда, давлат тўнгарини бошдан кечирган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулоти 2012 йил якунида 2,4 фоизга пасайиб кетди. Нефть ва газни қайта ишлаш кескин камайди, иктисодиёт рецессия ҳолатига тушди, инфляция ва бюджет дефицити кучайди. Араб давлатлари лигаси Бош котибининг ўринбосари Муҳаммад ал-Тавожирий нотинчликлар келтирган молиявий зарарни 2012 йил 1 январь ҳолатида 75 миллиард АҚШ доллари миқдорида баҳолаган.

Уруш туфайли кўхна шаҳарлардан сайёҳларнинг қадами узилди. Не ажабки, араб тамаддунининг уч мўътабар шаҳри – Бағдод, Қоҳира ва Дамашк шомни ўқ овози билан кузатиб, субҳни ҳам шу тарзда қарши олмоқда. Ҳар уч шаҳардаги осори атиқалар бомба ёмғиридан зарар кўргани, Қоҳира, Александрия музейларида нодир экспонатлар вайрон қилингани ҳақида маълумотлар бор.

## Шамолни қафасга қамаб бўлмайди

Яна бир неча ойдан кейин “Араб баҳори”нинг бошланганига уч йил тўлади. Айни пайтда давлат тўнгарини рўй берган Миср, Тунис, Яман ва Ливияда ҳам, фуқаролар уруши кечаётган Сурияда ҳам вазият ғоят мураккаб. Қилни қирқ ёрадиган арбоблар тилини тишлаб турибди, валломат оғзиботирлар каловланиб қолган. Ихтилофни кучайтириб, фитначилар тегирмонига сув кўйиб турган корчалонларнинг яна қандай томошалар ўйлаб топаётганини тасаввур қилишга юрак бетламайди.

“Инқилоб” деган жозибали сўзнинг оҳанжамасига маҳлиё бўлган кўпминг сонли оддий халқнинг умидлари ҳозирча оқланмади. Мисрдаги вазият шуни кўрсатмоқдаки, жилвагар шиору қақирқларга ўрганиб қолган, инқилобнинг туз-намагини тотган ёш-яланг ҳа деса намоишга чиқишдан қайтмайди. Демак, умидсизлик кайфияти чулғанган аҳоли қатламлари талабларига мос, уларни қаноатлантирувчи сиёсий дастурлар лозим. Муҳими, ўзгаришлар бир отанинг фарзанди бўлган элатларнинг бир-бирига қурол ўқталиши орқали эмас, тинч



музокаралар йўли билан амалга оширилиши керак. Албатта, ҳеч бир жамиятда янгиликни амалга ошириш силлик кўчмайди. Давлат арбоби ва тарихчи Никколо Макиавелли таъкидлаганидек, “Янги тартибларни жорий этишни бошлаган ҳар бир одамни эски тартиб тарафдорларининг адовати, янгиларидан манфаатдорларнинг бепарволиги кутади. Бепарволикни қисман қонун ҳимоясидаги рақибдан чўчиш, қисман амалиётда ижобий баҳо олмагунча янгиликка ишонмайдиган одамларнинг ишончсизлиги билан изоҳлаш мумкин. Эскилик тарафдорлари имконият туғилиши ҳаманоқ шиддат билан хуруж қилганда, янгилик тарафдорлари сусткашлик билан мудофаага ўтадилар”.

Таассуфки, араб дунёсида бугун ана шундай турғун ва тушкун кайфият ҳукмрон. Ҳозирча ижобий ўзгариш аломатлари зуҳур этмаётир. Ялпи маъмуриликка ваъда бераётган турли партия ва ҳаракатларнинг коп-коп ваъдаларида ҳам анчагина маҳобат бор. Зотан, одамлар илҳақ кутаётган ўзгаришлар учун бир авлод умри кетади.

“Яккаҳукмронлик ҳавосидан нафас олавериб арабларнинг ўпкаси куруқшаган, андаккина эркинлик ҳавосига сармаст бўлиб, боши айланиб қолди” қабилидаги эътирозлар ҳам беписандликдан бошқа нарса эмас. Дунёдаги ҳар бир халқ эркин ва тўкин яшашга ҳақли. Таҳликали уч йил кўзлардаги пардаларни сидириб ташлади. Ундан чиқарилган сабоқлардан бири шуки, жамиятда хурфикрлик (плюрализм), ғоялар хилма-хиллиги, кўппартиявийлик тартиби ҳукмрон бўлиши лозим, жамиятни сидирға битта тусга киритиб бўлмайди. Демак, ўзгаришлар илинжида ҳаловатидан воз кечган оддий халқ чапак чалиб қолмаслиги учун сиёсий партия ва ҳаракатлар мағзи тўқ, пишиқ-пухта режалар таклиф қилмоғи лозим.

Бизнингча, араб лабиринтидан чиқишнинг йўли бор. Бунинг учун минтақа мамлакатлари аслий кадриятларга суяниб, замонавийлик ва миллийлик ўртасидаги олтин ўрғалиқни топиши керак.

“Мен мутараққий давлатларнинг энг илғор тажрибаларини ўрганиш ва ҳаётимизга татбиқ этиш тарафдориман. Велосипедни қайта кашф этиш оқилнинг иши эмас. Биз сарҳадлари тобора қисқараётган дунёда яшайпмиз. Шамолни қафасга қамаб бўлмайди. Демак, чегараларни ёпган билан дунё айвонида кечаётган ўзгаришларнинг таъсиридан қочишнинг иложи йўқ. Айни замонда, кўз қорачиғимиздек асраётган муқаддас кадриятларимизга даҳл қилувчи таҳдидларга қарши сабот билан курашиш керак”, дейди Сауд Арабистонининг Ўзбекистондаги элчиси, сиёсий фанлар доктори Абдурахмон бин Абдулла ал-Шая биз билан мулоқотда.

Замонавий араб адабиётининг оқсоқоли Нажиб Маҳфуз 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин “Юманите” нашрига берган интервьюсида янги асрда араб дунёси юзма-юз келган муаммолар ҳақида гапира туриб, “Имоним комил, соғлом тафаккур барибир устун келади!” дея умид билдирганди. Шояд, марҳум адибнинг ёруғ истагига фаришталар омин деган бўлса!..

*Собиржон ЁҚУБОВ*



## СЕНИ ИЗЛАБ ЎТАМАН, БАХТИМ...

Бўлиши мумкин эмас!

Эркак адиб аёл қалбининг нозик кечинмаларини бунчалик ҳис қила олиши, унинг табиатини бу қадар яхши билиши ақлга сиғмайди! XIX аср биринчи ярмида француз китобхонларини бу ҳол қанчалик лол қолдирган бўлса, XX аср охирларида биз, Жорж Санднинг “Консуэло” асарини талашиб-тортишиб ўқиган толибалар ҳам улардан кам ҳайратга тушмаганмиз. Аслида, ушбу тахаллус остида ижод қилган адиба ҳар бир қахрамонида ўз қисмати, ўз қалбини ифода этган экан. Аммо анча вақтгача бадбахт Консуэло изтироблари таъсиридан чиқолмай юрган, хали ўзларини-да аёлликнинг қандай кечмишлари кутаётганидан беҳабар биз гўр қизлар буни билмасдик...

Жаҳон адабиёти тарихида Жорж Санд номи билан танилган Амандина Аврора Люсиль 1804 йил 1 июлда Парижда, келиб чиқиши киролар авлодига мансуб Морис Дюпен хонадонидан таваллуд топади. Оддий парранда сотувчининг қизи, ёш раққоса София-Виктория Делаборд хусну малоҳати билан жаноб Дюпенни мафтун этганди. Мориснинг онаси анчагача “зоти паст” келинини тан олишни истамайди, ҳатто оилада қизалоқнинг дунёга келиши ҳам қайнона-келин муносабатларига

илиқлик киритолмайди. Адабиёт ва мусикага салоҳияти борлигига қарамай, Дюпен ҳарбий соҳани танлаб, француз инқилобчилари армияси сафига қўшилади. 1808 йилда ҳарбий юришлардан Ноанга, ота уйига қайтган Морис Дюпен тунги сайр чоғида отдан йиқилиб, ҳаётдан кўз юмади. Машъум воқеадан кейин бувиси Аврорани ўз қарамоғига олишни ихтиёр этади – Дюпен хоним қизалоқ тарбиясини “оми” келинига ишониб топширолмасди, ахир! Авроранинг улкан меросдан маҳрум бўлишидан чўчиган она узоқ иккиланишлардан сўнг уни Ноанда қолдириб, ўзи Парижга кетади. “Онам билан бувим мени талашганларида бағрим тилка-пора бўларди”, – ёзганди кейинчалик адиба ўз хотираларида. Каттиққўл, бироқ маърифатпарвар Дюпен хоним набираси кўнглида адабиётга меҳр уйғотади, айниқса, ўзининг сеvimли ёзувчиси Жан-Жак Руссо ғояларини Аврорага ҳам сингдиришга интилади. Хат-саводини чиқариш баробарида қизга пианино чалиш ва қўшиқ ижрочилиги маҳоратидан сабоқ беради.

Улғайиб қолган қиз қайнона-келинни яраштиришга кўп бора уринади, онасига талпинади, у билан яшаш истагини билдиради. Афсуски, бу вақтда яна турмуш қурган, бошқа фарзандларининг тарбияси билан овора бўлиб қолган София-Виктория қизи билан мулоқотга рағбат кўрсатмайди, ўзини ундан тортади. Набирасининг “нонкўрлиги” дан ранжиган Дюпен хоним эса Аврорани аёллар монастирига жўнатишга қарор қилади.

Ўлими олдидан буви набирасини уйига қайтариб, оилавий мол-мулкни, йиққан-терганининг барчасини унга васият қилади, хусусий ер

бошқарувини ҳам 17 яшар қизга қўшқўллаб топширади. Шундай қилиб, каттагина меросу хонадон ташвишлари ёшига нисбатан анча ақлли Авроранинг зиммасига тушади.

Қиз фалсафий адабиётларга жуда қизиқар, Шатобриан, Боссюэ, Монтескьё, Арасту, Паскаль асарларини қўлдан қўймай ўқирди. Қадрдон бўлиб қолган Руссо асарлари таъсирида унинг нафақат адабий, балки ҳаётий қарашлари ҳам шаклланади. 1822 йили Аврора ўзига ўхшаш зодагон оиланинг ягона меросхўри бўлган Казимир Дюдеван билан танишади. Йигит унинг бойлигига учмаётганига ишонч ҳосил қилгач, унга турмушга чиқишга рози бўлади. Ёш оила Ноанда зодагонларга хос ҳаёт кечира бошлайди. 1823 йилда уларнинг тўнғич фарзанди Морис, 1828 йили кизалоқлари Соланж дунёга келади.

Эр, болалар, рўзгор – анъанавий турмуш, одатий ҳаёт... Дюдеван на китоб, на мусикага қизиқар, вақтини ўзига ўхшаган бекорчи бойваччалар даврасида, “маҳаллий миқёсдаги сиёсий жараёнлар” ҳақидаги сафсаталар билан ўтказарди. Жуфти ҳалолидан китоблардагидек, муҳаббатга лиммолим муносабатни кутган жувон бундай турмушдан қаттиқ азият чекади. Рисоладагидек оила бошлиғи, намунали ота ҳисобланмиш жаноб Дюдеван эса рафиқаси нимадан норозилигини сира тушунмайди, ижодга мойил, бироз ҳаёлчан аёлининг ички оламини идрок этолмайди.

“Вақти келиб, инсон севгига, бор вужудни қамраб олувчи муҳаббатга эҳтиёж сезади. Бутун олам ёлғиз севгилисиди жам бўлишини истаб қолади. Ўзини фақат ва фақат ёрига бағишлаш иштиёқи уни чулғаб олади. Аммо сен буларнинг ҳеч бирини ҳис қилолмадинг. Туйғуларимнинг, муҳаббат ҳақида билганларимнинг кераги йўқ эди сенга...”

1830 йили Аврора эрини ташлаб, Парижга кўчиб кетади. У ерда ўзи истагандек ҳаёт кечира бошлайди, айни вақтда ижод уммонига шўнғийди. Илк машқларидан бири – “Эме” романини мутахассислар ҳукмига ҳавола этади. Улар муаллифни ушбу “хомгина” асарни чоп эттириш

фикридан қайтаришади, аммо умидли қаламкаш матбуот нашрларининг назарига тушади.

Аврора чинакам ижодини тажрибали ёзувчи Жюль Сандо билан ҳамкорликда бошлайди. Жюль Санд тахаллуси остида нашр этилган “Комиссионер” (1830) ва, айниқса, ундан кейинги ҳамкорлик маҳсули бўлган “Роз ва Бланш” (ёхуд “Актриса ва роҳиба”) романлари катта шухрат қозонади. Мазкур романга адиба монастирда ўтган кунлари, онасидан эшитган хотираларни асос қилиб олган эди. Китоб қўлма-қўл бўлиб кетади. Нашриётлардан муаллиф(лар)га янги асарлар борасида таклифлар туша бошлайди. Авроранинг илҳоми қайнаган бир пайтда, Сандога бу ижодий ҳамкорлик малол келиб қолади, бундан кейинги китобларни ўз номидан чиқаришдан бош тортади. Ноширларнинг эса талаби қатъий: янги асар танилиб улгурган муаллифнинг номидан кетиши шарт; фақат шу йўл билан асарнинг оммалашувини таъминлаш мумкин, деб ҳисобларди улар. Ахийри икки ижодкор муросага келади – унга кўра эндиликда адиба ўз асарларини Жорж Санд тахаллуси остида чоп этадиган бўлади...

Аврора ёшлигидан отда сайр қилишни ёқтирар, овчилик билан шуғулланарди. Бу пайтларда унинг учун энг қулай, энг маъқул кийим йигитлар либоси эди. Тарки одат – амри маҳол. Энг нозиктаъб хонимлар макони – фаранг пойтахтига келиб ҳам унинг диди ўзгармайди. Адиба эгнига эркаклар кийимини илиб, ўзини ҳурмат қилган аёллар қадамини ҳам босмайдиган кўчаларда сайр қилади, турфа одамларни кузатади. Бундай юришларга иштиёқманд қаламкаш учун эркак муаллиф тахаллуси остида ижод қилиш айни муддао эди...

Замондошларининг таърифлашича, Жорж Санд бўйи пастаккина, суяги йўғон, кўзлари киртайган, хуллас, аёллик малоҳатидан йироқ, кўринишидан эркакшоода бир жувон бўлган. (Отасидан эрта етим қолгани етмагандек, она меҳридан ҳам Мосуво бўлиб вояга етган аёлга бундай айб қўйиш қанчалик тўғрийкин?..) Ташқи кўриниши қандай бўлмасин, Санд

аёл қалби торларидан таралувчи ҳар бир нозик оҳангни илғай олган. Илғабгина қолмай, уни китобхонларга етказиб беришнинг ҳам уддасидан чиққан, буни адибанинг ҳар бир асаридан кузатиш мумкин. Машҳур романларидан бири “Индиана”да Жорж Санд нафсига тобе, манман эркак билан бир умр покиза севгига муштоқ яшаган аёлнинг кўнгил кечинмалари ўртасидаги зиддиятни қаламга олади. Кейинроқ китобхонлар ҳукмига ҳавола этилган “Лелия” асари ҳам кўплаб мунозараларга сабаб бўлади. Асар бош қаҳрамони (унинг прототиби – муаллифнинг ўзи) бахт излаб, атрофдагиларга меҳр-мухаббат улашиб юради. Аксарият китобхонлар “суяқ” қаҳрамонининг ишқий саргузаштлари туфайли Сандни эътирозларга кўмиб ташлайдилар. Муаллиф кейинчалик романга ўзгартиришлар киритиб, уни “эпакага келтиришга” мажбур бўлади.

Ўша даврларда кимдир Жорж Санд асарларида ахлоқсиз ҳаётни тарғиб қилувчи сахналарнинг кўплигидан шикоят қилса-да, бироқ уларда аёл қалбининг унсиз фарёдини эшитадиганлар ҳам топилади. Жумладан, адабиётшунос Сент-Бёвни шундай мунаққидлар каторига қўшиш мумкин:

“Эрмакка бирор китоб ўқимокчи бўлган кенг омма бу асарларни рад этиши тайин. Аммо уларда инсон қалбининг туб-тубида яширинган ва ўта нафис чизгиларда ифодаланган туйғуларни илғай олган зийрак ўқувчи муаллифга юкори баҳо бериши шубҳасиз... Ўттиз ёшни ҳам қораламаган, кўринишидан ҳали гўдак бу адибанинг бунчалик нозик қалб кечинмаларини қачон ўрганиб улгургани, инсон табиятини қандай қилиб шу қадар муфассал тахлил қила олгани, бошқаларнинг сочини оқартирган бу билимларни нечоғлик маҳорат билан, зўриқмай акс эттира олганидан ҳайратга тушасан киши...”

Адибанинг замондошларидан бири файласуф Пьер Леру жинслар тенглиги ғоясини тарғиб қилиб, аёлларнинг эрки учун курашиб танилади. Ундан, ўзи айтмоқчи, “хотиржамлик, куч, умид ва ишонч” олган Жорж Санд ўн беш йил давомида Леруни

қўллаб, имкон қадар таъминлаб ҳам туради. Унинг ғоявий қарашларидан илҳомланиб “Спиридион”, “Лиранинг етти тори” асарларини ёзади. XIX аср ўргаларида дунё юзини кўрган “Орас”, “Консуэло” ва “Графиня Рудольштадт” асарларининг асосий қаҳрамонлари ҳам, табиийки, аёллар эди.

Жорж Санд мамлакатнинг сиёсий жараёнларидан ҳам четда қолмайди, инқилобчи-пролетар шоирлар (Савиньен Лапуэнт, Шарль Маг, Шарль Понси кабилар) ижодини тарғиб қилиш билан шуғулланади. “Дарбадар шогирд”, “Анжиболик тегирмончи” асарларида меҳнатқаш халқ ва бахил аслзодалар ўртасидаги курашни акс эттиради. 1848 йил май ойида авом халқ кўзғолон кўтариб, Миллий кенгаш биносини забт этишга уринади. Француз матбуоти бу ишларда Жорж Санднинг ҳам қўли борлиги ҳақида бонг уради. Ёзувчининг ҳибсга олингани ё энди олиниши ҳақида гап-сўзлар тарқалади.

1851 йилда амалга ошган декабрь кўзғолонидан кейин Жорж Санд шахсан император Луи-Наполеон ҳузурда бўлиб, сиёсий рақибларга нисбатан тазйиққа чек қўйиш тўғрисида баённома тақдим этади. Ҳукумат раҳбарлари билан олиб борилган музокарачлар натижасида бир қатор республикачиларга берилган жазони юмшатишга муваффақ бўлинади.

Хуллас, адабиёт оламида ҳам, сиёсий майдонда ҳам Жорж Санднинг мавқеи, обрўи кўтарилди борди. Шахсий ҳаётда эса... Ҳусни ҳавас қилгулик бўлмаса-да, Аврора билан яқиндан танишганлар, айниқса ижод аҳли, унинг бой, гўзал ички оламига, ақл-фаросатига мафтун бўларди. Жамоатчилик орасида эса бот-бот аёлнинг гоҳо бирор ёзувчи, ё ҳайкалтарош, ёки мусаввир, гоҳида мусиқачи билан яқинлиги ҳақида миш-мишлар болалаб турарди. Бироқ, негадир, бу муносабатлар узоққа чўзилмас, адиба ўзи истаган, ўзи кутганчалик улкан, ҳақиқий бахтини ҳеч кимдан тополмасди. Шу ўринда бир истисно тарихи...

Буюк бастакор Фредерик Шопен Жорж Сандни илк маротаба

учратганида уни умуман назарига илмайди. Аммо орадан вақт ўтиб, эҳтиросларга чанқоқ, таъсирчан санъаткор табиатан ўзининг акси бўлган вазмин адибага ошиқу бекарор бўлиб қолади. Улар расман бўлмаса-да, бир оила бўлиб яшай бошлайдилар. Ҳар қайсиси ўзича бир олам, бироқ, ниҳоят, икки ёрти бир бутунини топгандек, назм билан наво уйғун келгандек...

Ижод аҳли ўзи инжиқ бўлади, дард келганда эса, инчунун. Оғир хасталикка чалинган Шопенни аёли аввалига меҳр билан парваришлайди, имкон қадар кўнглини кўтаришга уринади. Лекин беморнинг аҳволига кўшилиб, феъли ҳам кун сайин оғирлашиб боради. Охири Жорж Санд бу синовга дош беролмай қолади, бастакорнинг ялиниб-ёлворишларига қарамай, ўн йиллик муносабатларга нукта қўяди. Гарчи адиба буни очиқ-ойдин тан олмаган бўлса ҳам, Жорж Санд ва Фредерик Шопен муносабатлари унинг “Лукреция Флориани” романида

қисман ўз аксини топган. Унда ёрини ўта худбин, ожизу нотавон қилиб тасвирлаган аёл ўзини оқлашга уринади гўё... Қаранг-ки, орадан бир йил ўтар-ўтмас, дард чекинади, бастакор оёққа туриб кетади. Собиқ жуфтлик бир даврада тўкнаш келиб қолади. Меҳр туйғулари яна жунбушга келган Санд муносабатларни тикламоқчи бўлади, бироқ Шопен лом-мим демай, эшикни қарсиллатганча даврани тарк этади...

Жорж Санд умрининг сўнгги йилларини оилавий мулки – Ноанда, кўплаб хайрия ишларини амалга ошириб, маҳаллий аҳоли хурматини қозонган ҳолда ва, шак-шубҳасиз, китобхонлар ардоғида ўтказди. Адиба 1876 йил 8 июнда ота уйида ҳаётдан кўз юмади.

Ўтгиздан ортиқ роман муаллифи Жорж Санд вафотидан хабар топган Виктор Гюго шундай ёзган эди: “Мархума билан видолашар эканман, унинг тимсолида боқий ижодкорни олқишлаб қоламан!”

*Юлдуз ҲОШИМОВА  
тайёрлади*

\* \* \*

*Ақл асло кўзёш қилмайди – бу унинг вазифаси эмас, юрак эса ҳеч қачон мулоҳаза юритмайди – у бунинг учун яратилмаган.*

\* \* \*

*Эркакларга, айниқса ошиқ эркакларга аёллар мардлигидан ҳайратланиш эмас, уларнинг ожизалигида нажоткор бўлиш кўпроқ ҳузур бағишлайди.*



## БИРИНЧИ РАҚАМЛИ АКТРИСА

“Қандай воқеа юз беришидан қатъи назар, негадир, ўзимда қайтмас шахд, букилмас ирода, комил ишонч ҳиссини туярдим. Мен барибир актриса бўламан. Бўлганда ҳам биринчи рақамлиси, энг машхури бўламан...” У бу сўзларни хаёлан комил ишонч билан айтарди. Шундай айтардики, сахна ва қахрамонлари учун жонини бағишлашга тайёр, ўзида ғайритабиий бир қудратни сеза олганди. Аммо бу қарорини ҳеч кимга ошқор қилолмасди. Теран кўзларида чуқур идрок, мағрур нигоҳларида қалб ва фикр уйғунлиги, виқорли сумбатига асилзодаларга хос таманно яширинган Мария Николаевна Ермолованинг ноёб иқтидори шундай туғёнлар билан унга ҳаловат бермасди. Бироқ буларнинг барини актрисадаги метин ирода, ўзига бўлган ишонч ҳисси бошқарарди.

1853 йил 3 июлда Москва Малий театрининг суфлери, бир неча водевиллар муаллифи Н.А.Ермолов хонадонида туғилиб, болалигини шу театрининг забардаст актёрлари даврасида ўтказган бобоси А.С.Ермоловнинг Мочалов, Шепкин каби сахна усталари тўғрисидаги ёрқин хотираларини эшитиб улғайган қизалоқ

ўз тақдирини ижод олаmidан айри тасаввур қила олмасди. Ёш Мария саҳъат муҳибига айланиб, “театр”ни ўз тақдири деб англаган фурсат етганда, Москва театр олийгоҳининг балет бўлимига ўқишга кириб, унда 9 йил (Ўша даврда асосий эътибор балетга қаратилар эди) таҳсил олади. Аммо Мариянинг орзуси балет актрисаси эмас, драматик актриса бўлиш эди. Шундай бўлса-да, машаққатлар ўз ҳосилини берди. Балет ёш актрисанинг пластика, мимика бўйича маҳорати сайқалланишига, унда интизомлилик, талабчанлик, меҳнатсеварлик хислатларининг шаклланишига асос бўлди. Ижодий фаолиятдаги илк қоқилиш – Малий театридаги муваффақиятсиз дебют, балет мактабидаги истеҳзоли танбехлар, таникли актёр И.В.Самариннинг ҳафсаласизлик билан қўл силташлари ҳам Мариядаги иштиёқни сўндирмади. Ниҳоят 1870 йилнинг 30 январида Мария Лессингнинг “Эмилия Галотти” трагедиясидаги Эмилия ролини муваффақиятли ижро этди ва уни истеъдодсиз дея четга сураётганларни лол қолдирди. Шу кун Малий театр сахнасида мўъжиза рўй берган эди. Т.Л.Шепкина-Куперник ўз хотираларида ҳайратини ифодалар экан, “Ҳеч ким танимаган талаба бир хужум билан Москвани забт этди”, – деб ёзган эди. М. Шепкин эса “Ермолова бизни сахнани унутишга мажбур қилди”, – дея фикр билдиради.

Мазкур ролнинг муваффақияти актрисанинг келгуси фаолияти учун кенг йўл очди. 1871 йили у Малий театр труппасига расман қабул қилинди. Бу ерда Ермолованинг ижодий имкониятлари дастлаб енгил, маиший драма, фарс, водевилларга сарфланган бўлса-да, кейинчалик навқирон паллалари ўткир драматизмга бой роллар ижро этиш билан кечди. Қисқа муддат ичида актриса ижтимоий, сиёсий, адабий доиралар эътирофига сазовор бўлишга, Белинский, Герцен, Добролюбов каби машхур зотларнинг назарига тушишга ва уларнинг донишманд она фикрларидан баҳраманд бўлишга эришди. Аини ўша йилларда

бахт унга чинакамига кулиб боқди. Обрўли адвокат Шубинский билан танишиб, турмуш курди.

Олдинига бу жуфтликнинг ҳаёти бир маромда, силлик кечарди. Бироқ уларнинг самимий муносабатлари узоққа чўзилмади. Икки хил дунёқараш, икки хил табиат, турли феъл-атвор уларнинг турмушларига ўз таъсирини кўрсатди. Ҳатто фарзанд ҳам ўртадаги салқи тортган риштани мустаҳкамлай олмади. Ермолова ҳаётидаги бундай кемтикликни, бўшлиқни тўлдириш, унутиш мақсадида яна ижодга шўнғиди.

1873-1876 йилларда сахналаштирилган “Момақалдирик” (Н. Островский) спектаклида Катерина, “Кўзибулок” (Л. Вега)даги Лауренсия образлари актрисага оламшумул муваффақият олиб келди. Кўплаб тақиқлар, норозиликларга учраса-да, ёшлигидан орзулаган қаҳрамони – Ф.Шиллернинг “Орлеан кизи” аса-ридаги Ионна ролини ижро этишга муяссар бўлди. Покиза Ионнани 60 йиллик тазйиқлар исканжасидан халос этди. 1884 йилда сахна юзини кўрган бу спектаклга Ермолова бор трагик маҳорати, қаҳрамонлик пафоси, эҳтироси ва ниҳоятда табиий ижодий қудратини жо қилди. Фаранг қаҳрамонини акс эттираркан, Ермолова Ионнадаги афсонавий Амазонкаларга хос мардонавор жасоратни бўрттиришга уринмади. Аксинча, ундаги бокиралик иффатини, лирик кечинмаларга тўла нозик туйғуларни ифодалашга ҳаракат қилди ҳамда эзгуликка интилган ташна қалбларда озодлик, ватанпарварлик, ўзига бўлган ишонч хисларини уйғотди. Мазкур образ актриса умрининг охиригача энг севимли, кадрдон қаҳрамони сифатида ёдида қолди. Ермолова айнан шуни таъкидларкан: “Бутун дунё тарихида Жанна д’Аркчалик покиза, нури образ йўқ ва уни ҳеч ким Шиллерчалик тушуниб етмаган”, – дейди. М.Ермолова ижодидида қаҳрамонлик, ватанпарварлик ғоялари етакчи мавзуга айланди ва мунтазам ривожланиб борди. Буюк актёрлар Мочалов, Шепкин анъаналарини давом эттирган

ҳолда актриса қаҳрамонларининг исёнкорлик, эрксеварлик, курашувчанлик сифатларига урғу беришга, уларни маънан бойитишга уринди.

1880-1890 йилларга келиб М.Ермолованинг ижодий фаолиятида сезиларли ўзгаришлар юз беради. Бу вақт оралиғида унинг маҳорати тўлиқ чархланиб, авж нуктасига етади. Актрисанинг Мария Стюарт (“Мария Стюарт”, Ф. Шиллер, 1886), Федра (“Федра” Ж. Расин, 1890), Сафо (“Сафо” Грильпарцер, 1892), Гермiona (“Қиш эртаги” В. Шекспир, 1887), леди Макбет (“Макбет” В. Шекспир, 1896) каби залворли образлари айнан шу даврда юзага келди. Бундан ташқари, М.Ермолова замондошларининг тақдири акс этган қатор образларни ҳам яратди. А.Островский, Александров, И. В. Шпажинский, М. И. Чайковский, А. И. Сумбатов-Южин, Вл. И. Немирович-Данченколариинг пьесаларидаги турфа характерли персонажларни талқин этди. Негина (“Талантлар ва мухлис-лар” А. Островский, 1881), Марина (“Қора қарағай” Немирович-Данченко, 1884), Репина (“Татьяна Репина” А. С. Суворин, 1889), Елена Протич (“Симфония” М. Чайковский, 1890), Зайнаб (“Хиёнат” Сумбатов-Южин, 1904) каби турли қиёфадаги образлар актрисанинг ижодий ютуқлари ҳисобланади.

Мария Ермолова ижодининг янги давр ибтидосида Кручинина (“Айбсиз айбдорлар” А. Островский, 1908), фрау Альвинг (“Шарпалар”, Г. Ибсен, 1909), малика Марфа (“Сохта Дмитрий ва Василий Шуйский”, А. Островский, 1909) княжна Плавутина-Плавунцова (“Декабрист”, Гнедич, 1918) каби ранг-баранг она образларини талқин қилди ва ўзи орзу қилганидек, рус театрларининг “биринчи рақамли” актрисасига айланди. Театр мухлислари унинг ҳар қадамини пойлашар, даста-даста гуллар, узлуксиз мактублар йўллашар, ҳатто баъзида ортидан уйигача кузатиб ҳам кўйишарди. Аммо М. Ермолова ҳеч қачон шон-шухратидан ҳаволанмас, жуда оддий, камтарин ҳаёт кечирар,


ўзи хақида ортиқча миш-мишларнинг урчишига йўл қўймасди.

Табиатан вазмин, тортинчок, ҳар ким билан чиқишиб кетавермайдиган актриса театрда ҳам, оилада ҳам ёлғиз эди. Фақатгина умрининг сўнги дамларида бутун умр излаган, қалбан ўзига яқин бўлган кадрли инсонини топди. Зиёли, истеъдодли, хушфеъл бу инсон “индамас” Марияни соатлаб гапиртирар, ҳеч ким тушуна олмаган хувиллаган қалбига йўл топа олганди. Актрисанинг бу суюкли инсонининг кимлигини ҳар кимга айтавермасди.

Бу кунлар актриса ҳаётида энг сўнги бахтли лаҳзалар сифатида қолди.

1928 йилнинг 12 мартада рус санъати доврўғини дунёга таратган буюк трагик актриса вафот этди. Ижодий бисотидаги 300 дан ортиқ роль, биринчилардан бўлиб сазовор бўлгани “Халқ артисти”(1920) унвони ва миллионлаб томошабинлар қалбида уйғотилган эзгуликка, келажакка, мўжизага бўлган ишонч буюк Мария Ермолова номини мангуликка муҳрлади.

Умида ҲАСАНОВА  
тайёрлади



## РУҲИЙ ОЛАМ ИЗТИРОБЛАРИ

XX аср жаҳон адабиётининг улкан намояндаларидан бири, Халқаро Нобель мукофоти совриндори Ҳерманн Ҳессе (1877-1962) асарлари энг кўп мутолаа қилинадиган олмон адибларидан саналади. Унинг қатор роман, кисса, ҳикоялари, шеърлари, сиёсий, адабий-танқидий руҳдаги асарлари чоп этилган. Улар орасида, айниқса, “Чўл бўриси”, “Маржонлар ўйини”, “Демиян” каби китоблари доврўғ қозонган. “Ғилдирақлар остида” романи, “Нюрнбергга саёҳат” сафарномаси, “Қурортдаги киши” киссаси ва бошқа кўпгина асарлари ҳам машҳур. Адибнинг китоблари дунё миқёсида 55 тилда 100 миллиондан ортиқ нус-

хада чоп этилган. Ҳ. Ҳессе 1946 йилда Швеция Қироллик академияси томонидан “инсонпарварликнинг мумтоз зояларини ўзида тобора яққол намоён этаётган жўшқин ижоди, шунингдек, ёрқин услуби учун” Нобель мукофотига муносиб топилган.

Ҳерманн Ҳессе 1877 йил 2 июлда Калв (Вюрттемберг)да Йоханнес Ҳессе ва Мария Гундерт оиласида иккинчи фарзанд бўлиб дунёга келди. Отаси келиб чиқишига кўра болтиқбўйилик немис, онаси швейцариялик хонадонга мансуб эди. Ҳессенинг отаси маълумотли миссионер бўлиб, аввалига Ҳиндистонда қайнотаси Ҳерманн Гундертнинг ёрдамчиси сифатида фаолият юритган бўлса, кейинчалик Калвда ноширлик ишлари билан машғул бўлган.

Гарчи Ҳессе умрининг талайгина қисми чет элларда, ёт ўлкаларда ўтган бўлса-да, у ўзи туғилиб ўсган ватанини улкан қалб ила севган. **“Агар мен шоир, ёзувчи сифатида ўрмон, дарё, қир-адиру кўкаламзорлар, қаштан соялари ёки арчазорлар ҳақида ёзган бўлсам, билингки, улар Калвнинг қалин ўрмони, Нагольд дарёси, ажойиб қаштанзорлари ва арчазорларидир. Буларнинг барчаси, ҳаттоки бозор майдони, кўприк ва кўчалар ҳам менинг китобларимдан жой олган. Мен Бремен, Неаполь, Вена, Сингапур каби дунёнинг гўзал ва улкан шаҳарларида бўлдим. Бироқ**



*мен кўрган ҳамда билган шаҳарлар орасида энг гўзали Нагольд бўйида жойлашган мўъжаз гўша – Калв шаҳри бўлиб қолаверади...*

Ҳ.Хессе нафақат машҳур ёзувчи, балки ҳассос шоир ва мусаввир ҳам бўлган. Ҳ.Хессенинг илк китоби 1899 йилда нашр этилган – “Романтик кўшиқлар” назмий тўплами бўлиб, ундаги шеърлар соддалиги, самимийлиги ва оҳангдорлиги билан ажралиб туради.

Адиб кўхна Шарк оламига, Шарк адабиёти ва фалсафасига алоҳида муҳаббат билан муносабатда бўлган, хусусан, ҳинд ва хитой мифологияси унда катта қизиқиш уйғотган. Шу ўринда унинг 1911 йилнинг кузида Ҳиндистонга сафари натижасида ёзилган “Сиддхартха” романи (“Ҳинд достони”) кўхна Шарк фалсафаси ва маънавияти эътирофининг маъсули эканини таъкидлаш жоиз. Ҳ.Хессе яна бир машҳур асари – “Маржонлар ўйини” романида Шарк ва Ғарб донишмандлигини бирлаштириб, синтез усулини кўллашга муваффақ бўлади. Адибнинг маънавий-маърифий йўналишда яратилган асарларидан бири – “Ғилдираклар остида” номли романида қобилиятли бир ўқувчининг фожиали тақдирини очиб бериш орқали жамият ва шахс ўртасидаги зиддиятлар, жумладан, жамият, маориф ва мактабнинг ёш авлод тарбияси олдидаги юксак бурч ва масъулияти каби долзарб масалалар хусусида фикр юритилади. “Нюрнбергга саёҳат” сафарномаси ва “Курортдаги киши” кассаси ҳам мазкур йўналишда яратилган асарлар сирасига киради. Сафарномада ёзувчининг 1924 йилнинг кузида Тессиндан Нюрнбергга қилган икки ойлик саёҳати қизиқарли тарзда баён этилади. Қиссага эса унинг Цюрих яқинидаги курорт шаҳарча Баден билан боғлиқ хотиралари асос қилиб олинган. Ушбу асар мазмун-моҳиятига кўра, муаллифнинг ўз шахсий муаммолари, руҳ билан вужуд орасидаги, шахс ва жамият ўртасидаги зиддиятлар ҳақида одатдаги бадиий тўқималар воқитасида эмас, балки автобиографик касса шаклида ҳикоя қилишга бўлган илк уриниш сифатида таассурот уйғотади.

Илк бор 1927 йилда босилиб чиққан “Чўл бўриси” романи теран психологик асар бўлиб, муаллифга оламшумул шухрат келтирди. “Чўл бўриси”да ўз-ўзини таҳлил қилиш ва ҳал этилмаган маънавий-руҳий зиддиятларни енгиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар қаламга олинади. Унда муаллифнинг аввалги асарларида озми-кўпми акс эттирилган Рухга мурожаат этиш услуби ўзининг яқуний ҳамда тўлақонли ифодасини топган. Ёзувчи Томас Манн ушбу роман ҳақида шундай деган эди: “Чўл бўриси” экспериментал дадилликда “Улисс” ва “Faux Monnaieurs” сингари асарлардан қолишмайдиган китоб эканлигини айтиб ўтиришга ҳожат бормикин? “Чўл бўриси” менга анчадан буён ҳақиқий китоб мутолааси нималигини қайтадан ўргатган асардир.”

Дарҳақиқат, мазкур роман Хессе ижодининг дурдонаси ҳисобланади. Адиб ушбу асар устида 1924 – 1927 йиллар мобайнида ишлаган ва у китоб ҳолида дастлаб Фишер нашриётида 1927 йилнинг ёзида – ёзувчи 50 ёшга тўлган чоғида босилиб чиққан. Асарнинг яратилиши кўп жиҳатдан адиб ўтган асрнинг йигирманчи йилларида ўз бошидан кечирган руҳий инкироз билан боғлиқдир. Рут Венгер хоним билан бўлган никоҳнинг барбод бўлиши, ижо-дий ишларнинг мажбуран тўхтаб қолиши, ўша даврдаги пул қадрсизланиши ва бошқа иқтисодий қийинчиликлар билан боғлиқ танг аҳвол, шунингдек, Германиядаги сиёсий вазият – буларнинг барчаси ёзувчини тушқун бир ҳолатга, боши берк кўчага олиб киради. У ўзини чиндан ҳам ёлғиз, ҳорғин ва қолдан тойган “чўл бўриси” янглиғ ҳис эта бошлайди.

Бироқ яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, “Чўл бўриси” ёзиб қолдирган эсдаликлар ёлғизланиб қолган невротик ҳастанинг шунчаки “патологик ёзишмалари” гина эмас, балки янада муҳимроқ бир нарсаки, у муайян давр ҳужжати, “давр ҳасталиги”, яъни “Ҳаллер мансуб бўлган авлод чалинган невроз касаллиги тарихи” ҳамдир. Хессе ана шу ҳасталик аломатларини чуқур таҳлил қилиб, аёвсиз фош этади. Романнинг сўнгсўзида шундай сатрлар бор: “Мен, албатта, китобхон-

*ларга ушбу қиссамни қандай тушунишлари хусусида маслаҳат бера олмайман ва бермоқчи ҳам эмасман. Ҳар бир ўқувчи ундан ўзига керакли ва фойдали хулосани ўзи чиқариб олаверсин! Чўл бўриси ҳақидаги ҳикоя, гарчи хасталик ва тангликни тасвир этса-да, бироқ бу хасталик ўлимга олиб бормади, бу танглик таназзул эмас, балки аксинча: шифо, даво, муолажадир.*

“Чўл бўриси” романида Ғарб ва Шарқ ғоялари, Ғарб ва Шарқ фалсафаси, шу билан бир қаторда инсоннинг ўз мураккаб “мен”ига бўлган қувноқ ва вазмин муносабати, ўз-ўзини билиш ва англаш, ўз-ўзини топиш сари концепция ёрқин ифодасини топган. Бу эса Ҳессенинг Шарққа, Шарқ фалсафаси ва анъаналарига азал-азалдан ихлоси ҳамда ҳурмати сарбаланд бўлганлигидан далолатдир. “Чўл бўриси” – теран мазмун ва чуқур фалсафий мушоҳадаларга бой психологик асар бўлиб, тили ҳам шунга яраша мураккаб дейиш мумкин, бироқ бу нарса асарнинг китобхон томонидан енгил ва равон ўқилишига асло монелик қилмайди.

*“...Мен бутун бир асрлик олмон адабиёти билан шу қадар батафсил танишиб чиқдимки, – деб ёзади Ҳерманн Ҳессе ўзининг “Жаҳон адабиёти кутубхонаси” номли мақоласида, – ҳатто мутахассислар ҳам у билан менчалик кенг танишмаган бўлсалар керак. Бир қисми аллақачонлар эскириб кетган бу китоблардан мен учун бениҳоя қадрдон бўлган эконажон она тилим – олмон тилининг муаттар бўйи уфуриб турарди. Бу тил айти XVIII асрда ўзининг гуллаб-яшнаш даврига қадам қўйиш арафасида турган эди. Олмон тилини мен ана шу мажмуалардан, ана шу чанг босиб ётган романлару қахрамонлик достонларидан ўрганганман.”*

Ўзини у ёки бу миллат намоян-

даси деб билган ҳар бир киши учун Ҳессенинг қуйидаги фикрлари ҳам ибратомуздир: “Ўз тилини яхши билмаган, уни севиб ардоқламаган, парваришламаган ва химоя қилмаган халқнинг шоири бўлиш уятдир.”

Чиндан ҳам Ҳессе асарларидан кўп нарсани ўрганиш мумкин. Унинг тили ширали, таъсирчан, камалак янглиғ турфа бўёқларга, тагдор, нозик кочиримларга, рамзлар, ўткир ибораларга, теран мазмун ва фалсафий мушоҳадаларга, фантазияларга бой. Бундан ташқари, адибнинг ҳар бир асари зиммасидаги “юк” ниҳоятда салмоқли.

Ёзувчи Ҳерманн Ҳессенинг бутун ҳаётини ҳам бағрикенглик ва сабрқаноат билан яшашнинг намунаси, деб аташ мумкин. Адиб бутун умри мобайнида ўз ижодига суяниб яшади. У асарларида илгари сурган бутун дунёда тинчлик, хавфсизлик, ҳамкорлик, аҳиллик ва ҳамжихатликка эришиш ғояларига бугун жаҳондаги барча халқлар, эл-элатлар интилиб яшаётганининг шоҳиди бўлиб турибмиз. Бу эса ёзувчи ижодининг умрбоқийлигига яна бир далилдир.

Шуниси қизиқки, Германиянинг ўзида Ҳессе ижодига адабий танқиднинг муносабати аксарият ҳолларда салбий бўлган. Адиб номи ўтган асрнинг иккинчи ярмида, айниқса, 1946 йили унга Нобель мукофоти берилгандан сўнг, бутун дунёга танилди. Ҳарвард университетининг собиқ профессори Тимоти Лири шундай деган эди: *“Чўл бўриси”нинг якуний қисми бебаҳо дарсликдир.*

Улуғ адиб Ҳерманн Ҳессе 1962 йил 9 август куни 85 ёшида Монтаньола (Швейцария)да вафот этди. Унинг қолдирган бой маънавий мероси ҳали кўплаб авлодлар қалбидан ҳам муносиб ўрин олишига шак-шубҳа йўқ.

*Мирзаали АКБАРОВ  
тайёрлади*



## ЖАН КОКТО: “МЕН – ҲАҚИҚАТ, МЕН – РҮЁ”

“Жан Кокто – дилетант. У ижодкор эмас. Санъатнинг бир туридан бошқасига оғишиб юрувчи беқарор. Унинг ёзганлари ҳеч қачон асар саналмайди...” Француз адабиёти, тасвирий санъати, театр ва кино санъатида кизгин фаолият юритган бу ижодкорга замондошларининг аксарияти шундай баҳо беришарди. Дарҳақиқат, унинг серқирра истеъдоди кўпчиликнинг гашини келтирарди. Аммо Кокто бу каби гап-сўзларга парво қилмас, аксинча, ўзидаги иқтидорни борича намоён қилишга интиларди.

1889 йилнинг 5 июлида Париж яқинидаги Мезон-Лаффет шаҳарчасида дунёга келган бу улкан иқтидор соҳиби болалик чоғларидан бошқаларга ўхшамасди, фавқулодда қалами ўтқир, фавқулодда тасаввурга бой бола эди. Туғма маҳорат дастлаб унинг расм солишга бўлган укувида кўрина бошлайди ва қисқа вақт ичида қобилиятли рассом сифатида ўзини намоён этади. Табиийки, Париждаги мухит унга ўзини шу йўлга бағишлаш учун тўла имкон берган эди. Шундай қилиб, Кокто-рассом чизган суратлар тезда замонасининг машҳур мусаввирларининг эътиборини қозонади. Бу муваффақиятга у асосан график портрет жанридаги асарлари тўғрисида эришади. Жаннинг бедор иқтидори кейинроқ яна бир қиррада намоён бўлади: яъни, эндиликда Кокто исмли жўшқин бир шоир майдонга чиқади.

У асосан дадаизм<sup>1</sup>, кейинчалик сюрреалистик (санъат ва адабиётда иррационалликни ёқловчи) руҳдаги шеърлари билан мухлисларнинг назарига тушади. “Шеърлар” номли илк тўплами 1920 йилда чоп этилади. Назм Кокто учун наср ва драматургия оламига киришга имкон берган нурли остона бўлиб хизмат қилади. У адабиётнинг бу тармоғига ҳам дадил қадамлар билан кириб келади. Мингдан ортқ сахнабоп ҳавжий лавҳалари, “Орфей”, “Инсон овози”, “Шоҳ Эдип”, “Бепарво париваш” каби қатор пьесалар яратади ва улар Франция театрларида муваффақиятли сахналаштирилади. Пьесаларининг сахналаштирилганлиги юраги мудом илҳомга тўлиб турувчи ижодкорни театр учун яна ҳам кўпроқ, астойдил хизмат қилишга ундайди. Энди драматург Кокто мусаввир Кокто сифатида ҳам театрларда сценография билан шуғулланади, либреттолар ёзади, балет спектакллари учун сахналарни безатади. Аммо унинг истеъдод қирралари шуларнинг ўзи билангина чекланган эмасди. Кокто нафақат шоир ва рассом, балки, теран фикрли, мохир режиссёр ҳам эди. У кинематография соҳасида кўпгина муваффақиятли ишларни амалга оширади. Айтиш жоизки, ана шундай кўптармоқли фаолиятида Коктонинг режиссура ва сценарийнависликка қўл уриб, кино оламида ҳам ижод қила олишида табиийликнинг қандайдир тасодифий аломатлари бор. Айнан Кокто туғилган йилда ака-ука Люмьерлар кино санъатига асос солган, унинг ижодга чанқоқ даврида эса кино санъати ҳам айни ривожланиш палласида эди. Ижоди – ҳаётга, ҳаёти – ижодга айланиб кетган инсон барча санъат соҳаларини ҳам ўз йўли деб биларди. Бунинг исботи сифатида у 1930 йилда ўзининг илк фильми “Шоир қони”ни суратга олди. Унинг бу дебюти “Соҳибжамол ва маҳлуқ”, “Иккибошли бургут”, “Орфей”, “Орфей васияти”, “Чорасиз ота-она” каби ўнга яқин фильмларининг дунёга келишида дебоча бўлди. У бошқа режиссёрлар учун ҳам кўпгина фильм сценарийлари ёзди ва бундай

<sup>1</sup> XX аср бошларида Швейцарияда пайдо бўлган рационализм ва ҳаётдаги қонунқоидаларни инкор этувчи адабий оқим.

хамкорликлар асносида адабиёт ва санъат майдонида машхур замондошлари Эдит Пиаф, Марсель Пруст, Жан Марэлар билан мустаҳкам дўстлик ришталарини боғлади.

Кокто санъат назариётчилиги ва танқидчилигига гарчанд даъвогар бўлмаса-да, кўпгина ўтмиш ва замондош санъаткорлар ҳақида эссе ва хотиралар ёзиб турарди. Леонардо да Винчи, Лотрек, Сезанн, Пабло Пикассо, Утрилло, Крико ва бошқалар ҳақида битилган мазмундор эсселари шулар жумласидандир. Нашр этилган барча китоблари ҳамиша ўз ўқувчисини топиб кетарди. У санъатпарвар шахс сифатида кўплаб ёш ижодкорларни кўллаб-қувватлар, улар учун имкониятлар эшигини очишга интиларди. 1917 йилда Кокто композитор Эрик Сати ва расом Пабло Пикассо билан ҳамкорликда “Парад” балетини яратади ва бу биринчи сюрреалистик спектакл номи билан санъат оламида катта шов-шувларга сабаб бўлади. Орадан беш йил ўтиб, Эрик Сати, танқидчи Анри Колле ва Кокто ўзаро ташаббус қилиб, “Олтовлон” номи остидаги ёш композиторлар гуруҳини тузадилар. Бу гуруҳ “Қудратли тўда” номи билан ҳам кўп шарафларга сазовор бўлган. Кокто мазкур гуруҳ ҳақида сўзлар экан, “Олтовлон” санъат тарихида худди уч мушкетёр сингари машхури олам бўлди”, – деб ёзади хотиралари-

да. Ташаббускорлик, ташкилотчилик Жан Коктонинг юксак фазилатларидан бири бўлиб, ҳатто ҳаёт тарзига айланиб қолганди.

1955 йили у Франция академияси, сўнгра Бельгия Кириллик академиясига аъзо этиб қабул қилинади. Кўп йиллар қатор халқаро кинофестивалларда ҳайъат аъзоси ва раиси бўлиб ҳам хизмат қилади. Санъат, адабиёт деб бир муддат ҳаловат билмаган, бу тиниб тинчимас истеъдод соҳиби 1963 йилда сўнгги “2000 йилга мактуб” фильмини сурагга олиб бўлган бир паллада, 11 октябрда дунёдан кўз юмади.

Яшаб ўтган умри давомида кимлардир уни хўб алқади, кимлардир эса умуман тан олмади. Чиндан ҳам бир одам бутун умри мобайнида шунча иш қила олишига ақл бовар қилмайди. Ҳатто Коктонинг ўзи ҳам баъзан ўзига холис баҳо беролмай, “Мен бир вақтнинг ўзида ҳам ҳақиқат, ҳам рўёман”, – дерди. Ҳазил-чини аралаш амалда оддий инсон бундай серқирра ижод қилиши мумкин эмас-дек туюлади. Аммо Жан Кокто шунчаки оддий инсон бўлмаганлигининг боиси ҳам шунда. Вақт ҳамма нарсани ойдинлаштирди – Кокто айрим замондошлари айтганидек, дилетант эмас, балки, чинакам ижодкор бўлиб ўзининг ўлмас асарларида яшаб қолди.

*М.МУҲАММАДАМИНОВА*  
*тайёрлади*



## УМРИНИ ЁНИБ, ЁҚИБ ЎТҚАЗГАН ШОИР

Яқин тарихдан маълумки, XX аср рус адабиёти ҳақида сўз кетса, унинг энг улкан дарғалари рўяхатининг бошида Владимир Владимирович Маяковский номи зикр этилар эди. Унга Шўро ҳокимияти ва машъум қисматларга сабаб бўлган Улуғ Октябрнинг толмас куйчиси ва солномачиси сифатида таъриф берилар эди.

Ҳозирда Улуғ Октябрь тушунчасининг бутун моҳияти маълум бўлиб, халқларнинг порлок келажаги ҳақидаги тушунчалар тумтарок бўлган бир даврда Маяковскийни “замон аравасидан” тушириб қолдириш, ҳатто уни умуман унутиш кайфияти пайдо бўлди. Худди унинг ўзи бир пайтлар рус футуристларининг Манифестида “Пушкин, Достоевский, Толстойларни Замона пароходидан иткитиб юбориш керак. Ўтмиш ниҳоятда чиркин”, деб ёзганидек, орадан етмиш йиллар ўтиб, ўзи ҳам шундай қисматга дучор бўлиши мумкинлигини хаёлига келтирганмикин? Гарчи В.В.Маяковский ёшлиги ва замонасининг ёвқурлиги хавосига берилиб, ўзигача бўлган буюк шеърятни инкор этган бўлса-да, бугун унинг шеърятига ҳам ўзи каби шундай муносабатда бўлиш ўта калтабинликдир. У ҳар қандай вазиятда ҳам, ҳақиқий шеър ихлосмандлари учун шеърятда бурилишлар ясаган, тажрибалар қилган, янги сўз айтиб, ўз овози билан жаҳон шеърятининг атоқли намоян-

дасига айланган санъаткор сифатида баҳоланади ва қадрланади. Қолаверса, у вақти билан ўзининг дастлабки бодинамо саркаш шиорларидан воз кечиб ҳам улгурган эди...

Владимир Маяковский 1893 йилнинг 7 июлида Грузиянинг Кутаиси шаҳри яқинидаги Бағдодий кишлоғида ўрмончи Владимир Маяковскийнинг хонадонида икки қиздан кейинги орзиқиб қутилган ўғил бўлиб дунёга келди. Унинг опалари Людмила ва Ольгадан кейин хонадонда икки ўғил туғилган, бироқ улар ҳали гўдаклигидаёқ нобуд бўлган эди. Шунинг учун ҳам орзиқиб қутилгани ва айнан отасининг 36 ёшга тўлган кунинда туғилгани учун ҳам ўғилга ота номи билан Владимир дея исм қўйишади.

Ўғилнинг тарбияси билан оилада асосан она шуғулланади. Шоирнинг онаси Александра Алексеевна узок яшаб, 87 ёшида ўғлининг ҳам ўлимини кўриб вафот этди. Нафақат ўлимини, фарзандининг шоир сифатида мислсиз шону шуҳратга кўмилиб улуғланганлигини ҳам кўрди ва у ҳақида “Владимир Маяковскийнинг болалиги ва ўсмирлиги” номли китоб ёзиб қолдирди.

Володя 9 ёшида Кутаисидаги гимназияга ўқишга қиради, шу ерда тўрт йил ўқиб, турли инқилобий ғоялар, тақиқланган ҳар хил адабиётлар таъсирига берилади, гимназистларнинг турли сиёсий ҳаракатларида қатнашади.

1906 йилининг февралда Маяковскийнинг отаси тўсатдан, оддий тасодиф туфайли қўлини шикастлаб, қон бузилишидан азобланиб вафот этади.

Шу воқеадан кейин Маяковскийлар Кутаисидан кўчиб кетиб, Москвада жойлашадилар. Москвада Владимирнинг опалари турли байрам қутилари, хайитлик тухумларини бўяш билан шуғулланар, бўлғуси шоирнинг ўзи эса уларни олиб чиқиб сотар, оила тирикчилигини юритар эди.

У 1908 йили 15 ёшида большевиклар партиясига аъзоликка ўтиб, тарғиботташвиқот ишлари билан шуғулланади. Уч марта қўлга олинади. 1909 йили ўн бир ой Бутир қамокхонасида бир кишилик камерада сақланади ва балоғат ёшига етмаганлиги учун қўйиб юборилади. Ана шу даврларини эслаб

шоир ёзган эди: “Ўн бир ойлик қамок даври мен учун ниҳоятда муҳим бўлди. Аввалги ўқиганим назарий адабиётлардан сўнг қизиқарли беллитристикага шўнғидим, барча янги нарсаларни ўқиб тугатдим. Хусусан, Белий, Бальмонт каби символистларни... Ўзим ҳам яхшилаб ёзишга ҳаракат қилдим, аммо бу ёзганларим кўнгилдагидек чиққан деб айтолмайман... Шу тарзда бутун бир дафтарни тўлдирдим. Қамокдан чиқаётганимда ўша дафтарни олиб кўйишди. Замонавий асарларни ўқиб тугатгач, классикага ўтдим. Байрон, Шекспир, Толстой. Энг сўнгги ўқиган китобим “Анна Каренина” бўлди. Аммо уни ўқиб тугатолмадим. Тунда чакириб, чиқариб юборишди.” Маяковский ана ўша қамок дафтаридagi шеърларини ўз ижодининг бошланғич даври деб ҳисоблаган эди.

1911 йили Маяковский Тасвирий санъат, ўймакорлик ва меъморчилик ўқув юртига кириб ўқий бошлади. Шу ерда у рус футуризм йўналишининг асосчиларидан бири шоир ва рассом Давид Бурлюк билан танишади. Ана шу шахс Маяковскийнинг инсоний ва ижодий тақдирида ниҳоятда катта роль ўйнайди. У Бурлюкнинг кистови ва таъсирида ўзининг биринчи нашр учун мўлжалланган профессионал асари “Арғувон ва оқ” (“Багровый и белый”) ни яратади. Бурлюк Маяковскийни Велемир Хлебников, Алексей Крученних каби бошқа рус футуристлари билан таништиради. 1912 йилнинг 17 ноябрида “Саёқ ит” (“Бродячая собака”) номли мўъжазгина кафедра Маяковскийнинг дастлабки оммавий чиқиши уюштирилади. Шу йилнинг декабрида шоир “Ижтимоий дидга тарсаки” номли альманахда илк бор “Тун” ҳамда “Тонг” шеърларини чоп эттиради. Айнан шу альманахда рус футуристларининг манифести ҳам эълон қилинган эди. Орадан бир неча ой ўтиб, Маяковскийни ижодий доираларда машҳур қилган “Мен” номли биринчи шеърлар тўплами нашр этилади. Тўпландаги шеърлар мутулаадан кўра кўпроқ эстрададаги чиқишларга мўлжалланган эди. Шеърлар гўё парчаланган, махсус зинапоя шаклидаги интонациялар асосига қурилган эди. Шу кезларда шоирнинг

“Владимир Маяковский” номли дастурий трагедияси ҳам яратилади ва унда шоир келгусида ўз жонига суиқасд қилишини башорат қилгандек эди. Бу пьеса Петербург шаҳрида “Луна-парк” театрида сахналаштирилади. Премьера хуштаквозлик ва шовқин-сурон билан ўтади.

1912 йилдан Маяковский доимий равишда янги санъат масалаларига бағишланган бахсларда, турли кўргазма ва бадий кечаларда, авангардчи шоир ва рассомларнинг йиғилишларида чиқишлар қилади. Унинг шеърляти кўпроқ тасвирий санъат билан боғлиқ бўлиб, турлича авангард шакллар, аввало кўз учун мўлжалланган ифодалардан иборат эди. Шоирнинг чиқишлари, турли давралардаги нутқ ва маърузаларидан келиб чиққан жанжаллар билан, ҳатто муштлашишлар билан ўтарди. Шу сабабли Маяковский ва Бурлюк 1914 йили ўқув юртидан ҳайдаладилар. Ўша йили Биринчи жаҳон урушининг бошланиши шоир ҳаётида ҳам муайян ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлди. У урушнинг моҳиятида нима ётганини англаб етди ва унга нисбатан ўз нафратини яширмай, шундай изҳор қилди: “Уруш қабоҳатдир, уруш орти эса ундан ҳам баттарок.” Шоирнинг бу сўзларида урушдан фойдаланиб, унинг ортидан манфаат қидираётган, бойлик ортираётган қаллобларга нафрати ҳам ифодаланган эди.

1915 йилнинг майида Маяковский Санкт-Петербург яқинидаги ижодкор зиёлиларнинг дала-ҳовлилари жойлашган Куоккала шаҳарчасига сафар қилади. Шу ерда у Максим Горький, Корней Чуковский каби ижодкорлар билан танишади. Унинг “Иштондаги булутлар” номли машҳур поэмаси шу ерда яратилади. Шоир бу поэмасини инқилобгача ёзган энг яхши асари деб эътироф этган эди.

1915 йилнинг июлида Маяковский эр-хотин Осип ва Лиля Бриклар билан танишади. Танишув ва сўнгра яқинлашув асносида Лиля Брикка кўнгил кўяди. Лиля Брик ҳам Маяковскийга бефарқ эмаслигини яширмагани ҳолда шоир билан ҳам, ўз эри Осип Брик билан ҳам ишқий муносабатларини то улар вафот этгунига қадар сақлаб қолади.

1917 йилги февраль инқилоби ва ундан бироз ўтиб содир бўлган Октябрь инқилоби Маяковскийнинг инсоний ва ижодий тақдирида чуқур из қолдирди. У Октябрь тўнтариши пайтида Смольнийда эди. “Қабул қиламанми ёки йўқ? Менинг учун бундай саволнинг ўзи йўқ эди. Менинг инқилобим. Смольнийга бордим. Ишладим. Нима тўғри келса шуни қилдим.” Таъкидлаш жоизки, инқилобда шоир ўтмишдаги барча хўрлик ва ҳақоратлар учун қасос имкониятини кўрган эди. Шундан кейинги йилларда Маяковскийнинг истеъдоди бор бўйи билан намоён бўлди. “Хайкирик”, “Сўл марш”, “Мистерия Буф”, “150 000 000”, “Владимир Ильич Ленин”, “Жуда соз”, “Севаман” каби асарлари ўша йиллар маҳсули ҳисобланади.

Маяковский 1918 йилдан кинематография соҳасига ҳам қизиқиб қолади. У кино учун Жек Лондоннинг “Мартин Иден” романи асосида “Пул учун туғилмаган” ҳамда “Бегойим ва безори”, “Фильм жодуси” каби киносценарийлар яратди ва улар асосида суратга олинган фильмларда актёр сифатида иштирок этди. 1919 йилдан шоир РОСТА – Россия Телеграф Агентлигида фаол ҳамкорлик қила бошлади. “РОСТА ойнаси” номли машхур ҳажвий-ташвиқий плакатларни шоир ва расом сифатида безаб боради.

Маяковский шўролар даврида ҳам футурист, аникрофи, коммунистик футурист бўлиб қолди. 1922 – 28 йилларда “ЛЕФ” – санъатнинг чап қаноти уюшмасига раҳбарлик қилди. Шу йилларда мамлакат бўйлаб ва хорижга сафарларга чиқди. Латвия, Франция, Германия, Испания, Куба, Мексика ва Америка Қўшма Штатларида бўлди. Ҳаётининг сўнгги йилларида драматургияга кўпроқ қизиқди. 1928 йили “Суварак”, 1929 йили “Ҳаммом” номли сатирик пьесаларини яратди. Улар машхур театр ислоҳотчиси В.Мейерхольд томонидан сахналаштирилди.

Ана шу ўтган йиллар давомида Маяковский Лиля Брик билан яқин муносабатларини давом эттирди. Гарчи орада яна учта аёл билан ишқий саргузаштларни бошидан кечирган бўлса-да, унинг ягона муҳаббати Лиля Брик бўлиб қолди.

1930 йил февралда Маяковский Россия пролетар ёзувчилари ассоциациясига (РАПП) қабул қилинади. Шу ҳаракати боис унинг кўпгина собиқ адабий сафдошлари ундан юз ўгирадилар. Ўша кунлари “Маяковскийнинг 20 йиллик ишлари” кўргазмаси очилади. Аммо кўргазма муваффақият қозонмайди. Шоирнинг шахсий ҳаётида ҳам Л.Бриكنинг бетаин феъл-атвори туфайли тушқун кайфиятга етакловчи ҳолатлар юз берётган палла эди. У шу кезлари алам устида Москва Бадиий театри актрисаси Вероника Полонская билан турмуш қурмокчи бўлади. 1930 йилнинг 14 апрель куни шоир Полонская билан учрашиб, ундан театрдан бўшашни ҳамда яшаб турган оиласини тарк этишни талаб қилади. Полонская розилик бермайди ва у Маяковский хузуридан чиқиб кетар экан, ортидан ўқ овозини эшитади. Саросимада хонага қайтиб кирганида буюк шоирнинг гилам узра конга беланиб ётганини кўради. У ўз жонига қасд қилган эди. Гарчи шоирнинг ўлими ҳақида кейинчалик “маҳсулс уюштирилган”, “ташқил этилган” деган ривоятнамо гаплар тарқатилган бўлса-да, аслида унинг ўлими шу тахлит оддийгина содир бўлган эди.

Ҳаётини ёниб, ёқиб ўтқазган Владимир Маяковскийнинг таржимаи ҳоли, ижодий йўли қанчалар мураккаб бўлмасин, у санъаткор шоир сифатида рус шеърятини янгилаб, бойитиб, юксалтириб ўтди, буюк шоир сифатида жаҳон адабиёти тарихидан мустаҳкам ўрин олди.

*Ш. ТУРСУН  
ўғли тайёради*



## НОЁБ РОЛЛАР ЭГАСИ

Ўзбек профессионал театрининг ташкил топиши ва унинг дастлабки санъаткорлари ҳақида гап кетганида, энг аввал ёдимизга Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Аброр Ҳидоятлов, Обид Жалилов, Олим Хўжаев, Шукр Бурҳонов, Наби Раҳимов, Миршоҳид Мироқилов каби юксак истеъдод эгалари келади. Улар ҳақида гап кетганда эса, табиийки, санъаткорларнинг шоҳ роллари тилга олинади, ўзига хосликлари эътироф этилади. Булар орасида ўзига хос иқтидори, юксак салоҳияти билан танилган атоқли санъаткор Лутфулла Назруллаев ҳам бўлиб, таассуфки, бугунги кунда актёр номи бир қадар ёддан кўтарилгандай. Аслида эса, ўзбек театри ривожланишининг илк босқичини бу санъаткор фаолиятисиз, унинг ажойиб ижроларисиз тасаввур қилиб бўлмайдими...

Лутфулла Назруллаев 1903 йилнинг 15 июлида Бухорода туғилган. Санъатга бўлган иштиёқи туфайли ўн саккиз ёшида Бухоро театри труппасига актёр бўлиб ишга қиради. У ўзидаги кучли иштиёқ, қобилияти билан театرنинг таниқли санъаткорлари, хусусан, ўзи ташкил этаётган драматик труппа учун иқтидорли ёшларни тўплаётган Маннон Уйғурнинг эътиборига тушади. Улуғ театр арбоби Маннон Уйғур ёш актёрнинг меҳнатсеварлиги, роль устида тинимсиз изланиши, қаҳрамони ҳақиқатини топишга бўлган интилишига алоҳида аҳамият қаратади ва унинг ижодий ўсишига кўмаклаша бошлайди.

1924-27 йилларда Қозон театр

техникуми ҳамда Москвадаги театр студиясида таҳсил олиб, актёрлик маҳоратини чуқур ўзлаштирган Лутфулла Назруллаев 1927 йилда Маннон Уйғур ташаббуси билан Олим Хўжаев, Ҳикмат Латипов, Шариф Қаюмов каби санъаткорлар қаторида Тошкентда – Карл Маркс номидаги драматик труппада ўз фаолиятини давом эттиради. Шунинг таъкидлаш керакки, бу давр актёр ҳаётида янги босқични бошлаб берди. Айнан 1927 йилда театرنинг бош режиссёри этиб тайинланган Маннон Уйғур Лутфулла Назруллаев имкониятларини яхши билгани учун ҳам ундан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади. Натижада актёр турли спектаклларда зиддиятли характерга эга бўлган, тақдири мураккаб, қурашлардан қайтмайдиган образларни яратади. Лутфулла Назруллаевнинг ҳам миллий, ҳам жаҳон драматургиясига оид асарларда, турли жанрдаги спектаклларда бир хил маҳорат билан роль ижро этишида икки асосий омилни тилга олиш мумкин. Биринчиси, актёрнинг ташқи кўриниши. Унинг келишган қад-қомати, чакноқ кўзлари, қирра бурни ва чимирилган қошлари турли киёфадаги образларни яратишида унга жуда қўл келган. Иккинчи омил эса, табиийки, унинг ижро маҳоратидир. Актёрда импровизация нихоятда кучли эди ва у табиатан кувноқ, хозиржавоб бўлгани учун спектаклларда роль ижро этиш жараёнида ўзидаги бу хусусиятдан унумли фойдаланган. У ҳар икки омилни бир-бирига шу қадар уйғунлаштира билганки, томошабин саҳнада актёрни тамомила қаҳрамони киёфасида кўра олган. Жумладан, унинг Уйғун ва Иззат Султон қаламига мансуб “Алишер Навоий” спектаклидаги Ҳусайн Бойқаро образи ана шундай қаҳрамонлар сирасига қиради. Бу спектакль борасида сўз кетса кўпинча Алишер Навоий киёфасида – Аброр Ҳидоятлов ҳамда Олим Хўжаев, Мажидиддин киёфасида – Обид Жалилов номлари ёдга олинади. Яна бир етакчи қаҳрамон Ҳусайн Бойқаро образини яратган Лутфулла Назруллаев маҳорати ҳақида ҳам баланд пардаларда сўзлашга асос бор. Асар конфликтни гарчи Навоий ва унга қарши бўлган



Мажидиддин ҳамда Низомулмулк каби кучлар ўртасида содир бўлса ҳам, бу кураш, фитналарнинг барчаси Бойқаро образи оркали ўтиб келади. Драматургик асарда Бойқаро образи бироз иродасиз, билиб-билмай душманлар фитнасига учадиган, бўлаётган воқеаларни мушоҳада қилмай, кўркўрона иш кўрадиган қаҳрамон тарзида ифодаланади. Спектаклда актёр Лутфулла Назруллаев ижросида эса у тамомила бошқача қиёфа касб этади. Саҳна асарининг 1944 йилдаги дастлабки шаклида актёр қаҳрамонини маишатга берилган, иродаси сушт бир ҳукмдор сифатида ифодалаган бўлса, асарнинг 1948 йилдаги иккинчи талқинида Бойқаро образининг ижобий томонларини кидиришга, унинг инсоний хусусиятларига урғу беришга ҳаракат қилади. Лутфулла Назруллаев бу образни бир муддат талқин қилган актёрлар – Шукур Бурхонов ҳамда Асад Исмаатовлардан фарқли ўлароқ Бойқаро шахсини чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қиларкан, унинг ёшлигидан Навоий билан дўст бўлганига, улар буюк салтанат қуриш, адолат ўрнатишдек улғайганликларига эътибор қаратади. У дўсти Алишер билан орзу қилгани – Искандар ва Арастунинг ўзaro ҳамкорлигини ҳеч қачон унутмайди. Шу туфайли ҳам қийин вазиятларда Навоийга суянади, доимо унга эҳтиёж сезади. Бу эса, қанчалик хатоликларга йул кўймасин, Бойқаронинг тубанлик қаърида эмаслигини, фақат турли кучлар таъсиридан чиқиб кета олмаётганини билдиради. Шунингдек, Бойқаро – Л.Назруллаев Навоийнинг буюклигини яхши англайди. Яхши англаган ҳолда унинг буюклигига гард юктирмасликка ҳаракат қилади. Бу йўлда у аламини ичига ютади. Дардини бировга айтолмай, аламини майдан олади. Зеро, душманлар энди унга ўғли Бадиуззамонни ҳам қарши қилиб кўйишганди. Тўғри, бир қарашда бундай курашларга дош беролмай ичкиликка берилган Бойқарони иродасизликда айблаш мумкин дир. Бироқ Л.Назруллаев қаҳрамонининг ўзига хос ҳақиқатини ифодалашга ҳаракат қилади ва Бойқарони қийнаётган

дард тожу тахт учун бўлаётган курашларнинг беаёвлиги эмас, балки одамларнинг шу ҳукмронлик учун инсоний қиёфасини унутиб қўяётганида эканини роль ижроси воситасида кўрсатиб беради. Бир ўйлаб кўрайлик, инсонларнинг сохта қиёфалари, тинимсиз хиёнатлар, бу оламда ишонччи оклайдиган инсоннинг ўзи йўқлиги ҳақидаги ўй-хаёллар қайси виждонли киши юрагини зардобга тўлдирмайди? Йиғи келганда йиғлолмаслик, ожизликни қаҳри қаттиқлик билан яшириш, халққа ёрдам кераклигини англаб туриб, кўмак беролмаслик каби чорасизликлар Л.Назруллаев талқинидаги Бойқаро образида ўзининг ёркин ифодасини топган. Шу боис ҳам Лутфулла Назруллаев мазкур роли учун спектаклнинг бир қатор ижодкорлари билан бирга СССР халқ артисти унвонига сазовор бўлди.

Актёрнинг театрда ижро этган қаҳрамонлари орасида Ҳамзанинг “Бой ила хизматчи” асаридаги Холмат образи ҳам алоҳида ўрин тутади. Аслида Солиҳбойнинг хизматини қилиб, унинг қарамоғида яшовчи Холмат Лутфулла Назруллаев талқинида ўзига хос айёр, муғомбир киши сифатида гавдаланади. Ширинсўзликни ўзига никоб қилиб, бойдан фойдаланувчи Холмат бойнинг хотини билан дон олишиб юради. Худди мана шу образ талқинида Лутфулла Назруллаевдаги импровизация маҳорати яққол кўринади. Зеро, айти бир саҳнада бир ҳолатдан бошқасига ўтиш йўллари топа билиши, персонажлар билан муносабатда сўзларни ёдлаб эмас, балки вазиятдан келиб чиқиб ифода қилиши актёр маҳоратини белгилайди. Лутфулла Назруллаев ижросидаги Холматнинг характери спектакль воқеалари давомида ўзгариб боради. Асар бошида кун ўтказиш учун бойнинг хоҳишларига тилёғламалик билан кўниб келаётган Холмат асар сўнгига келиб зулмга қарши қатъий гапира оладиган қаҳрамонга айланади. Бу ҳақда академик Мамажон Раҳмонов шундай ёзган эди: “Назруллаев Холмат тимсолида ниҳоятда таъсирчан воситалар билан тор манфаатпарастлик дунёсининг қалин деворини ёриб, инсоний ҳақиқат томонига ўтган ажойиб

софдил киши образини яратади”<sup>1</sup>

Лутфулла Назруллаевнинг театрда ижро этган Дадавой, Қосим ака (“Навбахор”, “Хуррият”, Уйғун), Оташ (“Муқанна”, Ҳамид Олимжон), Мадазим (“Икки коммунист”, Комил Яшин), Полоний (“Гамлет”, Шекспир) каби бошқа роллари ҳам эътиборга лойиқ. Уларда ҳам актёр бир-бирига ўхшамаган, ўзига хос қаҳрамонлар тимсолларини яратган.

Лутфулла Назруллаев кинода унчалик кўп роль ижро этмаган. Бироқ санокли роллари билан ҳам у кино санъатида халқ эътиборини қозона олган. “Алишер Навоий” (режиссёр Комил Ёрматов) фильмидаги у яратган уста Жалолiddин сиймоси ўзига хос етук образлардан бири сифатида ўша давр томошабинлари хотирасида ёрқин из қолдирган. Актёр “Алишер Навоий” спектаклида шох ролига муносиб кўрилган бўлса, мазкур фильмда унга Жалолiddин роли насиб этди. Унинг ижоди кишилар ёдидан фаромуш бўлди дегунча, тасмаларда қолган ушбу роль хотираларни жонлантиради. Истараси иссиқ, кўзларидан ақл чакнаб турган уста Жалолiddин – Лутфулла Назруллаев доим яхшилик томонида бўлган, унинг тантанаси учун ҳар қандай курашга тайёр халқпарвар инсон. У керак жойда душманга қарши қўлига қилич олиб, жангга чиқиши мумкин (Навоий ва Паҳлавонлар билан бирга шахзода Ёдгорга қарши аркка кириб бориш лавҳасини эсланг),

зарур бўлса ўзи ёқлаган ҳукмдорнинг адолатсизлигига қарши халқни оёққа турғазини, бу йўлда ҳеч нимадан тап тортмаслиги мумкин. Энг муҳими, уста Жалолiddин – адолат тарафдори. У шу жафокаш халқнинг осойишта ҳаёт кечирини, ҳар ким ўз меҳнати билан умргузаронлик қилишини хоҳлайди. Дарвоқе, Жалолiddин роли ҳам актёрнинг Давлат мукофоти билан тақдирланишига сабаб бўлди.

Шу ўринда буюк театр ислохотчиси К.С.Станиславскийнинг “Ролнинг катта-кичиги бўлмайди, актёрнинг катта-кичиги бўлади”, деган сўзларида нақадар чуқур маъно борлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Зеро, айни бир асарда икки образни гавдалантирган ва ҳар иккаласи учун ҳам нуфузли мукофотларга сазовор бўлган Лутфулла Назруллаев, шубҳасиз, кичик ролларда ўз истеъдодини тўла намоён этаолган актёрдир. У қирқ йиллик ижодий фаолияти давомида бир-бирига ўхшамаган, турли жанрлардаги ўнлаб ролларни ижро этди ва ўз даври томошабинларининг олқишига сазовор бўлди. Замондошлари уни ўзбек театри саҳнасида ота ролларини энг кўп ижро этган актёр сифатида ҳам хотирлашади. Таассуфки, ҳозирда Лутфулла Назруллаев ижоди ҳақидаги манбалар кўп эмас. Вақт санъаткорнинг ноёб ижроларини олисларда қолдириб кетгандир, аммо бу ижроларнинг довруғи ҳамон яшаб келмоқда.

*Бахтиёр ЁҚУБОВ*  
*тайёрлади*

<sup>1</sup> Раҳмонов М.Р. “Ҳамза” (Ўзбек давлат академик драма театри тарихи). Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т.: 2001. 156-б.



## ЎЛМАС НАВОЛАР ИЖОДКОРИ

Халқнинг дилида ва тилида мудом яшаб қоладиган куй-қўшиқлар яратиш фақат айрича қудратли истеъдод соҳибларигагина насиб этади. Шундай бахтга муяссар бўлган Манас Левиев ҳақида сўз кетганида, “Ўткан кунлар”, “Маҳаллада дув-дув гап”, “Мафтунингман”, “Ёр-ёр” (“Қаердасан, менинг Зулфиям?”) каби машҳур кинофильмларимизда янграган кўшиқларни эслаш кифоя.

Буюк композитор Манас Левиев 1912 йил 25 июлда Наманганда Бенмин Мордухаев ва Блория Левиевалар оиласида дунёга келди. Бўлажак композиторда мусиқага муҳаббат уйғонишида онаси ҳамда акалари Рубен, Эбро ва Ягудаларнинг ҳиссаси катта бўлди. Айниқса, онаси профессионал санъаткор бўлмаса-да, жозибали овоз соҳибаси эди. Фарзандларига алла, лапарлар, ўзбек фольклори ва мумтоз кўшиқларидан айтиб бериб, санъатга яқинлик ҳиссини уйғотганди. Шу сабабли ёш мусиқачи сайил ва байрамларда, тўй-ҳашамларда ҳофиз ва санъаткорлар ижроларидан ҳайратланиб, уларга ҳавас қила бошлади. Саккиз ёшида ўзбек мактабига қабул қилинган, мактаб қошида ташкил қилинган ўзбек мусиқа чолғулари ансамблига аъзо бўлиб, қисқа муддат ичида ансамблнинг етакчи яккахонига айланади.

1922 йилда эса Левиевлар оиласи Самарқандга кўчиб боради. У ерда ёш санъаткор ўзбек мусикасининг

даргалари Леви Бобохонов, ака-ука Толмасовлар, Муллақандовлар, машҳур танбурчи Мурдахай Бараев билан яқиндан танишиш бахтига муяссар бўлади. Улардан ижрочилик маҳорати, санъат сир-асрорларини астойдил ўрганади. Ҳофизлардан олган “оқ фотиҳаси” билан ўз истеъдодини намоён эта бошлади ва баста-корликда самарали изланишлар олиб боради. Ёш бўлишига қарамай, дастлаб “Найчилар”, сўнгра Самарқандда машҳур бўлган “Шарк” номли чолғу дасталарини ташкил қилади ва узок йиллар давомида бу жамоаларнинг бадий раҳбари сифатида фаолият олиб боради.

1930 – 1932 йилларда Самарқанд мусиқа ва хореография таҳсил олади. Композитор мазкур даргоҳда таниқли санъат усталари А. Умурзоқов, М. Харратов, Д. Ибодов, А. Умаров, А. Исмаилов, машҳур назариётчи, мусиқашунос Н.Н. Мироновдан сабоқ олади. Мумтоз ижрочилик санъатининг етук усталари қўлида таҳсил олган Манас Левиев миллий ижрочилик анъаналарини пухта ўзлаштириш билангина чекланмайди, композитор бўлиш мақсадида Ленинградга йўл олиб, мусиқий техникумга ўқишга киради. Ноёб истеъдоднинг ёрқин ифодаси бўлган “Нурхон” номли илк симфонияси Ленинград Консерваториясига кириш учун махсус йўлланмага айланди. Ёш композиторнинг истеъдоди Европа мусиқа санъатининг буюк намояндлари Д. Шостакович, М. Гнесин, Х. Кушнареллар эътиборига тушди. Консерваторияда таҳсил олган даврдаёқ у “Қизил ва оқ гул”, “Ойдин кечалар” каби бир қатор Бухоро халқ кўшиқларини ноталаштирган эди. Ёш ижодкорнинг бошқа қатор асарлари ҳам Ленинград нашриётида нашр қилинади.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари композитор ўқишини вақтинча тўхтатишга мажбур бўлиб, кейинчалик яна таҳсилни давом эттиради. Тошкентга қайтган, қизгин ижод билан машғул бўлди. Хусусан, “Шерзод ва Гулдош”, “Семурғ”, “Олтин кўл”, “Юрак кўшиқлари”, “Тошболта ошиқ”, “Тошкентнинг нозанин маликаси”, “Кимга тўй, кимга аза”, “Омон-

Али, Замон-Али” каби ўндан ортик сахна асарларига мусикалар яратди. Ўша пайтларда яратилган “Меҳр ва Сухайл” балети эса унинг энг сара ижод намуналаридан бирига айланди. Композиторнинг симфоник ижодиёти хор ва оркестр учун яратган кантата-лари, поэмалари, ўзбек чолғу оркестри учун мўлжалланган увертюра, турли чолғулар таркиби ва оркестр учун ба-сталаган сюиталарида ўз ифодасини топди. Манас Левиевнинг ўзига хос мусикий тили халқчил, миллий куй-қўшиқлар замирида шаклланган. Ўз навбатида, миллийлик ва ўта жозибадор оҳангдорлик, куйларининг ёрқин тасвирий жиҳатлари композиторнинг барча сахна асарлари, вокал ва кино-

фильмлар учун яратган куй-қўшиқлари халқ орасида машҳур бўлиб кетишига, мухлислар қалбида ўчмас ўрин эгалла-шига асос бўлди.

Бугун Манас Левиев қолдирган ул-кан ижодий мерос ўзбек мусика санъа-тининг хақиқий дурдонасига айланган. Ўзбек ва тожик шоирлари ғазалларига яратган романс ва кўшиқлари, юздан ортик вокал асарлари республикамит телевидение ва радиосида, театр сахналарида, таниқли хонандаларнинг концерт дастурларида ҳамиша янграб туради. Бу эса буюк санъаткор Ма-нас Левиев истеъдоди ва ижодининг нақадар бетакрор ва умрбоқий экани-дан далолатдир.

*Равшаной ТУРСУНОВА,  
муסיқашунос*



## ИБРАТ

*“...Санъаткор билимли, ориф, сўз ва созни юракдан ҳис қиладиган инсон бўлиши керак. Қўшиқ матни мазмунини, руҳини, оҳангини, дардини тўла англаши зарур. Шоир шеърни ўйнаб ёзмайди, уни дард, эҳтирос, ақлий нафосат билан битади. Шу сабабли санъаткор ҳам уни шундай дард, эҳтирос, нафосат билан куй-лай олсагина тингловчига етказа олади. Қалбдан чиққан сўз, куй бошқа қалбларга етиб боради...”*

*Комилжон Отаниёзовнинг шогирдларига насиҳатларидан*

Мусиқанинг сирли олами ҳар қандай тингловчини ўз домига тортиб, ҳар кўйга солишга қодир. Зеро, унинг кучи ва таъсири чексиз эканлиги барчага аён. Шу боис, тингловчини мафтун этадиган, мукамал ва сеҳрли садо таратувчи ҳар бир санъаткор инсониятнинг эъзозидаги ижодкорга айланиши муқаррар. Халқимиз оташ-нафас хонишлари билан донг таратган хонандаларни эъзозлаб “ҳофиз” деб ардоқлайди. Бунинг замирида шундай маъно ётадики, у истеъдод, сабоқ, билим, тафаккур, ижод, овоз ва талқиннинг гўзал фалсафий уйғунлигини ўзида мужассам этади.

Ҳаёт мазмунининг кўламдорлиги ҳам ана шундай хислатларга эга бўлган забардаст ижодкорларнинг мавжудлигидандир. Ўзбек мусика дунёсида эл фаҳрига айланиб, қалбларда яшаб келаётган санъаткорлар кўп. Ҳожихон Болтаев, Мадрахим Шерозий, Ҳамроқул Қори, Акмалхон ва Бобохон Сўфихоновлар, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Расулқори Мамадалиев, Муҳаммаджон Қаримов, Орифхон Ҳотамов каби бетакрор овоз соҳиблари ва ижрочилиқда халқимизнинг эъзозига айланган хофизларни ким билмайди дейсиз?! Дунё мусика санъати хазинасига агар

ҳар бир халқ ўз миллий оҳанглари билан дахлдорлик касб этса, бу маънавий мулкка бизнинг ҳиссамиз, шубҳасизки, ана шу беназир номлар билан ҳам муҳрланган бўлади.

Хоразм воҳасида таваллуд топиб, санъаткор устозлар тарбиясида вояга етган, сирли овоз эгаси, сеҳрли садоларнинг чинакам махзани Комилжон Отаниёзов ана ўшандай халқ эъзозидоғи санъаткорлардан эди. У ўзбек мусика санъати ижодиёти ва ижрочилиғи тарихидан алоҳида саҳифани эгаллашга муяссар бўлган оташин ва фидойи ижодкор эди.

Комилжон Отаниёзовнинг санъатда эришган ютуқлари борасида сўз кетса, унинг энг мақбул шарҳи санъаткорнинг ўз битикларидир:

*Этим эдим асрадинг, улгайдим  
гани бўлдим,  
Илму хунарлар берди, бахтли  
давроним менинг.*

*Меҳнатим кўп ёшликда,  
подачилик касбинда,  
Меҳнат эвази ҳурмат  
давлатим берди менга.*

*Мактаб очиб кўзимни, устозлар  
илгин тутдим,  
Маърифатни ўргатди, раҳнамо  
бўлди менга.*

*Устозларимни десам, Абдукарим,  
Матпано,  
Тўйчи Ҳофиз, Шерозий, Юнус ака  
пир менга.*

*Тўхтасину Ҳалима, Карим Зокир,  
Мукаррам,  
Бола баҳши, Лутфихон, Зухрлар  
устоз менга.*

*Отаулло эшон, Ҳожихону Жўраҳон,  
Маъмур ҳофиз, Маткарим, Акбар  
қори фан менга.*

*Мандан олдин ким келса, гўзал  
санъат ичинда,  
Барчасини пеш тутдим, бўлди  
ҳодироҳ менга.*

1917 йилнинг 20 июлида Хоразмнинг Шовот туманида туғилган Комилжон ёшлик чоғларида замонасининг

устоз санъаткорлари Жумалок баҳши, Маткарим Абдурахмонов, Мадрахим Ёқубов (Шерозий), Қурбонназар Абдуллаев (Бола баҳши)ларга эргашиб халқ кўшиқ ва дostonларини ижро этиш усулларини ўрганди. Ёқимли овози билан тингловчилар назарига тушди. “Гўрўғли” туркумидаги дostonларни, “Юсуф ва Аҳмад” қиссасини, “Бозургон”, “Саётхон ва Ҳамро”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” каби дostonларни маҳорат билан ижро этди. “Етти йилга кетган ёрим”, “Душимда бир булбул кўрдим”, “Раънони кўрдим” каби дoston кўшиқлари, шунингдек, Махтумқули сўзи билан айтиладиган кўшиқлар ижроси билан халқ орасида доврўқ қозонди. Санъаткорнинг ўзида энди бастакорлик истеъдоди ҳам ниш ура бошлади. Зеро, бу Комилжон Отаниёзов ижодида хос бўлган характерли хусусиятдир. “Найлайин”, “На бўлди, ёрим келмади”, “Айрилмасин нигоридан”, “Отлан”, “Хуш қол энди”, “Оғанг келар мард бўлиб”, “Хайр энди” каби кўшиқлар устоз бастакорлик фаолиятининг илк намуналаридир. Дostonлар таъсирида ва заминида у “Кел, ёр, ўйланма-ўйланма”, “Гулдаста”, “Ишқинг ўтида девона бўлдим”, “Керакмас” каби ашулаларни ижод этди.

Хоразм воҳасининг сўнмас оҳанглари мужассам этилган суворалар Комилжон Отаниёзовнинг ижодида алоҳида ўрин эгаллайди. У даврининг улкан санъаткори Ҳожихон Болтаев раҳнамолигида сувораларнинг асл моҳияти, оҳанг жозибаси, уларнинг ижродаги сир-синаотларини ўзлаштиради. “Якпарда сувора”, “Хушпарда сувора”, “Кажҳанг сувора”, “Чапандози сувора”ларни кунт билан ўрганиб, гўзал талқинга эришди. Суворахонлик амалиётининг юкори чўққисига етган паллада устознинг сувораларга бўлган ижодий ёндашуви намоён бўлади. У сувора ижодиёти анъаналарини давом эттирган ҳолда, улуғлар сабоғини мукамал ўзлаштириб, ўзининг ижро услубига хос қилиб бир намуна, яъни ўз “Сувора”сини яратади. Ижрочилик амалиётига бу асар “Сувораи Комил” номи билан кириб келди ва халқимиз орасида кенг тарқалди.

Комилжон Отаниёзовнинг ўзбек

музыка санъатидаги амалларидан бири Хоразм ижрочилик услубини бутун Республика, қардош мамлакатлар ва чет элларда кенг оммалашшига қўшган ҳиссасидир. У Фарғона-Тошкент ижрочилик анъаналари доирасида ҳам “Суворийхонлик”, “Сувова ижодиёти”ни хонанда ва созандалар ҳамда ижодкорлар орасида кенг оммалашшига замин яратиб берди. Пировардида, музыка ижодиётида Фарғона суворалари, Тошкент суворалари каби асарлар мусикий меросимиз хазиналаридан жой олди.

Комилжон Отаниёзов нафақат Хоразм музыка мероси, балки Фарғона-Тошкент музыка мероси билан ҳам чуқур танишди. Уларни ўзлаштиришда замонасининг моҳир санъаткорлари Мулла Тўйчи Ҳофиз, Юнус Ражабий, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Акбар қори Ҳайдаров каби устоз ҳофизларнинг сабоқларига таянди ва уларнинг бой ижодиётдан унумли фойланди.

Устознинг Хоразм мақомларига бўлган муносабати ҳам ижоди ва ижрочилик фаолиятининг чўққисига айланди. Хоразм мақомларининг билимдони, ўз даврининг забардаст санъаткори Матпано ота Худойберганов раҳнамолигида Хоразм мақомларини ўрганди. Устозидан “Наво”, “Сеғоҳ”, “Рост”, “Дугоҳ” каби Хоразм мақом йўлларининг назарий, амалий ва ижровий жиҳатларини моҳирлик билан ўзлаштирди. Устозлари Ҳожихон Болтаев ва Мадраҳим Шерозийлар билан биргаликдаги ижрочилик фаолиятлари давомида мақомлар ижросини янада мукаммаллаштиришга муваффақ бўлди. Айниқса, Хоразм мақомларидаги “Дугоҳ”ни ўзига хос усулларда шундай маҳорат билан ижро этишга муяссар бўлдики, бу мақом ҳали-ҳануз халқимизни илҳомлантириб келмокда.

Комилжон Отаниёзов музыка ижодкорлигида Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Огаҳий, Машраб, Фузулий каби улуг шоирларнинг шеър ва ғазаллари, Махтумқули ва Муллонафас каби буюкларнинг ҳикматларидан озуқа олди. Ўзининг амалий фаолияти давомида “Салом хинд халқига!”, “Муборак”, “Салом сизга Хоразмдан”, “Олкиш”, “Азиз Ватаним”, “Муборак тўй, му-

борак”, “Айрилмасин нигориндан”, “Найлайн”, “Олма юзли нигорим” каби 100 дан ортиқ куй ва қўшиқлар яратишга эришди. Таъби назмга майил бўлиб, мазмундор шеърлар ёзди. Аввалига “Комий” кейинчалик “Комил” тахаллусида шеърлар битиб, уларга ўзи куй басталаб, ижро этди.

Комилжон Отаниёзовнинг созанда ва хонандаликда беназир устоз даражасига етганлигини унинг мактаби давомчилари, яъни шогирдлари маҳоратидан ҳам билса бўлади. У бу соҳада ҳам халқимизга ўрناк даражасида хизмат қилган буюк санъаткордир. Устозга эргашган шогирдларининг саноғи йўқ. Коммуна Исмоилова, Шариф Султонов, Олмаҳон Ҳайитова, Отажон Худойшукуров, Ортиқ Отажонов, Бобомурод Ҳамдамов, Раҳматжон Қурбонов... бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин.

Халқ дилини, кадрини куйловчи сўнмас асарлар ижод этиб, хонандаликда ўз ижро мактабини яратган забардаст санъаткор Комилжон Отаниёзов қисқа, лекин бошқа санъаткорлар ҳавас қилгулик мазмунли ҳаёт кечирди, ўзидан бетакрор ва беқиёс мерос қолдирди. Унинг ижоди, санъаткорлик одоби, музыка санъатимиз учун қилган хизматлари юксак маънавияти намунаси ва келажак авлодга ҳамиша ибрат бўлиб қолаверади.

Куйида ҳавола этилаётган беназир ҳофизнинг этагини тутган садоқатли шогирди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматжон Қурбоновнинг ибратли хотиралари ҳамда ҳофизнинг шеърини машқларидан намуналар юқоридаги фикрларимиз тасдиғи бўлса ажаб эмас.

*Соибжон БЕГМАТОВ,  
санъатишунослик фанлари  
номзоди, профессор.*

## Устоз ҳақида икки хотира

*Шаъм бўлиб ёритдим санъати  
жаҳон,  
Ўзим эрисам ҳам, олам чарогон.*

*Жондан жонга бердим, кўп  
жонли наво,*

*Шунинг-чун эл ичра бўлдим  
Комилжон.*

Бу воқеа такрорланмас овоз соҳиби,

Ўзининг илоҳий санъати, сози билан жумлаи жаҳонни ром этган устоз хонанда Комилжон Отаниёзов ҳақида ҳозирги вақтда ривоятга айланган, аслида эса яқин ўтмишда содир бўлган ҳақиқатдир. Устознинг довуғи Ўрта Осиё республикаларидан ташқари, Афғонистон, Эрон, Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Хитой ва яна ўнлаб мамлакатларда тарқалган эди. Зеро, ер юзи иқлимларида устозни бир кўриб, санъатидан, овозидан, нолаларидан баҳраманд бўлиш орзусида юрган шинавандалари, шогирд тушаман деган хонандалар, у кишига ҳавас қилиб фарзанди ёки неварасининг исмини Комилжон қўйган кишилар ҳисобсиз эди.

Шундай инсонлардан бири Туркиянинг Истанбул шаҳрида яшар экан. У мусиқа асбобларининг, айниқса торнинг устаси сифатида машҳур бўлиб, ясаган торларининг довуғи бутун мамлакатга тарқалган эди. Машҳур уста Комилжон Отаниёзовнинг ўзи билан учрашмаган бўлса-да, у кишининг санъатига чин ошиқ бўлиб, устознинг радио ва телевидениедаги ашулаларини мароқ билан эшитар ва грампластинкаларини йиғарди. Кунларнинг бирида тушида Комилжон Отаниёзов устага қараб кўлидаги торни оҳиста чертиб хиргойи қилаётган эмиш. Шундан сўнг уста: “бу тушни бекорга кўрмадим, бу Аллохнинг иродаси” деб, севимли хонандаси Комилжон Отаниёзовга атаб, юрак меҳрини бериб бир тор ясайди. Собик иттифоқ даврида бир мамлакатдан иккинчисига ўтиш ёки бир буюмни иккинчи бир мамлакат фуқаросига бериб юбориш анчагина мураккаб эди, шу сабабдан тор устахона деворида кўп йиллар осилиб туради. Бу вақт давомида уста ҳар куни Худодан омонатини олгунга қадар “ушбу торни эгасига топширсам, армоним қолмасди” деб умид қиларкан. Кунларнинг бирида Комилжон Отаниёзов Туркияга хизмат сафари билан келган делегация сафида ташриф буюради. Меҳмонлар гўзал Истанбул кўчаларини, бозорларини айланиб, иттифоқо чолғу асбоблари ясайдиган усталар растасига келишади. Машҳур усталарнинг ишларини зимдан кузата туриб, устознинг эътибори устахона

деворида осилган бир торга тушади. Устоз торни кўлига олиб, завқ билан кўздан кечиради. Чертиб кўргач, устандан унинг нарҳини сўраганда, табиийки, меҳмонларни танимаган уста: “Тор сотилмайди, у эгасини кутаяпти” – деб, совуққонлик билан ўз ишини давом эттираверади. Комилжон Отаниёзов торни истар-истамас устага қайтариб берар экан, бироз ранжигандай туюлади. Унинг торга ниҳоятда ишқи тушганини кўриб турган туркиялик мезбонлар бир оз ҳижолат тортиб, устандан “ҳеч бўлмаса, торнинг эгасини айтинг” – деб сўрашади. Шунда уста бу тор туркий халқлар мусиқа маданиятининг довуғли ижрочиларидан бири, мохир созанда ва хонанда ўзбекистонлик қардош Комилжон Отаниёзов учун ният қилиб, бир неча йиллар олдин ясалганини айтади. Ва ана шу, омонатни қачон ўз эгасига тақдим қилса, дунёдан армонсиз кетишини таъкидлайди. Агар умри вафо қилмаса, бу истагини фарзандларига васият қилиб қолдиришини, қачондир, кимдир шу торни эгасига етказса, қиёмат қарзи узилишини бир қадар шикасталик билан сўзлайди-да, ҳар куни шу торни олиб, бир марта “Хоразм лазгиси”ни чалишини айтади ва меҳмонлардан узр сўраб, торни яна қайтадан жойига илмоқчи бўлади. Шунда мезбонлардан бири мамнун холда: “Уста, Аллохдан сўраганингиз ижобат бўлди, умидингиз ушалди, торни ушлаган киши ўша сиз кутган табаррук инсон, шу торнинг ҳақиқий эгаси Комилжон Отаниёзов бўладилар”, – деб устозни таништиради. Бу хабарни эшитган уста бир муддат саросимаю ҳаяжонга тушиб, турфа ҳаракатлар ила Комилжон устознинг ёнига келиб: “Агар сен ҳақиқатдан ҳам Комилжон бўлсанг, ма, шу тор билан бир ашула айтиб бергин-чи”, – деб торни узатади.

Устоз меъёрида созланган торни кўлларига олиб, оҳиста чертиб устага қараб хиргойи бошлайди. Ушбу манзарани кўрган машҳур тор устаси устоз Комилжонга қараб “ё Аллох, ё Аллох” дея, ҳаяжон билан у кишининг пойига тиз чўкиб, этақларини кўзларига суртиб, кўзида ёш билан: “Мен Аллохга яна бир қарра иймон келтирдим. Кўзим очиклигида омонатни эгасига

топшираётганимга шукрона айтаман!” – дейди. Кейин маълум бўлишича Илло, Комилжон Отаниёзовнинг бу хиргойиси устанинг бир неча йиллар муқаддам тушида кўрган ҳодисанинг айнан ўзи эди...

Устоз Комилжон Отаниёзов кулиб: “Уста, минг бора қуллук, аммо, сиз тор учун озмунча меҳнат қилмагансиз”, деб нарҳига ишора қилади.

Шунда уста: “Мен меҳнатимга розиман. Сиз айтган қўшиқларни радио орқали, грампластинкалардан тингланганман, ишим қобилиятингизга бахшида. Сизнинг моҳир бармоқларингиз остида сеҳрли наво янграб, элларни мамнун этса, дуосини олсангиз, шунинг ўзи мен учун ҳам улкан бахт”, – деб, яна кўзларига ёш олади.

Устоз Комилжон Отаниёзов Туркия сафари тугагунга қадар устани ўзлари билан бирга олиб юрадилар. Уюштирилган концертларда эса ҳалиги турк устани олдинги қаторга ўтқазиб, ҳадя қилинган торнинг сеҳрли нолаларидан элни ҳам, устани ҳам баҳраманд этади.

Яна шундай воқеалардан бири ўз юртимизда бўлиб ўтган. Устоз Комилжон Отаниёзов буйрак касаллиги билан хасталаниб, Ўзбекистоннинг энг машҳур шифо масканларидан бири – Бухорои шарифда жойлашган Моҳи-Хоссага келадилар. Устоз сихатгоҳда чоғроққина, аммо шинам бир хонага жойлашиб, қадим Бухоронинг Қизилтепасидан келган 28-30 ёшлардаги Собиржон исмли навқирон йигит билан ҳамхона бўлиб яшайдилар. Муолажалар давомида устоз 3–4 кун бетоб бўлиб ётиб қоладилар. Собиржон Комилжон устознинг у-бу юмушларига имкон қадар кўмаклашиб туради. Устоз анча тузалиб, оёққа туриб кетганларидан сўнг ҳамхоналарига ўзларини яқиндан таништирадилар ва йигитнинг ҳам яшаш тарзи, оилавий аҳволи, у яшаётган қишлоқ ҳақида сўрайдилар. Сухбат асносида йигит санъатга жуда ошуфта эканини, яқин орада ўғлига тўй қилиш нияти борлигини айтиб ўтади. Собиржоннинг соф Бухоро шеvasида самимий сўзлашидан, қалбининг тозалигидан меҳрланиб устоз сафарлари қаригач, Тошкентга кетаётганларида йигитга турар манзилларини ёзиб бериб, “мабодо ўғлингга тўй қилиб,

дастурхон ёзсанг мени чорласанг, тўйингда хизмат қиламан”, дейдилар. Кунлар ўтиб, тўй куни белгиланганда Собиржон кайвониларга Комилжон Отаниёзов билан бўлган воқеаларни, у кишининг “тўйга таклиф қилсанг, бораман”, деган гапларини айтиб, маслаҳат сўрайди. Улар: “Эй йигит, кўрпангга қараб оёқ узатгин, ахир сен кимсан-у, Комилжон Отаниёзов ким, у киши келмайди, ўзимизнинг ҳофизлар билан тўйни ўтказавер”, деб айтишади. Лекин Собиржон барибир устозга телефон қилиб тўйга таклиф қилади.

Устоз сафарга отланиб, ҳамроҳлари билан Чўли Малик орқали Қизилтепа туманига қарашли бир қишлоққа яқинлашганида кўп узок бўлмаган жойдан ашулани меъёрига етказолмай чиранаётган ҳофизнинг овози эшитилади.

Мусиқа эшитилаётган жой – чоғроққина тўйхона бўлиб, маҳаллий ҳофиз “Феруз” ашуласини билганича қуйламоқда эди. У пайтлар ҳали телевизор, тасвирий реклама деган гаплар йўқ ҳисоби. Тўйхонадагилар устоз ва унинг ҳамроҳларини танимасаларда, ўзбекона урф-одатларга мувофиқ, меҳмон сифатида эътибор билан кутиб олиб, давранинг тўрига ўтқаздилар. Бир оз паришонхотирроқ юрган Собиржон туйқус меҳмонларни кўриб, Комилжон Отаниёзовни таниб қоладию, қувончдан ўзини устознинг бағрига отади. Бироз фурсат меҳмондорчиликдан сўнг, устоз микрофонга яқин келади ва Собиржонни тўй билан табриқлаб, фарзандига эзгу тилаклар билдиргач, микрофонни бир чеккага суриб, “бугун микрофонсиз ашула эшитасизлар”, дея, қўлига тор олиб халқ орасига кириб, тўй аҳлини ўзининг такрорланмас санъатидан баҳраманд қилади. Шу орада тўйда хизмат қилаётган хонандага санъат борасида анчагина ўгитлар ҳам беради. Тўйдан кетаётиб машҳур ҳофизнинг кўрманаси учун берилган барча тўёнларни бир бўғчага боғлаб, Собиржонга тақдим қилади. Қувончдан эсанкираб, чексиз миннатдорлик ҳислари билан турган йигит кўзларида ёш билан устани кузатиб қолади...

Устоз Комилжон Отаниёзовнинг бу олийжаноблиги ҳаётий ривоятга айланиб, ана шу қишлоқ аҳолиси



томонидан, нафақат қишлоқ, балки хофизнинг барча мухлислари томонидан то ҳозиргача хотирланиб, айтиб келинмоқда. Комилжон устоз ҳақида, хофизнинг, мусиқанинг буюк кудрати, сеҳри ҳақида халқимиз орасида тарқалган шу каби хотираларни қўйлаб келтириш мумкин. Дарҳақиқат, буюк санъаткорларгина бундай эътирофга – афсонаю ривоятларга ноил бўладилар.

*Раҳмон ҚУРБОНОВ,  
Ўзбекистон халқ артисти  
Шухрат ЎРОҚОВ,  
санъатишунослик фанлари доктори.*

## ҒАЗАЛЛАР

*(Машираб оҳанглирида)*

*Кўрсат юзингни девоналарга,  
Ишиқингда куйган афтодаларга.*

*Васлингга етмай афсона бўлдим,  
Лутф ила боққил афсоналарга.*

*Сансан жаҳонда маҳбуби доно,  
Жабрингни кам қил гамхоналарга.*

*Умид этарман меҳр ила шафқат,  
Қилгин тараҳхум бу гадоларга.*

*Оламда сендек моҳи талғат йўқ,  
Зоҳир эт партав шабнолаларга.*

*Девона бўлдим васлингни излаб,  
Солмадинг назар сарсоналарга.*

*Комилга бўлса васлинг муяссар,  
Мадҳингни ёзса дostonаларга.*

*(1963 йил, Ессентуки шаҳри)*

\* \* \*

*Меҳр узоринг бирлан оламни  
мунаввар қил,*

*Қолсин хуришид ҳайратда,  
партавинг намоён қил.*

*Гуллар очилиб ханда, ўзига қилиб  
банда,*

*Лоларух жамолингдин гунчани дилин  
қон қил.*

*Гар мени этсанг сар шод лутфингни*

*майи бирла,  
Этгил муродим ҳосил, рақибларни  
сарсон қил.*

*Бу нотовон ошиқнинг қон этма  
юррак-бағрин,  
Ушишоқлар аро ҳар дам маъишуқлигинг  
изҳор қил.*

*Қилсанг табассум ногоҳ севганингни  
кўрганда,  
Сўрголи гариб ҳолин лутфингни  
фаровон қил.*

*Кўрганда гизолингни асири бўлмиш  
нарғис,  
Қора чашимингга шайдо оҳуни  
гирифтор қил.*

*Боғ аро хиромингдан товусни қилиб  
ҳайрон,  
Қомати ниҳолингдан сарви қаддини  
доғ қил.*

*Истабман камолингни, хуришиди  
жамолингни,  
Олгил юзингдан парда ҳожатимни  
осон қил.*

*Андухи фироқингда ёнди неча йил  
Комил,  
Кўнгил комига етсин нақди хуснинг  
арзон қил.*

*(1963 йил, Ессентуки)*

## АНДИША ҚИЛ

*(Хувайдо газалига Комий мухаммаси)*

*Эй кўнгил, бу сўзим англа, ёрдин  
андиша қил,*

*Қилмаси сўзинг қабул, безордин  
андиша қил,*

*Жонинга жабр айлама, озордин  
андиша қил,*

*Эй дило гул чогида, гул кордин  
андиша қил,*

*Узмагил беҳуда гул, гулзордин  
андиша қил.*

*Гар йўлингда харж қилса, хону  
мону, молини,*

*Ҳам мулойимлиқ била, қурбон қилса  
жонини,*

*Емагил харғиз онинг миннатли*

берган нонини,  
Пашиаким бедорлиқдан ичди одам  
қонини  
Баъзи-баъзи мардум ул бедордин  
андиша қил.

Кетмагил, йўлдан адашма, сен уни  
ҳамдам билиб,  
Бермагил кўнглингни асло симу зар,  
андам билиб,  
Ҳам жароҳат кўксинг очма, ҳар  
сўзин малҳам билиб,  
Рози дилни айтмагил, ҳар кимни сен  
маҳрам билиб,  
Оқил эрсанг маҳрами асрордин  
андиша қил.

Кирдилар бўстон аро, сарви ниҳолин  
тикмади,  
Гар вафо тухмидин ул меҳрию,  
гулзор элмади,  
Келмади раҳми онинг, қаддини асло  
букмади,  
Кимки кирди бу чаманга, гулни  
узмай чиқмади,  
Аро-аро гул узарсан хордин  
андиша қил.

Беҳуда ўртанма, Комий раҳме  
қилмас бағри тош,  
Жонингга айлар жафо, дилдор  
билан қилма талош,  
Кўксингни садпора айлаб, ҳам қилар  
кўзингни ёш,  
Эй Хувайдо, этмагил Мансурдек  
сиррингни фош,  
Етким Мансур, аналҳақ дордин  
андиша қил.

\* \* \*

(Хислат газалига мухаммас)

Айролиқ ўти дилда ниҳондур,  
Етолмай васлингга бағримда қондур,  
Ақлимни олган ул моҳи тобондур,

Ҳажрингда, эй ёр, корим фиғондур,  
Тинмай кўзимдан ашким равондур.

Савдойи висол қилиб андиша,  
Зикр этмагим сени бўлибдур пеша,  
Зулмат фиरोқингда чекарман неча,  
Тортиб жудолиқ дардинг ҳамиша,  
Холим харобу рангим сомондур.

Келгил қошима мунис қарибим  
Холинг нечук деб бекас қарибим  
Озод қил замдан ҳам бергил насибим,  
Сен-сен ҳабибим, хозиқ табибим,  
Дардимга бешак бу бегумондур.

Йўл юрсам ҳодидур номинг тилимда,  
Ором олур бўлсам коминг дилимда,  
Гар етсам васлингга орзу элимда,  
Армону ҳасрат кўндир дилимда,  
Десам туганмас, гўёки қондур.

Бўлибман гирифтор ошиқи вола,  
Жамолинг кўролмай чекарман нола,  
Раҳм айла, кўз ёшим йўлингда жола,  
Эй ёри жоним, қилдим ҳавола,  
Ўзига бул кун ҳар ким ёмондур.

Бу ишқнинг дардидин масканим  
фурқат,  
Чекдигим куйингда оҳу надомат,  
Хун бўлди жигарим қилмасанг шафқат,  
Ҳам лола ёнглиг кўксимда қат-қат,  
Боз устига боз тоғлар ниҳондур.

Гулистонда йўқдур бундай латофат,  
Одамда бўларми мунча фазилат,  
Васлинг учун Комил тортади кулфат,  
Гулдай юзингнинг ишқида Хислат,  
Булбулга ўхшаши кори фиғондур.



## ЖОРЖО МОРАНДИ: ОДДИЙЛИКДАН БУЮКЛИККАЧА

Санъатга ошуфта кўнгилдан ёмонлик чикмайди, дейди доно халқимиз. Хоҳ куйга йўғрилган гўзаллик бўлсин, хоҳ бўёқларда акс этган чиройми, инсон неданки, кўнгли таскин, дили ором топса, завку шавқи ошса, бу – санъатнинг сеҳрию жозибаси сабабидандир. Гўзалликни бир бора кўрган, ҳис қилган инсоннинг қанчалар баҳридилди очилади?! Уни яратган инсоннингчи? Гўзаллик яратиш учун ўша бунёдкор инсон гўзалликни бошқалардан кўра кўпроқ ҳис қилмоғи, ундан таъсирланмоғи керак. Зеро, кўнгилдан ўтгани кўнгилларга етиб боради.

Ана шундай барчани ўз яратган гўзалликлари билан ҳайратга солган, бутун умрини ранг-тасвир санъатига бағишлаган италиялик таниқли мусаввир Жоржо Моранди (Giorgio Morandi)нинг асарлари ҳали ҳануз қатта қизиқиш билан қарши олинади. У ҳеч бир санъат турини ўзига бегона билмайди, ҳайкалтарошликми, наққошликми, графиками ёки мусиками – барчасида ўз имкониятларини синовдан ўтказилади.

Бўлажак рассом 1890 йил 20 июлда Италиянинг сўлим Болонья шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. Отаси вафотидан кейин оила бошига оғир кунлар тушди, Морандининг деярли бутун ёшлик ҳаёти қийинчиликлар билан кечди. У кичкинагина хонасига қамалиб олиб, ҳар хил расмлар чизар, лойдан турли-туман шакллар ясарди. Бутун кун шу машғулотлар билан ўтарди. Ҳар йили ёзда оиласи билан Аппенин

тоғларига чиқишар, келгусида у буюқ асарлари учун ўша ердан илҳом олгандек эди. Жоржо санъатга жуда эрта кўнгил қўйди. Илк сабоқни отасидан олган Моранди унинг, яқинларининг рағбати ва кўмагида 1907 йилда Болонья Нафис санъат академиясига ўқишга қабул қилинади. Ижодий фаолиятини ҳайкалтарошлиқдан бошлаган бўлғуси мусаввир илк ранг-тасвир асарини 1911 йилда яратади. Илқ суратларини ўша давр кубизм оқими<sup>1</sup> намояндаси П.Сезанн асарларидан илҳомланиб чизган бўлса, кейинчалик А.Руссо ижоди уни кўпроқ қизиқтира бошлайди. Унинг ишлари футуристлар кўрғазмасида ҳам қўйилади, бироқ улар билан алоқаси узокка чўзилмайди.

Кўп ўтмай Биринчи Жаҳон уруши бошланди, 1915 йили Моранди ҳарбий хизматга чақирув хати олди. Бироқ асаб толаларининг шамоллаши ташхиси билан у ердан қайтиб келди. Уруш йилларидаги қаҳатчилик унинг оиласини ҳам четлаб ўтмади, рўзгорини тебратиш учун бир муддат бошланғич мактабларда тасвирий санъатдан дарс берди. Шу билан бирга у вақтини метафизик рассомлар Де Кирико ва К.Карра ижодини ўрганишга бағишлади. Аммо бу ўрганишлар натижаси шуни кўрсатдики, Жоржо умри давомида метафизик йўналишда бирорта асар яратмади. Дастлабки асарларида оддийликни акс эттиришга интилса-да, уларда хилма-хиллик, жимжимадорлик кўзга яққол ташланиб турди. Унинг асарларини тушуниш учун Италия илк Уйғониш давридаги Жотто фрескалари, Ф.Сурбарана натюрмортлари ёки Шарден этюдларига назар ташлаш кифоя.

Италияда Муссолини бошлиқ фашистлар ҳукмронлигининг ўрнатилиши Моранди ҳаётига таъсир кўрсатмай қолмади. Аммо у бошқа модернист-рассомлар каби ўз йўлидан қайтмади, ишини давом эттираверди. Босқин пайтида халқининг миллий кадриятлари ҳамда аҳоли манфаатларини ҳимоя қилувчи гуруҳга аъзо бўлди. 1930 йилларга ке-

<sup>1</sup> Кубизм – тасвирий санъатда XX асрнинг I чорагида вужудга келган ва реализмга қарама-қарши ўлароқ борлиқни геометрик шаклларда тасвирлашга интилган оқим.

либ у Нафис санъат Академиясининг гравюра бўйича профессори унвонига сазовор бўлди. Бу вақтга келиб унинг асарлари нафақат мамлакатда, балки хорижда ҳам намойиш этила бошлади. 1930-1956 йилларда Болонья Академиясида наққош-ўймакорлик санъати бўйича дарс берди.

Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг эса унинг номи халқаро миқёсда эътироф этила бошланди. Жоржо Моранди 1948 йилда Венециядаги ўтказилган кўргазмада дастлабки муваффақиятга эришди ва Италиянинг машҳур расомлари рўйхатидан жой олди. 1958 йили илк бор она ватани – Италиядан ташқарига чиқиб, асарлари сабаб чет мамлакатларда ҳам бўлди. Энди унинг асарларидан киночилар ҳам фойдаланишар, омад, муваффақият уни ҳар томондан қуршаб олмоқда эди.

Бу вақтда унинг танкидчилари ҳам енг шимариб ишга тушиб кетишди. Айримлар уни Шарден мукофотини ўзлаштириб олганликда, буржуазия талабини мохирона бажо келтирганликда айблашса, бошқалар Италиянинг фахри бўлган замонавий санъатнинг барча ютуқларини инкор этаётганликда айблашди. Бирок, Италияда Моранди суратлари илинмаган на бой-бадавлат хонадон, на оддий хизматчининг уйи


қолганини ҳатто мунаққидлар ҳам тан оларди.

Охир-оқибат шундай бўлдики, му-саввир барчасидан – танкидчиларнинг айбловларию мухлислар олқишларидан тўйиб кетди. Ёшлик кезлари оиласи билан ҳар йили ёзда дам оладиган Аппенин тоғи яқинидаги Грициана қишлоғига кўчиб кетди. Умрининг охиригача у ерда ортиқча гап-сўзлардан қулоғи тинч, холи яшади. 1964 йилнинг 18 июнида у туғилган шаҳри – Болоньяда ёруғ дунёни тарк этди.

Бир қарашда Жоржо Моранди ижоди жўндек гўё. Кўзалару шишалар тасвири ҳатто зерикарли туюлиши ҳам мумкин, бироқ оддий маиший буюмлардан контраст усулида бутун бир санъат асарининг яралганлиги, унинг хайратомуз кайфияти ва ижодкор маҳорати сизни-да ўзига ром этади, ҳаёлот оламига чорлайди. Жоржо Моранди асарларининг сири шунда: оддийлик – ўзига хослик – ҳаётйлик.

Ҳозирда Болонья шаҳрида Морандининг уй-музейи сайёҳлар, санъат ихлосмандлари учун туну кун очик. Йўлингиз тушса, албатта, Моранди уй-музейига ташриф буюринг – самимий, муболағадан холи ноёб гўзалликларга гувоҳ бўласиз....

*Севара АЛИЖОНОВА  
тайёрлади.*



## ТАҚВИМ



## УЛАР ҲАМ ШУ ОЙДА ТУГИЛГАН ЭДИЛАР...

### 2 ИЮЛЬ

1714 йил. **Кристоф Глюк**, чехиялик машҳур композитор. 50 дан ортиқ опера ва балетлар яратган. “Орфей ва Евридика”, “Наргиз ва Садо”, “Артаксеркс” опералари, “Дон Жуан” балети унинг шоҳ асарлари саналади.

1923 йил. **Вислава Шимборска**, поляк шоираси. Нобель мукофоти лауреати (1996). “Кудрат”, “Юз хангома”, “Бахтли тасодиф”, “Кўприкдаги одамлар”, “Ибтидо ва интиҳо” каби китоблар муаллифи. Шеърлари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган.

### 3 ИЮЛЬ

1743 йил. **Гавриил Державин**, рус мумтоз шоири. У классицизм адабиёти намоёндаларидан бири, “Фелица” одаси билан адабиёт майдонига кириб келган. Унга “Худо”, “Шаршара”, “Амалдор” каби касидалари шуҳрат келтирган.

### 7 ИЮЛЬ

1884 йил. **Лион Фейхтвангер**, машҳур немис ёзувчиси, драматург. “Голланд савдогари”, “Дунё”, “Шоҳ ва рақоса”, “Яхудий Зюсс” каби пьесалар, “Симона”, “Учрашув зали”, “Опперман оиласи”, “Яхудий уруши”, “Қувғин”, “Омад”, “Бадхулк герцогиня”, “Саксония трилогияси”, “Банди” ва “Минг тўққиз юз ўн саккизинчи йил” каби кўплаб романлар муаллифи.

### 13 ИЮЛЬ

1934 йил. **Воле Шойинка**, нигериялик машҳур драматург, Нобель мукофоти лауреати (1986). “Шер ва одам”, “Ботқоқликда яшовчи одамлар”, “Уйдурма”, “Урмон кўшиғи”, “Иероним оғанинг мусибатлари”, “Бахус тантанаси”, “Улим ва шоҳ суворийси”, “Конго мавсуми” каби пьесалари унга жаҳоний шуҳрат келтирган.

### 14 ИЮЛЬ

1903 йил. **Ирвинг Стоун**, америкалик ёзувчи. Адабий-биографик асарлари билан шуҳрат қозонган. “Эгардаги денгизчи”, “Ҳаётга ташналик”, “Микеланжело”, “Жазавали дарвиш”, “Мангу муҳаббат ёхуд Мери Тодд ва Авраам Линкольн”, “Яралиш. Чарлз Дарвин”, “Акл иштиёқи”, “Барҳаёт аёл ёхуд Жесси ва Жон Фремонт”, “Ван Гог” каби романлари дунёнинг кўп тилларига таржима қилинган.

1904 йил. **Исаак Башевис-Зингер**, поляк тилида ёзган америкалик ёзувчи, Нобель мукофоти лауреати (1978). “Горайдаги иблис”, “Қўрғонча”, “Мулк”, “Москатлар оиласи”, “Қул” романлари, шунингдек, “Нодон Гимпл”, “Аёл”, “Кексалик даври” каби ҳикоялар муаллифи.

1914 йил. **Исохор Оқилов**, Ўзбекистон халқ артисти, машҳур рақос ва хореограф. “Катта ўйин”, “Лазги”, “Чархи дўзон”, “Яккақарс”, “Оҳанги кўҳистон” каби рақсларни маҳорат билан ижро этган. “Севги таронаси”, “Муножот”, “Тантана”, “Бухоро юлдузи”, “Тонг маликаси”, “Уч гўзал” рақсларини сахналаштирган. Оқиловлар сулоласининг асосчиси.

### 17 ИЮЛЬ

1888 йил. **Шмуэль Йосеф Агнон**, Польшада туғилиб ўсган яхудий ёзувчи. “Тўй чойшаби”, “Оддий тарих”, “Тунги меҳмон”, “Ташлаб кетилган хотинлар” сингари роман ва киссалари муваффақият қозонган. 1966 йилда “яхудий халқ мотивлари билан уйғунлаштирилган ўткир ва оригинал ҳикоя санъати учун” Нобель мукофотига муносиб кўрилган.

## 18 июль

1811 йил. **Уильям Теккерей**, англиз ёзувчиси. “Кибр бозори”, “Эсмонд”, “Пенденнис”, “Барри Линдоннинг амал пиллапоёси”, “Ревекка ва Ровена”, “Виргинияликлар” каби романлар, кўплаб ҳикоялар ёзган. Асарлари дунёнинг катор тилларига таржима қилинган, улар асосида фильмлар суратга олинган.

## 20 июль

1929 йил. **Неъмат Қўзибоев**, Ўзбекистон халқ рассоми, академик. Мусавирнинг “Ўзбой ўзанида”, “Қидирувчилар”, “Янгийўл”, “Чўпонлар хузурида”, “Нодирабегим”, “Юнус Ражабий”, “Миршоҳид Мироқилов”, “Абдулла Қодирий”, “Ибн Сино”, “Беруний”, “Навоий ва Султон Хусайн”, “Навоий портрети. Қуш тили”, “Фурқат” каби асарлари машхур.

## 21 июль

1899 йил. **Эрнест Хемингуэй**, америкалик машхур ёзувчи, Нобель мукофоти лауреати (1954). Адибнинг “Алвидо, қурол!”, “Чол ва денгиз”, “Қуёш барибир чиқаверади”, “Чошгоҳдаги ўлим” каби қисса ва романлари машхур. Асарлари дунёнинг кўп тилларига таржима қилинган.

## 22 июль

1946 йил. **Мирей Матъё**, таникли француз хонандаси. “Абадий севги”, “Париж тангоси”, “Ёлғиз Шанель”, “Салом, шамол!”, “Жезабел”, “Хайр, Бомбино”, “Кечир қайсарлигимни”, “Бир муҳаббат тарихи”, “Бесаме мучо”, “Кабутар” каби юзлаб тароналари дунёга машхур.

## 24 июль

1857 йил. **Хенрик Понттопидан**, даниялик романнавис, Нобель мукофоти лауреати (1917). “Жаннатмакон замин” трилогияси, “Қайрилган қанотлар” ҳикоялар тўплами, “Омадли Пер”, “Мархумлар салтанати”, “Усмирлик йиллари”, “Вужуднинг ўзгариши”, “Мерос ва бурч”, “Оилавий ҳаёт”, “Ўзим томон йўл” каби романлари билан дунёга танилган.

## 25 июль

1929 йил. **Василий Макарович Шукшин**, атоқли рус ёзувчиси,

кинорежиссёр, сценарийнавис. “Қишлоқ одамлари” ҳикоялар тўплами, “Любавинлар”, “Сизга эркинлик бергани келдим” романлари, “Улар Ватан учун жанг қилганлар”, “Ғаройиб кишилар”, “Қизил бадрезак”, “Сизнинг ўғлингиз ва акангиз”, “Иигит шундай яшайди”, “Юрт одамлари” каби муаллифлик фильмлари муваффақият қозонган.

## 26 июль

1856 йил. **Бернард Шоу**, машхур ирланд ёзувчиси, драматург. Нобель (1925) ва “Оскар” мукофотлари лауреати. “Цезарь ва Клеопатра”, “Буни вақт кўрсатади”, “Жон Булнинг бошқа ороли”, “Икки йўл ўртасидаги шифокор”, “Алвидо, Иоанна”, “Пигмалион” каби асарлари адибга дунёвий шухрат келтирган.

1921 йил. **Раҳим Аҳмедов**, Ўзбекистон халқ рассоми, академик. “Қашқадарёлик аёл”, “Муқимий”, “Шухрат Аббосов”, “Урол Тансиқбоев”, “Она ўйлари”, “Ўзбек қизи” каби портретлари, “Наҳор. Оқтош баҳори”, “Қўшиқ”, “Январь. 1924 йил”, “Баҳор” ва бошқа картиналари билан ном таратган.

## 29 июль

1900 йил. **Эйвинд Йонсон**, шведиялик машхур ёзувчи, Нобель мукофоти лауреати (1974). “Тиманлар ва адолат”, “Зулмат қаъридаги шаҳар”, “Ёруғликдаги шаҳар”, “Қамокхонадагилар ҳақида роман”, “Юлдузнинг учишига изоҳлар”, “Гамлет билан видолашув”, “Улуф ҳақида роман”, “Метапоньсон устидаги булут”, “Тўлқин” каби романлар муаллифи.

## 30 июль

1511 йил. **Жоржо Вазари**, италиялик мусавир. “Исонинг дафн этилиши”, “Сан-Лео қамали”, “Сабр”, “Тутқун”, “Микеланжело ёдгорлиги”, “Бенвенито Челлини портрети”, “Ёгин”, “Қабр устида”, “Венера ва Грация” каби асарлар муаллифи.

*М. МУҲАММАДАМИНОВА*  
тайёрлади

---

## RESUME

✍ Culture and literature in the Middle East and North Africa, collectively known as the Arab world, has a long history. You can not imagine the civilization of the East, the world as a whole, without cultural monuments of today at the Arab League, which is devoted to this magazine. Modern Arab literature is a collection of national literatures, sharing a common cultural basis, but developing in line with local cultural traditions, a throwback to the middle ages.

✍ A characteristic feature of the literature of the late 19th and 20th centuries is vibrant. Stories of the Egyptian writer-educator Al-Manfaluti laced with Eastern sentimentality. At the same time, the author criticizes the social injustice, preaches the “duty of mercy” to all the weak and defenceless.

✍ Arabic poetry, which traditionally describes the human feelings and emotions in this period has absorbed new motives. It became interested in political issues and status in society. Subject of poems ranges from the lovingly-philosophical lyricism to socio-critical realism, which is a striking example of creations of poets of Egypt, Iraq, Jordan, Palestine, Algeria, on the pages of the magazine.

✍ Analysis of development stages of civilization of the Arab world, the reasons for the decline of various aspects of life and culture, the origins of the waves of protests and demonstrations, known as the "Arab spring" social, economic and geopolitical consequences of disturbances – all this in the publicistic article of S. Yakubov.

✍ Translations of the great poet-enlightener Abdullah Avloni and world famous Russian poet Yevgeny Yevtushenko are presented under the headings of “heritage of outstanding interpreters” and “Meridians of poetry”.

✍ There are also materials on such famous personalities of the world and Uzbek literature, art – Vladimir Mayakovsky, Maria Ermolova, George Sand, Jean Cocteau, Komiljon Otaniyozov, Giorgio Morandi, etc.

---

## РЕЗЮМЕ

✍ Культура и литература стран Ближнего Востока и Северной Африки, обобщенно называемых Арабским миром, имеет многовековую историю. Нельзя представить цивилизацию Востока, всего мира в целом, без культурных памятников стран, входящих сегодня в Лигу арабских государств, которым и посвящен данный номер журнала. Современная арабская литература представляет собой совокупность национальных литератур, имеющих общую культурную основу, но развивающихся в русле местных культурных традиций, восходящих еще к средневековью.

✍ Характерной чертой литературы конца XIX и XX веков является злободневность. Рассказы египетского писателя-просветителя аль-Манфалути пронизаны восточной сентиментальностью. В то же время автор критикует социальную несправедливость, проповедует “долг милосердия” ко всем слабым и беззащитным.

✍ Арабская поэзия, которая традиционно описывает человеческие чувства и эмоции, в этот период впитала в себя новые мотивы. Ее стали интересовать политические проблемы и состояние общества. Тематика стихов разнообразна: от любовно-философской лирики до социально-критического реализма, чему яркий пример образцы творчества поэтов Египта, Ирака, Иордании, Палестины, Алжира, предоставленные на страницах журнала.

✍ Анализ этапов развития цивилизации Арабского мира, причины упадка различных аспектов жизни и культуры, истоки волн протестов и демонстраций, известных как «арабская весна», социальные, экономические и геополитические последствия беспорядков – всё это в публицистической статье С. Якубова.

✍ Переводы выдающегося поэта-просветителя Абдуллы Авлони и всемирно известного русского поэта Евгения Евтушенко представлены в рубриках «Из наследия выдающихся переводчиков» и «Меридианы поэзии».

✍ Также имеют место материалы, посвященные таким известным деятелям мировой и узбекской литературы, искусства как, Владимир Маяковский, Мария Ермолова, Жорж Санд, Жан Кокто, Комилжон Отаниёзов, Джордж Моранди и др.

**Бош муҳаррир:**

Шухрат РИЗАЕВ

**Таҳрир ҳайъати:**

Усмон ҚЎЧҚОР

(бош муҳаррир ўринбосари)

Юлдуз ҲОШИМОВА

(масъул котиб)

Амир ФАЙЗУЛЛА

Тоҳир ҚАҲҲОР

Назира ЖЎРАЕВА

Музаффар АҲМАД

Матлуба МАҲКАМОВА

Дилдора АЛИЕВА

Алимурод ТОЖИЕВ

# Жаҳон АДАБИЁТИ

2013 йил июль сони

Навбатчи муҳаррир М.АҲМАД  
Техник муҳаррир З.ФОЗИЛОВА  
Мусахҳих С.АЛИЖОНОВА  
Компьютерда саҳифаловчи М.АЛИЕВА

## Жаҳон адабиёти, 2013

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189

Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган кўлёзмалар қайтарилмайди.

“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

### Таҳририят манзили:

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61; 244-41-62.

Сайт: [www.jahonadabiyoti.uz](http://www.jahonadabiyoti.uz)

E-mail: [jahonadabiyoti@list.ru](mailto:jahonadabiyoti@list.ru)

Босишга рухсат этилди 25.07.2013 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.

Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.

Жами 1770 нусха. \_\_\_\_\_ рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.  
“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот  
ва ахборот агентлигининг “Ўқитувчи” НМИУда чоп этилди.

100206, Ўзбекистон, Тошкент ш. Янгишаҳар кўчаси, 1.

© Жаҳон адабиёти, 2013 й.